

НАЖМИДДИН  
КОМИЛОВ

# ТАСАВВУФ



ТОШКЕНТ  
«MOVAROUNNAHR» – «O'ZBEKISTON»  
2009

87.3(5)

K63

**Тақризчилар:**

фалсафа фанлари доктори **А. Холбеков**  
филология фанлари доктори **Ҳ. Ҳомидов**  
тарих фанлари доктори **У. Уватов**  
филология фанлари номзоди **Ш. Ризаса**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2009 йил 27 июлдаги 1316-рақамли хати билан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-01-382-7

© «MOVAROUNNAHR» нашриёти  
ҳамда «O'ZBEKISTON» NMIU, 2009

## ДЕБОЧА

Улуғ тарихий бурилишлар даври мафкурасини белгилаган жаҳоний динлар инсоният тараққиётининг муайян босқичида янги маънавий-руҳий зарурат, фикрий ва ҳиссий изланишлар эҳтиёжига жавоб тариқасида пайдо бўлганлиги сабабли маданий-маънавий ҳаётнинг ҳамма соҳасини қамраб олиб, ижодий кўтарилиш, тахайюл ва тасаввуротлар олами, ақлий ва бадий фаолият тарзига таъсир этиб келди. Айни вақтда инсоннинг тўхтовсиз ижодий фаолияти динларнинг ўзига таъсир ўтказиб, улардаги синкретиклик (омухталиқ) хусусиятини кучайтириб турди, янги таълимотлар, мазҳаблар, қарашлар силсиласини вужудга келтирди. Ислом оламида буни мўътазилия, ашъария, «ихвон ус-сафо» оқимлари таъсирида шаклланган илми калом, илми ҳикмат (фалсафа), илми ваҳдат ёки илми тавҳид (тасаввуф), шунингдек, исмоилия, қарматия, имомия мисолида кўриш мумкин. «Мафкуравий демократия»га изн бергани, инсон қалби ва руҳиятини нишонга олиб, жаҳолат ва худбинликка қарши ўлароқ майдонга чиққани, ахлоқий покликни тарғиб этгани сабабли тасаввуф моҳиятан илму ижод аҳлига яқин эди. Бу — бир томондан. Иккинчи томондан эса, шуни эътироф қилишимиз керакки, тасаввуф гарчи ислом бағрида ниш уриб, Қуръон ва ҳадислар ҳикматида озикланган, кўп ҳолларда шарият аҳкомига суянган бўлса-да, лекин у расмий диний ақидапарастлик ва мутаассибликка ҳамда ҳоким табақаларнинг айшу ишратга фарқ турмуш тарзи, талончилик ва манфаатпарастликка зид ўлароқ меҳнаткаш халқ норозилигини ифодалаб келди. Ушбу таълимотнинг эл орасида ёйилиб, фикрий янгиланишларга қанот бергани, Ҳақ ва ҳақиқатга ташна зиёлилар юрагини банд этганига сабаб шу. Қолаверса, тасаввуфнинг айни шаҳар ҳунармандлари, қадимдан маданияти ривожланиб келган илм-маърифат марказларида тараққий этгани ҳам бежиз эмас. Яна бу ўринда бир ҳодисани — тасаввуфнинг футувват билан қўшилиб кетиши ҳодисасини ҳам қайд этиб ўтмоқ жоиз. Футувват (жавонмардлик) аҳли ўз ҳаётларини дўст-биродарлари, яқин кишилари-нинг ҳожатини чиқариш, муҳтожларга моддий ва маънавий ёрдам

беришга бахшида этган одамлар бўлиб, аксар оддий халқ ичидан етишиб чиққан хунармандлар, олим ва санъаткорлар эдилар. Улар орасида сипоҳийлар, ном чиқарган паҳлавонлар ҳам бўлиб, шахсий ҳаётда ҳалол яшаш, зоҳиран ва ботинан пок бўлиш, нокас, номардларга яқинлашмаслик учун интилганлар; яширин жамиятлар тузиб, бир-бирларининг манфаатларини ҳимоя этганлар, уюшиб, ташқи душманларга қарши курашганлар. Чунончи, сарбадорлар ва Шарқдаги бошқа кўп озодлик ҳаракати намояндлари жавонмардлар эдилар. Улар тасаввуфни назарий таълимот, маслак сифатида қабул қилиб олдилар, ўз навбатида, кўпгина шайхлар футувват қоидаларини тариқатга сингдириб юбордилар.

Шу тариқа, тасаввуф мусулмон Шарқи мамлакатлари ижтимоий ва маънавий ҳаётига чуқур кириб борди; фан, маданият ва адабиёт ривожига катта ижобий таъсир кўрсатди. XI асрдан бошлаб Шарқнинг деярли барча нуфузли шоир ва ёзувчилари, мутафаккир ва олимлари тасаввуфдан озиқланиб, унинг инсонпарварлик ва ҳақсеварлик ғояларидан руҳланганлар. Шунинг назарда тутиб, атоқли олим Е.Э. Бертельс ўтган асрнинг бошидаёқ қайд этган эди: «Тасаввуф адабиётини ўрганмасдан туриб, ўрта асрлар мусулмон Шарқи маданий ҳаёти ҳақида тасаввурга эга бўлиш мумкин эмас. Бу адабиётдан хабардор бўлмасдан Шарқнинг ўзини ҳам англаш қийин»<sup>1</sup>.

Бунинг боиси шуки, тасаввуф ҳақиқий маънода инсонпарвар таълимот ҳисобланади. Инсоннинг камолоти, руҳий-маънавий юксалиши учун қайғуриб келган гуманистик таълимотлар ривожига бизнинг ватандошларимизнинг ҳиссаси беқиёс. Президентимиз И.А. Каримов алоҳида таъкидлаганидек, ислом маърифати ва маданияти ривожига ҳақида гап борганда, биз «мана шу қутлуғ заминимизда туғилиб вояга етган, муборақ номларини бутун ислом дунёси чексиз эҳтиром билан тилга оладиган Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Абдуҳолик Ғиждувоний, Замахшарий каби пири комилларимизни назарда тутамиз. Маънавий ҳаётимизни мана шу улуг номлар билан боғлаймиз. Биз бу мутафаккирларимизнинг қутлуғ меросидан бутун халқимиз, жумладан, ёшларимизнинг ҳам баҳраманд бўлишига, уларнинг мана шундай маънавий муҳитда камол топишига, ислом динининг инсонпарварлик фалсафаси, буюк ғоялари ёш авлод юрагидан ҳам жой олишига шароит яратмоқдамиз».<sup>2</sup>

<sup>1</sup> *Бертельс Е.Э.* Суфизм и суфийская литература. — М.: Наука, 1995. С. 54.


<sup>2</sup> *Каримов И.* Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-том. — Т.: Ўзбекистон, 1999. 353-бет.

Дарҳақиқат, қайд этиш зарурки, истиқлол йилларида бу соҳада ҳам анча ишлар амалга оширилди: тасаввуфга оид нодир манбалар ўрганилди, нашр этилди. Кубравия, яссавия, нақш-бандия (Хожагон) тариқатларининг шаклланиш жараёни, тарихий роли, бугунги маънавиятимиз учун аҳамияти очиб берилди. Хусусан, тасаввуфий адабиёт ҳолисона тадқиқ этилмоқда, тасаввуфнинг инсонпарварлик ғоялари билан уйғунлашиб, жаҳоншумул шеърӣ асарларнинг пайдо бўлишига туртки бўлгани олимларимиз томонидан кенг қўламда таҳлил этилмоқда. Воқеан, тасаввуф ғоялари бир бутунликни ташкил этадиган умуминсоний маданиятнинг таркибий қисмидир. Дин, фалсафа, адабиёт, санъат ва ҳоказо — буларнинг ҳаммаси шу муаззам дарахтнинг шоҳлари бўлиб, унинг илдизи халқнинг ижоди, дунёқарashi ва фикрий кашфиётларидир. Инсон бутун онгли тарихи давомида ўзини излади, ўрганди, бу йўлда юзлаб асо-тирлар, идеал қаҳрамонлар, назария ва таълимотларни яратди. Буларнинг кўпи тасаввуфга келиб қўшилган ва қайта ҳаёт топган. Шунинг учун тасаввуфда турли соҳалар, қарашлар туташиб, тўқнаш келгани, уйғунлиги ва ички зиддиятини кўрамиз. Бунда кенг фикрий майдонда ақл ва ҳикмат салобати ҳам, ҳис-ҳаяжонга ғарқ қайноқ ижодий парвоз ҳам, расм-русум, белгилаб қўйилган ахлоқий қонун-қоидалар билан бирга, айна шу қоида-қонунларни писанд қилмайдиган эркинлик туйғуси изҳори ҳам, яширин сиру асрор баробарида очиқ мантиқий-фалсафий мушоҳадакорлик ҳам бор. Шу боис баъзи оврупалик олимларнинг тасаввуфни «мистика» деб аташи бир ёқлама муносабат оқибатидир. Мистика — ғайб илмига ишонч, сирлилик демакдир. Кўрганимиздай, тасаввуфда бу нарса бор, аммо бу таълимот фақат шундан иборат эмас. Тасаввуф диний эътиқод, ҳикмат (фалсафа), бадий ижод омухталигидаги ҳиссий-тафаккурий таълимот бўлиб, илоҳий ишқ баённомасидир. Шунинг учун бўлса керак, тасаввуф шеърӣяти ҳозир ҳам қалбларни ларзага келтиради, инсонийлик ҳақиқатларини очиб, онгу шууримизга баҳорнинг тоза ҳавосидай таъсир этади, огоҳ этади. Нафақат биз шарқликлар, балки жаҳондаги турли қитъаларда яшовчи маънавий зилол чашмаларга ташна одамларнинг бу таълимотга иштиёқмандлиги, ўнлаб тасаввуфий асарларнинг таржима қилинаётгани, Аттот, Румий, Насимий, Машраб каби сўфий шоирлар асарларининг бутун дунёга ёйилгани шу меҳру муҳаббатнинг натижаси, албатта.

Ушбу китобларнинг биринчиси («Комил инсон ахлоқи») 1996 йилда, иккинчиси («Тавҳид асрори») 1999 йилда чоп

этилган эди. Ҳар икки китоб ҳам ўқувчилар томонидан яхши кутиб олинди, матбуотда ўндан ортиқ ижобий фикрлар билдирилган тақризлар эълон қилинди. Мухлислар ҳар икки китобни бирлаштириб, яхлит ҳолда қайта нашр эттиришга ундаганлари учун шундай қилишга қарор этдим. Бу ишда каминанага ёрдам берган дўсту ёрлар, шогирдларимга миннатдорчилик билдирмоқчиман.

*Муаллиф*



# КОМИЛ ИНСОН АХЛОҚИ

*Биринчи китоб*







## ТАРИХ ВА ТАЪРИФ

Тасаввуф тадрижий тараққиётга эга таълимот бўлиб, ислом оламида VIII асрнинг ўрталарида пайдо бўлган. Дастлаб у зоҳидлик ҳаракати кўринишида куртак ёяди. Гап шундаки, ҳазрат Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи васаллам вафотларидан кейин мусулмонлар жамоаси ичида бўлиниш юз беради, айниқса, халифа Усмон разияллоҳу анҳу замонида бойликка ружу қўйиш, қимматбаҳо тухфалар билан қариндош-уруғлар, яқин дўст-биродарларни сийлаш расм бўлади. Умавия халифалиги даврига келиб эса, сарой ҳашамлари, дабдабали безаклар, олтин-кумушга берилиш, хазина тўплаш авж олди. Яъни диний машғулотлар, Худо йўлидаги тоат-ибодат ўрнини дунёвий ишлар, дунё молига муҳаббат эгаллай бошлади. Бу ҳол диний амрларни адо этишни ҳар қандай дунёвий ишлар, бойликлардан устун қўйган эътиқодли кишиларнинг норозилигига сабаб бўлди. Улар орасида ҳадис тўпловчи муҳаддислар, илгаридан қашшоқ бўлиб, уй-жой, мол-мулкка эътибор қилмаган саҳобалар ҳам бор эди. Буларнинг бир қисми динни ҳимоя қилиб, очиқ курашга отланган бўлсалар, иккинчи қисми қаноат ва зуҳдни («зуҳд» сўздан «зоҳид» сўзи келиб чиққан) асосий мақсад қилиб олиб, сарой аҳли ва сарватдорлар, бойлар ахлоқига қарши норозилик белгиси сифатида таркидунёчилик ғоясини тарғиб этиб, ижтимоий фаолиятдан бутунлай четлашганлар, сурункали тоат-ибодат билан шуғулланганлар.

Куфа, Бағдод, Басра шаҳарларида таркидунё қилган зоҳидлар кўп эди, айтиш керакки, уларнинг обрў-эътибори ҳам халқ орасида катта бўлган. Чунончи, Увайс Қараний, Ҳасан Басрий каби йирик сўфийлар аслида зоҳид кишилар эдилар, шунинг учун бу зотларнинг номи шайхлар ва сўфийлар ҳақидаги тазкираларда зоҳид сифатида тилга олинади, баъзи муаллифлар эса уларни сўфийлар қаторига қўшмаганлар ҳам.

Бунинг боиси шуки, зоҳидлар узлат ва тақвони пеша этган бўлишларига қарамай, ишқ ва ирфон (илоҳий маърифат)дан беҳабар кишилар эдилар. Улар фалсафий мушоҳадакорлик, ажзу иродат билан маънавий-ахлоқий камолот сари интилиш, валий-

лик, кароматлар кўрсатиш каби хислатларга эга эмасдилар. Зоҳидларнинг нияти ибодат билан охират мағфиратини қозониш, Қуръонда ваъда қилинган жаннатнинг ҳузур-ҳаловатига етишиш эди. Сўфийлар назарида эса жаннат умидида тоат-ибодат қилиш ҳам таманинг бир кўринишидир. Ҳолбуки, сўфий учун на дунёдан ва на охиратдан тама бўлмаслиги керак. Ягона истак бу — Ҳақ таолонинг дийдоридир, холос.

Машҳур сўфий аёл Робиа Адавийя (714—801) Тангрига муножотларида нола қилиб айтар экан: «Эй Парвардигорим, эй Ёри азиз, агар жаннатинг тамаида тоат қиладиган бўлсам, жаннатингдан бенасиб эт, агар дўзахингдан қўрқиб ибодат қиладиган бўлсам, мени дўзах ўтида куйдир — минг-минг розиман! Аммо агар Сенинг жамолингни деб тунларни бедор ўтказар эканман, ёлвораман, мени жамолингдан маҳрум этма!»

Аллоҳ таолога қуруқ, кўр-кўрона мутеликниинг ҳожати йўқ. Унинг ғазабидан қўрқибгина амри маъруфни бажариш садоқат белгиси эмас, балки риёдир. Шунинг учун сўфийлар Аллоҳни жондилдан севиш, Унинг зоти ва сифатларини таниш ва билиш, кўнгилни нафсу ҳирс ғуборидан поклаб, ботиний мусаффо бир ҳолатда Илоҳ васлига етишиш ва бундан лаззатланиш ғоясини кенг тарғиб қилдилар. Инсон руҳи илоҳийдир ва, демак, асосий мақсад — илоҳий оламга бориб қўшилмоқдир, дедилар.

Шу тариқа, дунёдан кўнгил узган, аммо зоҳидларга ўхшамайдиган, «бир назар билан тупроқни кимё этадиган» (Ҳофиз Шерозий), зеҳну заковат, ақлу фаросатда тенгсиз, аммо ўзга мутафаккирлар, файласуфлардан ажралиб турадиган, шарият илмини сув қилиб ичган, тоату ибодатда мустаҳкам, лекин оддий диндорлардан фарқланадиган ажойиб хислатли одамлар тоифаси пайдо бўлган эдики, уларни руҳ кишилари деб атардилар. Бундай одамларнинг феъл-атвори, юриш-туриши, хориқулудда (одатдан ташқари) сўзлари ва ишлари атрофдагиларни ҳайратга солар, баъзиларининг ғайбдан башорат берувчи кароматлари, сирли мўъжизалари ақлларни лол қолдирарди. Уларни аҳлуллоҳ, авлиё, аҳли ҳол, аҳли ботин, арбоби тариқат, дарвеш, қаландар, фақир деган номлар билан тилга олардилар. Аммо бу тоифага нисбатан кўпроқ «сўфий» номи қўлланилган, чунки ушбу сўзнинг маъноси анча кенг бўлиб, бошқа тушунча ва атамаларни ўз ичига сиғдирарди.

Хўш, сўфий сўзи қаердан пайдо бўлган? Бу ҳақда бир неча хил қарашлар бор. Баъзилар бу сўз «саф» сўзидан келиб чиққан дейдилар, чунки сўфий Илоҳ йўлига кирганларнинг биринчи сафида турувчидир. Баъзи олимлар уни «суффа» сўзидан ҳосил бўлган деб айтадилар: асҳоби суффа Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам тирикликларидаёқ тарки дунё қилган тақводор кишилар бўлиб, сўфийлар шуларга тақлид қиладилар, деб тушунтирадилар.

Яна бир гуруҳ олимлар сўфий сўзи «сафо» сўзидан келиб чиққан, чунки бу тоифанинг қалби сидку сафо офтобидай порлаб туради, деганлар. Яна баъзилар сўфий «суфуҳ» сўзидан ясалган, суфуҳ — бирор бир нарсанинг хулосасидир, бу жамоа халқнинг хулосаси бўлганлиги сабабли уларни сўфий деганлар, деб ёзадилар. Сўфий сўзи «соф» сўзидан келиб чиққан, дегувчилар ҳам бор. Абу Райҳон Беруний бўлса «Осор ул-боқия» асарида ушбу сўзни юнонча «суф», яъни файласуф сўзининг охириги қисмидан ясалган деб кўрсатади. Аммо кўпчилик сўфий сўзи арабча «суф» сўзидан ҳосил бўлган, деган фикрни билдирадилар. «Суф» сўзининг луғавий маъноси жун ва жундан тўқилган матодир. Сўфийлар кўп ҳолларда жун чакмон ёки қўй терисидан тикилган пўстин кийиб юришни одат қилганлари учун уларни жун кийимлилар (форсчаси пашминапўш), яъни сўфий деб юритганлар. Бизнингча, шу кейинги этимологик маъно ҳақиқатга яқинроқдир, зеро, сўфий сўзининг «суф» сўзидан ясалиши араб тили қонун-қоидаларига мос келади.

Агар «суф» сўзидан сўфий ясалган бўлса, ўз навбатида, «суфий»дан «тасаввуф», «мустасуф», «муттасуф», «мутасаввиф» сўзлари ҳосил бўлган. Мустасуф ўзини сўфийларга ўхшатиб, тақлид қилиб юрадиган, аммо асл мақсади амал-мансаб, молу мулкка интилишдан иборат бўлган кишиларга нисбатан ишлатилган сўз бўлса, муттасуф тариқат ва ҳақиқатда муайян манзилларни эгаллаган, бироқ сўфий даражасига кўтарила олмаган кишидир. Қалбан сўфиёна ғояларга мойил, тасаввуфни эътиқод — маслак қилиб олган, лекин тариқат амалиётини ўтамаган, расман сўфий бўлмаган одамлар эса мутасаввиф ҳисобланганлар. Ҳусайн Воиз Кошифий «Футувватномаи султоний» номли асарида (А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994. Таржима бизники. -Н.К.) сўфийларнинг ўзини ҳам уч гуруҳга ажратган: муоширлар, мутарассимлар, муҳаққиқлар. Муоширлар — тариқат аҳлининг мухлислари. Улар дарвешларга муҳаббат билан қарайдилар, дарвешлар суҳбатда иштирок этадилар, уларнинг хизматларини бажарадилар ва савобга ўзларини шерик деб биладилар. «Мутарассим» сўзининг маъноси расму русумга эргашувчи демак, аммо мутарассимлар дарвешларнинг одатларига зоҳиран тақлид қилсалар-да, ботинан ҳол талабгоридирлар ва шу тоифага ихлослари туфайли илоҳий файдан баҳраманддирлар.

Муҳаққиқлар — Ҳаққа етганлар, уларни олий мартабали сўфийлар деб таърифлаш мумкин. Ҳақиқий авлиёлар, шайху муршидлар шулар ичидан етишиб чиққан. Бу ўринда муҳаққиқ сўфийларнинг нажиб сифатлари хусусида тўхталиб ўтиш жоиз, деб ҳисоблаймиз.

Аввало, шунини таъкидлаш керакки, чин сўфий ўзликдан ҳамда фоний дунёдан воз кечган ва Ҳақ бақосида ўзлигини қайта топган зот бўлиб, суратда бандаю, маънида озод кишидир. Сурат — ташқи

кўринишда банда бўлиш — жисм-танани Илоҳ тоатига бағишлаш бўлса, маънида озодлик — ботинни барча алоқалардан тозалаб, руҳни ҳур ва пок сақлаш демак. Сўфийга ҳеч бир нарса ва ҳеч бир киши қарам бўлмаслиги; унинг ўзи ҳам ҳеч бир нарсанинг, ҳеч бир одамнинг қарами бўлмаслиги керак. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд айтганларидай:

Ҳечи мо нею ҳеч кам не,  
Аз пайи ҳеч-ҳеч-ҳеч ғам не,  
Жанда бар пушту пушт-гўристон,  
Рўзе, ки мирем ҳеч мотам не.

Маъноси: Ҳеч нарсамиз бўлмаганлиги учун ҳеч камимиз йўқ, ўша «ҳеч», яъни нарса кетидан қувиб, ғам ҳам чекмаймиз. Эғнимизда — жанда, орқамизда — гўристон, биз вафот этган кун ҳеч бир мотамнинг ҳам кераги йўқ.

Сўфийнинг озодлиги деганда, тасаввуф аҳли солиқнинг башарий сифатлардан мутлақ қутулиши ва илоҳий фақр сифати бўлмиш пок руҳ кўринишида истиғно олами — Тангри таоло оламининг заруратлари бепеёнлигини куллан идрок этишини англаганлар. Сўфий яна «сирри соф, ақли етук, муҳаббат аҳлига дил боғлаган» (*Кошифий*) бўлиши, нафасидан бедардлар қалби бедор бўлмоғи керак. Сўфийлар руҳоният билан суҳбат қурадиган, кайҳону фалак асроридан мужда келтирадиган, фақрни ихтиёрий равишда бўйинга олиб, табиий ахлоқни тарк эта бориб, илоҳий ахлоқни касб этувчи, эзгулик йўлида жонини фидо қилувчидирлар, улар борлиқ ва йўқлик, замон ва макондан хориж, азалу абадни бирлаштирган мукаррам зотдирлар. Бу ўринда ҳазрат Абдураҳмон Жомийнинг «Субҳат ул-аброр» дostonида сўфийга берган таърифни келтирмоқчимиз, ўйлаймизки, бу қуйма ҳикматлар сўфийлар хислатини ёрқинроқ очишга ёрдам беражак:

Завқи сўфигари ар ҳаст туро,  
Бояд аз хеш назар баст туро.  
Сўфий он аст, ки аз худ растаст,  
Аз неку жастау аз бад растаст.  
Зодаи кавну зи кавн озода,  
Банди ҳастиву зи ҳастӣ сода.  
Бо изофат зи изофат берун,  
В-аз масофат зи масофат берун.  
Дар макон неву макон аз вай пур,  
Дар замон неву замон аз вай пур.  
Азалашро ба абад жанге не,  
Абадашро зи азал нанге не.  
Не зи адвор дар у таъсире,  
Не дар атвор аз у таъйире.

Маъноси: Агар сенда сўфийлик завқи бўлса, сен ўзингни унутишинг керак; ўзингга боқма, ўзгага боқ. Сўфий ўзидан қутулган, яхшилиқдан сакраб ўтиб, ёмонликдан озод бўлган одамдир. У дунёнинг фарзанди, аммо дунёдан озоддир, борлиқнинг тузоғида-ю, лекин борлиқдан халосдир. Ортиқчаликлар (моддийлик) билан бирга, бироқ ортиқчаликлардан ташқарида; масофада туриб, масофалардан ташқаридир. У маконда эмас, (макондан ташқарида), аммо макон, яъни дунё ундан тўла, у замондан ташқарида, лекин замон у билан бирга. Унинг азали ва абадияти орасида зиддият йўқ, абадияти азалидан ор қилмайди. Даврларнинг айланиши, ўтиши унга таъсир этмайди, унинг сийрати замонлар айланишидан ўзгармайди.

Ана шундай, даврларнинг алмашилиши, шоҳларнинг ўзгариши, сиёсату раёсат дарвеш сўфийнинг этиқоидига, хулқига таъсир қилмаслиги керак, сўфий майда манфаатлар, одамларнинг кундалик ташвишларигина эмас, умуман фоний дунёнинг ғаму муаммоларидан устун турадиган, тафаккурининг сатҳи фалаклар қадар қамровли, қалбида маънолар булоғи қайнаб турган комил инсон ҳисобланган.

Бундай кароматли инсонларни халқ азиз-авлиё, қудсий нафасли кишилар сифатида алоҳида эъзозлаган. Бу зотлар атрофдагилар онги ва шуурига қаттиқ таъсир ўтказганлар ва маънавият султонлари бўлиб майдонга чиққанлар. Уларнинг сўзи ва ҳаракати, хислати ва ахлоқи ҳаммага ибрат қилиб кўрсатилган. Жаҳоннинг бутунлиги, ободонлик ва осойишталик Парвардигор файзини етказувчи шу табарруқ зотларнинг дуоси, хайрли ишларига вобаста деб қаралган. Шу аснода авлиё-анбиёнинг меросхўри — давомчиси деган ақида шаклланган. Яъни, гарчи Пайғамбари охирзамон Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламдан кейин пайғамбар келмаса-да, аммо қутби киром валийлар ҳар замонда пайдо бўлиб, халқни ислом ҳақиқатларига ҳидоят этадилар, тўғри йўлга бошлайдилар. Чунончи, улўғ шоир Хусрав Дехлавий ўз пири Низомиддин Авлиёни шундай кишилардан деб таъриф этади ва «Матлаъ ул-анвор» достонида бундай ёзади:

Нури жаҳон аз қадами авлиёст,  
Жони назар дар жасади тўтиёст.

(Кўзнинг равшанлиги тўтиё вужудида бўлганидай, жаҳоннинг нури авлиё қадамидандир).

Демак, авлиё — жаҳоннинг нури, инсонлар кўзининг гавҳари. Авлиё Мустафонинг изидан борган ва унинг нафасидан баҳраманд одам:

Роҳраве, к-ў ба тариқи сафо,  
Рафта қадам бар қадами Мустафо.

Сирати маймун-ш ба динпарварий —  
Нухай дебочаи пайгамбарий.

(Низомиддин Авлиё сафо йўлида юрувчи шундай бир зотки, Мустафо орқасидан қадам-бақадам боради. Унинг бундай парвариш топган саодатли сийрати пайгамбар дебочасининг нухасидир).

Алишер Навоий ҳам Баҳоуддин Нақшбанд ва Абдурахмон Жомийни, гарчи Хусрав Деҳлавий, каби пайгамбар давомчиси, деб атамаса-да, лекин уларни «муршиди офоқ», «кошифи асрори илоҳ», барча ишлардан хабардор кароматли ва пок ниятли зотлар сифатида таъриф-тавсиф этади. Хожа Аҳрор Валий ҳам шундай таърифлаган:

Мулки жаҳон мазраи деҳқони ул,  
Балки жаҳон мулки ниғаҳбони ул.  
Йуқ мамоликка ниғаҳбон бўлуб,  
Борча салотин уза султон бўлуб...  
Ҳақ сўзини элга қилурда адо,  
Тенг кўрунуб оллида шоҳу гадо.

*(«Ҳайрат ул-аброр»дан)*

Бу фақат шоирларнинг ҳаяжонли таъриф-тавсифи эмас, албатта. Буни ўрта асрлар кишисининг тафаккур тарзи ва дунёқараш ифодаси, деб билмоқ керак. Сўфий ва дарвешлар ҳақиқатан ҳам катта нуфуз ва обрўга эга эдилар. Муқтадир шайхларгина эмас, қаландарлар, эшонлар, мажзуб, «девоналар», оддий дарвешларни ҳам одамлар ҳурмат қилганлар. Шунинг натижаси ўлароқ, дарвешлик ҳаракати кенг қулоч ёйган, дарвешлик удумлари шаклланиб, дарвешлар алоҳида бир тоифа — табақа сифатида жамиятда муҳим ўрин эгаллаган.

Бироқ бу бирданига юзага келган ҳаракат эмас, айтиб ўтганимиздай, тасаввуф ва дарвешлик ҳаракати узоқ тадрижий тарихга эга. Олимлар тасаввуф тарихини дастлаб икки даврга ажратадилар: биринчиси — зоҳидлик даври, иккинчиси — орифлик ва ошиқлик даври. Сўфийларнинг ўзини ҳам ориф сўфийлар, зоҳид сўфийлар, ринд сўфийлар, фақир сўфийлар, файласуф сўфийларга ажратиш мумкин.

Зоҳидлик даври сўфийлари (чунончи, Иброҳим Адҳам, Ҳасан Басрий, Абу Ҳошим Кўфий ва бошқалар) тақво ва парҳезкорликни бош мақсад деб билган бўлсалар, кейинги давр сўфийлари тафаккурий-шуурий ривожланиш — яъни дунёни ва Илоҳни билиш, танишни асосий мақсад деб ҳисоблаганлар. Биринчи даврни тасаввуфнинг ибтидоий даври («аввалги давр») сифатида тилга оладилар. Орифлик даври деб атаганимиз иккинчи давр ҳам (бу IX аср ўрталаридан бошланади) бир неча босқичларга эга.

Чунончи, IX—X асрлар — хонақоҳларнинг пайдо бўлиши, тариқат русумларининг шаклланиши даври. XI—XII асрлар — тасаввуф мактаблари, силсилаларнинг таркиб топиши даври. Бунда Миср, Бағдод, Басра, Бухоро, Нишопур, Термиз, Балх шаҳарлари тасаввуф ва тариқат марказлари сифатида муҳим рол ўйнаган. Натижада Миср, Хуросон, Мовароуннаҳр, Ироқ ва Туркистон мактаблари шуҳрат топган.

XIII аср — XIV аср бошлари тасаввуф тарихида алоҳида бир маҳсулдор даврдир. Бу даврга келиб, тасаввуф ҳам назарий-илмий нуқтаи назардан, ҳам амалий ҳаракатчилик нуқтаи назаридан ўзининг юксак чўққисига кўтарилган эди. Тасаввуф адабиётининг гуллаши ҳам шу даврга тўғри келади. Айниқса, Муҳйиддин ибн ал-Арабий, Яҳё Суҳравардий, Нажмиддин Кубро сингари мутафаккир шайхлар, Фаридиддин Аттор, Аҳмад Яссавий, Жалолиддин Румий каби улуғ сўфий шоирлар тасаввуф илмининг доирасини кенгайтирдилар, уни фалсафа ва ҳикмат билан бойитдилар. Агар IX—XI асрларда тавҳид асосларини чуқурлаштиришга қатта эътибор берилиб, тасаввуфнинг фано ва бақо каби тушунчалари, Ҳаққа восил бўлиш майли шиддат билан тарғиб қилинган бўлса, XIII аср ўрталаридан бошлаб тафаккурий-ақлий йўналиш етакчилик қила бошлади. Бу фалсафий оқим тасаввуф тарихида «ваҳдат ул-вужуд» номи билан шуҳрат топди. Сўфийлар энди коинот тузилиши, одамларнинг хусусиятлари, олам ва одам муносабатлари, комил инсон англамлари билан бош қотирадиган бўлдилар. Натижада, Ибн ал-Арабий ва Жалолиддин Румий каби зотларнинг асарларида бутун бир фалсафий тизим ўз ифодасини топди, улар илоҳий кашфу каромат, руҳий-психологик ҳолатлар, ботиний латифликлар билан бирга реал инсоний ҳаёт ҳақида ҳам жуда кўп ажойиб фикрларни баён этдилар. Шундай қилиб, тасаввуф Шарқ фикрий тараққиётидаги кўп асрлик тажрибаларни қамраб олиб, уни ривожлантирди, дин ва фалсафа, ҳикмат ва ваҳдат, калом ва ҳадис илмларини бирлаштирди, илоҳий илмлар билан дунёвий илмларни ўзаро боғлашга ҳаракат қилди. Натижада тасаввуф Шарқ кишисининг тафаккур тарзи ва ахлоқ нормасини белгилайдиган ҳодисага айланиб қолди.

Тасаввуф тарихига назар ташлар эканмиз, ислом динидаги мазҳаблар, қарашлар хилма хиллиги сўфийлар ҳаёти ва дунёқарашига ҳам инчунун таъсир этиб турганини кўрамиз. Хусусан, сунний ва шиа мазҳаблари орасидаги кураш сезиларли из қолдирган. Эрон олимлари, жумладан, «Тасаввуф истилоҳлари шарҳи» (Техрон, 1347 ҳижрий йили) номли қомус муаллифи Саййид Содиқ Гуҳарин тасаввуфнинг пайдо бўлиши ва қарор топишида шиа мазҳаби қарашларининг таъсири борлигини таъкидлайди. Бошқа бир қатор олимлар юнон фалсафаси, қадимги зардуш-

тийлар, ҳинд фалсафий-асотирий қарашларининг ролини кўрсатадилар. Тасаввуф амалиёти ва фалсафасида бу булоқларнинг самарали таъсири бўлиши мумкин. Лекин шунини таъкидламоқчимизки, исломий тасаввуф ўзи ўзлаштирган жамики нарсаларни ислом руҳида қайта ишлаб, шариатга мувофиқлаштирган. Яна шунини ҳам айтмоқчимизки, шиа ва сунний мазҳаблари орасидаги кураш тасаввуф силсилаларининг йўналишларини белгилаган. Чунончи, тайфурия, суҳравардия, ҳулулия, фирдавсия каби силсилалар кўпроқ шиачиликка мойил бўлса, яссавия, нақшбандия сулуқлари сунний мазҳабда мустаҳкам турган тариқатлар эди. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг асосий жидду жаҳди ҳам тасаввуф ва тариқатни сунний мазҳабига мослаштириш, уни шиачиликка хос жаҳру самоълардан тозалашдан иборат бўлган. Натижада, нақшбандия сунний мазҳабли аҳоли орасида чуқур ёйилган.

Аммо Нажмиддин Кубро асослаган кубравия силсиласида шиа ва сунний мазҳабдаги кишилар бирга таълим олардилар. Чунки улуғ шайхнинг ўзлари мазҳаб ва маслақларга эътибор қилмаган. Нажмиддин Кубро вафотидан кейин эса шогирдларнинг бир қисми сунний тариқатига (Сайфиддин Бохарзий каби), бир қисми эса шиа асосидаги тариқатларга (Саъиддин Ҳамавий каби) қўшилиб кетганлар.

Шу каби Жалолиддин Румий асос солган мавлавия мазҳаби ҳам сунний йўналишдаги тариқат бўлса-да, лекин диний ва мазҳабий айирмалар уларда у қадар аҳамиятли бўлмаган. Бугина эмас, Румий умуман динларнинг ўзини ҳам бир-биридан устун қўймай, уларни Тангри сари олиб борадиган турли йўллар, деб қараган. Бу ҳақда ҳали батафсилроқ тўхтаб ўтамиз.

Тасаввуф тарихи ҳақида гапирар эканмиз, ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанддан кейинги даврни ҳам баҳолашимиз лозим бўлади. XV—XVI асрлар Мовароуннаҳр ва Хуросонда нақшбандия тўла тантана қилиб, гуллаган давр бўлди. Айниқса, Хожа Аҳрор Валийнинг амалий ва Маҳдуми Аъзам — Аҳмади Хожагоннинг илмий фаолиятлари туфайли нақшбандия мустаҳкамланди, нуфузи ошди, Ҳиндистон, Арабистон ерларига етиб борди, Туркияга тарқалди.

Нақшбандиядан кейин тасаввуф тарихида бошқа силсила вужудга келган эмас. Эрон ва Ҳиндистонда айрим янги тариқатлар шаклланган, лекин улар шахобчалар бўлиб, тасаввуф учун янги назарий ва амалий йўналиш бермади. Умуман, XV асрдан кейин тасаввуфнинг назарий-фалсафий жиҳати сўна бошлади.

Маҳдуми Аъзам рисолалари нақшбандия ақидаларини шарҳлаш ва чуқурлаштиришдан иборатдир. Ҳиндистонда бир қадар тафаккурий силжиш бўлган. Жумладан, «ваҳдат уш-шуҳуд», «ваҳдат ул-мавжуд» оқимларини янги фалсафий оқимлар, деб



қараш мумкин. Бу қарашларнинг Мирзо Бедил ижодига таъсири бор. Яъни унда барча илмларни инсон шахси билан боғлаш, инсон ва унинг руҳини тадқиқ этишга уриниш бўлган. Бироқ, барибир, XV асрдан кейинги даврда илгари тўпланган тажрибани ўзлаштириш, шарҳу тафсир қилиш ва тарғиб этиш билан шуғулланилди. Шунинг учун энг тоза ва журъатли фикрларни биз IX—XIII асрларда яшаган сўфийларда учратамиз. Тасаввуфнинг классик даври ҳам шу даврдир.

Тасаввуф гоъларининг сарчашмалари устида баҳс бўлганидай, биринчи сўфийлар ким эди, деган саволга ҳам турли хил жавоблар мавжуд. Ҳусайн Воиз Кошифий «Футувватномаи султоний» асарида келтириладиким, биринчи сўфий Одам алайҳиссаломнинг фарзандларидан бири Шиш деган киши эди. У оқ пўстин кийиб юргани учун шу номни олганди. Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат мин шамоил ул-футувват» асарида биринчи сўфий сифатида ҳазрати Пайғамбаримизнинг замондоши ва муҳиби Увайс Қараний тилга олинади. Лекин Абдурахмон Жомийнинг «Нафаҳот ул-унс мин ҳазарот ал-қудс» асарида биринчи марта эл орасида сўфий лақаби билан шуҳрат қозонган киши Абу Ҳошим Куфий эканлиги айтилган. Уни Абул Ҳошим ас-Суфий ал-Куфий ҳам дейдилар. Жомийнинг ёзишича, Абу Ҳошим Суфён ас-Саврий деган бошқа бир атоқли дарвеш билан замондош бўлган экан. Суфён ас-Саврий ҳижрий 191 (милодий 807) йилда оламдан ўтган. Абу Ҳошим эса, Гуҳариннинг маълумотига қараганда, 788 йилда вафот этган. («Шарҳи истилоҳоти тасаввуф», I жилд. Муқалдима, 55-бет). Суфён ас-Саврий дейди: «Мен Абу Ҳошимни кўрганимга қадар сўфий нима эканини билмас эдим ва унғача ҳам зуҳд ва муомала ва вараъда, таваккул тариқи ва муҳаббат тариқида собит бузургворлар бор эдилар, лекин аввал кишиким уни сўфий деб атадилар ул эди ва унғача бирор кишини бу ном билан атамаган эдилар. («Нафаҳот ул-унс мин ҳазарот ал-қудс», Тошканд, 1913. —27-бет).

Рамла шаҳрида бино этилган биринчи хонақоҳни ҳам Абу Ҳошим қурдирган, дейдилар. Аммо Жомий шу муносабат билан бошқа бир ривоятни келтиради, чунончи: насроний амирлардан бири овга чиқади, саҳрода иккита одам икки томондан рўбарў келиб, бир-бирлари билан қучоқлашиб кўришадилар ва егуликларини ўртага қўйиб овқатланадилар. Сўнгра хайрлашиб, иккиси икки томонга йўлида давом этади. Буни кузатиб турган амир уларнинг ҳаракатларига қизиқиб қолиб, бирини тўхтатиб сўрайди: «Сен қучоқлашиб кўришган одам ким эди?» Дарвеш жавоб беради: «Билмадим». Амир яна сўради: «Сенинг қиминг бўларди?» Дарвеш деди: «У менга ҳеч ким эмас». Амир яна сўрадики: «У қаердан?» Дарвеш деди: «Билмадим». Шундан кейин насроний амир деди:

«Бас, сизларни бир-бирларингизга боғлаган бу улфатчилик қаердан пайдо бўлди?» Дарвеш деди: «Бу — бизнинг тариқатимиз».

Насроний амир дарвешга қараб, сизларнинг ўтириб суҳбатлашадиган жой-манзилларинг йўқ экан, мен сизларга бир жой қуриб берай, деди ва Рамла шаҳрида хонақоҳ бино қилди.

Ушбу ривоятни Абдурахмон Жомий Абу Ҳошим Куфий муносабати билан келтиради. Шунга асосланиб, Абу Ҳошимни биринчи хонақоҳ кўрган сўфий сифатида тилга оладилар.

«Абу Ҳошим насроний роҳиблар каби узун жун кийим кийиб юрар ва ҳамиша тақво билан кун ўтказарди» (Гуҳарин, юқоридаги асар, 53-бет). Саййид Содиқ Гуҳарин бундан ташқари Жобир ибн Ҳайён (822 йилда вафот этган) ва Аблак Сўфий (821 йилда вафот этган)ларни ҳам дастлабки сўфийлар сифатида тилга олади. Шуни ҳам қайд этиш керакки, тасаввуф аҳли чаҳор ёри изом ва Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг яқин саҳобаларидан Салмон Форсий билан Имом Жаъфар Содиқни сўфийлик ва валийлик хислати кўринган улуғ инсонлар сифатида эҳтиром билан тилга оладилар. Мазкур зотлар инчунин, жавонмардларнинг пирлари сифатида ҳам зикр этилади. Бежиз эмаски, кўп сўфийлар ўз шажараларини шу уч зотга ёхуд буларнинг бирови воситасида Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламга олиб бориб боғлайдилар. Чунончи, «Назм ус-силсила» асари муаллифи Васлий Самарқандий (XIX аср охири — XX аср бошларида яшаб ижод этган) ургутлик Эшони Валихон силсиласини ёзар экан, ул кишининг сўфийлик нисбатини қуйидагича белгилаб чиқади: ҳазрат Муҳаммад Расулуллоҳдан Абу Бакр Сиддиқ разияллоҳу анҳуға, ул кишидан Салмон Форсийга, ул жанобдан Имом Қосим разияллоҳу анҳуға, ул жанобдан Имом Жаъфар Содиққа, ул жанобдан Султон Боязид Бистомийга, ул жанобдан Абул Ҳасан Харақонийга, ул жанобдан Хожа Али Формадийга, ул жанобдан Хожа Юсуф Ҳамалонийга, ул жанобдан Хожа Абдуҳолиқ Гиждувонийга, ул жанобдан Хожа Ориф Ревгарийга, ул жанобдан Хожа Маҳмуд Анжирфагнавийга, ул жанобдан Хожа Али Рометанийга, ул жанобдан Хожа Муҳаммад Бобойи Самосийга, ул жанобдан Саййид Амир Кулолга, ул жанобдан Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларига, ул жанобдан Хожа Муҳаммад Алоуддин Атторга, ул жанобдан Хожа Яъқуб Чархийга, ул жанобдан Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валига, ул жанобдан Хожа Муҳаммад Зоҳидга, ул жанобдан Хожа Дарвешга, ул жанобдан Хожа Эмканагийга, ул жанобдан Хожа Муҳаммад Боқибиллоҳга, ул жанобдан Хожа Аҳмад Форуқ — Имом Раббонийга, ул жанобдан Хожа Муҳаммад Саидга, ул жанобдан Хожа Абдулаҳадга, ул жанобдан Хожа Муҳаммад Обидга, ул жанобдан Хожа Муҳаммад Мусохонга, ул жанобдан Хожа Муҳаммад Сиддиққа, ул жанобдан Мавлоно Ҳусайнга, ул жанобдан Мавлоно

Мирмухаммад Иброҳимга, ул жанобдан ҳазрати Эшон Хожа Валихонга сўфийлик нисбаси ўтиб келган. Демак, нақшбандия силсиласи Салмони Форсий ва Абу Бакр Сиддиқ орқали Пайгамбаримизга олиб бориб уланган.

Шу зайлда, тасаввуф тарихи ислом тарихи билан бирга ривожланиб, ислом маданияти ва маърифатига улкан ҳисса бўлиб қўшилди. Агар дастлабки пайтларда Куфа, Басра ва Бағдод шаҳарларида санокли даражада зоҳид ва сўфийлар яшаган бўлса, бора-бора мусулмон оламида шайху машойихлар, сўфий-дарвешлар, қаландарларнинг сони кўпайди, юқорида айтганимиздай, бу ўзига хос бир ҳаракатга айланди. Биргина Абдурахмон Жомийнинг «Нафаҳот ул-унс мин ҳазарот ул-қудс» номли китобида 664 та шайху сўфийнинг номи зикр этилади. Бу XV асргача яшаб ўтган атоқли сўфийлар тазкираси, ваҳоланки, бир қанча шайхларнинг номи Жомий китобида зикр этилмаган, Навоий уларнинг бир қисмини «Насойим ул-муҳаббат» асарига киритган. Шулардан юздан ортиқроғи Туронзаминда етишиб чиққан бузургворлар ҳисобланади. XV асрдан кейин ҳам яна қанча азизу авлиё яшаб ўтгандир.

Тасаввуф тарихи ҳақидаги қисқача нигоришимиз (обзор) ниҳоясига етар экан, яна бир нуқтани таъкидламоқчимиз: тасаввуфда турли йўналишлар, яъни зоҳидона тасаввуф, орифона тасаввуф, ошиқона тасаввуф ва риндона тасаввуф оқимлари бўлгани каби, сўфийлар ҳам турли қарашларга эга бўлган ҳар хил табиатли кишилар эдилар. Улар орасида зоҳидлар, мўътадил орифлар, исёнкор ошиқлар, мажзуб девоналар, дарбадар қаландарлар, донишманд файласуфларни кўрамиз.

«Мавлоно Жалолиддин, унинг ҳаёти, фалсафаси, асарлари» номли китоб муаллифи, туркиялик олим Абдулбоқий Гўпёнарли сўфийларнинг саккиз тоифасини ажратиб кўрсатади. Чунончи:

1. Ҳаёт ва дунё лаззатларига қаттиқ боғланган сўфийлар. Улар гуноҳу савоб, исён ва ахборни арзимас, ортиқча деб биладилар. Шаръий амрлар жамият интизоми учундир, бизга у тааллуқли эмас, биз завқу ҳол кишиларимиз, тақводан халосмиз, деб ўйлайдилар.

2. Коинотни Парвардигор зоти тажаллисининг сурати деб биладиган сўфийлар. Улар дунёни нақш ва ранглардан иборат деб билиб, бутун оламни эса Парвардигорнинг зотидан иборат, деб ҳисоблайдилар. Уларнинг фикрича, Мутлақ илоҳ дунё суратида тажаллий этибдур ва моҳият Унинг Ўзидир. Ошиқ ва Маъшуқ ҳам Удир, демак ҳақиқий қибла ҳам Унинг Ўзидир.

3. Ҳамма нарсани Мутлақ илоҳ тажаллиси деб билиб, Исога ўхшаб фикр юритадиган ва ўнг юзингга шапатиласалар, чап юзингни ҳам тут, деган ақидани олға сурадиганлар. Улар зулмга

эътироз билдирмайдилар, аммо мазлумларга иложи борича илтифот кўрсатадилар. Улар учун дунё ва унинг ишлари маънисиз, арзимас, инсон бурчини Илоҳни танишдан иборат, деб билладилар.

4. Фалсафани, ақлни рад этувчи сўфийлар. Улар хаёл оламига фарқ бўлиб, лохут оламидан сўз айтадилар, ўтмишдан ва келажакдан каромат қиладилар. «Ер юзидан хабарлари йўқ, аммо осмонни қадамлаб кезиб чиққандай гапирадилар. Оёқлари остидаги қудуқни билмайдилар, лекин сайёралар сайри-ю самовий ажойиботлардан сўзлайдилар». (Гўпёнарли, юқоридаги асар, 292-б.).

5. Ўз тасаввурларида фалсафа ва ҳикматни рад этмоқчи бўлган, лекин аслида сўфиёна ақидаларни фалсафий мушоҳадалар билан синовдан ўтказган, омукта этган сўфийлар. Булар орада қолганликлари учун шарият аҳли томонидан ҳам, тариқат аҳли томонидан ҳам маломатга учраганлар.

6. Тасаввуфнинг нозик ҳақиқатлари, фалсафа ва ҳикмат билан можароларини сезган ҳолда, аммо шариятдан кўнгил узолмайдиган сўфийлар. Улар тариқат одобини шарият аҳкомига сингдириб юборишга интиладилар ва тавҳид илмида мутаассиблар билан бир хил эътиқодда бўлишга уринадилар.

7. Шундай сўфийлар ҳам бўлганки, ўзларини замон пайғамбари, кўкдан тушган Маҳди, деб эълон қилганлар. Замона охир бўлгани, охират ва дунё бирлашгани ҳақида хабар берадилар, ўзларини Тангри зотининг ердаги кўриниши, Буюк адолат даврининг асосчиси деб таништирадилар. Бундай уринишлар тарихда қонли фожиалар билан тугаган.

8. Аросатда, зиддиятлар ичида қолган сўфийнамо кишилар ҳам бўлган. Улар на тоза мусулмон, на бутунлай ғайри имондирлар. Дардлари ичларида, ёниб қийналиб юрадилар. Бирор динга ёки мазҳабга боғланмайдилар. Аммо уларнинг ботиний олами ниҳоятда бой. Улар зоҳирларини беркитиб, сир сақлаб юрадилар. Уларнинг аъмоли ва сўзларига диққат қилсангиз, зиддиятни кўрасиз. Барча ҳолларда Тангрига бандаликни бажо келтирадилар ва айни ҳолда сурату сийратлар, расму русумларни писанд қилмайдилар, ахлоқ илмлари билан барчадан устунликларини намоён этадилар, заковат ва қобилиятлари ҳайратланарлидир.

Кўринадики, тасаввуф бир йўналишдаги таълимот бўлмаган, унинг шоҳ ва шоҳчалари кўп. Аммо бизни қизиқтираётган нарса унинг моҳияти ва ҳақиқати, халқ қалбидан жой олган инсонпарварлик ғоялари, улуғ адибларга илҳом берган Софлик, Ҳақиқат, Гўзаллик, Камолот идеали, шу идеалларга бўлган чексиз муҳаббатдир. Ҳазрат Навоий таърифлагандай, тасаввуф хилофу ихтилофи бўлмаган, риё ва манманлик, даъво-ю тамани инкор этадиган бир улуғ таълимотким, у инсон зийнати, тийнатини покловчи обиҳаётдир:

Бировга мусаллам тариқи тасаввуф,  
Ки зотида мавжуд эмасдур тахаллуф.  
Тасаввуф ризо аҳлидин яхши ахлоқ,  
Эрур истилоҳоти зебу такаллуф.  
Тасаввуф эмас зуҳду тақво-ю тоат,  
Ки анда риё йўл топар бе таваққуф.  
Эрур маҳз тақвою, лекин риёсиз,  
Убудияти сарфу айни талаттуф.  
Не эл қавлу феълига андин таадди,  
Не Ҳақ амру наҳйига андин тасарруф.  
Ўзин ўйла беихтиёр айлабонким,  
Не қолиб тараддуд анга, не таассуф.  
Қилиб Ҳақ вужудида маҳв ўз вужудин,  
Навоий мунӣ бил тариқи тасаввуф.

## ТАРИҚАТ

IX аср бошларига келиб тасаввуфнинг назарий асослари ишлаб чиқилди, сўфийларнинг амалий, руҳий-психологик машқлари, ўзини-ўзи тарбиялаш ва чиниқтириш тадбир-усуллари шаклланди, **ТАРИҚАТ, МАЪРИФАТ, ҲАҚИҚАТ** деган тушунчалар юзага келиб, тасаввуфнинг ушбу уч қисмига оид қарашлар мажмуи тузилди — тасаввуф алоҳида илм сифатида қарор топди. Сўфийлар дастлабки пайтларда тасаввуфни нуқул сиру асрор, тушунтириб бўлмайдиган ҳолатлар, «иборага келмайдиган ишоратлар» деб ҳисоблаган бўлсалар, бора-бора бу ҳолатлар ҳақида фикр-мулоҳазалар баён қилина бошланди, сўфийни тарбиялаш вазифаси, пир-муридлик қоидалари, одобини яратиш зарурати туғилди. Натижада тариқат ва шариат орасидаги муносабатлар, сўфийларнинг одам ва олам моҳияти, алоқа-муомаласи, тавҳид — ваҳдат масалалари мунозарага олиб чиқилди. Дин арбоблари билан сўфий шайхлари, айниқса, фалсафийлашган тасаввуф тарафдорлари жиддий мафкуравий тортишувларгача бордилар. Тасаввуф бутун Ислом оламини забт этиб, барча қадимий шаҳарларда хонақоҳлар қурилди, йўлларда работлар, зовиялар қад кўтарди. Хонақоҳ ва работлар, азиз авлиёларнинг мазоротида шайхлар маскан тутиб, кўплаб шогирдларни тарбияга олдилар.

Тасаввуфнинг илк даврида мақомот ва тариқат асосларини ишлаб чиқиш, сўфийлик йўриқларини, вазифаларини белгилаш ва илоҳий ҳақиқатларни эл орасига ёйишда Зуннун Мисрий (796—861), Боязид Бистомий (вафоти 875), Жунайд Бағдодий (вафоти 910), Ҳаким Термизий (вафоти IX аср охири) ва Мансур Ҳаллож (858—922)ларнинг хизмати катта бўлган. Кейинчалик Абу Саид Абул Хайр (967—1049), Абдуллоҳ Ансорий (1006—1089), Аҳмад Яссавий (вафоти 1166 йил), Яҳё Сухравардий (1155—1191), Ибн ал-Арабий (1165—1240), Нажмиддин Кубро (1145—1221), Баҳоуддин Нақшбанд (1318—1389) каби шайх ул-машойихлар тасаввуф илмини янги фикрлар, қарашлар билан бойитдилар, янги оқим, силсилаларини вужудга келтирдилар. Тасаввуф ҳақида бир қанча рисола ва китоблар ёзилди, тасаввуф ғояларини қизғин тарғиб

этувчи улкан шеърят вужудга келди. Тасаввуфга оид назарий китоб ва қўлланмалардан Абу Наср Саррож (вафоти 988 йил)нинг «Китоб ал-лумаъ», Абу Исҳоқ Калободий (вафоти 990 йил)нинг «Ат-Таъарруф ли-мазҳаб ат-тасаввуф», Мустамлий Бухорий (вафоти 1043 йил)нинг «Шарҳ ат-таъарруф ли-мазҳаб ат-тасаввуф» Абу Толиб Маккий (вафоти 998 йил)нинг «Кут ул-қулуб», Сулламий (вафоти 1021 йил)нинг «Рисолат ал-маломатия», Қушайрий (вафоти 1072 йил)нинг «Рисола фи ат-тасаввуф», Ал-Ҳужвирий (вафоти 1076 йил)нинг «Кашф ул-маҳжуб», Абдуллоҳ Ансорийнинг «Манозил ус-соирин», Фаридиддин Аттор (1119—1222-йил)нинг «Тазкират ул-авлиё» номли асарларини кўрсатиш мумкин. Булардан ташқари, Жалололдин Румий, Ҳофиз Шерозий, Шабустарий асарларига ёзилган шарҳлар ҳам сўфиёна ишора ва тамсилларни англашда муҳим рол ўйнаган.

Тасаввуфга оид илмий китоблар ва дастурларда тариқат атама-лари, мақомот манзилларини тушунтиришга кўп эътибор берилади. «Тариқат» сўзининг маъноси йўл демак. Яъни илоҳий маърифатни эгаллашга бел боғлаган кишининг руҳий-ахлоқий камолот йўли. Тариқатни тасаввуфнинг амалий қисми, деб таърифлайдилар. Дарҳақиқат, шундай, чунки пир-муридлик қоидалари, одобига риоя этиш, солик (яъни тариқатга қадам қўйган йўловчи) бажариши керак бўлган барча йўриқлар, иродат ва ишорат усуллари шу тариқат ичига киради. Тариқат ва унинг мақомотлари, маълумотларга қараганда, биринчи марта Зуннун Мисрий томонидан баён этилган экан. Абдуллоҳ Ансорий ёзадики, Зуннун Мисрийни фақат «каромат билан ситойиш» қилиш кифоя эмас, чунки унинг «илгида мақом ва ҳол суҳра эрди» (Алишер Навоий, МАТ, «Насойим ул-муҳаббат», 17-том, 29-бет). Яъни мақом ва ҳол илми Зуннун қўлида ўйинчоқдай гап эди, дейди Ансорий. Навоий ёзади: «Ул кишиким ишоратни иборатқа келтурди ва бу тариқдин сўз айтди ул эрди».

Демак, Зуннун биринчилардан бўлиб, сўфиёна ҳолатлар, кароматларни сўз билан ифодалаган. Зуннуннинг ўзи ҳикоя қилиб дейдики, уч сафар қилдим ва уч илм келтирдим; аввалги сафарда бир илм келтирдим, хос ҳам, авом ҳам қабул қилдилар, иккинчи сафарда яна бир илм келтирдим, хос қабул қилди, аммо авом қабул қилмади, учинчи сафарда яна бир илм ҳосил қилиб келтирдим, на хос қабул қилди ва на авом. Тасаввуф аҳли хос деганда илми ҳолдан хабардор сўфийларни, авом деганда эса, тасаввуфга ошно бўлмаган кишиларни назарда тутганлар. Зуннун айтган биринчи илм шариат илмидир, чунки шариат хосга ҳам авомга ҳам бирдай тегишлидир. Иккинчи илм — тариқат ёхуд муомалат ва муҳаббат илми, учинчиси эса — ҳақиқат, яъни Илоҳ ҳақидаги илмидир.

Агар Зуннун тасаввуфдан биринчи бўлиб «сўз айтган» бўлса, Жунайд Бағдодий «бу илмга тартиб бериб, баст қилиб (жамлаб) кутуб битди» («Насойим ул-муҳаббат», 61-бет). Сўнгра Жунайдининг кичик замондоши Шайх Абу Бакр Шиблий бу илмни минбар устига олиб чиқиб, элга ошкор қилди. Биринчи бўлиб муридларга раҳнамолик қилган ҳам юқорида номлари тилга олинган шайхлар бўлган.

Мурид — мурод, яъни мақсадга интилувчи одам; мурод эса — Аллоҳ таолонинг васли. Муриднинг асосий хислати ниёзмандлик, яъни талабгор бўлиш, муришиди комил этагини тутиб, айтганларига сўзсиз риоя қилишдир. Пирсиз солиқ манзилга етолмайди. Чунки одам ўзини ўзи назорат қилиши қийин, токи биров раҳнамолик қилиб, йўл кўрсатмаса, мушқули осон бўлмайди. (Буни Алишер Навоий «Лисон ут-тайр» дostonида ҳудҳуд ва талабгор қушлар мисолида яхши кўрсатиб берган). Раҳнамо бўлмаса, ҳатто энг яхши ниятлар ҳам самара бермай, қалбдаги завқу шавқ нотўғри йўлда сарф бўлиши, муҳаббат исёнга айланиши ҳеч гап эмас. Заҳириддин Муҳаммад Бобур айтганидек: «Йўлини толгайму киши то раҳнамо кўрсатмагай».

Шуни эътиборга олиб, тажрибали пирга қўл бериб, ирода-ихтиёрни унга топширганлар. Шу маънода тариқатни иродат ҳам дейдилар. Яъни иродани шайх иродасига мувофиқлаштириш, шайх иродасини ўз иродаси деб билиш.

Иккинчи тарафдан, бу муриднинг иродаси, мардлиги, ҳимматини синашни ҳам билдиради (мурид, мурод, ирода сўзлари ўзакдош), зеро, дунёдан кечиб, Илоҳ йўлига ўзини бағишлаш улуғ мардликдир. Муридга раҳбарлик қилувчи пирнинг ўзи ажзу изтироб йўли — тариқат мақомларини эсон-омон босиб ўтган, қалби Илоҳ маърифатига лиммо-лим ориф инсон бўлиши керак. Пир ҳар жиҳатдан муридга ўрнак бўлмоғи даркор: ҳам билимининг чуқурлиги, ҳам тариқат усулларини яхши билиши, ҳам кўнглининг поклиги, нафсини маҳв этганлиги ва ҳоказолар билан ажралиб туриши, салобати, сўзи ва ҳаракати билан, суҳбати ва назари, тадбири ва ҳимояси билан муридга таъсир ўтказмоғи лозим.

«Агар шайхлик рукнлари нечта, деб сўрасалар, еттита деб айтгил, — деб уқтиради Кошифий «Футувватномаи султоний» асарида. — Биринчидан, шайх комил маърифат эгаси бўлсин. Иккинчидан, ўткир фаросатли, одамшунос киши бўлиб, бир нигоҳ ташлаш билан муриднинг қобилиятини илғай олсин. Учунчидан, етук руҳий-маънавий қуввати бўлсин, токи агар мурид тариқат йўлидан адашса, унга маънавий мадад бериб, мушқулини осон қилолсин, тўғри йўлга солсин. Тўртинчидан, етарли даражада эркин одам бўлсин, яъни ҳеч нарсага муҳтожлиги



бўлмасин. Бешинчидан, ихлоси мустаҳкам бўлиб, риё ва тамани тарк этсин, мол ва мансаб деб бировга сарғаймасин, эгилмасин. Олтинчидан, ростлик ва беғараз дўстликни шиор қилсин — ҳақ сўзни ҳар ерда, ҳар қандай шароитда айта олсин, гапирганда иккиюзламачилик қилмасин. Еттинчидан, қалбида шафқат нури порлаб турсин, мурид манфаатини ва умум манфаатини ўз манфаатидан устун қўйсин (24- бет).

Пир муриднинг шодлигини ҳам, гамини ҳам баҳам кўрган. уни насиҳат, танбеҳ ва илҳомбахш сўзлар, ҳаракатлар билан руҳлантириб, қуйидан юқорига қараб тарбиялаб борган. Муриднинг қобилиятига қараб вазифалар ҳам мураккаблашиб бораверган. Кошифий давом эттириб, ёзади: «Агар ҳақиқат пирлари ким деб сўрасалар, бунинг аломатлари қуйидагилар деб жавоб бергил; тунларни бедор ўтказиш, ёмонлар билан ўтирмаслик, илм ўрганиш, ғийбат ва ёлғондан сақланиш, одамлар хурсандчилигини ишташ ва шу хислатларни ўз муридларига етказиш».

Бизнинг тарихимизда бундай мунавар қалбли нажиб инсонлар кам бўлмаган. Улар ўз муридларини фарзандларидай яхши кўрганлар.

Пир ҳеч ҳачон мурид молига кўз олайтирмаслиги, бирон-бир йўсинда тамага ишора қилмаслиги, аксинча, мурид қошида бирор мушкул туғилганда дарров ёрдам бериши, мушкулни ҳал қилиши керак. Муриднинг мушқули фақат моддий қийинчилик эмас, солиқлар буни ҳеч қачон эътиборга олмаганлар. Мушкул деганда тасаввуф аҳли маънавий муаммолар, юз берадиган ҳолатлар, туғилажак саволларни англайдилар. Пир ана шуларга жавоб топиб, муридни қаноатлантириши шарт. Агар қаноатлантиришга кўзи етмаса, муридни бошқа ўзидан кучлироқ шайхга тавсия этади.

Шуни ҳам айтиш керакки, солиқларнинг истеъдоди хилма-хил бўлганидай, пирларнинг мураббийлик қобилияти ҳам турлича бўлган. Баъзи шайхлар муридга тариқат одобини ўргатганлар, яъни уни хокисорлик, таслим ва итоатга келтириш, манманлик, ҳирсу ҳаво каби туйғулардан халос этиш билан шуғулланганлар. Баъзи шайхлар муридга руҳий каромати билан таъсир этганлар. Яна бир қисм шайхлар шогирдларига тасаввуф асосларини ўргатиш, назарий билимлар билан қуроллантиришга эътибор қилганлар.

Масалан, ҳазрат Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг бир нечта пирлари бўлган. Навоийнинг ёзишича, Улуғ Хожага «қабул назари» Бобойи Самосийдандир. Яъни Бобойи Самосий ёш Муҳаммад Баҳоуддиннинг келажакда истеъдодли шайх бўлишини каромат қилган. Ривоят қилишларича, Баҳоуддин ҳали туғилмасдан, Бобойи Самосий унинг оиласи яшайдиган Қасри Ҳиндувон кўрғони олдидан ўтаётиб, «бу ерда бир эр туғилур», дея башорат этган экан ва Баҳоуддин туғилган куни яна шу қаср олдидан ўтиб, «ул

эр туғилди», деб айтибдилар ва ичкарига кириб, чақалоқни бағриларига босиб, нафас қилган эканлар. Навоий дейдиким, ҳазрат Баҳоуддинга суҳбат нисбати ва тариқат одоби таълими ва зикр талқини Бобойи Самосийдандир. Бобойи Самосий ёш Баҳоуддинни Амир Саййид Кулолга топширади. Амир Саййид Кулол тариқат одоби таълимини давом эттирган. Бироқ ҳазрат Нақшбанд анча илгари вафот этган Хожа Абдулхолиқ Фиждувонийни ва Қусам шайхни ҳам ўз пирлари қаторига қўшади. Нега? Чунки Амир Саййид Кулол зоҳир юзасида пир бўлсалар, «ҳақиқат юзидан» руҳий тарбиятни ҳазрат Баҳоуддин Хожа Абдулхолиқ Фиждувонийдан олган. Бундай ғойибона руҳий-маънавий тарбия олишни тасаввуфда «увайсийлик» дейдилар. Сабаби Увайс Қараний ғойибона Ҳазрати Расулulloҳ руҳидан мадад олганлар, бу шунга ишора.

Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, шундай қилиб, тариқатнинг амалий йўриқларини Бобойи Самосий, Амир Саййид Кулолдан ўрганган бўлса, ботиний-маънавий таълимни Абдулхолиқ Фиждувонийдан қабул қилган. Шундай ҳолни бошқа шайхлар ҳаётида ҳам кузатиш мумкин. Айтганлардан пир ва муридлик муомаласида қуйидаги уч нарсага диққат қилинганини кўрамиз; биринчиси — суҳбат таълими. иккинчиси — хирқа кийгизиш, учинчиси — зикр талқини.

Шайх Саидиддин Фарғонийнинг айтишича, хирқа (дарвешларнинг махсус кийими) икки хил бўлади:

1) Иродат хирқаси; 2) табаррук хирқа. Иродат хирқаси, яъни сулуқ хирқаси битта пирдан олинади. Иродат хирқаси — муайян шайх сулукига тааллуқлиликни билдиради. Табаррук хирқани эса кўп шайхлардан олиш мумкин экан. Шу каби бўрк, кулоҳ, кўйлақлар ҳам табаррук туҳфа сифатида қабул қилинган. Талқини зикр ҳам битта шайхдан олинади, аммо суҳбат таълимини киши истаган шайхдан олиши мумкин. Хирқа кийдириш ва зикр талқинининг ўзига хос маросимлари, талаблари бўлган. Булар ҳақида батафсил тўхталишга бу ўринда имконимиз йўқ.

Тариқатда мақомот ва ҳол тушунчалари муҳим ўрин тутди. «Мақомот» — мақом (манзил, бекат) сўзининг кўплиги бўлиб, солиқнинг руҳий-маънавий камолоти босқичларини англатади. Абу Наср Саррож тариқатнинг қуйидаги мақомларини қайд этган:

1. Тавба.
2. Вараъ.
3. Зуҳд.
4. Фақр.
5. Сабр.
6. Хавф.
7. Ражо.
8. Таваккул.
9. Ризо.

**Тавба**—қайтиш демак, яъни камолотга, олий ахлоқий сифатларга қайтиш. Тавбани боб ул-абвоб — эшикларнинг эшиги ҳам дейдилар, чунки тариқатга қадам қўйган одамнинг нияти ва моҳияти аввало шу тавбасида аёнлашади. Тавбанинг ҳақиқати шуки, солик Худога етишиш йўлида ғов бўладиган жамики нарсалардан юз ўгиришга қасамёд этади, бутун интилиши, таважжухини Аллоҳга қаратади, аввалги ҳаёт тарзидан бутунлай воз кечади. Тавба куфрдан қайтиш, шариат ман этган наҳй ва ёмон ишлардан қайтиш, замима ахлоқдан ҳамиди ахлоққа қайтиш, Ҳақнинг ғайри бўлган нарсалардан қайтиш кабиларни ўз ичига олади. Тавбанинг моҳияти ўз нуқсонларини кўра билиш, ўзининг аҳволини англаш, қабиҳ ишлар, қабиҳ феъл ва қабиҳ фикрдан қайтиш, дунёнинг маънисизлиги, арзимаслигини англаб, зулму адолатсизликдан қайтишни ҳам билдиради. Қўрқув тавбаси, яъни гуноҳга иқрор бўлиш — оддий одамларга хос. Сўфийлар тавбаси эса қалб истижоби, яъни истижобат — узилиш, ўзгариш тавбасидир.

**Вараъ** сўзининг маъноси парҳез, тақво бўлиб, булғанишлардан, маънавий зарар келтирадиган шубҳалардан сақланиш демакдир. Шиблийнинг кўрсатишича, вараънинг уч кўриниши бор: тил вараъи, яъни тилни бемаъни гаплар учун ишлатмаслик, ғийбат-туҳматга берилмаслик; кўз вараъи — шубҳали нарсалардан сақланиш, ғализ шаклларга боқмаслик; қалб вараъи, яъни паст ҳимматни тарк этиш ва нохуш қилиқларни қилмаслик. Кўнгил ман этган жамики нарсалардан парҳез қилиш, тамадан сақланиш, маҳрумликдан кўрқишдан ҳазар қилиш. Хуллас, тилга, кўзга, қулоққа ва оёққа банд солиш.

**Зухд** — вараънинг давоми ҳисобланади, бу ҳам парҳез, ҳазар қилиш демакдир. Аммо бунда таом ва ичимликдан сақланиш, ҳалол ва ҳаромни ажратишга алоҳида аҳамият берилади. Зухд сўфий учун дунё ва охират тарки, дунё молига эга бўламан, деб интилмасликдир. (Ҳадис: Кимки дунёдан парҳез этса, унинг қалби тажаллиёт нури кирадиган жойга айланади). Жунайд Бағдодий сўзи: «Зухд — қўлни мулкдан холи тутиш, дилни эса Ҳақдан ўзга ҳар нарсадан пок сақлаш демак». Ҳаззолий дейди: «Зухд дунёдан ихтиёрий равишда воз кечиш ва бунинг учун қайғурмасликдир».

**Фақр** — маъноси қашшоқлик, бенаволик. Сўфийлар наздида улуғвор илоҳий моҳият касб этиш бўлиб, Худога бандаликни сидқидилдан олий даражада бажо келтириш, бандаликдан шараф топиш, ниёзмандлик ва талабгорликда йўлдаги тупроқ мисол ному нишонсиз бўлиш, Илоҳ наздида ўзини зарра, балки заррадан ҳам кам, деб ҳисоблаш. Ва шу мартабада комиллик рутбасини қозониш ҳам. Барча нарсалар, оламу одам Аллоҳга тегишли, инсоннинг вужуди ҳам ўзиники эмас, чунки у ҳам Яратганнинг мулкидир.

Фақрни ана шундай мазмунда англаган одам тасаввуф моҳиятига ҳам етиб боради.

**Сабр** — тоқат, чидам. Сўфийлар тилида қийинчиликлардан шикоят қилмаслик, айниқса, Худодан бошқага нола-илтижо қилмаслик. Сабр этувчи (собир) ўзини бало гирдобига солиб, балолардан қўрқмайдиган одамдир. «Сабр кушойиш учун интизорликлар» (Саҳл Тустарий), яъни руҳий-маънавий мушкулликлар юз берганда, сабр қилган солиқ кушойиш топади, янги манзилларни кашф этади. Сабр — имоннинг ярми дейдилар, чунки сўфийнинг душмани бўлган нафс сабр орқали жиловланади, тоатдан ҳаловат топиш ҳам сабр билан бўлади.

**Хавф** — қалбнинг ишончдан, имон аминидан чиқиши, иккиланиш, таҳлика. Вақтинчалик шайтон найранги ҳам кўнгилга хавф-қўрқув солади. Солиқ азобдан эмас, балки макрдан, нафс макридан қўрқади. Ваҳоланки, шайтон имони мустаҳкам одамдан қўрқиши керак.

**Ражо** — умидворлик. Қалбнинг келажакда маҳбуб васлига етишидан умидворлиги, хавфдан қутулиш умиди. Дилнинг соғинчи, интиқликлари ҳам шунга киради.

**Таваккул** — барча яхши-ёмон ҳодисалар, ишларни Худодан деб билиш, куллан Парвардигорга суяниш. Таваккул илоҳий файзга эътимодли кишининг имонидир. Бу маърифат камолидан келадиган олий мақомдаги имондир. Барча ҳолларда ва амалларда Аллоҳга суяниш, ўзини бир фаолият асбоби ҳисоблаш, барчани Худога топшириб, Худодан ўзга нарсалар ҳам Худодан эканига чуқур ишониш. Инсон жуда кўп нарсаларни қила олади, аммо бу ҳаракатларнинг бари Улуғ Тангри қудрати туфайли, қудратининг намоеън бўлиши эканини англаш шарт. Худонинг иродаси бизнинг иродамизга ҳоким. «Таваккул — имон ҳақиқатидир» (Кошоний).

**Ризо** — қалбдан қабоҳат — кирларнинг кетиши, қазову қадар ҳукмига бўйсунуш, нафс розилигидан чиқиб, Ҳақ розилигига киришдир. Қазо амрига таслим бўлган қалбнинг сурури. Лоҳижий: Ризо — банданинг ўз ризосидан чиқиб, Маҳбуб ризосига кириши, илоҳий қисматга зарра эътироз қилмаслигидир. Солиқда ушбу мақомда ҳеч нарсадан ғазаб, ҳаяжон, гина-кудурад ва хафаланиш бўлмайди...

Айрим тадқиқотчилар тилга олинган мақомлар ёнига яна *қаноат*, *сидқ*, *итминон* (тўла ишонч), *шукр*ни ҳам қўшганлар. Бироқ кўриб ўтганимиз тўққизта мақом қаноат, шукр ва итминонни ўз ичига олади. Диққат билан фикр қилиб қарасак, мақомотнинг ушбу тартибида муайян мантиқий узвийлик борлиги маълум бўлади; аввал қатъий парҳез, кам ейиш, кам ухлаш, кам гапириш, барча номаъқул ва номақбул ишлардан сақланиш, пок тийнат, пок бадан

ва пок аъмол учун курашиш. Сўнгра шу асосда руҳни чиниқтириш, маҳрумликларга кўниш ва кўникиш, чилла ўтиришлар, сурункали зикр орқали Аллоҳнинг муборак исмларини қалбга нақшлаш, хотира ва ҳофизани кучайтириш ва шу асосда имонни мустаҳкамлаш, жамики мавжудот ва ҳодисотда Аллоҳ қудратини кўриш, идрок этиш ва қалбан иқрор бўлиш, таниш. Шу тариқа, маърифатга йўл очилади ва солиқнинг аҳволи руҳияси ўзгариб боради. Илоҳий маърифатга эришиш йўли ана шундай оғир ва машаққатли бўлган. Тариқатга талабгор одам дунё лаззатлари, ҳирсу ҳавасдан воз кечиб, жисму жонини руҳий қийноқлар гирдобига солиши, бутун иродаси, фикру зикрини Аллоҳ ёдига йўналтириши лозим эди. Солиқнинг интилишлари пир томонидан назорат қилинар, солиқнинг руҳий ўзгаришларини англаган зукко пирлар уларни янги-янги поғоналарга руҳлантирардилар. Пир турли воситалар билан муридни тарбиялаб, унинг ички ботиний оламини бойитиш, ҳам зоҳирий ва ҳам сўфиёна илмларни ўргатиш баробарида, ҳис ва руҳини чарклаб, нозиклаштириб, қўл тегса, жаранглаб кетадиган чолғу асбобидай ҳолга келтирар эди. Бундай тўхтовсиз изланиш, руҳий изтироблар замирида кучли муҳаббат, мақсадга етишиш йўлидаги бемисл инсоний сидқу вафо, фидойилик ётарди. Шундай пайтда истеъдодли солиқларнинг қалб кўзлари очилар, бешта ташқи ва бешта ички (хотира, ҳофиза, ақл, тахайюл, тасаввур) ҳислардан бошқа, яна ҳайратга солувчи зеҳний ва важдий (интуитив) қобилиятлар пайдо бўларди.

## ҲОЛ

Ҳол — мақомот даражаларини бир-бир эгаллаб, муваффақиятга эришган солиқ ҳол мартабасига етади ва тасаввур-тахайюлда илоҳий жамолни мушоҳада қила бошлайди, қалбини завқу шавқ қамраб олади. У шундай бир ҳолатга кўтариладиким, бутун аъзолари гўё Аллоҳ дейдиган, ҳар нафаси буюк Тангрининг борлигидан хабар берадиган бўлади. Алишер Навоийнинг ёзишича, «Боязид намоз қилса эрди, кўксининг сўнгақларидан қаъқаа (Аллоҳ деган қичқирик) чиқор эрди» (*Алишер Навоий*. 17-жилд 78-79-бетлар). Боязид Бистомийнинг шогирди машҳур шайх Абул Ҳасан Харақонийдан: «Илоҳга мушарраф бўлган дилнинг аломати надур», — деб сўраганларида ул киши дебдурлар: «Бошидан то оёғигача Худонинг борлигини иқрор этса ва оёқ-қўли, юриш-туриши, нигоҳи ва ҳатто бурунларидан кириб-чиқаётган ҳавоси (нафаси) ҳам «Аллоҳ!» деб турса — аломати шудир».

«Бамисоли Мажнунким, кимга қарамасин, кўзига у Лайли бўлиб кўринди. Дарахтлар, ўт-ўлан, қўй-қўзилар, деворлар ёнидан ўтаётганда ҳам «Лайли» деди, охири кўксидан: «Мен — Лайли, Лайли — мен!» деган садо чиқди» («Нур ул-улум» рисоласининг қўлёзмаси, 4-бет).

Аммо баъзиларнинг фикрича, ҳол мартабаси мақомотдан кейин келадиган руҳий хусусият бўлмасдан, балки мақомларни бир-бир эгаллай бориш жараёнида юз беради. Бошқача айтганда, мақом қатъий амалий назорат босқичи, ажзу изтиробнинг чуқурлашиб, кучайиб боришини англатса, ҳол — руҳий тараққиётнинг натижа — ҳосиласини билдиради; солиқда ўзга ҳолатнинг, ўзга руҳий кайфиятнинг юзланишидан хабар бериб туради. Ҳол (кўплиги аҳвол) — ўзига хос қисқа муддатли кайфият, қалбнинг порлаши, чақмоқ чақилгандай ярқираган чароғон нурни туйиш лаззати. У бир лаҳзада пайдо бўлиб, яна ғойиб бўлиши мумкин. Ҳол — илоҳий раҳмат ва баракатнинг нузул бўлиши, қуйилиб келишидир. Саййид Жаъфар Сажжодийнинг «Фарҳанги мусталаҳоти урафо» номли луғатида ҳол тушунчасига қуйидагича таъриф берилади: «Ҳақ тарафидан солиқнинг пок дилига нузул бўладиган ва унинг руҳини такомилга

олиб борадиган файзнинг даражасини ҳол дейдилар. Ҳол бир лаҳзалик, ўткинчи ва доимий бўлиши мумкин. Доимий ҳол — ҳолнинг юксак даражасидир» (Техрон, 1941, 79-бет).

Ҳол ўзи билан бирга *қувонч, тараб, сурур, завқ* ёки, аксинча, *махзунлик, ториқш, соғинч* кайфиятини юзага келтиради. Яъни қисқа муддатли руҳланиш, порлаш қувонч ва сурурга сабаб бўлса, порлаш ўтиб кетгандан кейин маҳзунлик пайдо бўлади. Ҳолда орқага қайтиш йўқ, ўзгариш фақат олдинга қараб содир бўлади. Ҳолга кирган солиқнинг тили эмас, дили сўзлай бошлайди, у кечинмалари, ҳолатини ҳаракат-ишоралар, феъл-атвор орқали изҳор этади. Жунайд Бағдодий таърифи: «Ҳол афъол жумласидандир, мақом эса аъмол жумласидандир. Ҳол — бу яшин, у доим ўзгариб, тараққий этиб туради». Ҳол руҳият билан боғлиқ бўлгани учун у тасаввуфда махсус илм — *илми ҳол* орқали ўрганилган. Тасаввуф аҳли орасида «илми қол» ва «илми ҳол» деган тушунчалар бўлган. «Илми қол» тил билан ифодаласа бўладиган илмлар, яъни зоҳирий илмлар, чунончи, шариат илми ҳам шунга кирган. «Илми ҳол» эса инсондаги сўз билан тушунтириб бўлмайдиган ғаройиб руҳий кечинмалар, фавқулодда феъл-атвор, хислатларнинг намоён бўлишидир. Ҳол шу боис *тараб, сурур, ҳазинлик, шодлик, ғам, завқ-шавақ, яйраш* ва *хумор* тушунчалари билан алоқадордир.

Сўфийлар яна дейдиларким, ҳолни тиришиш, таълим-таҳсил билан қўлга киритиб бўлмайди, чунки ҳол — атоий Худодир, ғайбдан келган тухфа-неъматдир. Мақомни эса таълим-таҳсил, жаҳду жиҳод билан касб этса бўлади. Шундай қилиб, ҳол — Аллоҳ инояти, ҳосил этилган мартаба.

Худди мақомотнинг босқичлари бўлганидай, ҳолнинг ҳам тасниф-таърифга келтирилган босқичлари мавжуд. Чунончи:

1. Қурб
2. Муҳаббат
3. Шавқ
4. Унс
5. Мужоҳида
6. Мушоҳида
7. Мукошифа

**Қурб** (яқинлик) — солиқнинг ўзининг Тангри таолога яқинлашганини ҳис этиш ҳолати, Худонинг ҳузурини бевосита сезиш. Худо нигоҳининг тушишини ҳам англатади. Қурбни сўфийлар кўпинча Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи васалламнинг Меърож туни Аллоҳ ҳузурига етганлари билан қиёслайдилар. Расули Акрам Меърож кечаси турфат ул-айн (бир кўз очиб юмгунча) вақт ичида етти қават осмондан ошиб, Тангри оламига яқинлашдилар, юзлари фақат Тангри томонида бўлди, бошқа ҳеч

нарсага қарамадилар («Мо зоғал басару ва мо тағо» — унинг ўзи адашгани ҳам йўқ ва саркашлик ҳам қилмади), неча ўнлаб пардалар очилди, Ҳабибуллоҳ билан Тангри орасида икки қош ораси (ёки икки камон ораси), балки ундан ҳам камроқ масофа қолди («Қоба қавсайн ав адно»). Шунчалик яқин масофада висол юз берди, Расули Акрам Тангри билан суҳбатлашиб, иноятлар кўриб, қайтиб Ерга тушди.

**Муҳаббат** мақоми қалбда — кучли туғённинг кўтарилиши, бетоқат ва безовта бўлиб, барча гўзалликлар манбаи, қудрату нусрат, неъмату роҳат эгаси Тангри томон галпинишдир. **Шавқ** — муҳаббатнинг зўрайиши. **Унс эса** (дўстлашув) кўникиш, Худо меҳрига, шафқатига одатланишни англатади.

**Мушоҳида** — нафсни маҳв этишга қатъий интилиш, танга машаққатни раво кўриб, маънавият учун жиҳод, яъни жангга кириш ва ғалаба қилиш, демак. Мана шундай жидду жаҳд, шиддатли руҳий изтироблардан кейин солиқ Ҳақ жамолини *мушоҳида* эта бошлайди, *мушоҳада* (кўриш) эса, ўз навбатида, ғайб пардаларининг очилиб, илоҳий сирларнинг кашф этилишига йўл очади — *мушоҳида* мартабаси ҳосил бўлади.

Албатта, бу мартаба — манзилларнинг кетма-кетлик тартибини шартли, деб билмоқ керак. Чунки бу ҳолатлар солиқда навбатманавбат юз бериши ҳам, ёинки бирданига бир неча хислат соҳибига айланиши ҳам мумкин. Тариқат мақомотлари билан ҳол мартабалари орасидаги алоқалар хусусида шу гапни айтиш мумкин. Воқеан, баъзи олимлар, жумладан, Е.Э. Бертельс хавф, ражо каби биз мақомот манзиллари сифатида кўрсатиб ўтган мақомларни ҳол мартабаси, деб қайд этади. Умуман, бу ўринда бир нарсани айтиб ўтиш жоиз. Яъни сўфийлик истеъдодига диққатингизни қаратмоқчимиз. Чунки ҳар бир соҳада бўлганидай, сўфийликнинг ҳам ўзига хос истеъдоди бор. Буни тасаввуфда *жазба* деб юритганлар (баъзилар буни ишқ, жунун сўзлари билан ҳам ифодалаганлар). *Жазба* — бу инсондаги алоҳида илоҳсеварлик майли, руҳий ва тафаккурий-шуурий бир таважжухдир. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанддан бу мартабага қандай қилиб эришдингиз, деб сўраганларида, ул зот мана бу арабча жумла билан жавоб берган эканлар: «Жазабатун мин жазаботил ҳаққи ювазил амалас сақалайн», яъни: «Одамзод ва жин-парининг амали учун Ҳақнинг жазбалари — тортишишларидан бир тортиш кифоя».

Демак, жазба — тортиш, Ҳақнинг бандаларига ва бандаларининг Ҳаққа интилиши, иродани Илоҳга боғлайдиган *дард*. У кўнгилни бетоқат этиб, фақру фано йўлига етаклайверади. Жазба қанча кучли бўлса, солиқ шунча тез тариқат одобини ўзлаштириб, қалб кўзи очилади, ҳолга киради. Лекин агар жазба етарли бўлмаса, хоҳиш бўлгани билан кўзланган мақсадга эришолмасдан,



ярим йўлда қолиш мумкин. Кўп кишилар сулукнинг қуйи босқичларида қолиб, ходим, хонақо хизматкори сифатида ўзларини овутганлари, савоб талаб кишилар сифатида юрганларини юқорида қайд этган эдик. Шуниси ҳам маълумки, жазба туғма бўлиши ёхуд сулук жараёнида солиқ қалбига нузул этиши мумкин экан. Алишер Навоий, масалан, Саййид Ҳасан Ардашер ҳақида ёзганда, уни аҳли дардларнинг пешвоси, «фақири зотий ва фоний жибиллий» (туғма дарвеш, илоҳиёт фонийси), деб таърифлайди. Алишер Навоий «Хамса»сининг икки қаҳрамони Фарҳод билан Мажнун ҳам ана шундай туғма жазба теккан кишилардир. Туғма фақирлиги кўринган солиқни «мажзуби солиқ», сулук давомида жазба пайдо қилган солиқни «солиқи мажзуб» деб номлаганлар. Яна бир ҳолатни қайд этмоқ керак: мажзуб кишиларнинг, афтидан, сулук мақомотини босиб ўтиши қатъий шарт ҳисобланмаган, чунки ҳазрат Абдураҳмон Жомийнинг «Нафаҳот ул-унс мин ҳазарот ал-қудс» асарида бир қанча мажзублар хусусида гап боради, бироқ уларнинг пирлари ҳақида маълумот берилмайди. Чунончи, Шайх Муфарраж деган киши аввал ҳабаший қул эрди, жазба тегиб, олти ой таом емади, ичмади. Девона деб занжирга солдилар, занжир бўшади. Зиндонга солдилар, зиндон эшиклари очилиб кетди. Унинг кароматига маҳлиё бўлган одамлар қуш қовуриб олдиға кўядилар, аммо у бир нафас қилганда қушлар қайта тирилиб, учиб кетадилар («Нафаҳот ул-унс». Тошканд, 1913 йил, 427-бет). Шайх Муфарражнинг сулукни адо этганлиги айтилмаса-да, лекин шогирдлари борлиги айтилган.

Мажзуб дарвешлар эл орасида алоҳида ҳурматга сазовор бўлганлар, кароматларнинг кўпи ана шу мажзублар тарафидан содир этилган. Аммо бир қисм шайхлар мажзуб солиқларнинг ҳам пир қўлида тарбияланиши шарт, деган фикрни олға сурадилар. Негаки, жазба ҳам тарбия ва раҳнамоликка муҳтождир, агар жазбали киши, ҳатто ошиқлар ҳам пири муршид тарбиясини олмаса, уларнинг қобилияти нотўғри йўлга йўналиши ва, ҳатто, шайтоний ишларга сарф бўлиши мумкин экан. (Ҳолбуки, ошиқнинг пири Ҳақнинг Ўзи деган ибора ҳам бор). Шу боис тариқат йўлини босиб ўтиш сўфий истеъдодини юксалтириб, унга қувват ва қудрат бериши мумкин. Яъни Алишер Навоий айтганидек: «Пиру истеъдоду тавфиқ ўлмаса, бўлмас, бу иш». Навоийнинг мана бу байти ҳам ибратли:

Кишига бўлмаса ҳоди, паиди эмас мақсад,  
Ҳидоят ўлмай онинг қатъи этмагил тасдиқ.

Мақомот хусусида, гал келганда, шуни ҳам таъкидламоқ-чимизки, айрим назарийтчилар мақомлар билан ҳол мартаба-

ларини қўшиб, тилга оладилар, яъни тариқатни «мақомот» ва «ҳол» деб икки қисмга бўлмасдан, иккаласини бирга олиб қаранлар. Чунончи, «Пири Ҳирот» лақабини олган атоқли шайх Абдуллоҳ Ансорий «Манозил ус-соирин» (Сайр этувчиларнинг манзиллари) номли китобида ёзадики, «Ҳақ йўлига кирган солиқлар турфа ҳолатларда бўладилар ва ҳар бир ҳолатнинг ўз сайри, бу сайрнинг бошланиш (ибтидо) жараёни ва (интиҳоси) бўлади». Муаллиф бу ҳолатларни «абвоб», яъни «эшиқлар» деб атайди, чунки ҳар бир ҳолатнинг кирадиган эшиги бўлиши муқаррар, эшиқдан кирган одам эса ўз ҳолига мувофиқ муомала-муносабат, феълу атвор кўрсатади. Шундай қилиб, тариқат манзиллари Абдуллоҳ Ансорий наздида ўнта ҳолатдан иборат бўлиб, улар қуйидагича номланади: 1. Ибтидо (бошланиш). 2. Боб (эшиқ). 3. Муомала. 4. Ҳамида (мақталган) ахлоқ. 5. Усул. 6. Авдия (водийлар). 7. Аҳвол. 8. Валоят (валилик) 9. Ҳақойиқ (ҳақиқатлар). 10. Интиҳо (яқун) ёки васл.

Абдуллоҳ Ансорийнинг ушбу «мақомоти» асосан киши руҳий ҳолатларидаги ўзгаришларни акс эттиради, шунингдек, солиқ бажариши керак бўлган юмушлар, тариқат усуллари ҳам унга қўшиб олинган. Масалан, ибтидо манзили яқзо (уйғоқлик), тавба, маҳосиб (ҳисобга олиш), инобат (тазарруъ), тафаккур, тазаккур (зикр тушириш), эътисом (гуноҳдан сақланиш), фирор (халқдан қочиш), риёзат, самоъ кабиларни ўз ичига олса, боб манзили ҳузн (ҳазинлик), хавф, шафқат, хушуъ (таслим), ихбот (сирлилик), зуҳд, вараъ, табатгал (гўшанишинлик), умид, рағбат ҳолатларини қамрайди. Муомалат манзили эса риоят, муроқабат (Фикр, мушоҳада), ҳурмат, ихлос, таҳзиб (покланиш), истиқомат (устуворлик), таваккул, тафваз (уҳдага олмоқ), сақт (вазминлик), итоатни; ахлоқ манзили сабр, ризо, шукр, ҳаё, сидқ, зэйсор (бағишлаш), хулқ, тавозуъ, футувват, инбисот (очишлик, такаллуф-сизлик) каби хислат ва ҳолатларни жамлаган. Шу тахлит, ҳар бир манзил ўнта ҳолат ва хислатни ўз ичига олиб, жами юзта сифат санаб чиқилган. Булар орасида олдин кўриб ўтганимиз мақомлар, ҳол мартабалари ҳам, ахлоқий сифатлар ҳам, тариқат услуб-усуллари ҳам, руҳий ҳолатлар ҳам тилга олинган. Муаллиф назарида бу солиқнинг камолот даражаларини ифодалаб келади, яъни: тавба қилган одам йўл бошида бўлиб, ўз Тангриси билан аҳду паймон қилади, муомалага киришади, муайян ҳолатдан, шубҳасиз, иккинчи ҳолат остонасига қадам қўяди. Ўз Мавло — Илоҳи билан муомаласи тўғри ва бутун бўлган одамнинг ахлоқи нажиб ва эзгу сифатлар билан безалгандир. Ана шу манзилда муайян усуллар воситасида солиқ ўз ишининг асосларини мустаҳкам қилиб қуради, ҳалокатли руҳий «водийлар»дан омон ўтади. Бора-бора солиқ руҳи алоҳидаликка ружуъ этиб, фарқдан жамъга қараб интилади ва

нафсни унутиб, буткул Рабби билан машғул бўлади. Охир-оқибат эса ҳақиқатларни кашф этиш мартабасига кўтарилади ва васл мақомига етади.

Маълум бўладики, Ансорийнинг «манозил»ларида руҳ диалектикаси чуқурроқ акс этган; мақомларга нисбатан бунда тадрижий тараққиёт, жараён, турли жиҳатларнинг ўзаро вобасталиги кучлироқ. Воҳеан, мақом — бекат, яъни йўлдаги тўхталиш бўлса, манзил сайру томоша қиладигани жой ҳам, руҳнинг ҳордиғи, ўзини англаши ва яна олға интилишига имкон бор. Шайхи кабир Ибн ал-Арабийнинг «Футуҳоти Маккия» асарида ҳам мақом ва манзил, шу каби «тариқат работлари» бирга олиб қаралади. Ибн ал-Арабий кўрсатишича, тариқатда 19 та мақом, 360 та манзил ва работ («карвонсарой») бор. Манзиллар жумласига имон, ишонч, сабр, тоат, шукр киради. Унингча, илми ҳолнинг ҳам даражалари бор, чунончи:

1. Аллоҳ йўлидан бормоқ.
2. Аллоҳ назарида бўлмоқ.
3. Аллоҳга воситачи бўлмоқ.
4. Аллоҳ хизматида бўлмоқ.
5. Аллоҳга ёр бўлмоқ.
6. Аллоҳ учун яшамоқ.
7. Аллоҳга жон фидо қилмоқ.

Соликнинг руҳий-маънавий камолотини «сайр» ёки «сафар» сўзлари билан тушунтирганлар. Сайр ва сафар тўғри маънода ҳам қўлланилган. Чунки сафар қилиш ажзу риёзат турларидан бири ҳисобланган. Кўп сўфийлар мусулмон мамлакатларни пиёда кезиб чиққанлар, атоқли шайхларнинг суҳбатига етишганлар. Айниқса, пиёда ҳаж сафарига бориш сўфий учун катта шараф, деб қаралган. Лекин тариқат сафари деганда аксар руҳий сафар тушунилади. Сафар — кўнгилнинг Ҳақ сари таважжуҳи, бу тўрт хил бўлади: 1. *Сайр илаллоҳ* (Аллоҳ томонга сайр). Бу нафс манзилларидан равшан уфқларга етгунча бўлиб, қалб мақомидир ва илоҳий исмлар тажаллиётининг чиқадиган жойидир. 2. *Сайр филлоҳ* (Аллоҳ оламида сайр). Унинг сифатлари билан сифатланиш ва исмларига етишиш) орқали олий даражаларни топиш, руҳ мақоми ва Воҳидият ҳузурининг ниҳоятини таниш. 3. *Жамъ маркази ва Аҳадият* ҳузурига тараққий этиб бориш. Бу «қоба қавсайн» мақомидир. Иккилик бартараф бўлгач эса, «ав адно» мақомига эришилади. 4. *Сайр биллоҳ аналлоҳ* (Аллоҳдан яна ўзига қайтиш).

Жамъдан кейинги фарқ ёки фанодан сўнг келадиган бақо мақоми шудир. Сайр ва сафар тушунчаларини соддароқ қилиб изоҳлайдиган бўлсак, қуйидаги маъно ҳосил бўлади: биринчи сафар — касрат (дунё) пардаларининг ваҳдат (Илоҳ) юзидан кўтарилиши; иккинчи сафар — ваҳдат пардасини касрат вужудидан

кетказиш ва зоҳиру ботин орасидаги фарқларни бартараф этиш, айнул яқинга эришиб, дунёнинг ўзида Уни куриш; учинчи сафар — ботинда жамъ сари тараққий этиш ва тўртинчи сафар — Ҳақдан яна халққа қайтишдир. Ҳақдан халққа қайтиш деганда сўфийлар орасида: «расти — расиди» (узилдинг — етдинг») деган ибора бор. Бунинг маъноси халқдан узилсанг — Ҳаққа етасан, демакдир. Аммо бу ибтидодаги ният, бунга эришгандан кейин эса, энди сўфий халққа Ҳақ номидан гапира олиши мумкин бўлади, шу боис халққа қайтиш яна дунё машғулотига қайтиш эмас, балки дунёга Аллоҳ нурини таратишдир.

## МАЪРИФАТ ВА ҲАҚИКАТ

Ҳақ йўлига кирган дарвешнинг ана шундай руҳий изтироблар сафаридан сўнг қўлга киритган маънавий маърифатини Сирри Сақатий «тавҳид» (бирлашиш), Маъруф Кархий ва Абу Саид Харроз «фано» (йўқолиш) деб атадилар. Зероким, солиқ ўзи билан Илоҳ орасидаги масофани қисқартира бориб, вужуд тўсиқлари (моадо, мосиво, парда)ни енгиб ўтиб, шахсий «мен» дан қутулади ва тўлалигича Мутлақиятга қўшилиб, У билан қоришиб, зриб кетади. Сўфийлар бунни қатранинг денгизга қўшилиши ёхуд қизитилган темирнинг олов билан бир хил тус олиши билан қиёслаб тушунтирганлар.

Дарҳақиқат, қатра денгиздан нишона, денгизнинг моҳияти қатрада ифодаланган. Шу сингари инсон руҳида ҳам Илоҳ сифатлари мужассам. Бироқ моддийлик уни Илоҳдан ажратиб туради. Аслидан ажралган, вақтинча ғарибликда, мусофирлик (сафар)да бўлган инсон руҳи ҳижрон доғида қийналиб, азоб чекади. Аммо руҳ моддийликдан покланса, мусаффо шабнамдай бўлиб, Денгизга — ўз аслига бориб қўшилиши мумкин. Бу васл фақат илоҳий маърифат орқали, яъни ўзини англаш, таниш ва шу асосда ўз Раббини таниш орқали қўлга киритилади.

Шундай қилиб, илоҳшунослик илми бўлган ирфон ёки маърифат («маърифат» сўзи арабча «арафа» — билмоқ сўзидан ясалган) тариқатнинг ҳосиласи ва бевосита давомидир. Бошқача айтганда, тариқатдан мақсад маърифатдир. Хўш, маърифатнинг нишонаси нима, қандай киши маърифатга ноил бўла олади? Бу саволларга юқорида қисман жавоб берилгандай бўлди. Аммо шунга қарамай, бунни кенгроқ шарҳлашга мажбурмиз, чунки тасаввуфда маърифат тушунчаси махсус ўрин эгаллайди ва унинг ўз таърифи, ҳақиқатлари бор. Сўфийлар назарида маърифат фикрдан олдин кетадиган ва шубҳага заррача асос қолдирмайдиган илмдир. Маърифат илми ботиний илм деб ҳам юритилган. Чунки тасаввуф аҳли дунёвий ва диний илмларни бирга қўшиб, «зоҳирий илмлар» деб атаганлар. Уларнинг уқтиришича, зоҳирий илмлар билан Худони билиш қийин. Бироқ бошқа бир нуқтаи назар ҳам бор: гарчи зоҳирий

билимлар Ҳақ таоло асрорини англашга яроқсиз бўлса-да, лекин дунёни билиш Аллоҳни билишнинг биринчи босқичи, яъни Аллоҳни билиш дунёни билишдан бошланиши керак, чунки дунё — касрат олами, Аллоҳнинг ижоди. Унинг сифатлари, қудратини намоён этиб турадиган кўзгу. Тасаввуф назарийгчиларидан бири Абдураззоқ Кошоний Ибн ал-Арабий қарашларига суяниб, маърифатга бундай таъриф берган: «Маърифат мухтасар илмларни тафсилотлар суратида танимоқдир, илоҳий маърифат илоҳий зот ва сифатларни аҳвол ва ҳодисалар тафсили ва нузул бўлган амрлар суратида таниш демак». Бунинг маъноси шуки, Мухтасар мавжудлик ва мутлақ фоил (иш эгаси) Тангрининг Ўзи бўлиб, Унинг илми касрат оламида тафсиллик гопади, муайянлашади. Бундан яна қуйидаги фикр келиб чиқади: моддий дунёдаги жамики илм, инсонларнинг тўплаган ҳикмат-донишлари, ҳали очилмаган барча сиру асрорлар Аллоҳга тегишли, Аллоҳ — ҳикматларнинг жамулжами, бизнинг билимлар эса — унинг тафсири. шарҳи. Демак, биз Раббимизни билиш учун тафсирдан Буюк аслга қараб боришимиз керак.

Илоҳий маърифатни эгаллаш мартабалари эса қуйидагича:

1. Солик ҳар бир нарсани кўрганда, уни Мутлақ фоилнинг асари деб билсин, яъни дунё ва бошқа оламлар ўз-ўзидан мавжуд эмас, балки улар азалий ва абадий, Қодиру Холик, Аҳаду Самад Парвардигорнинг сунъидан яралган ва Парвардигор туфайли мавжуд эканига биру бор ишонсин, имон келтирсин. 2. Мутлақ фоилдан бўлган ҳар бир асарни кўрганда тасаввур ва тахайюл билан уни Мутлақ фоил сифатларидан қайси сифати зуҳури эканлигини англаб етсин. Чунки Парвардигорнинг беҳисоб сифатлари бўлиб, олам ўзгаришлари, воқеа-ҳодисалар, нарсалар хусусиятининг ҳар бири Унинг муайян сифатининг натижасидир. 3. Ҳақ муроди-мақсадини ҳар бир сифат тажаллисиди (порлашиди) англаб етсин (танисин). 4. Солик илоҳий илм суратини ўзининг маърифати суратида танисин ва ўзини илму маърифат, балки вужуддан ҳам соқит этсин. Кейинги, тўртинчи мартаба тавҳид ва фанога ишорадирким, бу ҳақда алоҳида тўхталиб ўтамай.

Демак, бундан маълум бўладики, гарчи Аллоҳни кўриш мумкин бўлмаса-да (ҳатто ҳазрат Пайғамбар саллаллоху алайҳи васаллам ҳам меърож кечаси Парвардигор ҳузурига етишганларида, Уни бевосита кўрганлари йўқ, балки парда орқасидан суҳбатлашиб, жамолидан баҳраманд бўлганлар), илоҳиёт олами «ғайб олами» дейилса-да, шунга қарамай, Уни таниш, сифатлари орқали зотини англаш, идрок этиш мумкин. Хужжат ул-ислом Муҳаммад Ғаззолий дейдики, руҳни кўриб бўлмайди, лекин руҳ бор, у — «ҳастии нестнамой», яъни йўқдай бўлиб туюладиган борлиқдир. Масалан, тўзон кўзғолганда, тупроқ ўз-ўзидан ҳавога кўтарилди деб

айтолмаймиз. Тупроқни шамол кўтариб, тўзонга айлантиради, лекин шамол ва ҳаво кўзга кўринмайди. Шу каби руҳ ҳам кўзга кўринмайди, аммо жисм ҳаракатлари руҳдандир, биз бунни жисмнинг хусусияти, ҳаракати орқали билиб оламиз.

Тасаввуф аҳли билишнинг фалсафий йўллари — тасаввур, ҳис, мантиқий тафаккур ва ҳоказоларни ҳам эслаб ўтадилар. Бироқ уларнинг фикрича, ақлий-ҳиссий билиш зоҳирий — дунёвий билимга кифоя қилади, холос. Илоҳиётни англаш учун эса ақл ожиздир. Илоҳиёт илми ақлга сиғмайдиган. ақл ўлчовларидан баланд турадиган илмдир. Ибн ал-Арабий айтадики, Худо ҳақида ҳам ақл тили билан гапириш мумкин, лекин ақл кучи билан Уни билиш мумкин эмас. Ақл исботни талаб қилади, далил — тажриба билан иш кўради. Ваҳоланки, Худонинг борлиги, зоту сифатларини далил орқали исботлаш мушкул. «Маърифат Ҳақ томонидан юборилади. Бу менинг фикрим эмас, балки илоҳий илҳомдир», деб ёзади Ибн ал-Арабий. Аллоҳ билан хилватда қолган мард инсонда шундай ҳолат юз берадики, унда илмлардан илҳом пайдо бўлиб, Унинг раҳмати билан юксалади. Дарवेशлаги бу ҳолат оддий одамлар ва исбот-давил аҳли учун қоронғидир. Бу — авлиёларга юбориладиган ладуний билим. Абу Язид Бистомий калом аҳлига қараб деган экан: «Сиз ўз илмларингизни жонсиз нарсалардан оласиз, биз эса абадий тирик Зотдан оламиз». Абу Язид жонсиз нарсалар деб моддалар-ашёларни назарда тутди. Ладуний — раббоний билим Хожа Хизрнинг билимига қиёс этгулик. Хожа Хизр ҳаёт суви — абадий тириклик сувини ичган, у ҳамма воқеадан, ҳамма аҳволдан, ҳамма кечинмалардан хабардор; нарсалар хосияти ва қонуниятини олдиндан билади, Худо унга Ўз билимини тўхфа этган.

Ибн ал-Арабий инсон билимларини учга бўлган: биринчиси — ақлий-ҳиссий билимлар, иккинчиси — ҳол илми (ҳолат, маҳол илми ҳам дейди у). Учинчиси — сирру асрор илми. Биринчи илм зоҳирий фанлар билан шуғулланадиган кишилар илми бўлса, иккинчи илм ҳол мартабасига кўтарилган сўфийлар илми ҳисобланади, яъни важд ҳолатида кашф этилган илм. Учинчи илм — авлиёлар илми. Бу илм муқаддас руҳлар орқали келади, шуъла — нур кўринишида қалбга киради.

Шу ўринда тасаввуф аҳли тез-тез мурожаат қиладиган уч хил билим босқичлари — *илм ул-яқин*, *айн ул-яқин* ва *ҳаққ ул-яқин* тушунчалари устида тўхталмоқчимиз. Арабча «яқин» сўзи ишонч, бирон нарсага қатъий ишонишни англатади. Бу сўз Қуръони каримда ҳам кўп қўлланилади. *Илм ул-яқин*, *айн ул-яқин*, *ҳаққ ул-яқин* — билишнинг уч босқичи. Биринчи босқич китобий, таҳсиллий билимга ишора бўлса, иккинчи босқич ўз иштирокидаги тажрибавий билимни англатади, учинчи босқич эса ўзи тажриба воситасига

айланиб, ҳақиқатни англаш билимидир. Илм ул-яқин — билим орқали ишониш. Масалан, дейлик, менга тушунтириб айтдиларки, олов иссиқдир ва у куйдиради, мен бунга ишондим. Айн ул- яқин — билган нарсани тажриба қилиб кўриб ишониш. Мен ўзим синаб кўрдим: олов ҳақиқатдан ҳам иссиқдир ва у куйдиради. Ҳаққ ул-яқин — ҳақиқий ишонч, яъни: мен ўзим оловда ёндим ва оловнинг ёндириш кучи, хусусиятига батамом ишондим. Бу — Ҳаққа етиш илми. Кўринадики, юқорида Ибн ал-Арабий тасниф этган илм даражалари билан ҳозир таъриф этганимиз уч босқич орасида ўхшашлик бор.

Алишер Навоийнинг «Лисон ут-гайр» асарида «Парвоналар мажмуъи шамъ ҳақиқати шарҳида» («Фақру фано водийсининг адоси» боби) деган ҳикоят бор. Унда келтирилишича, парвоналар бир кеча йиғилишиб, шамъга толиб бўладилар; келишиб олиб, шамънинг моҳиятини англамоқчи бўладилар. Шунда улардан бири шамъга яқинлашади, унинг мунаввар нурини кўриб, қайтиб келиб бошқаларга ҳикоя қилмоқчи бўлади. Аммо парвоналар унинг сўзидан ҳеч нарса англамайдилар, чунки у шамъ нима эканини тушунтириб бера олмайди. Шу зайлда яна бир неча парвона шамъ атрофини айланиб келиб, кўрганларини сўзлайдилар. Лекин «топмади мушкул кушод андин доғи», мақсад амалга ошмайди.

Шамъ даврида қанот кўп урдилар,  
Ҳар бири ўз бол-парин куйдурдилар.  
Ҳар бири куйганча ондин топди ком,  
Шарҳи душвор эрди-ю нақли ҳаром.

Ҳар бир парвона шамъ нуридан лаззатланди, аммо уни шарҳлаб бера олмади, чунки шуълани тил билан шарҳлаб, тушунтириб бўлмайди, киши то куймаса олов ҳароратини англамайди. Навоий бундан иккита хулоса чиқарган: бири — Ҳақ нурига фарқ бўлиб, унинг жамоли ҳароратида ёнмагунча Ҳақни англаб бўлмайди. Иккинчиси — Ҳаққа этган одам (куйган парвона каби) бу сирни баён қилиб бера олмайди. Бу — Ҳаққ ул-яқиннинг худди ўзидир. Яъни фоний бўлиш, субъектнинг объектга айланиши, солиқ вужудининг батамом йўқолиб, илоҳий оламга кўшилиб кетиши. Мансур Ҳаллож ана шундай мартабани эгаллаган зот эди — Ҳақ оламига кўшилиб «мен Ҳақман» («Анал-Ҳаққ»), деди, Мансурнинг устозларидан Боязид Бистомий эса айна ҳол илҳоми пайтларидан бирида «Субҳоний, субҳоний, мо аъзам шаъний», яъни «Шарафланганман, шарафланганман мен, менинг мартаба-шаъним улуглигига қаранг» деб юборади. Куръон бўйича бандаси бундай дейишга ҳақли эмас, чунки бу Парвардигорнинг сифатларидир. Аммо Боязид ўзини Ҳақ билан бирга ҳис этиб, Унинг сифатларини ўз сифати деб ҳисоблайди. Боязид Бистомийнинг мана бу изҳори



ҳам қизик: Бир пайт У мени Ўз ҳузурига олиб чиқди ва олдига қўйди ва менга деди: «Эй Абу Язид, ҳақиқатан ҳам менинг махлуқим юз кўришни севади, майли, сенинг юзингни кўрсин». Ва мен жавобда дедим: «Мени Ўз ваҳдатинг ила безагин, Ўз сифатларинг ила сифатлагин, тавҳидинг мартабаси-ла шарафлагин, токи махлуқларинг мени кўрганда: «Биз Сени кўрдик» ва «бу Сен бўлибди» десинлар ва мен бу ерда бўлмайин».

Бу сўзларда инсонни илоҳийлаштириш, комил инсон сифатлари билан Илоҳ сифатлари орасида тенглик аломатини қўйиш бор. Дарвоқе, Боязид Бистомий ва Мансур Ҳаллож ҳам шу фикрни олға сурганлар. Лекин бу худоликка даъво эмас, ҳулул (ҳулул — Илоҳнинг одамда сингиши ҳақидаги назария) ҳам эмас, балки инсонни улуғлаш ва тавҳид билан ваҳдат — куллиятни ниҳоятда чуқур англашир. Дикқат қилинг: Боязид сўзининг охирида «ва мен бу ерда бўлмайин», дейди. Нима демоқчи у? У айтмоқчики, менинг башарий қиёфам буткул йўқолсин, илоҳий моҳият касб этайин, бутун вужудим Илоҳ маърифатига айлансин. Шунда одамлар менинг суратимда Худони кўрсинлар.

Бу маънини улуғ шоир ва сўфий Жалолиддин Румий шеър билан қуйидагича ифодалаган:

Онҳо, ки талабгори худоед, худоед!  
Берун зи шумо нест, шумоед, шумоед!  
Чизе, ки накардед гум, аз баҳри чи жуед,  
В-андар талаби гумшуда аз баҳри чароед?  
Исмеду ҳуруфеду каломеду китобед,  
Жибрили аминеду расулон шумоед.

(Эй Худонинг талабида юрганлар, ўзингиз худосиз. У сиздан ташқарида эмас, балки сиз билан биргадир — сиздир. Йўқотмаган нарсангизни нега излаб юрасиз, агар йўқолган бўлса, йўқ нарсани нега излайсиз? Исmlар ҳам, калому китоблар ҳам, Сўз ва Маъни ҳам сизсиз, Жаброилу Пайғамбарлар ҳам ўзингизсиз).

Зоту сифот, аршу курси, лавҳу қалам — ҳаммаси Инсондадир. Шунинг учун Худони излаб ҳар қаёқларга боришнинг ҳожати йўқ, жумладан, Каъбага боришнинг ҳам. Чунки ҳар бир инсон Худони ўзидан изласин. Унинг қудрати ва шавкати ўзида кўрсин. Мазкур ақида «Кимки ўзини таниса, Раббисини танийди», деган ҳадис мазмунидан келиб чиқади. Барча ҳикматлар, ҳодисот ва мўъжизалар инсон хилқатида жойлашган. Зеро, Аллоҳ таолонинг сўзи бор: «Мен яширин ҳазина эдим ва сизни севиб қолдим, токи сиз ҳам Мени севиб кашф этинглар ва жинлар (малаклар), одамларни яратдим, токи Мени билсинлар». Инсон махлуқотнинг, одамларнинг гултожи, Аллоҳнинг Ердаги халифаси экан, демак, унда Аллоҳ сифатлари бўлиши мантиқий ҳол. Бундан ташқари, «яширин ҳазина»

Бўлган Аллоҳ таоло илму ҳикматнинг бир қисмини инсон қалбига жойлаган. Яъни инсон «яширин хазина»ни сақловчи хазинадордир. Шу боис инсон кўнгли «ирфон махзани», Аллоҳ яширинган тилсимотдир:

Кўнглин они махзани ирфон қилиб,  
Ул тилисм ичра ўзин пинҳон қилиб.  
Рози махфий ганж ўлуб бу турфа жисм,  
Сунъидин ул ганж ҳифзига тилисм.

(Алишер Навоий)

Тасаввуф фалсафасига кўра, инсон қарама-қарши икки асос — модда ва руҳдан иборат. Шунинг учун унда ана шу икки асоснинг хусусиятлари жамдир. Агар моддийлик галаба қилса, инсонда ҳайвонийлик ва агар руҳ томони устун келса, илоҳийлик ривожланади. Руҳ жисм кулига айланиб қолмаслиги керак, аксинча, жисм руҳ учун бир асбоб-улов, восита бўлиб хизмат қилсин. Руҳлари тараққий этган инсонлар ақлу заковати, илҳом-ижодкорлиги, илоҳий таъбу фаросати билан ажралиб турадилар. Руҳ тараққий этган сари у жисмга сиғмай қолади, коинот билан алоқа боғлаб, олам асроридан хабар бериб, мўъжизалар кўрсата бошлайди. Руҳ ва жисмдан иборат инсонни илоҳий олам билан жисм олами орасидаги чегара, деб атайдилар ва тонгга ўхшатадилар. Чунки тонг ҳам тун билан куннинг чегарасидир. Тонгдан кейин қоронғилик кетиб, қуёш порлаб чиққанидай, инсон руҳи ҳам аста-секин жисм қоронғилиги— зулматини тарк этиб, мусаффо руҳ олами, нурлар оламига талпинмоғи даркор.

Модомики, гап оламлар ҳақида борар экан, тасаввуфнинг кайҳоний тушунчалари, яъни *олам тузилиши* ҳақидаги тасавуруларини қисқача шарҳлашга тўғри келади. Тасаввуф фалсафасига биноан, Аллоҳ таоло (уни Жавҳари зот, Мутлақ руҳ ҳам дейдилар) аввал Муҳаммад алайҳиссаломнинг нурини (Ақли кулл ёки нафси кулл) яратди. Сўнгра шу нур туфайли оламларни ва одамларни яратди. Шундай қилиб, олам асосида Муҳаммад нури ёки Муҳаммад ҳақиқати ётади. Агар Ҳақ деганда — Аллоҳнинг Ўзини англасак, ҳақиқат деганда Унинг илмини ва Ҳабибуллоҳ нурини англаймиз. (Ҳақиқат Аллоҳнинг Ўзи бўлгач, У яратган барча нарса мажоз, образдир). Оламлар бошида Муҳаммад нури мавжуд бўлганлиги сабабли биринчи инсон ҳазрати Одам сафиюллоҳни Муҳаммаднинг ўғли, бошқача айтганда, Муҳаммад алайҳиссаломни Одам Атога нисбатан ҳам ота, ҳам ўғил дейиш мумкин.

Муҳаммад алайҳиссалом нуридан сўнг лоҳут олами вужудга келган. Лоҳут олами илоҳиёт олами демак, ундан кейин жабарут, яъни буюклик олами ва унинг кетидан малакут — фаришталар

олами яратилди. Лоҳут Ҳақ зотини ифодаласа, жабарут нурлардан иборат оламдир, малакут эса латиф руҳлардан тузилган олам. Аммо айтиб ўтилган оламларда шакл — аъроз йўқ. Бу хусусият жисмлар олами бўлмиш мулк оламига хос. Мулк оламини шаҳодат олами ёки одами носут ҳам дейдилар. Булардан ташқари, айрим назариётчилар бадан олами, яъни инсон оламини ҳам алоҳида олам сифатида қайд этганлар. Чунки инсон олами олами суғро (кичик олам) сифатида олами кубро (катта олам) деб номланадиган юқори оламларнинг хусусиятларини ўзида акс эттиради. Мазкур қараш инсоннинг икки асосдан иборатлигини яна бир қарра тасдиқлайди. Парвардигори олам инсон руҳини ўз раҳмоний нафасидан ато этган экан, демак, биз Мутлақ руҳнинг бир қисмимиз ва шу сабабли ўз аслимизга қараб интиҳосиз соғинч ва муҳаббат билан интиламиз. Бу интилин аслимизни англаш билан амалга ошади. Шу маънода илоҳий ишқ билан илоҳий маърифат маънодош тушунчалардир. Соддароқ қилиб айтганда, Ишқ инсонни маърифатга олиб борадиган қудрат, инсонни моддий асосдан покловчи, холи этувчи муқаддас олов. Ишқ солиқ вужудини куйдириб, руҳини мусаффо этади, солиқда *тажрид* ва *тафрид* (покланиш, яккаланиш) юз беради. Шу боис ошиқлар халқдан чекинадилар, чунки уларнинг руҳи дунёвийликни ёқтирмайди, хилватни қўмсайди, ҳамма вақт ўз мавлоси — Аллоҳи билан бирга бўлишни истайди. Ишқ — камолот калити ва иксири аъзам, ишқ мис вужудимизни олтинга айлантирувчи кимё. Ишқ одамни ҳайвонликдан халос этади, одамзод наслини бадбахтлик, фалокатлардан қутқаради, барча иллатларимизнинг давоси ҳам шу:

Шод бош. Эй ишқи хуш савдойи мо,  
 Эй табиби жумла иллатҳои мо.  
 Эй давоий нахвату номуси мо,  
 Эй ту Афлотуну Жолинуси мо!

(*Жалолiddин Румий*)

Мазмуни: Эй ажойиб гавғо ва савдоларни бошловчи ишқимиз, шод бўлгин; сен ҳамма дарду иллатлар, нуқсону камчиликларимизнинг табибисан. Манманлигимиз, кибру обрўпарастлик касалининг давоси ҳам сен; Афлотундай муаллимимиз, Жолинусдай халоскор табибимиз ҳам сенсан!

Шу тариқа, тасаввуфдаги асосий талаб-руқналар: Риёъат, Иродат, Узлат, Маърифат (Ирфон), Ишорат ва Муҳаббат ишқ тушунчасида бир тугунда бирлашади. Чунки солиқни ихтиёрий ажзу азобга солгувчи ҳам, унга роҳат-фароғат, руҳий лаззат бергувчи ҳам, молу мулк, аҳди байтдан кечишга ундовчи ҳам, маънавий камолотга олиб борувчи куч ҳам ишқдир. Илоҳий ишқ бўлмаса, буларнинг бари бекор.

Ишқ солиқни фанога ва ундан кейин бақога олиб боради. Аммо бунда икки хил йўл, тўғриси — икки хил майл бор: бири — ҳаяжонли, сершовқин, руҳий кечинмаларни ғалаёнлар ичра изҳор этиб бориш майли бўлса, иккинчиси — осойишта, тамкинли; чуқур дарёнинг тубига ўхшаган ҳайбатли, вазмин, ички дарди қудратини яшириш майли. Биринчи майлнинг йирик намояндалари Боязид Бистомий, Мансур Ҳаллож, Абу Саид Абул Хайр, Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий, Шамс Табризий, Бобораҳим Машраб. Иккинчи майл тарафдорлари қаторига Жунайд Бағдодий, Нажмиддин Кубро (бутунлай бўлмаса ҳам), Саъдий Шерозий, Баҳоуддин Нақшбанд кабиларни киритиш мумкин. Боязид Бистомийдан олдин ҳам муҳаббат ҳақида гапирган сўфийлар бўлган. Айниқса, Робиа Адавиянинг ўтли муножотлари юракларни пора қилар, илоҳий муҳаббат бу авлиё аёлнинг номини афсонага айлантирган эди. Аммо Боязиднинг хизмати шуки, у бу нуқтаи назарни сўфий руҳияти билан боғлади. Унинг уқтиришича, ваҳдат ва фано шундай бир руҳий ҳолатда юз берадики, солиқ худди шароб ичган одамдай маст бўлиб, ўзини унутади. Бу ҳолатни у «сукра» — «мастлик» (девоналик) деб атади. Унингча, маст бўлмаган одам ошиқ эмас, ошиқ илоҳий шароб — «шаробан таҳуро»дан масту мустағрақ кишидир, у ўз вужуди — ўзини буткул унутади ва шунда аллақандай тушунтириб бўлмас бир қобилият пайдо бўлиб, солиқ Илоҳ маърифатини ҳис қила бошлайди. Шайх Тустарий бунини ҳайрат тушунчаси орқали қуйидагича баён этган: «Қурб-мартабалари ошган сари Аллоҳ улуғворлигининг асарлари зиёдроқ бўлади ва нодонликка қарама-қарши ўлароқ илм кўпаяверади ва тасаввуфий маърифат орта боради ва ҳайрат устига ҳайрат қўшилаверади ва: «Эй Раббий, ҳайрат оғушидаман», — деган нило кўтарилади».

Дарҳақиқат, маърифат ҳайратнинг натижасидир. Маърифат буюк Илоҳ оламлари бепоёнлиги, истигноси — муҳтожсизлигини, Зоти жавҳарини қалб билан ҳис этиш ва кўнгил билан таниш демек. Шундай қилиб, маърифат — руҳ ҳодисасидир, фақру фано руҳнинг камолидан нишонадир.

Аммо Жунайд Бағдодий Боязидни танқид қилиб, «сукра» йўли фақат солиқнинг ўзига нажот келтиради. Сукрага кирган одамнинг ўзгаларга нафъи тегмайди. Ҳолбуки, мақсад фақат ўзингни маърифатга етказиш эмас, балки бу маърифатдан бошқаларни ҳам баҳраманд этишдир, дейди. Шундай экан, бехудлик даражасидан кейин, илоҳий маърифатга қалби тўлишиб, қайта хушёр тортган ориф улуғроқдир. Негаки, энди у ўз билимини халққа етказиб, юзлаб дилларни маърифат нури билан ёритади. Бу қараш «сахв», яъни хушёрлик концепцияси номи билан шуҳрат топди. «Тасаввуф нима?» — деган саволга Жунайд Бағдодий: «Тасаввуф бир дам беғам бўлишдир», — дея жавоб берган. Бу гапнинг тагида маъно

кўп. Бир дам беғамлик — бу қалб осойишталиги, инсоннинг аслига етгандан кейинги тамкинли саодати, дунё ташвишлари, нафс қутқусидан озодлиги ва ҳоказоларни англатади. Шу билан бирга, бир дам беғам бўлиш ҳаддан зиёд тўполон-ғалва қилмаслик, ҳаяжонланмасликни ҳам билдиралади. Чунки Боязид сулукидагилар, айниқса, Мансур Ҳаллож бетоқат бўлиб, ўз кашфларидан маст ўлароқ жони ичига сиғмай, фикрларини ошқора тарзда элга айтди. Бу эса яхши оқибатларга олиб келмасди, албатта. Тасаввуф моҳияти, ҳикматларини оммалаштириш хавfli, деб ҳисоблайди Жунайд. Зеро, авом нозик маъноларни англашдан ожиз, нотўғри талқинлар пайдо бўлади ва имон-этиқодга путур етади. Шунинг учун бўлса керак, Жунайд Мансурни осий тўғрисида тайёрланган фатвога ўзи ҳам қўл қўйди. Жунайд Бағдодий айтишича, ҳақиқий бақо «саҳв — ҳушёрликка қайтишдан кейин бошланади. «Сукра»-даги одам бамисоли денгизга шўнғиб, ғарқ бўлган киши бўлса, «саҳв»га қайтган денгизга шўнғиб, гавҳар доналарини олиб қайтиб чиққан ғаввосдир».

Агар тасаввуф тарихини кўздан кечирсак, бу икки концепция кўп асрлар давом этганини ва тасаввуфнинг хилма-хил оқимлари, силсилалари вужудга келишига сабаб бўлганини кўрамиз. Яна шуниси ҳам маълумки, ҳар икки оқимни бирлаштиришга уринганлар ҳам бўлиб турган. Шу муносабат билан айрим шайхларнинг ҳаёти билан боғлиқ қуйидаги воқеа-ривоятларга диққатингизни тортмоқчиман.

**Биринчи воқеа:** Ривоят қиладиларким, Шамс Табризий Жалолиддин Румий билан учрашганда унинг қўлидаги китобини олиб ҳовуздаги сувга отиб юборади. Жалолиддиннинг кўнгли ачишганини кўриб, китобни яна қайтиб сувдан олади. Аммо сув китобга ҳеч ҳам таъсир қилмаган бўлади. (Бу ривоят бошқа шайхлар ҳаёти билан ҳам боғлаб келтирилган).

**Иккинчи воқеа:** Нажмиддин Кубро Табризда Бобо Фараж деган сўфий билан учрашади ва кўнглида унга муҳаббат уйғонади. Бобо Фараж қабулига борганда, сўфий уларга кийимларини ечиб ташлаб, сўнгра уйга киришларини буюради. Нажмиддин ва ҳамроҳлари Бобонинг айтганини қилиб, ичкари кириб ўтирадилар. Бир муддатдан кейин Бобода кучли ўзгариш юз беради — унинг вужуди «худди офтобдай порлаб» кетади. Бобо Фараж ўзига келгач, хирқасини ечиб Нажмиддинга туҳфа этади ва: «Сен энди таҳсилни йиғиштир, китоб билан ишинг битди», — деб айтади. Нажмиддин бу вақтларда бир уламо қўлида тафсир ўқимоқда эди, китоб охирланиб қолганди. Устоди Нажмиддинга: икки кунлик сабоқ қолди, шуни эгалласанг, кейин ихтиёринг ўзингда, деб айтади. Нажмиддин эртасига яна сабоқ олгали устоди олдига борганда Бобо Фараж пайдо бўлиб: «Мен китоб мутолааси энди сенга

зарарли деб айтдим-ку, яна нега келдинг», — дея Нажмиддинга ақлий-далилий илмлар билан шуғулланишни буткул ман этади.

**Учинчи воқеа:** Фаридиддин Атторнинг «Мантиқ ут-тайр» асариди тарсо қизига ошиқ бўлган Шайх Санъон ҳикояти бор. Шайх Санъон қизга шунчалик ошиқ бўладики, унинг ўқиган барча китоблари, эгаллаган билимлари, ва ҳатто, Қуръон ҳам ёдидан батамом кўтарилади. У ишқ йўлида беҳуд-девона бўлади. Мажнунга айланади. Лекин Пайғамбар алайҳиссаломни тушида кўриб, ўзига қайтади ва барча илми хотирасида яна тикланади, аммо энди у бошқа одам, маърифатни эгаллаган комил шайх эди.

Бу ривоятлар нимага ишора қилади? Мухлис-муридни китобдан қайтариш — зоҳирий билимдан ботиний билимга йўллаш бўлса, китобнинг ҳўл бўлмаслиги ботиний билим зоҳирий билимни ўз ичига қамраб олиши мумкинлигига, аммо зоҳирий билим ботиний билим ўрнини босолмаслигига ишорадир. Ҳақиқий сўфий одам ботиний-завқий билим эгаси бўлиши лозим, бусиз каромат ва маърифатга эришолмайди. Нажмиддин Кубро билан боғлиқ ҳикояда эса сал бошқача бир маъно ифодаланган, яъни Нажмиддин ботиний-ладуний илмга ташна, шу боис у мажзуб Бобо Фаражга қараб интилади, унинг ўтирган жойида «офтобдай порлаб», мўъжизалар кўрсатишидан ҳайратга тушади. Лекин Нажмиддин ақлий билимлардан ҳам кўнгил узмоқчи эмас. Шунинг учун, Ҳадис ва тафсирларни мутолаа қилишни канда этмайди. Бу ўринда Нажмиддин сиймосида икки хил билиш усули — ақлий ва ботиний-завқий билишнинг қўшилганини кўраимиз. Дарҳақиқат, Нажмиддин Кубро ҳар жиҳатдан билимдон ва айни вақтда «валийтарош» (валийларни тарбияловчи) кароматли инсон бўлган.

Шайх Санъоннинг (Навоий «Лисон ут-тайр» достони қаҳрамони) илмлари ва Қуръоннинг хотирасидан кўтарилиши — бу Илоҳга етиш учун барча дунёвийликдан, жумладан, дунёвий илмлардан холи бўлиш, ақлдан ва ақлий нарсалардан қутулиш, ўзлигини унутишга ишорадир. Унинг хотирасининг қайтиши эса — «сукра» дан «сахв»га қайтишидир. («Сукра», яъни Мажнун бўлиб Илоҳни севиш ва беҳудлик, девоналик ҳолатида ирфон (маърифат ҳақидаги билимлар мажмуи) қозониш ҳозирги пайтда Фарбда ўрганилаётган «онгсизлик онги» муаммосига ўхшаш. Инсонда ақл билан тушунтириб бўлмайдиган ҳолатлар бўлишини фан исботламоқда, улуғ кашфиётлар айнан ана шу «беҳудлик» ҳолатида қўлга киради). Сўфийлар шу икки оқимнинг қайси бирига мансублигига қараб бир нечта гуруҳга бўлинадилар. Чунончи: ориф (ориф — илоҳий маърифатни эгаллаган одам) сўфийлар, ошиқ сўфийлар, обид сўфийлар, файласуф сўфийлар, мажзуб сўфийлар. Шунга мувофиқ равишда тасаввуф ҳам ошиқона, орифона қисмларга ажралади, орифона тасаввуф барча илмларни қамраб оладиган,

ҳикмат ва фалсафани ҳам қўшадиган тасаввуфдир. Ошиқона тасаввуф ишқий кечинмалар, ишқий-завқий ирфонни биринчи ўринга қўйиб, муҳокама юритадиган, тўғрироғи, муҳокама-тафаккурдан кўра ҳис-ҳаяжон, муҳаббат шавқ-завқи тошқинини афзал кўрадиган тасаввуфдир. Маломатия ва қаландария оқимлари ҳам моҳиятан ошиқона тасаввуфнинг шаҳобчасидир. Маломатийлар хокисорлик ва ўзини-ўзи маломат қилиш билан Тангрига ихлосни ҳаддан ошириб, яъни ифротий тарзда ифодаляйдилар. Улар ўзларини халқдан ажратмайдилар, авом ва хос тушунчаларини тан олмайдилар. (Қайд этамизки, сўфийлар, одатда, ўзларини «хос» кишилар, қолган барча халойиқни «авом» деб номлаганлар). Аммо маломатийларнинг бу халқсеварлигини гўшанишинлик ва узлатга зид ҳаракат деб тушунмаслик керак. Буларнинг ўзларини оддий одамлар билан тенг кўриши камтаринлик, шикасталик белгисидир. Маломатийлар диний расм-русумни тан олмаганларидек, тариқатнинг ҳам одобу қоидалари, расм-одатларига унча риоя қилмаганлар, чунки улар ҳар қандай қоида-русумни суратпарастлик, зоҳирийлик деб билганлар. Шунинг учун маломатия назарида таркидунё қилган қуруқ зоҳид ҳам, расм-русумга берилган хонақоҳ шайхи ҳам бирдай калтабин ва ҳақиқатдан узоқ кишилардир. Ошиқона ашъорда зоҳидлар, риёкор шайхлар қаторида умуман хирқапўшлик ва шайхликни мазаммат этган сатрларга дуч келамиз. Ҳофиз эса: «Хирқамни гаров қўйгум, бир коса шароб аъло», деб ёзади. Яъни хонақоҳдаги шайх хирқасидан кўра, харобот (майхона, дайр)даги маю маъшуқ афзалдир, дейди шоир. Шароб деганда у илоҳий файзни, харобот, майхона деганда комил инсон ҳузури ёки илоҳий файзни етказувчи маъшуқа — «мазҳар»ни назарда тутди.

## МУҲАББАТ

Шундай қилиб, ошиқлик — ҳақсеварликнинг, маърифатга шайдоликнинг олий кўриниши. Қолган барча ҳолларда сохтакорлик, риё бўлиши мумкин, аммо ишқда, ошиқликда бу иллат бўлмайди. Фақат ишқ кишини абадиятга — бақо оламига олиб боради:

Ҳаргиз намирад он, ки дилаш зинда шуд ба ишқ,  
Сабот аст дар жариди олам давоми мо.

*(Ҳожа Ҳофиз)*

Маъноси: Кўнгли ишқ билан тирилган одам ҳеч қачон ўлмайди, чунки олам жараёнида биз ошиқларнинг давомимиз уланган.

Маърифат ва Ҳақиқат тасаввуфда ана шундай англашилган.

Умуман олганда эса муҳаббат — тасаввуфнинг асосий руқнларидан бири. Жуда кўп ирфоний тушунча-истилоҳларнинг шарҳи муҳаббатга келиб боғланади. Тасаввуфни лўнда қилиб илоҳий муҳаббат ҳақидаги илм дейиш мумкин. Чунки тасаввуф илоҳий маърифатни эгаллаш, Аллоҳнинг сифат ва исмлари орқали Унинг зотини билиш ва танишни талаб қилар экан, буни ақл ва назарий-тафаккурий билимлар билан эмас, балки яширин бир ички туйғу, ботиний басират, яъни муҳаббат воситасида амалга ошириш мумкин, деб таълим беради. Воқеан, сўфийнинг бутун интилишлари, аҳвол-руҳияси, ҳаётининг маъноси, эътиқод-имони поклик ҳам эзгулик тимсоли бўлмиш олий Ҳақиқатга фидойи муҳаббатдан иборат. Бу айни вақтда билим ва дониш, ҳикмат ва санъат манбаига, ҳали кашф этилмаган, ғайб ҳисобланган сирлар оламига кучли иштиёқ ҳам. Шу ишқ қудратиким солиқ (тариқат йўлига кирган киши) қалбини бир зум бўлса-да тинч қўймай, унда нурлар порлатиб, изтироб ва қийноқлар гирдобига солади; ҳиссий жисмоний ҳаловатлардан кечиб, хилватхоналарда бедор тунларни тоатибодат, шуур-тахайюл оғушида ўтказиш; вайл-илҳом билан одам ва олам моҳиятини, илоҳий мўъжизаларни идрок этишга йўл очади; муттасил руҳий-маънавий юксалишга ҳидоят қилади.



Шундай қилиб, чинакам солик — бу ошиқ солиқдир, ишқ (тасаввуф адабиётида «муҳаббат» ва «ишқ» сўзлари баравар ишлатилади, бу арабча сўзлар англатган маънолар деярли бир хил, яъни кўнгилнинг муҳабб томон кучли иштиёқ билан интилиши) — илоҳий маърифатни кашф этувчи қудрат, солиқ вужудини ёндириб, муҳабб висолига яқинлаштирадиган покловчи муқаддас олов қалбда ишқ қанчалик кучли бўлса, солиқ маърифат зиналаридан шунча бардам кўтарила боради, нафсий сифатларни тарк этиб, камолот чўққиларини забт этаверади. Тасаввуф назариётчиларидан бири Абул Қосим Қушайрий ёзади «Муҳаббат муҳиб (севгувчи)-нинг сифатларида маҳв бўлиши ва маҳбуб (севикли) зотида исботлашишидир» (*Қушайрий*. «Кашф ул-маҳжуб», 339-бет). Қушайрийнинг мазкур таърифини англатиш учун айтмоқчимизки, «зот» деганда тасаввуф аҳли Мутлақ руҳнинг ўзини, илоҳиёт оламининг жавҳари, яъни абадий ва азалий Ваҳдатнинг моҳиятини тушунган. «Сифот» (сифатлар) эса илоҳий Зотнинг аёнлашуви, Унинг қудрат ва хусусиятларидир. Барча руҳий ва моддий оламлар, жумладан, инсон ҳам шу сифатлардан иборат. Бундан ташқари, инсонда Илоҳийлик билан моддийлик биргаликда яшайди. Шундай бўлгач, инсон руҳи ўз Асли Мутлақ руҳга қараб тинимсиз равишда ҳаракатда бўлади, моддий вужуд билан кураш олиб боради. Инсоннинг Илоҳга бўлган соғинчи, муҳаббатининг боиси шу. Шу сабабга кўра, муҳаббат ўзликдан воз кечиб, дунёвий орзу-ниятларни йўқотиш — маҳв этишни талаб қилади. Бошқача айтганда, дунё муҳаббатидан кўнгил узмасдан Илоҳ муҳаббатини қозониш мумкин эмас. Дунё муҳаббати ва Илоҳ муҳаббати — бир-бирига зид икки кутб: дунёни деган киши Илоҳ муҳаббатидан, Илоҳни деган киши эса дунё муҳаббатидан юз ўгириши керак. Ана шундай дунё муҳаббатидан юз ўгириб, илоҳий маърифатни эгаллаган одам, дунёвий-нафсоний сифатларга барҳам бериб, илоҳий сифатларни ўзлаштиравериб, Зотнинг ўзига қўшилади, яъни Зотда фоний бўлади (муҳаббатнинг хотимаси — фано). Шу билан сўфий ўз инсоний жавҳари, яъни илоҳий Зотнинг бир қисми эканини исботлайди. Ана шу маънода Қушайрий муҳаббатни инсоннинг илоҳий эканлигини исботлаш воситаси, деб таърифлаган. Шу билан бирга, банда ўз муҳаббати орқали Мутлақ Зотнинг мавжудлигини ҳам исботлайди — бу Қушайрий фикрининг яна бир қиррасидир. Зеро, инсон руҳининг покланиб, Мутлақ руҳга қўшилиши — тавҳиднинг олий даражада тасдиқланиши — ҳаққул яқин мартабасида қозонилган имондир.

Тасаввуфда банданинг Илоҳга муҳаббати билан бирга, Илоҳнинг Ўз бандаларига муҳаббати ҳам эътиборга олинади. Аслини олганда, олам, унинг ашъёлари, тирик мавжудотлар, инсон — ҳамма-ҳаммаси Мутлақ руҳнинг муҳаббати туфайли вужудга келган. Аҳли ирфон тасаввурига кўра, бошида Мутлақ руҳ жавҳаридан

бошқа нарса йўқ эди. Мутлақ руҳ ўз ҳусну жамоли, қудратига маҳдиё бўлади, яъни Ўзи Ўзини севиб қолади ва жамолини намойиш этиш учун дунёни яратади. Демак, дунё Мутлақ руҳнинг кўзгуси. Инсон Унинг муҳаббатининг меваси. Инсон ўз хилқати, тузилиши билан илоҳий хусусиятларни акс эттирган тимсолдир, унинг қалби бўлса нури Раҳмон маскани. Шунинг учун тасаввуфий муҳаббат икки ёқламандир, бир томондан, ўз Яратувчисига муҳаббати, иккинчи тарафдан, Тангрининг бандасига марҳамати, хайру эҳсони. «Ҳақнинг бандага муҳаббати, — деб ёзади Хужвирий. — хайр иродасидир. Бу хайр раҳмати туфайли банда парвариш топади, гуноҳлардан қутулади, мақом ва кароматга эга бўлади». Демак, Аллоҳнинг марҳамати Унинг чексиз карамининг севган бандаси устига ёғилиши, бандани яшнатиши ва сероб қилишидир. Бу илоҳий эҳсон Худога ошиқ мажзуб солиқлар қалбига юксак бир даражада нузул этади, уларнинг ишқини алангалатади. Хулласи калом, илоҳий муҳаббат хос хислатларга молик алоҳида шахсларнинг руҳий-психологик ҳолатини англадиган фазилат, уларнинг шавқу завқи, мушоҳада-мукошифасини тезлаштирувчи куч.

Аммо ҳужжат ул-ислом имом Абу Ҳомид Ғаззолийнинг фикрига кўра, Аллоҳни севиш фақат жунуни бор алоҳида шахслар — ошиқ солиқларнинг фазилати эмас. Аллоҳ ҳамма учун севимлидир, чунки Унда инсон тасавуридаги барча эзгуликлар, инсонни ўзига тортувчи, муҳаббатига сабаб бўлгувчи жамики сифат ва хислатлар мавжуд. Олим буни қуйидаги омиллар орқали тушунтирган: 1) инсон ўзини, ўз камолоти ва ҳаётига асос бўладиган нарсаларни севади; 2) ўзига яхшилик қилган, ёрдам берганларни севади; 3) умуман ҳаммага яхшилик қиладиган саховатли одамларни севади. жумладан, адолатли шоҳлар ҳам севимли; 4) шунингдек, барча гўзал нарсалар, нафосат олами, хушбўй, хушсурат нарсалар ҳам севимли; 5) маслак ва мазҳаб юзасидан ҳам одамлар бир-бирларини яхши кўрадилар. Аммо бунда конкрет шахснинг жисми, вужудини эмас, балки мазҳаби, руҳий-маънавий қариндошлиги муҳаббатга сабабдир. Шу каби сахийлар сиймосида саховатни, одиллар сиймосида адолатни, қаҳрамонлар сиймосида қаҳрамонликни севамиз. Бу сифатларнинг ҳар бири алоҳида олинганда муҳаббатга сабаб бўлади, аммо улар бир ерга йиғилса-чи? Унда муҳаббат ҳам йиғилиб, кучаяди ва у Худога бўлган қайноқ муҳаббат даражасига кўтарилади! Чунки фақат Аллоҳгина барча яхши, эзгу сифатларни жамлаган Зотдир. Аллоҳни севиш орқали биз абадиятни, абадий Адолат ва Ҳақиқатни севамиз. Инсон ана шу идеал етуклик ва камолни қўмсайди, ўзининг барча ниятлари, орзуларини шу билан боғлайди.

Ғаззолийнинг уқтиришича, инсоннинг ўзини севиши ҳам Аллоҳга бўлган муҳаббатдан нишона, негаки ўзини севиш — ўз

камолоти учун курашиш демак. Бизни яратган Парвардигор камолотимизга раҳнамо, ҳаётимизга посбон. Шу боис биз ўз камолотимиз ва ҳаётимизни севиш билан Парвардигорни севган бўлаемиз. Бу фикрни олим «Ўзини таниган киши уз Раббини танийди», деган ҳадис билан тушунтириб айтадики, ўзини севиш — ўзини таниш демак. Шунинг учун муҳаббат ва маърифат ўзаро алоқадор тушунчалар бўлиб, «маърифатсиз муҳаббат, муҳаббатсиз маърифат бўлмайди» (*Ғаззолий*. Ихёу улум ад-дин, русча нашри). Машҳур сўфий Ҳасан Басрий айтган экан: «Ким ўз Раббини таниса, Уни севади, ким дунёни таниса, ундан воз кечади». Яъни Аллоҳни танишимиз кучайган сари Унга нисбатан муҳаббатимиз ошаверади, лекин дунёнинг моҳиятига чуқурроқ кириб борганимиз сари (унинг бебақолигини англаб) унга нафратимиз орта боради.

Кўриниб турибдики, Ғаззолий инсоннинг табиатидан келиб чиқиб, фикр юритган. Аллоҳга бўлган муҳаббатнинг зарурий ва қонуний эканини илмий-мантиқий йўсинда исботламоқчи бўлган. Бироқ қизиғи шундаки, у ўзининг фикрларини тасаввуфий муҳаббатга олиб бориб боғлайди ва тасаввуфий муҳаббатнинг (илоҳий ишқнинг) ҳам табиий асослари борлиги, зарурий ҳодиса эканини кўрсатиб беради. Шу заминда улғ олим инсоннинг инсонга муҳаббати, илоҳий муҳаббат билан заминий, ҳаётий муҳаббат орасидаги муносабат ҳамда орифлар, дарвешларнинг муҳаббати ҳақида муҳим фикрларни баён этади. Ғаззолий талқинига кўра, илоҳий муҳаббат билан инсоний муҳаббат орасида зиддият йўқ. Аксинча, илоҳий муҳаббат инсоний муҳаббатнинг ривожланиб, камол топган кўриниши. Ҳамма гап қандай инсонларни севишда. Биз нима учун оқил, ориф ва заковатли одамларни севаемиз? Ғаззолий бунга жавоб қайтариб дейдики, маънавий камолотга интилган, эзгу қалбли ҳар қандай одам сеvimлидир, чунки у Аллоҳни севади ва Аллоҳ ҳам уни севади. Пайғамбарлар, ориф дарвешлар, солиҳ кишилар шунинг учун муҳаббатга сазовордирлар. «Пайғамбарни севиш таҳсинга лойиқ, — деб ёзади Ғаззолий, — чунки у Парвардигорнинг севган кишиси, Парвардигор ҳабиби! Яъни севганимизнинг севгани ҳам сеvimлидир». Шунга биноан, вали ва ориф дарвешларни эъзозлаймиз, севаемиз, уларни севиш орқали Парвардигорга бўлган муҳаббатимизни изҳор этаемиз. Халифани рошид Али каррамаллоҳу ваҳҳаҳу дарвешлар хусусида шундай деганлар: «Бу одамлар ишқ билан ҳаққ ул-яқин мартабасига эришган, ҳақиқат моҳиятини англаган зотлардирлар. Улар бу дунёда вужудлари билан борлар, аммо руҳлари баландларда учиб юради.

Улар Аллоҳнинг ердаги халифалари ва Унинг динининг жарчиларидир».

«Аллоҳнинг ердаги халифалари» бўлган илоҳсевар дарвешлар ўз пирлари ёки тасаввуфнинг бошқа бир намоянчасини ғойибона ҳурмат қилганлар, кўпинча бу ҳурмат чинакам муҳаббатга айланган. Масалан, Шамс Табризий билан Жалолиддин Румий, Алишер Навоий билан Абдураҳмон Жомий, Мирзо Бедил билан мажзуб Шоҳ Қобулий орасидаги муносабатлар шундай пок, ғоят нозик ва ибратли эди. Жалолиддин Румий Шамс Табризийни учратгандан кейин, унга шунчалик маҳлиё бўлганки, уч ой давомида иккаласи бир уйда хилватнишин бўлиб суҳбатлашганлар. Ривоят қиладиларки, Мавлоно Румийнинг муридлари бундан хафа бўлиб, рашклари келиб, ғавғо кўтардилар ва Шамсиддин қайтиб Табризга кетишга мажбур бўлади. «Аmmo Мавлоно учун бу жудолик оғир бўлди, — деб ёзади Ҳожи Зайнобиддин Ширвоний «Шарҳи ҳоли Мавлоно» рисоласида, — Шамсиддиннинг ишқи олови унинг ичини ёндира бошлади ва Шамсиддин фироқида ўтли-аламли шеърлар айта бошлади». Румий илоҳий ишқни тараннум этган барча ғазалларини устозига бағишлаб, унинг номини тахаллус сифатида қабул қилади. Лекин сўфий шоирнинг кўнгли бу билан ҳам таскин топмайди, у тоқати тоқ бўлиб, охири Табризга қараб отланади, кўп қийинчиликлардан сўнг Шамсиддинни топиб, Румга қайтариб олиб келади. Улар узоқ муддатлар ағёрдан холи ҳолда суҳбатлар ўтказдилар, икки кўнгли бир-биридан баҳра олиб яйрайди. Муридлар ҳасали яна жўш уриб, Шамсиддинга таҳдид қиладилар. Натижада у яна Куняни тарк этади, икки йил Шомда қолиб кетади. Зайнобиддин Ширвоний ёзади: «Мавлоно бу муддат ичида Шамсиддин фироқида орому қарорини йўқотди, бутунлай девонага ўхшаб қолди». Оқибатда у ўғли Султон Валадга минг динор пул бериб, Шом сафарига жўнатади. Султон Валад Шамсиддинни топиб, олтинларни унинг оёқлари остига тўкади (Шамсиддин шу пайт бир фарангий муриди билан шоҳмот ўйнаб ўтирган бўлади) ва отаси тайинлаган қуйидаги байтларни ўқийди:

Биравед, эй ҳарифон, бикашед ёри моро,  
Ба ман оваред ҳоло санами гурезпоро.  
Агар ў ба ваъда гўяд, ки дами дигар биёед,  
Махўред макри ўро, бифиребал ў шуморо.

(Боринг, эй дўстлар, келтиринг ёримни мани, қочоқ санамимни олдимга келтиринг. Агар у бошқа пайт келинг, деб, ваъда берса, унинг макрига учманг — алдайди у сизни).

Султон Валад шу зайлда Шамсиддин Табризийни кўндириб, унинг оти жиловиди бир ой пиёда йўл босиб. Румга олиб келади. Аммо Жалолиддиннинг васлдан шодлиги узоққа чўзилмайди, рақиблар Шамсиддинни қатл этиб қутуладилар. Бу алам Жалолиддин Румий қалбидан ўла-ўлгунча кетмайди. Шамсиддинга бўлган

муҳаббат шарофати билан Румий жаҳоннинг буюк шоирларидан бирига айланади ва илоҳий маънолар тўла нодир асарлар яратади. Жалолиддин Румий Шамсиддин руҳида маънавият етуклигини, камолотни кўрган эди. Шамсиддин сўзлари унинг илҳомига илҳом кўшар, кўнгил дардларига ҳамдардлик қилар, илоҳиёт сиру асрорини кашф этишга кўмаклашарди. Шамсиддинга муҳаббат Румий учун Илоҳга муҳаббатнинг инсон қиёфасидаги ифодаси эди. У Шамсиддин қалбида илоҳий файз майнинг лиммо-лим қалаҳини топиб, ундан тўйиб-тўйиб симирарди.

Худди шундай ҳолатни Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомий муносабатларида ҳам кўрамиз: агар биз ҳазрат Навоийнинг Абдураҳмон Жомийга бағишланган «Хамсат ул-мутаҳаййирин» асарини мутолаа қилсак, улар бир-бирларининг суҳбатига ҳамиша интиқ бўлганлари, икки-уч кун кўришмасалар, соғиниб қолишлари, бир-бирларини нафақат фарзанду-ота муҳаббати, балки ихлосманд пир-мурид муҳаббати, ёру биродарлик муҳаббати билан йўқлаб, кўмсаб турганларини кўриш мумкин. Жомий «Юсуф ва Зулайҳо» достонининг хотимасида Навоийни тенги топилмас садоқатли дўст, ёри азиз деб таърифлайди. Уларнинг бир-бирларига юборган мактублари ҳам муҳаббат сўзлари билан тўлиқ. Бунда ҳам ўша ҳодиса, яъни маънавият камоли, орзудаги илоҳий сифатларни реал инсонда кўриб, уни севиш ҳодисаси мавжуд. Аммо Фаридиддин Атторнинг Мансур Ҳалложга муҳаббати реал инсонга эмас, балки унинг руҳига, эътиқодига муҳаббатдир. Румийнинг айтиши бўйича, Мансур руҳи юз эллик йилдан кейин Атторга нузул қилган ва уни тарбиялаган. Аттор — Мансур ҳақиқатининг шайдоси. Унинг назарида Мансур Ҳаллож илоҳиётнинг инсон суратидаги тимсолидир. Шу сабаб Шайх Фаридиддин Аттор достонларида куйлаган илоҳий ишқ қайноқ бир тарзда Мансурга бўлган муҳаббат билан кўшилиб намоён бўлади. Шоир гўё Мансурни таърифлаш билан Илоҳни, Илоҳни алқаш орқали эса Мансурни севиб тасвирлай-веради.

Буларнинг ҳаммаси ҳар қандай илоҳий муҳаббат замирида пок инсоний муҳаббат ётганлигидан далолат беради. Биринчидан, илоҳий муҳаббат ҳам инсон муҳаббати, унинг идеал Файзга, Ҳаққа мажнунларча иштиёқи эканини унутмайлик. Бу — олий ҳақиқатларни излаш ва шунга шайдолик шавқи. Иккинчидан, илоҳий ишқ куйланган асарларда ҳам нажиб инсоний кечинмалар, бокира, нозик туйғулар тараннуми бор. Ва, учинчидан, кўриб ўтганимиз каби, ишқ кўп ҳолларда етук, ориф инсонларга муҳаббат туфайли туғилиб, шу заминда камол топиб, ривожланган. Хўш, шундай бўлгач, илоҳий дийдорга толиб кишилар оддий одамларни ҳам сева олганми, уларнинг оилага, фарзанд ва қариндош-уруғларга муносабати қанақа бўлган?

Ушбу саволларга жавоб беришдан олдин Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асаридан Шайх Рўзбеҳон Бақлий ҳақидаги бир ҳикоятни келтирмоқчимиз. Шайх Рўзбеҳон Маккада истиқомат қиларди, ногоҳ «бир муғанния (хонанда аёл) муҳаббатига мубтало бўлди». Аммо унинг бу ҳолидан кишилар огоҳ эмас эди, яширин равишда оҳ-нола чекарди. Лекин ишқини узоқ яшира олмасдан, Макка машойихи ҳузурига бориб, хирқасини ечиб улар қошига ташлайди ва «мен ўз ҳолим тўғрисида ёлғончи бўлишни хоҳламайман», деб муғанния қошига боради. Муғанния ҳам шайхнинг «ишқу ҳоли, муҳаббатини» сезиб, унинг авлиё акобирлардан эканлигини билиб, олдига келиб тавба қилади, муғаннийликни тарк этиб, шайх хизматида бўлади. Навоий ёзади: «Ва шайхнинг ул туғёни муҳаббати таскин топди ва машойих мажлисига бориб, хирқасини олиб яна эғнига солди ва ғариб ҳолоти шайхнинг кўпдир» (*Алишер Навоий*. МАТ, 17-жилд, 100-бет).

Мазкур ҳикоят шунинг учун муҳимки, унда мажозий ишқ билан илоҳий ишқнинг бир-бирига боғлиқлиги, бири иккинчисини инкор этмаслиги кўрсатилган. Навоий ҳикоятни нақл қилар экан, шуни таъкидлайдики, шайх Рўзбеҳоннинг «важду сайҳалари» (бўзлашлари) «Тенгри ишқида эрди», муғаннияни кўргандан кейин эса бу ишқ кучайди, муайян бир ҳақиқатга айланди, яъни конкретлилик касб этди. Муғанния васлига муяссар бўлгандан кейин эса, кўнгли таскин топиб, яна Илоҳ ишқи билан шуғуллана бошлади. Демак, мажозий ишқ илоҳий ишқни кучайтирувчи, тезлаштирувчи восита. Рўзбеҳон Бақлийнинг муғаннияга муҳаббати билан «Лисон ут-тайр»даги Шайх Санъоннинг тарсо қизига муҳаббати мазмунан ўхшаш. Шайх Санъон илоҳиёт ҳикматидан ғоят хабардор ориф инсон, аммо у тарсо қизини кўргач, шайдою мубтало бўлиб қолади, не-не маломатларга кўниб, энг паст юмушларни бажариб, ёри васлини қозонади ва охири тарсо қизи шайхнинг муҳаббати соф ва самимий эканини билиб, унинг олдида тавба қилади, исломга кириб, шайх муридига айланади. Бу саргузашт орқали Шайх Санъоннинг илоҳиётга бўлган муҳаббати синовлардан ўтади, шайх бу йўлда ўзлиги, билим ва мансабдан ҳосил бўлган ғурурни ташлаб, чин ошиққа айланади, комиллик даражаси ортади. Демак, Ақтор ва Навоий наздида чинакам камолот ишқ орқали амалга ошади.

Шу тариқа, ориф дарвешлар ҳам оддий кишиларни, жумладан, гўзал аёлларни севганлар, аммо бу севги ҳирсий-жинсий интилишлар билан хотима топадиган севги бўлмай, балки Навоий айтгандай, «пок кўзни пок кўнгил билан пок юзга солиш» ва шундан баҳра олиш эди. Бу пок юз ошиқ учун илоҳиёт файзи акс этган *мазҳар* ўрнида бўлган. Муғанния ҳам, тарсо қизи ҳам, шу каби Лайли ва Ширин ҳам илоҳий ҳусну жамол зуҳур этган

«мазҳар» дирлар. Умуман, шайхларнинг бир қисми дунёвий гўзалликдан баҳраманд бўлишга иштиёқманд бўлганлар. Бундай шайхларни «шоҳидбоз» деб атаганлар. Яъни гўзал инсонларда Илоҳий Ҳусни мушоҳада этиш, ундан лаззатланиш. Шайх Рўзбеҳон ҳақида Навоий яна бир ҳикоятни келтиради: Шайх бир кун Шероз кўчаларидан ўтиб борарди. Бир аёл қизига қараб: «Эй фарзанд, ҳуснингни элга кўп кўргузмаки, хору безътибор бўлур», деб насиҳат қиларди. Рўзбеҳон бу гапни эшитиб, аёлга қараб дейди: «Эй, заифа, ҳусн хилватда яширин туришга рози эмас, у ишқ билан дўст бўлиши керак». «Ҳусн ва ишқ азалдан аҳду паймон боғлабдирларки, бир-биридан айру бўлмағайлар». Шайх Рўзбеҳон айтмоқчики, илоҳий жамол барчага баробар, нега энди инсон ўз ҳуснини яшириши керак? Ҳусн ишқ учундир, шу боис гўзал юзларни севиш раво. Бадриддин Ҳилолий байти:

Ишқ менозад ба ҳусну ҳусн менозад ба ишқ,  
Оре, оре, ин ду маъни ошиқи якдигаранд.

(Ишқ ҳуснга талабгор, ҳусн ишққа интиқ, ҳа-ҳа бу икки маъно бир-бирининг ошиғидирлар).

Шайх Фаридиддин Иброҳим Ироқий Ҳамадонга келган қаландарлар ичида бир соҳибжамол йигитни кўриб, уни севиб қолади ва қаландарларга қўшилиб олади. Қаландарлар сафарга чиққанда эса «фироқ суубатидин (азобидин) бетоқат бўлуб, аларга эргаша бориб, аларга етти ва ишқ иқтисоси билаки, маъшукқа ҳамранглик (ўхшашлик) тақозоси қилур, қаландарлик либосини ихтиёр қилиб, алар била Ҳиндистонга кетди» (Алишер Навоий. МАТ, 17-жилд, 173-бет). Иброҳим Ироқий истеъдодли шайхлардан бўлган, у «Ламаот» номли китобнинг муаллифидир. Унинг шоҳидбозлиги ҳам худди Рўзбеҳон Бақлий каби «мазҳар»га муҳаббат тарзида кечган, яъни покбозлик бўлган. Юқорида айтганимиздай, илоҳий ишқ ана шу покбозлик заминда кўкариб вояга етади. Бунда «Афлотуний муҳаббат» деб ном олган муҳаббатнинг таъсири ҳам йўқ эмас. Мазкур тушунча қадимги юнон олими Платон номи билан боғлиқ. Платон назариясига кўра, олам севги асосида вужудга келиб, шу қонуният билан ҳаракатдадир. Бутун олам ашъёлари ўзаро «симпатия» (майл, муҳаббат) билан боғланган. Гўзал вужуддан ҳайратланиш ва завқланиш қуйидан юқорига қараб борадиган руҳий тараққиётга заминдир. Бу кишини идеал Муҳаббат оламига олиб боради. Олий муҳаббат объекти — Мутлақ жамол баракотидир.

Бу қараш Ибн Сино, Ибн Рушд, Ал-Киндийлар томонидан ривожлантирилган. Дантенинг «Илоҳий комедия»сида куйланган. Афлотун — Ибн Сино таълимотининг сўфиёна муҳаббатга яқинлиги шундаки, ҳар икки оқим тарафдорлари ҳам муҳаббатнинг

қуйидан юқорига қараб ривожланиб боришини тан оладилар ва Олий даргоҳ ҳузури ҳаёти покликда кечган бузургвор шахсларга насиб бўлишини таъкидлайдилар. Аммо тасаввуф ҳирсий (эротик) ишқни батамом рад этади. Буни шундан ҳам билиш мумкинки, шайхларнинг кўпи уйланган, бола-чақали бўлишларига қарамай, бирон ерда оилавий муҳаббат ҳақида фикр-мулоҳазани учратмаймиз. Кўп шайхларнинг хотинлари солиҳа ва содиқа аёллар бўлган, бир нечтаси ўзлари ориф шайх сифатида ном қозонганлар. Лекин шунда ҳам эр-хотинлик муҳаббати зикр этилмайди. Эр-хотинлик, оила ҳаётнинг зарурий нарсаси деб қаралган, бироқ юксак илоҳий муҳаббат хусусида сўз борганда, хотин, фарзанд, қариндош-уруғ, дўсту ошнолар меҳри арзимас бўлиб туюлган. Нега шундай? Чунки, эр-хотинлик, фарзандли бўлиш ва ҳоказолар — барчаси дунёга тегишли, дунё билан машғулликдир. Илоҳий муҳаббат эса, дунёвий ишлардан, дунёвий муҳаббатдан юқорироқ, у дунёдан ўзини озод деб билган пок руҳоний туйғудир. Буни юқорида кўриб ўтдик. Оила муҳаббати, ота-она, фарзанд муҳаббати ҳам дунё муҳаббатининг бир кўриниши, бу инсонни хушахлоқ қилади, илоҳийлаштиради, албатта. Аммо илоҳий муҳаббат валий инсонларга насиб этилган олий неъматдир.

Ривоят қилдиларки, Иброҳим Адҳам Балх шаҳрида тожу тахтини ташлаб, дарвеш кийимини кийиб сафарга чиққандан кейин, кўп йиллар ўтади. Бир куни ўғли билан хотини уни излаб-излаб Маккадан топадилар. Иброҳим Адҳам ўғлини кўргандан кейин меҳри жўшиб уни бағрига босади, аммо шу заҳоти хато қилганини англаб: «Эй Парвардигор, шу топда ё менинг жонимни ол, ё бу боланинг, чунки Сенга бўлган меҳрим бўлинди», — деб дуо қилган ва дуоси ижобат бўлиб, ўғли унинг кучоғида жон берган экан. Бу балки муболаға тарзида тўқилган ривоятдир, чунки дарвешлар ҳақида бундай ривоятлар кўп учрайди. Лекин ривоят тагида ҳақиқат ҳам йўқ эмас: чин ошиқ сўфийлар илоҳий ишқ йўлида барча нарсадан юз ўттирганлар. Шунинг учун ҳам ишқ ҳамма вақт вафо ва фидойи садоқат тушунчалари билан ҳамиша бирга тасвирлаб келинади. Дейдиларким, Шайх Абу Бакр Шиблий муридлари билан бир майдондан ўтаётган экан, дорга осилган кишини кўриб қолади ва югуриб бориб унинг оёқларини ўпади. Муридлари: «Эй тақсир, нима қиляпсиз, ахир бу бир ўғри-ку», — деганларида, шайх: «Бу ўғри бўлса ҳам, аммо ўз йўлига ўлимдан қўрқмай содиқ қолган, қани мен ҳам Тангрим йўлида шундай садоқат кўрсата олсам», деб йиғлайди. Яна бир ҳикоят: Хожа Баҳоуддин Нақшбанд йўлда кетаётиб, итнинг изини кўриб қолади ва чўкка тушиб, ит оёқлари изини ўпиб йиғлайди, мана садоқат, вафо рамзи! Сўфий ана шу итдан сабоқ олиши керак, дейди. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд — Ҳаққа етган мўътабар зотларнинг бири.



Алишер Навоий «Лисон ут-тайр»да ушбу ҳикоятни келтириб, ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд тилидан қуйидаги сатрларни баён этади:

Деди: «Мен ортуқ эканму ё бу из».   
Ёна ўзни деди «ки: эй инсофсиз,   
Ул вафо аҳли аёғидин нишон.   
Сен вафосизлик сари доман кашон».   
Хатм қилди чу бу маънига сўзин,   
Ер ўпуб, ул из уза қилди кўзин.

Нияти фақру фано бўлган киши шундай садоқатли бўлиши, парвона мисол ёр ишқи оташида ёниб кулга айланмоғи даркор. Суфён Саврий Робиа Адавиядан сўради: «Бандани Тангри таолога яқинлаштирадиган энг яхши восита нима?» Робиа деди: «Садоқат. Банда дунё ва охиратда Ундан ўзга нарсаларни севмаслигини билиши керак».

Илоҳий муҳаббат ана шундай беғараз ва тамасиз бўлмоғи лозим. У кишини кўр ва кар қилади, халқдан бегоналаштиради (Халқдан бегона Холиққа ошно). Маҳбубдан бошқа нарсалар унинг хаёлидан буткул кўтарилади, қалби фақат Илоҳ фикру зикри билан банд бўлади. Абдураззоқ Кошоний илоҳий муҳаббат нишоналарини қуйидагича тасниф этган:

1. Ошиқ кўнглида дунё ва охират меҳри бўлмайди, фақат Маҳбуб муҳаббати масканига айланади. 2. Ошиқ, ҳар қандай гўзал ҳуснга дуч келганда ҳам, унга эътибор қилмайди. Маҳбуб ҳуснидан назари четланмайди. 3. Маҳбуб васлига олиб борадиган воситаларни ҳам севадиган бўлади, ўзини муте ҳисоблайди, иродасини Ёр иродасига сарфлайди. 4. Дилдор васлига монe бўладиган нарсалардан мутлақ ўзини олиб қочади. 5. Ҳар дами, ҳар нафаси Маҳбуб ёди билан ўтади. 6. Барча ишда, амалу фаолиятда Маҳбуб амрига итоат этади, тоату ниёз билан яшайди. 7. Истаган нарсаси Маҳбуб талаби ризоси учун бўлади. 8. Маҳбубнинг озгина лутфини кўп ўрнида кўрадиган, ўзининг кўп хизматини оз деб биладиган бўлади. 9. Маҳбуб жамоли мушоҳадасида ҳайрат ва ҳаяжонга тушади. 10. Шу даражага етадики, Маҳбуб мушоҳадаси ва висоли шавқи камаймасдан, балки борган сари орта боради, ҳар лаҳзада янги шавқу завқ пайдо бўлиб, ақлини зойил этади. Зеро, ошиқнинг қалби ўз Маъшуқига тегишлидир ва Маъшуқдан бошқа нарсалардан ҳазарлидир. Ошиқнинг Маҳбубга сингиб, фано бўлиши шудир. (*Кошоний. Мисбоҳ ул-ҳидоя, 406-бет*).

Ошиқлик одоби ҳам шу талаблар асосида шаклланган. Солиқ ўз пири олдида камтар, хоксор бўлгани каби, ошиқ ҳам хоксор ва камтарин бўлиши, манманлик, нозу нузни ташлаши керак. Ошиқ — ниёзманд, яъни талабгор, маъшуқ — ноз эгаси, яъни истиғноли,

жафокор, золим. Бу фикр тасаввуфий адабиётларда, хусусан, шеърятда кўп тилга олинади. Ниёзмандлик бўлмаса, мақсадга етиш мумкин эмас. Савол туғилиши мумкинки, Маҳбубга — Худога нисбатан, жафокор, золим сифатларини ишлатиш мумкинми? Жафо ва зулм деганда ошиқни Маҳбубдан ажратиб турадиган парда — дунё зулми назарда тutilади. Иккинчидан, Маҳбуб ўз ошиғининг ишқини синайди, бу ҳам жафо ва уқубатдир. Аммо Илоҳ ошиғи учун бу уқубатлар ҳеч нарса эмас. Ҳақиқий азоб — Маҳбуб дийдоридан жудолик, яъни ҳижрон азобидир. Шунинг учун ишқ ҳам дард, ҳам даво; ҳам азият ва ҳам ҳаловат деб таърифланади. Салоқатли ошиқ Ёр қошида ўзини хоксор, ожиз ҳисобласа-да, бироқ у жасоратли инсондир. У жонини Жонон учун қурбон қилишга тайёр, бундан ортиқ жасорат борми? Ошиқнинг раҳбари Худонинг ўзи, Худодан эътиборни тортувчи нарсаларнинг ҳаммаси куфрга сабабдир. Яъни илоҳий ишқ кишиси нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, кофирлик — бу дунёга берилишдир. Чунки дунё меҳри Илоҳ меҳридан узоқлаштиради. Шу тариқа, диний тушунчалар ҳам тасаввуфда бошқача маъно касб этади.

## КАРОМАТ

Кашфу каромат кўрсатиш, хориқулолда хислатлар намоён этиш тасаввуф шайхларининг муҳим жиҳати ҳисобланган. Тасаввуфнинг сирлилиги, ғайб олами билан алоқадорлиги ҳам шундандир. Европа олимлари тасаввуфни «мистика» деганларида шуни назарда тутадилар. Модомики, сўфийлар ўзларини пайғамбарларнинг меросхўри деб билар экан ва ботиний ҳол кечинмалари ичида бўлиш, Илоҳ асрорига ошноликка етиш учун интилиб, ақлий билишдан кўра ирфоний-важдий идрокни устун қўяр эканлар, табиий равишда кашфу каромат ҳодисаси келиб чиқади. Руҳий камолотга етган улуғ инсонлар албатта оддий халқдан ажралиб турганлар, уларнинг зехну заковати, ақлу шуури, фазлу фаросати жуда баланд бўлган. Улар руҳ қўмондонлари сифатида атрофдагиларга беҳад кучли таъсир ўтказиш қудратига, нажиб хислатларга эга бўлганлар. Бу хислатлар эзгулик, эзгу ахлоқ сари йўналтирилган бўлиб, кишилар орасида илоҳий файзу баракотнинг кенгроқ ёйилишини таъминлаган, исломий ҳақиқатлар, эътиқод рухларини мустаҳкамлаган. Алишер Навоий «Нассийим ул-муҳаббат» асарининг дебчасида, жумладан, бундай ёзади: «Авлиёларда зоҳир бўладиган ғайритабиий одатлар ва қароматлар баёни ва авлиёларнинг мартабалари кўп бўлганидек, булар ҳам кўпдир. Чунончи, бир нечасини санаб ўтайин: мавжудликдан йўқ бўлиш ва йўқликдан мавжуд бўлиш ва яширин амрнинг изҳори ва кўриниб турган амрнинг яшириниши ва дуонинг ижобат бўлиши ва озгина вақт ичида узоқ йўлни босиш ва сезгилар (кўриш, эшитиш каби) сезмайдиган ишлардан хабар топиш ва бир вақтнинг ўзида бир неча хилма-хил жойларда ҳозир бўлмоқ ва ўликни тирилтириш ва тирикни ўлдириш ва жисмлар, ўсимликлар, ҳайвонлар тилини англаш, уларнинг Худога тасбеҳини билиб туриш ва таом, ичимликка ҳожат пайдо бўлгандай буларнинг сабабсиз пайдо бўлиши ва сув устида юриш ва ҳавода учишдек ва одамлар емайдиган нарсаларни еб кун ўтказиш ва ҳайвонлар билан дўстлашиш ва баданда ҳаддан зиёд қувват пайдо бўлиб, дарахтни илдизи билан қўпориш ва деворни бармоқ ишорати билан тешиш ва муҳолифнинг бошини илик ишорати

билан учирмоқ ва фарқ бўлаётган кемаларни қутқармоқ. Одам аҳли тилаганидек ишлар, масалан, ёмғир ёғдириш, шамол қўзғатиш, сел келтириш ёки селни даф қилиш ва чигиртка офатини кетказиш ва турли суратда кўриниш. Биёбонда сарсон бўлганларга раҳна-молик қилиш ва ёрдам бериш».

Ҳазрат Навоий кароматларнинг бир қанча турини шу тариқа санаб ўтади. Бундан ташқари, яна туш кўриш, бўлажак воқеаларни олдиндан башорат қилиш, узоқ шаҳарлардаги яқин одами билан алоқа боғлаб сўзлашиш, руҳнинг жисмдан ажралиб сайр этиши ва қайтиб келиб жисмга кириши, ўзгалар фикрини уқиб олиш ва фикран ўзгаларга таъсир ўтказиш, нафас қуввати (қувваи нафас), назар қуввати (қувваи назар), дил қуввати (қувваи дил), кўнгилдан ўтказиш, бир фикр ёки ҳодисанинг бир йўла икки-уч киши қалбида пайдо бўлиши, ҳолатга кириб, вужуддан нур таратиш ва бошқалар ҳам каромат ҳисобланган. Шунингдек, соликларнинг муайян мартабага эришгандан кейин истеъдод чашмалари кўзи очилиб, чуқур маъноли гаплар, илоҳий ҳақиқатларни ифодаловчи ҳикматлар ёхуд рубоий, қитъалар айтиши, турли ҳолатларга кириши ҳам кашф (мукошафа) турига кирган. Шайхлар ҳаётига бағишланган маноқибларда кароматларнинг хилма-хил кўринишига оид ривоят ҳикоятлар анча. Албатта, ушбу ривоятларнинг ҳаммаси ҳам ҳақиқатга мувофиқ эмас. Бундан ташқари, китобдан китобга кўчиб юривчи «сайёр» ривоятлар ҳам мавжуд. Айрим маноқибнавис муридлар ўз шайхларининг обрўсини кўтариш учун ҳар хил ривоятларни келтиришга ҳаракат қилганлари маълум.

Айниқса, *туш* билан боғлиқ ривоятлар жуда кўп. Тушда шайхлар баъзан Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи васалламни, баъзан Қиёмат кунини, баъзан Хизр алайҳиссаломни, баъзан ўз пирларини ва, ҳатто, баъзан Парвардигор дийдорини кўрадилар. Тушни тасаввуф аҳли «воқеа» ҳам дейдилар. Туш бирор-бир ғояни, эътиқодни тасдиқлаш, ўз йўлининг тўғрилигига ишора этиш ва бунинг учун улў салафлардан мадад ва шафоат тилаш истагига хизмат қилган. Масалан, Нажмиддин Кубро Дамашқда ҳадис илмини хатм этиб қайтаётганида йўлда бир кеча пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломни тушида кўради. Нажмиддин Ҳазрати Мустафодан менга куният бағишланг, деб илтимос қилади. «Сенинг куниятинг Абул Жанноб бўлади», — деб марҳамат қиладилар ҳазрати Мустафо. Бу билан Нажмиддин Кубро ўзининг тасаввуф ва тариқатга юзланиши Муҳаммад пайғамбар ишораси билан эди, чунки Абул Жанноб — парҳез қилувчи демақдир, деган ғояни олға сурган. Ёинки ислом оламининг беназир намояндаси Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг Бухоро мазоротидаги тушини эсланг: қибла томон очилиб кўз олдида пирлари, улар орасида Хожа Абдулҳолиқ Гиждувоний намоён бўладилар. Хожа Абдулҳолиқ Гиждувоний бир неча насихат

қиладиларки, ҳазрат Баҳоуддин уларни бажонидил қабул этадилар. Бу ерда туш кўришдан мақсад янги тариқат башоратига ишоратдир. Шунини таъкидлаш керакки, туш ҳамманинг ҳам каромати бўла олмайди. Зеро, одамларнинг ҳаммаси ҳам туш кўради. Аммо пайғамбарлар ва авлиёлар туши алоҳида маънога эга. Бу тушлар илоҳий олам билан, руҳлар олами билан боғланиш бўлиб, шунинг учун айна бўладиган тушлардир. Туш қаттиқ уйқуга кетганда ҳам, уйқу ва уйқоқлик орасидаги мудроқ ҳолатда ҳам юз беради. Айниқса, шайхлар уйқу ва уйқоқлик орасидаги тушни қадрлаганлар, чунки бунда киши руҳининг ғайб оламига уланиши муқаррар, деб қаралган. Яна дейдиларки, агар шайхлар, сўфийлар бўлажак воқеаларни тушларида кўрсалар, комил инсонлар ўнгла-рида, яъни бедорлик ҳолатларида ҳам илоҳий олам сирларини англаб, халққа башорат бера оладилар. Аммо шуниси борки, комиллар ҳамма кўрган ва билганларини халққа ошкор қилмайдилар. Зеро, улар ўзларига маълум асрорни ўзлари билан олиб юриши ёинки ўзлари даражасида бўлганларгагина айтишлари мумкин. Акс ҳолда, ғайб ҳикматлари ошкор этилса, авом халқ нотўғри тасаввурларга бориши, шариат йўлидан адашиши мумкин. Ҳақ асрорини Ҳақнинг севган қуллари англайди ва кўтара олади. Бу юкни кўтаришга ҳар ким ҳам қобил ва қодир эмас. Хожа Ҳофиз айтганидай:

Осмон бори амонат натавонист кашид,  
Куръаи фол ба номи мани девона заданд.

(Осмон омонат юкни, яъни ишқ ва ибодат юкини торта олмади, фол куръаси мен девона номига тушди).

Валийлардан каромат зоҳир бўлса-да, лекин улар набийлик даъво қилмаганлар. Чунки набийларда ҳам хориқ ул-одот амрлар кўпдир. Набийлардан зоҳир бўладиган хориқ ул-одотларни, воқеаларни каромат эмас, балки мўъжиза деб номлаганлар. Аслини олганда, каромату мукошафа ҳам мўъжизага киради. Лекин мўъжизанинг қадри баланд, ожиз қолдирувчи ва маъноси теранроқ. Ҳар бир пайғамбар муайян мўъжиза кўрсата олган. Чунончи, Мусо алайҳиссалом қўлларини қўйинларидан чиқарсалар, машъалдай ёниб, нур таратар ёки ҳассаларини илонга айлантирардилар. Исо алайҳиссалом бўлса, нафаслари билан ўликни тирилтирганлар, шол бўлиб ётган қасалларни тузатганлар. Жаноби пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламнинг мўъжизалари кўп, аммо ул зотнинг энг улуг мўъжизалари — бу ул зот туфайли ваҳий бўлиб тушган Каломи шарифдир. Дарҳақиқат, мўъжизалар мўъжизаси Сўздир, чунки сўз илоҳийдир. Оламнинг асосида ҳам Сўз ётади. Пайғамбарлар мўъжизаси халқни имонга келтириш учун юборилган илоҳий қуролдир. Инчунин, валийлар кароматини ҳам

Аллоҳнинг севган кишиларига ато этган илму ҳикмати, деб билмоқ керак.

Воқеан, мўъжиза ва кароматларнинг ҳаммаси Аллоҳдан, зеро дунёнинг ўзи, унинг беҳисоб ажойиботлари, илму ҳикмати, сиру асрори — неки бор, барча-барча Холиқи азалнинг яратгани, унинг ижоди, карами, туҳфасидир. Ва бу бепоён карам денгизининг энг ноёб мўъжизаси Инсоннинг ўзи. Қуръони каримда «Ва лақад каррамна бани адама» («Дарҳақиқат, Биз Одам болаларини мукарам қилиб қўйдик»), деб айтилган-ку!

Шунинг учун пайғамбарларнинг, валийларнинг мўъжиза ва кароматларини Холиқи азал қудратининг инсон орқали намоён бўлиши, деб англамоғимиз керак. Арабча «каромат» сўзининг гаройиб, мўъжизадан ташқари яна саховат, шараф, қадр-қиммат, олижаноблик, олийҳимматлик каби маънолари ҳам бор. Каромат сўзи тасаввуфда кашф, мукошафа сўзлари билан маънодош бўлиб келади. Кашф — беркилган, парда ортидаги нарсанинг қалбда зуҳур этиши, очилиши. Қайсарий деган шайхнинг сўзи: «Кашф — парданинг кўтарилиши, сўфийлар парда орқасидагиларни билиш, хабардор бўлишни кашф дейдилар». Махфийликнинг ошкор бўлиши, ғайб воқеаларининг англаниши ҳам кашфга киради. Мукошафа, одатда, сезгилардан ташқари бир ҳолатда юз беради, қалб тўридаги аллақандай сирли идрок йўлининг очилиши бу.

Кашфу каромат билан саховат ва карам сўзларининг маънодош бўлиб келишига сабаб шуки, пайғамбар мўъжизаси, авлиёнинг каромати ҳам Илоҳ ганжинаси бўлган кўнгилнинг ажойиботи ва саховатидир. Карамли одам — файзли одам, демак, у саховатли, яратувчи, ижодкор одамдир. Бутун олам карам ва каромат нури билан боқийдир. Холиқиятдан таралган эзгулик нурининг тажаллиси билан мунаввардир. Улуғ шайх Жунайд Бағдодий таърифи билан айтсак, тасаввуфнинг ўзи ҳам бутун оламини Карам ичра кўрмоқдир. Жунайд Бағдодийдан тасаввуф нима, деб сўраганларида у аввалида: «Билмадим», — деб жавоб берган. Сўнгра қўшиб қўйган: «Хулқун каримун язҳарул карама фи аз-замон ал-карим мин ражулин карим байна қавмин киром». (Яъни: шундай бир карим хулқки, у каримдан карим замонда карим қавм аро карим эрдан ҳосил бўлур). Мана, сизга тасаввуфнинг таърифи! Демак, бутун моҳият карам ва карамликдадир. Жунайд карам ва кароматни жуда кенг маънода олиб қарайди. Бу тушунча орқали у гўё орзудаги бир оламини таърифлаган. Яъни: шундай бир замон бўлсаки, унда яшайдиган одамлар карамли кишилардан иборат бўлиб, барчасининг хулқу атвори ҳам карамли бўлса. Илоҳий карамдан инсоний карамга ва инсоний карамдан яна илоҳий карамга қараб бориш. Ўн саккиз минг оламини Карам вобасталиги ва гармониясидан

иборат, деб англаш. Каромат ва кашфнинг сўфиёна маъноси ана шундай кенг. Ўрни келганда айтайликки, Парвардигорнинг бир номи ҳам Каримдир. Аллоҳга нисбатан Карими Корсоз, яъни барча ишларни Яратувчи Карим ҳам дейдилар.

Энди суфий шайхларнинг кароматидан баъзи мисоллар келтирамиз.

### Каромат кўриб тавба қилиш

Иброҳим Адҳам Балхда подшоҳ эди. «Бир кун овга борадур эрди, ҳотифе (ғайб даракчиси) нидо қилдики, эй Иброҳим, сени бу иш учун яратмабдурлар. Бу сўздин анга огоҳлик юзланди ва мулк таркин қилиб бу тоифа (яъни дарвешлар) тариқин ихтиёр қилди» («Насойим ул-муҳаббат»). Демак, Иброҳим Адҳамнинг подшоҳликни ташлаб, дарвеш йўлини танлашига ана шу ғайбдан келган овоз сабабчи бўлган, дунё бойлиги, тахту тож унга арзимас бўлиб туюлган. Қалбида пайдо бўлган илоҳий ишқ дунё меҳридан устун келган.

Абу Усмон Мағрибий ҳикоя қиладики, дарвеш бўлишимга сабаб ул эдики, бир итим бор эрди, Жазоирда ов овлаб юруп эрдим. Бир ёғоч косам бор эди, сут олиб ичардим. Бир кун одатимга кўра, косадан сут ичай деб турсам, «ул ит кўп қичқируб изтироб қилди». Косани ерга қўйдим. Яна бир мулдатдан сўнг сут ичмоқчи бўлиб, косани қўлимга олдим. Ит баттар ҳуриб, менга ҳамла қилмоқчи бўлди. Яна ичмай ерга қўйдим. Учинчи марта қўлимни косага узатганимда ул ит яна қаттикроқ ақиллай бошлади ва косани ерга қўйганимда ит бориб, сутни ичди ва шу заҳоти шишиб ўлди. Маълум бўлдики, илон сутдан ичиб, захрин анга тўккан ва ит мени бундан огоҳлантирган экан. «Итдан ул вафо кўргачки, ўзин менга фидо қилди, қилодурғонлардан тавба қилиб, бу тариқни ихтиёр қилдим», — дейди Абу Усмон Мағрибий.

Машҳур шоир ва шайх Фаридиддин Атторнинг дунёдан тавбаси ҳам илоҳий бир ишорат билан бўлгандир. Чунончи, Аттор отасидан қолган атторлик дўконида савдо билан машғул эди. Бир кун бир гадо кириб келди ва дўконни айланиб, ўзича бир нарсалар деб Аттор ёнидан ўтаверди. Атторнинг гаши келиб, эй гадо, халақит берма, нарёққа ўтиб кет, дея танбеҳ беради унга. Гадо эса: «Менку ўтиб кетаман, чунки юким енгил, аммо сен қандай ўтасан бу мол-дунёнг билан», дейди. Аттор: «Сен қандай оламдан ўтсанг, мен ҳам шундай ўтаман», дейди аччиғланиб. Шунда гадо: «Сен мендай ўлолмайсан, мен мана бундай ўламан», — деб качқулини бошининг остига қўйиб жон беради.

Бу воқеа Атторга шундай қаттиқ таъсир этадики, у барча бисоти, мол-мулкини қариндошлари, муҳтожларга бўлиб бериб,

ўзи бошини олиб кетади, хонақоҳларда сўфиёна риёзатлар билан машғул бўлади.

Булар илоҳий кароматни кўриб, огоҳлик пайдо қилиш, кўнгилга жазба — илоҳий ишқнинг кириб келишига мисолдир.

### **Авлиёнинг туғилишидан огоҳлик бериш**

Расули Акрам саллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларидан бири Арслонбобга тайинладилар: биздан кейин тўрт юз йил ўтгач, Туркистонда бир эр туғилади, оти Аҳмад. У ислом устунларидан бўлур. Мана бу хурмони оғзингизда сақланг ва ул эранга етказинг, дедилар ва бир дона хурмони Арслонбобга бердилар. Арслонбоб ушбу насибани тўрт юз йил сақлаб, Туркистонга келдилар ва етти яшар Хожа Аҳмад Яссавийни таниб, Пайғамбар улушини унга топширдилар.

Нажмиддин Кубро бир кун халифаларидан Бобо Камол Жундийни чақириб, дедилар: Туркистонга боргин, мавлоно Шамсиддин муфтининг Аҳмади мавлоно деган ўғли бор, унга бизнинг хирқамизни топшир ва ўзинг билан бирга олиб кел. Бобо Камол Туркистонга бориб, Шамсиддин муфтининг уйини қидириб топганда, Аҳмади мавлоно унинг қаршисидан чиқиб, эй Бобо Камол, қачонгача бизнинг тўнни кўтариб юрасан, бизга топшир энди уни, дейди. Ҳолбуки, Нажмиддин Кубро бу болани кўрмаган, бола ҳам на Куброни ва на Бобо Камолни илгари учратмаганди. Кўнгиллар яқин бўлганлиги учун улар ғойибона бир-бирларини таниб, бир-бирларига интилганлар.

Ҳазрат Хожа Баҳоуддин Нақшбанд туғилган Қасри Орифон ул зот туғилгунча Қасри Ҳиндувон номи билан юритилган. Хожа Муҳаммад Бобойи Самосий ҳар гал Қасри Ҳиндувоннинг олдидан ўтганда, «бу тупроқдан бир улуғ эрнинг ҳиди келур ва тез орада Қасри Ҳиндувон Қасри Орифонга айланур», деб айтар эканлар. Бир кун Саййид Амир Кулол ҳузуридан қайтаётганларида Қасри Ҳиндувон олдидан ўтар эдилар, ул ҳид кўпайибдур, ул эр туғилибди, дедилар. Қасрга кирганларида маълум бўладики, ҳақиқатан ҳам ҳазрат Баҳоуддин туғилганига уч кун бўлган экан. Хожа Бобойи Самосий чақалоқни бағирларига босиб, бу бизнинг фарзандимиз, дея эркаладилар ва суҳбатдошларига қараб дедилар: «Бу биз ҳидини эшитган ўша эрдир».

### **Воқеаларнинг кўнгилда аён бўлиши**

Нажмиддин Кубро шайх Рўзбехон Мисрий ҳузурига борди. Шайхни хонақоҳ ташқарисида учратдики, озгина сув билан таҳорат янгиларди. Нажмиддин кўнгилдан, бунчалик оз сув билан таҳорат



олиш жоиз эмас, бу шариат шартига хилоф, деган фикр ўтди. Шайх Рўзбеҳон таҳоратни тугатиб, ўрнидан туради ва қўлидаги сувни Нажмиддин юзига қараб сепеди. Нажмиддин шу заҳоти беҳуш бўлади. Шайх хонақоҳга кириб намозни бошлайди. Аммо Нажмиддин ўзини сезмасди, унинг кўз олдида қиёмат куни пайдо бўлади. Гуноҳқорларни дўзахга судрадилар. Кимки мен шайх Рўзбеҳонга тааллуқлиман, деса озод бўларди. Навбат Нажмиддинга келганда у ҳам мен Шайхнинг муридимиан деб айтади ва уни баландликда қатор турган кишилар сафига олиб бориб қўшадилар. Баландликда шайх Рўзбеҳон турарди. Нажмиддин унинг олдига бориб, оёқларига йиқилади ва тавба-тазарру этади. Шунда Рўзбеҳон унинг орқасига бир мушт тушириб, «бундан кейин аҳли Ҳақни инкор этма», дейди.

Бу орада Рўзбеҳон намозни тугатади ва Нажмиддин хушига келиб уйғонади. Шайх Рўзбеҳон Нажмиддиннинг орқасига бир мушт тушириб, ҳалиги танбеҳни беради, яъни беҳудликда воқеъ бўлган ишлар хушёрликда амалга ошади... Нажмиддин кўнглидан кечган фикрларни шайх Рўзбеҳон ботинан англаб, унга танбеҳ берган ва саркашлигини синдирган эди.

Хожа Баҳоддин Нақшбанд ҳикоя қиладилар: отам мени Хожа Бобойи Самосий ҳузурига олиб борганда биринчи кароматни мушоҳада қилгандим. Бу каромат мана бундай содир бўлган эди: кечаси менинг уйқум келмади ва кўнглимда танба-талабгорлик иштиёқи зўрайиб, масжидга кирдим. Икки ракат намоз қилдим, кейин бошимни саждага қўйиб, тазарру ва илтижо бошладим, шу орада кўнглимдан: «Илоҳий, бошимга тушажак азиятларинг балоси юкини тортарга ва муҳаббатинг меҳнати таҳаммулини қилишга қувват бер ва каромат буюргин», — деган муножот ўтди. Тонгда Муҳаммад Бобойи Самосий ҳузурига бордим, дедилар. «Эй фарзанд, дуода бундай дейиш керак эди: Илоҳий, бу заиф бандага сенинг ҳазратинг ризоси нима бўлса, шуни қил, Ўз фазлу караминг бирла қўлла, агар Худованд Ўз ҳикмати билан Ўз дўстига балолар юборса, Ўз инояти билан ул дўстига қувват ҳам берар». Демак, ёш Баҳоддиннинг тунги илтижоси Бобойи Самосийга маълум бўлган ва шогирдининг густоҳлигини тузатган.

### **Кўз билан, нафас билан ва ҳаракат билан таъсир этиш**

Нажмиддин Кубро хонақоҳига бир савдогар томоша учун кирди. Шайх шу топда айни илҳом авжида эдилар. Кўзлари савдогарга тушди ва савдогарнинг аҳволи ўзгариб, ўз касбу корини унутди, валийлик улушини олди. Шайх унга марҳамат қилиб, ўз юртингга бориб, бизнинг тариқатни давом эттир, деб айтдилар.

Яна: Нажмиддин Кубро суҳбатдошлари билан ўтирган эдилар. Ҳавола бир қарчиғай бир саъвани қувиб борарди. Шайхнинг назари саъвага тушди, саъва журъатланиб орқасига қайтди ва қарчиғайни тутиб шайхнинг оёқлари олдига келтириб ташлади.

Ва яна: Нажмиддин Кубро халифаларидан бири дедики, бизнинг замонда ҳам асҳоби қаҳф (ғорга кирганлар) сингари итга назари тушганлар бўлармикин. Шайх ўринларидан туриб, дарвозага йўналдилар. Бир ит келиб тўхтади, шайхнинг назари ул итга тушди, итнинг аҳволи ўзгарди ва бошқа итлардан ажралди, ҳар доим шайх хонақоҳида бўларди. Бошқа итлар уни тавоф қилардилар. Ит ўлганда Нажмиддин Кубро уни кароматли одамдай дафн қилдирдилар.

Булар қувваи назарга мисолдир. Улуғ валий инсонларда кўз ва нафас орқали таъсир этиш қуввати, ўзгаларга ғайрат-энергия ўтказиш қобилияти бўлади. Шунингдек, фикрни уқиш ва фикран бошқалар миясига таъсир этиш ҳам табиий-илмий жиҳатдан исботланган ҳодисалардир. Энергияни жамлаб юбориш билан қаршидаги одамнинг қалбида улуғ бир ғалаён юз беради, унинг ҳали очилмаган тафаккурий имкониятлари очилади, дунёқараши, асаб торларининг ишлаш тарзи, таносуби ўзгаради.

Нажмиддин Кубронинг ўзи Бобо Фараж деган мажзубда каромат намунасини кўрган эди. Бобо Фараж ўз хонақоҳи ҳужрасида Нажмиддин ва унинг ҳамроҳларини кутиб олади. Ўз жойида индамай ўтиради ва бир муддатдан кейин «қуёш парчасидай» ёниб, шуъла тарата бошлайди. Баданидан таралган нурлар хирқасининг ёриқларидан кўринарди, деб хотирлайди ҳазрати Кубро. Шундай хориқулудда хислатлар жуда кўп шайхлар ва дарвешларда бўлган. Буни «нури каромат» деганлар.

### **Шаклан бир нечта бўлиб кўриниш**

Шайх Иброҳим Мажзубнинг бир муриди Маккага ҳажга борган эди, иккинчи муриди Бағдодда эди. Ҳажга борган мурид қайтгандан кейин Бағдодда қолган муридга мен пиримизни Маккада кўрдим, дейди. Бағдодда қолган мурид эса пиримиз ҳажга борганлари йўқ, мен ул кишини сен айтган вақтда шу ерда — Бағдодда кўрдим, дейди. Иккаласи муноқашага бордилар. Шу пайт Иброҳим мажзуб ҳозир бўлади. Муридлар унга қайси биримиз ҳақ, деган маънода савол назари билан қарадилар. Иброҳим эса иккалангиз ҳам ҳақсиз: мен ўша дамда ҳам Бағдодда ва ҳам Маккада эдим дейди, яъни жисмим Бағдодда эди, руҳим эса Маккада эди. Маккада мени кўрган киши менинг руҳимни кўргандир...

Шайх Азизиддин Насафий «Зубдат ул-ҳақойиқ» рисоласида шаҳодат берадики, бизнинг пиримиз (Шайх Саъдиддин Ҳамавий) дедиларки, менинг руҳим вужудимни тарк этди ва ўн уч кун

фалакларни кезиб чиқди ва қайтиб келиб вужудимга кирди. Бу ўн уч кун ичида мен жойимдан қимирлаганим йўқ, овқат ҳам емадим.

Яна бир мисол. Абул Маолий деган киши шайх Абу Амр Сарфайний хонақоҳига кирди. Шайх минбарда ваъз айтар эди. Абул Маолий бориб мажлисга кўшилди. Шу орада унинг қорни оғриб, қазойи ҳожат туғилди. Мажоли қолмай, шайхга илтижо билан қарарди. Шу дамда шайх бир оёғи билан минбардан тушди. Аввалида одамнинг бошига ўхшаган бош пайдо бўлди, кейин иккинчи оёғи ҳам минбардан тушганда, ҳалиги бошга муносиб тана ҳосил бўлди. Шу тариқа зинадан бир-бир тушаверди ва шайх қиёфаси вужудга келаверди, худди шайх суратига ўхшаган сурат шаклланди. Сурат шайхнинг ўзига ўхшаб гапирар, аммо Абул Маолийдан бошқа киши буни кўрмасди. Шайхнинг сурати ул одамнинг устига келиб, енги билан унинг бошини беркитди. Абул Маолий ўзини бир саҳрода кўрди, саҳрода бир ариқ сув оқар, ариқ лабида бир дарахт ўсарди. Абул Маолий қўлидаги калитни дарахтга илиб, қазойи ҳожатга борди, кейин келиб таҳорат олди ва икки ракат намоз ўқиди. Намоздан кейин салом берди. Шунда шайх енгини унинг бошидан олди. Абулмаоли қарасаки, шайх минбар устида ваъз айтарди. Абул Маолий ҳайрон бўлиб турар, қазойи ҳожатдан қутулган, аммо қўлидаги калити ҳақиқатдан ҳам йўқ эди. Анча вақтдан кейин Абул Маолий Эронга сафар қилди, ўн тўрт кун йўл юргандан кейин ўша саҳро, ўша ариқ ва ўша дарахтни кўрди, калитни топди ва қазойи ҳожат синдириб таҳорат олди ва намоз ўқиди... Сафардан қайтганидан кейин бу воқеани шайхга айтди. Аммо шайх Абу Амр Сарфайний тайинлади: зинҳор бу сирни ҳеч кимга айтма!

### Таважжуҳ ва муроқаб

Хожа Юсуф Ҳамадонийдан нақл қиладурларки, ул киши жума кундан бошқа кунлар хужрасидан ташқари чиқмасдан илму риёзат билан машғул бўларди, аммо бир куни зовиясида ўтирган эди, кўнглида ташқари чиқиш фикри туғилди. Бетоқат бўла бошлади, лекин қаён боришини билмасди. Шунда отига миниб, отнинг жиловини қўйди — қаергача олиб борса, борайин деди. От шаҳардан чиқиб даладан узоқ юрди ва бир вайрона масжид олдига келиб тўхтади. Шайх отдан тушиб қараса, бир йигит бошини тиззалари орасига олиб, «муроқабага тортибдур». Бир замондан кейин йигит бошини кўтарди ва ҳайбат билан Хожа Юсуфга қараб деди: «Ё Юсуф, манга масъала мушкул бўлубдур» (яъни, мени бир савол қийнамоқда). Юсуф Ҳамадоний йигит айтган масалани ҳал қилиб бергандан кейин мулоимлик билан деди: «Эй фарзанд, ҳар қачон сенинг олдингда масъала пайдо бўлса, шаҳарга менинг олдимга

келгин, мени қийнаб юрма». Йигит Юсуф Ҳамадонийга қараб деди: «Ҳар қачон манга масъалае туғулса, анинг ҳаллига ҳар тош санингдек Юсуфдур» («Насойим ул-муҳаббат»дан).

Бу ҳикоятни эшитган Муҳйиддин Ибн Арабий дебдурки, «мен мундин билдимки, мурид таважжуҳ сидқи била Шайхни уз жонибиға жазб қила олур эрмиш».

Хўш, таважжуҳ нима? Таважжуҳ — бу чуқур тафаккурга берилиб, ўзи истаган одамни ҳузурига олиб келиш ва у билан юзлашишдир. Фикр энергиясини зўр хоҳиш билан бир нуқтага жамлашни муроқаба (яъни Худо ёдида ҳамма нарсани унутиб, қалбу шуур мушоҳадасига ғарқ бўлиш) ҳам деганлар. Хожа Юсуф Ҳамадонийга ғойибона мурид бўлган йигит вайронада ўтириб, шунчалик фикру хаёлга берилганки, тасаввуфнинг мушкул масалаларини ечолмасдан, фикран ўз пирини ёрдамга чақирганда бу даъват Хожа Юсуф Ҳамадонийга бориб етган ва у ўзи беихтиёр бу даъватга жавобан шаҳардан чиқиб, вайронага етиб келган. Ва энг ажойиби шуки, тилсиз жонивор бўлмиш от ҳам бу амрга итоат этиб, Шайхни белгиланган жойга олиб келади. Мана, сизга илоҳий каромат қудрати.

Таважжуҳ ва муроқаба хожагон силсиласи вакилларида кўп учрайди. Улар бир-бирларини даъват қилиб, жисман учрашишдан ташқари, руҳий мулоқотларни ҳам ташкил этганлар, суҳбатлар уюштирганлар, муридларни тарбиялаганлар.

### Тушда воқеъ бўлган кароматлар

Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асаридан: «...Боязид дедиким, Аллоҳ таолони туш кўрдум. Сўрдимки, бор Худоё, йўл санга не навъдур? Дедиким, ўзингдин ўтгунг — еттинг».

Боязид вафот этгандан кейин уни туш кўрдилар, «Ҳолин сўрдилар. Дедиким, мендин сўрдиларки, эй қари, не келтирубсен? Дедим: дарвеш подшоҳ эшигига келса андин сўрамагайларким, не келтирубсен, сўрайларки, не керак?»

«Жунайд (Жунайд Бағдодий) дебдурки, Сиррий Сақатий манга доим айтур эрдиким, мажлис тут ва элга сўз айт. Мен нафасимни сақлар эдим, бу ишга ҳаққим йўқ, деб ҳисоблардим. То ул дамки, бир кеча ҳазрати Рисолатни воқеада кўрдим. Ул ҳазрат амр қилдиларки, «Инсонлар билан сўзлаш». Эрта саҳар Сиррий эшигига бордим. Дедиким, мен деган сўзга ишонмадинг то санга амр қилмадилар. Бас, тонг эрта мажлис кўрдум ва сўз оғиз қилдим».

Боязид тушида тасаввуфнинг назарий асослари, талаблари акс этган бўлса, Жунайд Бағдодийда одоб ва истиҳола, шунингдек, айтажак сўзларнинг Пайгамбар суннати, шариати набавийга мувофиқлиги таъкидланади.

Абу Али Формадий тушида Расули акрам саллаллоху алайҳи васалламни кўриб, ул зотга Имом Фаззолий китобини тақдим этадилар ва Фаззолий исломни ривожлантирган улуғ инсонлар қаторида эъзозланади. Буни иноят ва ҳужжат туши деса бўлади. Чунки Абу Али Формадий бу орқали Фаззолий устида юрган туҳматларни рад этишни мўлжаллаган эди.

### **Каромат билан зулми, балони даф этиш**

Боб Фарғонийдан ҳикоят қилурлар. Унинг дуоси мустажоб бўлур эрди. Унинг замонида Саркоб деган бир золим ҳукмдор бор эди. Халқ унинг зулмидан безор эдилар. Шайх Аму дедик, бир кун Боб Фарғоний олдида ўтириб эдим, биров кириб деди: Саркоб келди, бир дуо қилғилки, унинг жафоси бошимиздан кўтарилса. Шу чоқда Боб ўчоқ бошида ўтириб эди ва офтоба дағи ўчоқ қирғоғида эди «Аёгин офтобаға уриб йиқди ва дедиким, ани йиқдим, Саркоб ҳамул дам шаҳар эшигида отдин сарнигун йиқилди ва бўйни синди» («Насойим ул-муҳаббат»дан).

Хожа Бобойи Самосий ҳазрат Баҳоуддин Нақшбандга «каромат қилибдурларки, нозил бўлган бало сенинг баракотингдин дафъ бўлғай».

Абдулқодир Гелоний, Шайх Абу Мансур Мотуридий, Нажмиддин Кубро, Хожа Аҳрор Валий дуолари мустажоб бўлган азиз инсонлар эдилар. Албатта, бало-қазони юборувчи ва уни қайтарувчи ҳам Парвардигорнинг Ўзи, тақдирда не бўлса, содир бўлади. Бироқ Парвардигор суйган бандалари — авлиёлар дуоси туфайли балоларни дафъ этади. «Фавс ул-аъзам», «балогардон» деганда ана шу маъноларни англамоқ керак.

Қайд этмоқ керакки, шайхларнинг кароматлари орасида сеҳру жодуга ўхшаш нарсалар ҳам йўқ эмас, одамларга руҳан таъсир қилиб, улар кўзига турли ғайриодатий воқеаларни кўрсатиш, дарёдан ҳўл бўлмасдан ўтиб кетиш, сақраб томга чиқиш ва ҳоказолар. Албатта, инсоннинг имкониятлари чексиз. У ўзини тарбияласа, ҳар хил кароматлар кўрсата олади. Бироқ шуни алоҳида таъкидлаймизки, улуғ шайхлар, мутафаккир сўфийлар каромату кашфларга унча эътибор бермаганлар. Каромат — бу, аввало, ақл, заковат ва билим нишонаси деб қаралган. Энг зўр каромат тавҳид сирини англаш ва халққа англаштиш, Илоҳ ишқида ёниш, деб уқтирилган. Чунки билимсиз каромат халқни Ҳақ йўлидан оздирришга олиб келиши ҳам мумкин. Халқ ҳар хил ажойиботларга ўч, агар шайх фақат шунга эътибор қиладиган бўлса, у найрангбоз, риёкор бўлиб қолади. Ҳазрат Навоий каромат ва хориқулодда ҳолатлар хусусида ёзар экан, охирида таъкидлаб дейди: «Ва Ҳақ субҳонаҳу ва таолога андоқ муқарраб бандалар ва дўстлар ҳам

борки, бу барча мазкур бўлгон ҳолатдин ижтиноб қилурлар (сақланадилар), балки ор қилурлар, невчунки бир турфат ул-айн (бир лаҳза) Ҳақ субҳонаҳу ва таоло шухуд истиғроқидин гофил бўла олмаслар. Дарҳақиқат, ҳадеб кароматга берилиш хурофотга йўл очади, ирфоний тафаккурга халақит беради. Каромат агар бўлса, у илоҳий каромат бўлсин ва ирфонга хизмат қилсин, Илоҳ билан банда орасидаги пардани кўтарсин.

Шайх Абул Аббос Қассоб Омулийдан каромат талаб қилдилар. Шайх деди: кўзингни очиб қара, анинг карами эмасмуким бир қассобнинг ўғли улуғлар даврасининг тўрида ўлтургай ва туфроққа кирмагай ва девор анинг устига йиқилмагай ва уй анинг устига емурулмагай. Малик ва мулкисиз вилояти бор ва асбобсиз ва қасбсиз рўзи ер ва элга едирур. Бу каромат эмасму?» («Насойим ул-муҳаббат»дан).

Абул Аббос Омулий қассобнинг ўғли бўлиб, у ҳақиқатан ҳам Аллоҳнинг марҳамати ва файзу баракоти билан шундай даражага эришган эди. Бошқа ўнлаб, юзлаб инсонлар — олимлар, фозиллар, шайхлар ҳақида ҳам шу гапни айтиш мумкин. Бизга берилган илм, тафаккур энг буюк каромат, энг ноёб мўъжизадир.

Абул Аббоснинг замондоши улуғ шайх Абу Саид Абул Хайр ҳам ҳар хил сеҳру жоду ёки каромат номи билан ҳавода учиш, сувда сузиш каби ғайритабиий ваҳимали гапларни ёқтирмаган. Унга дедиларки, фалон одам ҳавода учиб юрар экан, деди: қарғалар ва пашшалар ҳам ҳавода учиб юрадилар. Дедилар: фалон киши бир лаҳзада бир шаҳардан бошқа шаҳарга борар экан, деди: шайтон ҳам бир нафас олгунча Мағрибдан Машрикқа етиб боради. Бундай нарсаларнинг қиймати йўқ, халқ орасида туриб, халқ учун хизмат қилган марддир (*Жомий*. «Нафаҳот ул-унс»).

Бовужуд, биз Ҳақ асроридан хабар берувчи кароматларни улуғ маърифатпарвар инсонларнинг фазилати ва илму дониши зуҳури деб биламиз ва кароматни тасаввуфнинг таркибий қисми сифатида олиб қараймиз. Каромат ҳақидаги ривоятлар эса ўзига хос бадий асарлардир.

## ТАРИҚАТ ВА ШАРИАТ

Ишимизнинг олдинги саҳифаларида шариат ва тариқат муносабатларини тилга олиб ўтган эдик. Шариат аҳли билан тариқат аҳли орасида келишмовчиликлар ва ихтилофлар бўлганини ҳам қайд этган эдик. Аммо ушбу масала бироз кенгроқ тўхтаб ўтишимизни тақозо этмоқда, чунки, бир томондан, билиб-билмасдан шариатни тариқатга қарама-қарши қўйиш, иккинчи томондан эса, шариат билан тариқат орасидаги фарқни кўролмаслик ва буларни бир нарса деб қараш ҳоллари учрамоқдаки, бу ҳар икки йўналиш ҳам тўғри эмас. Бу ҳол илгари замонлар қандай нохушликларга олиб келган бўлса, ҳозир ҳам тасаввуфга тош отиш, уни исломга зид қўйиб, халқ кўзига бадном қилиб кўрсатишга сабаб бўлмоқда.

Шариат билан тариқат орасидаги масала ғоят нозик масаладир. Бу жиҳатни англамаган одам, шубҳасиз, бирор томонга пугур етқизиши мумкин. Чинакам мусулмон бўлган, исломни чуқур англаб, унинг маърифати, ҳикмат ва фалсафасидан баҳраманд бўлган, мусулмонликни Аллоҳ ёдида пок яшаш деб билган киши ҳеч қачон тариқатни ўзига ёт деб билмайди. Мусулмонликни фақат расм-русумлар, одатлар ва бошқа ташқи белгилар йиғиндиси, деб билувчи киши учун, турган гап, тариқат мавҳум ва, ҳатто, зарарли нарса бўлиб туюлади. Бу ўринда шунини айтиш керакки, шариат аҳлининг ҳаммасини ҳам тариқат билан курашиб келган, тариқатга муҳолиф бўлган, деб айта олмаймиз. Кўпгина шариат пешволари тариқат аҳлига ҳурмат билан қараганлар, шайхлар билан дўстлашганлар. Бундан ташқари, дарвеш сулукига кирган фақиҳлар, шайх ул-исломлар, обидлар бор эди, масжидлар ва хонақоҳлар орасида алоқа бўлиб турарди.

Шунга қарамай, шариат ва тариқат аҳллари орасида муҳолифлик давом этиб келди. Зоҳирбин уламолар наздида сурункали тақво, доимий рўза, риёзат учун ўзини қийноқларга солиш ҳазрати Пайғамбар суннатларига хилоф. Инсон ҳаётдан, яъни Аллоҳ берган неъматлардан баҳраманд бўлиши ва ҳам ўз Таъғисига шукрона сифатида тоат-ибодат билан шуғулланиши. бандалик вазифасини

бажариб туриши лозим. Ўзини қийноқларга солиш Аллоҳга хуш келмайдиган ишдир, дейди шариат аҳли.

Аммо муҳолифатнинг бош сабаби бу эмас эди, зоҳидлар, «осойишта» сўфийлар шариат аҳлини унчалик безовта қилмаганлар. Шариат аҳлига ташвиш келтирган нарса — бу тасаввуфнинг фано, тавҳид, ишқ ва васл каби ғоялари эди. Чунки мазкур тушунчалар ҳурфикрлиликни, ҳақиқатни излаш йўлидаги мантиқий-тафаккурий жиҳатни кучайтирар, ваҳдат, руҳ, Илоҳ ва инсон ҳақида теранроқ билим берар, олам асрорини англашга йўл очарди. Бу эса зоҳирий билим билангина чекланган одамларга ёқмасди. Боз устига, Ҳақ таоло ишқида беҳуду девона бўлган валийларнинг «шатаҳот»лари, яъни зоҳирда «куфр» бўлиб кўринган гаплари (чунончи, Ҳалложнинг «Анал-Ҳаққ», дейиши, Боязиднинг «Шарафланганман, шарафланганман, шаъну шараф менга», деган гапи, Машрабнинг «Ёрсиз ҳам бодасиз Маккага бормоқ на керак, Иброҳимдан қолғон ул эски дўконни на қилай» дейиши), табиийки, ақидапараст кишиларни ташвишга солар ва улар буни имондан чекиниш, деб баҳолардилар.

Шунинг оқибати ўлароқ, тасаввуф маслагининг энг ёрқин фикрли азиз фарзандлари Мансур Ҳаллож, Яҳё Сухравардий, Айн ул-қуззот Ҳамадоний, Имомиддин Насимий, Бадриддин Ҳилолий, Бобораҳим Машраб муқаллид уламолар фатвоси билан расмий равишда қатл этилдилар. Мансур ва Сухравардийнинг бир неча шогирдлари ҳам қатл этилган. Шу каби Зуннун Мисрий, Боязид Бистомий, Абдуллоҳ Ансорий, Фаридиддин Аттор, Ибн ал-Арабий, Жалолиддин Румий каби машҳур мутафаккир шайхлар умр бўйи шариат аҳли билан келишолмай, баъзан эса жоҳил ҳокимлар, амирларнинг тазйиқи остида умр ўтказганлар.

Мақомот ва валийлик сирларидан биринчи бўлиб сўз очган Зуннун Мисрий Миср уламолари раиси, Абдуллоҳ ибн Ҳаким томонидан таъқиб остига олинади, Зуннуннинг қарашлари инкор қилинади. Зуннун айтган гаплар илми калом уламолари айтган гапларга тўғри келмайди, деб уни зандақа (Бу «зиндиқ» сўзига берилган нисбат. «Зандия» — зардуштийларнинг тоифаси. Бу нисбатни биринчи бўлиб, Баҳром ибн Ҳурмуз ибн Собур замонда яшаган Моний ибн Фотик ибн Монон номлаган. Мажусий Моний ибн Фотик ўзидан ном қолдириш учун бир дин яратди. Китоб жамлаб, уни «Занд» деб атади ҳамда китобни чиройли нақшлар ва ранглар билан безади. Унинг асҳоблари бу китобни «Мусҳафи Моний» ҳам дейишарди. «Занд» зардуштий тилида тафсир (шарҳ, изоҳ) деган маънони англатади. Бу китоб «Авесто» (Зардуштнинг китоби)нинг тафсиридир. «Занда Авесто» Авестонинг шарҳидир. «Занд» китобида икки илоҳий куч бўлиб, бири нурни ва иккинчиси



зулматни яратиши ҳақида баён қилинади. Улар айтади: яхшилик — нур, ёмонлик эса зулматдир. У китобда айтилишича, аёл билан жинсий алоқа қилиш ҳаром. Чунки шаҳватнинг асли — шайтон. Агар бола шаҳватдан бўлса, у ёмон бола бўлиб туғилади. Яна айтиладики, ҳайвонларни сўйиш ҳаром. Ҳайвон ўлгандан кейингина унинг гўшти ҳалол.

Моний ибн Фотик ўзини ботинан Зиндиқ, зоҳиран эса Исо алайҳиссаломга эргашувчи деб даъво қиларди. Вақти келиб подшоҳ Баҳром ибн Ҳурмузга бу ҳақда хабар етганда, Моний ибн Фотикнинг тириклайин терисини шилишни буюради ва уни Нишопур шаҳри дарвозаси устига осиб қўяди. Монийга эргашган қавмлар Хитой атрофида, Туркда, Ироқ атрофида, Кирмон ноҳияларида Ҳорун ар-Рашид давригача қолган эди. Ҳорун ар-Рашид улар қўлида сақланиб келган «Занд» китобини ёқиб юборади ва унга эргашувчиларнинг ҳаммасини қиличдан ўтказдиради) дини тарафдорисан, кофирсан дея тошбўрон қиладилар. Абул Қосим Сулабий ўзининг «Табақат ус-суфия» китобида мазкур маълумотларни келтириб, яна давом этадики, шайх Абу Сулаймон Дороний фаришталарни кўраман ва улар билан суҳбатлашаман, дегани учун Дамашқдан бадарға қилинган. Бистом шаҳри аҳолиси ҳам Боязид Бистомийдан мункир бўлдилар. Сабаби у: мен ҳам Пайғамбар сингари Меърожга кўтарилдим, деган экан. Сулабийнинг ёзишича, Саҳл ибн Абдуллоҳ Тустарий дебдурким, фаришталар, шайтонлар ва жинлар унинг олдида ҳозир бўладилар ва у билан сўзлашадилар. Лекин одамлар бунга ишонмай рад этдилар ва Саҳлни ёмонотлиқ қилдилар. Натижада Саҳл Тустардан Басрага қочиб кетди ва ўша ерда вафот этди.

Улуғ шайх ва шоир Фаридиддин Атторни «Жавҳар уз-зот» (Зот гавҳари) асари учун рофизийлик (шиалик)да айлаган Нишопур уламолари уни Мансур каби қатл этмоқчи бўладилар. Бироқ шоир қочиб жон сақлайди, лекин мол-мулкидан буткул ажралади. Яна қизиғи шундаки, XV асрда, худди шу дostonни кўчирган Низомиддин Ҳайдар Борбуний деган котиб ҳам Самарқандда мулталарнинг ғазабига дучор бўлган ва қаттиқ жазога ҳукм этилган. Хайриятки, Ҳирот олимлари бундан хабар топиб, Низомиддинни қутқариб қоладилар (*Е.Э. Бертельс. Суфизм и суфийская литература, 372—373-бетлар*).

Шариат ва тариқат орасидаги мухолифлик илмий-назарий йўналишда ҳам давом этиб турган. Бир қанча рисоалар ёзилиб, сўфийларнинг сўзлари ва амаллари танқид қилинди. Шундай китоблардан бири 1153 йилда вафот этган Ибн Жавзийнинг араб тилидаги «Талбис ул-иблис» (Иблис васвасаси) номли китобидир. Эронлик олим Саййид Содиқ Гуҳарин «Тасаввуф истилоҳлари шарҳи» номли китобининг муқаддимасида Ибн Жавзий асари

устида батафсил тўхтаб ўтган. Биз ушбу манбадан маълумот учун баъзи иқтибосларни келтириб ўтмоқчимиз.

Ибн Жавзий тасаввуф тарихини икки даврга бўлади. Биринчиси — зоҳидлик даври бўлиб, у даврда сўфийлар шариат талабларига қатъий риоя қилганлар. Иккинчиси — дарवेशлик даври бўлиб, бу даврда фикру шуурда ислом ақидаларига тўғри келмайдиган қарашлар юзага келган, тариқат қабул қилган расм-русумлар ҳам илк исломда йўқ эди, дейди Жавзий. Чунончи, хирқа кийиб алоҳида жамоа бўлиб юриш, рақсу самоъ мажлислари ташкил қилиш, куй-қўшиқ эшитиш, чилла ўтириш, зикр тушириш ва ҳоказолар исломга хилоф. Сўфийларнинг бу ишлари одамларни йўлдан ура бошлади, деб ёзади Ибн Жавзий, чунки сўфийлар бағоят тақводор кишилар бўлганлиги сабабли диндорлар уларга эътиқод қўйганлар, аммо, иккинчи томондан, ўйин-кулгига берилган дунёпараст кишилар ҳам сўфийларнинг самоъ йиғинларини хуш кўрадилар. Сўфийлар шариат илмини ўрганишдан кўра, каромат ва сеҳрга эътибор берадилар, бу эса шайтоннинг раъйига эргашишдир. Ибн Жавзий ёзади: «Кейинги даврларга келиб, Иблис уларнинг ишларига аралашди ва васвасага солди. Уларнинг тобеълари ҳам бу васвасага учдилар. Иблис васвасасининг моҳияти шундан иборатки, у сўфийларни илм ва донишдан қайтариб, уларга мақсад-муддао илм эмас, балки амалдир, деб кўрсатди. Ва улар учун илм чироғи сўнгандан кейин зулмат ичра қолдилар ва йўлдан адашдилар».

Бу тасаввуфга қўйилган катта айб эди. Амалда Ибн Жавзий сўфийларни билимсиз, нодон кишилар деб таҳқирлаган. Тўғри, тасаввуфда шариат илми ақлий-мантиқий илм сифатида олиб қаралади ва сўфий бу илмнинг ўзи билан чегараланса бўлмайди, у ишқ ва ботиний тараққиёт орқали ғайбий-ладуний билимлар соҳиби бўлсагина мақсадга эришади, деган қараш бир. Бироқ буни шайтон васвасаси ёки нодонлик, деб аташ хато. Ахир Нажмиддин Кубро, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор каби улуғ шайхларни шариат илмидан беҳабар, деб бўладими?! Улар бу илмни сув қилиб ичган одамлар эдилар. Уларда ана шу шариат илмидан ташқари, ботиний-илоҳий илм ҳам жўш уриб турган. Ана шу фазилат билан улар оддий диндорлар, муҳаллисус муфассирлардан устун эдилар.

Ибн Жавзийга шариат илмини илми зоҳир, тариқат илмини илми ботин дейиш ҳам ёқмаган, унинг назарида бу тариқатни шариатдан афзал ҳисоблашдир. «Кўп оч юриш, сурункали чилла ўтириш, парҳезкорлик бу одамларнинг миясини айнитган. Шунинг учун улар бидъат ва куфр сўзларни айтадилар, хаёлларига ҳар хил нарсалар кўринади», — деб ёзади Ибн Жавзий сўфийлар ҳақида. Сўфийлар ўзларини ислом асосларига дахлдор қилиш учун

чаҳорёрлар — Абу Бакр, Умар, Усмон ва Али разияллоҳу анҳумларни, бир қисм саҳобаларни илк сўфийлар деб айтадилар ва, ҳатто, ҳазрат Пайғамбардан ҳам сўфийлик сифатларини қидирадидилар, Куръони карим оятларини сўфиёна руҳда шарҳлайдилар, дейди Ибн Жавзий.

«Талбис ул-иблис» китобидан: «Одамларнинг бу қавмга (яъни сўфийларга) майли кучлилигига боис шуки, тариқатнинг ташқи кўринишини ибодатга мослаганлар, аммо ботинини рақсу самоъ билан тўлдирганлар, одамларга эса бу ёқади».

Яна: «Аввалги сўфийлар султонлар ва амирлардан нафратланардилар, уларнинг инъомларини олмасдилар. Кейинги сўфийлар тахту тож аҳлининг яқин дўстларига айландилар».

Яна: «Абдурахмон Суллаймийнинг келтиришича, Амр Маккий (Мансурнинг пири) ҳикоят қилибдурким, Мансур Ҳаллож билан Макка кўчаларини кезардик. Мен Куръони мажиддан бир оят ўқидим. Мансур менинг қироатимга қулоқ солиб, деди: мен ҳам шунга ўхшаш сўзларни айта оламан».

Ва яна: «Сўфийларнинг кўпи хотинларга қарашни ножоиз ҳисоблайдилар. Лекин чиройли йигитлар билан суҳбат қуришни ёқтирадилар. Уларнинг фикрича, Худо гўзаллар жисмига сингандир, гўзаллар юзига боқиб, Худонинг жамолидан баҳра оламин, дейдилар».

Ибн Жавзийга тариқат одоби, яъни тарки дунё қилиш, хонақоҳларда тақво билан умр ўтказиш ҳам маъқул эмас, муаллиф буни ислом шариатига хилоф, деб биледи. Ибн Жавзий фикрича, олти сабабга биноан бу иш хатодир, яъни биринчидан, ушбу ҳаракат одамларни масжиддан четлаштиради, ҳолбуки, масжид мусулмонларнинг асосий йиғиладиган жойи бўлиши керак. Иккинчидан, мусулмонларнинг жам бўлиб ибодат қилиши камайиши мумкин. Учинчидан, кишиларни масжидга бориб намоз ўқишдан маҳрум этади. Тўртинчидан, бу иш насронийлар ва исопарастларга тақлид бўлиб, яқка ибодат қилиш одатини жорий этади. Бешинчидан, хонақоҳ аҳли орасида кўп ёш йигитлар борким, улар уйланиши ва фарзандли бўлиши керак. Тарки дунё улар ҳаётига зоминдир. Олтинчидан, хонақоҳларда бажариладиган амаллар халқни алдаш ва залолатга йўллашдан иборат. «Кейинги давр сўфийлари, — деб таъкидлайди Ибн Жавзий, — хонақоҳ ва рабобларда текин яшаш ва истироҳат билан кун ўтказишга ўрганиб қолганлар, фақат овқат ейиш ва ўйин-кулги қилиш билан бандлар».

Кўринадики, Ибн Жавзий учун тасаввуф таълимот сифатидаги назарий жиҳатлари, ғоялари билан ҳам мақбул эмас. Муаллиф хонақоҳлардаги пир ва муридлик муомаласидан тортиб, ўзини-ўзи назорат қилиш шартлари ҳисобланган зикру самоъ, чилла ўтириш, сурункали тақводорлик, махсус кийим — хирқа кийиб

юришгача — ҳаммасини бидъат деб рад этади («бидъат» — араб тилида янгилик демакдир).

Тасаввуфни танқид қилиш кейинги асрларда ҳам давом эттирилди, ҳозир ҳам, афсуски, айрим мамлакатларда нақшбандия, суҳравардия ва мавлавия тариқатларини танқид этувчи китоблар чоп этилмоқда. Уларда асосан ўша Ибн Жавзий айтган гаплар такрорланади. Шу боис биз уларга тўхтаб ўтишни лозим кўрмадик.

Энди тариқат аҳлининг гапларини ҳам эшитайлик. Аввало, алоҳида қайд этамизки, тариқат аҳли ҳеч ерда ва ҳеч қачон шариатни инкор этган эмаслар. Билъакс, шариат тасаввуфнинг муҳим ва зарурий қисми деб қаралган. Бошқача айтганда, шариат маънавий тарбиянинг биринчи босқичи ҳисобланган. «Кашф ул-маҳжуб» китобининг муаллифи Хужвирийнинг фикрича, сулуқ йўлига кирган киши тўрт буюк марҳала (мақом)ни босиб ўтиши лозим, яъни: шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқат. Баъзилар маърифатни алоҳида мақом сифатида тилга олмасалар ҳам, аммо шариат, тариқат ва ҳақиқатни санаб ўтганлар.

Яна шуниси борки, кўпгина шайхлар ўз муридларига биринчи навбатда шариат асосларини пухга ўргатганлар, мурид токи Куръони карим ва Ҳадиси шарифни бутун моҳияти билан англаб етмаса, шариат аҳкоми бўлмиш тавҳид, имон маъносини тушунмаса, беш вақт намозни адо этиб, рўза тутиб, закот ва ҳаж талабларини ҳам бажармаса, у ҳақиқий мусулмон деб қаралмаган ва хонақоҳга киритилмаган. Бироқ ҳамма гап шундаки, тариқат пешволари шариат талаблари устига яна янги талаблар қўйганлар, мусулмонлик шартларини чуқурлаштирганлар. Аниқроқ қилиб айтсак, омма тоқат қила олмайдиган, бироқ махсус кишиларгина тоқат қиладиган қўшимча риёзатлар юклаганлар ва солиқлар бунини мажбурий эмас, ихтиёрий равишда ўз зиммаларига олганлар. Ана шу асосда қўшимча намоз, қўшимча рўза, парҳез ва тақво, қўшимча ҳаж қилиш жорий этилган. Шунга қудрати бор кишилар учун бу нарса раво деб қаралган. Чунки бундай одамлар ўз ҳаётларини Худо йўлига бағишлаган эдилар, улар учун бундан муҳим, бундан олижаноб ва қимматли нарса бўлмаган. Хўш, бунини ман қилиб бўладими? Ўзини Худо йўлига бағишлаган, туну кун ибодат билан шуғулланишни одат қилган одамга: «Сен гуноҳ қилаяпсан», — дейиш мумкинми? Бу ҳар бир банданинг ўзининг шахсий иши. Шунинг учун ҳам тасаввуф ва тариқатни ҳослар йўли дейдилар ва индивидуал (фардий) ҳодиса сифатида олиб қарайдилар.

Аслини олганда, шариатнинг ўзи ҳам риёзатдир. Беш вақт намозни адо этиш, бир ой рўза тутиш, узоқ сафарга чиқиб, ҳаж қилиш риёзат эмасми? Лекин шуниси борки, бу барча мусулмонлар учун мажбурий риёзат. Тариқат талаблари эса ҳамма учун мажбурий

эмас, балки, яна такрорлаймиз, алоҳида кишиларнинг ихтиёрий риёзатидир.

Х—ХІ асрлардан бошлаб шариат ва тариқат аҳллари орасида мунозаралар бошлангандан кейин тасаввуф назариётчилари бу икки томонни келиштириш, шариат ва тариқатни мувофиқлаштириш устида бош қотириб, фикрлар баён этганлар. Лоҳижий, масалан, «Шарҳи Гулшани роз» китобида ёзадиким: «Шариат ва тариқат аҳлуллоҳ ибораларидан бўлиб, бири зоҳирнинг саломатлигидан, иккинчиси ботиннинг саломатлиги — истиқоматидан далолат беради».

Абул Қосим Кушайрий ёзади: «Шариат — бандалик заруриятининг амрлари, ҳақиқат эса — Худо мушоҳадаси. Ва ҳақиқатдан мадад олиб озикланмаган шариат мақбул бўлмаганидай, шариатга боғланмаган ҳақиқат ҳам натижасиз ва самарасиздир. Шариат халққа (оммага) мўлжалланган мажбурий амрлар, ҳақиқат эса, Ҳақ йўлидан хабар берувчи хос кишиларнинг насибаси». Агар шундан келиб чиқиб хулоса қилсак, тариқат шариат ва ҳақиқат орасидаги босқич, восита эканлиги маълум бўлади.

Хожа Абдуллоҳ Ансорий дейди: «Шариат барча инкор ва тасдиқдан иборат, у инсон вужудига қаратилган бўлиб, шакл-русумлар — қолипларни ташкил этади. Тариқат буткул маҳв бўлмоқ (фоний бўлмоқ), ҳақиқат эса барча ҳайратдан иборат. Шариатни тана деб бил, тариқатни дил дегин, ҳақиқатни эса жон ҳисобла. Шариат истасанг — атбоъ (тобеъ бўл), ҳақиқат истасанг — инқитоъ (дунёдан кечгин), қолган барчаси — судоъ (бош оғриғи)».

Шундай қилиб, Абдуллоҳ Ансорий шариатни зоҳирий одатларга асосланган шакллар мажмуи, яъни инсон танасининг ибодати деб таърифлаб, тариқат ва ҳақиқатни қалб ибодати, деб кўрсатган. Бундан шариатни камситиш майли сезиладимиз? Зинҳор бундай эмас. Балки буюк шайх ҳодисага аниқ баҳо берганини кўриш мумкин. Зотан, шаклни мазмундан, мазмунни шаклдан ажратмаймиз-ку. Шундай бўлгач, шариат, тариқат ва ҳақиқатни ўзаро вобаста, бир-бирини тақозо этувчи ҳодисалар сифатида, ислом йўлининг мартабалари сифатида олиб қараш ўринли. Абул Қосим Кушайрий бу ҳодисани «лозим ва малзум» (бири иккинчиси учун лозим) деган чиройли ибора билан ифодалаган. «Шариат зоҳир таҳорати, тариқат ботин таҳорати» («Ғиёс ул-луғот») экан ёки шариат мисли тана, тариқат мисли қалб бўладиган бўлса, демак, тариқат ҳодисалар дунёсидан абадият дунёсига қараб кўчишдир. Агар солиқ шариатга суяниб, тариқат орқали фано мақомидан бақо мартабасига етса, уни тариқат йўлидан бориб, ҳақиқатга эришган, дейдилар. Шариат — қатъий интизом, авомга ҳам, хосга ҳам бирдай тегишли. «Шариат — нафс йўлидир, тариқат — кўнгил йўли ва ҳақиқат — руҳ йўли («Мажмаъ ас-салавот» китобидан).

Яна дейдиларким, шариат — Расулulloҳ с.а.в.нинг айтганлари, тариқат — Расули акрамнинг сийрати, қилган ишлари, ҳақиқат — Расулulloҳ с.а.в. кўрганни кўриш. Шу асосда яна қуйидаги таъриф ҳам машҳур: шариат — омманинг дини, имони. Тариқат — хосларнинг йўли. Ҳақиқат — авлиёлар имони. «Шариат — ақвол (сўзлар), тариқат — афъол (феъллар), ҳақиқат — аҳвол (ҳоллар), деган таъриф ҳам бор. Атоқли олим Ҳусайн Воиз Кошифийнинг қиёслари ҳам ибратли. «Футувватномаи султоний» китобида у ёзади: «Агар шариат, тариқат ва ҳақиқат орасида нима фарқ бор, деб сўрасалар, (бу тушунчаларнинг) ҳар учаласи ўзаро вобаста деб жавоб бер».

Шариат — равшан билинган нарсалардир, нишондир, ҳурматдир. Тариқат — қидирилган нарсалар, баён дир, хизматдир. Ҳақиқат — кўриш учун курашиш, аён дир, ҳикматдир.

Шундай қилиб, тариқат Аллоҳ йўлидан Аллоҳ сари руҳий-маънавий сайру сафарга чиққан эранларнинг тақдири, кўнгил майли. Тариқат шариатни ҳам ўз ичига олади, аммо у шариатдан ўзиб кетади, шариат аҳли беҳишт тамаида ибодатга машғуллар, тариқат аҳли эса Ҳақ дийдори учун жондан кечганлар. Тариқатнинг асл моҳияти ибодат ва поклик бўлгани учун у дини исломга зид эмас, ҳеч бир жиҳати билан шариатга путур етказмайди. Шариат — мусулмонлик камолотига асос, тариқат — башарий вужуддан қутулиб, руҳий камолотга муяссар бўлиш орзуси. Демак, мақсад бир, яъни Парвардигор томон интилиш, инсонийлик ҳақиқатини топиш. Тариқатнинг пойдевори ирфон ва ғайбга ошнолик талабидан иборат. Бу барча динларда яширин ҳолда мавжуддир. Чунки имон моҳияти сиғиниш садоқатида ифодаланади. Тариқат шу жиҳатни яллиғлантириб, авж олдиради. Ибн Жавзий тариқат аҳлига қўйган айблардан бири узлат, яъни жамоатдан ўзини четга олиб юриш, якка ҳолда ибодат билан шуғулланишдир. Узлат хусусида ҳали тўхтаб ўтаммиз. Бу ўринда эса шуни таъкидламоқчимизки, аҳли тариқатнинг ҳаммаси ҳам тарки анжуман қилган эмас. Айниқса, нақшбандия тариқати «хилват дар анжуман» шиорини олдинга суриб, сўфийларнинг халқ ичида бўлишларини талаб қилган. Шу боис бўлса керак, Ҳусайн Воиз Кошифий жамоат ичида бўлишни тариқат суннатларидан бири, деб ҳисоблаган: «Тариқатнинг суннати нечта, деб сўрасалар, олтита деб айтгин: аввал вақтни жамоат билан ўтказиш, иккинчи саҳар ва шом пайтларида хотиржам бўлиш, учинчи доимо пок юриш, тўртинчи кўнгилни асрай билиш, бешинчи зикру такбирни бажо келтириш (яъни «Ла илаҳа иллаллоҳ» ва «Аллоҳу акбар»ни айтиб туриш), олтинчи пирлар, отабоболарни яхшилик билан хотирлаб туриш» (Футувватномаи султоний, 15-бет).

Туркистоннинг шайх ул-машойихи Аҳмад Яссавий (XII аср) ҳам тариқат ва шариатнинг ўзаро вобасталигини содда туркона

тилда равшан баён қилиб берган. Мана, у зоти шариф нима дейди:

Ҳар ким қилса тариқатни даъвосини,  
Аввал қадам шариатга қўймоқ керак.  
Шариатнинг ишларини адо қилиб,  
Андин сўнгра бу даъвони қилмоқ керак.

Яссавий фикрига кўра, шариатсиз тариқат ва тариқатсиз ҳақиқат йўқ. Тариқатга қадам қўйган одам шариатга суйанмаса, «шайтон келиб» имонига чанг солади. Аммо тариқат йўли оғир ва машаққатли, «Ҳақдан қочғон ножинслар» бу йўлда чидаш беролмайди.

Шариатдан мурод — йўлга кирмоқ,  
Тариқатдан мурод — нафсдан кечмоқ,  
Ҳақиқатдан мурод — жондан кечмоқ,  
Жондан кечмай ишқ шаробин ичса бўлмас.

Модомики, шундай экан, демак, тариқат ва ҳақиқат ботиний покланишнинг зарурий эҳтиёжи, шариат даражаси қониқтирмайдиган, жондан кечиб ишқ шаробини ичишга тайёр турган алоҳида шахсларнинг танлаган йўлидир. Бундай одамларнинг Ҳақ сари интилиши шу даражада кучлики, уни муайян тор чорчўбаларда сақлаш ва уларга сиғдириш мумкин эмас. Чунки қалб жўш урганда, дарёдай тошиб кетади, дарёни эса ҳовузга сиғдириб бўлмайди, дарё ўқёнулга қуйилиши керак:

Ажаб Мажнун эрурман, дашт ила саҳрога сигмамдур,  
Дилим дарёи нурдур, мавж уруб дунёга сигмамдур.

*(Бобораҳим Машраб)*

«Шариат ҳам, тариқат ҳам, ҳақиқат ҳам мендадур» (*Машраб*) деб айта оладиган комил инсонлар учун рақсу самоъ, Худо йўлидаги ўтли нолалар, фараҳли дамлар раводир. Инсон руҳиятида кечадиган, руҳни яйратадиган жами нарсалар бунда Аллоҳ муҳаббатини кучайтирувчи восита бўлади ва сўфийни Улуғ даргоҳга яқинлаштиришга хизмат қилади. Шуни ҳам айтмоқ керакки, бир қанча мутафаккир уламолар, гарчи ўзлари тасаввуфга дахлдор бўлмасалар-да, лекин биз айтган маънодаги само ва зикрни ғайришаръий ҳисобламаганлар, гуноҳга қўшмаганлар. Билъакс, Имом Муҳаммад Ғаззолий сингари донишманд кишилар илми калом билан тасаввуфни, шариат билан тариқатни қўшиш лозимлигини айтганлар. Ғаззолий назарида, олий даражадаги мустаҳкам имон сўфий имонидир, шунинг учун фано йўлидаги беинтиҳо ишқни исломнинг зарурий рукнларидан ҳисобламоқ керак. Имом Ғаззолий ўзининг «Ихёу улум ад-дин» (Диний илмларни тирилтириш) ва «Кимёи саодат» (Саодат кимёси) номли китобларида тасаввуфни

ислом илмларининг таркибий қисми сифатида чуқур ўрганган, тариқатни одамнинг ахлоқини покловчи ва ҳалок этувчи хислатлардан қутқарувчи йўл, деб кўрсатади.

Фаззолийнинг худди шу иши Ибн Жавзийга ёқмаган. Унинг ёзишича, Фаззолий «Ихёу улум»да ботил (нотўғри деб топилган) ҳадислар ёрдамида тасаввуфни оқламоқчи бўлади, «ҳолбуки ўзи ўша ҳадисларнинг ботиллигини билмайди». Фаззолий сўфиёна кароматларни бор нарса, ҳақиқат, деб айтади, дунё Парвардигор пардасидир, шунингдек, шариат ҳам зоҳирий нарса, сўфийлар фаришталар, руҳлар, анбиёларни кўрадилар ва улардан куйлар эшитдилар ва бунинг фойдаси катта, деб ёзди. Бу ахир исломни бузиш-ку, деб хитоб қилади Ибн Жавзий. «Талбис ул-иблис» китобининг муаллифи Фаззолийни ислоҳотчилик (реформаторликда) айблаган. Ваҳоланки, ислом тарихида ислом илмининг ривожини учун Имом Муҳаммад Фаззолийчалик хизмати сингган одам кам бўлса керак. Фаззолий исломни назарий жиҳатдан бойитди, уни янги давр талабига мос равишда ривожлантирди, мустаҳкамлади. Исломни дунёга машҳур этди. Унга «Хужжат ул-ислом» — ислом ҳужжати, деган лақаб бекорга берилмаган. Мана бу ривоят ҳам Фаззолийнинг буюклигига ишорадир.

Абдураҳмон Жомий «Нафаҳот ул-унс» китобида келтиради: «Хожа Абу Али Формадий дерки, Фаззолийнинг баъзи ишларидан норози бўлиб юрар эдим. Бир кун уйку босди, ярим уйку, ярим уйғоқлик орасида туш кўрдим: катта бир майдон ўртасида оқ иморат бўлиб, одамлар турнақатор тизилиб шу иморат томон борардилар. Сўрадимки, бу не иморат ва сизлар кимсизлар? Жавоб бердиларки, бу бинода ҳазрат Расулуллоҳ с.а.в. ислом дини ҳақида китоб ёзганларни қабул қилмоқда, биз китоб ёзган кишилармиз. Мен ҳам улар орқасидан турдим ва бино ичкарасига кирдим. Ҳар бир мазҳаб эгаси тасниф этган китобини Пайғамбарга кўрсатарди, Имом Шофеий, Имом Абу Ҳанифа ва бошқалар китобларини кўрсатдилар. Расулуллоҳ с.а.в. уларни ўз ёнига ўтқазиб, сийлади. Ҳамма тинчигандан кейин мен овоз чиқариб дедим: «Ё Расулуллоҳ, менинг қўлимда ҳам аҳли ислом ақидасини баён этувчи бир китоб бор, агар ижозат берсангиз, ўқиб берай». Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қандай китоб?» деб сўрадилар. Дедим: «Қавоид ул-ақоид» (Ақида қоидалари) деган китоб, Фаззолий таълиф этган». Менга китобни ўқишга ижозат бердилар, ўтириб ўқий бошладим. Расули акрам сифатлари таърифига етганимда юзлари ёришди ва табассум қилиб дедилар: «Қани Фаззолий?» Фаззолий ўша ерда эди, жавоб берди: «Фаззолий менман». Расулуллоҳ с.а.в. қўлларини узатдилар, Фаззолий ул муборак қўлни ўпди ва кўзларига суртди ва Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам ишораси билан тўрт мазҳаб соҳиби бўлган имомлар қаторига бориб ўтирди».



Бу бир ривоят, аммо унинг замирида катта ҳақиқат бор. Ҳақиқат шуки, Имом Ғаззолий аълам ул-уламо, буюк диншунос аллома сифатида ислом оламида тан олинган эди. Бундай улуғ шайхнинг тасаввуфга ҳусни таважжуҳ этиши эса бежиз эмас эди. Чунки Ғаззолий бирданига сўфийлар тариқатини қабул қилганлардан эмас. У бошида фикҳ ва ҳадис олими сифатида машҳур бўлган, ўз замонасининг барча илмларида тенгсиз устоз сифатида танилган эди. Шарқнинг энг нуфузли мадрасаси Низомияда раис ул-уламо (уламолар раиси) лавозимига тайинланиб, уч юз толиби илмга дарс ўқирди. Аммо ёши элликка етганда бирдан мадрасани, дўстлари ва шогирдларини ташлаб, узлатни ихтиёр этди ва бунинг сабабларини ўзининг «Ал-Мунқиз мин аз-залол» (Гумроҳликдан қутулиш) китобида баён этди.

«Мени тақлид тубанлигидан басират баландлигига қандай журъат етказганини сенга ҳикоят қилай», — деб бошлайди китобини Ғаззолий. «Калом илмидан нима олдим, аҳли таълим (исмоилия мазҳаби) ва имомга тақлид қилувчиларким, ҳақиқатни англашдан қусурли ва ожиздирлар, қандай нафрат пайдо бўлганини айтай. Ва фалсафа тўқиш шеvasини арзимас деб билганим ва тасаввуф тариқатини қандай афзал билганимни айтай».

Унинг ёзишича, ёшлигидан қалбида ҳақиқатга ташналик ҳисси борлиги учун «кўрқмасдан ўзини чуқур дарёга» ташлаган, яъни ҳар бир илмни дадиллик билан ўргана бошлаган. Ҳар бир тоифанинг ақидасини яхшилаб тафаккурдан ўтказган ва қоникмай яна янгисини ўргана бошлаган. Имом Ғаззолийнинг уқтиришича, илм икки хил бўлади. Бири — тақлидий илм, яъни ўтмишдан мерос қолган, ота-она ва устозлардан олинадиган билимлар. Иккинчиси — кашф этилган илм. Тақлидий илм кўр-кўрона эргашиш билан бўлади, кашф этилган илм эса ҳар бир шахснинг қобиляти, шуурий изланиши орқали қўлга киритилади. «Менинг мақсадим амрлар ҳақиқатини кашф этиш эди», — дейди муаллиф. Зотан, ҳаётда жуда кўл одамлар тақлидий билимлар билан қаноатланидилар. Чунки янгилик яратмай, тайёр ҳунарлар, илмларни ўрганиб, кўп қатори яшаш осон. Аммо тараққиёт учун, инсоният тафаккурини олға силжитиш учун илоҳий ва дунёвий ҳақиқатларни, моҳиятларни излаш, кашф этиш зарур. Бу — айрим буюк шахсларнинг насибаси.

Шундай буюк шахслардан бири бўлган Имом Абу Ҳомид Ғаззолий Ҳақиқат толиби бўлиб, аввал калом илмини, сўнгра фалсафани, кейин исмоилия таълимотини ва охири тасаввуфни ўрганишга киришган. У илми калом ҳақида, фалсафа ва исмоилия ҳақида бир нечта китоб ёзади. Олим шундай хулосага келадикки, илми калом ҳам, фалсафа ва исмоилия ҳам илоҳий ҳақиқатларни янгилаштишга қодир эмас. Мана унинг хулосалари:

«Мутакаллимлар ўз ақидаларини чуқурлаштириш учун жавҳар ва араз (фалсафа тушунчалари) масалаларида баҳс бошладилар ва фалсафага қўл урдилар. Лекин улар илмининг мақсади бошқа бўлгани сабабли уларнинг сўзи нишонга етмади ва одамлар орасидаги шак-шубҳаларни бартараф қилолмадилар».

«Икки йил ичида файласуфлар илмини эгалладим. Яна бир йил тафаккурга берилдим. Уларнинг китобларини такроран ўқир эдим. Уларнинг хато ва адашишларини англадим, раддига йўл топдим ва билдимки, (фалсафа) инсон камоли учун етарли эмас».

«Таълимийлардан (исмоилия аҳли) бир кишини учратдим... уларнинг китобларини топиб ўқидим, сўзларини кўрдим... Уларнинг фасод-хатоларини далиллар билан исботладим. Хулоса шуки, уларда ҳам ишга ярайдиган ва фойда берадиган сўз тополмадим».

Шундан кейин Ғаззолий тасаввуф ва тариқатга юзланади. У ёзади:

«Ҳақиқат юзасидан англадимки, бу жамоат (яъни сўфийлар) аҳвол эгаларидирлар, сўз аҳли эмаслар. Бу илми таҳсил билан имкон қадар ўргандим, аммо қолган нарсаларни дарс таҳсили ва суҳбат билан эгаллаб бўлмасди, балки бу завқ ва сулукни талаб қиларди. Менга шу нарса аён бўлдики, тариқатнинг асоси тарки нафс, тарки алоиқ экан, уқбога кўнгил боғлаш, бутун ҳиммат билан Худо сари юзланиш экан. Ўз ҳолимга қарадим ва кўрдимки, тааллуқларга фарқ, дунё ташвишига кўмилган эканман».

Шундан кейин Ғаззолий қалбида ўтли ғалаёнлар бошлангани, шариат илми ва фалсафадан, дарсу таълимлардан совиганлигини ёзади. «Худо оғзимга кулф урди ва дарс айтолмадим, — дейди у, — овқат томоғимдан ўтмади, қувватим сусайиб борарди». Табиблар уни кўриб, руҳий муолажага муҳтож эканини айтадилар. Ғаззолий сафарга чиқиб, ўн йил шаҳарма-шаҳар юради. «Ва бу хил вақтларда менга шундай нарсалар намён бўлдики, — деб таъкидлайди улуғ олим, — айтиб адо қилолмайман. ...Аниқ билдимки, сўфийлар Худойи таоло йўлининг ошиқу соликлари экан ва уларнинг сийратлари сийратларнинг энг яхшиси ва уларнинг йўли энг тўғри йўл ва ахлоқлари энг покиза ахлоқдир. Шу даражадаки, агар дин асрорининг барча оқилу донишмандларини бир-бирларига қўшсалар ва хулқу атворлари, сийратларини ўзгартирсалар ва яхшиласалар ҳам бу даргоҳга йўл топмаслар. Чунки сўфийларнинг жамики ҳаракат ва сўзлари зоҳиру ботинда Пайғамбарнинг чароғдонидан нур олгандир. Барча мукошафа ва мушоҳада Пайғамбар нуридан бошланади».

Имом Ғаззолий йўли якка ҳодиса эмас, бу кўпгина донишманд ҳакимлар, дин олимлари учун муштарак йўл эди. Чунки тафаккур аҳлининг аксари охир-оқибатда тасаввуфга келиб тўхтаганлар. Боязид Бистомий, Юсуф Ҳамадоний, Нажмиддин Кубро ва Баҳоуддин Нақшбандлар бошида ҳадис илмининг уламолари эдилар, кейин қониқмай, тасаввуфга юзландилар.

Яна кичкина бир мисол. Ҳикоя қиладиларким, Абивард ва Самарқанд орасидаги Толиқон қишлоғида дунёга келган Фузайл ибн Иёз Толиқоний (IX аср) ёшлигида қароқчи бўлган, карвонларни талаб кун кўрган экан. Кейин тавба қилиб, шариат илмларини ўрганиш учун Куфа шаҳрига боради. Муҳаддис Мансур ибн Али Муътаммиддан дарс олади. Абу Жаъфар Содиқ, Суфиён Саврий, Ал-Аъмаш билан суҳбатлашади. Аммо ҳадисчиларнинг мунофиқлиги, Қуръон ва Ҳадисларни кун ўтказиш воситасига айлантириб, нафсга гирифтор бўлганларини кўрганидан кейин уларга қарши чиқади. Маккага боради ва бутунлай сўфийлик тариқатини қабул қилади» («Нафаҳот ул-унс», 216-бет). Ушбу мисоллар Ибн Жавзийнинг сўфийларни ёппасига текинхўр, риё аҳли, деб бадном этишини ҳам рад қилади. Очигини айтганда, бундай тоифа, яъни ақидаву ғояни кун ўтказиш, бойиш воситасига айлантирганлар шариат аҳли ичида ҳам, тариқат аҳли ичида ҳам бор эди. Буларга қараб, бутун бир таълимот ҳақида хулоса чиқариш нотўғри. Ахир Шарқнинг буюк шоирлари Саъдий Шерозий, Ҳофиз Шерозий, Хусрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий риёкор шайхларни нафрат билан танқид қилганлар-ку! Аммо улар, шу билан бирга, чин сўфийларни Ҳақиқат кўзгуси, деб алқаганлар, эҳтиром этганлар. Ҳазрат Навоий «Ҳайрат ул-аброр» достонининг тўртинчи мақолатида риёкор шайхларни қаттиқ ҳажв этиб, аҳли жоҳга, «гуҳфа-ю мол, мустағалу кенту суварғол» учун қилган худнамоликларини фош этар экан, охирида чин сўфийларни уларга зид қўйиб, мана бундай таърифлаган:

Ҳар сориким нозир ўлуб Ҳақ кўруб,  
Қилгувчини Фоили мутлақ кўруб.  
Туз йўл ила қотеъи водий алар.  
Ким итуруб йўлини, ҳодий алар.  
Улки қолиб зулмати ҳижрон аро,  
Ё озиқиб водийи хирмон аро,  
Хизрдек ул қавм тутуб элга йўл,  
Кўргузубон манзили мақсадга йўл.

Ибн Жавзий сўфийларнинг расм-одатлари, кийимларини бидъат, деб танбеҳ берганини кўрдик. Аввало, шуни айтиш керакки, бундай фақирона кийимлар кийиб юриш ҳазрати Пайғамбар саҳобалари орасида ҳам бор эди (чунончи, аҳли суффа шундай кишилар эдилар). Расулulloҳ с.а.в.нинг ўзлари ҳам наमतдан кийим кийишни хуш кўрганлар ва бир муддат ғорда яшаганлар. Демак, хирқа кийиш суннатга зид эмас.

Иккинчидан, тариқат аҳлининг ҳаммаси ҳам хирқапўш бўлмаган. Улар орасидаги риндлар, ошиқу девоналар, маломатий қаландарлар ҳеч бир расм-одатга риоя этмаганлар. Улар учун

шариат одатлари қанчалик ортиқча бўлиб туюлган бўлса, тариқат одоби ҳам бир тузоқ деб қаралган. Нимаики руҳга зид бўлса, шаклу сурат сифатида эътиборни жалб этиб, Ҳақиқатдан четлаштира, парда ҳисобланган ва эътироф қилинмаган.

Ва бундан-да ўтиб тараққий этган аҳлуллоҳ учун динлару мазҳабларнинг ўзи ҳам бир дунёвий восита, йўл бўлиб кўринган. Чунки барча динлар, барча шариатлар, Жалолоддин Румий айтганидай, бир мақсадга, яъни Ҳақ ҳузурига олиб боради. Шундай бўлгач, расму одатлардаги фарқларга бунчалик эътибор бериш шартми?

Дарҳақиқат:

Ҳар вали-ю ҳар набиро маслакест,  
Лек то Ҳақ мераванд жумла якаст.

(Румий)

(Ҳар бир пайғамбар ва валийнинг ўз маслаги-мазҳаби бор, лекин Ҳақ олдига борганда уларнинг ҳаммаси бир).

Бу гоё Жалолоддин Румийнинг «Фиҳи мо фиҳи» (Ичингдаги ичингдадир) номли асарида яна ҳам равшанроқ баён этилган. «Бир кун Мавлоно бир жамоат ўртасида сўз айтарди, жамоат ичида ғайри динлар ҳам бор эди, улар ҳам таъсирланиб, завқ билан ҳолатга тушиб йиғлардилар. Барча сўрадики, улар нимани англайдилар ва нимага йиғлайдилар? Мавлоно деди: бу сўзларнинг маъносини ҳамма билиши лозим эмас. Ахир ҳамма Худонинг ягоналигига иқрордир ва Худонинг Холиқу Розиқ эканини тан оладилар... шунинг учун бу сўзларни эшитгач ва ушбу сўзлар Ҳақнинг васфи ва зикридир, бас, улар ҳамманинг қалбини титратди ва завқ ҳосил қилди. Чунки бу сўзлардан Маъшукнинг ҳиди ва уларнинг матлаби намоён эди... Йўллар хилма-хил бўлса ҳам, лекин мақсад бирдир. Қарагин, Каъбага олиб борадиган йўллар кўп. Бировлар Румдан, бировлар Шому Ажамдан йўлга чиқадилар. Бас, агар йўлларга қарасанг, турфа фарқларни кўрасан. Аммо агар мақсад сари боқсанг, ҳамма иттифоқ ва ягонадирлар. Ҳамманинг ичи Каъбага қаралган. У ерга етганда, йўлдаги баҳсу мунозара ва «сен кофирсан», «сен ботилсан», деган айбашлар, ихтилоф ва тортишувлар барҳам топади:

Ихтилофи халқ аз ном ўфтод,  
Чун ба маъни рафт, ором ўфтод.

(Халқнинг ихтилофи номдандир, маънига етгандан кейин ором оладилар, тинчийдилар).

Ана шундай. Чин сўфийлар маънига етиб ором олган, ҳақиқатга ташна бўлиб, Ҳақ излаган, жавҳарлар Жавҳари, моҳиятлар Моҳиятига ошиқ зотлардирлар. Жавҳарни англаш учун эса жавҳаршунос бўлиш керак, холос.

## ХИЛВАТ ВА АНЖУМАН

(ёки икки ҳадис ораси)

Абдурахмон Жомийнинг «Нафаҳот ул-унс мин ҳазарот ул-қудс» асарида келтирилишича, ёш Муҳаммад Баҳоуддин илоҳий жазба хуруж этган, яъни кўнглида сўфиёна муҳаббат мавж урган тунларнинг бирида Бухоро мазоротларини зиёрат қилишга чиқади. Мазоротда бир неча шамлар ёниб тургани, аммо уларнинг шуъласи хиралигини кўради. Охирги қабрга етганда, юзини қиблага қаратиб ўтиради, шунда ғайб мўъжизаларидаи бири юз беради: қибла девори очилиб, кўз олдида бир улуғ тахт пайдо бўлади. Тахтда ўтирган одам юзига яшил парда тортилган, тахт атрофида эса бир неча нуроний кишилар ўтирган бўлиб, Муҳаммад Баҳоуддин улар орасидан ўзининг биринчи пири — «қабул назари» билан Баҳоуддинни сийлаган ва унинг валийлик рутбасини болалигиданоқ таниб, башорат этган Бобойи Самосийни кўриб, танийди. Тахт атрофида ўтирганларнинг қолгани ҳам Хожагон шайхлари эдилар, яъни Хожа Аҳмад, Хожаи Авлиёи Калон, Хожа Ориф Ревгарий, Хожа Маҳмуд Фағнавий, Хожа Али Рометаний. Тахтда ўтирган зот эса Хожа Абдулхолиқ Фиждувоний эди. Машойихлар ўзларини танитгандан кейин Баҳоуддинга мурожаат қилиб, Хожаи бузург — Абдулхолиқ Фиждувоний насиҳат тариқасида сўз айтажанини билдирадилар. Шунда Баҳоуддин хожаларга мурожаат қилиб, тахтда ўтирган зотга салом бериш ва ул зотнинг жамолини кўриш истаги борлигини билдириб, ижозат сўрайди. Шайхлар бу талабни қондирадилар — яшил парда Абдулхолиқ Фиждувоний юзидан кўтарилади. Баҳоуддин Улуғ хожага салом беради ва унинг нур ёғилиб турган юзини кўради. Абдулхолиқ Фиждувоний ёш Баҳоуддинга қараб дейди:

«Сенга кўрсатилган чироқлар ушбу йўлнинг истеъдод ва қобилиятига ишорат ва башоратдир. Истеъдод пилигини ҳаракатга келтир, токи нури равшанроқ бўлиб, асрор кўзга кўринсин». Абдулхолиқ Фиждувоний яна давом эттиради: «Ҳар қандай шароити аҳволда қадамни амру наҳий жодасида (мартабасида) тутгин, яъни қадамни шариатдан ташқари қўйма ва суннату азимат талаблари асосида амал қилгин ва бидъатлардан узоқлашгин ва доимо Муҳам-

мад мустафо саллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳадисини ўзингга раҳбар этгин ва ҳам Расул ва анинг саҳобаи киромлари ахбору осорининг таҳқиқ этувчиси, изловчиси ва сақловчиси бўлгин».

Ушбу ривоят ва у билан боғлиқ ҳолда келтирилган сўзлар нималарга ишора этади? Биринчидан, шунга ишора этадики, ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд ўз сулуқларини Хожাগон сулуқининг бевосита давоми деб билганлар. Иккинчидан, бу сулуқнинг энг катта вакили ва пешвоси — «Хожаи бузург» Хожа Абдулҳолиқ Фиждувоний ҳисобланиб. Баҳоуддин ўзини Хожа Абдулҳолиқ Фиждувоний руҳониятидан тарбият топганини таъкидлаганлар, хожанинг ғоялари, амалий ўғитларини ўзларига дастур қилиб олганлар. Учинчидан, тасаввуфда истеъдод ва қобилият қайд этилади, яъни устозлар сулуқига тааллуқли бўлишнинг ўзи кифоя эмас, балки амалий ишлар ва назарий қарашлар, гафаккур ва заковат билан сулуқ тариқатини жонлантириш, ирфоний ҳаёт мўъжизаларини намоён этиб, илоҳий маърифат булоқларининг кўзини очиш, сўниб бораётган шамларнинг пилигини фавқуллода заковат ва илму каромат билан тозалаб, илоҳий ҳақиқатлар нурини кишилар қалбида порлатиш зарур. Шамларнинг хира тортганини айтиб Баҳоуддин, афтидан, Абдулҳолиқ Фиждувонийдан кейин Хожাগон сулуқи ишлари бир қадар сусайиб қолганига ишора этганлар. Дарҳақиқат, тасаввуф таълимоти, сўфийлик ҳаракати Хожа Баҳоуддин Нақшбанд фаолиятидан кейин Бухорои шарифдагина эмас, балки бутун Мовароуннаҳрда, чинакамига жонланди, кенг халқ оммаси орасига ёйилди. Сўфиёна истеъдод деганда, Баҳоуддин Нақшбанд киши қалбига Аллоҳ таоло тарафидан юбориладиган жазба, яъни илоҳий ишқни назарда тутганлар. Чунончи, ул жанобдан бул мартабага қандай қилиб эришдингиз, деб сўраганлариди, «Жазабатун мин ал-жазабот ал-Ҳаққи ювазий амалас сақлайни» (Пари ва одамларнинг амали учун Ҳақнинг тортишларидан бир тортиш кифоя қилади), дея жавоб берганлар. Ҳазрат Нақшбанд ана шу қудратли истеъдоди ва ақлу заковати ҳам каромату валийлик нури билан Хожাগон тариқатини тараққий эттириб, унга тоза руҳ бағишладилар, тасаввуфда янги давр очдилар.

Абдулҳолиқ Фиждувонийнинг ўғитларидан келиб чиқадиган тўртинчи ва асосий хулоса — бу нақшбандия тариқатининг пайғамбар суннати, шариат ақоиди билан мустаҳкам боғлиқдир. Нима учун ҳазрат Нақшбанд буни махсус таъкидлаганлар? Тасаввуфни суннат асосида қайта тартибга келтиришга зарурат бормиди ёки, аниқроқ қилиб айтганда, тасаввуф суннат ва шариатдан чекинганмиди, унда бидъатларга йўл қўйилганмиди?

Хожа Баҳоуддин Нақшбанд бу ҳақда ҳеч нарса демаганлар, ул зотнинг маноқиблари ва шогирдлари рисолаларида ҳам бу ҳақда

гап йўқ. Умуман, тасаввуфда бир-бирини очик танқид қилиш, сулук ва силсилаларни ўзаро қарама-қарши қўйиш кўзга чалинмайди. Ҳатто, бирор масалада баҳс-мунозаралар бўлганда ҳам одоб доирасидан чиқилмаган, соф илмий-назарий муҳокамалар билан чекланилган. Лекин ҳар бир сулук ёки тариқат вакили ўз йўлининг муҳимлиги, зарурлигини исботлашга ҳаракат қилиб, қоидалар ва талабларини баён этади. Ҳазрат Нашқбанд ҳам ўз сулукининг асосий қоидаларини баён этар эканлар, биринчи галда Куръон ва Ҳадис йўлига содиқ қолишни қатъий кўрсатиб ўтадилар.

Аслини олганда, ҳақиқатан ҳам тасаввуфда турли сулук ва йўллар шаклланиб, ислом шариатига унчалик мувофиқ келмайдиган жиҳатлар пайдо бўлган эди. Ислом таркидунёчиликини рад этади, тасаввуфнинг асосий рукнларидан бири эса таркидунёчилик, яъни зуҳд ва вараъдир. Ислом ўз-ўзини қийнаш, ортиқча риёзату ажзни маъқул ҳисобламайди, тасаввуф бўлса риёзатни инсонни поклаш, камолга элтишнинг бош йўли, деб ҳисоблайди. Шунингдек, тасаввуф аҳли орасида фалсафа ва ҳикмат таъсирида инсонни Илоҳ даражасига кўтариш, инсон билан Худони баробар қўйиш ҳоллари бўлган. Тавҳид ва ваҳдатни англашда айрим шайхлар ислом тушунчаларидан хийла узоқлашиб, фалсафий мушоҳадакорликни авж олдирган эдилар. Бундан ташқари, валийликни набийлик билан тенг деб билиш, пайғамбарлик даъво қилиш, ҳол беҳудлигида ғайришаръий сўзларни айтиш билан одамлар дилига шубҳа ва ғулғула солиш ҳоллари содир бўлди. Айниқса, само мажлислари, рақсу қўшиқ аралаш амалга ошириладиган жаҳрий зикр туширишлар, хонақоҳларни бошга кўтариб ғавво қилишлар ислом аҳкомининг талабларидан ташқари эди. Буларнинг ҳаммаси маълум даражада тасаввуфни шариат билан ихтилофга олиб келди. (Буни олдинги бобда батафсил кўриб ўтдик.) Иккинчи тарафдан, сўфийлар ўзларини Аллоҳнинг хос бандалари ҳисоблаб, халқдан ажратар ва ҳокимлар, шоҳу амирларга ҳам қарши қўйиб келардилар. Яъни шоҳ ва дарвеш — икки қарама-қарши кутб, бир-бирига яқинлашмайдиган икки хил ахлоқий-ижтимоий моҳият, деб қаралган. Дарвешлар — Худони севган, Худо йўлига бахшида инсонлар бўлса, шоҳ ва мансабдорлар, бойлар — фоний дунё ошиғи, дунё лойига ботган инсонлардир. Дарвешнинг нияти халқдан асралиб, Холиққа етиш, чунки халқ билан банд бўлган одам Холиқни унутади, халқдан ажралмагунча Холиқ дийдорига етиш мумкин эмас. Шу боис тирик бўла туриб фоний дунёни тарк этмоқ, хилват ва гўшанишинликни ихтиёр этмоқ керак. Кўриниб турибдики, тасаввуфнинг моҳиятини ташкил этадиган бу талаб ҳам пайғамбар суннатида мувофиқ эмас.

Пайғамбар суннати — бу пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламнинг йўл-йўриқлари, айтган сўзлари, хулқ-

атворлари, қилган ишлари демакдир. Суннат аҳли Расули акрамнинг барча ишлари, сўз ва кўрсатмалари, шунингдек хулафай рошидин ҳамда саҳобай киномларнинг ибратли ишлари ва нажиб хулқига қатъий амал қиладилар. Пайғамбарнинг ишлари ҳамма учун ҳаёт дастури, сўзи ва ғоялари эса Ҳаққа ошно этувчи бирдан-бир тўғри йўлланмадир, дейди суннат аҳли. Шуни айтиш керакки, тасаввуф аҳли ўз ғояларининг аксарини Қуръони карим ва ҳадиси шарифлардан келтириб чиқарадилар. Дарҳақиқат, Каломуллоҳда мол-дунёга меҳр қўйишнинг, шайтоний нафс ва ҳирсу ҳавасга берилишнинг ёмонлиги ҳақида оятлар кўп. Бир неча жойларда Тангри таоло ўз бандаларини фоний дунёга алданишдан огоҳлантиради, чунки дунёни севган одам Тангрини унута бошлайди. Шунингдек, нафснинг шумлиги ҳақида айтилган ҳадислар ҳам анча. Биргина Жомий ва Навоий таржима қилган «Қирқ ҳадис»да дунёпарастлик ва нафсга берилишнинг ҳалокатли оқибатларини баён этувчи бешта ҳадис бор. Шу билан бирга, Қуръони каримда насронийларнинг зоҳидона ҳаёти, таркидунё қилиб, калисо (монастир)ларда умр ўтказиши танқид қилинади, исломда роҳиблик йўқ деб кўрсатма берилади: «Ло раҳбонията фил ислом» — «Исломда роҳиблик йўқ». Бу ҳадис ислом аҳли орасида машҳур. Мусулмон кишиси Аллоҳ томонидан инъом этилган неъматлардан баҳраманд бўлмоғи керак. «Ораларингизда афзалроғингиз менман, лекин мен масжидга ҳам бораман, тотли овқатларни ҳам ейман, хотинлар билан ҳам бирга бўламан», — дея танбеҳ берган эканлар ҳазрати Пайғамбар зоҳидтабиат саҳобаларига. Ана шу ҳадислар қаторида ҳазрати Пайғамбарга нисбат бериладиган «Ал-Фақру фаҳрий», яъни «фақирлик — менинг фаҳрим», деган ҳадис ҳам мавжуд. Ривоятга кўра, бу ҳадисни Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам меърожга кўтарилиб, қайтганларидан кейин айтган эканлар. Чунки меърож тунида Расули акрам Аллоҳ таоло ҳузурига мушарраф бўлганида, Аллоҳ ўз Ҳабибига мурожаат қилиб, бошингизни кўтариб юқорига қаранг (Расулulloҳ меърож туни ҳеч ёққа қарамай, фақат Аллоҳ дийдорини мунтазир бўлиб кутганлар), деган. Расулulloҳ бошларини кўтариб, юқорига қараганларида, кўзни қамаштирадиган ажойиб нур дастасини кўрадилар. Расулulloҳ с.а.в. Раббул-оламиндан: «Бу нима?» — деб сўраганларида: «Бу — Фақрининг ҳайкали», — деган нидо келади. Шундан кейин Пайғамбаримиз дарвешлар — камбағаллар, фақирлар фуқароларни эъзозлаш, уларни сийлаш ва қадрлашни амр этадилар. Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу нақл қиладиларки, ҳазрат Али ибн Абутолиб каррамаллоҳу ваҳҳаҳу дедилар: агар меърож кечаси Расулulloҳ с.а.в. самода Фақрининг ҳайкалинини кўрган бўлсалар, мен заминда Фақрининг тирик ҳайкалинини кўрдим, бу Расулulloҳ с.а.в.нинг ўзларидир.



«Ал-Фақру фахрий» ҳадиси тасаввуф аҳлининг байроғига айланган эди, чунки «фақр» тушунчаси тасаввуфда махсус мавқега эга. У мақомотнинг алоҳида босқичини англатишдан ташқари, умуман дарвешликнинг моҳиятини ҳам белгилаб келади. Тасаввуф луғатларида қайд этилишича, фақр «улуғ бир моҳият, инсоннинг илоҳий аслидир», фақирлик — дунёнинг моли ва аҳволидан ҳеч нарсага эга бўлмаслик. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд айтганларидай:

Ҳечи мо нею ҳеч кам не,  
Аз ҳеч-ҳеч ҳеч ғам не,  
Жанда дар пушту пушт ғуристон,  
Рӯзе ки мирем, ҳеч мотам не.

(Ҳеч нарсамиз йўқ, шунинг учун ҳеч камимиз йўқ. Ҳеч-ҳеч, яъни у-бу нарса дейишдан ҳеч бир ғамимиз йўқ. Эғнимизда жандаю орқада қабристон, ўлган кунимиз мотам ҳам йўқ).

Қуйидаги байт ҳам тасаввуф аҳли орасида машҳур:

Дар кулоҳи фақр бошад чор тарк:  
Тарки дунё, тарки уқбо, тарки тарк.

(Фақр кулоҳининг тўрт тарки — чизиғи бор: бири дунёни, иккинчиси охиратни, учинчиси кулоҳни, тўртинчиси бошнинг ўзини тарк этишга ишора қилади).

Демак, фақр дунёни тарк этишни талаб қилади, дунёгина эмас, охиратни ҳам тарк этиш керак. Бунинг маъноси шуки, Улуғ Тангри дийдорининг ошиғи учун дунё ҳам, охират тушунчасига кирадиган жаннат, дўзах ва қиёмат ҳам арзимасдир. У барча тамаларни тарк этиб, фақат Аллоҳ дейди. Хўш, шундай бўлгандан кейин «Исломда роҳиблик йўқ», дейиш билан «Фақирлик— менинг фаҳрим» ҳадислари бир-бирига мазмунан зид эмасми? Зоҳид бўлмасдан фақр-дарвеш бўлиш мумкинми, бошқача айтганда, дунёни тарк этмасдан, тарки дунё қилиш мумкинми?

Бу саволларга жавоб қайтаришдан аввал фақр ҳақидаги фикрни яна чуқурлаштиришга ҳаракат қилиб кўрайлик. «Фақр»нинг луғавий маъноси қашшоқлик, қашшоқ одам эса талабгор бўлади. Аммо Илоҳ йўлидаги фақирлик — бу ихтиёрий қашшоқлик, ботиний оламнинг барча ҳаваслардан холи-халос бўлиб, илоҳий файзни қабул қилишга ҳозирланишдир. Чунки инсон ҳамма вақт муҳтож, ниёзманддир. Фақрнинг ҳақиқати ҳам ана шу ниёзмандликдан иборат. Мутлақ мустақиллик, мутлақ бойлик, мутлақ эҳтиёсизлик фақат Аллоҳга хос. Истиғно — буюклигу озодлик Аллоҳнинг сифати. Инсонки камолотга интилар экан, у ўз Раббига муҳтождир. Шунинг учун инсон ҳамиша Раббига қараб интилади, зеро бандалик — ҳожатмандликдир. Шундай қилиб, фақирлик бандаликнинг

сифати, моҳиятидир. Шуниси ҳам борки, фақирликни мол-мулкнинг бўлмаслиги, деб тушуниш бир томонлама талқиндир. Фақирлик кўпроқ дунёга, мол-мулкка эгалик ҳиссининг йўқлигидир, яъни агар мол-мулк бўлса ҳам мен бунга эга эмасман, бу Тангрининг мулки, деб билиш ва ҳамиша кўнгилда шу фикр билан юриш. Шу ақидага риоя қилиб, ҳазрат Баҳоуддин қул ва чўри сақлашни буткул рад этганлар: «бандалик хожалик билан келишолмайди», деганлар. Ҳақиқатан ҳам, одам одамни қул қилишга ҳақли эмас.

Шундай қилиб, фақир ҳожатманд ва талабгор бўлгани, бандаликни олий фазилат билгани учун у ўзини камтарларнинг ками, ҳақиру ночор ҳисоблаб, ҳар доим Тангри иноятидан умидвордир. Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг халифаи кибори Муҳаммад Алоуддин Аттор сўзларидан: «Сўфий истиғно — буюкликдан, мустақиллик ҳиссидан ўзини сақласин ва Ҳақ субҳонаҳунинг оз неъматини кўп ҳисобласин ва ҳақиқий Буюкликдан кўркувда турсин». Хулоса қиладиган бўлсак, фақирлик — хокисорликдан буюклик мартабасига кўтарилиш, ўзликни, «мен»ни бартараф этиб, пок бир руҳоний нур билан нурланиб, Мулақият оламига қўшилиш. Шу маънода фақр мартабаси фано мақоми билан барабар. Эътибор қилган бўлсангиз, Алишер Навоийнинг «Лисон ут-тайр» асарига охири водийнинг номи ҳам «Фақру фано водийси» деб номланган. Қушлар, яъни солиқлар пир — Ҳудҳуд раҳбарлигида барча тариқат манзиллари, руҳий тараққиёт босқичларини босиб ўтиб, ниҳоят «фақру фано водийси»да Симурғ — Тангри ҳузурига етишадилар ва ўзларида Симурғ аксини кўра бошлайдилар.

Демак, ҳамма гап ички, ботиний оламни поклашдадир. Агар «жисм фано шуъласига яширинган» (Навоий) бўлса, агар қалбда Илоҳ муҳаббати ва жазбаси тўлиб-тошиб турса, киши хуш хулқи, нажиб сифатлари билан фазлу камолот ва кашфу каромат кони бўлса, унинг кийган кийими қанақалиги, мол-мулки бор-йўқлигига қарамай, у Аллоҳ наздида фақирдир ва шу боис буюқдир, севимлидир. Бундай кишиларнинг энг муносиби ва энг улуғи, албатта, хожаи коинот Муҳаммад пайғамбардирлар. Ул зоти муборақ илоҳийлик билан дунёвийлик, руҳонийлик билан жисмонийликни бирлаштирган. Ҳам набию ҳам валий, ҳам комилу ҳам фақир киши бўлганлар. Шундай буюқ инсон оддий одамлар билан бирга юрдилар, хилват ихтиёр этган пайтлари бўлди, лекин мутлақ хилватга чекинмадилар, жамоат орасида юриб, ботинан Тангри фариштаси Жаброил алайҳиссалом билан сўзлашдилар, тарки дунё қилмадилар, лекин дунёга меҳр ҳам боғламадилар, тоат-ибодатни қанда қилмасдан мусулмонларнинг ҳаётий масалаларига жавоб топиб, уларнинг ишлари, амалларига йўл кўрса-тишга интидилар.

Шундай экан. «Исломда роҳиблик — тарки дунё қилиш йўқ» ва «Фақирлик — менинг фаҳрим» ҳадислари мазмунан ўзаро номувофиқ эмас, аксинча, мураккаб хилқатдан тузилган инсон зоти учун бу икки жиҳатни бирлаштирмақ вожиб ва зарур, негаки мутлақ таркидунё каби мутлақ дунёпарастлик инсон табиатига хуш келмайди. Мутлақ тарки дунё ҳаётга зид — у инсонни амалдан, касбу кордан маҳрум этади. Шу каби дунёпарастлик ҳам кишини илоҳийликдан, маънавиятдан четлаштиради, мол-дунё қулига айлантиради. Оралиқ йўл эса ҳар жиҳатдан мақбул ва тўғридир, зеро пок эътиқод ҳирс ва нафсни қаноат қамчиси билан савалаб, инсоннинг инсонлигини ҳимоя қилади ва ҳар қандай шароитда инсонни Тангри билан боғлаб туради. Ҳазрат Нақшбанд буюрадилар: «Ўз нафсларингизни ёмонлаб, таҳқир этиб туринг, чунки кимки Ҳақ субҳонаҳу инояти бирла ўз нафсини ёмон деб таниган бўлса, бу амал унинг учун осондир», яъни фақирлик мартабасини эгаллашнинг биринчи шартини нафсни бадном этиш ва ҳар лаҳзада «табиий вужудни кафолатлаб туриш», Ҳақнинг исботига интилиб, имонни мустақкамлаб бориш. Чунки Ҳақ таолонинг номи хотирадан кўтарилган заҳоти унинг ўрнини шайтони лаин ва шайтоний нафс кутқуси эгаллайди.

Ўрни келганда, хилват «ёки узлат»нинг фойда-зарари ҳақида ислом уламолари ва атоқли шайхлар билдирган фикрларни келтириб ўтмоқчимиз. Дин, тасаввуф, фалсафа илмларини инсон руҳияти, эҳтиёжлари нуқтаи назаридан ўрганган Имом Фаззолий «Кимёи саодат» асарида алоҳида «Узлат» деган боб ажратиб, бу ҳодисанинг олти хил фойдаси ва олти хил зарарини кўрсатиб ўтади. Аввало шуки, Фаззолий фикрича, узлат мутафаккир инсонлар учун зарурий эҳтиёждир, инсон бот-бот ёлғиз бўлишни, ўз-ўзи билан якка қолиб, фикр дарёсига чўмишни, дунё ташвишларидан вақтинча фориғ бўлгани ҳолда, тафаккурий идрокка берилишни хоҳлайди. Илоҳ ишқида ёнган кишилар учун бу интилиш яна ҳам кучлироқ. Уларнинг руҳи муттасил ёлғизликни қўмсайди, чунки агрофдаги воқеалар уларнинг бир нуқтага йўналтирилган фикрини чалғитади.

Имом Фаззолий фикри бўйича, узлатнинг фойдалари қуйидагилардан иборат: биринчидан, узлат «фикр ва зикр фароғатини» юзага келтиради, зеро энг улуғ ибодат «фикр ва зикр ибодатидир». Бунда киши наинки дунёдан, балки ўзидан ҳам беҳабар бўлиб, Ҳақ таоло ёдига берилади. Чунки Ҳақ таолодан бошқа ҳар қандай нарса Ҳақ таолодан бошқа билан машғулликка сабабдир». Ҳатто Расули акрам Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам бошида «Ҳиро тоғидаги ғорга бориб халқдан алоқани узди», дейди Фаззолий.

Иккинчи фойда шуки, киши узлат туфайли «кўп изтироблардан қутулади». Чунончи, ғийбат қилиш ва ғийбат эшитишдан, риё ва

нифоқдан, амри маъруф ва наҳй мункардан халос бўлади. Жамиятга аралашган одам, деб таъкидлайди Ғаззолий, риёкорлик ва мунофиқликка аралашмасдан иложи йўқ. «Чунки агар халқ билан муроса қилинмаса, халқ ранжийди ва агар муроса қилсангиз, риёга йўл очасиз, ҳолбуки, муросаву мадородан риёни ажратиш қийин». Масалан, икки душманга сўз бериб, иккаласи билан ҳам келишиб кетаман, деган одам иккиюзламачилик қилади, агар шундай қилмаса, уларнинг душманлигидан қутулмайди. Ниҳоят, нодонлар, ғофиллар, дунёпарастларни кўриб юриш ҳам оғир азобдир. (Аҳмад Яссавийни эсланг: «Нодонлардан қочиб ер остига кирдим мано»). Доно учун нодон, мард учун номард, маъни аҳли учун суратпараст, сўфий учун аҳли дунё номаҳрам, улар бир-биридан қочади. Буюк шоир Абдурахмон Жомий «Субҳат ул-аброр» асарида ёзади:

Бар касу нокас бар ҳарими хумул,  
Куфл кун авбоби хуружу духул.  
Дайрнишин бош чу Исодамон,  
Хона бипардоз зи номаҳрамон.

(Бенишонлик хилватхонасида касу нокасга кириб чиқиш эшикларини беркит. Исо нафаслилар каби дайрда ўтир, уйни номаҳрамлардан тозала).

Учинчи фойда шуки, — деб давом этади Ғаззолий, — узлат қилган одам «фитнадан қутулади», зеро «ҳеч бир шаҳар фитна ва хусумат, таассуб ва ҳасаддан холи эмас».

Тўртинчи фойда шуки, узлат қилган киши одамларнинг ёмонлигидан халос бўлади, чунки киши то халқ орасида экан, «гумон ва тўхмат ранжидан озод эмас».

Бешинчи фойда шуки, «одамлар тамаи ундан узилади ва у ҳам одамлардан тама қилолмайдиган бўлиб қолади». Чунки киши дунё аҳлини кўрса, тама ҳирси ошаверади.

Олтинчи фойда шуки, «ландавурлар, нохуш табиатли кишилардан қутулади».

Аммо узлатнинг офатлари ҳам бор, чунончи, халқ билан муомала қилинмаса, дунё ва дин ишлари амалга ошмайди. Узлат эса муомала ва алоқани йўқ қилади.

Биринчи зарар шундаки, узлат кишини илм олишдан четлаштиради. «Ҳар кимки фарз бўлган илмларни ўрганиб олмаган бўлса, унга узлат ҳаромдир», — дейди Ғаззолий. Илм ҳосил қилмай узлатга чекинган киши вақтини уйқу ва бекорликда ўтказади, «туни билан ибодатга ўтирса ҳам қалби ғурур ва макрдан холи бўлмайди», хато устига хато қилаверади. (Ғап келганда, қистириб ўтамизки, Ғаззолийни танқид қилган Ибн Жавзийнинг ноҳақлигини шу мисолнинг ўзи ҳам кўрсатиб турибди).

Иккинчи зарар шуки, узлатга чекинган киши «манфаат етказиш ва манфаат олишдан маҳрум бўлади». Оиласи, фарзандлари боқувсиз қолади. Шунинг учун «кимнингким, аёлу оиласи бўлатуриб уларни таъминлаёлмай узлат этса — гуноҳдир». Ғаззолий яна давом этиб ёзади: «Ҳалол касб билан шуғулланиб, муҳтожларга садақа бериш узлатдан кўра афзалроқдир ва агар кишининг ботинида Ҳақ таоло маърифатига йўл очилган бўлса, муножот билан унга берилса, бу барча тоатлардан яхшироқдир».

Учинчи зарар шуки, киши узлатда мужоҳада ва даъватдан орқада қолади.

Тўртинчи зарари шуки, узлатда «васвос ғалаба қилиб, кўнгил зикрдан нафратланиши мумкин».

Бешинчи зарари шуки, узлатда киши иёдат (касал кўриш), жаноза ва бошқа савоб ишлардан маҳрум бўлади.

Олтинчи зарари шуки, «узлат ҳам такаббурнинг бир нави бўлиб, одамлардан эътибор, тавозу талаб қилишдир».

Маълум бўладики, Имом Ғаззолий Баҳоуддин Нақшбанддан салкам уч аср олдин хилват ва анжуман масалаларини муҳокама қилиб кўрган ва унинг фойдаси қаерда, зарурати ва зарари нимадан иборат эканлигини таҳлил этган экан. Ғаззолий бу икки қарама-қарши руҳий эҳтиёжни бирлаштирадиган одамни орзу қилади, руҳан Ҳақ билан ва жисман халқ билан бўлган кишини буюқларнинг буюғи ҳисоблайди. Олим назарида, ҳазрат Муҳаммад с.а.в.да «нубувват қуввати шу даражага етдики, тан билан халқ орасида эдилар, аммо руҳан Ҳақ билан бирга эдилар».

896 йилда вафот этган Саҳл Тустарий ҳам «хилват дар анжуман» тамойилининг бошловчиларидан бўлган. Унинг сўзларидан: «Ўттиз йилларким, Ҳақ билан сўзлашаман, одамлар мени халқ билан сўзлашади деб ўйлайдилар... шундай бўлсинки, киши кўнгли Маҳбуб билан машғулликдан одамлар орасида бўлиб, аммо одамларни кўрмасин...».

Машҳур шайх Абу Саид Абул Хайр (967—1049) ҳам сўфийларнинг хилватнишинлигини ёқтирмаган. «Нафаҳот ул-унс»да келтирилишича, Абу Саид Абул Хайр шогирдларига қараб: «Мард улдурким, халқ орасида ўтирса ва муомала қилса ва уйланса ва халқ билан қўшилса ва бир лаҳза ҳам ўз Худосидан ғофил бўлмаса... банда ва Худо орасидаги парда еру кўк эмас, аршу курси ҳам эмас, балки сенинг манманлигинг ва хаёлларингдир, уларни ордан кўтар», деган.

Кўринадики, тариқат пайдо бўлиб, зоҳидлик ва узлатга чекиншиш расм бўлгандан бошлаб, хилват ва анжуман ёхуд халқ билан ва Ҳақ билан деган тушунчалар мунозарага сабаб бўлиб келган. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд икки томонни бирлаштириб, ҳам

хилват сари руҳий эҳтиёжни қондириш ва ҳам жамоат ичида яшаб. элга фойда келтириш йўлидан борганлар.

Баҳоуддин Нақшбанд устозларидан мерос сифатида қабул қилган ва бемисл валийлик истеъдоди билан ривожлантириб, тариқат қондаларига айлантирган усул ва рукнлар худди ана шу оралик йўлни ифодалаб, пайғамбар суннатига мувофиқ келар, суннатга хилоф бўлган расм-русум, одатлар («бидъатлар»)дан тасаввуфни тозалашга хизмат этарди. Чунончи, «Хилват дар анжуман» (жамоа ичра хилват) рукнини олиб кўрайлик. Ҳазрати Хожа буни яна аниқлаштириб, «Дар зоҳир бо халқу дар ботин бо Ҳақ» (Зоҳирда халқ билан, ботинда эса Ҳақ билан) деб таърифлаганлар. Кўриниб турибдики, илгари тасаввуф аҳли орасида ҳамма вақт бир-бирига зид тушунчалар сифатида қўлланиб келинган халқ ва Ҳақ, халқ ва Холиқ, хилват ва анжуман, зоҳир ва ботин бир-бири билан келиштирилган. Номувофиқлар мувофиқлиги — парадокслар қатори келиб чиққан. Аммо бу ҳаёт қонунияти, диалектиказининг айни ўзидир. Яъни Худо васлига етишиш учун жаҳд этган солиқ халқдан ажралиб, мазоротлар, ғорларда, рабату хонақоҳларда чилланишин бўлиши, оила-фарзанд, дўсту ёрлардан воз кечиб, буткул таркидунё қилиши шарт эмас. Одамлар билан бирга бўлиб ҳам ботинан Ҳақ ёди билан яшаб, қалбни поклаш мумкин. Баҳоуддин ҳазратларининг ўзлари, шунингдек, ул жанобнинг пирлари Бобойи Самосий, Саййид Амир Кулол, Кусам шайх, тариқат биродарлари, шогирд ва халифалари мунтазам равишда фойдали меҳнат билан шуғулланганлар: деҳқончилик ва боғдорчилик қилганлар, ҳар бирининг бир ҳунари бўлган, ҳазрат Нақшбанд маноқибиди дарвешлар ҳашар йўли билан кўрғон ва работлар қурганликлари ҳикоя қилинади. Нақшбандия ҳақида ёзилган мақолаларда бу жиҳат бот-бот ёритилгани учун батафсил тўхташни лозим топмадик. Бироқ шуни айтиш керакки, баъзи талқиқотларда нақшбандиянинг «ижтимоийлигини» таъкидлаш, Али Сафийнинг «Рашаҳот» асарида келтирилган ва ҳазрат Баҳоуддинга нисбат бериладиган «Даст ба қору дил ба Ёр» (Кўл ишда, кўнгил ёрда бўлсин) шиорини талқин этиш давомида, ушбу таълимотнинг шаҳар ҳунармандлари руҳига мослиги таъкидланади. Бу нотўғри фикр эмас — Туронзаминнинг қадимги маданий шаҳарлари аҳолиси сунний мазҳабининг мустаҳкам ва мустақил давомчилари бўлгани учун нақшбандия шу ерда илдиз отиб, ривожланган. Аммо ҳазрат Баҳоуддиннинг хизматлари яна шуки, ул зот шаҳар аҳолиси билан саҳро аҳли, тўғрироғи, қадимий ўтроқ маданиятли халқлар билан кўчманчи чорвадор халқларни ҳам ўзаро бирлаштирди. Бугина эмас, нақшбандия ўзбек ва тожикларнинг маънавий-руҳий яқинлигини кучайтиришга ҳам хизмат қилган. Афтидан, бу яқинлашиш Амир Темур салтанати даврида, яъни XIV—XV асрларда

тарихан шаклланиб, ягона руҳ, ягона миллий маданият ва маънавият хусусиятини олган. Буни сезган Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳар икки халқни мазҳаб-маънавият жиҳатидан бирлаштириш учун курашади. Натижада гурку тожик шайхларининг ўзаро муносабатлари тобора кучайиб борган. Муҳаммад Боқирнинг «Маноқиб ҳазрат Нақшбанд» номли рисоласида келтирилишича, Хожа Баҳоуддин Қаршига бориб, Қусам шайх билан учрашиб, унинг ишончини қозонгач ва тарбиясини олгач, устози унга қараб: «Энди сен турку тожикка раҳнамо бўласан», — дейди. Бундан олдин Саййид Амир Кулол Хожа Баҳоуддинга зикр талқини ва суҳбат таълимини бериб бўлгач: «Турку тожик машойихларидан кимни хоҳласанг, ҳузурига бориб, баҳраманд бўлишинг мумкин», — деб айтганди. Рус олими В.Л. Гордлевский ҳам аср бошларида Хожа Баҳоуддин Нақшбандга бағишлаб ёзган мақоласида шуни таъкидлаган эди. Унинг фикрича, ҳазрат Баҳоуддин туркларнинг қадимий шомоний тасаввурларидан ҳам яхши фойдаланган. Баҳоуддиннинг Халил ота билан дўстлиги бунга яна бир мисолдир. Ҳазрат Баҳоуддин ҳикоя қиладиларким, валийлик нишонлари менда пайдо бўлган дастлабки кезларда туркнинг улуғ машойихларидан Ҳаким ота раҳматуллоҳни (Сулаймон Боқирғонийни) тушимда кўрдим, ул киши мени бир дарвешга топширдилар. Ул дарвешнинг сурати хотирамда қолди, уйғониб тушимни бувимга айтдим. Бувим дедилар: «Эй фарзанд, турк машойихидан сенга насибалар етгай». Хожа Баҳоуддин тушида кўрган дарвешни ўнгида кўриш иштиёқида юради ва бир куни уни Бухоро бозорида учратиб қолади. Улар бир-бири билан топишиб, дўстлашиб кетадилар. Бу дарвеш Халил ота эди.

Мазкур воқеа яна икки нарсага далолат этади. Бири — Баҳоуддиннинг ҳазрати Хожа Аҳмад Яссавий тариқатига таважжуҳи бўлса (чунки Халил ота Аҳмад Яссавий авлодларидандир), иккинчиси — Баҳоуддиннинг тасаввуфни давлат мафқурасига айлантириш, аниқроғи, шоҳу дарвеш орасидаги муҳолифатни олиб ташлаб, уларни бирлаштириш учун ҳаракат қилганидир. Хожа Баҳоуддин Халил ота билан юриб, унинг кароматларининг шоҳиди бўлади, жумладан, биринчи учрашувдаёқ Хожа Баҳоуддин кўрган тушини айтмоқчи бўлганда, Халил: «Сенинг хотирингда нима кечган бўлса, бизнинг олдимизда аёндир», — деб айтади. Халил ота олти йил Мовароуннаҳр подшоҳи бўлади ва ҳазрат Баҳоуддин унинг хизматини қилиб юради. Аммо Халил ота шоҳлик мансабида ҳам дарвешлигича қолган. Баҳоуддин ҳазратлари ҳикоя қиладиларким, мулозамат ва қабул пайтларида ундан «улуғ ишлар содир бўлур», қизиқки, Халил ота подшоҳ бўлатуриб, саройда Хожа Баҳоуддинга гоҳ лутф кўрсатиб, гоҳ танбеҳ билан тариқат одобини ўргатган. «Менга кўп фойдаси тегди ва бу йўлда сайру сулук мақомида катта

ёрдам берди», — деб эътироф этади ҳазрати Баҳоуддин. Агар саройда унинг салтанати одобини риоя этсам, хилватда эса «унинг суҳбатининг хос маҳрами эдим», дейди Баҳоуддин Нақшбанд.

Тасаввуф тарихида нодир ҳодиса: дарвешнинг тахтда ўтириши, мамлакатни идора қилиши ва ҳам мурид тайёрлаши Халил ота мисолида шоҳу дарвешни бирлаштириш мумкинлигини исботлаган бўлса, хожа Баҳоуддиннинг унга хизмат қилиши тасаввуф ҳукмрон бўлган салтанатни вужудга келтириш мумкинлигини кўрсатган. Бу подшоҳликнинг қандай сиёсат юритгани ҳақида маълумотлар жуда оз, аммо шу нарса аниқки, Халил ота ушбу шоҳликни худди дунё каби «мажозий», фоний деб билган, барчага Ҳақ ризоси асосида муомала қилган. «Мажозий мамлакат» шоҳлиги завол топиб, Халил ота вафот қилганидан кейин, Баҳоуддиннинг кўнгли ҳам «дунё ишларидан батамом совийди» («Нафаҳот ул-унс», 365—366-бетлар). Шуларнинг таъсирида бўлса керак, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд назарида шоҳу гадо баробар эди, ҳузурига шоҳлар бош эгиб келганда, уларга айрича илтифот кўрсатмади, шоҳлар дуосига кўтарилган қўли гадоларга ҳам «тожбахш» бўлди.

Нақшбандия мана шундай улуғ бирлаштирувчилик, қавмлар, табақалар ва тоифаларни ягона сунний йўлидаги сўфиёна мафкура асосида жипслаштириш ишини амалга оширган. Айни вақтда бу ҳол тасаввуф таълимотини «демократлаштириб», омма орасига чуқурроқ сингишига замин ҳозирлади.

Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг устози Абдулҳолиқ Гиждувонийдан қабул қилиб олган «сафар дар ватан» (ватан ичра сафар), «хуш дар дам» (нафасда хушёрлик), «назар дар қадам» (назарни қадамдан узмаслик) каби қоида-талаблар «хилват дар анжуман» қоидасини ҳаётга татбиқ этиш усуллари эди. (Муҳаммад Порсо буларни «Қудсий сўзлар» деб атайди.) Чунки одамлар орасида ботиний хилватни таъминлаб туриш учун инсон ўзини-ўзи доимий равишда назорат қилиб туриши керак. «Ватан ичра сафар» — руҳнинг ўз асли томон сафари, яъни сайр филлоҳ. Гарчи бу қоида яшаган жой билан ошнолик, ўз халқи, қавмини ўрганиш, унинг аҳволидан хабардор бўлиш ва ўз қавмига раҳбарлик, руҳоний мураббийлик қилишни назарда тутса-да, бироқ биринчи маъно истисно этилмайди. Ҳар икки маъно ҳам солиқ аъмолининг қандай давом этаётганини кузатиш, натижани баҳолашга ишора этади. «Назар дар қадам» — фаолиятни тадқиқ этиш, қилаётган ишлари, ҳаракатининг суннатга мувофиқлигини текшириб туриш ва қадамни ёмон жойларга қўймасликка интилишни англатади. «Ёд кард» (ёдлаш), «боз гашт» (такрорлаш, янгидан бошлаш), «нигоҳ дошт» (эсда сақлаш), «ёд дошт» (эсдалиқ, эслаб қолиш) талаблари эса «зикри хафий» деб номланмиш яширин зикрга тегишлидир. Яъни зикрни назорат қилиш. Чунки зикрдан мақсад Аллоҳ номларини



куруқ қайтаравериш, тилда айтиб, дилда бошқа нарсани ўйлаш эмас, балки бу номларни дилда нақшлаб, муҳрлаб олиш учун жидду жаҳддир. Ҳар бир солиқ зикр қанчалик уни Аллоҳ сифати ва зотига яқинлаштирганини ўзи назорат қилсин ва агар ўзи уддалай олмаса, пир бунни текшириб аниқласин. Ҳазрат Нақшбанднинг халифаи кибори Алоуддин Аттор дейди: «Бу замондаки, (кўплар) хафий зикри билан машғулдирлар, қалбдан эмас, ошқозондан айтадилар». Хожа Баҳоуддин Нақшбанд таълим берадиларки, солиқ ҳамиша ўз ботини аҳволининг таҳқиқи пайдан бўлсин, назорат ва ҳифзу ҳисобни текшириб туришни қанда қилмасин. Алоуддин Аттор пирларининг фикрини давом эттириб, хатар ботинда ўрнашиб қолмаслиги учун, яъни дунё меҳри дилни банд этмаслиги учун киши ўзини кузатиши, нафас орқали бўшатиб туриши керак, деб айтади. Шунда ирода-ихтиёр қайси томонда экани маълум бўлади. Киши қанчалик ботинга сафар қилса, шунча ўзини англайди, зотан ўзингга кетиш — ўзидан кетиш (ўзини тарк этиш) демак. Ва айни пайтда бу ўзингга қараб боришдир ҳам. Чунки ўзликни тарк этмоқ — ўзини танимоқдир. Ўзингдан бегонаву Ҳаққа ошнолик, ўзидан ғойибу Ҳаққа ҳозирлик шу тахлит қўлга кири-тилади.

Хожа Баҳоуддин Нақшбанд илова қилган «вуқуфи замоний» (муайян муддатда тўхтаб, ўзини-ўзи текшириш), «вуқуфи ададий» (зикр ҳисобини аниқлаш учун тўхташ) ва «вуқуфи қалбий» (қалб аҳволини билиш учун тўхташ) тамойиллари ҳам яширин зикрни мустаҳкамлаш ва кузатиб, натижасини билиш учун жорий этилган. Аммо шу ҳам маълумки, ҳазрат Нақшбанд зикр талқинига шунчалик эътибор билан мухлислардан сурункали зикрни талаб қилган эмаслар. Бу ўринда қуйидаги ҳикоят ибратли: «Баҳоуддин Нақшбанд Хуросонга сафар қилганда «бузрукзодалардан бирига зикр таълимин дегондурлар. Ул сафардан қайтгонда аларга дебдурларки, ул таълим олгон зикрга иштиғол кўрсатмайду ва тарк қилибду». Шундан кейин Баҳоуддин ҳалиги одамни учратиб: «Бизни ҳеч туш кўрдингму?» — деб сўрайдилар. Ул одам: «Ҳа, кўрдум», — деб жавоб беради. Шунда ҳазрат Нақшбанд: «Шул санга басду», дейдилар. Бу ҳикоят Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асаридида келтирилган. Ҳазрат Навоий шундан кейин «Мундин маълум бўлурки, ҳар кимгаки оз робитаи азизлар била бўлса, охир мулҳақ бўлур» деб ёзади (*Алишер Навоий*. МАТ, 17-том, 133-бет). Яъни азизлар билан озгина алоқада бўлган одам, агар сидқидилдан ихлос этган бўлса, Ҳаққа мушарраф бўлади. Ислому оламининг беназир намояндаси Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг сўзларидан ихлос ва сидқу садоқатга эътибор қилингани ва қонун-қоида талабларига кўр-кўрона эргашмасдан, моҳиятга қараб иш тутиш, ботиний ўзгаришга эътибор қилиш муҳимлиги сезилади. Алоуддин Аттор

ҳам сурункали зикр тарафдори бўлмаган. «Мақсад кўп айтиш эмас, — деб таъкидлайди у киши, — бир нафас давомида уч марта унг томондан бошлаб, юрак устига қараб зикрнинг афзали бўлмиш «Ла илаҳа иллаллоҳ» ва чапдан ўнгга қараб «Мухаммадур расулуллоҳ» дейиш кифоя».

Биз атайлаб «Ҳуш дар дам» рукни ҳақида алоҳида тўхталмоқчимиз, чунки бу кенгроқ шарҳни талаб қиладиган рукндир. Албатта, бу рукни ҳам ҳафий зикр талабларидан ташқари олиб қараб бўлмайди. Агар «дам» сўзининг луғавий маъноси нафас бўлса, демак, нафасни ҳушёрлик билан зикрга мослаш ёхуд ҳар бир нафасдан зикр учун оқилона фойдаланиш маъноси кўзда тутилган. Бироқ бу ўринда маъно чуқурроқ. «Дам» сўзи илоҳий файз, баракот маъноларини ҳам беради. Яъни «ҳуш дар дам» илоҳий файз-тажаллий нуруни беҳудликда эмас, балки ҳушёр ҳолда қабул қилиш. Нақшбандия таълимоти бўйича, сўфий ёки солики тариқат ҳамма вақт бедор ва ҳушёр, ўзидан ва атрофидагилардан бохабар бўлиб туриши керак. Бўлмаса у ўзини-ўзи назорат қилолмайди, ўзидаги сифатий ўзгариш, камолотни англамаслиги мумкин. «Хилват дар анжуман» тамойили шунини тақозо этади. Бу фикрни ҳазрат Нақшбанднинг Жунайд Бағдодий сўзларига эътимоди ҳам тасдиқлайди. Жунайд Бағдодий (910 йил вафот этган) тасаввуф тарихида «сахб» — «ҳушёрлик» йўлини ёқлаган ва Боязид Бистомийнинг (879 йил вафот этган) «сукра» — беҳудлик концепциясига қарши кураш олиб борган машҳур шайхдир. Боязид Бистомий фикрича, сўфий то ўзини унутиш даражасига бориб етмаса, яъни руҳий тараққий этиб, халқни, дунёни буткул эсдан чиқариб, Худо ёдида масту девона бўлмаса фоний бўлолмайди ва Ҳақ висолига эришолмайди. Шу мақсадда «сукра»чилар само мажлислари уюштирганлар, жазавага тушиб, ўзларини йўқотиб, кийимларини йиртиб ташлаганлар. Жунайд бу равиёни динга зид ва инсон шуури, тафаккурига зулм, деб ман этган. Сўфий ичидан маърифат дарёси тошиб, турён мавж урганда ҳам ҳушини йўқотмасдан туриши керак, шунда у ҳақиқат асрорини янада кўпроқ кашф этади ва бу дурларни ўз суҳбатдошларига туҳфа қилади. Назаримда, «ҳуш дар дам» рукни айна ана шу концепцияни ривожлантиради. Жунайд Бағдодийнинг «ҳушёрлик» концепцияси Хожа Баҳоуддиннинг барча ғояларига мос бўлиб, шариат талабларига ҳам жавоб берар, фақр ҳикматини ошкор этишга кўмаклашарди.

Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳар лаҳзада имон учун курашиш керак, «табиий вужудни нафратлаб», Ҳақиқий маъбуд исботи учун интилмоқ лозим, деган фикрни баён этар экан, Жунайднинг қуйидаги гапига суюнади. Жунайд деган экан: «Олтмиш йилдирким, имон келтираман ва вужуднинг нафрати мен учун тариқатдир, лекин фақат ихтиёрни тарк этиш ва қусурларни кўриш билан аъмол

ҳосил бўлмайди». Қусурларни кўриш билан кифояланмасдан, улардан қутулиш йўлини қидириш лозим. Қусур эса — мосувога боғлиқликдир. Мосуво, яъни дунё солиқ йўлида қалин бир парда кабидир. Жунайд тилидан келтирилган байт:

Тааллуқ ҳижобасту беҳосили,  
Чу пайвандҳо бигисили-восили.

(Дунё пардадир ва беҳуда нарсадир, боғлиқликларни узсанг — васлга етишасан).

Кўринадики, сўфийнинг имони оддий мўмин имонидан фарқ қилади. Сўфий учун имон фақат тилда Аллоҳнинг якка-ягоналигини тан олиш. Унинг пайғамбари, китоблари, қиёматига ишонишгина эмас, балки доимий равишда вужуд пардасини бартараф қилароқ, асл моҳият томон интилиш ҳисобланган. Ҳазрат Баҳоуддин дейдилар: «Ҳақиқат аҳли имонга бундай таъриф берганлар: ҳақиқий имон дил Ҳақ субҳонаҳуға пайванд этилгандагина ҳосил бўлади, барча манфаатлар узилса ва қалб аҳли-туғуни пайдо бўлса, имон ҳам мустаҳкам бўлади».

Баҳоуддин Нақшбанд Жунайд Бағдодий сулукига рағбат билдирган, чунки бу сулук имон тозалиги, сокин ва осойишта сўфийлик, шариатга таянган фақирликни тарғиб этарди. Шунга қарамай, Ҳожагон пирлари ўз силсилаларини Боязид Бистомийга олиб бориб улайдилар. Буни юқорида Васлий Самарқандий мисолида кўрдик. Балки бу бир анъанадир. Билъакс, нақшбандия сулукини Жунайд Бағдодий тариқатига улаш маъқул кўринади. Буни яна шу ҳам тасдиқлайдики, Жунайд каби Нақшбанд ҳам суҳбат таълимини жуда қадрлаганлар. Суҳбат таълими ҳафий зикр усулига ва «анжуман ичра хилват» талабига мосдир. Суҳбат само ва зикри жалони рад этади. Баҳоуддин ҳазратлари демишлар: «Бизнинг тариқатимиз суҳбатдир ва хилватда шуҳратдир ва шуҳратда офат (бор). Хайрият жамъиятдадир ва жамъият суҳбатдадир агарчи, башартики бир-бирини инкор этса».

Суҳбат — хилват — жамият. Яна номувофиклар мувофиқлиги, бир-бирига зид тушунчаларни мослаштириш. Хилватдан мақсад якка бўлиш, яъни Аллоҳ билан бирга бўлиш демак. Икки киши бир жойда бўлса, бу хилват эмас, балки жамиятдир. Шу билан бирга, суҳбат камида иккита одам бўлишини тақозо этади. Хўш, суҳбат бўлгандан кейин, хилват бўлиши мумкинми? Агар суҳбатдошлар суҳбати ирфон мавзуида бўлса, агар уларнинг баҳс-мунозараси Ҳақнинг ҳақиқатига яқинлаштира, демак, бундай анжуман хилват ўрнини боса олади. Чунки хилватдан мурод маърифатдир, суҳбатдан мурод ҳам илоҳий маърифатдир. Нақшбанд жанобларининг суҳбат ҳақидаги фикрлари яна шуниси билан муҳимки, унда пиру мурид суҳбати,

бошқача айтганда, бири насиҳат қилиб, иккинчиси сўзсиз қулоқ соладиган суҳбат эмас, балки ҳақиқий орифона суҳбат назарда тутилган. Яъни мунозара ва фикрий-шуурий далил-исбот билан ҳақиқатни аниқлаш, сўфиёна ботиний чарақлашларни бир-бирига туташтириш, бир-биридан баҳраманд бўлиш. Нақшбанд ҳазратлари «хилватда шуҳратдур», деганларида узлатни, чилланишинликни назарда тутганлар. Зеро элдан ажралиб, хилватнишинлик қилиш ҳам шуҳратпарастлик, ўзини кўз-кўз қилишининг бир тури. Шу боис бу офат келтиради, васвасага сабаб бўлади. Агар тариқат соликлари бир-бирлари билан суҳбатлашсалар, бунда, «хайру барака кўп», дейди шайхи бузургвор. Ҳазратнинг мана бу фикрлари ҳам ажойиб: «Толиб Ҳақ таоло дўстларидан бўлган дўсти билан суҳбатлашар экан, ўз ҳолидан хабардор бўлсин ва суҳбат замонини ўтган замонлар билан қиёсласин. Агар тафовут кўрса, ул азизнинг суҳбатини ганимат билсин». Нима дейилмоқчи? Айтмоқчики, солиқ суҳбатдошининг фикрларини диққат билан кузатсин, агар унинг гаплари янгилик бўлса, бундай одам билан суҳбатни давом эттирсин. Диққат қилсангиз, Баҳоуддин бу ўринда ҳам ўз аҳволдан воқиф бўлишни алоҳида таъкидлаганлар. Демак, суҳбат хушёр ва заковатли одамлар иши, беҳуд, «девона»га суҳбат кор қилмайди.

Баҳоуддин Нақшбанднинг суҳбатга эътибор беришларининг сабаби шуки, бу ҳам Расулуллоҳ с.а.в.дан қолган суннатдир. Зеро Расулуллоҳ с.а.в. дин асослари, шариат аҳкомини ва ҳам ғайб асрорини суҳбат билан бошқаларга тушунтирар эдилар. Шунинг учун у киши билан бирга бўлганларни саҳобалар, яъни аҳли суҳбат деб атаганлар. Қизиғи шундаки, «Масобех» китобининг муаллифи хилватни суҳбат амрларидан деб ёзади ва зарурий эҳтиёжлардан деб кўрсатади. У ёзади: «Одамлар ҳазрат Расулуллоҳ с.а.в.билан доимо суҳбат қилардилар, аммо Пайғамбардан сўнг аста-секин мақталган сифатлар камайиб, баҳс-мунозара, ихтилоф-айрилишлар юз берди. Натижада хилватга эҳтиёж туғилди, хилватни кўмсадилар ва Ҳақ изловчилар дин бутунлиги учун хилватхоналарни танладилар». Маълум бўладики, хилват фақат тасаввуф аҳлининг аъмоли эмас экан, балки Ҳақ ва ҳақиқатга кўнгил қўйган ҳар бир одам жамиятдан қаноатланмаса, у ёки бу даражада гўшанишинликни кўмсар экан.

Ҳазрат Нақшбанднинг ўзлари кўп улуғларнинг суҳбатини олганлар ва муридларни суҳбат воситасида тарбиялаганлар. Ул зотнинг Муҳаммад Порсо, Алоуддин Аттор сингари шогирдлари ҳам суҳбат усулини маъқул кўрганлар. Бир нечта китоблар муаллифи, «қудват ул-уламо» лақабини олган Саййид Шариф Журжоний эътироф этади: «Мен то шайх Зайниддин Ало хизматиға етмагунча рафздан (шиадан) қутулмадим ва то Хожа Аттор суҳбатини олмагунча Худони танимадим».

Албатга, суҳбат таълими Нақшбанддан илгари ҳам бор эди. Эслатганимиз Жунайд Бағдодий, Шайх Харақоний, Шайх Абу Саид Абул Хайр, Жалолиддин Румий, Шамс Табризийларнинг сурункали суҳбатларини олиб кўринг. Румий, дарҳақиқат, хилватга кириб, Шамс билан ойлаб суҳбатлар курган. Аммо Нақшбанд суҳбатлари у кишининг бошқа тарбия усуллари — яширин, ботиний зикр, «анжуман ичра хилват» қоидаларига мувофиқлаштирилган, суннат йўриғига солинган эди. Нақшбанднинг диққат-эътибори тасаввуфни шариат билан келиштириш, илҳом ҳаяжонлари ва тугёнларни, Мансур каби «Анал-Ҳаққ» деб нидо қилишларни (Хожа Али Рометаний сўзи: «Агар Ер юзида Хожа Абдулхолиқ Фиждувоний шогирдларидан битта бўлса ҳам Мансур ҳеч қачон дорга осилмайди») сўндирди, ловулаган алангалар ўрнига лахча манқалларни пайдо этиб, бетоқат булбул эмас, жимгина шамга талпиниб ёнадиган парвонани афзал деб билди. Алишер Навоий эса, ҳазрат Нақшбанд ва у кишининг сулукидаги шайхларни «Лисон ут-тайр»да судра дарахти (жаннат дарахти)даги қушларга ўхшатади. Бу қушлар сокин ва тинч ҳаёт кечирадилар. Ҳеч нарсадан норози эмаслар, ҳар ёққа таллиниб парвоз қилмайдилар:

Бор анингдек қушки очмай болу пар,  
 Судра шохи устида айлар мақар.  
 Келди хилватгоҳи они анжуман,  
 Сайр этар, лекин ери доим ватан.  
 Арш парвоз ўлди-ю судранишин.  
 Элга зоҳир айламай парвоз ишин.  
 Эрмас ул Симурғдин айру даме,  
 Васлидин кўнглига ўзга оламе.  
 Етмайин жонига ҳажридин газанд,  
 Сурати васлида ҳар дам нақшбанд.  
 Васлидин мамлу, вале дам асрабон,  
 Ғайрдин ҳолини мубҳам айлабон.  
 Боши узра мавҳабат тожи анинг,  
 Жилвагоҳи васл меърожи анинг.  
 Васли юз минг дарядин кўнглида жўш,  
 Лек ўлуб оғзи садаф янглиғ хамуш.

Улуғ шоир Нақшбанд сулукининг моҳиятини жуда аниқ таърифлаб берган: ботиний ҳолни халқдан яшириш, ботиний олам билан Ҳақ васлига мушарраф бўлиш, кўнгилда ирфон нуруни лиммо-лим сақлаш, аммо буни ўзгалардан (ғайрдан) пинҳон тутиш, дилда маърифатнинг юз минг дарёси тошиб турса ҳам, садаф каби оғизни очмаслик. Зеро, садафнинг оғзи берк бўлгани учун ичида дур ҳосил бўлади. Навоий «дам асрабон» иборасини ишлатиб, «хўш дар дам»нинг яна бир маъносини зоҳир этган. Яъни

ички сирни ошкор қилмаслик, тилга эҳтиёт бўлиш. Буларнинг ҳаммаси Боязид Бистомий, Мансур Ҳаллож каби «сўл қанот» сўфийларга зимдан танбеҳ эди. Шунинг учун Баҳоуддин Нақшбанд ўз тариқатлари моҳиятини тушунтириб, деганлар: «Бизнинг тариқатимиз урвай вусқодир (мустаҳкам тутқишлар), яъни ҳазрат Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам мутоибати эгагидан тутмоқ ва саҳобаи киром меросига эргашишдир» («Нафаҳот ул-унс», 369-бет). Ва яна қўшиб қўйганлар: «Ҳар ким бизнинг тариқатдан юз ўгирса, динида хатар кўради».

Шу тариқа, нақшбандия аҳоли орасида тасаввуф ғояларини кенг ёйиш билан ислом динини мустаҳкамлашга хизмат қилиб келди. Бу ҳол, афтидан, бошқа тариқат вакилларининг эътирозига сабаб бўлган, улар нақшбандияни тасаввуфни сийқалаштириш, ўтмаслаштиришда айблаганлар. Буни шундан ҳам билса бўладики, нақшбандия сулукининг йирик намояндаси Хожа Аҳрор Валий, нақшбандия муҳолифларини танқид қилиб, бундай деганлар: «Хожагон хонадонининг баъзисининг сўзи ва аҳволи баёнидан ва уларнинг равишу тариқатидан, хусусан, Хожа Баҳоуддин за ул зотнинг асҳоби, қуддисаҳу асрорухум, маълум бўлурки, алар аҳли суннат вал жамоат эътиқолидадирлар ва шариат аҳкоми итоати ҳам Саййидул мурсалин йўли тобелигини риоя қилурлар ва бандалик давомиким, жаноби Ҳақ субҳонаҳу ва таолога огоҳликнинг давомидир, шуур ва вужудга ортиқча заҳмат етказмай сақларлар. Шундай экан, бул азизларни инкор этувчи гуруҳлар ҳасад ва кўролмасликдан бу ишни қилурлар. Ҳавою ҳавас, ҳасад говмижжаси аларнинг кўзини кўр қилибдур, ноилож ҳидоят анвори ва валоят осорини кўролмаслар» (Нафаҳот ул-унс, 394-395-бет).

Ҳолбуки, нақшбандия таълимоти машриқдан мағрибгача таралгандир, деб фахр билан қайд этадилар Хожа Аҳрор Валий, буни инкор қилиб бўлмайди:

Нақшбандия ажаб қофиласолоронанд,  
Ки баранд аз роҳе ба Ҳарам қофиларо.  
Аз дили солики раҳ жазбаи суҳбаташон  
Мебарад васвасаи хилвату зикри чиларо.  
Қосире гар занад ин тоифаро таъни қусур.  
Ҳошаоллоҳ, ки барорам ба забон ин киларо.  
Ҳама шерони жаҳон бастаи ин силсилаанд,  
Рўбаҳ аз ҳийла чи сон бигсилад ин силсиларо.

(Нақшбандия пирлари ажаб сарбонлардирки, тўғри йўлдан қарвонни Макка сари элтурлар. Суҳбатларининг жазбаси тариқат солики қалбидан хилват васвасаси ва чилла зикрини суриб ташлайди. Агар бирор калтафаҳм бу тоифани қусур-камчиликда таъна қилса, Худо сақласинки, мен бундай сўзни тилга олмайман.

Жаҳоннинг барча шерлари — эранлари шу силсила — занжирга боғланганлар. Тулки ҳийла билан бу занжирни уза олурми?).

Назаримда, нақшбандия силсиласининг шуҳратига сабаб бўлган омиллар бир қадар равшанлашди. Охирида яна бир нуқтада тўхталмоқчимиз. Кейинги пайтларда ушбу таълимотга бағишлаб тадқиқотлар ёзилмоқда. Бу яхши, лекин бир жиҳат ташвишлантиради, бу — нақшбандияни ҳадеб «хилват» тушунчасига зид қўйиб талқин этишдир. Шунини яна такрорламоқчимизки, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари «зоҳирда халқ билан ва ботинда Ҳақ билан» шиорини кўтариб чиққан бўлсалар-да, аммо хилватни бутунлай инкор этган эмаслар. Умуман, хилватни инкор этиб, сўфий бўлиш мумкин эмас. Чунки тасаввуф ботин билан, ғайб олами билан ошноликдир, бу эса табиий равишда алоҳида ҳаёт тарзи, омманикига ўхшамаган руҳий-маънавий равиш ва амалларни талаб қилади. Хилватнинг ҳақиқати ғайри Илоҳ нарсалар ва ишлардан фориғ бўлиб, дилни Худо муҳаббатига боғлашдан иборат. Нақшбандия бунини чилла ўтирмасдан, суҳбат билан қўлга киритишни тарғиб этади. Ҳамма фарқ ана шунда, яъни «хилват дар анжуман» қоидасини ҳақиқатга етишишнинг ўзига хос усули, тариқат тарзи деб билмоқ керак. Аммо бу ғоят оғир йўл эди. Пайғамбар истеъдодидан баҳраманд истеъдодгина бунини уддалай олиши мумкин. Ҳазрат Нақшбанд шундай қудратни ўзларида сезганлар. Шунини ҳам қайд этмоқ ўринлики, самоъ ва зикри жалони ёқтирмаган Баҳоуддин ҳазратлари, куй-қўшиққа бетараф муносабатда бўладилар. «Маноқиби Хожа Баҳоуддин Нақшбанд» китобида келтириладиким, ул зотдан сизнинг мусиқа, сурудга муносабатингиз қандай деб сўраганларида, ул киши ўзларига хос заковат билан сўз ўйини орқали жавоб берганлар: «Мо ин кор накунем, вале инкор накунем» («Биз бу ишни қилмаймиз, аммо инкор ҳам қилмаймиз»).

Жамият билан бирга бўлиш деганда, хожагон шайхлари истаган одам билан муомала қилишни назарда тутмаганлар, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд шоҳу дарвеш хилқатли Халил отадан ажралгандан кейин умуман бирор мансабга қизиқмаган, фақирона ҳаёт кечириб, бунини ҳар қандай бойлик ва ҳашаматдан афзал билган. Юқорида келтирилган рубоий бунини тасдиқловчи далил бўла олади. Аммо Хожа Баҳоуддин сўзларидан яна бирини келтирамиз: «Ҳақ субҳонаҳу ва таолонинг яқини (ҳамсоясини) бўлмоқ Ҳақ халқининг яқинидан (ҳамсоясидан) кўра авло ва мубарродир». Демак, Ҳақ ва халқни муқобил қўйишдан буткул воз кечилган эмас. Ҳазрат Баҳоуддин ҳар замон такрорлаб юрган байтлардан:

Ту то кай гўри мардон мепарастӣ,  
Ба гирди кори эшон бошгар дурустӣ

(Азизларнинг қабрларига қачонгача сиғинасан, агар тўғри йўлдан бормоқчи бўлсанг, уларнинг ишларига эргаш). Ҳазрат Баҳоуддиннинг «хожалик бандалик билан тўғри келмайди», дея канизак ва гулом сақламагани, иложи борича биров хизматини суиистеъмом қилмагани ва «одамлар юкни енгил қил, аммо ўзинг одамларга юк бўлма», деб таълим бергани ҳам бул азизнинг нақадар нажиб инсон бўлганидан далолат беради.

Хуллас калом, нақшбандия тариқати тасаввуфдаги ҳаддан ташқари ҳолатларни ислоҳга келтириб, риёзат ва покланиш камолотини жисмоний ва ижтимоий-ахлоқий эҳтиёжлар билан мувофиқлаштиришга интилиб келди, моддий дунёга кескин муқобил туриш ўрнига раҳнамолик ва тарбияни биринчи ўринга қўйди, шарр ва ёвузликни нафрат ва ўч ҳисси билан қарши олмай, шафқат ва меҳр орқали уни ззгуликка айлантириш пайида бўлди. Шу муносабат билан Васлий Самарқандий «Назм ус-силсила»да келтирган бир ҳикоятга диққатингизни тортмоқчиман. Зуннун Мисрий ўз шогирдлари билан кемага ўтириб, Нил дарёсига сайрга чиқади. Бошқа томондан яна бир кема сузиб келардики, унда ўтирганлар шароб ичиб мастлик қилар, сўкишар, дарвешлар томон беадабона сўзлар отиб, кўнгилларини ранжитардилар. Шогирдлари Зуннун Мисрийдан дуо қилиб, нобакор авбошларни сувга чўктириб жазолаш, ғарқ этишни сўрайдилар. Шунда Зуннун Мисрий дуога қўл кўтариб, Худодан кемадаги одамлар кўнглида инсоф чироғини ёқиш, илоҳий нур юбориб, уларни Ҳақ йўлига киритишни сўрайди. Дуо ижобат бўлиб, авбошлар тезда хушёр тортадилар, бутунлай ўзгариб, қилган ишлари, феъл-хўйларидан пушаймон бўладилар ва Шайх олдига ўтиб, тавба қиладилар.

Жуда ибратли ҳикоя, шундай эмасми? Нақшбандия моҳияти, ҳаётийлиги ва гуманизми яхши ифодаланган бунда.



## ФУТУВВАТ

Умрни дўстлар хизматига бағишлаш, фақат яхшиликни ўйлаб, яхшилик қилишдан чарчамаслик, эзгу хулқ-атворга эга бўлиш, борини ўзгалар билан баҳам кўриб, муҳтожлар ҳожатини чиқариш, пиру устозлар, дўст-биродарлар номуси, шарафини ҳимоя этиш, зоҳиран ва ботинан пок юриб, ҳалол-покиза инсонлар суҳбатини қозониш...

Шундай сифатларни ўзида мужассамлаштирган кишилар бизнинг тарихимизда кўп бўлган. Улар жамоа бўлиб уюшиб, ўз эзгу ниятларини амалга оширар эдилар. Уларни жавонмардлар, ахийлар ёхуд фатийлар деб атардилар («жавонмард» — мард йигит демакдир. «Фатий» сўзи ҳам шу маънони билдиради, «ахий» — биродар, дўст демак), уларнинг тариқати — маслаги эса жавонмардлик ёки футувват деб юритилган. Қадимий Хуросон ва Мовароуннаҳр шаҳарларида Х асрдан бошлаб жавонмардлик ҳаракати анча кенг ёйилган эди. Жавонмардлар муайян қоида-талабларга риоя этар, маънавий ва жисмоний етукликка интилар, қаердаки бўлмасинлар ва нима иш билан шуғулланмасинлар, мардлик ва олийжаноблик намунасини кўрсатар, зулм ва ҳақсизликка қарши курашардилар, хўрланганлар ва таҳқир этилганларни ҳимоя қилардилар. Улар наздида дунё бойлиги эмас, балки инсон қадри устун турган, жавонмардлар олтин-кумушни назар-писанд қилмаганлар, балки уни маънавият тараққиёти учун бир восита деб қараганлар, холос. Араб сайёҳи Ибн Батута «Сафарнома» китобида ёзади: «Мен дунёни кезиб, бундай одамлар (яъни жавонмардлар)дан кўра эзгу ниятли ва эзгу хулқли кишиларни кўрмадим. Шероз ва Исфаҳон аҳолиси гарчи ўзларини жавонмардларга ўхшатсалар-да, аммо улар (яъни Хоразм ва Мовароуннаҳр жавонмардлари) ғариб-мусофирларни сийлаш ва меҳмондорчиликда улардан баланд турадилар. Уларни Ироқда шотир, Хуросонда сарбадор, Мағриб (Андалусия)да сукра («сукра» — маст демак) дейдилар. Уларга тобе жойларда адолат расми шундай ривожланганки, уларнинг лашкаргоҳлари, уйлари остонасида олтин ва кумуш тангалар ерга сочилиб ётади ва эгаси топилмагунча ҳеч ким бу пулларга тегмайди».

Жавонмардлар оддий халқ ичидан чиққан ҳунармандлар, сипоҳийлар, кўчаларда томоша кўрсатувчи халқ театри вакиллари, паҳлавонлар, қизиқчилар, дорбозлар ва бошқа тоифалардан ташкил топган. Уларнинг ҳар бирининг пири, ўз жамоаси, таълим берувчи устозлари, йиғиладиган жойлари бўлган. Рухоний пирга қўл бериб, устоз ҳузурида аҳду паймон қилиб, мардлик белбоғини белига боғлаган жавонмард бир умр ўз аҳдига содиқ қолишга интилган, ўз шахсий ҳаётини жамоа ҳаёти учун, биродарлари учун фидо этган. Жавонмардлар жамоасига қабул қилинган ёш йигит «фарзанд» деб, унинг белига аҳд белбоғини боғлаган устоз «ота» деб юритилган. Жавонмардлар шу зайлда бир-бирларининг ака-укалари, биродарлари ҳисобланганлар ва биродар биродари учун мол-жонини бағишлашга тайёр турган. Яна бир араб олими Ибн Ҳавқал Мовароуннаҳр жавонмардлари ҳақида бундай ҳикоя қилади: «Мовароуннаҳр халқининг жавонмардлиги шу даражадаки, гўё барчаси бир хонадонда яшаётгандайдирлар. Бирортаси бошқасининг уйига борса, ўз уйига киргандай бўлади. Жуда меҳмондўстдирлар ва кечаси келадиган меҳмондан хижил бўлмайдилар, мусофирни танимасалар ҳам ҳеч бир музд-мукофот кутмай, меҳрибонлик кўрсатадилар».

Ҳар бир одам саховат кўрсатиш, мусофирни сийлаш, камбағаллар, ғарибларга ёрдам беришни шарафли бурч, одамийлик сифати деб қараган ва бу хислат бизда оммавий тус олган эди. Жавонмардларнинг ахлоқи бу жамоага аъзо бўлмаган кишиларга таъсир этганди. Самарқанд, Бухоро, Хўжанд, Урганч, Хива, Тошкент, Марғилон шаҳарларининг аҳолиси меҳмондўстлиги билан дунёга ном таратган эди. Ўзига тинч сармоядор кишиларнинг ички ва ташқи ҳовлиси, махсус меҳмонхоналари, карвонсаройлари бўлган. Бу карвонсаройлар, меҳмонхоналарнинг хизматкорлари доим меҳмонлар хизматида бўлиб, барча лозим нарсаларни муҳайё этиб турганлар. Бундан ташқари, работ, зовия ва хонақоҳлар ҳам мусофир дарвешлар, сайёҳлар учун ҳамиша очиқ бўлган. Эрон, Афғонистон, Ўрта Осиё, Кавказ шаҳарларини кезиб чиққан Ибн Батутанинг ёзишича, хонақоҳларда мусофирлар ва дарвешлар хоҳлаганларича, неча кун бўлса, шунча яшаганлар, уларга текин озик-овқат ва кийим-кечак берилган. Агар мусофир сафарни давом эттирса, у от-улов, зарур асбоб-анжом ва йўл харжи бўладиган маблағ билан таъминланиб хурсанд қилиб жўнатилган. Одоб шундай эдики, хонақоҳга қадам қўйган кишидан уч кунгача, сен қаердан келдинг, кимсан деб суриштирилмасди. Меҳмон уч кун лутфу марҳамат кўриб, яхшилаб ҳордиқ чиқарар, ҳаммомга тушиб ювинар ва шундан сўнг хонақоҳ шайхи уни қабул қилиб, суҳбатлашарди. Ибн Батута, масалан, элликдан ортиқ хонақоҳ ва зовияларда кўниб, бемалол иззат-ҳурматда яшаганлиги ва шайхлар,

шаҳар ҳоқимлари, амирлар ва ҳатто сарой хонимларидан меҳрибонликлар кўриб, туҳфалар олгани ҳақида ҳикоя қилади. Чунончи, Мовароуннаҳр подшоҳи султон Тармашириннинг ғайрат-шижоати, саҳийлиги, адолатпарварлиги хусусида тўлқинланиб гапирган. Тармаширин Чигатойнинг укаси бўлиб, исломни қабул қилган, художўй ва дарвештабиат инсон бўлган. У маҳаллий халқлар билан иноқликда яшаш, диёнат ва инсоф доирасида ҳукмронлик қилишни одат қилган эди. Ибн Батута Бухородаги авлиё шайх ул-олам - Сайфиддин Бохарзий хонақоҳи ҳақида бундай ёзади: «Биз Бухоронинг Фатҳобод номи билан машҳур мавзеида тўхтадик. Бу ерда энг улуғ авлиёлардан бири аллома шайх, гўшанишин авлиё Сайфиддин ал-Бохарзийнинг қабри бор. Мазкур шайх номи билан аталадиган ва биз кўниб ўтган зовия жуда катта бўлиб, вақфлари беҳисоб, зиёратчилар ана шу вақфлардан келадиган даромадлар ҳисобига боқилади. Шу зовиянинг шайхи Сайфиддин авлодларидан бири бўлиб, Маккага ҳаж қилган Яҳё ал-Бохарзийдир. Шайх мени ўз уйида қабул қилди, шаҳарнинг обрўли кишиларини тўплаб, зиёфат берди, қорилар ажойиб овозлари билан Куръондан қироат қилдилар, воиз эса амри маъруф этди. Ҳофизлар форсий ва туркий тилларда ажойиб кўшиқлар ижро этдилар. Биз учун бу энг ғаройиб кечалардан бири бўлди» (Ибн Батута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. Н. Иброҳимов таржимаси, 1993, 66-бет).

Ёки Мажор шаҳридаги хонақоҳ ҳақида Ибн Батута бундай маълумот келтиради: «Мажор шаҳрида шайх Муҳаммад Батоихий хонақоҳи бор. Бу туркларнинг энг улуғ ва энг яхши шаҳарларидандир, ундаги хонақоҳда араб, форс, турк ва рум дарвешларидан етмиш киши истиқомат этади. Ўлканинг халқи эса дарвешларга эътиқод камоли юзасидан ҳар кеча хонақоҳга от, мол ва кўйларни етаклаб келтириб, назр қиладилар ва султонлар, уларнинг хотинлари шайхнинг зиёратига келиб, туҳфалар эҳсон этадилар. Дарвешларнинг бир қисми оилали, бир қисми бўйдоқ бўлиб, халқнинг лутфу карами билан фаровон яшайдилар ва художўйлик билан шуғулланадилар».

Араб сайёҳининг ёзишича, хонақоҳ ва зовияларнинг аксарияти жавонмардлар ихтиёрида бўлган, айниқса, Туркияда жавонмардлик ҳаракати «ахийлар» номи билан кенг тарқалган бўлиб, уларнинг сардорлари султонлар даражасида обрў-эътиборга эга эканлар ва, ҳатто, султон заруратан бирор юртга борадиган бўлса, мамлакатни идора қилишни вақтинча ахийлар сардорига топширган.

Ушбу маълумотлар жавонмардларнинг хулқ-атвори, сифатларини шоён этишдан ташқари, яна шуни ҳам билдирадики, XIII асрга келиб футувват ва тариқат бир-бири билан қўшилиб кетган. Аслини олганда, бу жараён хийла олдин, X—XI асрларда бошланган эди. Шу даврларда яшаган Хуросон, Эрон ва Мовароуннаҳр

шайхлари ўз муридларини мардлик ва фидойилик, саховат ва қаноат руҳида тарбиялаш, жавонмардликни тариқат шиорига айлантиришга интиланганлар. Чунончи, Шайх Абул Ҳасан ибн Ҳусайн Сарахсий, Шайх Абул Ҳасан Харақоний, Шайх Абул Аббос Қассоб, Шайх Абу Али Сиёх, Шайх Абу Али Даққоқ, Шайх Абул Қосим Бушр, Шайх Луқмон Сарахсий, Шайх Абу Саид Абул Хайр, Шайх Абу Жаъфар Ҳаддод ва бошқаларнинг насиҳат-даъватлари ва фаолиятларида бу нарса яққол намоёндыр. Уларнинг назарида сўфийнинг асосий фазилати элга наф келтириш, маърифат машъали бўлишдан иборат. Масалан, Абул Ҳасан Харақонийдан сўфий ким, деб сўраганларида, бундай деб жавоб берган: «Сўфий шундай бир кундузки, у бор жойда офтобга ҳожат қолмас, у шундай бир кечадирки, у бор жойда ойга ҳожат қолмас, шундай бир йўқликдирки, у бор жойда борлиққа ҳожат қолмас». Яъни сўфий қуёш ва ойдай порлаб, бошқаларга маънавий-маърифий нур таратиши, ўзи йўқ бўлиб, ўзгаларни бор этиши, бугун борлик унинг файзи, каромати ва саховати билан яшнаб, гуллаши керак. Ёки шайх Абу Саид Абул Хайр сўзини эшитинг: «Мард улдураким, халқ орасида бўлса ва инсофу адолат тарозуси устида турса ва бола-чақа қилса ва халқ билан қўшилиб яшаса ва халқ учун яшаса ва бир лаҳза Худони унутмаса» (*Жомий*. «Нафаҳот ул-унс», 286-бет). Шайхларнинг ушбу сўзлари дарвешлар сифати ҳақидадир, аммо жавонмардлар тариқати ҳам шу фазилатларни талаб этади. Демак, тасаввуф ва футувват бир-бирини тўлдирган ва бир-бирига мадад берган. Йирик шайхларнинг ўзлари қаҳрамонлик ва мардлик намуналарини кўрсатганини биламиз. Абу Жаъфар Ҳаддод Мисрда ўн етти йил темирчилик қилди, деб ёзади Абдурахмон Жомий «Нафаҳот ул-унс» асарида, ҳар кун бир динору ўн дирам пул ишларди. Аммо бу пулларни ўзи учун ишлатмасди, балки дарвешлар, муҳтожларга бағишларди. Ўзи эса Жунайд Бағдодий уйига бориб, қотган-қутган нонларни тановул қилиб юрган, ётадиган жойи эса масжид бўлган («Нафаҳот ул-унс», 156-бет).

Шайх Нажмиддин Кубро фақирликни одат қилган, барча молу мулки, бисотини камбағалларга бўлиб бериб, ўзи «куффор аҳли», яъни мўғул босқинчиларига қарши жангга отланган эди. Улуғ ватандошимиз қаҳрамонликлар кўрсатиб, лаънати мўғул ўқидан шаҳид бўлди. Агар Нажмиддин оддий сўфий бўлганида, жонини асраб, тинчгина Хоразмдан чиқиб кетиши мумкин эди. Аммо у: «Мен шу тупроқ фарзандиман, шу ерда ўламан», — деб Ватан озодлиги йўлида жон берди. Бу ахир жавонмардлик, ватанпарварликнинг олий намунаси эмасми? Ҳолбуки, Нажмиддин Кубронинг ёши икки кам саксонга етган эди.

Нақшбандия сулукидаги барча шайхлар саховат ва мурувватда намуна эдилар. Хожа Аҳрор Валий шунча еру мулклари бўлса-да,

аммо ўзларини фақир ҳақир ҳисоблаганлар. Чунки барча бойликларини бошқаларнинг манфаати ва эҳтиёжига сарфлардилар, шундан шоду хуррам эдилар. Умаршайх Мирзо Тошкентнинг бир йиллик хирожини талаб қилиб, лашкар тортиб келганда, шаҳар аҳолиси қашшоқликдан бу маблағни (250 минг динар) тўлолмади. Шунда Хожа Аҳрор Валий бу маблағни Умаршайхга бериб, шаҳар аҳолисини ташвишдан халос этишдан ташқари, яна тошкентликларга 70 минг динар туҳфа этди — халқ қишдан эсон-омон чиқсин, деб шундай қилдилар. Хожа Аҳрор Валий қурдирган мадраса ва хонақоҳларнинг сони йигирмадан ортиқ, вақфнома дафтаридаги мол-мулкларнинг сони 254 тани ташкил этади. «Бизнинг ерларимиз биз тириклигимизда ҳимоямизда эдилар, ўлганимиздан кейин ҳам ҳимоямизда бўлсинлар», — деб айтдилар. «Аларнинг моллари батамом фақирлар учун сарф бўларди», — деб ёзади ҳазрат Жомий «Нафаҳот ул-унс»да. Хожа Аҳрорнинг сахийликларининг чегараси йўқ эди. Умрларининг охирида Тошкентга келганларида Туркистондан кўплаб очлар оқиб келаётганини эшитдилар, чунки Туркистонда ҳаҳатчилик бошланган эди. Шунда хизматкорларига ҳар кун иўнта қозон қуриб, кераклича мол ва қўй сўйиб, туркистонлик очларни боқшни буюрадилар. (*Муҳаммад Қози. Туҳфат ул-соликин. Б. Валихўжаев таржимаси. «Фан», 29-бет.*)

Шундай улуғ саховатни ҳазрат Жомий, ҳазрат Навоий, султон Ҳусайн Бойқарода ҳам кўраимиз. Бу ҳақда мисоллар жуда кўп. Ҳирот аҳлидан Саййид Ҳасан Ардашер, Шайхимбек Сухайлий, Паҳлавон Муҳаммад ҳам дарвештабиат мардлар эдилар. Алишер Навоий уларни ўз асарларида айни шу хислатлари учун таъриф-тавсиф этиб, ибрат қилиб кўрсатган. Адабиётшунос олим Атоуллоҳ Ҳусайний Алишер Навоий олдига келиб, бир ҳовлича сотиб олмоқчи эдим, аммо ҳовли эгаси бошқа харидор топиб савдони бузди, менда эса ортиқча пул йўқ, шу савдони менинг фойдамга ҳал қилиб беринг, деб илтимос қилади. Шунда Алишер Навоий Атоуллоҳ Ҳусайнийга ҳовлини ўз ҳисобидан сотиб олиб беришдан ташқари, яна бир қанча ёрдамлар бериб, сиз бемалол китобингизни ёзинг, дея тайинлайди. Бу улуғ шоир саховатидан бир мисол, холос. Ҳазрат Навоийнинг моддий ва маънавий мадаидан баҳраманд бўлган илму адаб аҳлининг ҳисобига етиб бўлмайди. Улуғ ўзбек шоири Навоий маърифат ва маданиятнинг буюк ҳомийси, Атоуллоҳ Ҳусайний сўзи билан айтганда, «мардларнинг марди, эзгу ишлар ижодкори» эди. Ҳирот ва Астрободда, Машҳад, Балх ва бошқа кўплаб шаҳарларда азиз-авлиёлар қабри устига мақбаралар қурдирди, ўнлаб бинолар тиклаб, уларни маърифат ва маънавият маскани, илму фан, таълим ва таҳсил ўчоқларига айлантирди. Ана шундай улуғ шоир ва мутафаккир, мутасаввиф Навоий сахий қалбли, макорим ул-ахлоқ бир зот эдиким, унинг ишлари жавон-

мардлик тариқатининг амалий татбиқидир. Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий, Навоий ва Жомийларнинг фаолияти билан тариқат ва футувватнинг ўзаро бирлашуви тезлашади. Шарқда кенг ривожланган бу икки соҳанинг қўшилиши қатта ижтимоий ҳодиса бўлиб, одамийлик сифатларининг кўпроқ қарор топиши ва ахлоқий камолот учун қудратли кучга айланди.

Хуросон жавонмардларидан бири Абу Абдуллоҳ Санжарий атоқли сўфий шайхларидан бири бўлиб, саховатда машҳур бўлганки, ўзи куни билан оч юрса-да, лекин охири тангасигача ҳам қашшоқларга берган. Унинг мухлисларидан бирининг хотирлашича, Тараблус шаҳридан чиқиб, бир неча кун бирга йўл юрганлар, аммо овқат емаганлар. Очиқдан силлам қуриди, шайхнинг ёнида беш динор пул бор эди. Унга дедимки, шу пулга егулик сотиб олайлик. У эса деди: яна бир кун юрайлик, йўл ёқасида бир қишлоқ бор. У ерда аёлманд бир камбағал яшайди, динорни ўшанга берамиз, у болаларини ва бизни боқади. Биз қишлоққа кирдик, динорларни ҳалиги одамга берди, у нон ва овқат олиб болаларига едирди, биз ҳам едик...

Абу Абдуллоҳ Санжарийдан футувват нима, деб сўрадилар. Жавоб бериб деди: «Халқ нима иш қилса ҳам кечирмоқ ва ўзини қусурли, кам деб билмоқ, яхши ёки ёмонлигидан қатъи назар, барча одамларга шафқат қилмоқ».

Ва яна у демишки, «мурид учун фойдали нарса солиҳлар (яхшилар) суҳбатини қозониш, уларнинг феъли ва ахлоқига эргашиш, Ҳақ дўстлари қабрини зиёрат қилиш ва ёрлар, фақирлар хизматига камарбаста бўлишдир».

Гап сўфийлик ва жавонмардлик кийимини кийиб, ўзини кўрсатишда эмас, балки уларнинг феълига эргашиб, яхши ишларини адо этиш муҳим, дейди Абу Абдуллоҳ.

Шу тариқа, футувват билан тасаввуф гоёлари аксар бир-бирига мувофиқ келади. Футувват ҳам, тасаввуф ҳам инсон ахлоқини поклаш, меҳру шафқат, ҳиммат ва мардлик кўрсатишни тарғиб этади. Ва бу жиҳатдан илоҳиёт ишқида дунёдан юз ўгирган, жисмини маънавий камолот йўлига қурбон этган дарвеш билан биродарлик, фидойилик удумига содиқ жавонмарднинг мақсадлари мос эди. Тасаввуфнинг тавба, сабр, қаноат, парҳез, ботиний таҳорат каби талаблари футувватчилар томонидан қабул қилиниб, амалий-ҳаётий қоидаларга айлантирилади. Жавонмард — Аллоҳнинг номини тилидан қўймайдиган, ҳаминша тоат-ибодат билан шуғулланувчи киши бўлиши кераклиги Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Футувватномаи султоний» номли китобида бир неча бор таъкидланган. (Кошифий футувватни тариқатнинг бир қисми деб ҳисоблайди). Хуллас, тасаввуф футувватда юсак гоёларнинг амалий-ижтимоий татбиқини кўрган бўлса, футувват тасаввуфда

назарий-эътиқодий тағзаминни топган эди. Тариқат аҳли Худо ошиғи бўлиб, фонийлик, маънавий поклик учун курашардилар. Бунинг учун эса ғўшанишинлик, муҳофаза ва сурункали зикру самоъ билан шуғулланиш шарт қилиб қўйилган эди. Футувватчилар тасаввуф ахлоқини қабул қилган ҳолда, амалиётдан воз кечмадилар, халқ орасида юриб, хайру савоб ишларни бажаришда фаоллик кўрсатардилар. Бу жавонмардликнинг қадимий удуми эди, чунки жавонмардлик келиб чиқиш давридан бошлаб, тадбиркорлик, фаоллик ва айёрликни шиор қилган эди. Ҳа, айёрлик жавонмардларнинг улуғ сифати ҳисобланган. Гап шундаки, ҳозир салбий маънога эга бу сўз IX—X асрларда ижобий маънода қўлланилган. Жавонмардларни «айёрлар» ёки «айёралар» (зеро, Далла ёки Майсара сингари доно ва заковатли аёллар кўп бўлган), деб юритганлар. Айёрлар жуда зеҳли, доно ва ҳийлагар бўлганлар. Турли-туман найранглар ишлатиб, душманларни мот қилганлар ва дўстларини мушкул аҳволдан қутқарганлар. XI асрда форс тилида яратилган «Самаки айёр» китобининг қаҳрамони Самак (маъноси балиқ) шунчалик доно ва тадбиркорки, ноҳақ қамалган дўстларини қутқариш, севишганларни бир-бирига етказиш, саройдаги фитналарни фош этиш ва ҳоказо ишларда қатнашиб, ҳамма вақт ютиб чиқади, ҳатто душманлари ҳам унга қойил қолади. Аммо у ўз «хунари»ни ҳеч қачон хиёнат ва гуноҳ ишларга сарфламайди, аксинча, хиёнатчилар, золимларнинг адабини беради. Айёрлар, шу тариқа, ақлу заковатни яхшилик йўлида ишлатувчи, меҳрибон ва содиқ кишилар бўлганлар. Бироқ футувват тасаввуф билан қўшилгандан кейин жавонмардларга нисбатан айёр деган сўз ишлатилмайдиган бўлиб қолди ва умуман, «айёрлик»дан фойдаланиш ҳам камайди, фаолиятнинг мазмуни ва мақсади ўзгарди. Энди кўпроқ Худо йўлидаги ҳақпарастлик, дарवेशлик қонунлари асосидаги беғараз фидойилик расм бўлади. Жавонмардлар орасида қўлланадиган мард, жўмард, валломат, сахий, бокарам, азамат сўзлари сўфийлар орасида юрадиган эран, эр, мард сўзларининг юксак маънолари билан яна ҳам бойиди. Чунки сўфийлар эран, мард деганда, ўзликдан воз кечиш, шайтоний нафсни буткул маҳв этишни назарда тутадилар. Нафс кетидан борган одам тубанлашиб кетаверади, бошқаларга зулм ва ситам ўтказибгина қолмай, ўзига ҳам зулм қилади, зеро, нафс кишини инсонлик сифатларидан маҳрум этади. Инсон шунинг учун ҳам инсонки, у ҳамиша юксакка интилмоғи, ҳамиша ўзини поклаб бормоғи лозим. Нафсни енгмоқ — манманлик, ҳирсу ҳавасни, тор манфаатпарастликни енгмоқдир. Нафс васвасаси ўзим бўлай, ўзим яхши яшай, бошқалар нима бўлса бўлар, деган хавfli ва қабиҳ майлни келтириб чиқаради. Киши бепарво, бераҳм ва меҳрсиз бўлиб қолади, ҳатто, бойлиги, мол-дунёсини ўз фарзандларидан ҳам аяйдиган бўлади.

Бора-бора бу йиртқиликка, вахший зулмкорликка олиб келади. Натижада ахлоқдан путур кетиб, киши хиёнат ва разолатга берилишдан ҳайқмайдиган бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам сўфийлар нафсни бутун фалокатларнинг боши деб кўрсатиб, муридлар олдига аввал ана шу шайтоний нафс («нафси аммора»)ни маҳв этиш вазифа қилиб қўйилган эди. Ўз нафсини енголган киши ўзгалар ғамини ейиши мумкин. Абдураҳмон Жомий «Субҳат ул-аброр» достонида футувватга таъриф бериб, бу аввало паст хислатларни тарк этиб, олижанобликни касб этиш, дея таъкидлайди. Футувватнинг биринчи шарти — мискинлар дардига даво бўлиш:

Чанд рўзе зи мустақимон бош,  
Дар пайи ҳожати мискинон бош.  
Шамъ шав, шамъ, ки худро сўзи,  
То ба он базми касон афрўзи!

(Бир неча кун дину диёнати мустаҳкамлар сафида бўл, мискин, ғарибларнинг ҳожатини чиқаришни ўйла. Шамъ бўлгин, шамъ, токи ўзинг ёниб, ўзгалар базминини ёрита олсанг!)

Ўзи ёниб, ўзгалар кулбасини ёритиш, мискинлар базминини обод қилиш. Қандай шарафли ва олийжаноб инсоний хислат! Бизнинг улуғ инсонпарвар донишмандларимиз ўзим бўларчилик фалсафасини рад этиб, ана шундай эзгу ғояларни олға сурганлар, инсонийликни илоҳийлик даражасига кўтарганлар. Жомийнинг фикрига кўра, жавонмард худди баҳор булутидай ҳаммага бирдай саховат ёмғирини ёғдирмоғи, худди кўз гавҳари каби ўзгаларни кўриб, ўзини кўрмаслиги лозим. Бу комил инсоннинг сифати ҳам, чунки кўз комил инсон тимсолидир. Комил инсон ҳеч қачон ўзини ўйламайди, у ҳамisha бошқалар ғамида юради.

Футувват ҳақида араб ва форс тилларида ёзилган китоблар анча, бундан ташқари, машҳур пандномалар («Қобуснома», «Гулистон» каби), тасаввуф ҳақидаги рисоаларда ҳам жавонмардларнинг расму русуми, одобу қоидалари хусусида фикрлар келтирилади. XV асрда Ҳиротда яшаган атоқли олим ва ёзувчи Ҳусайн Воиз Кошифий «Футувватномаи султоний» номли асари (бу китобнинг номидан у бирор бир султонга бағишланган экан, деган маъно келиб чиқмаслиги керак. Муаллиф фатийлар султонини назарда тутуди, чунки фатийлар раҳбарини ҳам султон деб атаганлар)да бу илмнинг кўп қоида-низомлари содда ва равон тилда баён этилган. Асар тожик тилида ёзилган бўлиб, ўн икки бобдан иборат. Ҳусайн Воиз Кошифий Навоийнинг мухлиси ва дўсти бўлган, ўзининг «Жавоҳир ут-тафсир ат-туҳфат ул-Амир» номли тафсир китобини Алишер Навоийга бағишлаган. Ушбу китоб «Тафсири Ҳусайний» номи билан ҳозиргача қадрланиб келинади. Кошифийнинг «Анвори



Суҳайлий», «Рисолаи Ҳотамия», «Ахлоқи муҳсиний» номли асарларида ҳам жавонмард кишиларнинг хислатлари тасвирланади. «Футувватномаи султоний» асарида эса футувват тариқатнинг бир қисми сифатида олиб қаралади ва шунинг учун жавонмардлик удумлари, илму амали баробарида муаллиф тасаввуф ҳақида ҳам кўп фикрларни баён этади.

Кошифийнинг фикрича, тасаввуф сингари футувват ҳам руҳ илмидир. «Футувват илмининг ўз мавзуи бор, бу мавзу — инсон руҳи ҳисобланади. Зеро, инсоннинг руҳини тарбиялаш, парвариш этиш орқали уни гўзал ва ҳамида (ёқимли) хулқ-атворли, фазилатли қилиб етиштириш мумкин». Кошифийнинг бу таърифи ғоят эътиборлидир. Чунки жавонмардлик ёки футувват деганимизда кўз олдимизга, аввало, жисмонан бақувват, тоғни урса талқон қиладиган паҳлавонлар, куч-қудрати ошиб-тошиб ётган йигитлар келади. Албатта, куч-қувват бўлмаса, шижоат ҳам, қахрамонлик ҳам содир бўлиши қийин. Лекин фақат дағал жисмоний кучнинг ўзигина жавонмард бўлишга кифоя эмас. Жавонмард кишининг жисмоний кучи унинг руҳий-маънавий етуклиги билан мувофиқ келиши лозим. Шунда одам жисмоний кучини яхшилик танта-насига сарфлай олади, ожизларни ҳимоя қилади. Руҳий-маънавий куч, ҳатто, жисмоний кучдан афзал, деб қаралган. Шу боис Кошифий руҳий тарбияни алоҳида таъкидлаб кўрсатади. Руҳий-маънавий камолот намунали ахлоқ билан ажралиб туриш демак. «Футувват деб омма орасида яхши сифатлар ва намунали ахлоқ билан машҳур бўлишни айтадилар, — дея таърифини давом эттиради Кошифий, — шу вайданким, бундай одам ҳамиша ахлоқи билан ўз касбдошлари, тоифа-табақаси орасида мумтоз бўлади». Хуллас, жавонмард барчанинг сеvimли кишиси, барчага намуна бўладиган эзгу сифатли инсон. Шунинг учун, умумлаштириб айтганда, «футувват инсоний фитрат нури зухурининг нафсоний белгилар зулматиға қарши қўйилиши, (шу зулматни) ёриб ўтишидан иборат» бўлмоғи керак. Жавонмард элдан яширин бирор иш қилмайди, одамларнинг меҳр-муҳаббатини қозонишни улуг бахт деб ўйлайди:

Халқи жаҳонга хуш хулқинг ила маҳбуб бўл,  
Жаннат боғига йўл бошловчи шудир, эй дил.

Футувват кўнгил кўзини равшан этади, жон боғини сафо офтоби билан парвариш қилади. Футувват аҳдга вафо қилишга, барчани ўзидан афзал билиш ва ўзини ҳеч кимдан юқори қўй-масликка ўргатади. Футувват такаллуфни тарк этмоқ ва уйда нима бўлса, меҳмон учун ҳозир қилмоқдир:

Боримизни меҳр дастурхонига ҳозир айладиқ,  
Гарчи арпа нони-ю сиркодин ўзга нарса йўқ.

Ҳа, такаллуфдан аноният (манманлик)нинг ҳиди келади, футувватнинг қуввати эса манманлик ва такабурликни тарк этишдан ҳосил бўлади: «Худбинлик» — худопарастлик эмас, балки худпарастликдир:

Фоний бўлганлар бақо фарзандидир,  
Ўзни севган бутпарастдир, бандидир!

Кошифийнинг таснифига кўра, футувватнинг уч мартабаси бор. Булар саҳо (саховат), яъни бор нарсани ҳеч кимдан қизғанмаслик; сафо, яъни қалбни кибру ҳаво, гина-қудурат, қасд-ғазабдан холи ва пок тутиш; вафо, яъни ҳамма вақт халқ хизматида бўлиш. Салмон Форсий (Муҳаммад алайҳиссаломнинг саҳобаларидан) деган эканлар: «Футувват — барчага инсоф-мурувват кўрсатиш ва эвазига ҳеч нарса талаб қилмаслик, яъни бор камчиликлар, айбларни ўзига нисбат бериш, аммо вужудга келган воқеалардан ўзини хорижда ҳисоблашдир». Кези келганда айтиш керакки, Салмон Форсий ўзлари ажаб хислатли жавонмард инсон бўлганлар, Маққада орқаларида меш билан сув ташиб, кишиларнинг чанқоғини бостириш билан шуғулланганлар.

Салмон Форсий сўзларидан шу нарса маълум бўладики, жавонмардларнинг саховати ва хизмати беминнат бўлиб, музд талаб қилинмайдиган хизматдир. Агар киши бирор манфаатни ўйлаб, бировга бир нарса берса ёки бирор кунимга ярар, кези келиб менга ҳам қайтарар, деган андиша билан яхшилик қилса, бу футувват ҳисобланмайди:

Мурувват барча бермақдур, смак йўқ,  
Футувват барча қилмоқдур, демак йўқ.

*(Алишер Навоий)*

Яъни ўзинг емагин-да, бошқаларга бергин, бу чин мурувват бўлади, яхшилик қил, ҳожатни чиқаргин-да, орқасидан гапириб юрма, ҳатто мақтанмагин ҳам. Чунки мақтаниш ҳам қилган яхшиликни юзига солиш ва «мен мана шунақаман», деб керилишдир. Бу футувват аҳлига хос сифат эмас. Муҳтожларга мол-дунё ҳадя этиш — олийжаноб фазилат. Аммо шарти шуки, бу мол-дунё ҳалол меҳнатдан топилган ёки қонуний мерос бўлсин. Бировнинг мол-мулкини талаб ёхуд турли найранглар, ҳаром йўллар билан мол орттириб, кейин унинг бир улушини садақа қилиш — бу саховат эмас. Бундай мол ҳаромдир ва бундай «саховат» жавонмардликка ҳеч тўғри келмайди. Жавонмард ўғрилар, каззоблар, порахўрлар ахлоқидан ҳазар қилади. Иккинчи тарафдан, фақат мол-дунё беришнинг ўзини саховат демаганлар. Саховат — аввало қалб саховати, меҳру шафқатдир, ҳалол ва покиза юриб, ҳалол хизмат

билан кишиларга ёрдам кўрсатишдир. Шундай қилиб, жавонмардлик ва ҳалоллик, ростгўйлик эгизак тушунчалардир.

Албатта, кишиларга моддий ёрдам кўрсатиш — олий ҳиммат. Ҳотами Тойи бунинг тимсоли бўлган. У ҳеч нарсани ҳеч кимдан аямаган. Унинг саҳийлиги, ҳиммати ҳақида ўнлаб ҳикоят ва ривоятлар бор. Лекин Алишер Навоий «Ҳайрат ул-аброр» дostonида Ҳотам зиёфатиға бормасдан, саҳрода тиканаклар йиғиб, уни бозорға олиб бориб сотиш билан ўз маошини таъминлаган дарвеш ҳимматини Ҳотам ҳимматидан баландроқ кўяди. «Ҳотам миннатини тортгандан кўра, ўз меҳнатим билан ҳалол яшашим афзалдир», — дейди дарвеш. Бунда улуғ шоир Ҳотам саховатини камситмаган ҳолда тамагирликни, текинхўрликни ва қоринғамида бойлар, сармойдорларға мутеъ бўлишни мазаммат этади. Зеро, жавонмардлар саховати тамани, гадойликни, бунинг орқасида бўладиган тилеғламалик, ялтоқлик, риёкорлик каби хунук одатларни рад этади. Мард инсон қаноатни ўзига пеша қилиб, нафс учун паст кетмаслиги керак. Агар сармойдор ҳар қанча саҳий бўлса ҳам, бироқ ундан ҳадеб нарса сўраш, тама қилиш инсон шаъниға номуносиб. Ундан кўра ўз меҳнати билан қаноатда яшаш афзал, қаноат — улуғ давлат, қаноат — ҳимматнинг пойдевори!

Шундай қилиб, фугувват қуйидаги рукнларни ўз ичига олади:

— муҳтож кишилар, мискин дарвешларға беғараз ва беминнат моддий ёрдам кўрсатиш;

— амалий иш, тадбир ва чора қўллаб, бошиға мушкул тушган кишининг мушкулини осон қилиш, ҳожатини чиқариш;

— дардға чалинган кишиларни бепул даволаш, ҳар хил тиббий ёрдам кўрсатиш;

— қийин аҳволда қолган, йўлини йўқотганларға қўлдан келганча тўғри маслаҳат бериш, йўл топишға кўмаклашиш;

— ота-онасиз гўдаклар, етимларни парвариш қилиш, тарбиялаш;

— мусофирлар, меҳмонлар ҳурматини жойиға қўйиш, уларни ҳар жиҳатдан хурсанд қилиш;

— қалб қўри билан ёшларға илм бериш, одамларға ўз ҳунари, илми ва касбини қизганмасдан ўргатиш;

— қийин руҳий аҳволға тушганларни, бенаволарни меҳрибонлик, раҳм-шафқат билан парваришлаб ҳаётға қайтариш;

— силаи раҳмға амал қилиш, яъни қариндош-уруғ, ота-она ва фарзандлар аҳвалидан хабар олиб туриш, уларни севиш ва муҳтож бўлсалар ёрдамни аямаслик;

— тариқат биродарлари, пиру устозлар ҳурматини жойиға қўйиш, уларнинг орқасидан ёмон гап гапирмаслик, шаъну шарафи, номусини ҳимоя қилиш;

— Ўз миллати, эл-улуси манфаати, шарафини ҳимоя қилиш, Ватан хавф остида қолганда, барча истеъдоди, молу жонини сарфлаб бўлса-да, қаҳрамонликлар кўрсатиш, Ватан учун жон фидо этиб, унинг мустақиллиги, озодлигини сақлашга эришиш. Дин ва мазҳаб — эътиқод учун курашиш ҳам шунга киради.

Керакли жойда ҳақ гапни айтиб, ҳақиқатни барқарор этиш, ноҳақлик ва фитна-фасод, зулмни фош этиш ҳам футувватга киради. Чунки ноҳақликни кўриб-билиб, жим турадиган одамлар кам эмас. Улар зулмкорлардан кўрқадилар ёнки бирор кори ҳол бўлмасин, манфаатимга зарар етмасин, деб андиша қиладилар. Натижада зулму ситам аҳли ўзларини эркин ҳис қиладилар, беҳаёлашиб, қутуриб кетадилар. Кишиларнинг мансабидан, куч-қудратидан кўрқмай, улар йўл қўйган ноинсофликни юзларига айтиш керак, бу инсоннинг олий фазилатларидан биридир. Демак, инсоф ва ҳақгўйлик жавонмардлик талабларидандир; фикр жасорати, эътиқодда мустаҳкам туриш мардлик хислатларидан бўлиб, бундай одамларни халқ ҳам, дўсту душман ҳам ҳурмат қилади. Ибн Батута «Сафарнома» асарида келтирган Самарқанддаги жоме масжидининг имоми Ҳисомиддин ал-Ёғий билан султон Тармаширин орасидаги муносабат бунга яхши мисолдир. «Бир куни мен пешин намозини адо этиш учун масжидга бордим, — деб ҳикоя қилади Ибн Батута, — аммо султон ҳали йўқ эди. Унинг маҳрамларидан бири намоз ўқиладиган гиламчани келтириб, одатда султон ибодат қиладиган жойга ёйиб қўйди ва Ҳисомиддин ал-Ёғийга мурожаат этди: султонимиз таҳоратни тугалламагунига қадар намозни бошламай кутиб турар экансиз, у шундай деб буюрди. Имом ўрnidан туриб, деди: «Намоз Худо учун ўқиладими ёки Тармаширин учунми?» У муаззинга намозни бошлашни буюради. Султон масжидга кириб келганда икки ракат намоз ўқиб бўлинган эди. Шунда у икки ракат намозни қолган жойидан адо этди. У намозни одамлар ўз пойафзалини ечиб қолдирган жойда, масжид остонасида ўтириб ўқиди, намознинг ўқилмай қолган қисмини ҳам тугатиб ўрnidан турди, имомга яқин келиб, у билан қўл олишиб сўрашмоқчи бўлиб жилмайди. Мен эса имомнинг ёнгинасида турар эдим. Сўнгра султон менга қараб шундай деди: «Сен ўз мамлакатингга қайтиб борганингда ҳатто энг камбағал форс ҳам турклар султонига қандай муомала қилишини айтиб бергил». (Ибн Батута, юқоридаги асар, 70-бет).

Араб сайёҳи бу ҳикоя орқали Ҳисомиддин ал-Ёғийнинг эътиқодни, шариятни пок сақлашдаги жасоратини кўрсатиш баробарида султоннинг мардлиги, камтарин ва олийжаноблигини ҳам таъкидламоқчи бўлади. Султон имомга ғазаб қилиши, уни қатл этиши ҳам мумкин эди, лекин Тармаширин чин мусулмон сифатида иш кўради, ҳақгўй шайхга озор бермайди. Ушбу шайх, Ибн

Батутанинг ёзишига қараганда, «султондан ҳеч бир совға олмасди, ҳеч қачон унинг таомини тановул этмасди, у тухфа қилган кийим-кечакни киймасди, чиндан ҳам у Аллоҳнинг тақводор бандаси эди». Шунга қарамай, султон Ҳисомиддин ал-Ёғийни ҳурмат қилган, унинг орқасида туриб намоз ўқиган.

Ҳа, маънавияти юксак одамлар одил ва жасур бўладилар, улар Ҳақнинг ердаги вакилига айланиб, бошларига қилич келса-да, эътиқод-имонларини сотмайдилар. Тарихда бунга мисоллар кўп.

Хуллас, жавонмардлик тариқати мўмин-мусулмонлик, илму ҳикмат эгаси бўлиш, сидқу сафо бобида жонбозликлар кўрсатиш экан, бунда руҳий-ахлоқий етукликка катта аҳамият берилган. Чунки одам ғоят ақлли, жуда катта истеъдод соҳиби бўлиши мумкин. Лекин агар у маънавий жиҳатдан тарбия кўрмаган бўлса, комилликка даъво қилолмайди. Ақлий етуклик маънавий етуклик билан қўшилиши керак. Ахлоқан пок инсоннинг ақли эзгу ишларга сарфланади ва, аксинча, ахлоқан нопок одамнинг ақли ёмон ишларга сарфланиб, одамлар бошига ҳалокат келтиради. Худди шу боис аждоларимиз инсоннинг руҳий-маънавий камолотини биринчи даражали вазифа, деб қараганлар ва ахлоқий сифатларни жавонмардлар қондасига айлантирганлар. Ҳусайн Воиз Кошифийнинг тилга олиб ўтганимиз асаарида футувватнинг етмиш битта шарти санаб ўтиладики, бу шартлар аксар ахлоқий талаблардир. Ўқувчиларимизга жавонмардлар ахлоқи нимадан иборатлигини аниқроқ тасаввур қилишлари учун ушбу сифатларни бир-бир санаб ўтишни лозим топдик. Кошифийнинг фикрича, етмиш битта шарт-талабнинг қирқ саккизтаси «вужудий», яъни ижобий хислатлар бўлиб, йигирма, учтаси «азалий», яъни салбий хислатлар ҳисобланади. Жавонмард одам ижобий хислатларни эгаллаб, салбий хислатлардан сақланиши даркор.

Аммо «вужудий» — ижобий хислатлар қуйидагилардир: биринчи — ислом, иккинчи — имон, учинчи — ақл, тўртинчи — илм, бешинчи — ҳилм (ҳалимлик), олтинчи — зуҳд (тақво), еттинчи — вараъ (парҳез), саккизинчи — сидқ, тўққизинчи — карам, ўнинчи — мурувват, ўн биринчи — шафқат, ўн иккинчи — эҳсон, ўн учинчи — вафо, ўн тўртинчи — ҳаё, ўн бешинчи — таваккул, ўн олтинчи — шижоат, ўн еттинчи — ғайрат, ўн саккизинчи — сабр, ўн тўққизинчи — истиқомат, йигирманчи — насиҳат, йигирма биринчи — нафс таҳорати, йигирма иккинчи — олий ҳимматлилик, йигирма учинчи — сирни яшириш, йигирма тўртинчи — раҳмдиллик, йигирма бешинчи — шариат риояси, йигирма олтинчи — амри маъруфни бажариш, йигирма еттинчи — ота-она ҳурматини бажо келтириш, йигирма саккизинчи — ғайрат, йигирма тўққизинчи — устоз хизматида бўлиш, ўттинчи — ҳамсоя ҳаққини адо этиш, ўттиз биринчи — тилга фақат савобга лойиқ каломни келтириш,

Ўттиз иккинчи — қўп билиб, оз гапириш, ўттиз учинчи — ҳамма жойда ҳалолни талаб қилиш, ўттиз тўртинчи — салом одобини сақлаш, ўттиз бешинчи — яхшилар ва поклар билан суҳбатлашиш, ўттиз олтинчи — оқиллар билан суҳбатлашиш, ўттиз еттинчи — шукр қилиш, ўттиз саккизинчи — мазлумларга ёрдам қўлини чўзиш, ўттиз тўққизинчи — етим-есирлар, ёлғиз кишилар аҳволини сўраб туриш, қирқинчи — фикрат ва ибрат кўрсатиш, қирқ биринчи — ихлос билан амал қилиш, қирқ иккинчи — омонатга хиёнат қилмаслик, қирқ учинчи — шайтоний нафсга қарши душманлик кўрсатиш, қирқ тўртинчи — инсоф чизигидан чиқмаслик, қирқ бешинчи — ризо-розилик ҳиссини йўқотмаслик, қирқ олтинчи — касалларни кўришга бориш, қирқ еттинчи — ножинс ва нокаслардан узоқ туриш, қирқ саккизинчи — доимий зикр билан банд бўлиш, яъни Худонинг номини тилдан қўймаслик.

Жавонмард киши учун ман этилган нарсаларга қабиҳ сўз сўзлаш, пир ва устозга қарши гапириш, яхшиларнинг орқасидан гийбат қилиш, бировни мазах-масхаралаш, ғаламислик, шайтонлик қилиш, ёлғон-алдовга берилиш, бойлик тўплашга ружуъ этиш, ҳирс домига тушиш, одамлардан айб қидириш, судхўрлик қилиш, бўҳтон-туҳмат қилиш, зинога йўл қўйиш ва ҳоказолар киритилган.

Кошифий махсус таъкидлайди: «Кимки, мазкур етмиш бир шартдан беҳабар бўлса, футувватдан бебаҳрадир». Муаллиф футувватни бир сермева дарахтга ўхшатади: бу дарахтнинг илдизи пок муҳаббат, танаси тавозуъ, шоҳлари сабру тоқат, япроқлари парҳез, пўстлоғи одоб ва ҳаё, гуллари хушфеъллик ва марҳамат, меваси карам билан саховатдир.

Жавонмард одам халқ озоридан қўлини тортадиган, туҳмат жойларга бормайдиган, ношоиста мажлисларни тарк этадиган, кўриши лозим бўлмаган нарсалардан кўзини беркитадиган кишидир. У ҳам зоҳиран ва ҳам ботинан пок бўлиши керак. «Зино футувват аҳдини бузиш, ҳаромхўрлик эса футувват риштасини узишдир». Жавонмардлик мурувват тушунчаси билан маънодош, чунки афв ва марҳамат, халққа шафқат кўргизиш, кишилар гуноҳини кечиритиш ва иложи борича одамларга яхшилик қилишни кундалик одатга айлантирмоқ олий фазилат ҳисобланган:

Меҳрибон бўл, эй азизим, меҳрибон,  
Меҳрибонлик мардликдандир нишон.

Футувватнинг ўзига хос расм-русумлари, одоб-қоидаси бўлган экан. Масалан, пок эътиқодли, «ўз ҳолида устувор», тама ва ғараздан халос бўлган, илгари тариқат шайхи қўлида тарбия кўрган, риё ва маломатга гирифтор бўлмаган одамни пир деганлар. Шундай олийҳиммат, саховатли инсон мурид тарбиялаш ҳуқуқига

эга бўлган. Ихлос билан тариқат йўлига кирган мурид эса ўз иродасини шайх иродасига бўйсундириб, маърифат мақомларидан баҳраманд бўлади — камолотга эришади. Мурид риёзат чекиш, ўқиш-ўрганиш, тоат-ибодатдан эринмаслиги, ўз шайхининг йўлини маҳкам тутиши керак. Аммо футувватчилар пирга қўл беришдан ташқари, шадд устози (вафо белбоғини шогирд белига боғловчи киши) ва нақиб, яъни «аҳд отаси» олдида қасамёд қилиб, бир умрлик аҳду паймон этишлари шарт бўлган. Нақиб — мурид бўладиган истеъдодли ёшларни танлайдиган одам. У халқ орасида юриб, футувват ақидаларини тарғиб этади, ёшларни бу ҳаракатга жалб қилади. Кишиларнинг ҳол-аҳволини пайқайдиган, руҳшунос одамларни тариқат аҳли нақибликка муносиб деб ҳисоблаганлар. Нақиб аҳд отаси ҳисобланиб, тариқат фарзандини аҳду паймон или билан боғлайди, яъни аҳд отаси талабгор йигитга қараб: «Бизнинг аҳдимизни қабул қилиб, ҳалқамизга кирдинг, энди шайтон амрига кирмайсан ва макруҳлардан парҳез қиласан», — деб айтади. Толиб эса: «Ҳалқангизга кирдим ва минбаъд хилоф иш қилмасликка аҳд қилдим», — дея қасамёд этади. Бу маросим хонақоҳга шайх ва тариқат биродарлари гувоҳлигида амалга оширилган. Шундан кейин бўлажак фатий устоз қўлига топширилган. Устоз шогирд белига аҳду вафо белбоғини боғлайди.

Бу маросим қуйидагичадир: аввал покиза кенг бир жой танланган, тариқат биродарлари, шайх ва нақиб йиғилишиб ўтирганлар. Шайх жойнамоз устида ўрталикда ўтирган, аҳд отаси шайхга рўбарў ўтирган. Мажлисга бир коса сув, туз ва беш пиликли шамни келтириб қўйганлар. Талабгор футувватга кириш шартларини айтиб аҳду паймон қилгандан кейин, устози ўрнидан туриб, уни чап томонидан ушлаб, шайхга юзланади. Шайх фарзанд-муриднинг қўлини олади ва уни тавба қилдиради. Шайх шундан кейин белбоғни елкасидан тушириб, чап қўлига олади. Кейин белбоғни гилам устига оҳиста қўйиб, хутба ўқийди. Хутба тугагач, футувватномада зикр этилган қоида ва талабларни айтиб, фарзандга эшиттиради. Ана шундан сўнг шадд устози ўрнидан туриб, иккала қўлини белбоғ остидан ўтказиши. Аввал ўнг қўлини белбоғ остига юборади ва кўрсаткич бармоғини белбоғ остида тутиб туради. Шу ҳолатда фарзанд қулоғига зарурий сўзларни айтади ва белбоғни фарзанд белига боғлайди. Кейин тузли сувни мажлисда ҳозир бўлганларга ичирадилар ва агар маҳсус пиширилган «хуфия холваси» тайёр бўлса, ундан ҳам татиб кўрадилар. Белбоғ «фарзанд» белида уч кунгача ечилмасдан туради. Уч кундан кейин у устоз олдида келади ва устоз унинг белидаги белбоғини ечади.

Бу футувват маросимларининг бир қисми, холос. Шогирд, яъни ҳалқага қабул қилинган фарзанд белбоғни ва хирқани (дарвешлар тўни) покиза жойларда эҳтиёт қилиб сақлаши, булғамаслиги керак.

Ҳар бир шайх муридларининг ўз белгилари, рамзий ранглари, тимсоллари бўлган. Биров кўк, биров яшил, биров зангори рангдаги тўн ёки қулоқ кийиб, шу орқали қайси шайх сулукига мансублигини билдирган. Маросимларга қўйилган беш пиликли шам, сув, туз, ҳолванинг ҳам рамзий маънолари бор. Масалан, сув — ёруғликни, туз — фаровонликни, чироқ — қалб нурини, ҳолва — дўстлар оғзини ширин қилиб юришни англатган.

Футувват аҳлининг олоби ҳам ўзига хос. Ҳар бир касб эгасининг махсус одоби бор. Чунончи, томоша кўрсатувчилар одоби, газалхонлар одоби, девор урувчилар одоби ва ҳоказо. Бундан ташқари, ҳамма амал қилиши лозим бўлган умумий қоидалар ҳам ишлаб чиқилган. Масалан, жавонмард сафарга чиққанда нопок одамлар билан юрмаслиги, ножўя ишлар бўладиган жойларга бормаслиги керак. Бундан ташқари, касал кўришга бориш одоби, меҳмондорчилик одоби, кўчаларда юриш одоби, салом бериш одоби ва ҳоказолар мавжуд. Чунончи, касб-ҳунарга эга бўлиш одоби хусусида Кошифий бундай ёзади: «Билгилки, дарвеш ҳалол ва покиза касб билан шуғулланиши керак, чунки касб тариқатнинг зарурий шартларидандир. Зеро, умр ўтказишга зарур восита (маош) ҳосил бўлмагунча киши осойишта бўлмайди. Ва агар киши ўз касби билан зарурий нарсаларни муҳайё этмаса, одамларни ранжитади, азобга қўяди».

Хуллас, футувват — мардлик тариқати, ўзаро ёрдам, мурувват ва меҳрибонлик кўрсатиш, фидойилик ва фидокорлик илмидир. Жавонмард одамнинг сўзи ҳам, иши ҳам, нияти ва фикрлари ҳам пок бўлган. Улар халқимиз ахлоқини тарбиялашда катта хизмат қилдилар. Жавонмардлар ахлоқи бизнинг миллий ахлоқимизга айланиши керак, чунки футувватнинг кўп жиҳатлари одамларимиз орасида то ҳануз яшаб келмоқда. Кишиларимизнинг меҳмондўстлиги, одамоҳунлиги, мардлиги ўша ажодлар удумининг меросий давомидир. Яхшилик қилиш, бировнинг ҳожатини чиқаришдан яйраб-яшнаб кетадиган, борини бошқалар билан баҳам кўрадиган одамлар ҳозир йўқ дейсизми? Улар бор, улар кўп. Уларнинг ҳиммати, шарофати туфайли ҳаётимиз файзли ва баракалидир. Албатта, ўзим бўлай деб, ҳаром йўллар билан бойлик орттираётганлар ҳам анча. Лекин, мен аминманки, халқимиз қалбидаги саховат ва маънавий олийжаноблик хислатлари ўзимбўларчилик майлидан устундир. Ахир тасаввур қилинг: агар ҳар бир одам ўзгалар учун интилса, бошқаларнинг ғамини еса, унда бутун жамият бир-бирига ёрдам берадиган, бир-бирини қўллаб-қувватлайдиган саховатли, мард ва пок одамлардан ташкил топиб, ҳаётимиз яна ҳам файзли, нурли бўлмайдими? Сиз бировга яхшилик қилсангиз, у бошқа бировга яхшилик қилади. Шу тариқа, хайру барака, эзгу одатлар тантана қилиб боради. Аждодларимиз шу улуг мақсадга бел боғлаб яшаганлар ва дунёга ном таратган эдилар. Кошки биз ҳам шунга муносиб бўлсак...



## МОҲИЯТ — ИНСОН УЧУН КУРАШМОҚ

Тасаввуф ғоялари... Кўп тармоқли, кўп қиррали, баъзан бир-бирига зид, аммо қизиқарли, турли йўналишдаги мазҳабу силсилалар қарашларини бирлаштирувчи беҳудуд фикрлар олами. Бир ёқдан Куръону Ҳадис мағзи, илми калом, мўътазилийлар, ашъарийлар, «ихвон ус-сафо» жамлаган фалсафа, иккинчи ёқдан Зардушт ва Будда, Афлотуну Арасту ғоялари, юнон мутафаккири Платиннинг пантеизми. Боз устига, қадимий Шарқ адабиётининг инсонпарварлик ғоялари, шоҳлик ва адолат, мулк ва тенглик, хайру шарр тўғрисида баён этилган пурмаъно ҳикматлар; инсон ахлоқини поклаш, ростлик, рост сўз ва рострафторлик ҳақида ўғит берувчи пандномалар. Буларнинг бари сарчасма бўлиб тасаввуф деган дарёга келиб қўшилган. Бироқ бундан: тасаввуф турли илмларни жамлаган аллақандай эклектик — йиғма таълимот экан-да, деган фикрга келмаслигимиз керак. Тасаввуф хилма-хил оқимлардан, диний-адабий манбалардан ўз мақсадлари йўлида фойдаланган, уларни ўз қарашларига мослаб ривожлантирган. Аммо инсон учун қайғуриш, унинг маънавий камолотини ўйлаш тасаввуфнинг доимий ўзак масаласи бўлиб келган. Тасаввуф тарихида ҳар хил силсила ва тоифалар алмашиб турган бўлса-да, *инсон маънавияти* масаласи ҳеч қачон тариқат аҳли диққат-эътиборидан четда қолган эмас. Айниқса, инсоннинг ботиний олами, ички зиддиятлари, руҳ ва жисм орасидаги кураш сўфийларни кўп қизиқтирган. Улар инсонда икки азалий қарама-қарши куч — раҳмоний ва шайтоний қувватлар борлигини, инсон Аллоҳнинг бандаси сифатида шайтон қутқусини енгиб, раҳмоний фазилатларга эга бўлиши лозимлигини таъкидлайдилар. Инсоннинг ҳаётдаги ўрни, жамият бўлиб яшаш тартибларига ҳам шу мавқедан туриб қаралган; чунончи, ижтимоий низолар, уруш-жанжаллар, мулкий тенгсизликнинг туб моҳияти, бош сабабини ҳам тасаввуф инсон табиати ва сийратидан қидиради, инсоннинг ахлоқини тузатишни унинг табиатидаги салбий, ҳайвоний кучларни маҳв этишдан бошлаш керак, деб тушунтиради. Тасаввуфчилар инсон табиатидаги салбий кучларни умумий ном билан «нафс» ёки «нафси аммора» деб

атадилар ва унга қарши уруш эълон қилдилар. Мол-дунё тўплаш, нафс эҳтиёжига қараб юриш; ҳирсу ҳавас қатъий қораланди, инсонни (демакки, инсониятни ҳам) ноқислик ва фалокатлардан қутқаришнинг бирдан-бир тўғри йўли — нафсни ўлдириб, қаноат билан ҳалол яшаш, руҳ — иродани чиниқтира бориб, инсонда инсонийликни, яъни илоҳийликни тантана эттириш зарур, деб тарғиб қилинди.

Ушбу фикрлар улуғ шайхларнинг «тасаввуф» тушунчасига берган таъриф-изоҳларида аниқ ифодаланган.

«Тасаввуф нима?» деган саволга Шайх Нурий жавоб бериб айтади: «Тасаввуф — нафс лаззатларидан воз кечишдир». Ёки Шайх Сафий Алимшоҳ жавоби бундай: «Тасаввуф — нафс манзилларини босиб ўтишдир». Шайх Рувим сўзи: «Тасаввуф — Худо йўлида нафсдан кечмоқдир». Атоқли сўфий шоир Бобо Тоҳир эса бу маънони янада аниқроқ қилиб баён этган: «Тасаввуф — ўлими йўқ ҳаёт ва ҳаёти бўлмаган ўлимдир, яъни нафсоний-ҳайвоний ҳаётда ўлмоқ ва инсоний ҳаётда яшамоқ». Баъзилар нафсни дайди ит ёки руҳ этагига ёпишган ифлослик, баъзилар эса тўймас аждаҳо ёхуд фириб-найранг тимсоли Дажжолга ташбеҳ берадилар. Ривоятга кўра, Дажжол охир замонда ер остидан чиқиб келади, дунёнинг барча бойликларини кўз-кўз қилиб, одамларни Илоҳ йўлидан оздиради, одамлар Худони ҳам, ўзларини ҳам унутиб, Дажжол орқасидан дўзахга қараб кетадилар. Демак, нафс одамни одамийликдан чиқаради, азим гуноҳларни қилишга сабабчи бўлиб, бадбахт этади. Қуръони каримнинг «Хумаза» сурасида айтилишича, мол тўплашга меҳр қўйиб яшаган одам мол-мулки билан «Худонинг оташида ёниб, нобуд бўлади» (5—6-оятлар). Қуръоннинг кўп оятларида афсонавий хасис бой Қоруннинг фожиали тақдири нафснинг шумлигига мисол қилиб келтирилади. Қорун хасислик тимсоли сифатида адабиётнинг ҳам қаҳрамонига айланган эди (Қорун беҳад кўп олтин жамлаб, ҳеч кимга бермагани учун уни охири мол-мулки билан ер ютган). Воқеан, одамни жаннатдан жудо этган нарса ҳам нафсдир: ривоятга қараганда, Одам Ато шайтон сўзига кириб Худо ман этган буғдой донасини истеъмол қилади ва шу сабаб жаннатдан чиқарилади. Чунки жаннат руҳлар макони, нафс эса руҳни булғайди. Биз динга қарши кураш васвасасига берилиб, бу ривоятни мазах қилдик, ҳажв остига олдик. Ҳолбуки, Қуръонда келтирилган бу ривоят (жумладан, «Бақара» сурасининг 35—36-оятлари), замирида асрлар тажрибасидан ўтган улуғ ҳикмат ётади. Бунда инсонни улуғлаш, унинг аслан пок эканини таъкидлаб, шу покликка қайтишга даъват бор.

Нафс худбинликни, ўзим бўлай фалсафасини туғдиради. Нафс домига тушгандан кейин, киши ҳеч нарсадан тап тортмайди, ҳаром-ҳаришдан ҳазар этмай, бошқалар ҳисобига бўлса ҳам яхши

яшашни ўйлайди. Оқибатда у золим, бераҳм, риёкор бўлиб қолади. Шунинг учун тасаввуф талаб этган тийилиш, қаноат, сабру фақирлик тариқида гап кўп. «Дунёга бир марта келасан, оладиганингни олиб қол», — илгаридан маълум фалсафа бу. Коммунистлар буни: «Мен инсонман, демак менга ҳамма нарса раво», — деб ўзгартирдилар, аммо мақсад ўша: иложини топгин-да, яхши яша, бошқалар билан ишинг бўлмасин. «Ҳамма нарса раво» фалсафасини одамни имону эътиқоддан айириб, юлғичлик ва талон-тарожга фатво беради, ваҳшийлик инстинктини кучайтиради. Охир-оқибатда маънавий таназзул юз беради.

Шунинг учун дин ва тасаввуф одамларнинг ўзаро молу мулк учун курашишини (бунга К. Маркс «синфий кураш» деб ном қўйган) эмас, балки ҳар бир одамнинг ўз-ўзи билан, яъни ўз нафси билан курашишини маъқуллайди ва шунга ҳидоят этади. Нафсининг ёмонлигини англаш — одамнинг ўзини, демакки, илоҳийлик ва эзгуликни англашидир. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳикмати: «Нафси худро ба бадӣ шинохтан — худшинохтан аст» («Ўз нафсининг ёмонлигини таниш — ўзлигини танишидир»). Мансур Ҳаллож ўғли Аҳмад шундай хотира айтади: «Отамнинг сўнги кечаси (яъни ўлимидан олдинги кеча) андин васият талаб қилдим. Дедиким, нафсини бир шуғлға сол, андин бурунки, сени бир шуғлға солғай» (*Алишер Навоий*. МАТ, 17-том, 93-бет). — Нафс сени ўзига тобеъ этгунча, сен уни тобеъ эт — Мансур васиятининг маъноси шу.

Алишер Навоийнинг ўзи эса нафсни инсон боласининг энг ғаддор душмани сифатида таърифлайди.

Сен нафсга қарам бўлиб, асир тушган душманни банд этишинг мумкин, аммо сенинг нафсдан кўра кучлироқ душманинг йўқ, қурбинг етса, уни асир ол, дейди Навоий. Шундай, энг катта қаҳрамонлик, жасорат — бу нафсни енгмоқ. Шу сабаб тожу тахтни тарк этиб, дарвеш жандасини кийган Иброҳим Адҳамни сўфий шоирлар мардлар марди деб алқайдилар.

Шу боис ҳам Туркистоннинг улуғ авлиёси Аҳмад Яссавий нафсни инсонийлик душмани, имон душмани, деб ҳикматларида уни ғазаб билан қоралаган эди. Чунончи:

Золим нафсим ҳеч қўймайин ўйга солди,  
Нафсдин кечиб чин ошиқлар Аллоҳ деди.

Нафс — золим, нафс—қароқчи, ғаддор ғаним. «Девони ҳикмат»да Яссавий нафсни ана шундай таърифлар билан тилга олади. Нафс домига тушган одам гумроҳ ва забундир:

Нафс йўлига кирган киши расво бўлур,  
Йўлдан озиб, тойиб-тўзиб гумроҳ бўлур.

Ётса-қўнса шайтон била ҳамроҳ бўлур,  
Нафсни тепкил, нафсни тепкил, эй бадкирдор!

Нафсдан қутулмасанг, ошиқ ҳам бўлолмайсан, Ҳақ йўлига ҳам киролмайсан, дейди улуғ шоир.

Маълум бўладики, тасаввуф аҳли нафс деганда фақат ейишичишни назарда тутмаганлар (гарчи бу эътибордан соқит қилинмаса-да), бу тушунча кенгайиб, ҳам чуқурлашиб, бойлик, мулк, тож-тахт масалаларига боғланиб кетади. Тасаввуфнинг дунёга, ҳаётга муносабати, эрк, узлат каби ижтимоий ҳодисаларга қараши ҳам шу тушунча асосида аёнлашади.

Сўфийлик ҳаракати, биламизки, асосан феодализм жамиятида тараққий этди, бироқ сўфийлар ўз даврларининг ижтимоий тартибларидан норози эдилар. Одамларнинг мулкдорлиги ва мансабига қараб табақаларга бўлиниши тасаввуф томонидан рад этилди; Мутлақ Илоҳ олдида барча баробар, шоҳу гадо тенг; бутина эмас, фақр йўлига кирган қаноатли дарвеш қадри Илоҳ наздида шоҳдан баланд, чунки дарвешнинг фикру ёди Илоҳ билан, шоҳнинг фикру ёди эса дунё билан банд. Улуғлик — мустаҳкам имонда, ахлоқий поклик ва илоҳий комилликда, молу мулкда эмас, деб чиқдилар тариқат аҳли. Бу ақида ғоят жасоратли ва моҳиятан халқпарвар бўлиб, шаҳар ҳунармандлари, камбағал деҳқонлар, умуман, бенаво кишиларнинг, айниқса, «чархи кажрафторнинг жабрини чеккан» кулфатзада донолар, фозилу уламоларнинг қараши, кайфиятини ифодалар; шоҳ ва вазирларнинг чексиз ҳокимиятини оз бўлса-да, назорат қилиш, улар устидан ҳукм юртишга изн берарди. Бежиз эмаски, тарихда биринчи марта фақат тасаввуфгина шоҳлик ҳокимияти ва шоҳлар ахлоқини Адолат талаби асосида муҳокамага қўйди, зулм ва зўрликни халқ позициясидан туриб аёвсиз танқид остига олди. «Бил буниким, сен дағи бир бандасен, ўзгасидин ожизу афгандасен», дейди Навоий «Ҳайрат ул-аброр»да шоҳга қараб. Ҳолбуки, шоҳлар ўзларини «зилли Илоҳ», яъни Аллоҳнинг ердаги сояси, ҳар қандай танқиддан, эътироз-муҳокамадан холи кишилар, деб ҳисоблаганлар. Буни ўз туғролари, муҳр ва фармонларида қайд этганлар. Сарой шоирлари эса бу унвонларни ўн карра кўпиртириб, ўз ҳомийларини мақтаганлар. Обрў-нуфузли шайхлар, тасаввуф аҳли мамлакат тақдири учун жон куйдириб, шоҳлар сиёсатига аралашганлар. Тарихда бунга мисоллар кўп.

Амир Темур ҳақида ҳикоя қиладиган «Темурнома» деган китобнинг лебочасида келтирилишича, Бухоро хони Маликшоҳнинг раиятга жабру зулми ҳаддан ошиб кетади. Шунда Шайх Сайфиддин Бохарзий унинг ҳузурига бориб, зулмингни тўхтат, бўлмаса, ўзинг ҳам ҳалок бўласан, деб қуйидаги рубоийни ўқийди:

То чанд бувад зулму жафо кардани ту,  
Пайваста дили халойиқ озурдани ту?  
Гар ту накуни тарки жафо, эй золим,  
Гуфтам туро: хуни ту дар гардани ту!

(Қачонгача зулму жафо қиласан, халойиқ кўнглини ранжитганинг ранжитган. Эй, золим, агар жафо қилишни тарк этмасанг, сенга шуни айтиб қўяй: сенинг хунинг ўз бўйнингда!) (Мазкур китобнинг бир нусхаси Алишер Навоий номидаги Республика миллий кутубхонасида сақланмоқда, биз ўшандан фойдаландик). Сайфиддин Бохарзийнинг бу сўзи башорат бўлиб чиқади: Маликшоҳ ўз одамлари томонидан ўлдирилади. Бохарзий айтган мазкур рубой Шайх Саъдий «Гулистон»ида тасвирланган «мустажобуддава» (дуоси ижобат бўладиган) дарвеш тилидан мана бу китъага нақадар ҳамоҳанг:

Эй забардасти зердастозор!  
Гарм токай бимонад ин бозор?  
Ба чи кор оядат жаҳондорий?  
Мурданат беҳ, ки мардумозорий!

(Эй қўл остидагиларга озор бергувчи ҳоким! Қачонгача бу бозоринг қизийди? Жаҳонга эгалик қилишинг нимага арзийди? Халққа озор бергандан кўра ўлганинг яхши!) Дарвеш бу сўзларни золимликда ном чиқарган Ҳажжожга қараб айтади.

Ҳасан Басрий, Жунайд Бағдодий, Абдуллоҳ Ансорий, Аҳмад Яссавий, Абул Ҳасан Харақоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Абдурахмон Жомий, Хожа Аҳрор Валий, Маҳдуми Аъзам Косоний ҳам кўп марта шоҳ ва амирзодалар, ҳокимларнинг ноҳақ ишларига қарши чиққанлар, эзилган, муҳтож кишиларнинг тарафини олганлар.

Энди савол туғилади: хўш, нафсни, дунёни тарк этган, фақат Илоҳ ёди билан нафас олган одам ҳам яшаши керакку, ниманинг ҳисобига кун ўтказган улар?

Аввало шуки, сўфийлик удумида жуда оз нарса билан қаноат қилиш шарт қилиб қўйилган эди. (Шом сўфийлари заранг ёнғоғини ўғирда туйиб, ёввойи арпа уни билан қўшиб, атала пишириб еб юрганлар, деб маълумот беради Адам Мец). Иккинчидан, қўлидан иш келадиган ҳар бир сўфий фойдали меҳнат билан шуғулланган, унинг учун фақат ўз меҳнати билан топилган нон ҳалол ҳисобланган. Шайх Зуннун Мисрий — кимёгар, Сирри Сақатий — савдогар, Абу Саид Харроз — этикдўз, Шайх Муҳаммад Саккокий — пичоқчи, Шайх Абу Ҳафс Ҳаллод — темирчи, Шайх Абул Аббос — қассоб, Шайх Абул Ҳасан — пардозчи, Шайх Баннон — ҳаммол, Мирчаи сафолфуруш — хумдон ясовчи эди, Хожа Баҳоуд-

дин Нақшбанд — кимхобга гул нақшлаган (шунинг учун «Нақшбанд» лақабини олган), Баҳоуддиннинг пири Сайид Амир Кулол — кулолчилик қилган ва пахса урган. «Луқма ҳиллияти», яъни луқманинг ҳалоллиги шу тариқа таъминланган. Шайхлар атрофидаги дарвешлар ҳам биргалашиб қўргонлар қурганлар, вақф ерларни ишлаганлар, боғдорчилик, чўпонлик билан машғул бўлганлар. Хуллас, Алишер Навоий «Насойим ул-муҳаббат» асарининг муқаддимасида қайд этганидай, «Ал-Косибу ҳабибуллоҳ» (косиб Аллоҳнинг дўсти) деган ҳадисга амал қилган сойир машойихи кибордин ҳам кўпи ҳалол луқма касбига муздурлук (мардикорлик) қилибдурлар, ўтин ташибдурлар ва ҳалол луқма бу ишда куллийдурки, андин файз ва маърифат зоида бўлур» (*Алишер Навоий*. МАТ, 15-том, 68-бет). Бундай улуғсифат кибор шайхлар тамани ёқтирмаганлар, кўплари ҳатто шоҳу амирларнинг туҳфасини ҳам қабул қилмаганлар ва бою амалдорларнинг мол-мулкани ҳаром деб эълон қилганлар. Бироқ кейинчалик бу қатъият, сарватдорлар дунёсидан ўзни олиб қочиш анча юмшалади. Сўфийлар илгаригидай «луқмаи ҳалол» тамойилини сақлаган ҳолда, саховат ва футувват ғоясини ҳам кенг тарғиб қила бошладилар. Натижада тоифалар, яъни сўфия жамоатлари билан сарой аҳли, ер-мулк эгалари бирмунча яқинлашди. Хусусан, XIV—XV асрларда бу жараён тезлашган. Энди шайхлар қатта-қатта туҳфаларни оладиган бўлдилар, хонақо ва рабоблар ҳисобига ўтказилган вақф ерлар, молу мулк кўпайди. Бу ҳол шунга олиб келдики, бир томондан, текин яшашга ўрганган сохта дарвеш-қаландарларнинг сони кўпайган бўлса, иккинчи томондан, муҳтож одамларга қарашиш, маърифат-маданиятни ривожлантириш имконияти вужудга келди. Гап шундаки, софдил машойихлар туҳфа-инъомлар ҳисобига йиғилган маблағ ва ер-мулкни ўзига хос хайрия жамғармаси деб қараб, уни энг зарур жойларга ишлатар эдилар. Хуросон ва Мовароуннаҳр музофотидаги вақфия ерларнинг ҳужжатлари бунга далилдир (Жумладан, Навоийнинг «Вақфия» асари ҳам). Назаримда, Хожа Аҳрор Валийнинг афсонавий миқдордаги мол-мулки ҳам мана шу тартибда асосан мадраса ва хонақоларни таъминлаш, етим-есирларни боқиш учун сарфланган.

Бу ўринда яна бир нарсага диққатни қаратмоқчимиз, у ҳам бўлса — сўфийларнинг: «инсон — инсоннинг биродари», жумладан, бою камбағал ҳам бир-бирига биродар, деган ғояси мавжуд эди. Бу ғояга кўра, шоҳ ўз раияти, бой кўли остидаги хизматкорлари, хўжа ўз қуллари олдида жавобгардир, улар ўзаро иноқликда яшаши керак ва ишлаб топилган бойлик орада баҳам кўрилмоғи даркор. Шайх Саъдийнинг «Гулистон» асарида шундай қитъа бор:

Бани одам аъзойи якдигаранд,  
Ки дар офариниш зи як гавҳаранд.

Чу узве ба дард оварад рӯзгор,  
Дигар узвҳоро намонад қарор.  
Ту к-аз, меҳнати дигарон бегами,  
Нашояд, ки номат ниҳанд одами.

(Бани одам бир-бирининг аъзоларидир, чунки яратилганда улар бир гавҳардан олинган. Ҳаёт бир аъзони оғритганда қолганлари ҳам зирқирайди. Шунинг учун агар сен бошқалар уқубатидан беҳабар бўлсанг, сен одам деб аталишга арзимайсан!)

Ушбу қитъа кўп тадқиқотларда келтирилади ва деярли бир хил маънода талқин қилинади, яъни: Саъдий Шерозий бу жўшқин инсонпарварона мисралари билан жаҳондаги барча халқларни баҳамжиҳат, дўст бўлиб яшашга чақирган, дейилади. Бундай талқинни бутунлай нотўғри демоқчи эмасмиз, қитъада шундай маънога ҳам ишора бор. Бироқ, агар биз қитъани муаллиф келтирган ҳикоят мазмунидан ажратмасдан олиб қарасак, унда гап амир ва фуқаро, бойлар ва дарвешлар биродарлиги, бир-бирига муҳтожлиги ҳақида бораётганини англаймиз. Ҳикоятнинг мазмуни мана бундай: Саъдий Дамашқ масжиди жомесида Яҳё пайғамбар турбати олдида ўтирганида араб подшоҳларидан бири зиёратга келиб, кучли бир душмандан хавфи борлигини айтади ва дуо қилиб, менга мадад беринг, дея Саъдийга мурожаат этади. Шунда Саъдий унга қараб: «Кучсиз раиятга раҳм қилсанг, кучли душмандан азият чекмайсан», — деб айтади ва раиятга зулм қилиш ўзига зулм қилиш билан баробарлигини подшоҳга уқтириб, жумладан, бояги келтирганимиз қитъани илова этади. Шайх Саъдийнинг хулосасига кўра, бани одам бир-бирларининг аъзоси бўлгандан кейин, гарчи Аллоҳнинг иродаси билан биров шоҳу, биров дарвеш, биров бою, биров камбағал бўлса-да, лекин тананинг бир аъзоси оғриганда бошқалари зирқирагани каби, бенаво дарвеш очликдан нола чекканда, молдор одамнинг ҳам вужуди қақшамоғи керак, унинг кўнглида шафқат уйғониб, дарвешга ёрдам қўлини чўзиши лозим; шоҳ эса раияти билан бир тану бир жондир, улар бир-биридан ажралиб, ўзаро «муҳолиф» бўлганда, мамлакат хароб бўлиши муқаррар. Шу ўринда Жалоллиддин Румийнинг мана бу байтларига диққатингизни қаратмоқчиман:

Подшоҳонро чунон одат бувад,  
Ин шунда боши ар ёдат бувад:  
Дасти чапшон паҳлавонон истанд,  
3-он ки дил паҳлуи чап бошад ба банд.  
Мушрифу аҳли қалам бар дасти рост —  
3-он ки илму хатту сабт он дастрост.  
Сўфиёнро пеши рӯ мавзеъ диҳанд,  
К-оини жонанду зи оина беҳанд.  
Сийна сайқалҳо зада дар зикру фикр,

То пазирад оини дил нақши бикр.  
Ҳар ки, ў аз сулби фикрат пок зод,  
Оина дар пеши ў бояд ниҳод.  
Ошиқи оина бошад рўйи хуб,  
Сайқали жон омада тақвал қулуб.

(«Маснавийи маънавий», 1-дафтар,  
1987 йил нашри, 99-бет).

(Агар эшитган бўлсанг, ёдингдадирким, подшоҳларнинг бундай одати бўлган: уларнинг чап қўлларида паҳлавонлар ўтирган, чунки юрак чап томондадир. Мансабдорлар ва қалам аҳли ўнг томонда ўтирган, чунки илм, хат ва иншо ўнг қўл билан ҳосил бўлади. Сўфийларни эса подшоҳлар кўзгу каби олдиларига юзма-юз ўтказганлар, чунки сўфийлар жон оинаси бўлиб, кўзгудан ҳам афзалдирлар. Зикр ва фикр билан уларнинг сийналари сайқалланган, шу боис уларнинг кўнгил оинаси ҳам мақбулдир).

Демак, подшоҳлар сўфийларга муҳтож, сўфийларга қараб шоҳлар ҳақиқат ва адолат, инсоф ва диёнат андозасини оладилар, кўнгиллари юмшаб зулмдан қўл тортадилар. Шу аснода шоҳу дарвеш мақсадлари уйғунлашиши мумкин.

Шу тариқа, турли ижтимоий мавқега эга одамларни бир-бирларига яқинлаштириш, шоҳу дарवेशни келиштириш (Ҳилолийнинг «Шоҳ ва гадо» достонида улар ҳатто бир-бирларини севади ҳам) ғояси майдонга келган. Бу ғоя илгаридан давом этиб келган ва шеърятда қизгин эҳтирос билан куйланган. Ҳаққа етган дарвеш шоҳдан устун, дарвеш шоҳга эмас, балки шоҳ дарवेशга муҳтож, деган ғояни инкор этадими? Йўқ, инкор этмайди. Шоҳу дарвеш муносабатлари, шоҳларнинг ҳафгўй дарवेशлар насиҳатига қулоқ солиши тасаввуф шайхлари ва гуманист адиблар томонидан мунтазам таъкидлаб борилган. Тариқат аҳлининг умумхалқ фойдасини кўзлаб, хайрия ишлар йўлига эҳсон-инъомлар талаб қилиши, мулкдорларни ўз мулкани бошқалар билан баҳам кўришга даъват этишини эса уларнинг ташқи муҳитга таъсир ўтказиб, мазлумларни ҳимоя қилишга интилишлари деб билмоғимиз лозим. Чунки ўзликдан воз кечиб, ўзгалар ҳолатини чиқариш ғояси — саховат ва футувват тасаввуфнинг азалий талабларидан эди. Сўфийлар бунга ўзлари сўзсиз амал қилиш билан қаноатланмай, бошқаларни ҳам шу йўлга даъват этардилар. «Тасаввуф — бошингда бор (ғайр) фикрларни ташлаш, қўлингда мавжуд нарсани бошқаларга бериш ва бошга нима келса тоқат қилишдир», — дейди Шайх Абу Саид Абул Хайр. Тасаввуф «саховат ва футувват» эканини Шайх Абул Ҳасан Нурий ҳам қайд этган. Тариқат аҳли футувват, карам, тавозуъ, ҳаё, садоқат, шафқат, вафо каби тушунчаларни қўшиб, дарवेशнинг ягона ахлоқ кодексини ишлаб чиқдилар. Шу хислатларни ўзида жамлаган киши ахлоқини сўфийлар «ахлоқи маҳмуда»



(мақталган ахлоқ) деб, бунинг акси ўларок, манманлик, ҳирсу ҳавасга берилиш, зулм, золимлик, лаззатпарастлик каби ёмон хулқу хўйни умумий ном билан «ахлоқи мазмума» (мазаммат қилинган ахлоқ), деб юритганлар. Зотан, тариқат аҳли «фано» деганда ҳам жисмоний ўлимни эмас, балки худди шу «ахлоқи мазмума»дан қутулишни назарда тутадилар, чунки бундай ахлоқ нафс туфайли шаклланади ва инсоннинг маънавий камолотига ҳалал беради. Чунончи, эронлик олим Саййид Жаъфар Сажжодий «Мусталаҳоти урафо» («Орифлар истилоҳоти») номли китобиди «фано» сўзини шарҳлаб ёзади: «Фано» калимаси билан мазмума сифатларнинг соқит этилишига ишора қиладилар ва «бақо» калимаси билан маҳмуда сифатлар қиёмига ишора этадилар» (Сажжодий. Мусталаҳоти урафо. Техрон, ҳижрий 1139, 317-бет). Шу муносабат билан атоқли шайхлардан айримларининг фикрларини келтирмоқчимиз. Масалан, Ибн ал-Арабий тасаввуфни тушунтириб деган экан: «Тасаввуф — ёмон ахлоқдан парҳез қилиш орқали илоҳий сифатлар нурига етишишдир». Шайх Ҳаририй ҳам шунга яқин фикрни баён этган: «Тасаввуф — яхши ва олий хулққа кириш ва паст хулқдан чиқишдир». Муҳаммад ибн Али Қассобнинг хулосаси янада ихчам ва аниқ: «Тасаввуф ахлоқи каримадан иборат». Демак, улуғ шайхлар назарида фақат фано эмас, балки тариқатнинг бутун моҳияти инсоннинг ҳамиди ахлоқли бўлишига кўмаклашишдир. Ўқувчида шубҳа туғилиши мумкин: тасаввуфнинг таърифлари орасида зиддият йўқми, юқорида келтирилган иқтибосларда тасаввуф — нафсдан воз кечиш билан илоҳиётга эришиш таълимоти, дейилган эди-ку? Юзаки олиб қараганда, бу таърифлар бир-бирига ўхшамагандай бўлиб туюлиши мумкин, аммо аслида ундай эмас. Чунки Шайх Нурий, Шайх Сафий Алимшоҳ, Шайх Рувим нафсдан қутулиш ҳақида гапирган, Ибн ал-Арабий, Шайх Ҳаририй, Муҳаммад ибн Али Қассоб инсон ахлоқига урғу берган бўлсалар-да, лекин уларнинг ҳаммаси ҳам бир нарсани назарда тутаётгани маълум, у ҳам бўлса инсонни поклаш. Нафс ва ахлоқ бир-бирига вобаста тушунчалар эканини, аниқроғи, киши ахлоқининг яхши-ёмонлиги унинг нафсга муносабатида муайянлашувини кўриб ўтдик. Нафс балосига гирифтор одамда мазмума, яъни ёмон ахлоқий белгилар ривожланса, нафсдан қутулишга интиланган тақводор одамда маҳмуда, яъни намунали ахлоқий сифатлар кўпаяди. Хуллас, яхши одам дунёнинг фоний — ўткинчилигини англаб етиб, шунга қараб ҳаётини қурган, мол-дунё кетидан қувмайдиған, фақат Илоҳни севувчи, илоҳий хислатларни эгаллаган одамдир. Бошқача айтганда, одамийлик — илоҳийликда! Тасаввуф ана шу нуқтаи назарни изчил ривожлантира бориб, унинг белгиларини комил инсон деган тушунчада мужассамлантирди.

## КОМИЛ ИНСОН

Комил инсон — бир идеал, барча дунёвий ва илоҳий билимларни эгаллаган, руҳи Мутлақ руҳга туташ, файзу кароматдан сероб, сийрату сурати саранжом, қалби эзгу туйгуларга лиммолим покиза зот, Навоий тили билан айтганда:

Фонийвашеки, ҳам сўзидур пок, ҳам ўзи,  
Хуш давлат ул кишигаки, тушгай анинг кўзи.

Дейдиларки, унда тўрт малак — Жаброил, Микоил, Исрофил ва Азроилнинг хислати (Азроиллиги — нафсининг қотили эканлиги), Хизрнинг пайғамбарлиги, офтобнинг саховати мавжуд. Унинг кўнгли жоми гетинамодай (дунёни кўрсатувчи жом — қалаҳ) етти фалак ва ўн саккиз минг оламни акс эттириб, ғайб асроридан хабар бериб туради. Уни яна Одил, Оқил, Фозил, Фақр хазинаси, Иксири Аъзам (Улуғ малҳам), Қибрити Аҳмар (мисни олтинга айлантирувчи жавҳар) сифатлари билан тавсиф этадилар. Комил инсон, шундай қилиб, одамзод орзу қилган жамики эзгу хислатларнинг ифодачиси, у гўё Мутлақ Илоҳ билан инсоният ўртасида восита бўлувчи муқаддас хилқат. Бундай мартабага мушарраф инсонларни валиуллоҳ, қибла, қутб, ғавс (мададкор), автод (устунлар), абдол (бадал қилинган) деб ҳам улуғлаганлар. Мўътабар китобларда нақл қиладиларким, дунё шундай зотлар туфайли барқарор ва осойиштадир, ернинг икки қутбида иккита қутби аъзам, тўрт бурчагида тўртта автодлардан, етти иқлимда етмиш иккита абдол доимий кўриқчи бўлиб турар экан, уларнинг бири оламдан ўтса, иккинчиси дарров ўрнини босар экан. Шунинг учун Ер юзида ҳар қанча гуноҳ кўпайиб кетганда ҳам, у зеру забар бўлмасдан, ўз ўқидан чиқиб кетмай тураркан, чунки ана шу азиз авлиёлар бандалар гуноҳини Парвардигордан сўраб турар эканлар.

Бу балки ҳақиқат, балки ривоят — нақлдир, унга ишониш-ишонмаслик ҳар кимнинг ўз иши. Аммо ривоятлар тагида улкан бир ҳақиқат бор. Бу ҳақиқат шундан иборатки, дунёнинг тинчлиги ва фаровонлиги — инсоният бутунлиги ҳақиқатдан ҳам, доно ва оқил, пок ниятли одамлар фаолиятига боғлиқ. Яъни илоҳий поклик

ва нафосат, эътиқод ва тафаккур бизни бало-қазолардан асрайди, ҳаётни авайлаб, сақлаб туради. Тасаввуф уз усули, ҳақиқат деб топган йўли билан шу мақсад сари интилган. Тасаввуф аҳли сиғинган идеал — Комил инсон аслида халқ идеали, адабиёт идеали эди. Бу ҳаётбахш таълимотнинг пешволари яратган асарлар, сўфиёна руҳдаги шеъру дostonларни мутолаа қилар эканмиз, ёруғликнинг зулмга, хайрнинг шаррга, файзу камолнинг нуқсу ноқислик, калтафаҳмлиқ ва нодонликка қарши омонсиз жангига гувоҳ бўламиз. Воқеан, тасаввуф шайхлари, зулм ва қоронғилиқ лашкарига қарши маърифатни қурол қилиб олиб, жангга кирган паҳлавонларга ўхшаб кетадилар (Тустарий: «Маърифат жаҳл-нодонликка қарши жангдир»). Улар Каъба деб кўнгилни тан оладилар, кўнгил раъйига юрадиган, дунёни кўнгил орқали биладиган ва кўнгилга сиғинадиган одам Аллоҳнинг севгани, деб чиқдилар. Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асаридан: «Исмоил Даббос дедиким, ҳаж нияти қилиб, борурда Шерозга етишдим. Бир масжидга кирдим. Шайх Мўминни кўрдимки, ўлтуруб хирқасин ямайду эрди, салом қилдим ва ўлтурдум. Мендан сўрдиким, не ниятинг бор? Дедим: ҳаж ниятим бор. Деди: онанг бор? Дедим: бор. Деди: ёниб онанг мулозаматига бор. Мен элик ҳаж қилибмен — бош яланг, оёқ яланг ва зоду ҳамроҳсиз. Барчасин сенга бердим, сен онинг кўнгли шодлигин менга бер!»).

Бу одамлар — жамиятнинг тирик виждони эдилар. Кишилар уларга қараб ҳушёр тортар, дунё беҳудалигидан ўзига келиб, ўз қалбига, қилаётган ишларига разм солардилар, тавба-тазарру қилардилар. Уларнинг афъолу аъмоли инсонлар дилига қувват, кўзига нур бағишлаган.

Моҳиятан олганда, комил инсон ҳақидаги тушунчаларнинг мухтасар мағзи шундан иборат. Аммо бу ҳақда улуғ алломаларнинг қиймат ва аҳамиятини йўқотмаган қарашлари, фикрлари бор. Комил инсон тасаввуф адабиётида кўп марта тилга олиниб, мунозараларга сабаб бўлган ва бу ҳақда махсус китоблар ёзилган. Шулардан Саййид Абдулкарим Гелоний ва Азизиддин Насафий (XIII аср)ларнинг «Инсони комил» номли рисоаларини махсус тилга олиб ўтиш мумкин. Аслида эса комил инсон тушунчаси биринчи марта Шайхи Кабир номи билан машҳур бўлган Муҳйиддин Ибн ал-Арабий (1165—1240) томонидан муомалага киритилганини қайд этмоқ жоиз. Ибн ал-Арабий наздида комил инсон — бу ақли аввал ёки нафси аввал, ақли кулл тушунчалари билан маънодошдир. Чунки Тангри таоло илоҳий нурдан илк марта Ақли-аввални яратди ва унинг сурату шаклини Комил Инсон қиёфасида зухур этди. Шунинг учун «Халақаллоҳу Адама ала суратир-Раҳмон» (Аллоҳ одамни Раҳмон суратида яратди) деган ҳадис мавжуд. Комил инсон, шу тариқа, Аллоҳнинг Раҳмону Раҳим сифатларига

эга бўлди, дейдилар (*Саййид Содиқ Гуҳарин*. Шарҳи истилоҳоти тасаввуф, 1-жилд, 125-бет).

Ибн ал-Арабийнинг фикрича, комил инсоннинг ердаги тим-соли ҳазрат Пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоху алайҳи васалламдирлар. Ул зот вужудларида ақлий, руҳий камолот, дунёвий ва илоҳий билимлар жамулжам эди. Пайғамбаримиз халқ ва Ҳақ муқобилида турардилар ва орада восита эдилар. Шундай бўлгач, ҳамма одамларни ҳам ва, ҳатто, анбиё ва авлиёларни, донишмандларни комил инсон деб аташ жоиз эмас. Ва агар Пайғамбардан ўзга зотларга нисбатан бу сифат айтилар экан, буни шартли таъриф ёинки шу улуғ мартабага ҳурмат-эҳтиром белгиси сифатида қабул қилиш керак. Саййид Абдулкарим Гелоний фикрига кўра, ҳар бир инсон иккинчисининг ўрнини босадиган нусхадир ва бир-бирининг қаршисида турган кўзгу кабидир. Битта одамдаги хислат ва сифат иккинчисида акс этиб туради. Аммо фарқи шундаки, бу аксланиш баъзиларда феъл-ҳаракат бўйича бўлса, баъзиларда қувва, яъни хислат-хусусиятлар билан намоён бўлади. Демак, истеъдод ва қобилият, хусусият ва сифатига кўра бир-бирига ўхшаш одамлар беҳад кўп. Буларни умумий ном билан халқ, одамлар, кишилар деб қўя қоламиз. Бирига қараб иккинчисининг хулқу атвори, даражасига баҳо бера оламиз. Аммо шундай комил ва акмал кишилар борки, улар камолотда нафақат ўзга одамлардан, балки бир-биридан ҳам кескин фарқланиб турадилар. Буларни анбиё ва авлиё деб атаймиз. Буларнинг ҳам даражалари бор: баъзилари комил, баъзилари акмал, бир қисми фозил, яна бир қисми афзал, яна бир гуруҳи эса афзалу акмалдирлар. Саййид Абдулкарим Гелоний мазкур таснифни айтиб, яна қўшиб қўяди: «Комил инсон, воқеан, Муҳаммад саллаллоху алайҳи васалламдир ва қолган анбиёю авлиёнинг камолоти унга нисбатандир, худди фозилнинг афзалга нисбатидай».

Шайх Омулий дейдиким, ҳақгўй олимларнинг фикрига қараганда, олам Комил инсон ҳақиқати туфайли барқарордир, зеро фалаклар унинг нафаси билан айланурлар, мулку малакут ундан таълим олурлар. Шундай мартабада Комил инсонни Ҳақнинг кўзгуси дейдилар. Ҳақ таоло ўз исми ва сифатларини фақат комил инсонда кўради. Шунини ҳам таъкидлайдиларки, Комил инсонгина Ҳақ қудратининг буюклиги, чексизлигига гувоҳ бўла олади.

Ибн ал-Арабий, Шайх Омулий ва Абдулкарим Гелоний қарашларига диққат қилинса, Комил инсон бир кайҳоний вужуд бўлиб кўринади, унинг сифатлари ердаги фоний одамлар сифатига, аниқ шахслар хислатига ўхшамайди. Унда биз жамики ғайритабиий кучларнинг мажмуини мушоҳада этгандай бўламиз. Бу ерда, албатта, жисмоний куч ҳақида гап бормайди, зотан, илоҳиёт ҳақида гап борганда жисмоний куч эътиборли эмас. Чунки холиқият

яратган жисмлар илоҳий қудрат олдида арзимас ва ожиз суратлардир. Комил инсон булар назарида оламларни эгаллаган, оламларга, барча жонзотлар ва инсонларга таъсир эта оладиган, инсониятни бошқарадиган бир Буюк руҳдир, Маънавий — Ақлий қудратдир. Шу мазмунда уни Аллоҳнинг халифаси — ўринбосари дейиш мумкин. Қуръони каримда инсонга берилган таърифлар ҳам Комил инсонга берилган таърифлардир. Ҳамма одамларга нисбатан «Валақад каррамно бани Одама» (Одам болаларини мукаррам қилиб яратдик) ва «Лақад халақнал инсана фи аҳсани тақвим» (Дарҳақиқат, инсонни чиройли қоматда яратдик) оятларини қўллаб бўлмайди.

Аммо Шайх Азизиддин Насафийнинг «Комил инсон», «Мақсади ақсо», «Зублат ул-ҳақойиқ» номли ва бошқа рисолаларида комил инсон масаласи бирмунча бошқача ёритилган. Унда бу тушунча инсоннинг пайдо бўлиши, тараққиёти, мартабалар топиши билан боғлиқ ҳолда олиб қаралади. Натижада биз Азизиддин таърифларида айнан ҳаётий одамга хос белгилар, ахлоқий сифатларни ҳам кўрамиз. Яна шуни ҳам айтиш керакки, Насафий исломдаги бир нечта илмнинг инсонга бўлган қарашлари ва муносабатини чоғиштиради, инсонни кайҳоний вужуд сифатида ҳам, ер махлуқоти сифатида ҳам таҳқиқ ва талқиқ этади. Насафийда комил инсон руҳ тушунчаси билан зич алоқада текширилади. Инсон мартабалари руҳ мартабалари сифатида олиб қаралади. Шу учун умумий тушунчалардан конкрет тушунчаларга ўтиб туриш бор. Бунинг сабабларидан яна бири Азизиддин Насафийнинг камолотни уруж (кўтарилиш) ва нузул (тушиш) назарияси асосида тушунишидир. Бу назария, ўз навбатида, улуғ олам ва кичик олам тушунчалари билан боғланиб кетади. Чунки Насафий Ибн ал-Арабийга қўшилиб, инсонни олами суғро (кичик олам), илоҳий олам ва моддий оламини биргаликда олами кубро (улуғ олам) деб атайди. Улуғ оламдаги жамики нарса ва хусусиятлар кичик оламда мавжуд, дейди у. Шу тариқа, инсон юқори олам — олами кубронинг кичрайтирилган нусхаси ҳисобланади.

Азизиддин Насафий комил инсонга таъриф бериб ёзади: «Билгилки, Комил инсон деб шариат ва тариқат ва ҳақиқатда етук бўлган одамга айтадилар ва агар бу иборани тушунмасанг, бошқа ибора билан айтайин: билгилки, комил инсон шундай инсондирким, унда қуйидаги тўрт нарса камолга етган бўлсин: яхши сўз, яхши феъл, яхши ахлоқ ва маориф».

Насафий санаган сифатларнинг дастлабки учтаси, яъни яхши сўз, яхши феъл, яхши хулқ Зардушт китоби «Авесто»дан олингандир («Гуфтори нек, кирдори нек, рафтори нек»). Бу сифатлар билан зийнатланган одам ёлғон, риё ва бадкирдорликдан чекинади, ҳамма вақт эзгу ният билан эзгу ишларга тайёр туради.

Азизиддин Насафий яхши ахлоқ ҳақидаги Зардушт ояти ёнига «маориф», яъни тасаввуфий покланиш талабини қўшиб қўйган. Унинг фикрича, тариқат йўлига кирган солиқларнинг вазифа-мақсади ушбу тўрт фазилатни эгаллашдир. Кимки «ўзида шу сифатларни камол топтирса, у камолга эришади».

Насафийнинг мазкур таърифидан иккита хулоса келиб чиқади. Бири шуки, олим назарида комил инсон ҳаётдан ташқари бўлган аллақандай мавҳум зот эмас, балки реал одамдир. Яхши сифатларни эгаллаб борган одам шундай мартабага кўтарила олади. Иккинчи хулоса шуки, Насафийга кўра, комил инсон мартабаси тариқат ва риёзат йўли билан қўлга кирадиган юксак мартабадир.

Шайх Азизиддин Насафийни комил инсон илмининг назариёт-чиси дейиш мумкин, чунки унинг барча асарларида бу мавзу марказий ўринни ишғол этади. Китобхонларимизда дурустроқ тасаввур ҳосил қилиш учун олимнинг асарларидан бир қанча иқтибосларни таржима қилиб келтирмоқчимиз.

Жумладан, Шайх Азизиддин Насафий ёзади:

«Мулк, малакут ва жабарут оламларида комил инсон учун ҳеч нарса яширин қолмайди. У ашёларнинг ўзини ва хусусият-ҳикмати батомом биледи ва кўриб туради. Одамлар коинотнинг қаймоғи ва хулосаси ҳамда мавжудот дарахтининг меваси бўлсалар, комил инсон одамлар мавжудотининг қаймоғи ва хулосасидир. Мавжудот ҳам сурат ва ҳам маънода бир бутун ҳолда комил инсон назари остидадир. Чунки кўтарилиш (уруж) ҳам сурат ва ҳам маънода мавжудот томонидандир. Эй дарвеш, Худони таниб, дийдорига мушарраф бўлган комил инсон учун халққа наф келтиришдан кўра фойдалироқ иш ва яхшироқ тоат йўқдир. Ва унинг учун энг улуғ роҳат бирор иш, бирор-бир сўз билан бу дунёда кишиларнинг мушқулини осон қилиш, оламнинг балофитналаридан сақланишга ёрдам бериш, охиратда эса мағфират топишга кўмаклашишдир».

«...Эй дарвеш, комил инсон халқ орасида ростликни қарор топтириш ва ёмон расму одатларни халқ орасидан кўтариш ва халқ орасига яхши, хайрли қоида-қонунларни жорий этиш ва одамларни Худога даъват қилиш ва охиратни мадҳ этиш ва дунёни ёмонлаш ва дарвешликнинг фойдасини кишиларга тушунтиришдан кўра афзалроқ тоатни билмайди. Шу йўл билан одамлар қалбида дарвешликка меҳр уйғотади ва бойлик билан шаҳватга нафрат пайдо қилади... халқни бир-бирига мушфиқ-меҳрибон қилади, токи одамлар бир-бирларига озор бермасинлар ва бир-бирларини суясинлар. Ва одамларга бир-бирларининг тинчлиги, омонлигини сақлашни буюрсин, токи одамлар ҳам тил билан, ҳам қўл билан бир-бирларини қўлласинлар ва бунга аҳд қилсинлар, бу аҳдни бузмасинлар ва агар бузсалар имонсиз бўладилар».

«...Билгилки, ғайб оламидан келадиган ҳар бир бало ва ато (марҳамат) шаҳодат оламига етишдан олдин комил инсон қалбида пайдо бўлади ва барча ҳолатлар унга маълум бўлади, бошқалар тушида кўрган нарсани у ўнгида кўради... Ғайб олами буюк бир уқёнус бўлса, комил инсон қалби шу уқёнус ўртасидаги оинаи жаҳоннамо кабидир. Уқёнус, яъни ғайб оламида пайдо бўладиган жами ҳодисалар комил инсон қалбида акс этади ва комил инсон ундан хабардор бўлади. Кимки комил инсон ҳузурига кирса, унинг дилидаги нарсалар комил инсон қалбида кўрина бошлайди».

«...Одамлар орасида комил инсон бор бўлгани учун жами мавжудот одамларга сажда қиладилар. Бас, барча одамлар комил инсон туфайли мавжуддирлар. Мавжудот ичра комил инсондан кўра улуғроқ ва донороқ нарса йўқ, чунки мавжудотнинг энг пастидан энг аълосигача бўлган мартабалар комил инсон мартабаларидир, комил инсон мавжудот хулосаси ва қаймоғидир ва малоикалар улуғидан кичигигача ва аршу курси ва самовот ва юлдузлар—ҳаммаси комил инсон ходимларидирлар ва ҳамиша комил инсон теграсини тавоф этадилар ва комил инсон ишларини тартиб билан бажариб турадилар...»

«Эй дарвеш, кимки уруж ва нузул доирасини тугатган бўлса, у кичик оламни тугатган бўлади ва инсонийлик мақомининг ниҳоясига етган бўлади ва у комил бўлади. Ва ҳар кимки кичик оламни тугатса, улуғ оламда Худонинг ноийби ва ҳалифаси бўлади. Энди унинг иши (вазифаси) бошқалар ишини охирига етказишдир. Ҳар кимки кичик оламнинг (мартабаларини) гамом қилмаган бўлса, у улуғ оламда Худонинг ноиби ва ҳалифаси бўлолмайди. У бу оламда пешво бўламан деб ҳар қанча тиришмасин, бунга эришмайди».

«...Комил инсон оламнинг сирридир ва олам қутбидир, чунки у илм муҳити — денгизидир. Ҳар кимни ўз жойида сақлайдилар ва кўрадилар. Ва одамлар ҳаммаси комил инсон теграсида айланадилар. Фалаклар ва юлдузларнинг иккита қутби бор ва шу қутблар атрофида айланадилар, бу қутбларининг бири шимолий, иккинчиси жанубий. Одамларнинг ҳам иккита қутби бор бўлиб, шу қутблар атрофида айланадилар. Буларнинг бири — доно инсон, иккинчиси — тавоно (қучли) инсондир. Агар бир киши ҳам доно ва ҳам қучли бўлса, иш унга осон бўлади».

«...Комил инсоннинг камоли ва улуғлигини эшитдинг, энди шуни ҳам билгинки, комил инсон шунча камолот ва улуғлиги билан қудратсиздир. Ва у номурод-бахтсиздир, у мурасасозлик билан умр ўтказди. У илм, ахлоқ жиҳатидан комилдир, аммо қудрат ва мурод жиҳатидан ноқисдир<sup>1</sup>. Анбиё, авлиё, султонлар

<sup>1</sup>Насафий «у қудрат ва мурод жиҳатидан ноқисдир» деганда, инсон умрининг ўтқинчилиги, инсоннинг охир-оқибатда ғазову қадарга бўйсунганини назарда тутди. Чунки инсоннинг истақлари амалга ошмайди, унинг вужуди фоний, дунё нотекислиги, адолатсизликларни тузатишга у ожиз. Комил инсон ҳам Илоҳ қудрати олдида ожиз...

ва подшолар кўп нарсаларни истардилар, аммо истаганлари бўлмади. Лекин кўп нарсани истамасдилар, бироқ улар содир бўлди. Баъзи комиллар одам боласи орзу-мурод билан қудрат ҳосил қилолмагани, ҳаракат қилиб, истагига етолмаганини, оқибатда бахтсиз кун ўтказишини кўриб, бунинг иложини тополмай, ахири тарки дунё қилдилар ва тоат билан фароғат топдилар...»

Комил инсон ҳақида юқорида баён этилган фикрларни ўзаро жамласак, қуйидаги хулосалар келиб чиқади:

— Комил инсон — инсонларнинг энг мукаммали, энг оқили ва энг доноси.

— Комил инсон Илоҳ билан одамлар орасидаги воситачи, илоҳий амр, гайб асрорини оддий одамларга етказувчи улуғ ҳомийдир.

— Комил инсон мартабада Ақли кулл (Ақли аввал)га тенг. Аллоҳ аввал Ақли куллни, яъни Комил инсонни яратди, кейин у туфайли бошқа махлуқотлар яратилди.

— Комил инсон руҳи азалдан маълум, у Тангри таоло яратган энг қудратли руҳдир.

— Комил инсон шу сифатлари билан мутлақ илоҳий хислатларни жамлаган кайҳоний мавжудликдир, у агар оддий инсон суратида кўринса ҳам, лекин маънан коинотни қамраб олган ҳамиша бедор ва ҳамма нарсадан хабардор бир зотдир.

— Шу мартабада у Аллоҳнинг халифаси бўла олади.

— Комил инсон инсонлар жамияти ичидан етишиб чиқадиган мўътабар зотдир. У азалдан мартабаси аниқ бўлган руҳ эмас, балки ахлоқий-маънавий покланиш жараёнида камолга эришгандир.

— Шу учун ҳар бир пок ахлоқли, илоҳсевар шахс комилликка интилиши ва бу йўлда насиба олиши мумкин.

— Комилликнинг олий белгиси Ҳақ йўлидан бориб, халққа фойда келтиришдир. Киши ўз сўзи, амалий ишлари, нияти билан одамларга қанчалик наф келтирса, ёмонларни тўғри йўлга солса, Ҳақ йўлида фидо бўлса, у шунча комилдир.

Ушбу қарашлар гарчи бир-бирига зид бўлиб туюлса-да, аслида моҳиятига кўра бир-бирига яқиндир. Яъни бу ерда инсоннинг камолоти, буюклигини тан олиш, инсон ва Коинот, инсон ва Илоҳ, инсон ва Мавжудотни ўзаро вобаста, алоқадор деб ҳисоблаш бор. Қарашлар орасидаги фарқ эса шундан иборатки, ақли шарият тушунчасига кўра, инсоннинг қобилияти ва майллари азалдан маълум, яъни Аллоҳ таоло тақдири азалда белгилаб қўйган. Пайғамбарлар, авлиёлар, донишмандлар руҳи бошиданоқ юқори оламда маълум эди, бу руҳларнинг мартабалари аввалдан белги-ланган эди, дейди шарият аҳли.

Аммо ҳикмат аҳли ва тасаввуф аҳли фикрига кўра, инсонга фаолият учун инон-ихтиёр берилган, у ҳаракат қилиб, комиллик



касб этиши, ниятларига этиши мумкин (муайян чегарагача). Шайх Азизиддин Насафий «Зубдат ул-хақойиқ» номли рисоласида ёзади: «Одамларнинг сўзлари ва фаолият учун олдиндан белгиланган ўлчовлар йўқ. Билим ва бойликка эга бўлиш одамнинг саъй-ҳаракатига боғлиқ, одам қанча кўп ғайрат қилса, билими ва мол-мулки шунча ортади».

У яна ёзади: «Ваҳдат аҳлининг фикрича эса, уруж (кўтарилиш, тараққиёт)нинг чегараси йўқ. Агар қобилиятли одамнинг умри минг йил бўлса, барча умрини тоату тақвода ўтказса, у ҳар куни илгари билмаган бирор нарчасини билиб олади, зеро Тангри ҳикмати ва маърифатининг чек-чегараси йўқ». Азизиддин Насафий яна бир қизиқ фикрни баён этган: бутун Борлиқ — мавжудот ҳаракатдадир, лекин бу ҳаракатдан мақсад инсон мартабасига эришишдан иборат, яъни жисмлар, ўсимликлар, ҳайвонлар инсонга тақлид қилади, инсон даражасига кўтарилиш учун интилади. Олим буни «одамийлик хислатига эга бўлиш учун... сафарда бўлиш» деб атайди. Худди шу каби «одамий ҳам сафардадир — ҳаракатдадир. У ўз моҳиятига эришмагунча тинмайди, у ўзини танимагунча, ҳамида хислатларга безанмагунча камолот сари интилаверади».

Азизиддин Насафий камолотнинг белгиси сифатида икки нарсани асос қилиб олган. Бунинг бири — ҳамида ахлоқ бўлса, иккинчиси — ўз-ўзини таниш. Шу икки асоснинг бор ёки йўқлигига қараб у одамларни уч қисмга ажратган. Биринчиси ҳамида ахлоқий хислатлар билан безанмаган ва ўз-ўзини танимаган одамлар. Иккинчиси ҳамида ахлоқий хислатлар билан безанган, аммо ўз-ўзини танимаган одамлар. Учинчи ҳамида ахлоқий сифатлар билан безанган ва ўз-ўзини таниган одамлар. Олимнинг назарида ана шу кейинги — учинчи тоифа одамлар комил инсонлардир: «Бинобарин, инсоннинг камолотга эришиши ҳамида ахлоққа эга бўлиш ва ўз-ўзини таниш билан амалга ошади».

Энди ҳамида (мақталган) сифатлар нимадан иборат эканини ҳам аниқроқ айтиб ўтайлик. Шариат аҳли наздида ҳамида ахлоқ — бу беш вақт намозни канда қилмайдиган, бошқа фарзу амалларни ҳам сўзсиз бажарадиган мўмин-мусулмон, солиҳ одамдир. Комил мусулмон деганда ана шундай кишилар назарда тутилади. Ҳикмат аҳли эса илму донишда етук одамларни комил деганлар. Албатта, ҳикмат аҳли ҳам тақво ва имонни, инсонсеварликни назардан соқит қилмаганлар. Аммо тасаввуф аҳли илму дониш, тақво ва мустаҳкам имон, солиҳлик баробарида яна риёзат билан қўлга кирадиган жуда кўп сифатлар, чунончи аноният (манманлик), нафс ва ҳирсни тарк этиш, ростгўйлик, ҳалоллик, собит ва собирлик, Худодан рози-ризо бўлиб яшашни ҳам талаб қилганлар. Булар ҳақида олдинги бобларда тўхтаб ўтдик. Тасаввуф аҳли ҳам, шариат аҳли ҳам ҳазрати Пайғамбарни комил инсон намунаси сифатида

тан олганларини айтган эдик. Лекин тасаввуф аҳли валийлар, орифларни ҳам комиллар қаторига қушадилар, яъни Насафий айтгандай, ўзлигини таниган, башарий сифатлар ўрнига илоҳий сифатларни касб қилиб ололган шахслар комиллардирлар. Авлиёларга хос хислатларни Алишер Навоий «Насойим ул-муҳаббат» асари сўзбошисида махсус санаб ўтади. Чунончи: биринчиси — тавба, иккинчиси — ҳалол луқма билан қаноатланиш, учинчиси — ўз касбидан топиб кун ўтказиш, тўртинчиси — шариатга риоя қилиш, бешинчиси — тариқат одобини сақлаш, олтинчиси — ўзини барчадан кам деб билиш, ҳатто фарзандлари, хизматкорларига қўполлик қилмаслик, еттинчиси — чучук тилли бўлиш, саккизинчиси — раҳмдил бўлиш, тўққизинчиси сахий бўлиш, ўнинчиси мард бўлиш, ўн биринчиси — ҳалимлик, хушхулқ бўлиш, ўн иккинчиси ризо-розилик билан кун ўтказиш, ўн учинчиси — сабрли бўлиш, ўн тўртинчиси — садоқатли, вафоли бўлиш, ўн бешинчиси — риёзат чекишдан қўрқмаслик, ўн олтинчиси — хориқулудда хислатлар кўрсатиш...

Шу тариқа, комил инсоннинг ўзига хос ахлоқ кодекси ишлаб чиқилган бўлиб, бу сифатларга эга бўлиш ҳар бир одамнинг орзу-армони деб қаралган. Бундан яна шу ҳам маълум бўладики, ўрта асрлардаги яхши ахлоқ, комил инсон ҳақидаги тушунчалар нисбий хусусиятга эга — бир томондан, жами руҳий-маънавий қудрат, ақлу заковат, яхши сифатларнинг жамулжами ҳисобланган мавҳум бир зот тушунчаси, иккинчи томондан шу чўққига интилиб, муайян мартабаларга эришган киши ҳам комил инсон деб ҳисобланган. Аммо масала қандай қўйилишидан қатъи назар, комил инсон ҳақидаги ғоялар катта ижтимоий-ахлоқий аҳамиятга эга бўлди, инсонни шарафли қилиб эзгулик ва Буюк Хайр руҳида тарбиялаш, меҳру муҳаббат, вафо ва садоқатни кучайтиришга хизмат қилди. Ҳар замон, ҳар лаҳзада инсонларга уларнинг инсонлигини эслатиб, ёвуз, қабих, ишлар, ножўя қилиқлардан сақланишга қўмаклашди, имон ва виждон биносининг пойдор бўлишини таъминлади...

Тасаввуф, шундай қилиб, ўзига хос усул билан инсонни тарбиялар, уни шак-шубҳа, изланиш-қидиришлар йўлидан бошлаб, ўз хилқати, ўз моҳияти ҳақида ўйлашга ўргатарди, инсонга ўзини таниб, оламни ва Илоҳни севишни таълим берарди. Дунё ишларига беларво осойишта қалбнинг фазовий мушоҳадалари, тафаккур ва хаёл парвози, коинот қатламлари билан яширин суҳбат қуриб, руҳий коинотларнинг ажабтовур мўъжизалари, ҳикмат ва дониш неъматидан баҳраманд бўлиш — тариқат аҳлининг саодати шу эди.

## ТАСАВВУФ ВА БАДИЙ ИЖОД

Тасаввуфнинг Шарқда кенг тарқалишига боис, унинг араб, форс ва гуркий тилларда буюк бир шеърятни вужудга келтирганидир. VIII—XI асрларда Робиа Адавия, Мансур Ҳаллож сингари улуғ сўфийлар ижоди билан бошланган сўфиёна ашъор X—XII асрларга келиб улкан бир адабиётга айланди, ўзига хос образлар, тимсоллар олами, алоҳида рамзлар, услуб ва усуллар шаклланди. Олимлар тасаввуфнинг адабиёт билан яқинлашиш сабабларини кўпроқ сўфийларнинг рақсу самоъ мажлислари билан боғлайдилар. Бироқ, айтиш керакки, сабаб фақат шундан иборат эмас. Тўғри, тасаввуф шайхлари муридларига таъсир этиш учун рубойи, ғазал каби кичик шеърый жанрлардан фойдаланганлар. Баъзан ўзлари сўфиёна ғояларга мос асарлар ижод қилиб, аксар ҳолда эса халқ орасида юрган оғзаки ижод намуналари ва машҳур шоирларнинг шеърларидан фойдаланиб, суҳбатларини қизитганлар, сўзларга янги маъно бериб, сўфиёна ғоялар руҳида талқин ва тафсир қилиб, эшитувчиларни ҳаяжонга солганлар. Бу — масаланинг бир томони, яъни тасаввуфнинг адабиётга интилиши. Аммо масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Гап шундаки, адабиёт ҳам тасаввуф томонга қараб интилган. Тасаввуф ғоялари кенг тарқалгандан кейин у гуманист шоирларнинг қалбини ром этди. Тасаввуфнинг пок илоҳий ишқ ҳақидаги, Ҳақ ва ҳақиқат, нажиб инсоний хислатлар, камолот касб этиш ҳақидаги ғоялари шеърят ғояларига айланди — шоирлар қизгин бир руҳ, кўнгил амри билан ирфоний ғояларни куйладилар, ҳисобсиз лирик шеърлар, жаҳонга машҳур дostonлар, қиссалар яратилди. Тасаввуфнинг беҳудлик ва ишқ концепцияси, софлик, адолат ва ҳақиқат тимсоли — Мутлақ илоҳга муҳаббат завқи ижод аҳлига қаттиқ таъсир этди, инсоният гами билан қалби дардга тўлган исёнкор руҳдаги шоирларни бир оҳанрабодай ўзига тортиб, ўртанишли, ҳис-ҳаяжонга сероб ажойиб шеърятни вужудга келтирди. Бу шеърятнинг марказий қаҳрамони — ринди бебок, Мансур Ҳаллож эътиқодига имон келтирган, ўзини баркамоллик чўққисиди кўрган, руҳан озод киши эди. Унинг завқи, изтироб-кечинмалари, хаёлий романтик оламга интилиши махсус

ифодалар ва кўп маъноли рамзий иборалар билан тасвирланадиган бўлди.

Сўфиёна адабиётнинг тасвир мавзуи (объекти) тариқат йўли билан покланаётган ва тинмай комиллик сари тараққий этаётган Инсон бўлгани учун ана шу солик — йўловчи Инсоннинг дунё-қараши, эстетикаси, кечинмалар олами муҳим аҳамият касб этиб келган. Тасаввуфий адабиётнинг барча кўринишлари, жанрларида ана шу солик Инсоннинг туйғулари, тушунчаси тасвирга олинади, уни тарбиялаш, унга Ҳақни ва ўзлигини тушунтириш, турли ривоят ва ҳикоятлар келтириш, ўғит-насихатлар қилиш билан унинг онги ва қалбига йўл топиш бош масала қилиб олинади.

Тасаввуф ўзи Буюк бир романтик оламдир. Оламни Мутлақ Парвардигорнинг ижоди деб қараш, дунёни Илоҳнинг кўзгуси деб тушунтириш ва барча гўзалликлар, қудратни Илоҳдан деб ҳисоблаш, Борлиқни романтик рангларда, шоирона ҳаёлий сурат — тимсоллар тарзида, илоҳий нурнинг порлашидан доимий ҳаракатда ва ижодда деб тасаввур этиш — ўзи бир Буюк Поэзия. Жами гўзалликлар, яхшилиқлар, эзгуликлар манбаи Мутлақ Илоҳ. Қудрат ва куч, ҳаракат ва фаолият ҳам Ундан. Дунёдаги жами ҳусну жамол — Унинг жамолининг акси. Инсон гўзаллиги Унинг жамолининг жилваси, бу Жамол оламда қанча кўп жило этган бўлса, у шунча гўзал бўла олади. Инсон руҳининг гўзалликка, нафосатга ташналиги Илоҳ гўзаллигига ташналик оқибатидир. Яна бунинг ичида моддий гўзаллик ва маънавий гўзаллик, ғоя ва фикр гўзаллиги ҳам ажралиб, эътиборга олинади. Хуллас, гўзалликдан мақсад тафаккур гўзаллиги, маънавий гўзалликни англамоқ, олий жавҳар—Руҳий азалига монанд нарсаларнинг гўзаллигини қабул қилмоқдир...

Гўзаллик идеали, қудрат идеали, поклик идеали, абадийлик идеали — жами идеаллар идеали Унинг Ўзи. Ҳайрат ҳам Ўшандан, ғайрат ва шижоат ҳам, ҳаёт нафосати ҳам Ундан. Жонли ва жонсиз ҳар бир нарсада, ҳаётнинг ўзида Илоҳ қудратини мушоҳада этиш, Унинг гўзаллигидан ҳайратланиб, жўшиб, олам-олам завқ олиш, Илоҳни ёри азиз, дўст деб билиб, Унга сиғиниш, суяниш, Унга рози дил айтиш — мана сўфий шоирнинг эстетик дунёси, ҳаёт мазмуни!

Кўринадики, сўфийларда реал моддий дунё гўзаллиги инкор этилмади (гарчи дунё ва унинг бойлигига бўлган салбий муносабат сезилиб турса-да), балки реал моддий дунё ўз-ўзича қимматли эмас, деб қаралади. Қадрият ва арзирли нарса, сўфий назарида, бу — руҳ билан, Илоҳ билан боғлиқ нарсадир. Ҳаёт ҳам руҳнинг фаолиятдан иборат. Руҳсизлик — хунуклик, ўткинчилик, фонийлик. Ҳар қандай ўткинчи нарса қимматга молик эмас, жумладан, дунё ҳам. Абадий нарса руҳдир ва шу сабаб у қимматлидир, гўзалдир.

Тасаввуф ва бадиий ижод деганда фақат сўз санъатини назарда тутмаймиз. Тасаввуф ўз мусиқаси, тасвирий санъати, рақс санъатини ҳам яратди ва, ҳатто, сўфиёна театрлар пайдо бўлди. Биргина самоънинг ўзида ҳам шеъринг, ҳам рақс, ҳам кўшиқ, мусиқа иштирок этади. Кўпгина самоъ мажлислари театрлашган томошага айланар эди, фақат сўфийларнинг ўзи эмас, атроф жавонибдаги кишилар ҳам бу томошаларни йиғилишиб кўрганлар. Масалан, «Нафаҳот ул-унс» асарида Шайх Абу Саид Абул Хайр мажлисларига ҳатто хотинлар келиб, томларга чиқиб томоша қилгани ёзилади.

Тасаввуф билан бадиий ижод орасидаги яқинликни сўфийлар ва ижодкорларнинг руҳан яқинлигидан ҳам изласа бўлади. Биз юқорида сўфийлик истеъдоди — «жазба» ҳақида гапирган эдик. «Жазба» — бу ишқ, илоҳий жунун. Киши қалбида Илоҳни билиш муҳаббати, Унга етишиш завқи шу қадар кучли бўладики, у ўзини тўхтатиб туролмайди. Ҳамма нарсани унутиб, Маҳбуба жамолига талпинади. Бу — улуғ ва мукаррам бир Дард эканини ҳам таъкидладик. Ана шу дард — жазба тушунчаси дарвешлик билан шоирликни, кенг маънода эса, тасаввуф билан ижод хусусиятларини бир-бирига яқинлаштиради. Яъниким, дарвешлик истеъдоди, ғайритабиий хислатга молик бўлиш шоирларга ҳам хосдир, демоқчимиз.

Туғма истеъдодли ҳар бир шоир қалбида ориф инсоннинг эътиқоди, пок ниятининг шамъи ёққ ва ҳар бир илоҳсевар, риёсиз ҳақиқий дарвешнинг юраги шоирона ҳаяжон, илҳому ваҳийлик эҳтироси билан ҳаракатда. Ориф дарвеш пайғамбарона руҳи билан Хайр ва Эзгуликни элга тухфа этса, шоир бунга тоза туйғулар, оташин сўзи кучи билан амалга оширади. «Ҳақиқий диндор шоир сўфий бўлиши керак», — деб ёзган эди тариқат аҳли ҳаётини ўрганган араб олими Ал-Жоҳиз (вафоти 869 йил). Бунинг баробарида машҳур шайхларнинг аксари ажойиб рубоий ва ғазаллар ёзгани, шеъринг девонлар мерос қолдиргани ҳам тарихдан бизга маълум. Алишер Навоийнинг фикрича, шоирда дарвешлик хислати бўлмаса, унинг истеъдоди улуғ мақсадга хизмат қилолмайди, балки шу учундир у шоирлик ва дарвешлик истеъдодини мужассам этган кишиларнинг кўпини «Мажолис ун-нафойис» асарида келтириб, махсус таъкидлаб ўтган. Унинг ёзишича, ҳар бир зиёли зоҳирий илмлар (дунёвий фанлар) билан бирга, ботиний илм (тасаввуф)ни ҳам эгаллаши лозим, бу унинг фазлу камолини оширади, хушахлоқ, ҳалим ва одамшаванда бўлишга кўмаклашади. Бунга у Паҳлавон Муҳаммад, Саййид Ҳасан, Мавлоно Муқимий, Мавлоно Буружий, Хожа Юсуф Бурҳон, Хожа Ҳазар Хизршоҳ ва бошқа бир қанча дарвешваш фақир одамлар мисолида кўрсатиб ўтган. Бу одамлар сўфийлик билан ном чиқарган бўлсалар-да, аммо яхши-

гина таблари ҳам бўлган. Чунончи, Хожа Юсуф Бурҳон «фақр ва фано тариқида сулук қилур эрди жамики аҳли туруқнинг (*тариқатнинг — Н.К.*) соҳибтариқи эрди ва мусиқий илми ҳам яхши билур эрди, кўпроқ ўз шеърига мусиқий боғлар эрди». Амир Қосим Анвор бўлса, «рутбаси шоирлик поясидан юқорироқ», яъни валийлар зумрасига мансуб, аммо айна шу хусусият унинг «равишини пок ва ашъорини оташноқ» этган. «Ер фариштаси» деб эъзозланган Абул Вафо Хоразмий «кибор авлиёдандур», шу билан бирга у тасаввуфга оид китоб таълиф этган, ажойиб куйлар чалган, рубоийлар ёзган. «Турк ва сорг орасида» фақру фанода тенгсиз Саййид Ҳасан ҳақида: «Тасаввуфда таъби ҳўб эрди», — деб ёзади Навоий. У Хожа Ҳофиз, Ҳусрав Деҳлавий, Мавлоно Лутфий ва Алишер Навоийнинг ўзининг ашъоридан юзлаб байтларни ёд билган, нозик ва латиф табиатли киши бўлгани, кўнгли юмшоқлигидан «дардмандона сўздин ва назмдин ва нағмадан мутаассир» бўлиб, атрофдагиларни ҳаяжонга келтирган. Алишер Навоий сўфий қалби билан шоир қалбининг бир-бирига йўлдош ва ҳамроз эканини кўп кузатган, сўфийларнинг табиати, ботиний дунёси шеър у нағма, куй-мусиқага ташналигини кўрган. «Басо аҳлуллоҳким, арғунун унидин дайрға кирди ва дину ислом нақдин муғбачаларға бой берди», — дея хулосалайди у кузатишларини «Маҳбул ул-қулуб» асарида. Бунинг ажабланадиган жойи йўқ, шекилли, чунки тариқат ўз ақидалари билан руҳ илми эканлиги жиҳатидан *ижод психологиясига* яқиндир. Сўфийнинг ҳолга кириш лаҳзасини ижодкорлардаги «илҳом ташриф буюриши» ҳодисаси билан тенглаштира бўлади. Сўфиёна завқу сурур, вазду самоъ ижод аҳлининг илҳомли дамлари, яратиш завқи қайнаб тошган даврига ўхшаб кетади. Дарҳақиқат, ижод завқи ва сўфиёна завқ инсон руҳий ҳолати нуқтаи назаридан бир хил нарса. Бежиз эмаски, тариқатда ижодга мойил, қалбида илоҳий ишқ жўш урганлар кўпроқ муваффақият қозонганлар. Шоирлик истеъдоди билан солиқларда бу дард шеър бўлиб қуйилиб келган — ҳақиқий валийлик юз берган. Жалолиддин Румийнинг ҳаётини эсланг: у тариқат сулуқини бекаму кўст бажарган бўлса-да, лекин то Шамс Табризий билан учрашиб, суҳбат қурмагунга қадар шеър ёзмаган, ҳолбуки унинг ёши қирққа яқинлашган эди. Шамс Табризий таъсирида унинг қалб кўзи очилиб, буюк шоир ва буюк сўфийга айланди. Яссавий, Аттор, Машраб ҳам аслида жазба теккан, яъни илоҳий «девоналик»дан бонасиб одамлар эдилар. Уларнинг ғайриодатий, мажнунона хулқ-атвори атрофдагиларни ҳайратга соларди (Машрабнинг «девона» лақабини олгани шундан), бунинг устига улар пирга қўл бериб, руҳий чиниқиш азиятларидан ҳам хабардор эдилар.

Яна бир ҳодисани таъкидлаб ўтмоқчимиз: тасаввуфни соф назариётчи олимдан ва шайхлардан кўра, шоирлар чуқурроқ идрок

этганлар, улар маърифат асрори, «илм ул-ғайб»нинг мушоҳада ва мукошифасида мўъжизалар кўрсатганлар. Этибор қилинг, ваҳдат ул-вужуд таълимотининг асосчиси шайх Ибн ал-Арабий яхши шоир ҳам эди, у «Фусус ул-ҳикам» («Ҳикмат гавҳарлари») ва «Футухот ал-Маккия» («Макканинг очилиши») номли машҳур асарларининг кўп қисмини шеър билан битган, яъни ўз назарий фикрларини фалсафий истилоҳлар орқали тушунтиришга қийналиб қолганда асосий муддаони шеърий сатрлар ёрдамида изҳор этган. Робиа Адавия, Мансур Ҳаллож, Абдуллоҳ Ансорий, Абу Саид Абул Хайр, Паҳлавон Маҳмуд ҳам шу усулдан фойдаланганлар. Хайём, Румий, Жомий, Бедил, Иқбол тасаввуфнинг жуда куп нозик назарий масалаларини жаҳоншумул шеърий асарлар воситасида шарҳу баён этганини яхши биламиз. Чунки тасаввуф ғояларини ақлий-назарий мушоҳададан кўра ҳиссий-образли тафаккур билан тушунтириш осон. Воқеан, тасаввуф ақл билан дунёни билиш мумкинлиги, мантиқий тафаккурни тан олса-да, аммо унинг асосий қуроли — савқи табиий, яъни интуиция. Маърифат кўнгилга нур бўлиб куйилади, дейди аҳли дил. Шунга ўхшаш шоирлик ҳам ғайбдан келадиган неъмат, покиза қалб илҳомидан туғиладиган кўнгил каломи. Токи дил илоҳий дарддан ғулғулага келмаса, ноқисликдан ларзага тушиб исён қилмаса, илоҳий лисон — шеър туғилмайди. Хожа Ҳофиз бир ғазалида: «Мен шеър тўқимайман, мен Илоҳнинг тили бўлиб куйлайман», — деганда, шу ҳолатни кўзда тутмадимкин? Балки шунинг учун бу шоирни «лисон ул-ғайб» — ғайб тили деб улуғлагандирлар?! Ва шунга биноан, тасаввуфдаги «бедорлик», «беҳудлик», «хилват», «узлат» тушунчалари ҳам барчадан кўра ижод аҳлига яқин ва тушунарлидир.

Сўфий дарвешлар, шу тариқа, ижод аҳлига яқинлашиб бордилар ва, иккинчи тарафдан, ижод аҳли ҳам тасаввуф томон интилдилар. Сўфий жамоалари орасида «ринд»лар, зоҳиран ўзларини беҳуд, бепарво қилиб кўрсатувчи, ботинан эса мутафаккир ва закий бўлган, дунёнинг нобаробарлигидан, адолатсизликлардан зада кишилар алоҳида ажралиб турарди, улар бирига рози дил айтиш, ҳасратлашиш учун йиғинлар уюштирдилар. Бундай йиғинларда илму адаб аҳли ҳам иштирок этарди, риндлар одатига мувофиқ меъёрида шароб ичиб, сархушлик қилиш, эркин-озод ҳолда туйғулар тизгинини қўйиб юбориб, куйкўшиқ, шеърхонлик «базми жамшид»ини тузиш расм бўлган. Алишер Навоий «Маҳбуб ул-қулуб» асарида «ринди бодапараст»ларнинг ахлоқини баён этиб, уларни Худо ошиқлари, Ҳақнинг севган бандалари, деб таърифлайди. Риндлар даврасининг ўз шоирлари, ҳикоячи латифагўйлари, созанда-ю мутриблари бўлган. Шеър ва мусиқанинг инсон руҳига таъсир этиш кучини сезган тасаввуф шайхлари хонақоҳлардаги йиғинларда бундан фойда-

ланишга интилганлар. Айниқса, самоъ йиғинларини қизитишда шеър ва мусиқа жуда қул келарди. Маълумки, жамоа-тоифа бўлиб яшаш, пир-муридлик одобини сақлаб, тонготар суҳбатлар қуриш, илоҳиёт асрори ҳақидаги баҳсу мунозара мусулмон Шарқининг бутун қадимий маданий марказларида қурилган кўп сонли хонақоҳ ва зовияларда тўпланган фақру фано аҳли ҳаётининг мазмунини белгиларди. Хонақоҳларда «самоъ» (арабча: эшитиш) мажлислари уюштириш, шеър ва рақс базминини ташкил этиш одат тусига киради. Хусусан, суфра — беҳудлик концепциясини ёқлаган сўфийлар бунга ўч эдилар. Улар: сўфий учун асосий нарса вужуднинг борлигини унутиш, ҳол мақомини эгаллашдир, самоъ шу руҳий ижтиҳод қиёмини кучайтиради, деб ҳисоблардилар. Суса шаҳри сўфийлари мажлисида иштирок этган тарихчи Ал-Муқаддасий ёзади: «Баъзан сўфийларга кўшилиб қичқирардим, баъзан уларга қасидалар ўқиб берардим» (*Адам Мец*. Ислом уйғониши. 234-бет). Хонақоҳлардаги куй-қўшиқ садолари атрофга таралиб, одамларни ўзига жалб этган. Муқаддасийнинг айтишича, хотин-халаж уйлари-нинг томига чиқиб, сўфийлар базминини томоша этганлар.

Тасаввуфнинг бу ружуи шубҳасиз ижобий ҳодиса эди, унинг таъсирида ислом дини хуш кўрмаган санъат ривожланди. Сўфиёна базмлар бағрида кўп миқдорда истеъдодли мутриб ва муғаннийлар тарбияланди, янги-янги куй-оҳанглари яратилиб, эл орасига ёйилди. Жумладан, тожик ва ўзбек халқларининг мумтоз шашмақоми ҳам шу заминда шаклланиб, тасаввуф мақомотининг ҳолатларини ифодалайди.

Аммо шеърхонлик фақат самоъ мажлисларига хос эмас эди; оят, ҳадис ва шеърини ҳикматлар билан нутқни безаб, мазмунли ва таъсирчан қилиш самоъни ёқтирмайдиган ёки унга бепарво қарайдиган хилватнишини шайхлар суҳбатида ҳам расм бўлган. Шайхлар ўз атрофларида тўпланган муридларига тариқат мақоми ва ҳол манзиллари, нузулият сиру асрорини кашф этишнинг фазилати ва мушкулоти хусусида ваъз-насиҳатлар қилаётиб, маърифатни тушунтирар экан, ора-орада шеърини парчалар ўқиб ёки ихчам ҳикоятларни мисол келтириб ўтар, тингловчилар эса бундан руҳланиб, шайхнинг фикрини чуқурроқ англаб эдилар. Таъкира ва маноқибларда ҳикоя қилинишича, Робия Адавия (713—801), Мансур Ҳаллож (857—922), Боязид Бистомий (ваф. 874), Абу Саид Абул Ҳайр (957—1049), Абдуллоҳ Ансорий (1006—1088), Абул Ҳасан Харақоний (ваф. 1034), Нажмиддин Кубро (1145—1226), Баҳоуддин Нақшбанд (1318—1389) ва бошқа бир қанча атоқли шайхлар ўз суҳбатларида кўплаб шеърини парчаларни истифода этганлар. Баҳоуддин Нақшбанддан сизнинг самоъга муносабатингиз қандай деб сўрашганда, улар: «Мо ин кор накунем, вале инкор накунем» (Биз шу ишни қилмаймиз, аммо инкор ҳам этмаймиз)



деб жавоб қайтарган эканлар. Шунини ҳам айтиш керакки, тариқат шайхлари дастлабки даврларда дунёвий мазмундаги шеърларга сўфиёна маъно бериб, ўз ғояларига хизмат қилдирган бўлсалар, бора-бора улар учун тасаввуфнинг махсус истилоҳ-тушунчалари, рамз-тамсилларини ифодалайдиган асарлар ёзила бошланди. Натижада шеърятда яширин маънолар, тасаввуф тушунчаларига мўлжалланган махсус тил пайдо бўлди, «лисон ул-ғайб» усулида ёзилган ғазал ва рубоийлар кўпайди. Энди адабиёт тасаввуфга хизмат қиладиган иллюстратив материал бўлиб қолмай, балки ўзи тасаввуф ғояларини баралла тарғиб қила бошлади, аниқроғи, тасаввуф ғоялари шеърят ғояларига айланди. Рамзийлик, сўфиёна тил билан ёзиш адабиётни бир қадар мураккаблаштирди, натижада «хос кишилар» англайдиган шеърлар ғазаллар яратилди. Аммо, қизиғи шундаки, иккинчи томондан, тасаввуфий шеърят орасида бағоят содда тилда ёзилганлари ҳам кўп. Бу жиҳатдан, масалан, Аҳмад Яссавий ижоди, Сўфий Аллоҳёр асарлари яхши мисол бўла олади. Бу шоирлар диний-сўфиёна ғояларни халқчил бир усулда баён этадилар, уларнинг ўғит-насихатлари, ташбеҳ-истиоралари ҳам содда ва тушунарлидир. Чунки мақсад тасаввуфни ва ислом ҳақиқатларини кенг саводсиз омма қалбига етказиш эди. Дарвешлик сулуқини эл орасига ёйиш, дарвешларни мукаррам ва маҳбуб қилиб кўрсатиш эди. Айниқса, туркий тилдаги сўфиёна адабиёт ўзининг оғзаки ижодга яқинлиги, бевоситалиги билан ажралиб туради. Бежиз эмаски, Мовароуннаҳрнинг ўзбеклар билан бирга яшайдиган тожиклари ҳам «Қиссаи Машраб», «Бобо Равшан», «Қиссаи Ҳасан-Ҳусан» сингари ўзбекча асарларни кўпроқ мутолаа қилганлар.

Энди сўфиёна адабиётнинг мураккаблиги ҳақида гап кетганда, шунини айтиш керакки, шоирлар бунга мажбур эдилар. Зеро тасаввуфни шеър билан баён этиш — фалсафани, илоҳшуносликни шеърга солиб чиқиш демак. Шу боис биз тасаввуфий адабиётни том маънодаги фалсафий адабиёт деймиз. Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий, Ибн ал-Арабий, Жомий, Бедиллар Шарқнинг буюк файласуфлари, лекин уларнинг барча ирфоний асарлари шеър билан ёзилган. Ирфоний асарларни ҳам икки қисмга ажратиш мумкин: бир қисми тасаввуф таълимотини баён этган, сўфиёна истилоҳлар билан фикр юритадиган асарлар. Чунончи, Абулмажид Санойининг «Ҳақиқат ул-ҳақойиқ», Маҳмуд Шабустарийнинг «Гулшани роз», Жомийнинг «Шарҳи рубоийёт», Бедилнинг «Муҳити аззам», Саййид Қосимийнинг «Ҳақиқатнома», Сўфий Аллоҳёрнинг «Сабот ул-ојизин», Бобожон Санойининг «Канз ул-маориф» асарлари бунга мисолдир. Бу асарларни тасаввуф дарсликлари сифатида қабул қилса бўлади. Чунки муаллифлар ушбу таълимотни назм орқали тушунтиришни мақсад қилиб олганлар.

Иккинчи қисм адабиётда тасаввуф ғоялари кечинма ва ҳаяжонлар, тимсол ва тамсиллар орқали тасвирланиб, талқин қилинади. Бу асарларни тасвирий талқин ёки бадиий тафсир (интерпретация) дейиш мумкин. Абулмажид Санойининг «Сайр ул-ибод», Фаридиддин Атторнинг «Илоҳийнома», «Булбулнома», «Уштурнома», Жалолиддин Румийнинг «Маснавийи маънавий», Хусрав Дехлавийнинг «Матлаъ ул-анвор», Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр» ва «Лисон ут-тайр» асарлари шу хилдаги асарлардир. Бу асарларда сўфиёна-фалсафий маънолар шеърӣ сатрлар, бадиий-ифодалӣ тил билан талқин этилишдан ташқари яна жуда кўп масал ва ҳикоятлар, рамзий ташбеҳлар келтирилиб, китобхонга шарҳлаб берилган. «Мантиқ ут-тайр» ва «Лисон ут-тайр» каби дostonларда иштирок этувчи персонажлар ҳам рамзий: Ҳудуд — пир тимсоли бўлса, ўттиз қуш солиқ муридлар тимсолидир. Аттор ва Навоий тасвирлаган етти водий эса солиқ руҳининг етти хил товланувчи манзараси — Илоҳга восил бўлиш босқичлари, маърифат зиналарини билдириб келади.

«Лисон ут-тайр»да олтмишдан ортиқ ҳар хил ҳикоятлар бор. Уларда тариқат ва шариат, ирфоний билиш масалалари билан боғлиқ бўлган, шунингдек, инсон ахлоқига оид масалалар устида фикр юритилади. Ҳикоятлар халқ ижодиёти хазинасидан олинган. Аммо улардан келиб чиқадиган ибратли хулосалар («қиссадан ҳисса») сўфиёна маънолар талқинига мослаштирилади. Масал ва ҳикоятлар ахлоқий мавзулар, чунончи, нафснинг ёмонлиги, дунёга меҳр қўйишнинг арзимаслиги, хасислик фалокати, сахийлик шарофати, садоқат, вафо ва ҳоказолар ҳақида баҳс этади. Умуман, сўфиёна адабиётда ўғит оҳанги, панду насиҳат етакчилик қилади. Бу табиий. Чунки шайхлар ўз муридларини суҳбат орқали, насиҳат қилиш билан тарбиялаганлар. Айнан ана шу суҳбатларда ҳикоятлар, шеърӣ парчалардан фойдаланилган. Насиҳат адабиётининг ўзига хос жозибаси, таъсир кучи ва услуби бор. Тасаввуфий адабиётнинг «маноқиб», «қисса», «мақомот» каби жанрлари ҳам шаклланган эди. «Маноқиб»нинг маъноси бировни таъриф-таъсиф этиш демак. Яъни бундай асарларда ном чиқарган шайхи муридларнинг каромат ва ҳолатлари, муридларга муносабати таърифланади, аниқроғи, бадиийлаштириб, муболағали қилиб тасвирланади. Натижада, шайхнинг ўзига хос образ-тимсоли гавдалантирилган. Мақсад — шайхнинг фаолияти, сўзи ва ишларини бошқаларга ибрат қилиб кўрсатиш эди. Бунда нақл, ривоят ва ҳикоятлар келтириш усулидан кенг фойдаланилади. Баъзи ҳикоятлару ривоятларни турли «маноқиб»ларда учратиш мумкин (кўчиб юрувчи ривоятлар). Ривоятлар тарихий воқеалар билан қўшиб юборилган маноқиблар ҳам бор. Масалан, «Маноқибӣ ҳазрати Хожа Баҳоуддин Нақшбанд» (Муҳаммад Боқир асари) номли маноқиб тўрт қисмдан

иборат: 1) Шайхнинг таваллуди ва тарбияси, пирлари; 2) фаолияти, сўзлари, насиҳатлари; 3) кароматлари; 4) мурид тарбиялашдаги усули. Асарда реал тарихий воқеалар ҳам, қўшимча бадиий тўқимага хизмат қилувчи ҳикоятлар ҳам акс этган. Аммо тарихий воқеалар ҳам бадиий усулда баён этилган. Натижада, асарда ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг гўзал сиймоси, улуғвор руҳоний раҳбар сифатидаги хислатларини кўриш мумкин.

Қиссалар халқ китоблари руҳида битилган. Бунга «Қиссаи Машраб», «Бобо Равшан», «Иброҳим Адҳам» номли асарларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Яна шуни ҳам айтиш керакки, сўфиёна ҳикоят китоблари ҳам анчагина. Шу каби тазкираларда ҳам нақлу ривоятлар кўп келтирилади. Муҳим жиҳатлардан яна бири ҳар бир шайх хислатларига қараб нақл ва ривоятларнинг гуруҳлантирилганидир. Масалан, Робия Адавия ҳақида гап кетганда ишқ-муҳаббат мавзусида, Иброҳим Адҳамга нисбатан тақводорликка оид, Боязид Бистомий ҳақида сўз борса, беҳудлик ҳақида ривоятлар келтирилади.

Тасаввуф адабиёти ўзига хас бўлган шакл ва жанрлардан ҳам кенг фойдаланди, чунончи, лирик жанрлардан рубоий, ғазал, қитъа, таржеъбанд, қасида; эпик жанрлардан маснавий тасаввуф адабиётининг ҳам асосий жанрларига айланди. Сўфий шоирлар бу жанрларни ривожлантириб, уларга янги руҳ бағишладилар. Кўп шоирларда дунёвийлик билан илоҳийлик, яъни ирфон қўшилиб зуҳур этади. Ҳофиз Шерозий, Саъдий Шерозий, Камол Хўжандий, Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий ижодида дунё гўзаллиги илоҳий ҳусну жамолнинг давоми ва моддий ифодаси сифатида олиб қаралади. Шунинг учун улардан соф диний ғояларни ёхуд соф дунёвий ғояларни қидириш, асарларини бир-бирига зид қўйиш нотўғри. Бу шоирлар учун олам ва одам ягонадир, руҳ ва жисм, вужуд ва маъни биргадир. Улар куйлаган реаллик илоҳий сифатларнинг мазҳари ва жилоси. Илоҳий мазҳардан илоҳий манбага қараб борадиган руҳ улар учун энг гўзал руҳдир. Шу боис ҳам мазкур шоирларнинг асарларини сўфийлар ўз мақомида, оддий китобхонлар ўз мақомида англаганлар. Шунинг учун ҳам уларнинг асарлари кўп маъноли, ҳар бир ифода етти қават парда ичига яширинган. Масалан, маҳбуб деганда Худони, Пайғамбарни, Пирни ва севган кишисини англаш, соқий деганда ҳам айни шу тўрт тушунчани эътиборга олиш, лаб деганда пирнинг сўзини, илоҳий файзни, қош деганда илоҳий олам билан моддий олам чегарасини, бел деганда комил инсон ҳаёлини, ингичка бел деганда комил инсон ҳаёлининг нозиклигини, кўз деганда комил инсоннинг ўзини назарда тутиш мавжуд. Бу тимсолларни батафсил англамай, сўфиёна шеърни англаш мумкин эмас. Ана шу тимсоллар орқали Навоий ва Машраб лирикасида солиқ образи гавдалан-

тирилади. Тариқат йўлидаги мусофир, яъни солиқнинг кечинма ва ҳаяжонлари, Маҳбуб ёлидаги талпиниш, сархушлиги ва хумори, васл дамларидаги шодлиги тасвирланади. Умуман Навоийда инсоннинг Илоҳ томон кўтарилиши (уруж) асосий ғоядир. Шоир шу йўл изтироби ва мартабаларини турли воситалар билан тасвирлайди. «Хамса» дostonлари, «Лисон ут-тайр» ҳам уруж-меърожни тасвирловчи асарлардир. Оддийликдан мураккабликка, дағалликдан юмшоқликка, нодонликдан доноликка, оддий имонлиликдан юксак ирфоний имонга ўсиб чиқиш. Бошқача айтганда, камолот касб этиш. Навоийнинг ижодида мутлақийлик ҳукмрон: мутлақ яхшилик (эзгулик) ва мутлақ ёмонлик (ёвузлик)ни кўради у. Унинг учун ёмон — бу мутлақ қора рангда кўринадиган ёмонлик. Яхши — мутлақ яхшилик, у нурли ранглар билан жилонанади. Шоирнинг ҳаётга муносабати ҳам ана шундай. Унинг учун ёмон шоҳ барча ёмон хислатларни жамлаган одам, яхши шоҳ эса барча ижобий хислатларни жамлаган шахс. Яхши одам — хушахлоқ, одил ва оқилдир. Яхшиларнинг яхшиси — еру кўкни бир назар билан қамраб олган Баҳоуддин Нақшбанд ёки орифлар орифи Абдураҳмон Жомий. Булар илоҳий уруж даражаларидан илдамлашиб кетган валий инсонлар. Комиллик тимсоли. Улар Навоий назарида реаллик билан нореаллик ёхуд дунё билан ғайб олами орасидаги кишилардир. Икки оламини боғловчи комил инсоннинг бир неча типини Навоий «Хамса» асарида кўрсатиб беради.

Воқеан, адабиётнинг ўзи комиллик белгиси, комил сўз, комил маъно ва комил тафаккур ифодаси. Буларни эгаллаган инсон комил хилқат бўла олади. Демак, улуғ Алишер Навоийнинг ўзи комил инсоннинг ёрқин тимсолидир. Комил хилқат бўлган инсон барча нарсада такомилни, етук мунтазамлик ва музайянликни кўрмоқчи бўлади. Унинг олий орзуси — оламини ҳам, ўзини ҳам нуқсонлардан холи ҳолда тасаввур этиш, инсонни нуқсонлардан халос этиш. Инсон руҳи комилликка ташна, санъат ва адабиёт эса шу чанқоқни бостириш учун хизмат қилиб келган. Инсон руҳининг мўъжиза мавжларини, фараҳ ва хуррамлигини ифодалаган. Инсон руҳи санъатдан озиқланиб яйрайди ва барча қудратини санъатда кўрсата олади.

Улуғ мутафаккир шоирлар ижоди бунини асрлар давомида исботлаб келмоқда. Дин, мифология, бадиий ижод бирга, бақамти ривожланди, бир-бирини тўлдириб, бир-бирига мадал берди. Барчасининг муддаоси Инсон эди, Инсонни ўрганиш ва поклаш эди. Гарчи илоҳий ғоялар куйланса ҳам, лекин адабиёт инсон қалбининг ифодаси бўлиб келди. Зеро, Илоҳ ҳам Инсон қалбидир.

## ТИМСОЛЛАР ТИМСОЛИ<sup>1</sup>

Шарқ халқлари тафаккури тарихида чуқур илдиз отган тасаввуф таълимотини яхши билмай туриб, Алишер Навоий дунёқараши ва адабий меросини барча мураккабликлари, фалсафий теранлиги билан тўлиқ ҳолда тўғри, ҳаққоний ёритиб бериш мушкул. Ўттизинчи йиллардаёқ Ойбек бунга эътиборни қаратган эди. Аммо, назаримда, бу масала ҳамон ҳал бўлмасдан, долзарблигини сақлаб келмоқда. Чунки ҳозир ҳам улуғ шоир асарларини «керакли» ва «кераксиз» қисмларга ажратиш, орифона мазмундаги шеърларини нашрлардан соқит қилиб, эл кўзидан яшириш, «пайқамасдан» тадқиқотларга киритмаслик касаллиги давом этмоқда. Баъзан эса, сўфиёна маъноларни англаб етмаганимиз сабабли, Навоийнинг рамзий ибора-истиораларини ҳаминқадар талқин этиб, ўқувчиларни чалғитиб келмоқдамиз. Бу ҳол Навоий даҳосини, оламининг бепоёнлиги ва улуғворлигини муаззам салоҳияти ҳам кўркемлиги билан идрок этишга ҳалал беради. Ваҳоланки, Навоий мероси — яхлит бир адабий воқелик, бебаҳо маънавий хазина. Ва яна муҳими шундаки, шоирнинг ўлмас гуманизм билан кўкарган ҳаётбахш ғоялари «дунёвий» асарларида қандай порлаб турса, биз бир чеккага суриб қўймоқчи бўлган «илоҳий» асарларида ҳам шундай куч билан нур таратиб туради. Зотан, улар зоҳирий жиҳатдан шундай, аслида эса, ботиний маънолари моҳиятига кўра бир хил фалсафий-тасаввуфий қарашлар силсиласига бориб тақаладиган ўзаро узвий алоқадор асарлар бўлиб, бирини иккинчисисиз тушуниш қийин. Бас, шундай экан, шоир асарларида учрайдиган ишқ, май, майхона, харобот, соқий, соғар, қадаҳ, хум, маҳбуб сингари кўпдан-кўп киноя-тимсоллар, рамзий маъноли сўзлар ва улар орқасида ётган яширин маънолар асрори ҳам унинг ижоди яхлит бир бутунликда олиб текширилиб, олам ва одам ҳақидаги мушоҳада-мукошифалари ичида шарҳлансагина, мазмуни керакли даражада аниқ ойдинлашиши мумкин.

<sup>1</sup> Бу қисм 1987 йилда алоҳида мақола сифатида ёзилган эди. Шу боис биз уни ўзгартирмай келтирдик. — (Муаллиф).

## Масалан, қуйидаги ғазални олайлик:

Каманл учига еткурмас ғаму андеша айёри,  
Бийик чекмиш магар майхона томин сунъ меъмори.  
Хуморим заъфида қаҳгил иси то етти маст ўлдум,  
Сувалмишдур магар май лойидин майхона девори.  
Тўла куб оғзи май, хуршиделдур, гуё тенг очилмиш  
Чекарда бу ики хуршид даврин сунъ паргори.  
Май ичмиш хонақоҳ шайхи, харобот аҳли айш айланг,  
Ки чиқмиш баҳя урғон хирқасидин маблағи кори.  
Кўринган мосиво буди эмас, балки намудидур,  
Май устида ҳубобу мавж шаклининг намудори.  
Ҳубобу мавж май таҳрикидин зоҳирдурур, лекин  
Сукун топгон вужуди, майдин ўзга қайдадур бори?  
Қуёш аксимудур ҳайвон суйида, ё кўрунмишдур  
Равоносо май ичра соқии гулчеҳра рухсори.  
Фано дайрин кўнгул истарки, бир-бир пири дайр элга  
Тутарда бода, шояд, журъае сунгай бизнинг сори.  
Навоийдин фано чун ҳосил ўлди, қилгасин эй ишқ,  
Навоий риштаи жонин муғанний удининг тори.

Хўш, бу ғазалда қандай гоя ифодаланган? Май ва унинг хо-  
сиятларини таърифлашдан мурад нима?

Ўз-ўзидан аёнки, Навоий зикр этган май биз тасаввур қилган  
спиртли ичимлик эмас. Шоир сира ҳам буни назарда тутмаган.  
Билъакс, ўта тақводор ва покдомон бўлган Навоий замонасининг  
ишратпараст, майхўр кишиларини қаҳру ғазаб билан танқид остига  
олиб, маст қилувчи ичимликни «умм ул-хабоис», яъни барча  
ёмонликлар, фалокатлар онаси, деб эълон қилган. «Ҳайрат ул-  
аброр» достонида бўлса, бадмастларнинг масхарали ҳажвий  
қиёфасини яратиб, уларни элга шарманда этган. Ушбу ғазалда шоир  
майни илоҳий ишқ— маърифат, дониш иштиёқининг авжи қиёми,  
Ёр жамоли мушоҳадасидан ошиқ дилида пайдо бўлган кучли завқ —  
илҳомнинг, беҳад хурсандлик, сурурнинг рамзий ифодаси сифа-  
тида тилга олган. Хумор бўлиш, майпарастлик ҳам бу ерда шунга  
мувофиқ. Буюк нур чашмасидан ҳузурланиш, висол беҳудлиги,  
ҳаёт, табиат зеболиги ҳамда ақл ва тафаккур етмайдиган, аммо  
кўнгил билан ҳис этиладиган Мутлақ руҳ мўъжизоти жилвасидан  
баҳрамандлик ва шунга талпиниш сархушлигидир.

Чунки Навоий эътиқод қўйган фалсафий таълимотга биноан,  
олам азалий ва абадий ягона Рухнинг ўз-ўзини севиб, ўз жамолини  
томоша қилиш истагидан пайдо бўлган кўзгудир. Бирламчи қудрат  
порлашидан таралган нур бу кўзгуда акс этади, яъни моддий  
дунёдаги жамики мавжудот ва махлуқот — заррадан қуёшгача, еру  
кўк, собиту сайёра шу нур билан ёритилади, шу нур туфайли  
ҳаракатланади, муайян уйғунлик ичра ривожланиб туради. Бу

илоҳий тажаллини шоирлар май тимсолида қабул қилганлар. Моддий дунё эса, шу тасаввур бўйича, жом ёки қадахдир. Дунёнинг ранго-ранг товланишлар, ўзгариш, янгиланишлар, табиатнинг турфа сиру асрори, ҳодиса-ашёлари, баҳорий уйғониш, чунончи, дарахларнинг кўкариб, гуллаб мева боғлаши, дашту даранинг ўт-ўлан билан қопланиши, қушларнинг маст бўлиб сайраши, боринги, ҳаётнинг барча нашъу намоси, гуркираб кўринган нафосат тўфони шу май уммонининг мавжланиши, кўпириши деб тушунтирилган. Инсон ҳам мазкур кўзгунинг бир бўлаги, лекин Руҳи мутлақ энг кўп акс этган хилқат. Чунки у холиқиятнинг сарвари ва ганжи гавҳари, яъни «икки олам истеъдодининг жамулжами» (*Бедил*). Инсон руҳи шу боис тинимсиз равишда ўз манбаига қараб интилади. Бу интилиш дунёнинг ўзини идрок этиш ва ўз-ўзини англаб этиш орқали содир бўлгани сабабли инсон олам ҳодисалари гўзаллигини мушоҳада этиб, чексиз ҳайратланади. Ҳайрат эса ашё-ҳодисаларни билиб олишга қизиқишни кучайтиради. Шу тариқа, киши моҳият-ҳақиқатни билиш иштиёқи билан ёниб, борган сари кўпроқ ташвиш-тараддудда бўлади. Инсоннинг бутун ҳаётини фаолияти, ижод ва яратувчилик қобилияти, кашфу каромати ва файзу фазилатлари шу ишқнинг қудрати деб талқин этилган.

Аммо инсон табиати икки асос — руҳий ва моддий олам унсурларидан таркиб топгани учун бу унсурлар орасида кураш боради. Агар моддий асос бўлмиш жисм талаблари кучайса, у ҳирс ва шаҳват, ҳайвоний нафс домига гирифтор бўлиб, борган сари тубанлашади. Бу хавфнинг олдини олиш учун киши доимий равишда руҳий-маънавий эҳтиёжларини қондириб бориши, шу жиҳатни тарбиялашга бел боғламоғи даркор. Бу ишда унга ўзидан кўра комилроқ инсон—пир раҳнамолик қилади. Пир ёки ориф деб тасаввуф аҳли ақлу донишда етук, маърифат нури билан қалби лиммо-лим, пок ният, покиза ахлоқли закий одамни назарда тутганлар. Пир — кўнгил маҳрами, ҳамдард, ҳаммаслак киши. Навоий назарида Жомий ана шундай шахс бўлган. Бундай шахслар ҳамма вақт эзгуликни ўйлаб, ўзига эргашган одамларни қалб саховати билан тарбиялаганлар, уларнинг иродасини чиниқтириб, кўнгил чашмасининг кўзини очиб, оламни янгича тушунишга, Ҳақ йўлни ҳимоя қилишга ўргатганлар. Юқорида келтирганимиз фазалда шу маънолар ифодаланган. Буни конкрет изоҳлар билан шарҳлаб, тушунтиришга ҳаракат қиламиз.

Фазалнинг биринчи байтида *ғаму андеша айёри, сунъ меъмори, каманд, майхона* каби сўз ва бирикмалар изоҳга муҳтож. *Каманд* шеъриятда аксар ёр сочи ўрнида истиора сифатида қўлланилади. Бироқ бу ўринда Навоий унинг асл луғавий маъноси — арқонни назарда тутган. *Ғаму андеша айёри* — ақл тадбиркорлиги, ақлу

ташвиш тадбири деган маънони беради. *Майхона* эса «шавқу завқ ва илоҳий маърифат тўлиб-тошган комил инсон — орифнинг ботиний дунёси ва Руҳи мутлақ манбаидир». (*Саййид Жаъфар Сажжодий*. Мусталаҳоти урафо, 392-бет). Сунъ меъмори — Худо. Энди байтнинг мазмунига келсак, Алишер Навоий баланд иморатлар, сарой ва қалъаларнинг кунгурасига арқон ташлаб, тирмашиб том устига чиқиш одатига ишора қилиб, дейди: «Азал меъмори — Худо майхона томини шунчалик улуғ ва баланд қилиб қурган эканки, фикру ташвиш тадбирининг арқони унинг кунгурасининг учига етмайди». Шоирнинг таъкидича, ақл ва тадбир билан майхона қалъасини забт этиш мумкин эмас. Нега? Чунки ориф қалбининг маърифати ва у орқали илоҳий руҳ манбаининг беқиёс гўзаллигини идрок этишга (шунини айтиш керакки, Навоий ибора-тимсолларида ҳар доим икки маъно — ориф қалби ва руҳи мутлақ биргаликда кўзда тутилади, зеро ориф қалби олий зот манбаига олиб борадиган бир восита, кўприк деб қаралган) фақат қалб ва руҳ қодирдир; ақлий мушоҳада, мантикий-тафаккурий билиш усули бунга қобил эмас. Маълум бўладики, Алишер Навоий ғазалнинг матлайданоқ тасаввуф тариқатининг асосий талабларидан бирини баён этган. Бу талаб тариқат йўлига қадам қўйган одам учун биринчи жиддий мушкулот ҳам эди, чунки ақлу ҳуш қудрати етмайдиган нарсага кўнгил майли билан эришиш — руҳий иродани қайтадан қуриш, ўзини ўз виждони, эътиқоди олдида жавобгар ҳисоблаб, қаттиқ назорат остига олиш, жуда кўп дунёвий ҳавас-хоҳишлардан воз кечиш демакдир. Майхона қасрининг буюклиги олам сиру асрори, ажойиботлари, ҳодиса-воқеаларининг беҳад кўплиги, уни билиш, моҳиятига етиш қийинчилигидир, айни вақтда саркаш нафс қутқуларини енгиш, юксак ахлоқий одам бўлиш машаққатларини ҳам англатади.

Иккинчи байт биринчи байтдаги фикрни давом эттиради: толиб (ёки ошиқ) ақлу тадбир билан комил инсон мартабасига кўтарилишга — майхонани забт этишга кўзи етмагандан кейин, бу бинонинг деворларини ҳидлаш билан қаноатланади. Яъни, пирнинг муҳитига яқинлашиб, унга қўл бериб, дастлабки насихатларини эшитишдан баҳра олади. Майхона девори, шундай қилиб, пири комилнинг муҳити, ташқи, зоҳирий дунёсидир. Иккинчи тарафдан, бу — бизни ўраб олган моддий дунё ҳам. Чунки қалъа ичидаги руҳ манбаини идрок этиш, аввало қалъа деворлари — дунё ашёларини ўрганиш, хаёл ва сезгилар орқали унинг моҳиятига етиб бориш билан амалга ошади. Заъфи хумор — кайфнинг тарқала бошлаши, ишқнинг вақтинча сусайиши, ҳақиқатга шубҳа билан қараш, шубҳаланиш лаҳзасини билдиради. Каҳгил — сомонли лой. Май лойи — шароб қуйқуми, дунё мулки, ҳиссий иштиёқлардан ҳали покланмаган руҳ тимсоли. Алҳосил, байтнинг мазмуни



куйидагича: «Майхона деворини май лойи билан шуваганлар шекилли, хуморим тарқалганда димоғимга сомонли лой ҳиди уриб, яна маст булдим». Ёки: «Муҳаббатим вақтинча сусайганда (кўнгилда шубҳа туғилганда), пирга яқинлашганим сабабли шубҳаларим тарқалиб, қалбимда ишқ яна аввалгидай алангаланди». Пирнинг ички олами унинг нутқи, ҳаракатлари, кароматида зухур этганидай, Руҳи мутлақ ҳам дунё гўзаллигида жилваланиб, кишини мафтун этади. Орифнинг завқи салиқаси, нозикфаҳм заковати дақиқ маънолар мағзини осон чақиб, мушкул масалаларни ички бир фаросат билан ҳал қилиб бера олади. Бу худди қадахдан томган май томчилари каби ошиқ дилига ҳикмат нури бўлиб куйилади. Шу маънода тасаввуф аҳли *хум*, *хумхона*, *соғар*, *жом*, *майқада* деганда ҳам орифнинг нурфайз жозиб юрагини тушунганлар.

Учинчи байтда биз тушунмайдиган учта сўз бор. Булар: *куб*, *хуршид*, *паргор*. Куб — шароб сақланадиган хум, мажозий маънода, боя айтганимиздай, орифнинг кўнгли ва руҳи мутлақ. Хуршид — куёш. Паргор — доира чизадиган асбоб (циркуль); баъзан йўл-йўриқ, чора-тадбир маъносида ҳам қўлланилади. Шунга кўра ғазалнинг учинчи байтини ҳозирги тилимизга бундай таржима қилса бўлади: «Оғзигача май тўлғазилган хум худди куёшга ўхшайди, гўё Аллоҳнинг доира чизғичи бу икки куёшнинг (яъни, фалак куёши ва май хумининг) гардишини чизганда бир пайтда баравар очилгандай». Ёхуд: «Май хуми билан куёшнинг тарҳи бир хил, улар бирга бир вақтда яратилган ўхшаш нарсалардир». Шоир айтмоқчики, куёш ҳам май хуми, яъни, бирламчи манбадан нишона. Шу сабабли улар бир-бирининг мавжудлигини исботлайдилар — куёшнинг далили куёш. Май хумини куёшга ўхшатиш билан Навоий ориф қалбининг саховати, карамининг бепоёнлигини таъкидламоқчи, зеро куёш ўз ҳарорати, зиёси билан оламни мунаввар этгандай, ориф қалби ҳам ошиқларни фаровон бахравар эта олади. Бундан ташқари, бу ерда толибнинг зоҳирий мушоҳададан (майхона деворини ҳидлаш) аста-секин ботиний маъноларни англаш сари бораётгани, бундан ҳайратланаётгани ҳам ифода-ланган.

Тўртинчи байт шарҳи. *Хонақоҳ* — сўфийлар йиғилиб важду самоъ билан шуғулланадиган жой. *Харобот* сўзининг луғавий маъноси вайрона, шаробхона бўлса-да, аммо тасаввуф аҳли истилоҳида инсон жисмининг хароб бўлиши — қаноат, фақр йўлига кириб, ҳайвоний нафслар, кераксиз, ёмон хулқ-одатлардан қутулиб, ўзни хокисорлик, камтаринлик рутбасига солишдир. Хароботийлар, яъни риндлар «майхона тараддудидин бехонумонлиғи ва паймона тааллуқидан бесарусомонлиғи» («Маҳбуб ул-қулуб») билан машҳур. Улар учун «тожу тахт туфроқ билан тенг», ҳамма нарсадан фориғ, ёлғиз ёр ишқида сармаст. *Хирқа* — сўфийлар киядиган йиртиқ жанда

кийим. Бундан ташқари, инсоннинг бадани, сурати ва ашёлар олами ҳам. *Бахя* — ямоқ, жияк. *Маблағи кори* — ишининг натижаси, аҳволи, бор-буди демак. Хуллас, байтнинг мазмуни бундай: «Хонақоҳ шайхи май ичибди, яъни унинг кўнглида илоҳий нур порлаб, бу ҳузурдан сархуш бўлибди. Эй ошиқ хароботийлар, сиз ҳам бу хабардан хурсанд бўлиб, важд-ҳолга тушинг. Кўрмайсизми, шайхнинг аҳволи унинг жанда тўнининг йиртиқларидан маълум бўлди, яъни ботиний олами юзага чиқди, маърифат нури шуълаланди». Байтнинг иккинчи сатрида сўфийларнинг ўз жамоалари мажлисида жазава хуружида рақсу самоъга тушиб, кийимлари чокчокидан сўкилиб кетишига ишора бор.

Бешинчи ва олтинчи байтларда шоирона ифода-тимсоллар орқали қадимги ва ҳозирги фалсафанинг учта муҳим категорияси тушунтирилган. Булар моҳият ва ҳодиса, мазмун ва шакл, жузъ ва кулл (яккалик ва умумийлик) категорияларидир. Бироқ фалсафий категориялар ҳақида гапиришдан олдин нотаниш сўзларнинг маъносини билиб олишимиз керак. Масалан, *мосиво* — ғайр, ўзга, ундан бошқа деган маъноларни ифодалаб келади. Мазкур фалсафий-тасаввуфий истилоҳнинг *моадо* деган иккинчи атамаси ҳам бор. Навоий девонининг биринчи ғазалида шу сўз ишлатилган. Шарҳланаётган ғазалимизда эса, шоир мосиво деб моддий борлик, яъни дунёни назарда тутган. Чунки дунё Мутлақ руҳ билан инсон орасида, яъни қалб билан «У» орасида ғайр, бегона бир тўсиқ, ўзгалиқдир. Шу каби ошиқ билан маъшуқ орасида парда бўлиб турган жисм, бадан ва унинг эҳтиёжлари ҳам ўзгадир. Шарқ шоирлари асарларида учрайдиган Рақиб — севишганларни ажратиб турувчи шахс шу хусусиятларни жамлаган образ бўлиб гавдаланади. Бешинчи байтдаги *буд* — асос, ҳақиқий мавжудликни, *намуд* — кўриниш, шаклий белгиларни англатса, *хубоб* — сув ва бошқа суюқликлар юзасида пайдо бўладиган пуфакчадир. Бу сўз мавж билан биргаликда ҳаракат, моҳиятнинг зухуротини билдиради. Энди бешинчи байт мазмунини қайд этиш мумкин: «Кўзга ташланган нарсалар (ўзгалиқлар) зоти азалийнинг ҳақиқий моҳиятини англатмайди, шу сингари пуфакча ва тўлқин майнинг ўзи эмас, балки шаклий ифодасидир». Ёки бошқача қилиб айтсак: «Май устидаги пуфак ва мавж майнинг моҳиятини акс эттирмаганидай, «У» дан бошқа кўринган ашёлар «У»нинг борлигини — мавжудиятини белгиламайди, улар ташқи белгилардир, холос».

Шундай қилиб, ташқи дунё ва ундаги нарсалар моҳият эмас, балки ҳодисадир. Моҳият — Руҳи мутлақ ёки ориф кўнглидаги маърифат. Айни вақтда, моддий дунё — шакл, руҳ эса — мазмун. Инсон ҳодиса ва шаклларга маҳлиё бўлмаслиги керак, унинг мақсади ва вазифаси моҳият-мазмунни билиб олиш. Тўғрироғи, ҳодиса-шаклни билишдан моҳият-мазмунни билишга қараб бориш.

Демак, тасаввуфда дунё мутлақ Руҳ билан инсон орасидаги тўсиқ деб ҳисобланса-да, бироқ, барибир, дунёни билиш шарт қилиб қўйилган, дунёни билмасдан туриб, моҳиятни (Ҳақни) идрок этиш мумкин эмаслиги тан олинган. Шу тариқа, ҳодиса моҳиятни билиш йўлида имтиҳон, чунки у ранг-баранг ва хилма-хил. Шарқ файласуфлари бу миқдорий кўллиқни асмо (исмлар), ашё (нарсалар), сифот (сифатлар), имтиёз (фарқлар), афъол (ҳаракат-фаолият), ваҳҳ (юз, жиҳат) ва бошқа истилоҳлар воситасида тавсиф этиб келганлар. Миқдорий хилма-хиллик мантиқий равишда, *жузъият ва куллият*, яъни тур ва жинс тушунчаларини келтириб чиқаради. *Жузъият* (тасаввуфчилар бунини касрат ҳам деганлар) куллиятга, яъни ваҳдатга зиддир. Шундай бўлгач, уларнинг хусусиятида ҳам қарама-қаршилиқ мавжуд: ваҳдат — Бирламчи қудрат турғун, ҳаракатсиз жавҳар (субстанция) бўлса, касрат — тафсилийлик, доимий ҳаракат, ривожланиш қонуниятига тобеъ. Демак, майнинг мавж ва пуфакчаларини томоша қилиш, мушоҳада этиш билан четараланмасдан, худди ҳодисадан моҳиятга қараб борилгандай, касратдан ваҳдатга қараб бориш ва шу асосда бирламчи қудрат нафосатини идрок этиш, ҳузурланиш мумкин. Ҳазалнинг олтинчи байтида бу фикр очикроқ ифодаланган (бунда *тахрик* — ҳаракат, *сужун* — турғунлик, тиниш): «Пуфак билан тўлқин майнинг ҳаракати, тажаллисидир. Бу ҳаракат тингач, тиниқ майнинг тоза вужудидан бошқа нима қолади?».

Бу вужудни идрок этган киши Ёр ҳузурига мушарраф бўлиб, фано мартабасига яқинлашадиким, ғазалнинг еттинчи байти шу хусусдадир. *Ҳайвон суйи* деб, гўё оламзод ичганда абадий умр топадиган афсонавий ер ости мамлакатининг чашмасини атаганлар. Тасаввуфда у ишқ-муҳаббат булоғи, ҳақиқат нурининг манбаини англатади. Байтнинг мазмуни эса бундай: «Ишқ чашмасида ёки ҳақиқий нур манбаида кўрилган қуёш аксими ё жонга ўхшаш май ичида азал соқийсининг гулдай зебо юзи намоён бўлганми?» *Соқий* сўзи ҳам бу ерда рамзий маънога эга, яъни мутлақ файзиёт, маърифат булоғи демак. Майда Ёр жамолини кўриш, май идишини қуёшга ўхшатиш Навоийнинг севган образларидан. «Ашрақат мин акси шамсил каъси анвор ул-ҳудо, Ёр аксин майда кўр деб жомдин чиқди садо» — чиқаётган қуёш косасининг аксидан ҳидоят нурлари порлаб кўринди, жомдан Ёр жамолини майда кўр, деган садо чиқди. «Ҳазойин ул-маоний» девони мана шу байт билан бошланади. Шоир назарида ловуллаган олов курраси — муаззам с ётоб ҳам ўша буюк илоҳий қудратнинг инъикоси, мавжудотни ҳаракатга келтирувчи май тўлғазилган жом, унинг порлаши эса — Ёр жамоли.

Ёр жамолини кўрган ошиқ мақсадга эришиб, фано водийсига кириб боради. Ҳазалнинг охириги икки байти шу маънони ифодалашга хизмат қилади. Саккизинчи байтдаги дайр аслида насро-

нийлар ва оташпарастрлар ибодатхонасининг номи, мажозан эса майхона, дунёдир. Дайри фано — ҳайвоний нафсдан қутулган, руҳан тирик, маънавий жиҳатдан етук кишилар мажлиси, уларнинг ботиний олами. Навоий бу байтда маънавий ҳақиқатларни кашф этган одамлар ҳузурини кўмсаш, улар ҳикматидан баҳра олиш туйғусини ифодалаган. Шунинг учун у пири дайр деганда ҳам эзгулик ва қарам дарёсининг тимсоли комил инсонни кўзда тутган. Алҳосил, байтнинг мазмуни: «Юрак майхона истайди, чунки унда пири комил кишиларга сабоқ бермоқда, шояд менга ҳам шу май шуъласидан бир нима етса». Ёки: «Кўнгил жисм, вужуд йўқоладиган, фано бўладиган макон истайди. Чунки унда камолот ва етуклик тимсоли маънавий шайх ҳақиқат файзидан элга бир-бир бода тутмоқда. Зора, у бу ҳикмат ва дониш шаробидан менга ҳам бир қултум узатса».

Тўққизинчи байтга келсак, бунда иккита сўз ўзак маъно ташийди. Биринчиси — *наво*. Навонинг маънолари кўп. У мусиқа, куй, оҳанг, шу билан бирга мунтазамлик, тартиб-интизом, симметрия, низомия, нафосат тушунчаларини қамраб олади. Агар бу маъноларнинг ҳаммасини бир жойга йиғсак, наво умумбашарий, умумжаҳоний оламнинг яхлит уйғунлигидан иборат олий гўзалликни ифодалаган бўлади. Модомики шундай экан, ягона руҳий қудратнинг мунтазам ҳаракати, созкорлиги қайдида қалбнинг шукру шуқуҳи, ором ва осойишталиги ҳам наводир. Алишер Навоий, шубҳасиз, охирги байтда қалб ороми, ички руҳий қониқиш нашидасини тасвирлаган. Бу нашида шоир юрагида бир муаззам куй бўлиб янграган ва муғанний (иккинчи ўзак сўз) тушунчаси билан боғланиб кетган. *Муғанний*—чолғувчи дегани. Бу ўринда эса у узлуксиз ёғиб турувчи нур — файзнинг навосини етказувчи, шу неъматдан огоҳ этувчининг тимсолидир. Куй каби оқиб келадиган ушбу нур қалбни роҳат-фароғатга фарқ этади. Байтнинг насрий таржимасини келтирсак, фикримиз янада ойдинлашиши мумкин: «Эй ишқ, буюк жаҳоний уйғунлик нури навосидан, сафо нашидасидан қониқиш муяссар бўлди, энди Навоий жонининг ипини шу нурни ёғдирувчи чолғувчи асбобига тор қилгин, яъни ўша буюк нур риштасига улаб юборгин». Ёки: «Эй ишқ, маҳбуб жамолини кўриб, ўзликдан батамом хориж бўлдим — мақсадга етдим, висол куйи вужудимни оғушига олди. Энди Навоийнинг жонини нурининг тарамларига боғла». Бу ерда шоир тахаллуси билан байт мазмуни ўзаро топишиб, ажойиб сўз ўйини ҳосил бўлганини кўрамиз. Шу нуқтада шоирнинг ҳар икки тахаллуси (Навоий ва Фоний) маъно жиҳатидан бир-бирига яқин эканлиги ҳам маълум бўлади.

Улуғ шоирнинг фалсафий мушоҳадаси мана шундай чуқур ва қамровли. Коинот ва инсон унинг назарида яхлит бир бутунликни

ташкил этади, бир қонуният билан бошқарилади. Инсон бу қонуният сирларини руҳ кучи, алоҳида ҳиссий тасаввурлар теранлиги билан билиб олиши даркор.

Хуллас, мазкур ғазалда мажозий тимсоллар ёрдамида тасаввуф фалсафасининг билиш назарияси таърифлаб берилган: аввал оламни билиш мушкуллигидан кўрқиб саросимага тушиш, хайратланиш, кейин ташқи дунё нарса-ҳодисаларини мушоҳада эта бошлаш, зоҳирий мушоҳададан аста-секин моҳиятни идрок қилишга ўтиш. Моҳиятнинг улуғворлигини ҳис этиб, руҳий-тафаккурий қониқиш туйиш. Бу жараён уч босқичга ажратилиб, илм ул-яқин, айн ул-яқин, ҳаққ ул-яқин деган махсус терминлар билан белгиланган эди. Яқин — исбот талаб қилинмайдиган шак-шубҳасиз ҳақиқат. Айн — чашма, кўз, ҳар нарсанинг асли, зот. Тасаввуф назариётчиларидан Абдураззоқ Кошоний бундай дейди: «Филжумла, сўфийлар ақидасига мувофиқ, маънавиятни билиш уч хилдир: илм ул-яқин, айн ул-яқин ва ҳаққ ул-яқин. Аввалги ҳолатда одам маълумни ақлий далил, ҳужжат келтириш билан идрок этади ва иккинчи ҳолатда билиб олинган, исботланган маълумни мушоҳада этади ва учинчи ҳолатда ҳақиқатни идрок этишга этади». (*Абдураззоқ Кошоний. Масобиҳ ул-ҳидоя, 52-бет*). Бу бамисоли куёш шуъласи ва ҳароратини далил келтириш билан исботлаш (илм ул-яқин), куёш жисмини кузатиш билан аниқлаш (айн ул-яқин) ва куёш вужудининг мусаффо нурдан иборат эканини қалбан идрок этишдай (ҳаққ ул-яқин) гап. Хужвирий деган олим назарида эса «илм ул-яқин — ақл аҳли учун, айн ул-яқин илм арбоблари учун, ҳаққ ул-яқин орифлар учундир». (*Хужвирий. Кашф ул-маҳжуб, 497-бет*). Демак, бу фалсафий силсилага мувофиқ, ҳақиқат тажрибадан олдин мавжуддур, у мантиқ кучи билан эмас, балки ҳис — руҳ воситаси билан, яъни интуиция ёрдамида билиб олинади. Чунки ҳақиқат инсоннинг ўз қалбида, кўнгил кўзгусида. Фаҳмлаган бўлсангиз, дунёни билишнинг бу усули немис олими И. Кант (XVIII аср) «нарсა ўзида» ва «априор» (тажрибадан аввал мавжудлик) тушунчалари остида ривожлантирган фалсафий таълимотга ўхшаб кетади. Биз ҳам худди шуни таъкидламоқчи эдик, яъни тасаввуф, баъзи тадқиқотчилар айтмоқчи, бир дин ўрнига келган янги, мураккаблаштирилган ва мистик туйғуларни қондиришга хизмат қилувчи иккинчи дин эмас, балки оламни билишга йўл очган, шу сабабли ҳам фикрий-ҳиссий мушоҳадакорлик, хурфикрликни ёқлаб, инсонни тадқиқ этишга диққат қилган катта фалсафий оқимдир. Ана шу жиҳати билан у динга нисбатан олға ташланган муҳим қадам бўлди ва башарий тафаккур тараққиётига шубҳасиз ижобий таъсир кўрсатди. Алишер Навоийга ўхшаш гуманист мутафаккирлар учун эса у инсон табиати ва тийнати ҳақида, жамият, ҳаёт воқеа-ҳодисалари, моҳияти тўғри-

сида ўйлашга имкон берадиган қидириш-изланиш майдони, таянч нуқтаси бўлиб хизмат қилган. Улуғ шоир буни биринчи девонига киритган, ҳар банди

«Харобот аро кирдим ошўфта ҳол,  
Май истарга илгимда синғон сафол», —

деб яқунланувчи таржеъбандида равшан баён этган. Таржеъбандни ўқир эканмиз, муаллифнинг рози дилидан огоҳ бўламиз, чунки у ёшлигидан бошлаб ҳар хил илмларни ўргангани, ҳар хил «саргу-зашт»ни бошидан кечириб, дунё ва унинг одамлари ҳақида кўп мулоҳаза юритганини ёзади. Шоҳу султонлар дабдабаси, шайхул ислому уламо-умаролар, ман-ман деган донишмандлар суҳбати уни қониқтирмаган, уларнинг бирортаси ҳам инсон қаршисида пайдо бўладиган минглаб саволларга жавоб беришга қодир эмас эди. «Назар айла бу коргоҳ вазъига, ки ортар тамошосида ҳайратим», — дейди шоир. Олам моҳияти нимадан иборат, инсон нега дунёга келади ва яна нега кетади? Нега қуёш ҳар тонг нур сочиб чиқади, фалак доим гардишда? Нега инсон зоти бир хил эмас? Фирибгарлик, қонхўрлик, риё, ёлғон қаердан келиб чиққан? Бу ва бунга ўхшаган саволлар Навоийни ҳамиша қийнаб келган. На ўзимнинг «саъи ила фикратим», «на касби улум этти ҳал мушкулим», — деб ёзади у. Юрагида ҳар хил андишалар, шубҳалар кезгани, лекин замона тафаккури доирасидан батамом чиқиб кетишга журъат қилолмаганини эслатади. Ва оқибатда:

Менинг бошимга бас қотиғ тушди иш,  
Чу тоқ ўлди бу дарл ила тоқатим, —

дея ўзини тасаввуф билан овутади, яъни «май била улфат» тутинди.

Шундай қилиб, тасаввуф Навоийга жаҳолатдан қутулиш, дунёни билишга, чанқоқ юракни маълум даражада тинчитишга кўмак берган. Бунинг икки сабаби бор: биринчиси шуки, Навоий яшаган замоннинг ақлий тараққиёт даражаси, фан ривожини реал дунё воқеаларини илмий асосда тушунтиришга ожизлик қиларди. Иккинчиси эса, бу яна муҳимроқ: инсоннинг ақлий имкониятлари, донолиги билан ахлоқи, аъмол-ниятини орасида мавжуд бўлиб келаётган номувофиқликдир. Навоий ақлу заковати ҳайратланарли, қилни қирқ ёрувчи кишилар ичида нафс домига тушган, зулм ва бадкирдорлиги билан машҳур бўлганларини кўп кўрган эди. Шунинг учун улуғ гуманист шоир ахлоқни — фазилатлар тарбиясини биринчи ўринга қўядиким, бу ҳам тасаввуфона мурожаат этишга олиб келарди. Зеро тасаввуф бутун эътиборни айнан инсон ахлоқини поклашга қаратиб, шу мақсадда турли йўл-йўриқлар,

амалий тадбирлар ишлаб чиққан эди. Тасаввуф одамни виждони билан юзма-юз қўйиб, ўзи ҳақида ўйлашга мажбур этар, ҳақиқат ва эътиқод поклиги руҳида тарбияларди.

Оламни ягона деб эътироф этиш билан тасаввуф юзаки нарсалар, қуруқ ақидаларга кўр-кўрона тақлид қилувчи, мустақил фикрдан маҳрум одамларни танқид остига олди, асосий эътиборни Аллоҳ васлига етишиш, деб билди. Навоийнинг мана бу рубойиси ҳам шу маънони ифодалайди:

Зоҳид, сенга ҳуру менга Жонона керак,  
Жаннат сенга бўлсин, менга майхона керак,  
Майхона аро соқию паймона керак,  
Паймона неча бўлса тўло, ёна керак.

Бунда ҳам май илоҳий файз рамзи, Жонона — Парвардигор, майхона — ориф ҳузури, соқий — ўша пир, паймона — ишқ. Лекин Навоий дунё гўзаллиги (мажозий гўзаллик)ни ҳам инкор этмаган. Зеро Жомий ва Навоий мансуб бўлган нақшбандия таълимоти қаноат ва тийилишни талаб этса-да, бироқ дунё гўзаллигидан ҳузурланишни ҳам назардан соқит этмайди. Негаки, модомики реал дунё Мутлақ руҳ инъикоси экан, демак, уни севиш ва ундан баҳра олиш мумкин. Шу асосда инсоннинг инсонга муҳаббати ҳам табиий ва зарурий деб топилган, яъни мажозий ишқ орқали илоҳий ишққа қараб бориш. Навоий ўзини ана шу «ишқи мажозий» куйчилари сирасига киритади. Дарҳақиқат, биз таҳлил этган ғазалга ўхшаган соф тасаввуфий маънода ва «ишқи ҳақиқий»ни васф этувчи асарлар Навоий ижодида асосий ўринни эгалламайди. Аммо шуниси борки, ибораларнинг тимсолийлиги, рамзий-самволик маънолар «дунёвий ғазаллар»да ҳам сақланган. Ойбек айтганидай, бу ерда конкрет бирор шахс муҳаббати назарда тутилмайди, балки умуман яхши инсонни севиш мадҳ этилади. Ишқ Навоий наздида покбозликдир, яъни: «пок кўзни пок назар билан пок юзга солмоқдур ва пок кўнгул ул пок юз ошубидан кўзғолмоқ ва бу пок мазҳар воситаси била ошиғи покбоз маҳбуби ҳақиқий жамолидин баҳра олмоқ» («Маҳбуб ул-қулуб», 42-бет). Шунинг учун, масалан, дейлик, «Келмади» радифли ғазални муножот куйи оғушида берилиб тингларканмиз, «Эй Навоий, бода бирла хуррам эт кўнгул уйин, не учунким бода кирган уйга қайғу келмади» деган мақтаъни эшитганда, шоирнинг лирик қаҳрамони ёрини кутавериб қийналганидан, уйига кириб аламдан роса ичиб олибдида, деб ўйласак, ўта калтафаҳмлиқ қилган бўлардик. Бундай ғазалларда ҳам бода, шароб, май сўзлари ўша мажозий маънода — муҳаббат шавқини билдириб келишини эсдан чиқармаслик керак. Бундан ташқари, Навоий бодани «кўнгил уйини хуррам этувчи» нарса деганда, ёрни кўнглида сақлаш, унинг ёди билан яшашни

таъкидлаган. Негаки, нақшбандия сулукида *ёд, хотира, эсга олиш* тушунчалари муҳим ўрин эгаллайди. Абдулҳаким Табибийнинг ёзишича, нақшбандияда туз йўлга кирган одам қалбида «эътиқод нури, тавҳид нури, маърифат нури, ҳидоят нури, хотира, аждодлар ёди нурининг бодаси» жўшиб туриши лозим. (*Абдулҳаким Табибий. Афғонистонда тасаввуф ривож, 10-бет*). Бунда эсга олиш, ҳофиза қуввати ҳақида ҳам гап борадики, бу ватан, эл-улус гами каби кенг маъноли тушунчалар билан боғланиб кетади.

Шундай қилиб, тасаввуф инсонни улуғлаш, ҳаётнинг қадрига етиш, умрни оқилона ўтказиш гоъларини тарғиб қилишга назарий замин ҳозирлаб, инсонпарвар шоирларнинг илҳомига илҳом қўшган. Бу таълимотнинг негизи савқи табиий, руҳий кўзғалиш, ваҳийлик ҳам шоирона тафаккур кайфиятига мос тушарди, Ва, умуман, биз шайхлар, орифлар тасаввуфидан ижодкорлар тасаввуфини фарқ қилишимиз керак. Сўфийлар учун тариқат зикру самоъ, важду ҳол, касбу каромат эди. Аттор, Румий, Жомий, Навоий сингари буюк шоирлар учун эса у шуурий мушоҳада усули, инсон зотини маънавий баркамол ҳолда кўриш орзуси, сирли-хаёлий оламини тасаввурда яратиб, Идеал бир гўзаллик ишқида ёниш бўлган. Одамнинг асрлар давомида абадий ҳаёт, руҳнинг ўлмаслиги ҳақида ўйлаб келган армонлари, ривоят-асотирлар бу беҳудуд романтик олам уфқини кенгайтирган. Шу боис, тариқат хонақоҳида ўтирмаган, яъни расман сўфий бўлмаган Алишер Навоий мазкур таълимотни маслак, мафкуравий эътиқод сифатида қабул қилиб, ўзининг инсоншунослик, ҳақпарастлик ва адолатпарастлик гоъларига бўйсундирган эди. Шоҳ ва шаҳзодаларни инсофга чақариш, риёкор шайхлар, бетавфиқ сўфийларни фош қилишда ундан фойдаланди. Шоирнинг ижоди ана шундай мураккаб ва кўп қиррали, ибора-образлари кўп маъноли, теран. Унинг ҳар бир асари устида тўхталганда, бу хусусиятни албатта эътиборга олиш лозим.



## ШОҲУ ДАРВЕШ ҲИКМАТИ

Шарқ шоирлари асарларини мутолаа қилар эканмиз, *дарвеш*, *гадо*, *фақири саҳибдил*, *солиҳ*, *ориф* каби сўзларга тез-тез дуч келамиз. Ва, аксар бу сўзлар *шоҳ*, *шаҳзода султон*, *салтанат* сўзлари билан ёнма-ён келади, «шоҳ-гадо» контраст-зиддиятли ибора орқали эса турли хилдаги фикр-мулоҳазалар, ижтимоий-ахлоқий қарашлар баён этилади. Шундай экан, ўйлаймизки, бугунги ўқувчилар ҳам мазкур сўзларнинг маъносини англаб олиши ва бу сўзлар ишлатилган асарлар замирида яширинган муҳим ғоялар, мутафаккир адибларнинг ҳамон долзарб бўлиб келаётган қарашларини билиши зарур. Ҳўш, дарвеш ким? Шоҳ-чи?

Форсча *дарвеш* сўзининг луғавий маъноси гадо, камбағал демақдир, яъни дарвешлик — бенаволик, қашшоқлик. Камтар, хокисор бўлиш, ўзини ҳақиру забун ҳисоблаш дарвешнинг асосий фазилати деб қаралган. Шу билан бирга, қаландарларни, узлатга чекинган гўшанишин кишиларни ва яна кўп ҳолларда ориф сўфийларни ҳам дарвеш деб атаганлар. Дарвеш кейинги маънода, айниқса шеърятда кенг қўлланилган. Дарҳақиқат, тиланчи гадо билан дарвеш ёхуд сўфийнинг ижтимоий аҳволи, юриш-туришида ўхшашлик бор: сўфий ҳам гадо — дунё мол-мулкдан мосуво бўлган, жанда тўнидан бошқа нарсаси йўқ қашшоқ одам. Аммо сўфийнинг дарвешлиги онгли-ихтиёрий саъю кўшиш натижасидир, унда тама йўқ, дарвешлик — унинг эътиқоди, у тариқат маслагини қабул қилиб, шу йўлда жонини, борлигини фидо этади. Шайх Абу Саид Абул Хайрдан сўфийлик нима, деб сўраганларида, у: «Кўлида бор нарсасини ўзгаларга бағишлаш, бошдаги бор номақбул фикр-хаёлларни ташлаш ва бошга нима (қийинчилик) тушса — чидаш», — деб жавоб берган («Он чи, ки дар даст дорй — бидиҳий, он чи, ки дар сар дорй — биниҳий ва он чи, ки ба сар ояд — начаҳий»). Сўфий дарвеш қорин тўйғизиш илинжида юрган пастҳиммат, беор тиланчилардан шу жиҳати билан фарқ қилган (воқеан, Алишер Навоий «Маҳбуб ул-қулуб»да ўғриларга шерик очофат тиланчи гадоларни нафрат билан мазаммат этади). Сўфий дарвеш ҳам тиланчи, лекин унинг тиланчилиги билан гадонинг

тиланчилиги орасида еру осмонча тафовут мавжуд. Ўзини Ҳақ йўлига бағишлаб, дунёдан юз ўтирган; бойлик, олтин-жавоҳирга беписанд қараб, инсоний шаъну шараф, ҳикмат ва маънавий ганжинани ҳар қандай зару зевар, сарвату маснаддан афзал деб билган; қаноатли-диёнатли дарвешнинг тиланчилиги (толиблик) Илоҳ жамолига етишиш, ғайбнинг сиру асрорини кашф этиш учун тинмай изланиш, руҳни имтиёзлантириб, яйратиб боришдир. Дарвешлар зоҳиран афтодаҳол, жанда кийимда (ҳирқа) кўринсалар-да, лекин ботинан илм-маърифатли, закий, ҳозиржавоб ва мард-ҳамиятли кишилар бўлганлар. Яъни гуманист шоирлар наздида-жамики яхши хулқ-атвор, карам-саховат, инсоний фазилат дарвеш одамда акс этиши керак. Шайх Саъдий «Гулистон» асарида ёзади: «Дарвешларнинг зоҳири жанда кийим ва қиртишланган соч, ҳақиқати эса — тирик кўнгил, бедор дил ва ўлган нафсдир». Навоийнинг замондоши Мирхонд фикрига кўра: «Дарвешлик — афзалият касб этиш учун кураш демак». Шу хусусияти билан дарвеш ўз нафсининг ҳокимига айланади, саркаш нафсни жиловлаб, қаноат тахтини эгаллайди; маънавият мулкининг шоҳи бўлиб олади. Бундай мартабани эгаллаган дарвешларни «шоҳ дарвеш», «шайх», «хожа» (Баҳоуддин Нақшбандни муридлари «бизнинг хоҷамиз» деб тилга оладилар), «соҳибдил», «солиҳ» унвонлари билан эъзозлаганлар. «Соҳибдил — ўз қалбининг эгаси, кўнгил амри билан юрадиган, ҳамиша огоҳ; ҳолнинг дардли кечинмаларини нозик ҳис этувчи дийдаси уйғоқ одам демак. Солиҳ деганда эса соҳибдил фазилати билан бирга раҳм-шафқатли, карамли бўлиш ҳам назарда тутилади. Яхшилик қилишга қобил, некбин, ички дунёси бут, имон-эътиқодли кишиларга нисбатан солиҳ сўзи ишлатилган. Шайх Саъдийнинг «Гулистон» ва «Бўстон» асарларида, Оғаҳий таржима этган «Мифтоҳ ут-толибин», «Далоил ул-хайрот», Толибхўжа таржимасидаги «Ҳикоят ус-солиҳин» номли китобларда соҳибдил дарвешларнинг ажойиб-ғаройиб хислатлари қизиқ-қизиқ ҳикоятлар тасвири орқали кўрсатилади. Солиҳ дарвешлар халқ молига кўз олайтирмасдан, ўз меҳнатлари билан кун кўрадилар, бировнинг ҳақини ейишдан ҳазар қиладилар. Улар нафсни жиловлаганлари учун бировга боғлиқ эмаслар, амалмансабга интилмайдилар ва шунинг учун ҳам эркин-озод яшайдилар. На шоҳнинг қули, на хўжанинг бандаси, на фуқаро шоҳи, на банданинг хўжасидирлар.

Ҳажга пиёда кетаётган дарвешнинг қўшиғидан:

На бар астар саворам, на чу уштур зери борам,  
 На худованди раият, на гуломи шаҳриёрам.

(Саъдий Шерозий, «Гулистон»)

(Туя минган эмасман, аммо туя каби юк остида ҳам эмасман, раиятга подшоҳ ҳам, подшоҳга қул ҳам эмасман.)

Ҳа, дарвеш ҳамма дунёвий қайдлардан озод, унинг хаёли-хотираси ва қалбида биргина Илоҳ бор, холос. Зеро, озод, мустақил одамгина олий ҳақиқат учун муросасиз жангга кира олади, молмансаб, унвон-мартаба тамаида юрган одам албатта, ҳокимиятга, шоҳга, мансабдорга қарам бўлади, ўз иродаси билан иш қилолмайди. Аммо шоҳ-чи? У — қул, дунё қули! Чунки у мол-дунёга хирс қўйган одамларнинг энг «пешқадами», энг зўри, унинг фикру ёди дунё эгаллаш билан банд. Шундай қилиб, шоҳ дунёдан тўймаслик, зулму зўравонлик рамзи бўлса, дарвеш ўз хусусияти билан шоҳнинг бутунлай тескариси — салтанат, тахту тожни инкор этиш, унга нафрат тимсолидир. Абдураҳмон Жомий буюрадилар:

Тораки дарвеши торик фориг аз тожи зар аст,  
Камтарин тарк аз кулоҳи торакаш тарки сар аст.  
Кай мукамал гардад аз тарки ду олам он кулах,  
Зон ки тарки дидани он тарк тарки дигар аст.  
Сахраи нафси баҳимонро на зебад тожи фақр,  
Сар ки ҳаст афсарро дархўр на жойи афсар аст.

(Тарк этувчи дарвешнинг боши олтин тождан холидир, яъни тожни тарк этган, уни бошидан улоқтирган дарвешнинг боши озод, олтин у зар хаёлидан холи. Унинг ўз бошининг тепаси — тарки энг камтарин кулоҳдир. Бу кулоҳ, яъни бош кийим икки олам — дунё ва охиратни тарк этишдан мукамал бўлармикин, чунки икки оламни тарк этган бошни кўриш бошқачадир. Ҳайвоний нафснинг харсанг тошига дарвешлик тожи ярашмайди, подшолик тожиге лойиқ бош — раҳбар бўлишга лойиқ эмас).

Демак, олтин тож кетидан югурган, дунёни эгаллашга ружу этган одам халқда раҳбар бўлишга қодир эмас, чунки у фақат ўзини ўйлайди, ҳолбуки, ўз манфаатини ўйламайдиган одамгина ўзгалар манфаатини ўйлаши мумкин. Бугина эмас, Жомийнинг фикри чуқурроқ: агар мақсад кишиларни нафс аждаҳосидан қутқариш, маънавият оламига етаклаш бўлса, ўз нафси домига гирифтор шоҳ мамлакатни, халқни тўғри йўлга бошлай оладими? Йўқ, шоҳ ўз ижтимоий аҳволи, мақсад-ниятини билан моҳиятан халққа раҳбар бўлиши мумкин эмас. Халққа раҳбар бўлиш учун бошни тож билан эмас, балки илоҳиёт нури билан, маърифат зиёси билан безаш керак. Маърифат эса тожни тарк этган бошга муяссар бўлади.

Шу боис шоҳу дарвеш жамиятнинг икки қарама-қарши қутби, икки хил моҳият, икки хил ижтимоий мавқе, бир-бирини тамоман рад этувчи икки хил интилиш, ақида — дунёқараш сифатида Шарқ гуманист адибларининг диққат-эътиборини қаратиб келган.

Бундан ташқари, мазкур муаммо мантиқий равишда инсон хилқати, эрки, жамиятнинг тузилиши-тартиботлари, дунёдорлик, жамиятни бошқариш, адолатли ҳукмдор, якка ҳокимлик ва фуқаро, жаҳонгирлик ва мазлум халқлар тақдири каби қадимдан давом этиб келаётган ва ҳамisha кун тартибида турган масалалар билан боғланиб кетарди. Бир томондан, шоҳлар, султонлар ниҳоят улуғланар, расмий дин эса шоҳлар пайғамбарнинг ноиби, Худонинг ердаги сояси деб уқдирар, аслзода синфлар вакили хону амирлар атрофига уюшиб, уларнинг ҳимоясида жамият сарватларидан истаганча тасарруф этиш пайида бўлардилар. Феодал иерархия — мулкый нотенглик, тоифа-табақаларга бўлиниш шоҳга сўзсиз итоат этишни тақозо этар, унинг обрў-эътиборига доғ туширмасликка интилишарди. Бутун мамлакат тақдири, миллионлаб одамларнинг тақдири якка ҳокимлик қилувчи шоҳлар қўлида эди. Шунинг учун подшонинг шахсияти, ахлоқи, одил ёки золимлиги Жомий ва Навоий сингари улуғ шоирларнинг доимий мавзуига айланиб, улар қарийб ҳар бир асариди бу хусусда тўхталганларини кўраимиз. Ва, муҳими шундаки, мутафаккир адиблар шоҳларни адолатга даъват этиш билан чегараланиб қолмай, одиллик ва золимликнинг сабаблари, қаердан келиб чиқиши ҳақида ҳам бош қотирганлар ҳамда буни тасаввуфнинг дарвешлик тариқати билан изоҳлашга интилганлар. Шоҳ ва дарвешни қиёслаш ана шу интилишдан келиб чиққан. Демак, бир томондан, шоҳни улуғлаш, уни жамиятнинг энг юқори мансабни эгаллаган ҳукмфармо одами деб ҳисоблаш, иккинчи томондан, уни оддий дарвеш билан қиёслаш, ҳатто ундан паст қўйиш. Воқеан, халқ ва Ҳақ наздида кимнинг обрў-эътибори баланд — жаҳонни титратувчи «зилли Илоҳ» султонларми ёки гадо қиёфасидаги покдил донишмандми? Кимнинг ҳиммати улуғ — ҳеч вақоси йўқ, лекин биров миннатини кўтармайдиган, ўзининг ҳалол меҳнати билан кун кўрувчи камбағалми ёхуд қилич зарби билан юрт очиб хазина тўплайдиган ва ўз маддоҳлари бошидан зар сочадиган шавкатли подшоми? Агар ҳамма дарвешга айланса, мамлакат аҳволи нима кечади, ўшанда подшога ҳожат қоладими? Шоҳ дарвешга айланиши ёки тахтга дарвеш ўтириши мумкинми? Шоҳу дарвеш бир-бирига меҳр қўйиб, ўзаро яқинлаша оладими ё бўлмаса улар орасидаги зиддият абадул абадми? Кўриниб турибдики, шоҳу дарвеш муносабати фақат мавқеига кўра жамиятнинг икки қарама-қарши кутбида турувчи одамлар орасидаги муносабат эмас, балки ҳокимият ва билим, маърифат ва давлат, мулк ва сиёсат масалалари, улар орасидаги муносабатни ҳам қамраб олади. Буларнинг ҳаммаси эса умуман инсон ва ҳокимият масаласига келиб тақалади. Ҳокимият, тахту тож инсонга қандай таъсир этади, инсон табиатидаги қандай фазилатлар ёки нуқсон — ожизликларни рўёбга чиқаради — бу жуда муҳим, чунки

жуда доно, закий оламлар ҳам давлат тизгинини қўлга киритгандан кейин жабр ва зўрлик қилишдан тийилмаганлар! Не учунки, давлатнинг ўзи зўрлик қуроли, муайян кишилар манфаатини ҳимоя қилиш воситаси. Шоҳ ҳам истайдими-истамайдами, ўзи мансуб синфнинг манфаатини ҳимоя қилади, кимларгадир зўрлик қилади, кимларнидир жазолайди. Худди шу нарсанинг узи, яъни ҳокимлик, мансаб инсонни бузади, унинг ахлоқига, қалбига путур етказди. Аммо шоҳ кимни жазолаши, кимни ҳимоя қилиши керак? Жомий ва Навоий (улардан олдин ўтган мутафаккирлар ҳам) назарида подшо яхшиларни ҳимоя қилиб, ёмонларни жиловлаши лозим. Ёмонлар деганда улуғ шоирлар халққа ноҳақ, зулм ўтказувчи ҳокимлар, қонун ва шариатдан ташқари чиққан руҳоний, қози-ю уламолар, қорилар, фирибгарлар, ортиқча солиқ ундирувчи амалдорларни назарда тутадилар. Одил подшоҳ талбиркор чўпондай ўз фуқаросини ана шундай золимлардан ҳимоя қилиши, маърифат аҳлини ардоқлаб, улар маслаҳати билан сиёсат юргизиши керак. Маърифат аҳлининг пешвоси эса дарвешлардир. Бироқ инсондаги ҳокимиятга ҳирс, дунёпарастлик, бир-бири устидан ҳукм юри-тишга интилиш маърифатни, дарвешлик эътиқодини борган сари кўпроқ рад этар, унинг ғояларини саройдан четлаштирарди. Натижада шоҳу дарвеш орасидаги жарлик нафақат моддий нуқтаи назардан, балки мафкуравий-маънавий нуқтаи назардан ҳам кенгайиб борар, улар орасидаги зиддиятни чуқурлаштирар эди. Шунинг учун шоирлар шоҳу дарвеш масаласини ҳар бири ўз ижодий концепцияси, ижтимоий қарашларига амал қилган ҳолда турли йўсинда талқин этган бўлсалар-да, бироқ ана шу келиштириб бўлмас тафовутни акс эттиришни маъқул кўрганлар.

Ўрта асрлар Шарқда бу масаланинг муҳимлиги яна шу билан ҳам кучаярдик, сўфий дарвешларнинг кўпи ҳаётнинг ўзида шоҳларга ва ҳокимиятга нисбатан қарама-қарши турганлар, айниқса золим, ҳукмдорларни жиловлаш, мазлум оммани зулмдан ҳимоя қилишни дарвешлар ўз бурчлари деб билганлар. Зеро, тасаввуфнинг ўзи таълимот сифатида ҳокимиятга, зулм ва зўрликка қарши эди, шу заминда пайдо бўлиб, шу халқчил позицияда ривожланарди. Бунинг акси бадий адабиётда кўринди. Шайх Саъдий асарларида солиҳ дарвешлар эл орасидаги обрўларидан фойдаланиб, золим амирларни қаттиқ танқид қиладилар, ҳаттоки, улардан бири «Гулистон»да жабр-зулм ўтказишда машҳур Ҳажжож ибн Юсуфга: «Одамларга озор бергандан кўра ўлганинг яхши, тезроқ ажалинг етиб, сен ўлсанг ҳам эл қутулади, ҳам сенинг ўзинг», — дейишгача боради. Саъдий Шерозий дарвешлар рафтори, сийратини зўр муҳаббат билан тасвирлаган. Низомий Ганжавий, Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Балхий, Ҳофиз Шерозий ижодида ҳам бу ҳақда битилган оташин сатрлар анча. Аммо бу ижод-

корларнинг ҳаммасида битта гоё етакчилик қилади, яъни: дарвеш шоҳдан устун, дарвешлар шоҳларга эмас, балки шоҳлар дарвешларга хизмат қилиши керак, дарвешларнинг насиҳат-маслаҳатларига қулоқ солиб, адолат ва инсоф йўлидан боришлари лозим. Чунки дарвеш олий зот, Худога яқин, Ҳақни кашф этган одам. Шунинг учун шоҳ уни истаб бориши, дуосини олиши, унга итоат этиши шарт, шунда иши ривож топади.

Шоҳ дарвешга муҳтож. Бунинг маъноси шуки, шоҳ нафақат маслаҳат-насиҳатга, балки Илоҳга, Илоҳни танитишнинг энг тўғри йўли бўлмиш тасаввуфга муҳтож. «Хусравлар жаҳон ҳожатмандларининг қибласи бўлсалар-да, аммо бунинг сабаби уларнинг дарвешларга бандалигидир», деб ёзди Хожа Ҳофиз. Бошқача айтганда: подшоҳлар дарвешларга банд бўлганлари учун ҳожатманд кишилар уларга қараб интиладилар, яъни шоҳнинг сарват-салтанати, шуҳрат-эътибори дарвеш туфайли пойдор.

Юқоридаги мисол Ҳофиз Шерозийнинг ўн уч байтли ғазалидан олинди. Шуни қайд этиш керакки, ушбу ғазалда дарвешликнинг бутун бир қоида-низомияси баён этилган. Шоир дарвешларни инсоният жамиятининг энг мўътабар, энг муқаддас ва азиз кишилари деб таърифлайди. Унингча, барча яхшиликлар дарвешлар туфайлидир, улар ҳаётнинг, борлиқнинг ўзак-тиргаги, уларнинг ҳиммати ва ҳашамати олдида жаннату ризвон ҳам кичкина, арзимас нарсага айланиб қолади:

Қасри фирдавс, ки ризвонаш ба дарбоний рафт,  
Манзаре аз чамани нузҳати дарвешон аст.

(Ризвон номли фаришта эшигини қўриқлайдиган жаннат қасри дарвешлар покизалиги чаманидан бир манзара, холос).

Дарвешларнинг суҳбати шундай кимёким, пишмаган хаёлларни пиширади, қалбни қора доғлардан тозалаб, сайқал бера олади. Офтоб «такаббур тожи»ни улар қошида ерга олиб қўяди, фалаку сайёра шунча улуғворлиги билан дарвеш теграсида айланади. Дарвешларнинг узлати, хилватхонаси — тилсимлар тўла ганждир, бу ганжни қўлга киритиш ҳам «дарвешлар раҳматининг назари» билан бўлади. Шунинг учун дарвешларнинг давлати — туганмас, завол билмас давлат:

Давлатеро, ки набошад ғам аз осеби завол,  
Бетакаллуф бишнава, давлати дарвешон аст.

(Емирилиш офати ғамидан эмин бўлган давлат — ҳеч шубҳасиз, дарвешлар давлатидир). Шоир шоҳларнигина эмас, барча бойлар, манман кишиларни огоҳлантириб, ҳирсу ҳавога берилмасдан, хасислик қилмасдан муҳтожларга қарашиб туришни, дарвешнинг

дуойи бадига учрамасликни таъкидлайди, бўлмаса, Қорун каби уларни ер ютиши ҳеч гапмас:

Ганчи Қорун, ки фуру меравал аз қаҳр ҳануз,  
Хонда бошй, ки ҳам аз ғайрати дарвешон аст.

(Агар ўқиган бўлсанг, ҳали-ҳанузгача ер қаърига кириб кетаётган Қорун ганжи ҳам дарвешларнинг ғайратидандир).

Қуръони каримда келтирилишича, Қорун жуда катта бой бўлган экан. Ҳисобсиз олтин-жавоҳир йиққан, аммо ниҳоятда хасислигидан бировга бир мири бермас экан, Аллоҳнинг қаҳри келиб, унга ғазаб қилади ва у бутун бойлиги билан ер қаърига кириб кетади. Хожа Ҳофизнинг фикрича, ана шу илоҳий ғазаб дарвешлар дуоси туфайлидир. Ҳофиз ғазалидаги қуйидаги байт ҳам диққатни тортади:

Аз қарон то ба қарон лашкари зулм аст, вале  
Аз азал то ба абад фурсати дарвешон аст.

(Қирғоқлардан қирғоқларга қадар зулм лашкари ёйилган, яъни ҳаммаёқни зулм босиб кетган, аммо азалдан абадгача дарвешларнинг вақтидир).

Нима демоқчи шоир бу билан? «Зулм лашкари» Ҳофиз байтида икки маънога эга: 1) инсонларнинг бир-бирига зулми, жабру жафонинг ҳаддан зиёд кўплиги; 2) дунёнинг, фалакнинг одамларга зулми чексиз-чегарасизлиги. Бу икки зулм бир-бири билан қўшилиб кетган, дунёпарастлик, нафс кетидан югуриш, ўз-ўзига зулм қилиш, яъни нафс зулми остида эзилиш чархи фалак зулмининг бир кўринишидир. Фалак ҳам, инсоннинг жисмоний эҳтиёжларидан пайдо бўладиган ўзаро низолар, олишув-талашувлар ҳаммаси зулмдир, аммо ана шу зулм лашкари дарвеш хислати билан бартараф этилиши мумкин. Дарвешнинг таъсири, дарвешнинг эътиқоди Улуғ Тангри мисол азал ва абад мавжуддир, унинг вақтининг ҳудуди йўқ, дарвешлар ҳамма ерда, ҳамма вақт инсонларни қутқаришга ҳозир у нозир. Шунинг учун:

Ҳофиз, ар оби ҳаёти абадий меҳоҳи  
Манбааш хоки дари хилвати дарвешон аст.

(Эй Ҳофиз, агар абадий ҳаёт бағишловчи оби ҳаёт истасанг, билгилки, унинг манбаи дарвешлар хилватхонаси эшигининг тупроғидир).

Хожа Ҳофизнинг мазкур ғазалида ифодаланган ғоялар Жомий ва Навоийга ҳам таъсир этган кўринади, чунки ҳар икки замондош адиб шу мавзуда бир неча ғазаллар яратганлар. Навоийнинг «Девони Фоний»сига кирган ғазали вазн, қофия ва радифи билан («дарве-

шон аст») Ҳофиз ғазалига ҳамоҳанг. Аммо Алишер Навоий татаббу анъанасига риоя қилгани ҳолда шаклий белгиларни сақлаб, баъзи ибора-ифодаларни қайтарган бўлса-да, лекин ғояни ривожлантириш, янги тасвирий образлар қўллаб поэтик мазмунни чуқурлаштиришга муваффақ бўлган. Шуниси ҳам борки, Навоий ғазали «татаббуи Маҳдум», яъни Жомийга татаббу сарлавҳаси остида келтирилган. Афтидан, улуг ўзбек шоири бу орқали ғазални ёзишда ҳам Ҳофиз, ҳам Жомий асарларидан илҳомланганини билдирган. Аммо унда Ҳофиз руҳи ёрқинроқ намоён бўлган. Чунончи, Ҳофиз матлаи:

Равзаи хулди барин хилвати дарвешон аст  
Мояи муҳташамй хидмати дарвешон аст,

(Беҳишти жовидоннинг боғи — дарвешлар хилватидир, улугворлик, ҳашаматнинг асоси дарвешлар хизматидир).

Навоий — Фоний матлаи:

Матлаи субҳи азал талъати дарвешон аст,  
Махзани нақди абад хилвати дарвешон аст.

(Азал тонгининг отиши дарвешлар юзидир, абадийлик сармосининг хазинаси дарвешлар хизматидир).

Муҳими шундаки, Навоий ўз ғазалида ифодалаган ғоялар Ҳофиз ва Жомий ғоялари билан ҳамоҳанг. Навоий ҳам дарвешнинг мартабасини арши аълога кўтариб мақтайди, уларни эзгу ишлар ижодкори, илоҳий раҳмат ва хайру баракат манбаи деб ҳисоблайди. Яхшиси, ғазалдан бир неча байт келтириб кўрайлик:

Шамъи хуршед, ки гулзори жаҳон равшан аз ўст,  
Гуле аз базмгоҳи нузҳати дарвешон аст.  
Жоми Жамшед, к-аз ў кори жаҳон аст аён,  
Як сафоли кўҳан аз суҳбати дарвешон аст.  
Арши аъзам, ки бувад боли малак жорубаш,  
Қуббаи борғаҳи ҳашмати дарвешон аст.  
Тоири қудс, ки бар арш нишеман дорад,  
Пайки пайғомдиҳи ҳазрати дарвешон аст.

(Жаҳон гулзорини равшан этувчи офтоб шамъи дарвешлар поклик базмининг бир гулидир. Жаҳон ишларини кўрсатиб турувчи Жамшид жоми дарвешлар суҳбатидаги битта эски синиқ сафолга тенгдир. Малоика қаноти супургиси бўлган Буюк арш дарвешлар ҳашамати қасрининг қуббасидир. Аршга қўнадиган муқаддас қуш — фаришта дарвешлар ҳузурига пайғом — хабар келтирадиган элчидир). Шунга ўхшаш дарвешларнинг қудрати беҳадду ҳудуд экани турли ташбеҳлар орқали баён этилади. Чунончи, юлдузлар билан безанган фалак — дарвешнинг исмат ҳарамидан бир парда, хайли



бало дилга хавотир солганда, дарвеш уни енги билан силтаб дафъ эта олади, ҳатто инсонга қараб отилган қазо ўқини қайтаришга ҳам дарвешнинг қурби етади ва ҳоказо. Шунга асосан, шоир хулосалайди:

Фониё, равшани вақт зи дарвешон жуй,  
К-ин кушод аз назари раҳмати дарвешон аст.

(Эй Фоний, замона-вақт равшанлигини дарвешлардан изла, чунки бу кушойиш дарвешлар назарининг раҳматидандир). Хуллас, комил инсон фазилатларини ўзида акс эттирган, аҳлуллоҳ, яъни илоҳий ҳақиқат изловчилар ер юзида ўзгалар учун раҳнамо бўлиши, эзгу-хайр ишларни амалга ошириши, илоҳий неъматларни ёйиши мумкин. Бошқача айтганда, дарвеш — йиғма образ, эзгуликнинг тимсоли. Кароматли улуғ шайхлар ҳам, қалби соф қаландарлар ҳам, мискин мўминлар ҳам, ижодкор адиблар ҳам бунда ўзларини кўришлари мумкин. Лекин аксар авлиёлик даражасига кўтарилган соҳибкаромат дарвешлар кўпроқ назарда тутилгани равшан кўри-ниб турибди, албатта. Масалан, Фаридиддин Атторнинг «Тазкират ул-авлиё», Абдураҳмон Жомийнинг «Нафаҳот ул-унс» ва Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асарларида келтирилган шайхларни айнан шундай дарвешлар зумрасига киритса бўлади. Ёки, масалан, аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, Хожа Аҳрор Валийни Жомий фақр аҳлининг пешвоси деб таъриф этади «Футуҳот уш-шабоб» девонига кирган «Дар маънии фақр аст ва дуои хожа» (Фақр маъносидадир ва Хожа Убайдуллоҳ дуосида) номли қасидасида. Тарихий ҳужжатлар ва халқ орасида тарқалиб етиб келган ривоятларга қараганда, Хожа Аҳрорнинг молу мулки жуда кўп бўлган. Унда Жомий таърифини қандай тушуниш мумкин, «фақр» сўзини Хожа Аҳрорга нисбатан ишлатса бўладими?

Афтидан, Абдураҳмон Жомий Хожа Аҳрор Валийни фақру фано аҳли қаторига қўшганда у кишининг шахсий фазилати, хулқи ва турмуш тарзини, сўфиёна ҳаёти-ю маърифатли қалбини назарда тутган. Чунки Хожа Аҳрор гарчи ҳисобсиз бойликка эга бўлса ҳам, ўзи фақирона ҳаёт кечирган, унинг бойликлари эса қашшоқларни боқиш, муҳтожларга қарашини учун сарфланган. Бу ҳақда ўтган бобларда тўхталдик. Жомий ҳам «фақр» деганда кўнгилининг Илоҳдан бошқа нарсага қаратилмаганини англайди ва бу сифат Хожа Аҳрорда мужассам деб ҳисоблайди. Кези келганда айтиш керакки, Жомийнинг ўзини Алишер Навоий олиймақом дарвеш — илоҳиёт қошифи деб улуғлаган. Навоий ўз пири Абдураҳмон Жомий сиймосида комил инсоннинг фазилатларини кўради; «Тухфат ул-афкор» қасидасида у ёзади:

Ҳомии шаръи набӣ Жоми, ки жоми шаръро  
Дошта бар каф лаболаб аз шароби кавсар аст.

Он ки аз илми фузун аз хад набиро ворис аст,  
Балки аз қавли наби пайғамбаронро ҳамбар аст  
Равзаи раъйи мунираш гулшане дон, к-аш зи лутф  
Қатраи рухсорай ҳар барг меҳри анвар аст...

(Пайғамбар шариатининг ҳомийси Жомийким, кафтида тутган шариат жоми кавсар шаробидан лиммо-лимдир. Ҳаддан зиёд илми билан пайғамбарга ворис бўлган бу одам, пайғамбарнинг уз қавлига кўра, пайғамбарларга баробардир). (Муҳаммад пайғамбарнинг «Олимлар — пайғамбарларга ворис» деган ҳадиси назарда тутилган.) Нур таратувчи фикри боғини шундай гулшан деб тасаввур қилки, унда ҳар бир барг юзидаги қатра лутфининг порлоқ қўшидир...)

Алишер Навоийнинг туркий ва форсий девонларида шунга ўхшаш дарвешлар сийратини мадҳ этувчи шеърлар кўп. «Ҳазойин ул-маоний» девонларининг ҳар бири аввал Илоҳ ва Муҳаммад пайғамбарга ҳамду наът билан очилиб, кейин дарвеш орифлар хислатини, улуғворлигини таъриф этувчи ғазаллар келади. Бундан ташқари, девонлар алифбо тартибида тузилгани учун, ҳар бир янги ҳарф билан ёзилган ғазаллар мажмуини Навоий одатда дарвешлар ҳақидаги ғазал билан бошлайди. Биргина «Фаройиб ус-сиғар» девонининг ўзида дарвеш мавзуга бағишланган қирққа яқин ғазал, мухаммас ва қитъаларни учратдик. Навоий дарвешларни Худо ва пайғамбардан кейин тилга олиб, уларни инсоният билан Илоҳ орасидаги воситачи, руҳий-маънавий олам посбонлари сифатида эъзозлайди. Аммо улуғ ўзбек шоирини шоҳу дарвеш муносабати ва бундан келиб чиқадиган масалалар кўпроқ қизиқтирган, бунини шундан билса бўладики, адибнинг қарийб ҳамма насрий ва назмий асарларида бу ҳақда бевосита ёки билвосита фикру мулоҳазалари бор. Бу ҳол Навоий ёшлик айёмидан бошлаб мазкур масала устида бош қотиргани ва дарвешчилик, тасаввуф ғояларини комил эътиқод билан ўзлаштириб, барқарор дунёқарашга айлантирганини ҳам исботлайди. Ва, энг муҳими, у шоҳу дарвеш масаласини ҳал қилишда янги, ўзига хос мустақил йўл тутиб, ўз замонаси учун ғоят аҳамиятли қарашлар силсиласини олга сурган. Чунончи, «Фаройиб ус-сиғар» дostonидаги мана бу ғазалга диққат қилинг:

Ҳар гадоким бўриёи фақр эрур кисват анга,  
Салтанат зарбафтидан ҳожат эмас хилъат анга.  
Ким фано туфроғига ётиб кўяр тош узра бош,  
Тахт уза эрмас музаҳҳаб мутакко ҳожат анга.  
Шаҳ юриб олам очар, дарвеш оламдан қочар,  
Ҳам ўзинг инсоф бергилким, бу не нисбат анга.  
Ҳар не шоҳ мақсудидур — дарвешнинг мардудидур,

Кўр: не ҳиммат мунга, не навъ эрур ҳолат анга.  
 Фақр куйи туфрогин шаҳ мулкига бермас фақир,  
 Мулк кўрким тенг эмас, туфроқ ила қиймат анга.  
 Шаҳ сипоҳ чекса фақир аҳволига етмас футур,  
 Бу вале чекса нафас барбод ўлур ҳашмат анга.  
 Шоҳ эмастур бир нафас осуда дўзах ваҳмидин,  
 Эй хушо дарвешким, мардуд эрур жаннат анга.  
 Шоҳга сидқ аҳли дамидин машғали давлат эрур.  
 Меҳрдекким субҳ анфоси очар талъат анга.  
 Шоҳга шоҳлик мусалламдур, агар бўлгай мудом  
 Шоҳлик таркин қилиб, дарвеш улуг ният анга.  
 Мумкин эрмас шоҳлар ичра бўйла ниятлиғ, магар  
 Шоҳи Ғозийким, муяссар бўлди бу давлат анга.  
 Шоҳлар дарвеш-ю дарвешлар шоҳи, ки бор  
 Шоҳлик сурат анга, дарвешлик сийрат анга.  
 То шаҳу дарвеш бўлгай, айлагил ё Раб, аён  
 Шоҳдин хизмат мунга, дарвешдин ҳиммат анга.  
 Гар Навоий сўз узатти фақрдин, эрмас деманг  
 Бўлмагунча ҳукм шаҳдин қайда бу журъат анга.

Муҳтарам китобхонларга тушунарли бўлсин учун мавзу мазму-  
 нига мувофиқ тазод-зидлаш усулида ёзилган ушбу ғазалнинг нас-  
 рий баёнини келтирамиз: «Фақирлик бўриёсини ўзига гўшак қилиб  
 олган гадо учун салтанатнинг зардан тикилган шоҳона либосига  
 эҳтиёж йўқ; фано (йўқлик) тупроғи уза ётиб, тошни ёстиқ қилиб  
 олган одамга олтин суви юргизилган тахт устига суяниб ўтириш  
 керак эмас. Шоҳ кўшини билан юриш қилиб, оламни эгалласа,  
 дарвеш оламдан қочади, яъни дунё молидан безор бўлиб, узлатга  
 чекинади. Энди ўзинг инсоф юзасидан айт: уларни бир-бирига  
 қиёслаш мумкинми?! Нимаики шоҳнинг мақсади бўлса, у дарвеш-  
 нинг нафратини келтиради; дарвешнинг ҳимматини кўргину  
 шоҳнинг аҳволига боқ! Фақир одам дарвешлик кўчасининг туп-  
 роғини шоҳ хазинасига алиштирамайди; ахир кўряпсанку уларнинг  
 мулки тенг эмас—шоҳнинг бутун бойлиги дарвеш назарида тупроқ  
 билан баробар. Агар шоҳ лашкар тортса, гадонинг аҳволига путур  
 етмайди, лекин гадо оҳ урса шоҳнинг тахту тожи, ҳашаматли са-  
 ройи барбод бўлади. Шоҳ дўзах азоби ваҳимасидан бир нафас  
 осойишта яшолмайди, аммо дарвешга офарин, чунки у жаннату  
 дўзах ғамидан фориғ! Шоҳлар давлатининг чироғи ростгўй дар-  
 вешлар нафасидан ёнади, бу нафас гўё тонг юзини очган қуёш  
 кабидир. Агар шоҳда ҳар вақт шоҳликдан воз кечиб, дарвеш бўлиш  
 нияти бўлса, шоҳлик унга муносиб ва барқарордир. Бундай ният  
 шоҳларда мавжуд эмас, фақат шоҳи Ғозий — Ҳусайн Бойқаро бу  
 олий давлатга мушарраф бўлган. У шоҳларнинг дарвеш-ю дар-  
 вешларнинг шоҳидир, чунки ташқи кўриниши шоҳ бўлгани билан,  
 ички оламига кўра дарвешдир. Эй Танграм, токи шоҳу дарвеш

бор экан, шоҳдан дарвешга хизмат ва дарвешдан шоҳга ҳимматни аён айлагин. Агар Навоий фақр ҳақида сўзни чўзган бўлса, бу шоҳнинг (Ҳусайн Бойқаронинг) ҳукмидандир, бўлмаса унда бундай журъат қаерда эди».

Бу ғазал шоҳ ва дарвеш муносабати ҳақидаги яхлит бир баён-нома — дастур! Навоийнинг фикрлари салафлари — Саъдий, Ҳофиз, Жомийга нисбатан ва, ҳатто, ўзининг форсий ғазалида ифодалаган (бу ғазални юқорида кўриб ўтдик) ғояларига қараганда кескинроқ, қиёслари дадил ва журъатли. Ўзбек шоирининг дарвешга рағбат-майли, бугина эмас, эътиқод-сиғиниши шундай-гина кўриниб турибди. Бунга ажабланмаслик керак, чунки Навоий учун дарвеш идеал, маҳбуб ва маъшукдир. Шу боис шоир шоҳ ва дарвеш орасидаги тубсиз жарликдай кўринган тафовутни бир-бирини рад этувчи далил-мисоллар билан ажойиб тарзда, ҳаяжон, шавқ билан қиёслаб кўрсатар экан, тасаввуфнинг жасоратбахш ғояларидан бири — дарвеш шоҳдан афзал ва улуғ, шунинг учун дарвеш шоҳга эмас, шоҳ дарвешга муҳтож, демак шоҳлар дарвешларга хизмат қилиши керак, деган фикрни эҳтиросини яширмай, қизғин маъқуллайди. Бу концепция Навоийдан олдинги шоирлар ижодида ҳам асосий йўналишлардан бири эканини кўриб ўтдик, Навоий мазкур анъанани давом эттирган. Аммо ғазалнинг биринчи қисми бўйича фикр юритганимизда шундай хулосага келиш мумкин, ғазалнинг тўққизинчи байтидан кейинги иккинчи қисмига ўтганда эса, шоирнинг позицияси ўзгаради — у салафлар фикрига зид ўлароқ шоҳу дарвеш хусусияти бир шахсда мужассамлашиши мумкин, деган ғояни олға суради ва Ҳусайн Бойқаро сиймосида бунинг конкрет ҳаётий мисолини ҳам кўрсатиб беради.

Нима бу — ўз султонига билдирилган ҳурмат-мадҳиями ёки ҳақиқатдан ҳам шоирнинг кузатишлари, ишонч-эътиқодидан келиб чиқадиган хулосами? Афтидан, бу ўринда ҳар икки мақсад ҳам кўзда тутилган. Негаки, гарчи дарвешларни улуғлаш аввалдан давом этиб келаётган анъана бўлса-да, бироқ саройда хизмат қилаётган Навоий учун бундай изҳорот, унинг ўзи таъкидлаганидай, жуда қалтис журъат эди. Бу гап сарой аъёнлари, калтафаҳм авом кишилар наздида султоннинг обрўйини пасайтириб, мавқеини тушириши мумкин эди. Бироқ, зукко шоир Ҳусайн Бойқаро табиатида ҳеч бир шоҳда кўринмаган дарвешлик хислати мавжуд, дейиш билан, аксинча, султоннинг обрў-эътиборини янада баландроқ кўтариб юборади ва, айни вақтда, шоҳ ва дарвеш ҳақидаги ўзининг янги қарашини изҳор этади. Бу қараш Шарқ халқлари ижтимоий-сиёсий тафаккури тарихида янги босқич, адабиётда эса *янги ижодий концепциянинг* кун тартибига қўйилиши эди (Навоийдан олдинги шоирларда аҳён-аҳён донишманд дарвешнинг тахтга ўтиргани ёхуд ҳукмдорнинг дарвештабиат бўлиши ҳақида орзу-истаклар мавжуд.

Аммо бу Навоийда бўлганидай мунтазамлик касб этиб, конкрет тарихий шахс мисолида кўринган эмас. Масалан, Ҳофиз Шерозий вазирга нисбатан дарвешлик рутбасини раво кўради, шунда ҳам бу фикр орзу тариқасида баён этилган: «Мен шундай доно вазирнинг қулидирманки, унинг сурати хожа бўлса ҳам, лекин сийрати дарвешона бўлсин»). Алишер Навоий ўзининг бу қарашини турли асарларида ҳар хил образ ва воқеалар талқини орқали қайта-қайта таъкидлаб, Ҳусайн Бойқарога хос бу фазилатнинг янги-янги қирраларини очишга эришади. Баъзан ўз фикрига шубҳа билан қарайди, баъзан эса уни астойдил ҳимоя қилади, лекин ҳар гал шу масала кўзгалганда, ё бўлмаса адолатли шоҳ ҳақида гап кетганда, албатта, Ҳусайн Бойқарони тилга олиб, унинг «шоҳлар дарвешини-ю, дарвешлар шоҳини» эканини таъкидлашни лозим деб билади.

Масалан, «Бадоеъ ул-бидоя» дебначасида ёзилишича, Ҳусайн Бойқаро ёшлигиданоқ (маълумки, Навоий билан Ҳусайн Бойқаро ёшликда бирга таҳсил кўришган, дўст-ўртоқ бўлиб, бир неча йиллар бирга юришган) хуштаъб, дарвешсифат одам бўлган экан, тахтга ўтиргандан кейин эса:

Султонлик анга гарчи мусаллам бўлди,  
Бу турфаки, дарвешсифат ҳам бўлди.

1469 йилда Ҳусайн Бойқаронинг тахтга ўтириши муносабати билан ёзилган «Ҳилолия» қасидасидан:

Шоҳликда ояте дарвешликдин кўрмайин  
Бўриёйи фақрча заркаш сарири рифъатин.  
Шоҳлар дарвешини-ю, дарвешлар шоҳини, ки ҳақ  
Шоҳ қилди суратин, дарвеш қилди сийратин.

Бу байтларда ифодаланган фикрни олдин «Бўриёйи фақр...» деб бошланувчи ғазалда учратган эдик. Лекин бу ерда «шоҳ юксак тахтини фақр бўриёйсича кўрмайди, у шоҳликда дарвешликдан нишона тополмади», деган фикр ҳам мавжуд. Ҳолбуки, бу — табрик сўзи, Навоий дўстини шоҳлик билан муборакбод этмоқчи. Аммо шундай пайтда ҳам шоир шоҳ учун дарвешлик зарурлигини айтишдан ўзини тиёлмаган.

Дарвешликнинг белгиларидан бири ҳақни таниш, илмга ташналик ҳамда хокисорлик, ўзни фақир ҳисоблашдир. «Хазойин ул-маоний» дебначасида Ҳусайн Бойқаронинг шу сифатлари таърифланади:

Ҳақ кўнглин анинг биликка махзан айлаб,  
Ҳар фан ариғ зотини якфан айлаб,

Жоҳи-ю тахтин чархи мусамман айлаб,  
Туфроқдек ул ўзин фурутан айлаб.

Яъни: Худо унинг кўнглини билим кониға айлантирган, ҳар бир фаннинг нозик жиҳатларини тезда ўзлаштириб олади, тахту бахти чархи фалак билан тенг. Аммо шундай бўлишиға қарамай, ўзини камтарин, афтодалар каби тутати.

Дарвешликнинг яна бир муҳим белгиси — ошиқлик, Илоҳ ёдида дардманд; огоҳдил бўлиш. Турфа буқим, бу хислатлар ҳам султонда бор экан:

Ҳам қиблаи иқбол ҳарими жоҳи,  
Ҳам каъбаи омом бийик даргоҳи,  
Шоҳларнинг дардманди-ю огоҳи,  
Бу турфаки дардмандларнинг шоҳи.

Яъни: унинг тахтининг атрофи — иқбол қибласи, унинг буюк даргоҳи — орзу-армонлар каъбаси, ўзи шоҳларнинг огоҳдил дарвеши, ажибки, шоҳларнинг дардмандигина эмас, дардмандларнинг шоҳи ҳам.

Ва, ниҳоят, «Лайли ва Мажнун» дostonининг бағишловидан:

Шоҳлар аро ўрни токи афлок,  
Дарвешлар оллида овуч хок.  
Дарвеш десам улус уза шоҳ,  
Шоҳ-дарвеш, боракаллоҳ...

«Лайли ва Мажнун»даги ушбу бағишловда Навоий Ҳусайн Бойқаронинг тахтда ўтириб, тариқат русуми билан ошно бўлгани, ўзини пир (Жомий) ихтиёриға топширгани, вақти-вақти билан қадамжолар, хонақоҳларни зиёрат этгани, Ҳиротдаги дарвеш-орифлар, шайхлар аҳволдан хабар олиб туриши, ваҳдат ул-вужуд таълимотини ўзлаштиришға интилгани ва, ҳатто, сўфийларни йиғиб, бу мавзуда суҳбатлар қургани, баъзан ғолиб келгани, шоҳ бўлса-да, тахту тождан нафратланиб юришини, қалбан дарвешлигини махсус қайд этиб ўтади. Хуллас, Алишер Навоий фикрича, тахтға ўтириб, тахтдан нафратланиш, тож кийиб салтанатға маҳлиё бўлмаслик, шоҳлик рутбасида дарвешдай ҳалол ва ҳалим, ҳаким ва карим бўлиш, дарвеш маслагини қабул қилиб, адолат ҳукми билан юртни бошқариш мумкин. Бу ҳукмдан дунё обод бўлади-ю, аммо ҳукмдорнинг дунё билан иши йўқ. Мазкур хислатлар султон Ҳусайн Бойқарода қанчалик мужассамлангани бизға қоронғи. Албатта, у ўз даврининг феодал шоҳларидан бўлган, «феодал тартиботлар талаби ва ўша даврнинг адолатли идора усули» асосида подшолик қилган. Унинг ҳамма тадбирлари ҳам Навоий ва Жомийға маъқул бўлмагани, Навоий ҳар бир қулай фурсатдан фойдаланиб,

султонни адолатли ҳукмлар чиқаришга чорлагани тарихдан маълум. Бироқ шуниси ҳам аниқки, Ҳусайн Бойқаронинг шахсий хусусияти, риндона табиатидаги ўзига хос кайфиятлар, илм-маърифатга мойиллик Навоий идеалидаги шоҳ дарвешликнинг бир қанча сифатларини зоҳир эттириб, некбин шоирнинг умид гунчаларини яшнатишга сабаб бўлар, унинг эзгу ғоялари амалга ошгандай эди.

Шу ўринда диққатингизни яна бир фактга қаратмоқчимиз. Ҳусайн Бойқаро бир газалида «салтанатдан унча фахрланмайман, мени ёр куйининг гадолари хайлидан ҳисобласалар дуруст бўларди», деган фикрни баён этади. Навоий бўлса, султоннинг шу газалига мусаллас боғлаб, маслакдошлик изҳор этган:

Чун Навоий жонини май орзуси куйдурур,  
Йўқ гадоликқа ажаб майхоналарда кубдурур («куб»-хум),  
Журъае дайр аҳли бергунча замоне телмурур,  
Шоҳ агар мундоқ гадони салтанатқа еткурур,  
Эй Ҳусайний, салтанатдин онча фахрим йўктурур,  
Ким дегайлар куйининг хайли гадосидин мени.

Аслини олганда, Навоийда шоҳу дарвешни бирлаштириш ғоясининг пайдо бўлишига боис фақат султоннинг «дарвеш» табиати эмас. Ҳусайн Бойқаро бу ерда бир восита, мисол, холос. Шоирнинг бундай хулосага келишига, бизнингча, иккита асосий сабаб бор. Биринчиси — Навоийнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирок этиб, олиб борган амалий курашлари бўлса, иккинчиси — нақшбандия таълимотининг назарий принципларидир. Биз яхши биламизки, Алишер Навоий ҳам давлат арбоби ва ҳам қалби ёниқ ижодкор шахс сифатида жамият ишларида фаол иштирок этиб турган (диққат қилинг: Атоуллоҳ Ҳусайний Навоийни «Худованди корий», яъни иш, фаолият эгаси, яратувчи деб таърифлайди), шу билан бирга, у Шарқ фалсафасини, айниқса, тасаввуфни чуқур ўзлаштирган, даврининг энг зўр донишманди ва орифи қошифи Абдурахмон Жомий ҳузурида тариқат сулукининг одоб ва ахлоқидан дарс тинглаган. Бошқача айтганда, Навоий шахсининг ўзида ижодкорлик, олимлик, давлат арбоби (сиёсатдонлик) ва дарвешлик хусусиятлари уйғунлашиб кўзга ташланар, шунинг учун ҳам у тасаввуф таълимотидан амалий мақсадларда фойдаланишга, бу таълимотнинг талаб ва тамойилларини яхши инсоний ахлоқни тарбиялаш, эзгу-хайр ишларни амалга оширишга хизмат қилдирмоқчи бўлганди. Шоир шу боис тайинли касбу кори бўлмаган одамларни ёқтирмаган. Жумладан, у кўча-куйда сангиб юрувчи қаландарлар, сохта шайх-сўфийларни, бадмаст риндларни «Ҳайрат ул-аброр» ва «Маҳбуб ул-қулуб» асарларида қаттиқ танқид қилгани ҳолда, «Мажолис ун-нафоис» асарида дарвештабиат олимшоирлар, ҳунармандларни яхши ахлоқли кишилар сифатида

алоҳида ажратиб кўрсатади. Чунончи: «Амир Давлатшоҳ (Давлатшоҳ Самарқандий) хуштаб ва дарвешваш ва кўп салоҳиятлик йигитдур. Гўшае ихтиёр қилиб, фақр ва лаҳқанат (деҳқончилик) била қаноат қилди ва фозил ва камолот иқтисоби (касби) била умр ўтказди». Ёки Амир Маҳмуд Барлос ҳақида Навоий бундай дейди: «...дарвешваш ва фониймашраб (фано бўлишга мойил) ва бетакаллуф кишидур, таъби солим (бутун) ва хулқи карими бор». Бу сифат, шоирнинг ёзишича, Хожа Маҳмуд, Мавлоно Масъуд, Мавлоно Ҳожи, Мир Ҳусайн Али Жалойир; шахзодалардан Султон Аҳмад Мирзо, Султон Муҳаммадларнинг табиатида мавжуд экан. Султон Муҳаммадни Навоий «таъби дарвешу ўзи шоҳнишон..., қаноат кўнимининг хокнишини, илму зако аҳлининг яғонаси, фақру фано хайлининг бенишонаси», дея таъриф этади. Демак, дарвешлик инсоннинг яхши хулқ-атворини белгилайдиган, камтарин, шафқатли-меҳрибон бўлиш, мўмин-мусулмонлик фазилати сифатида улуғланган.

Навоий, Жомий каби XV аср мутафаккирларининг ахлоқий қарашлари шундай эди. Алишер Навоий ўзининг таниш-билиши, дўстлари, шогирдларидан ҳам шу фазилатларга эга бўлишни талаб қилган. Масалан, «Мажолис ун-нафоис»да у атоқли адабиётшунос олим, ўзининг устозларидан бири Мир Атоуллоҳ Ҳусайний хусусида бундай дейди: «Фақир густоҳлик юзидин (беодоблик қилиб) Мирга дерменким, фазоил ва камолотингизга кўра дарвешлигингиз ҳам бўлса эрди — хуб эрди». Илм эгаллаб, олиму оқил бўлиш яхши, аммо хокисор, қаноатли, хушахлоқ киши бўлиш учун дарвешлар сулуқини сайр этиш керак. Инсон маънавий камолотининг тўғри йўли ана шу, деб тушунарди Навоий. Билим, заковат кишини ақлий жиҳатдан юксалтиради, бироқ ният, эътиқод тўғри бўлмаса, ақл фаолиятдан эзгулик йўлида фойдаланиш қийин. Ақлу дониш дарвешона қалб билан қўшилса, одамийлик моҳияти солимлашиб, ахлоқан мукаррам бўлиш мумкин. Чунки дарвешлик дардмандларга ҳамроз, малҳам бўлиш, эзилган, жабр кўрганларни ҳимоя қилмоқ демак. Шу маънода дарвешлик зоҳидлик тариқатини ҳам инкор этади, чунки зоҳидлар ижтимоий ҳаётга аралашини батамом рад этар эдилар. Зоҳидлар бирор касб билан шуғулланиш, меҳнат қилишни ҳаром деб ҳисоблардилар. Навоий тарғиб этган дарвешлик эса, кўриб ўтганимиздек, касбу корни инкор этмайди. «Насоийим ул-муҳаббат» асарининг муқаддимасида улуғ адиб буни алоҳида таъкидлайди: «Ҳар оина «ал-қосибу ҳабибуллоҳ» («касб эгаси Аллоҳнинг суйган бандасидур») мазмуни била кибор машойих баъзи санъатларга (ҳунарларга) иштиғол қилибтурлар (шуғулланибдирлар). Шайх ул-машойих Абу Саид Харроз эрдиким... алар ўтук тикарга мансубдурлар. Ва шайх Муҳаммад Саккокким ўз замони машойихининг яғонаси эрмиш, пичоқчиликка мансуб-



дурлар. Ва шайх Абу Ҳафс Ҳаддод темурчилик қилибдур. Ва шайх Абу Бакр Хаббоз ўтмакчиликка (новвойликка) мансубдир. Ва шайх Абул Аббос Омулийким, ўз замонининг кутби ва ғавси эрмиш ва султони тариқат шайх Абу Саид Абул Хайрнинг хирқа пири эрмиш, қассоблик қилибдур». Бу ҳақда юқорида тўхтаб ўтдик, шу кифоя.

Демак, меҳнат қилиш — ҳалол яшашнинг гарови, ҳалол еб, ҳалол яшамаган одам эса дарвеш бўлолмайди. Наинки оддий дарвеш сўфийлар, балки улуғ шайхлар ҳам фойдали ҳунар билан шуғулланганлар, бировнинг қўлига қарам бўлишдан сақланганларким, бу ғоят ибратли аъмол эди (бу аъмол ҳозир бизга ҳам ибрат бўлишга арзирли) ва буюк Навоийнинг ҳусни рағбатига сазовор бўлганди. Дарвоқе, нақшбандия сулукининг асосий шиорларидан бири ҳам «Дил ба Ёру даст ба кор», яъни «Кўнгил Ёрдаю қўл ишда» эканини биламиз. Баҳоуддин Муҳаммад Нақшбанд кашта тикишдан (у кишининг лақаблари шундан келиб чиққан) ташқари, тижорат билан ҳам шуғулланганлар, Навоий буни «Ҳайрат ул-аброр»да таъкидлаб ўтади. Бовужуд, алар зоҳиран фоний машраб — ички дунёси Илоҳ ёди ила ғарқ, огоҳида шахс бўлган. Алар ўзларини жамиятдан хориж этмаганлар («Ўзни қилмай яшурун, ошкор»), жамоа ичра юриб, қалб хилватини ташкил этароқ, Мутлақ руҳ висолига эришиш йўлини таълим берганлар. Алар зоҳирий расм-русум, худинамолик, такаббурликни қатъиян қоралаганлар. Алар шайх Юсуф Ҳусайнийнинг: «Ал-Хайру куллуху фи байтин ва мифтоҳу ат-тавозуъ ва аш-шарру куллуху фи байтин ва мифтоҳу ат-такаббур» («Яхшиликнинг жами бир уйдадирки, унинг калити тавозедир ва ёмонликнинг жами бир уйдадирки, калити такаббурликдир»). Маълумки, бир тоифа шайхлар амир-амалдорлар, шоҳу султонларни ўз даргоҳларига йўлатмаганлар, мол-мулк эгаларининг дарвешликка алоқаси йўқ, деб айтганлар. Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд эса тасаввуфни «демократлаштириб», уни ҳаммага баробар таълимот, деб эълон қилди. Натижада теурий шаҳзодалар, ҳоким синф вакиллари орасидан чиққан айрим кишилар ўзларини фақру фанога дахлдор ҳисоблаб, дарвешлар сулукига кирганлар. Айрим тадқиқотчилар буни тасаввуфнинг халқчилликдан чекиниши, ҳоким синфлар манфаатини ҳимоя қилишга ўтиб олиши деб баҳолайдилар. Бизнингча, бу бир томонлама қарашдир. Тўғри, тасаввуф ҳокимиятга ва ҳоким синфларга муҳолифатда пайдо бўлиб, ҳунар аҳли, бенаволар манфаати ва қарашларини ифодалаб келган эди. Аммо Ҳожа Баҳоуддин тариқатда шоҳу гадо тенг, дейиш билан камбағаллар манфаатидан юз ўгирган эмас, аксинча, шоҳ-амирларни дарвешликка тортиб, ударни ҳам тарбиялаш, шоҳларни дарвешлар даражасига кўтариш ақидасини илгари сурган. Бу ўзига хос синфий келишув, муроса бўлиб туюлиши мумкин (Ҳилолийнинг

«Шоҳу гадо» достонида гадо ва шоҳ бир-бирига ошиқ бўлгани, бир-бирининг висолига интилганини эсланг), лекин аслида моҳиятан олиб қараганда, тасаввуф кучини кўрсатиш, шоҳларнинг дарвешларга итоатини амалий йўсинда қонунлаштириш эди. Шунинг учун бу таълимот Жомий ва Навоий каби гуманист мутафаккирларга маъқул бўлди, айниқса, Навоийнинг шоҳу гадо уйғунлигини таъминлаш ҳақидаги орзусига мувофиқ эди. Хуллас, Алишер Навоий эътиқодига кўра, дарвешлик фавқуллода қобилиятли танланган шахслар, махсус руҳий-психологик синовлардан ўтган (чилла ўтириш, зикр, важд ва ҳоказо) одамларнинггина насибаси эмас. Ҳар бир пок тийнат, пок ниятли инсон яхши хулқи билан дарвеш рутбасига мушарраф бўла олади. Жумладан, шоҳлар ҳам. Энди шу нуқтаи назардан «Ғаройиб ус-сиғар» девонидан олиб таҳлил қилганимиз ғазалга яна мурожаат қиламиз. Унинг мана бу байти:

Шоҳга шоҳлик мусалламдур, агар бўлғай мудом  
Шоҳлик таркин қилиб, дарвеш ўлур ният анга.

Биз *ният* сўзини алоҳида олиб, таъкидлаб тушунтирмақчимиз. Чунки агар шу сўз бўлмаганда, мазкур байт мазмунидан Иброҳим Адҳам каби шоҳликни тарк этиб, дарвеш бўлган шоҳ — ҳақиқий шоҳ, яъни у дарвешлар шоҳи (дарвешлар ўз ораларидан пешво-шоҳ сайлаганлар ва унга шоҳ дарвеш, шоҳ машраб деган унвонлар берганлар), ўз нафсининг ҳокими бўла олади, деган аъъанавий ғоя келиб чиққан бўларди. *Ният* сўзининг киритилиши билан байтнинг мазмуни бутунлай ўзгарган: агар шоҳда ҳар доим шоҳликни тарк этиб, дарвеш бўлиш нияти бўлса, шоҳлик унга ярашади, муносибдир, дейди Навоий. Бошқача изоҳласак, шоҳга дарвеш бўлиш учун тожу тахтни тарк этиш шарт эмас, балки кўнглида ана шу *нияти* бўлса етарли. Бу ният тахту тожнинг бебақолиги, бани одамнинг Ҳақ олдида тенг-баробарлиги, шоҳ ҳоким, эзувчи эмас, раҳбар, посбон эканини ҳаммиша ёдига солиб туради. Боз устига ана шундай ният билан тахтга ўтирган шоҳнинг иши ривожда, салтанати барқарор. Зеро, дарвеш хислатлик шоҳ одил ва инсонпарвар бўлиши, улус ғамини ейиши аниқ. Мазкур ғоя Навоий-Фонийнинг машҳур форсий қасидаси «Тухфат ул-афкор»да янада ёрқинроқ ифодаланган:

Шоҳ, ки ёд аз марг н-орад, з-ўст вайронии мулк,  
Хусрави беоқибат хусри билоду кишвар аст.

(Шоҳ агар ўлимни эсга олмаса, у мамлакатнинг вайроналигига сабаб бўлади, чунки оқибатни — охиратини ўйламаган подшо юртнинг зиёнидир).

Бу байтда қизик сўз ўйини ҳам бор: араб ёзувида «хусрав» сўзининг охириги ҳарфи тушириб қолдирилса, «хуср» — касофат қолади. Яна шу қасидадан:

Подшоҳе, к-аш гадойи фақр гаштан орзуст,  
Чун гадое бошад он, к-аш подшоҳи дар бар аст.

(Фақир дарвеш бўлишни орзу қилган подшо подшоликни эгаллаган гадо кабидир). Кўриниб турибдики, бу ерда ҳам орзуниятнинг аҳамияти алоҳида таъкидланган. «Тухфат ул-афкор» қасидасида шоҳ ва гадо қадриятини қиёслаш кенг суратда давом этади; шоир шоҳни банддаги шер (нафс домига илинган одам), шоҳликнинг ўзини эса қуруқ бош оғриқдан бошқа нарса эмас, деб айтади. Зотан, қасиданинг матлаиданоқ, шоҳ ва дарвеш масаласи тоза ташбеҳлар қўлланилган ҳолда кескин қилиб қўйилган:

Оташин лаъле, ки тожи хусравонро зевар аст,  
Ахгаре баҳри хаёли хом пухтан дар сар аст.

(Подшоҳлар тожини беагаган оловдай ёниб турувчи лаъл, яъни бошдаги хом хаёлларни пишириш учун чўғдир). Бу байтни илмий адабиётларда кўп марта учратгансиз. Олимларимиз ҳазрат Навоийнинг шоҳларга муносабатини аниқлаш учун келтирадилар ва аксар у Навоий умуман шоҳу султонларга салбий муносабатда бўлган, шунинг учун уларни мана шундай танқид қилган, деган фикрни тасдиқлашга хизмат қилади. Аслида эса, Алишер Навоий шоҳга эмас, балки шоҳликнинг ўзига салбий муносабат билдиради бу ерда. Байтдаги «хом хаёл» иборасига эътибор беринг. Нима бу «хом хаёл»? Бу — нафс, дунёга, унинг бойликларига ҳирсдир. Навоий тожни ҳам шу арзимас «хом хаёл» ичига қўшади. Шоҳ бўлиб керилиш, салтанат завқи — хом хаёл. Уни эса дарвешлик чўғи билан пишириш керак, ўшанда шоҳлик ҳақиқий шоҳлик бўлиши мумкин. Навоийнинг бу шоҳ байти ана шундай чуқур маънога эга.

Улуғ шоир форс тилида яна бешта форсий қасида ёзган. Бу қасидаларнинг номланишидаёқ улар ҳам дарвеш сулуки таърифига бағишланганидан дарак беради, чунончи: «Насим ул-хулд» («Жаннат шамоли»), «Рух ул-қудс» («Муқаддас рух»), «Айн ул-ҳаёт» («Ҳаёт чашмаси»), «Минҳож ун-нажот» («Нажот йўлбошчиси»), «Қувват ул-қулуб» («Қалбларнинг қуввати»). Масалан, «Қувват ул-қулуб» қасидасининг матлаи:

Жаҳон, ки марҳалаи танги шоҳроҳи фаност,  
Дар ў масоз иқомат, ки раҳи шоҳу гадост.

(Жаҳон фано шоҳроҳига олиб борадиган тор манзилдир, шунинг учун унда кўп тўхтама, бу йўл шоҳу гадога бир).

Навоийнинг «Ғаройиб ус-сиғар» девонига киритган мухаммас-ларидан (Ҳусайн Бойқаро ғазалига тахмис) олинган мана бу банд ҳам мавзуимиз нуқтаи назаридан жуда муҳим:

Шаҳлик этгандин не ҳосил фақр сиррин билмайин,  
Ҳеч ким мулки бақо султони бўлганму экин,  
Фонийи маҳз ўлмайин Султон Абулғози бикин,  
Эй Навоий, давлати боқий тиларсен васлидин,  
Они касб этмак фано бўлмай не имкон оқибат.

Сатрлар ўзбекча бўлса-да, лекин соддалаб тушунтиришга эҳтиёж сезилмоқда. Яъни: Фақр — дарвешликнинг моҳияти, сирини билмасдан шоҳлик қилиш бефойда. Султон Ҳусайн Бойқародай батамом фоний бўлмасдан ҳеч ким бақо мулкининг султони бўлганми экан? Эй Навоий, Илоҳ висолига етиб, давлати боқий тиласанг, фано бўлмасдан бунга муяссар бўлиш мумкин эмас, ахир. Ҳа, боқий давлат — бу Илоҳ дийдори, қолгани ўткинчи, бебақо нарсалар. Бунда Навоий ва Ҳусайний — Ҳусайн Бойқаро ҳамфикр бўлиб майдонга чиққанини кўрамиз.

Шундай қилиб, шоҳ учун баҳодирлик, лашкарбошилиқ қобилияти, ақлу заковат, доно вазирлар маслаҳати қанчалик зарур бўлса, дарвешлик хислати ҳам шунчалик керак. Чунки бу барча фаолиятга тўғри йўл кўрсатувчи машғал. Шоҳ дарвеш бўлмасдан туриб, адолатпарвар бўлиши қийин — Алишер Навоийнинг тушунчаси шу. У умрининг охирида яратган «Маҳбуб ул-қулуб» асарида одил шоҳга «Ҳақдин халойиққа раҳматдир ва мамоликка мужиби амният», дея хулосавий ҳикмат билан таъриф берар экан, мисол қилиб яна Ҳусайн Бойқаронинг номини тилга олади:

Улус подшоҳи-ю дарвешваш,  
Анга шоҳликдин келиб фақр хуш.

Навоий умрининг охирларида ёзган асарларидан яна бири «Тарихи мулуки ажам»дир. Унда Эрон подшоларининг тарихи, ишлари ҳикоя қилинади ва китоб Султон Ҳусайнга бағишланган маснавий билан яқунланадимики, унда яна ўқиймиз:

Демай айни инсонки, инсони айн —  
Ҳам инсону ҳам айн Султон Ҳусайн.  
Шоҳо, келди шаҳлиқ мусаллам санга,  
На шаҳлиқки дарвешлиқ ҳам санга,  
Бўлуб салтанат тахтида фарқ жўй,  
Шаҳ ўлса, вале бўлса дарвешхўй...

Демак, шоир султонга бўлган ишончидан қайтмаган, ундаги дарвешлик собит хусусият эканига иқрор бўлиб, бу хислат унинг характерини белгилашдан ташқари, мамлакат аҳволига таъсир этиб, анчагина хайрли яхши ишларнинг амалга ошишига кўмак берганини кўрган. Жомий ва Навоий ўғитларига қулоқ солиб, золим амирларни жазолаши, заиф ва бечора кишиларнинг арздодини эшитиши (гарчи мунтазам бўлмаса-да), ободончилик йўлидаги ишлари, балки, шунинг натижасидир.

Алқисса, Алишер Навоий тасаввуф таълимотини ҳаётга татбиқ этиш, уни яхши, намунали ахлоқ низомиясига айлантириб, инсон тарбиясида қўллаш тарафдори ва ташаббускори бўлиб майдонга чиққани аёнлашди. Бу мавзу улўғ адибнинг «Хамса»сида, хусусан қомусий мазмунли муаззам достони «Садди Искандарий»да янада кенг ўрин олган, хилма-хил ривоятлар орқали бадий-фалсафий йўсинда талқин этилган. Шоҳ ва дарвеш муносабати бу асарда драматик тўқнашувлар, руҳий кечинмаларнинг можароли изтироблари, фожиалар замирида очилади.

## СУҚРОТ — КОМИЛ ИНСОН ТИМСОЛИ

«Фарҳод ва Ширин» Алишер Навоийнинг машҳур асарларидан, уни ўрганишга бағишланган илмий-таҳлилий ишлар ҳам анча. Аммо, шунга қарамай, бизнинг назаримизда, дostonнинг гоъвий моҳияти, улуг шоир кўзлаган мақсад-муддао ҳали очилган эмас. Дарҳақиқат, нега Фарҳод бошқаларга ўхшаган эмас, туғилганидан бошлаб ғамгин, безовта? Сеҳрли кўзгу, Юнонистон сафаридаги тилсимотлар, дев, аждаҳо ниманинг рамзи, бу ерларда, тоғларда истиқомат қилувчи донишмандлар-чи, улар кимлар? Нега Навоий воқеаларни тўғридан-тўғри Ширин билан учрашишдан бошламаган, асарнинг тенг ярми афсонавий саргузаштлар тасвирига бағишланган? Бу ва бунга ўхшаган саволларга, афсуски, мавжуд тадқиқотларда жавоб йўқ. Ҳолбуки, Навоий оддий эртақчи шоир эмас, унинг ҳар бир ифода-образи, лавҳа ва тамсилларида муайян умумфалсафий, кайҳоний-илоҳий маъно бор. Буни у асарнинг муқаддимасидаёқ қайд этиб ўтади:

Бу рангин саҳфа, билким. дард боғи,  
Аён ҳар лоласида ишқ доғи.

Яъни, мақсад ишқ дардини куйлаш. Бироқ бу оддий, заминий ишқ эмас, балки илоҳий ишқ, Фарҳод эса ана шу илоҳий ишққа мубтало солиқдир. Гўдакнинг вужуди «шуълаи дард» билан йўғрилган, тили чиққан заҳоти ишқ ва ошиқлик сўзини айтар, ҳазин ва хастадил бўлиб ўсар, жисмонан бақувват бўлса-да, лекин оламга бепарво, ғалати эди. «Фарҳод» сўзининг асл маъноси нурли сиймо, бахти ўзига йўлбошчи демак. Аммо Навоий бу номнинг араб ёзувидаги ҳарфларига рамзий тус бериб, у *фироқ*, *рашк*, *ҳажр*, *оҳ* ва *дард*дан иборат, деб айтади. Чунки илоҳий ишқ юрагига олов солган одамнинг насибаси ҳижрон қийноқлари; у ўзи билан Илоҳ орасида тўсиқ бўлиб турган дунё ва жисмдан қутулиш изтиробларини чекиши шарт. Тақдири азал бу боланинг пешонасига шуни битган ва у бундан қочиб қутулолмайди. Шунинг учун унинг хориқулудда хислатлари кишиларни ҳайратга солади. Фарҳоддаги раҳмдиллик, шоҳу гадога баробар муомалада бўлиб,

«эл озоридан озор топиши», отаси таклиф этган тахт-тождан воз кечиши ҳам унинг дарвештабиатлиги, қалбан мол-дунёга қизиқмаганидандир. Атрофидагилар эса Фарҳоднинг бу аҳволини тушунмайдилар. Хоқон ўглининг ҳазин кайфиятини кўтариш мақсадида ҳар хил тadbирлар қўллайди (томошалар уюштиради, тўртта қаср курдиради, табибларга кўрсатади ва ҳоказо). Бу орқали Навоий илоҳий ишқ дардида ёнган одам билан ушбу саодатдан бенасиб «фоний дунё» кишилари орасидаги руҳий-маънавий тафовутни кўрсатиб берган. Аммо шуниси ажибки, Фарҳоднинг ўзи ҳам бошида «ичию таши асири дард» бўлишига қарамай, нимага бундайлигини англаб етмайди. Фақат шуни биладики, ихтиёри ўзида эмас, аллақандай олов ёниб-ёндириб ўзига чорлайди, кўнгли ҳамиша нимагадир муштоқ. Бу ҳолнинг-да тасаввуфий талқини бор: Фарҳод дардининг боиси нима эканини билиши, яъни ўзлигини англаши учун сулук йўлига кириб, маърифат манзилларини (мақомотни) босиб ўтиши лозим. Унинг зўр қобилият билан эгаллаган билимлари, жумладан, Қоран ва Монийдан ўрганган ҳунарлари ҳам, зоҳирий (дунёвий) билимлар бўлиб, улар тилсимотлар, яъни илоҳий сиру асрорни очишга кифоя қилмайди. Ирфоний-ботиний билимларни эгаллаб, илм ул-яқин даражасидан ҳаққ ул-яқин даражасига кўтарилиш, кўнгил оинасида ғайб жамолини акс эттира олиш учун эса у пири комил таълимини олиши керак эди. Фарҳоднинг ҳазинадаги кўзгуни биллур сандиқ ичидан ололмай (чунки у тилсимланган) Юнонистон сафарига, Суқрот ҳузурига отланишига зарурат шундан келиб чиқади.

Юнонистон — ҳикмат мамлакати, зотан, сандиқдаги «ҳикмат жаҳони» — кўзгу ҳам Искандардан қолган, уни юнон донишмандлари ясаганлар. Ҳақимлар тоғларда, ғорда яшайдилар. Фарҳод ва у билан бирга борган одамлар аввал Суҳайло исмли ҳақим билан учрашадилар. Суҳайло — Фарҳоднинг тариқат йўлидаги биринчи пири, у Суқрот даражасида комил эмас, оина сеҳрини очишга қурби етмайди. Аммо у Фарҳодга Суқрот ҳузурига бориш йўлини кўрсата олади. Кези келганда шуни айтиш керакки, тариқатда бир неча пирнинг таълимини олиш расм эди, шайхлар ўз даражаларига қараб, шунингдек, муриднинг истеъдодини ҳисобга олиб, уни ўзларидан кучлироқ пирларга тақдим этганлар, натижада шогирднинг ирфоний қобилияти пирдан пирга ўтгани сари очилиб бораверган. Суҳайло ҳам «донойи огоҳ», кўнгли бедор одам, у Фарҳод енгиб ўтиши керак бўлган тўсиқлар — аждарҳо ва девдан хабар беради. Аждарҳо — нафс тимсоли, дев — салтанат тимсоли (ҳокимлик). Суҳайло Фарҳодга аждарҳони енгилуш учун самандар ёғини тухфа этади. «Оташгоҳларда юриб йиғганман бу ёғни», дейди у. Чунки самандар олов ичида яшайдиган жонивор. У — ишқ рамзи. Фарҳод баданига самандар ёғини суртганда, аждарҳонинг ўти унга

кор қилмайди — ишқ оташи нафс ўтини сўндиради, демоқчи буюк мутафаккир Навоий. Ўшал ишқи илоҳий оловиким, Фарҳодни мард ва қаҳрамон қилди, не-не бало-офатларни енгишга қудрат берди. Фарҳод Суҳайло сўзига амал қилиб, даҳшатли девни ўлдиргач, унинг бўйнидаги қумуш лавҳани олиб, унинг ёрдамида Жамшид жомини қўлга киритади. Жом гардишида Суқрот ҳузурига борадиган йўлни кўрсатувчи ёзув бор. Жоми Жамшидни қўлга киритиши Фарҳоднинг сулук тадрижида муайян мартабага эришганидан нишонга эди. Чунки бу жомда «жаҳон ҳолоти равшан» кўринади, унинг ташқариси «комил замири» бўлса, ичи «андоққи соҳибдил замири». Демак, Фарҳоднинг ирфоний билими ошди, замири равшанлашди, руҳий олами бойиди. Аммо кўзгу сеҳрини очишга бу ҳали етарли эмас. Шунинг учун у Суқрот томон интилади, лекин бу йўлда яна қанчадан-қанча мушкулликларни енгиши лозим. Водий билан Суқрот турадиган тоғ оралиғида кўпдан-кўп тилсимотлар бор, йўл бағоят оғир, илон-чаёнларга тўла, ўр-қирлардан ўтиш керак. Тор сўқмоқнинг икки томони қиррали харсанг тошлар, пастда ваҳимали дарё оқади.

Фарҳод шу йўлдан ҳеч ёққа қарамай, «тез юриб», ўн бир минг қадам босиши керак, озгина чалғиса, ҳалокатга учрайди. Бу — солиқ Фарҳоднинг руҳиятида юз бераётган ўзгаришлар; унинг иродаси, сидқу вафосининг синовлари. Солиқ бутун диққати, қалб торларини Илоҳ йўлига қаратсагина, муваффақиятга эришади. Фарҳодга тилсимотларни ечиб, мазкур йўлни босиб ўтишда Хизр раҳнамолик қилади. «Келубдурмен санго бўлмоққа ҳодий», дейди у йигитга қараб. Хизрни Фарҳоднинг иккинчи пири деб қабул қилиш мумкин, аммо аслида у улуғ мақсад сари таважжуҳ этган Фарҳодга ғайбдан келган мададдир. Фарҳод Хизр маслаҳатига кириб, жомга қарайди ва унда Суқрот маскан тутган тоғни ҳамда ғорни кўради. Шайх қанча улуғ бўлса, у макон тутган тоғ ҳам шунча баланд ва маҳобатли, унга етишиш азоби ҳам оғир. Тоғ — пирнинг улуғворлиги тимсоли, боз устига, қимматбаҳо маъданлар ҳам тоғ бағрида, яъниким пир — маърифат, билим кони. Ғорга борар йўлда Фарҳодга шер ва «темир пайкар» одам — робот дуч келади. Шер — ғазаб тимсоли, ғазабкорлик эса ҳокимлар, подшооларга хос. Дарвешда ғазаб бўлмаслиги керак. Шунинг учун Фарҳод шернинг оғзига Аҳриман девдан олгани Сулаймон хотами (бу ҳам ҳокимият рамзи) билан уриб, уни даф этади. Кейин темир пайкарни енгиш навбати келади. Унинг кўксига кўзгу бор, шу кўзгуни юз қадам масофадан нишонга олиб уриш керак, агар ўқ кўзгуга тегмаса, темир одам ўқ отувчининг ўзини ҳалок этади, агар нишонга тегизилса, у ёниб йўқ бўлади. Темир пайкар — рўё-ёлғон тимсоли, айни вақтда дунё мўъжизалари рамзи, чунки дунёнинг ўзи ҳам мажоз-ёлғон деб ҳисобланган. Дунё мўъжиза-



ларига махлиё бўлган одам Илоҳга — Ҳаққа етолмайди, чалғийди. Фарҳод темир пайкар кўксини нишонга олиб, ўқ отади ва кўзгу синиб, ҳалиги махлуқ ёниб нобуд бўлади. Шундай қилиб, Фарҳод Сукрот даргоҳига мушарраф бўлишдан олдин аноният белгилари — нафс, давлат ва бойлик ҳирси, ғазаб, рўё-ёлғон қутқуларини бартараф этди, унинг кўнгил кўзгуси дунё ишқи ғуборидан тоза бўлди. Шу билан бирга, Фарҳоднинг илми ғайбдан хабардорлиги, ўз-ўзини англаш жараёни бошланди, пардалар бирин-кетин орадан кўтарилмоқда эди.

Фарҳод машаққат билан ғорни топгандан кейин Алишер Навоий қуйидаги байтни келтиради:

Топиб кўп фикр ила ғор оғзиға йўл,  
Киши топқон киби ёр оғзиға йўл.

Бу ўринда ғор оғзининг ёр оғзиға ўхшатилогани диққатни тортади. Ичи зим-зиё бўлган ғор ҳар қандай одамда ваҳима, кўркув ҳиссини уйғотиши табиий, бироқ Фарҳод учун бу ғор ваҳимали эмас, балки ёр оғзини топган каби фараҳли. Албатта, ёр деб Навоий Сукротни назарда тутаётир, у солиқ Фарҳод учун ҳақиқатан ҳам азиз дўст — ёр.

Қоронғи ғорга «жаҳонбин жомни» машғал қилиб кириб борадилар. Жом Фарҳоднинг мусаффо қалби рамзи эканини айтган эдик, яъни Сухайло ва Хизр таълими, мададлари туфайли равшанлашган солиқ қалби машғалдай йўлни ёритиб, пири комил сари етаклайди. Бир қанча зиналардан кўтарилгандан сўнг салобатли бино кўринади, унинг айвонига чиқилгач, тўрдаги хона ичидан бир даста нур кўзга ташланади. Бу хона ичида гўё махфий сиру асрор олами бўлиб Сукрот ўтиради, нур — унинг чеҳрасининг зиёси. Сукрот меҳмонлар келишидан огоҳ, шунинг учун уларни ичкарига чорлайди. Шу ерда Навоий воқеанинг боришини тўхтатиб, Сукрот ҳақим таърифига ўтади.

Сукрот, шоирнинг тавсифи бўйича, куёш каби порлоқ сиймо, жисми пок руҳдан иборатдай, шахси ақлнинг ҳайкали бўлиб кўзга ташланади. У барча зоҳирий ва ботиний илмларнинг жамулжами; ҳамида ахлоқий хислати, тамкини ва заковати ҳайратланарли. Жисми тоза жон каби мукаррам ва сафоли. Олами кубро, яъни Илоҳиёт оламини мужассам этган зот:

Келиб кўнгли анингдек баҳри зоҳир,  
Ки анда зоҳир аввал то ба охир.  
Юзи миръоти анвори илоҳий,  
Илоҳий сиррини англаб камоҳий<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Камоҳий — охиригача.

Хуллас, Суқрот — камолот чўққисини эгаллаган комил инсон, ўзи бир жойда ўтирса ҳам, лекин руҳи бутун дунёни кезиб чиқади. Жамшид жомии, Искандар кўзгуси унинг кўнгил кўзгуси олдида хира. Кўнгил «махзани роз» бўлгани сабабли ҳамма нарсадан огоҳ, барча воқеадан хабардор. Кимнинг пешонасида нима ёзилган, умри қандай тугайди, муддао-мақсади нима — Суқрот буни олдиндан биледи. Шунинг учун у нафақат хоқон хазинасидаги сандиқни очиш сирини, балки Фарҳоднинг келажagini ҳам башорат этади. Бироқ, Суқрот аввал хоқон билан унинг вазири Мулқорони қабул қилади. Фарҳодга ҳамроҳ бўлиб, машаққат чекканлари эвазига уларга узоқ умр ва беқиёс бойлик ваъда этади, бардамликни таъминлаб турадиган «муҳра» беради. Аждарҳо ва дев жангида Фарҳод қўлга киритган ганж билан Сулаймон узуги (хотам), Жамшид жомини ҳам хоқонга қайтаради. Чунки булар Фарҳодга керак эмас эди. Хоқон ва Мулқоро — дунё одамлари, шу боис уларнинг талаби, хурсандчилиги ҳам дунёвий, яъни бойлик, еру мулк ва ҳокимият. Суқрот хоқон ва вазирни рози қилиб, (Фарҳод билан яккама-якка суҳбатлашади), уни ўз фарзандидай эъзозлайди. Чунки бу йигит сиймосида у эътиқоди, сулуқининг давомини кўрган эди. Навоий тасвирига кўра, Суқрот Фарҳодни неча юз йиллардан бери кутади. «Ҳакими жаҳонбин» Фарҳодга қараб дейди:

Муни билким, жаҳон фонийдур асру,  
Ҳақиқат аҳли зиндонийдур асру.

Ушбу байтда Навоий Суқрот тилидан тасаввуфнинг икки муҳим ғоясини баён этган. Биринчи ғоя — дунё ўткинчи, фонийдир, шу сабаб унга кўнгил боғлаш хато. Минг йил яшаб, ер юзини олсанг ҳам оқибат бир кун ўласан, дейди Суқрот. Хоқон умри узайганига хурсанд, лекин у ахир абадий эмас. Фақат Мутлақ Илоҳ абадий ва унинг ишқида ёнган ошиқ ҳам абадийлик бахтини топади:

Чу маҳбуби ҳақиқий Улдурур, Ул,  
Анинг васли сари қатъ айламак йўл.  
Гар Ул маҳбуб васли бўлди уммед,  
Будур иқболи сармад, бахти жовид.

Инсоннинг яшашдан мақсади «Ҳақ амрига маъмур бўлмоқ», бундан ўзга ишлардан эса ўзини сақлашдир. Бироқ Ҳақ ва ҳақиқатни севиш, илоҳий маърифат жомини нўш этмак осон иш эмас. «Бу йўл ичра беҳад дарду ғам бор», — деб айтади Суқрот. Негаки, Ҳақ ошиғи учун тана-вужуд ва дунёнинг ўзи бамисоли бир зиндон. Ўзликдан қутулмай Ҳақ жамолига етиш, бақога мушарраф бўлиш мумкин эмас:

Бири — ўзлукни қилмоқ бўлди фоний,  
Яна бир — доғи топмоқ бўлди они.

Бу байт сўз ўйини асосида тузилган. Сукрот (Навоий) фикрига кўра, Ҳаққа етишиш йўли икки қадам масофадек гап, лекин бу икки қадамни босиб ўтиш учун минг йиллик машаққат сарфланиши керак, зеро, бу икки қадамнинг бири — ўзликдан воз кечиш, иккинчиси — ўзликни топиш, яъни ўзликдан воз кечмай туриб, чин илоҳий ўзликни тополмайсан. Навоий талқинидаги иккинчи тасаввуфий гоя ана шу.

Шу тариқа, Сукрот Фарҳодга дунёнинг тузилиши, одамизод хилқати ва вазифаси, ваҳдат асрори, фано ва бақо, ишқи ҳақиқий ва ишқи мажозий хусусида гапириб беради; ошиқ йигитнинг «сарнавишти» — тақдирини, бошига тушадиган мушкулликлару топажак саодатини шарҳлаб беради. Ишқнинг икки тури ҳақида Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр», «Лайли ва Мажнун», «Маҳбуб ул-қулуб» ва «Лисон ут-тайр» асарларида ҳам фикрлар айтилган. Шоир ҳар гал мажозий ва ҳақиқий ишқни солиштирар экан, ўқувчига тушунарли ва таъсирли бўлиши учун янги-янги қиёсларни мисолга олади. Масалан, «Ҳайрат ул-аброр»да мажозий ишқни ер қаъридаги тошларни лаълу олмосга айлантирувчи ҳароратга, «Лайли ва Мажнун»да эса «кимий», яъни мисни олтинга мубаддал этувчи сеҳрли фанга ўхшатади (Аммо «кимийланиш» ҳам олов таъсирида юз беради). «Фарҳод ва Ширин» достонида эса мажозий ишқ тонг ёруғига, ҳақиқий ишқ қуёшнинг ўзига қиёс этилган. Сукрот бунинг маъносини тушунтириб, мажозий ишқни солиқ вужудини фано этувчи, илоҳий ваҳдатга олиб борувчи куч деб таърифлайди. Модомики, инсон ўзликдан қутулмай, Илоҳга етолмас экан, демак, ана шу жараёни тезлаштирувчи чора, восита керак:

Бу ўзлукдин қутулмоқ чорасози,  
Нима йўқ, уйлаким ишқи мажозий...  
Мажозий ишқ бўлди субҳи анвар,  
Ҳақиқий ишқ анга хуршиди ховар.

Мажозий ишқ жараёнида ошиқ обдон синовдан ўтади, унинг тани бир қуруқ хасдай бўлиб қолади ва ҳақиқий ишқ «барқи чоқилғоч», зумда ёниб кулга айланади, яъни ошиқ, руҳи қутулиб, абадият— ваҳдониятга эришади.

Фарҳод ана шу жараёни босиб ўтиши, ишқи мажозий ўтида ўртанмоғи даркор, деб хабар беради Сукрот. Аммо ишқи мажозий «мазҳар»сиз содир бўлмайди.

«Мазҳар» — сиймосида илоҳий жамол акс этган киши. Ошиқ, уни кўриб, шайдо бўлади, ўзининг борлигини унутиб унга инти-

лади. Лайли Мажнун учун, тарсо қизи Шайх Санъон учун, амирнинг ўғли Шайх Ироқий учун, муғанний аёл Шайх Рўзбеҳон учун «мазҳар» эди. Фарҳоднинг мажозий ишқи учун «мазҳар» (мазҳар — зуҳурланиш, инъикос демак) Шириндир. Мазҳар Вужуди мутлақнинг сифатлари ва беинтиҳо Ҳусннинг қудратини намойиш этади, у миръот ёки ораз, илоҳий файз аёнлашган объект («шайъ»). Ҳусн ва Ишқ тортилиши (Навоий бун «кашиш» дейди), ўзаро можаролари ушбу дostonда Фарҳод ва Ширин тимсолида давом этган.

Фарҳод, шундай қилиб, Сукрот ҳузурига борар йўлда маърифатнинг бир қисми— мақомот манзилларини босиб ўтди, пири муршид— комил инсон суҳбатидан баҳра топиб, ўз дарди нима эканлигини билди; ишқ, сулук моҳиятини англади — ўзлигини ва илоҳиётнинг сеҳру синоатини таний бошлади. Сукрот унга отаси хазинасидаги кўзгу сирини ҳам айтиб беради. Фарҳод кўзгуда нафақат Ширинни, балки ўзини ва ўзи бошдан кечириши лозим бўлган воқеаларни кўради. Чунки кўзгу бу ерда ўша комил инсон Сукротнинг қалби.

Фарҳод энди чинакам мажнун ошиққа айланади, савдойи кишига ўхшаб қолади. Умуман, Фарҳоднинг Мажнунга ўхшаш жиҳатлари жуда кўп. Иккаласи ҳам ошиғи беқарор, дардманд ва хастадил. Фарҳод каби Мажнуннинг ҳам гўдаклигидан ғалати хислатлари аён эди, тақдир бу икки йигитга ишқ оловида ўртанишни насиб этган. Уларнинг маҳбуба қошида ҳушдан кетишлари, оёқларига занжир солиниши, ишқсиз улусдан маломатлар чекишлари ва бошқа воқеалар ўхшаш. Навоий бир мавзу — мажзуб солиқнинг мажозий ишқини икки хил шароит ва адабий материал тасвирида гавдалантирган. Мажнун билимли, шоир йигит, лекин у жуда ожиз, ҳарифларга, муҳитга бироз бўлса-да қаршилиқ кўрсатишдан маҳрум. Фарҳод эса ишқ билан жавонмардликни уйғунлаштиргани учун ҳунари ва жисмоний қобилиятини ишга сола олади, қаҳрамонликлар кўрсатади. Хуллас, шоир тасаввуфий ишқ ғоясини икки хил тарзда тасвирлаб берган. Шуниси ҳам борки, Мажнун ишқи болалигиданоқ ошкор бўлади: мактабда Лайлини кўриб, унинг ишқиде барчани унутади. Яъни Мажнун сулукнинг мақомот босқичини ўташга эҳтиёж сезмаган, биратўла ҳол даражасини эгаллаган солиқ образи. Фарҳод саргузашти эса икки қисмдан иборат. Биринчи қисм (Юнонистон сафари) — пирга эришиш қийинчиликларидан ташкил топган бўлса, иккинчи қисм ёрга етиш изтиробларидир. Ана шу иккинчи қисмда унинг аввалда яширин бўлган ишқи ошкора тус олиб, ҳол мартабасига кўтарилади, яъни Мажнун даражасига этади.

Денгиз сафари, қароқчиларга қарши жанг, дашту водийларда саргардон кезиш, тоғ кесиб сув чиқариш — буларнинг ҳаммаси

рамзий маънода ошиқнинг мажозий ишқ йўлида чеккан руҳий-психологик азоблари, ҳажр қийноғи. Шу каби Хисрав ҳам илоҳий ишқдан маҳрумлик, дунёвий зулмининг тимсоли. Хоқон ва унинг саройидаги кишилар илоҳий ишқни тушунмаган зоҳирбин кишилар бўлсалар-да, бироқ улар ошиққа зулм қилмаган эдилар. Хисрав эса Фарҳоднинг ашаддий душмани бўлиб чиқади. Бунда Навоий икки хил маслак, икки хил инсоний даражани қиёслашга имкон топган: Хисрав ҳам ўзини Ширинга ошиқ деб эълон қилади. Ширинни севаман, дейди. Аммо Хисрав ишқи билан Фарҳод ишқи орасида ер билан осмонча фарқ бор. Хисрав ишқи Алишер Навоий «Маҳбуб ул-қулуб»да баён этган ишқ «маротиб»ларидан биринчиси — авом ишқига тўғри келади. Чунки Хисравнинг мақсади Ширинни хотин қилиб олиш ва ўз ҳарамига қўшишдир. У зўрлик билан бунга эришмоқчи бўлади, шунинг учун Арманистонга лашкар тортиб келади. Унинг иддаолари шоҳона, ишқи ҳам хисравларга хос. У Фарҳоднинг ишқини тушунмайди, уни «жинни», «мажнун», дея камситади. Фарҳод ишқи эса пок ва илоҳий. Буюк муаллиф Фарҳод билан Хисрав «мунозара»сида ишқ ҳақидаги икки хил тушунчани қиёслайди. Бу «мунозара» дostonнинг ўзагидир. Навоий дунёқараши, мақсад-муддаоси худди шу ерда аниқ ифодаланган. «Мунозара»дан бир-икки байт мисол келтирамиз:

Деди: қайдин сен, эй мажнуни гумроҳ?

Деди: мажнун ватандин қайда огоҳ.

Деди: недур санга оламда пеша?

Деди: ишқ ичра мажнунлик ҳамиша.

Кўринадики, Хисрав ҳам, Фарҳод ҳам «мажнун» деган сўзни тилдан қўймайдилар, лекин Хисрав буни кесатиш, камситиш маъносида ишлатса, Фарҳод ифтихор билан бу сифатни ўзига муносиб билади. Зеро, Хисрав назарида гадонинг, жиннининг маликани севиши, бунинг устига малика ҳам уни яхши кўриши мумкин эмас. Мағрур шоҳ ҳамма нарса, жумладан, Ширин ҳам меники бўлиши керак, деб ўйлайди. («Галолар қилмасун деб шоҳға ширкат»). Шу тариқа, Навоий Ҳақ йўлида сайр этувчи ориф инсон ишқи билан салтанат соҳиби шоҳ «ишқи»ни солиштириб, ҳақиқий ошиқ қандай бўлиши кераклигини Фарҳод тилидан баён этган. Ҳақиқий ошиқ чиндан ҳам ўзини унутган мажнундир, у парвонадай ўтга талпинади. Ишқ ўтида ёнмай киши ошиқ бўлолмайди, дейди Фарҳод Хисравга қараб, аммо бу куймак саодатидан «жоҳ аҳли маҳрум!» Навоий эътиқодига кўра, ошиқлик ва шоҳлик (умуман мансаб) бир-бири билан келишмайдиган тушунчалар. Дostonда Навоий ёниб, берилиб тасвирлаган ишқ ғоясининг муҳим томони бу. Гарчи Фарҳод ҳам аслида шаҳзода бўлса-да, бироқ у

тож-тахт илинжи, ганжу хазинадан буткул воз кечиб, ишқ гавҳарини танлади. Хисрав бўлса, шоҳлик ғурури билан маст, демак, у илоҳий ишққа нолайиқ. Чин ошиқ на расволикдан, на эл маломатидан, на ўлимдан қўрқади. Ёр васли зўрлик, манманликни эмас, зорлик ва ниёз билан ранж чекишни тақозо этади. Хисравнинг омиёна саволлари, дўқ-пўписаларига Фарҳод орифона жавоблар қайтариб, уни мот этади. Ушбу «мунозара» Низомий Ганжавийнинг «Хусрав ва Ширин», Хусрав Деҳлавийнинг «Ширин ва Хусрав» асарларида ҳам бор. Бироқ уларда ишқ масаласида икки кутбнинг тўқнашуви, шоҳу дарвеш дунёқарашидаги чуқур зиддият Навоийда бўлганидек кескин ва аниқ ифодаланган эмас. Воқеан, улуғ ўзбек шоири буни «Фарҳод ва Ширин» муқаллимасида қайд этиб, салафларда тасаввуфий орифона ишқ тасвири намоеън эмас, улар кўпроқ Хусравга маддоҳлик этганлар, дейди. Ваҳоланки, шоирнинг вазифаси дардли диллар розини куйлашдир. Шу мақсад йўлида Навоий Фарҳодни марказий қаҳрамон қилиб олади, худди шу тасаввуфий мазмун Навоий асарини Низомий ва Хусрав Деҳлавий дostonларидан ажратиб туради.

Бундан кейинги бутун воқеалар тасвирида ҳам Алишер Навоий рамзийлик билан ҳаётийликни (мажоз билан ҳақиқатни) ғоят санъаткорона кўшиб олиб боради. Хисрав бутун кўшини билан Фарҳодга бас келолмайди, чунки Фарҳодда илоҳий қудрат бор: дунёвий куч илоҳий қудратни енгиши мумкин эмас. Хисрав ақлу донишда ҳам Фарҳоддан енгиледи: чунки ориф инсоннинг билими, ақли олдида дунёвий билимлар арзимас. Хисрав дунё тимсоли бўлгани учун унда гофиллик ва жоҳиллик билан бирга маккорлик, бебурдлик ва номардлик ҳам мужассам. Яъни илоҳий хислатдан маҳрум одам ёмонликнинг ҳамма кўринишига қўл ура олади. Унинг энг катта гуноҳи Фарҳоддек покиза, Тангри суйган одамга жабр этиб, уни зиндонда занжирбанд қилиши эди. («Ҳақиқат аҳли зиндонийдур асру»). Шу тариқа, осий ернинг гофил бандалари ва қудсий руҳ, кенг миқёсда олганда, Мутлақиятга муштоқ руҳ билан моддий дунё орасидаги зиддият авжига кўтариледи. Хисрав золим фалакнинг қўли бўлиб ошиқ Фарҳод бошига ситам тошини отаверади, Фарҳодни «мазҳар»и, жонон дилбари Шириндан ажратади — ҳажр туни ошиқ қуёшини беркитади. Зиндон, тоғлар орасидаги Салосил дев қалъасида қамалиш (Салосил — занжирлар дегани) ва ҳоказо эпизодлар тасаввуфий маънода солиқнинг ҳол мақомидаги руҳий манзаралари кўринишидир. Ширинни кўрганда ҳушни йўқотиш — мушоҳада авжида илоҳий нур кўнгилда акс этиб, ҳайратга тушиш ила гойибона сирлашувдир. Фарҳоднинг занжирдан озод бўлиб, ошиқ-маъшуқ мактублари — маҳбуби ҳақиқий бўлишига қарамай, Хисравга қарши чиқмаслиги, ваҳший ҳайвонлар билан дўстлашуви (Мажнун каби) — солиқнинг «самоъу важдга»

берилиб, жисмини унута бошлаши ва фанога яқинлашувидан нишона. Ширин ҳам бу асарда фақат маъшуқа («мазҳар») эмас, балки ошиқ ҳам. чунки Ҳусн билан Ишқ ажралмас, улар бири-бирига интилиши муқаррар қонуният. Фарҳод ва Ширин ҳажр қийноқлари остида жисман заифлашиб, ахири жонлари танадан хориж бўлади, яъни икки руҳ моддий дунё зиндонидан қутулиб, ўзаро қовушади...

Агар Алишер Навоий сўфиёна ғояларни биз айтгандек баён этиб кетганда, ҳис-ҳаяжон, кечинмалар тўлқинини ифодаловчи санъат асари юзага келмас, балки тасаввуф таълимотининг назарияси ҳақида шеърӣ рисола яратиларди, холос (шундай асарлар анча). Унда асарнинг таъсирчанлиги бу даражада бўлмас, сўфиёна ғояларнинг ўзи-да ўқувчи юрагига сингмасди. Ишқни мажозий усулда тасвирлашдан мақсад уни реал ҳаётӣ материал орқали кўрсатишдир; тирик инсонларнинг шавқу завқи, ғам ва шодликлари, кураш ва драмалари образларда, воқеа-ҳодисалар тасвири жараёнида берилади, натижада сўфиёна дард ғалаёни кенг ўқувчилар таъбига мос келадиган саргузашт ишқӣ қисса ичида гавдаланади. Буни фалсафӣ-тасаввуфӣ маънони ҳаётӣ материал орқали бадиӣ талқин этиш, деб аташ мумкин. Зотан, ҳаётнинг ўзи бутун мураккаблиги, зиддиятлари билан Илоҳ илмининг тафсири, образларда кўринишидир. Шундай экан, шоир хоҳ мажоз йўсинида бўлсин, хоҳ тўғридан тўғри ҳақиқатни қаламга олсин — у Буюк Тангри маърифатининг бадиӣ талқинчиси бўлиб майдонга чиқади.

## ИШҚ ОТАШИНING САМАНДАРИ<sup>1</sup>

Лайли ва Мажнун севгиси Шарқнинг шуҳратли афсоналаридан бири. Қадимда кўчманчи араб қабилалари орасида пайдо бўлган ушбу маҳзун қисса асосида форсий ва туркий тилларда ўнлаб ажойиб дostonлар яратилди. Жумладан, улуғ узбек шоири Алишер Навоий безавол «Хамса»сининг учинчи дostonи ҳам «Лайли ва Мажнун» деб номланади. Дарсликлар, умумий тадқиқотлардан ташқари, «Лайли ва Мажнун» махсус илмий ишларда тадқиқ этилган. Аммо, афсуски, инқилобдан кейин давом этган нотўғри мафкуравий сиёсат, дину эътиқод, тасаввуф таълимоти ва умуман, тарихга, ўтмиш маданиятига салбий муносабат ҳамда ғаразли қарашлар илмда юзакичиликни, бир ёқлама, хато усул ва йўналишларини вужудга келтириб, Навоий ижодининг туб моҳияти ва улуғвор салоҳиятини очиб беришга тўсиқ бўлди. Натижада, шоирнинг ислом фалсафаси қадриятларидан озиқ олган ҳақиқий ҳаётбахш инсонларварлиги халқдан яшириб келинди. (Албатта, биз зинҳор навоийшуносликда қўлга киритилган ютуқларни инкор этмоқчи эмасмиз, бироқ, камчиликларни айтмасдан ҳам иложимиз йўқ, чунки бусиз Навоий ижодини англаш ва англатиш борасида олға қараб бориш мумкин эмас.)

«Лайли ва Мажнун» таҳлилига бағишланган тадқиқотларда ҳам асарни «керакли» ва «кераксиз» (ёхуд «зарарли» ва «фойдали») қисмларга ажратиб, далил-исботсиз ўтмишни ёппасига қоралаш, улуғ мутафаккир ғояларини замонага мослаб «тарашлаш», бу ҳам етмагандек, Навоийдек буюк зотни адашиш ва янглишишларда айблаб, танқид қилиш давом этган. Дoston мазмуни «Зайнаб ва Омон» хилидаги асарлар каби «социалистик жамият куриш ғояси»га хизмат қилиш нуқтаи назаридан таҳлил қилинган: қиз ва йигит бир-бирини севади, аммо феодал муҳит, жоҳил ва қотил оталар уларга тўсқинлик қиладилар, оқибатда икки ёшнинг севгиси хазон бўлади. Хулоса: Навоий ўз даврини қоралаган, инсоний туйғуларни бўғувчи муҳитни ёмонлаб, келажак бахтли ҳаётни орзу

---

<sup>1</sup>Б. Эралиев билан биргаликда ёзилган.



этган. Қарийб барча тадқиқотларда мана шу схема бўйича фикр юритиш у ёки бу тарзда давом этиб келди. Ҳатто тасаввуф ҳақида қимматли тадқиқотлар яратган, «Шарқ адабиётини тасаввуф таълимотидан ажратиб ўрганиб бўлмайди», — деган фикрни баён этган атоқли олим Е.Э. Бертельс ҳам мафкуравий тазйиқларга дош беролмай, «Лайли ва Мажнун»даги илоҳий муҳаббат ғоясини инкор этган. Унинг кўрсатишича, дostonда «асосан, инсонга муҳаббат, унга ҳамдардлик ва унинг изтиробларини» тасвирлаш биринчи ўринда туради. Навоий «инсонга безътибор қараш, инсон ҳаётини заволга олиб келадиган урф-одатларга амал қилиш натижаси қандай оқибатларни юзага келтиришини бизга мисол қилиб келтиради...». Олим Алишер Навоийда «ўзгача муҳаббат... сўфийлик концепцияси билан боғлиқ муҳаббат ғоясини тасвирлаш истаги» мавжудлигини қайд этади-ю, лекин орқасидан дарров қўшиб кўяди: «Бироқ Навоий мазкур концепциядан онгли тарзда бутунлай воз кечади, чунки унга илоҳий муҳаббат эмас, балки оддий инсоний севги ҳис-туйғулари лозим». (Е.Э. Бертельс. Избранные труды. Навои и Джами. — М., 1965. С.122).

Диққат қилсангиз, Е.Э. Бертельс фикрларида ички қарама-қаршилик борлиги сезилади, агар Навоий мутасаввиф шоир сифатида ўрганилса, унинг инсонпарварлигига путур етади, деган ҳадик бор. Чунки дин — афюн, тасаввуф — «реакцион мистик оқим», деб қатъий қора тамға босилган-да! Шунинг учун олим илоҳий муҳаббат билан инсоний муҳаббатни зид қўйиб, Навоийни инсоний муҳаббат куйчиси, «урф-одат»лар танқидчиси қилиб кўрсатишга зўр берган. Ваҳоланки, Алишер Навоий чинакам инсонийликни айнан илоҳийликда, илоҳий файздан баҳрамандликда кўради. Ахир Куръони каримда бир неча жойда инсон Худонинг ердаги халифаси, у энг мукаррам зот, махлуқотнинг гултожи, дея таъкидланади. Алишер Навоий инсоннинг ана шу шарафга муносиб бўлишини истайди, нафси шайтон йўлига кирган риёкор шайхлар, шариату тариқатни сохталаштирувчи кишиларни нафратли сатрларда мазаммат этади. Шоирнинг ишқ тушунчаси шу эътиқодга асосланади, яъни пок муҳаббат покиза инсонлар қалбидан жой олиши мумкин. Мажнун ишқи бу борада олий намуна, чунки у бутун вужуди, жону дили ила Илоҳни севади, айнаи вақтда эса шафқат-муруввати, нажиб ахлоқи-ю беқиёс истеъдоди билан энг гўзал инсондир. Иккинчи тарафдан, пок инсоний муҳаббат ва илоҳий ишқни бир-бирига зид қўйиш нораво, аксинча, улар ўзаро боғлиқ, бири иккинчисидан ўсиб чиқадиган фазилат деб қаралган.

Алишер Навоийнинг ишқ фалсафасини шу нуқтаи назардан текшириб, унинг бадиий тафаккур тарзи, исломий-тасаввуфий халқпарварлигини ёритишга аҳд қилган одамга биринчи раҳнамо

улуғ шоирнинг ўзидир. Чунки адиб назарий-таълимий асарларида ҳам, дostonларида ҳам ишқ ва унинг хусусиятлари, ошиқлик одоби ва изтироблари, «мажозий» ва «ҳақиқий» ишқнинг маъно-моҳияти нимадан иборатлигини махсус тушунтиради, тасвирланаётган воқеалардан қандай мақсад кўзда тутилаётганини айтиб ўтади. Масалан, «Маҳбуб ул-қулуб»да Навоий ишқнинг «маротиб»лари борлигини айтиб, унинг уч турини қайд этади: нафсоний ишқ («авом ишқи»), мажозий ишқ («хавос»—хос кишилар ишқи) ва илоҳий ишқ (авлиёлар ишқи). Бу ўринда Навоийнинг «ишқ маротибдур» деган сўзига диққат қилишингизни истардик, зеро, «маротиб» (мартабалар) сўзи тариқат аҳлининг истилоҳларидан бўлиб, у солиқнинг руҳий-маънавий тараққиёт даражасини белгилайди. Демак, ишқ — инсоний камолот даражасини кўрсатувчи фазилат. Бундан ташқари, авом ва хавос тушунчалари ҳам тариқатга боғланади. «Авом» деганда Навоий саводсиз, оддий халқни назарда тутмаган, балки умуман, илоҳиёт тажаллиётини қалбан ҳис этолмаган, борлиққа зоҳиран муносабатда бўлиб, жамиятнинг расму одатларини бажаришдан нари ўтолмайдиган кишиларни назарда туттади. Бундай кишилар қаторига билимдон муфтий-муллалар-у илми ботиндан беҳабар шайху зоҳидлар ҳам кирган. Шу каби, «хос кишилар» — аслзодалар табақаси, шоҳ-амирлар эмас. Навоий мазкур истилоҳни кўнгил амрига амал қилиб, Тангри йўлида заҳмат чекувчи, дили ва тили Ҳақ ёдидан бўшамайдиган чин сўфийларга нисбатан қўллаган. Бу инсонларнинг кўнгил кўзгуси дунёвий ҳирсу хавас ғуборидан тозалангани сабабли «пок кўзни пок назар била пок юзга» солиб, «пок мазҳар», яъни илоҳий жамол акс этган алоҳида одамларни севиш «воситаси била»... маҳбуби ҳақиқий (яъни Худо) жамолидин баҳра олмоққа мушаррафдирлар. (*Алишер Навоий*. Маҳбуб ул-қулуб. Асарлар, МАТ, 14-жилд, 66, 67-бетлар).

Навоийнинг ушбу сўзларидан қуйидаги хулосалар келиб чиқади:

1. Пок муҳаббат ҳар қандай жисмоний лаззатлар, жинсий қўшилишлар интилишидан холи бўлиши керак.
2. Бундай ишқ фақат «аҳли сулук» — комил инсонларга хос.
3. Улар Илоҳ жамоли зуҳур этган («мазҳар») кишиларни севиши мумкин.
4. Бу «мазҳар»ни беҳад сидқ ва дарду ошуб билан севиш орқали ҳақиқий ишқдан баҳра оладилар. Шундай ишқнинг адабиётда тасвирланишини Навоий «ҳақиқат асрорини мажоз тариқи била» куйлаш, деб таърифлайди. «Лайли ва Мажнун» дostonининг моҳиятини ҳам ана шу «мажозий ишқ»нинг тараққий этиб, «ҳақиқий ишқ»қа айланишини образлар орқали кўрсатиб бериш ташкил қилади. Бунда Мажнун — Ҳақ жазбаси теккан, Ҳақ жамолини кучли шавқ билан соғинган солиқ тимсоли бўлса, Лайли илоҳий тажаллиёт нури порлаган ўша «мазҳар»дир.

Хўш, нега илоҳий ишқ «мажоз услубида» тасвирланиши керак, илоҳий муҳаббатнинг ўзини бевосита куйлаш ҳам мумкин-ку? Нега «мажозий ишқ» тасвири бунча дардли, аламли, Мажнуннинг оҳу нолаши, ўртаниш-ёнишлари бу қадар муболағали, маҳобатли? Нима учун у бунчалик заифу хор, ожиз ва ночор қилиб ифода-ланган? Навоий дostonида мазкур саволларга ҳам жавоб бор. Асарнинг охирги бобларидан бири «Ишқ таърифидаким...» деб номланади ва унинг биринчи байти мана бундай:

Эй ишқ, ғариб кимиёсен,  
Бал оинаи жаҳоннамосен.

Шоир ишқни кимёга ва оинаи жаҳоннамо, яъни оламни кўрсатувчи кўзгуга ўхшатган. «Кимё» — ҳозирги тил билан айтганда химия, аммо бу сўзнинг мўъжиза, мўъжизакорлик деган маънолари ҳам бор. Айтишларига қараганда, қадимги кимёгарлар мис ва бошқа маъданларни юқори ҳарорат таъсирида олтинга айлантириш мумкин, деган хаёлга ишониб, бу орзу йўлида кўп куч сарфлаганлар. Навоий ана шу афсонага ишора этиб, одам аслида тупроқдан яратилган, аммо ишқ оташининг «кимёлиқи» туфайли у олтинга айланади, яъни ишқ инсон вужудини пиширадиган, ҳар хил чиқиндилардан тозалайдиган олов, дейди. «Чиқиндилар» — инсоннинг жисмоний талаблари, ҳирсу ҳавас, очкўзлик, фаҳш, ҳасад ва ҳоказо ношоиста хусусиятлар, умуман инсон руҳини илоҳиётдан ажратиб турувчи нарсалардир. Ана шу ёмон хислатлардан қутулиш жараёни бағоят оғир кечадиким, ошиқ ёки солиқнинг оҳу нолаши, изтироблари шундан. Ошиқ шунинг учун «ҳажр ўти»да қийналишга маҳқум. Навоий руҳининг «юз сўзу гудоз бирла» покланиш жараёни, кимёланишни «ишқи мажозий» деб атайди. Бу имтиҳонлардан ўтган, кимё оташида тобланиб, холис бўлган, ўзлигини унутган, балки барча ўзгаликлардан қутулган ошиқда «сурати мажозий» қолмайди, унинг руҳи илоҳиётга эришади, қаёққа қараса, ҳақиқий Ёр кўзига ташланаверади:

Ким боққали ихтиёр топти,  
Ҳар сорики боқти, Ёр топти.

Бу энди қалбнинг «оинаи жаҳоннамо»га айланиши, яъни ҳақиқий ишққа молик бўлишидир, деб хулосалайди шоир. Аёнки, бундай мартабага кўтарилган ошиқни ердаги маҳбуба — «мазҳар»нинг вужуди қизиқтирмайди, унинг кўзига маҳбуба буткул илоҳий руҳ бўлиб кўринади ва у «мазҳарда ўзни фоний топади» — руҳи унинг руҳи билан бирлашиб кетади.

Мажнунда «кимёланиш» Лайлини кўргандан кейин бошланади, аммо ишқ ўти унга анча илгари, у дунёга келгандаёқ, теккан эди.

Бошқача айтганда, Қайснинг ошиқлик дардига гирифторлиги, юз бало-офатларга дучор бўлиши, «мажнун» — жинни номини олиб, маломатларга қолиши унга тақдири азалдир, унинг лойи ишқ олови билан қорилган. Ғам хайли, Бало, Дард, Фироқ унинг доимий ҳамроҳи, чунки ошиқлик, Ёр васлига етиш шундай укубатларни бошдан кечириш билан вобаста. Алишер Навоий буни асар бошида Ишқ водийсининг даҳшатларини хаёлан тасвирлаш орқали кўрсатади: зимзиё тун қўйнида шоир хаёли Арабистон ерларини кезиб чиқади, ёмғир, бўрон аралаш момақалдироқ гулдураб, чақин чақади. Чақин ёруғида шоир саксовулдай тахланиб ётган инсон суяклари, ваҳший ҳайвонларни кўради. Булут ҳам «бало ўқларини» ёғдирарди. Бу тун — ҳажр туни, бу водий эса — ишқ водийси, ваҳший даррандалар — ошиққа хуруж этган бало-офатлар, суяклар — ишқ қурбонларидан нишона. Ўз асли, Илоҳдан ажралган мусофир, ғариб руҳ — Мажнун шу водийда якка ўзи бошини эгиб ўтирибди... Мазкур манзара тасвирида иккита ўринли ташбеҳ бор. Бу ташбеҳларнинг иккаласи ҳам ўт («барқ») образи билан вобаста. Қоронғи тунда бирин-кетин чақмоқ чақиб, унинг ёруғида қабилалар манзилгоҳи кўзга чалинади, шунда шоир «қиргун» (мазутдай) тунни Лайли сочига, чақмоқни эса Лайли юзининг очилишига ўхшатади:

Андоқки қилиб карашма майли,  
Зулф ичра жамолин очса Лайли.

Лайли юзи бу ўринда илоҳий нур манбаининг ўзи, узун сочлари — моддий дунё, фироқ тузоқлари («Лайли» сўзининг маъноси ҳам тун демак, яъни унинг тундай қора сочларига ишорадир), ана шу нур манбаининг «барқ»лари Мажнун қалби ва вужудидан жой олган. Иккинчи ташбеҳ шундан иборатки, Навоий Ишқ водийсида «нори айман» — шохлари шуълаланиб турган дарахтни кўради. Қисса бошланиб, Лайли ва Мажнуннинг биринчи учрашуви тасвирланганда шоир ҳалиги ташбеҳни такрорлаб, Мажнунни худди шу шуълали дарахт қиёфасида чизади, яъни Лайли юзининг шуъласидан Мажнун қалби, балки бутун вужудининг ниҳоли алангаланиб кетади:

Йўқ, йўқки туташти сарбасар ўт,  
Бошдин-оёқ ўлди ул шажар ўт.

«Нори айман» тасвири аслида Қуръондаги Мусо пайғамбар ҳикоясига ишорадир, яъни: Мусо алайҳиссалом Парвардигорга юзингни кўрсат, деб муножот қилганларида, Парвардигор: бунга бандам тоқат қила олмайди, дейди ва бир учкунни — чақмоқни Тур тоғига йўллайди. Тур тоғи ларзага тушиб парчаланаяди. Айман

водийси эса ёришиб кетиб, ундаги дарахтлар машғаладай порлайди. Худонинг ишқи мана шундай қудратга эга. Мажнунга ана шу воқеа гўё қайта намоён бўлади ва у Ишқ водийси оловларини кўради.

Шу тариқа, *ўт, барқ, нур, партав, чоқин, оташ, ламъа* каби сўзлар «Лайли ва Мажнун» достонининг асосий белгиловчи ташбеҳотига айлангандир. Лайли ҳусни ҳам ўт, Мажнун ишқи ҳам *ўт*, икки *ўт* бир-бирига тортилади ва бир-бирига текканда жонни куйдирувчи *аланга* келиб чиқади. Туғилгандан ишқ *олови* билан йўғрилган гўдак Қайс ўтга талпинади:

Ўт кўрсаки майл этиб ниҳоний,  
Ишқ ўти тасаввур айлаб они.

Олам унга *оловдай* ёндирувчи ишқ бўлиб туюлади, *ўт* унга роҳат, *ўт* — азоб, ўт унинг «сарнавишти». Шунинг учун Қайс бетоқат, ақли-ҳуши ўзида эмас, Лайли жамолидан сачраган барқдан вужуди «ўт ичра ғарқ». Ошиқ ўтли оҳ чекиб, нолийди:

Кулбамдаю масканимда бу ўт,  
Жонимда бу ўт, танимда бу ўт.

Мажнун ишқининг ўти шунчалик зўрки, унинг оёқларига солинган темир занжир бу ҳароратдан эриб, ечилади. «Навоий достони Мажнун руҳида порлаган муҳаббат ўти тасвирларига бағишлангандир. Мажнун қисматининг тимсоли достонда ўт ва нур» (*И. Ҳаққулов*).

Шундай қилиб, ишқ оташида ёниш, кимёланиш Мажнун учун қисмат. Навоий шу қисматга мубтало солиқнинг саргузаштини ҳикоя этади, дарду алам тўла сатрларни тизади, ўзи ҳам ёниб-сел бўлиб куйлайди. Мажнун — солиқ, аммо у оддий солиқ эмас, балки «мажзуб» — ошиқ солиқ. Шунинг учун унинг устози ҳам, пири ҳам Ишқ, шу боис у дардини ниҳон туголмайди, росмана хил-ватнишин солиқлардай сабру қаноатли, батамкин, тақводор эмас. Бу сифатлар ошиққа хос эмас-да! Ошиқ, то васлга етмагунча тоқатсизланаверади, уни ҳеч нарса тўхтатиб туролмайди. Мажнун юз хил азобу укубат, камситиш-хўрликларга чидайди-ю, бироқ ҳижрон дардига тоқат қилолмайди. Яхшиси асар йўналишини аниқроқ таҳлил этиб, буни мисоллар ёрдамида кўздан кечирайлик.

...Не-не орзулар билан Тангридан тилаб олган ўғлини ота илмли, маърифатли қилмоқчи бўлиб мактабга беради. Мактабда ўқий бошлаган Қайс илмларни тез ўзлаштиради, беш-ўн варақни бир лаҳзадаёқ ўқиб чиқиб ёдлаб ҳам олади. Қайснинг бундай қобилияти ҳаммани ҳайратга солади: (Шундай қобилиятни Фарҳодда ҳам кўрамиз. Демак, Аллох, ўзининг хос бандаларига алоҳида истеъдод беради.) Қайс таълим олиб юрган чоғида, Лайли

бетоблиги учун мактабга қатнамайди. Тузалганидан сўнг келганида бундан беҳад қувонган устод ҳамма шоғирдларини ўқишдан озод қилади. Қизлар диққинафас хонадан қутулганларидан қувониб, Лайли билан биргаликда гулшан сайрига чиқишади. Буни шоир шундай чизади:

Қизлар била азми гулшан этгай,  
Гулшанни жамоли равшан этгай...  
Шод ўлди жамолидин дабистон,  
Андоқки баҳордин гулистон.  
Лекин бу баҳори зиндагоний,  
Бир нахлни айлади хазоний.

Бу лавҳани нафсоний (адабиётшуносларимиз айтгандай, «ҳаётӣ») ишқ билан изоҳлаб кўринг-чи? Ахир, «нафсоний ишқ» одам балоғатга етгандан кейин, тахминан 14-16 ёшларда бошланади. Лайли ва Мажнун эса ҳали норасида, 5-6 яшар болалар... Шоир муболаға санъатини қўллаб, Лайлининг чиройи — ҳусни гулзорни чароғон қилиб юборди ва гулзордаги бир нахл (ниҳол, севгилисининг қомати)ни хазон этди, дейди. Бундан ўзга маъно ҳам чиқиши мумкин. Чунончи, ҳусни мутлақ бир кўриниш берганди, солиқлар (ҳақларастлар) завқ-шавққа тушдилар. Ҳусни мутлақ кўзгуси — баҳори зиндагоний (ҳаёт, тириклик)да ўз севгилиси (солик) қоматини букиб, уни интизор айлади, яъни солик бундай ҳусн-жамолга дош беролмасдан ҳушдан кетди. Кўриниб турибдики, бундан сўфиёна маъно чиқаётир: тасаввуф таълимотича, гулшан — бу дарвешнинг бутун руҳияти, уни Ҳақ ишқи эгаллаб олади ва у бетоқатланиб, ҳушдан айрилади. Энди бу ёғини тушуниш осон кечади, чунки Қайс ошиқ (солик)лик йўлига кирди, Лайли билан илк учрашувдаёқ унда илоҳий куч кескин намоён бўлди. Буни шоир қуйидагича тасвирлайди:

Яъни кўруб они Қайси маҳзун,  
Рухсорини қилди қахрабогун.  
Ҳам чехраси ранги қахрабодек,  
Ҳам кўнглида кўзғалон сабодек.  
Ҳар дам йиқилурға жисми мойил,  
Ҳуши доғи лаҳза-лаҳза зойил.

«Қаҳрабо» ташбеҳи ҳам ўт, олов ташбеҳларига мувофиқ: у бошқа жисмни ўзига тортади, ишқаса, чарсиллаб учкун сачратади. Унинг сарғиш ранги ошиқ чехрасини эслатиб туради. Айни вақтда бу сатрларда Мажнун биринчи учрашувдаёқ эсини йўқота бошлагани тасвирланган: ошиқлик — ақлу ҳушдан бегоналик демак. Навоий воқеалар ривожи билан бирга ошиқ (солик)да кечаётган руҳий қийноқлар, кечинмалар ва ўзгаришларни бадий қуюқ бўёқлар

орқали чизиб бораверади. Бўёқлар баъзан шунча қуюқки, сўфиёна маъноларни илғаб олиш ҳам қийинлашган. Шоир яна давом этиб:

Чун зўр кетурди ишқи бебок,  
Аввал қадаҳ олди ҳушини пок.  
Бал май иси бирла маст бўлди,  
Ҳам хайлига зердаст бўлди,—

дейди. Буни тасаввуфдан беҳабар кишилар ўқиса, Қайс ҳам шароб ичибди-да, деган ҳаёлга бориши аниқ. Аслида эса, у сўфиёна мазмун касб этиб, Ҳақ ишқининг илк қадаҳи унинг ҳушини олди ва ундаги май (илоҳий жамолдан сархушлик, ҳол, жазава, авж ҳолатлари) жилваланиб, ошиқнинг дилини банд этди. Бундан унинг кўнгил ғуборлари тозаланди, покланди, демоқчи. Ошиқ дилига ёр ишқи бода янглиғ қуйилди ва бу бода бирла лим-лим тўлди, унда бошқа ҳеч бир нарсага ҳожат ҳам, ўрин ҳам қолмади. Шубҳа ва гумонлари бутунлай тарқаб, ишонч ҳосил қилди.

Қайс Лайлини хилват жойда кўриб, ёқасини чок этиб «эл ҳар неки сўрса фаҳм қилмай, фаҳм етса жавоб дерни билмай» турган лаҳзада унга кўзи тушган Лайлининг раҳми келади ва ачинганидан ёнига бориб аҳвол сўрайди:

Ки эй, турфа йигит, не ҳолатинг бор,  
Не навъ ғаму малолатинг бор?

Бу илтифот Қайс кўнглидаги муҳаббатни бадтар кучайтиради. У жонига ҳайрат ўтидан беоромлик келган, вужуди кучли оловланаётганини ҳис этган ва кўнглини олиб кетган Лайлига нима деб жавоб қайтаришга ақли етмайди, чунки бунинг ҳаммасига Лайлининг ўзи сабабчи. Илк назари тушгандаёқ Мажнуннинг дилига гулгула тушиб, тинчлиги йўқолган кўнглини олган экан, қандай қилиб ишқини ундан сир тутсин.

Гулшандаги учрашувдаёқ Лайли ва Мажнун бир-бирисиз турулмаслиги маълум бўлади, аммо учрашиш ҳам азоб, чунки Қайс Лайлига рўбарў келган заҳоти тоқат қилолмайди, унинг рухсориға боқа олмай ҳушдан кетади. Бу руҳий ҳолат, адабиётшунос олим Иброҳим Ғафуров таъкидлашича, шундай: «Ҳушдан кетиш фавқуллода руҳий ҳолат. У фақат қаттиқ кечинмаларга берилгандагина, одам дилида мубталоликнинг ўчмас олови бўлгандагина рўй берса керак. Навоий достонида Қайс, агар эътибор қилган бўлсангиз, 5 мартаба ҳушдан кетади. Унинг ҳар бир ҳушдан кетиши Лайли қаршисида содир бўлади»<sup>1</sup>. Ҳушдан кетиш кўпроқ сўфийларга хос руҳий-психологик кечинма. Айниқса, улар Илоҳ ёдида

<sup>1</sup> Ғафуров И. Ўттиз йил изҳори. —Т.: 1987. 25-бет.

ўта жазавага берилганда, бутун руҳий куч-қувватини ишга солганда хушдан кетиш, ўзини унутиб қўйиш даражасигача бориб етадилар. Навоий Мажнун образида сўфийликнинг ана шу ҳолатини кўз олдимизда гавдалантиради. Бундан ташқари, айнаи шу ҳолда ёр жамолини кўнгил кўзгусида ҳис этиш ҳайратидан хушдан кетиш содир бўлади.

13—14-бобларда Мажнун ва Лайли учрашувидан кейинги жараён, яъни бир-бирига бўлган севгининг кучайиши қамраб олинган. Ишқ лашкарлари Мажнунни тобора босиб келаверади, бунга чидай олмай ҳаловатини йўқотиб, дашту биёбонларни маскан тутмоқни хоҳлайди. Лайли ҳам уни синов домига ташлайди, яъни бир кўриниб, ўзини бошқа кўрсатмасдан ғойиб бўлади. У ошиғини синаб кўриши керак, ёки унинг барча оқ-воҳлари ёлғонмикин, ишқ ўтига, азоб-уқубатларини енгилга кучи етармикин? Энди Қайс ўзлигини тамомила унута бориб, ёр хаёли билангина қолади. Ҳатто танини жароҳатлаб, маъшуқаси учун нисор этишга ҳам тайёр. Бундан ҳеч қандай зарар етмайди:

Чок айлади тортибон яқосин,  
Чекти тани офият либосин.  
Йўқким бу либосини совурди,  
Ким жисмидин они ўтқа урди.

Мажнун жисмида кечаётган нафсоний кечинмаларни бутунлай ёдидан чиқарган. У руҳий етуклик-ла андармон — руҳи билан овора, ёлғиз руҳи билангина ўзини тирик санайди. Бироқ руҳи тан қуршовида, тан унга қафас, шунинг учун ҳам Мажнун қийналади, руҳни бандан олиб чиқмоқ керак, бу ғилоф исканжасидан халос этиб, ёрининг руҳи ила қўшмоқликни ўйлайди у. Руҳ майл кўргузгани билан ҳали тандан чиқиб кетолмайди, чунки Мажнун олдида жуда кўп тўсқинликлар мавжуд. «Офият либоси»ни ечган Мажнун 14-бобда яна бир қаршиликка дуч келади. Бу—ота-она ёди. Не-не заҳматлар билан парваришлаб улғайтирган ота-онаси олдида фарзандлик бурчи, қарзи бор. Бунга узмоқ керак. Аммо Мажнун ишқи кучайган чоғида буларни ҳам бутунлай ёддан чиқаради:

Лайли гами уйла қилди бедод,  
Ким ота-онани қилмади ёд.

Ҳали бу ерда ота-она экан, ҳақиқий ошиқ жумлаи жаҳондан воз кечгандагина ўз орзусига етиша олади. Акс ҳолда, у ҳақиқий ошиқ ҳисобланмайди. 14-бобнинг яна бир диққатга созовор жиҳати бор. Унда ит образига дуч келамиз. Маълумки, ит садоқат, вафодорлик рамзи саналади. («Лисон ут-тайр» достонида Навоий Баҳоуддин Нақшбанднинг вафодор ит изини ўпиб йиғлаганини



ҳикоят қилади). Мажнун ўз садоқати, вафосидан кўра итнинг садоқатини устун қўяди. Чунки ит Мажнунга қараганда Лайлига анча яқин туради. Эҳтимол, у ҳам Мажнун каби ошиқдир, балки ундан садоқатлироқдир, ёрининг оёғи остида ётиб ўз вафодорлигини кўрсатаётгандир. Бунинг фаҳмига етган Мажнун ўз дардини тўкиб солади:

Сен мендин ўлуб вафода афзун,  
Ҳам сидқда, ҳам сафода афзун.

Яъни Мажнун ўзини ошиқ санаб, ит даражасига ҳам кўтарила олмаганидан қаттиқ қийноқда. Ит эса Лайлини кўрганда Мажнун сингари ҳушини йўқотмайди, унинг оёқларига суйкалиб, эркаланади — итнинг бардоши кучли, бу эса Мажнуннинг етолмас армони!

15-бобда Мажнун «қабил аҳли» билан тўқнаш келади. «Қабил аҳли» — дунё шуғли билан банд, илоҳий ишқдан бенасиб кишилар. Қайсининг телбанамо хатти-ҳаракатлари, бегона қабилада яшайдиган қиз — Лайлини деб девонавор ҳар томонга елиб-югуриши уларга жиннилик (мажнунлик) бўлиб туюлади. Қабиладошлари уни тушунишни истамайдилар. Ишқ билан ишқсизлик, кўнгил билан «соғлом ақл», «саломат аҳли» билан «девона» орасида кураш бошланади. Қабиладошлари, ота-онаси Қайсга гўё яхшилик қилиш, меҳр-шафқат кўргизиш ниятида уни пари теккан, жин чалган, шунинг учун ақлини жойига келтириш керак, деб ўйлаб, ҳар хил чора-тадбир излайдилар. Ахир, ишқнинг чораси йўқлигини, бу дард илоҳий дард бўлиб, унга фақат ёр васли даво бўлишини улар қаердан билсин? Улар ўз ўлчовлари, яъни ердаги, кўриб турган ҳаётлари андозаси билан ўлчайдилар: Лайли бўлмас экан, бошқа қизга уйлан, бир қорача қизни деб девона бўлиш шартми, деб насиҳат қиладилар. Севги, ишқ улар назарида уйланиш, оила қуриш билан якунланиши керак, яъни Навоий айтган биринчи босқичдаги авом ишқини англайдилар.

Шунинг учун адабиётшуносларимиз ёзиб келганидай, асарнинг асосий конфликти «феодал муҳит» билан «эркин муҳаббат» орасидаги зиддият эмас, ёинки Навоий бой-камбағаллар орасидаги тафовутни тасвирлаш мақсадида қалам тебратгани ҳам йўқ. Зеро, Лайлининг отаси каби Мажнуннинг отаси ҳам қабила бошлиғи, унинг бойлиги Лайлининг отасиникидан ҳам, Ибн Саломникидан ҳам кам эмас. Зиддиятнинг тугуни шундаки, Лайлининг отаси «девона» Қайсга қизини беришдан ор қилади, Мажнуннинг отаси эса, ўғлининг «девоналиги»ни тузатиш учун жони ҳалак. Агар мана шу тўсиқлар бўлмаганда ҳам, яъни Қайс Лайлига уйланганда ҳам у, барибир, мажнунлигича қоларди, зеро унинг мақсади уйланиш эмас, балки Лайли воситасида илоҳий ишқ камолотини касб

этишдир. Шунинг учун, бемалол айтиш мумкинки, Мажнун замон ва макондан ташқари бир тимсол, у қулдорлик давридами, феодализмдами — қайси даврда бўлмасин яшаши мумкин, у интиҳосиз, самовий Ишқ рамзи.

Лайлининг отаси ўғлингни йиғиштириб ол, бўлмаса ўлдираман, деб таҳдид қилади. Бундан қўрққан Мажнуннинг отаси қабиладошлари маслаҳати билан Қайснинг оёғига занжир солади. Лекин Қайс Лайлини эсга олиши билан, боя айтганимиздай, ишқ оташи зўридан занжир узилиб, бечора ошиқ уйдан чиқиб кетади. Бедард қабиладошлар унинг учун бегона, Мажнун улар орасида яшай олмайди. Бугина эмас, у қабила, ота-она, умуман жамиятдан зада бўлади, барини эсдан чиқаради. Ва дунёни ҳам унутишгача бориб етади:

Ўз отию қавму хайли оти,  
Йўқ ёдида, ғайри Лайли оти.

Ишқ ва ошиқликнинг бу хусусиятини тасаввуф назариётчилари «тафрид» (ёлғизланиш) деб атаганлар. Ошиқ шундай бир ҳол мартабасини эгаллайдики, ўзига ўхшаганлар, яқинларидан безор бўлади, инсон зотини ёқтирмайди. У яккаликни, ёлғизликни қўмсайди ва сахрога чиқиб кетади. «Ва жумладан ҳеч кимга бўйсунмайди, ўз руҳини ёлғиз тутишни хоҳлайди ва халқдан узлатга чекинади» (*Сажжодий*. Истилоҳоти урафо. 132-бет). Ёлғизланиш дилнинг Ҳаққа юзланиши учун имкон яратади, Ёр ёдини фикрдан қувадиган ағёрлардан халос этади.

Мажнун — ошиқликнинг умумлашма образи, унда ошиққа хос жамики хусусият — хокисорлик, камтаринлик, безорлик, ниёзманд бўлиш, маломатларга чидаш хислатлари мавжуд. Унинг дардлари умуминсоний дард, чунки Илоҳдан фироқда қийналиш. олий мақсад — илоҳиёт васлига интилиш ҳар бир пок инсонда бўлмоғи даркор. Ишқ бу йўлда восита. Васлга етиш эса осон эмас:

Ўзлукдин ўзингни айла озод,  
То дашти фанога киргасен шод.

Фано — бақога ўтишда тариқатнинг сўнгги босқичи. Ҳар бир солиқ бу босқичдан ўтмай туриб, бақога эришолмайди. Мажнун ана шу босқичга етиб келган. Энди унга фанога яқинлашиш қолган, бунгача ҳали кўп мушкулларни бошдан кечириши аниқ. Мажнун ўзини ҳазину ночор, ишқ ўти қаршисида хасдан ҳам паст кўради, хас оловда қанчалик тез ёнса, ёнгани ҳам билинмаганидек, ўзини шу хасдан-да беиз кетишидан қаттиқ қайғуради. Хасдай оловда ёниш — ўзликдан воз кечиш орқали Руҳи мутлаққа етиш мумкин. Бу дoston гўё Руҳ ва Жисм орасидаги кураш тимсоли. Руҳ майллари,

озодлигининг адабий тасвиридай талқин, Рух изтироби, Аслга қайтиш дардининг яллиғланиб кўринишидир.

Достонда икки қутб — ишқ ва ишқсизлик тасвири бобдан бобга ривожланиб боради, шоир янги-янги образлар, характерлар киритиб, ўз ғояларини ифодалайди. Қайсининг отаси насиҳат қилиб, ўғлини биёбондан уйга қайтишга кўндиради, энг тажрибали табибни олиб келиб, даволамоқчи бўлади. Бу ҳам фойда бермагач, Мажнунни ҳаж муносабати билан Каъба зиёратига олиб боради. Одамлар Каъбани тавоф этиб, ўз дардларига шифо тилайдилар, Парвардигор гуноҳларимизни кечирсин, деб дуо қиладилар. Мажнуннинг отаси ва қариндошлари ҳам Қайс Каъбани тавоф этса, зора дардига шифо бўлса, деб умид қиладилар. Аммо уларнинг «заминий» ўйлари хато эди: Мажнун, аксинча, Лайли ишқини кўнглимда мустаҳкамроқ жо эт, ишқ оловида кучлироқ ёндир, деб Худога илтижо қилади. Иложсиз қолган ота ўғлини қайтариб олиб келади ва у яна саҳрога чиқиб кетади. Каъба зиёрати лавҳаси, тасаввуф аҳлининг ҳар қандай суратлар, тимсолларга сифинишни инкор этишларига ишорадир. Қолаверса, Илоҳнинг ўзига ошиқ бўлган, фақат Уни деб ёнган кишига бу ишлар ортиқча, ёинки маънини англамай, суратпарастлик қилиш билан баробар, деб қаралган.

Мажнуннинг қариндошлари унинг дардига чора тополмай, «унинг ишидан илик ювадилар». Мажнун саҳрода ёрининг хаёли билан маст, оҳулар, қушлар унинг дўсти, ҳамроҳи. Бу орада унга овга чиққан лашкарбоши Навфал учраб қолади. Навфал бир вақтлар ўзи ҳам ишқ дардига учрагани учун Мажнун қалбини тушунади, унга раҳми келади:

Навфал дағи ишқ кўрган эрди,  
Ғам дашти аро югурган эрди.

Навфал ишқ дардидан хабардор бўлса-да, лекин Мажнун даражасида эмас. Маълум бир босқичга кўтарилгандан сўнг ўшандай қолиб кетган. Шунинг учун ҳам у Мажнуннинг дардига малҳам топиш мумкин, деган қарорга келади: Лайлига ўз номидан совчи юборади, иш битмагач Лайлининг отасига қарши уруш очади. Бу жангнинг келиб чиқишига Мажнуннинг ҳеч бир дахли йўқ. У ҳуши ўзида бўлмай юрган пайтда Навфалдан васл муждасини эшитиш асносидаёқ, розилик бериб юборади. Лайлининг отаси урушда енгилганини сезиб, қизини ўлдиришга қасд этади. Шунда Мажнун ёрининг жони хавф остида эканини билиб, Навфалдан урушни тўхтат, деб сўрайди. Бу билан Навоий ибратли бир нарсага ишора қилиб кетган, яъни маҳбубага зўрлик билан эришиб бўлмайди. Шундан кейин Лайли ва Мажнуннинг Зайд орқали бир-бирига

мактуб йўлагани тасвирланган боб келади. Мактуб кўнгилларни боғлайдиган, васлдан хушxabар, умидланишдир. Ошиқ-маъшуқларнинг абадий қовушиш олдидаги синов дамларидир. Бу шундай майин ва нозик пардаларга ўраб берилганки, унда ҳеч қандай ғайритабиийлик ёки севишганлар мурожаатида бирор-бир ком (мақсад) йўқ.

Навфал уруш билан масалани ҳал қилолмагач, ўз қизини Мажнунга беришга рози бўлади (ишққа қарши яна бир «чора»). Бу пайтда Ибн Салом ҳам Лайлини ўз никоҳига олган бўлади. Аммо Лайли ва Мажнуннинг пок ишқи бу тўсиқларни ҳам енгади: Мажнун Навфалнинг қизи билан тунни бедор ўтказса-да, унга яқинлашмайди, Ибн Саломнинг қуянчиқ дарди тутиб, беҳуш йиқилади. Ошиқ ва маъшуқа бир-бирлари ҳолини ғойибдан ҳис этиб, йўлга чиқадилар ва икковлари ишқ даштида учрашадилар:

Чун бир-бирисин танишдилар жазм,  
Рух этти бадан ҳаримиға азм...  
Рухи қудсий нузул қилди,  
Хокий тан аро ҳулул қилди...  
Васл айлади иккиликни боқий,  
Ваҳдат қадаҳини тутти соқий...

Улар бир-бирининг васлига етишган дамларда бутун мавжудот жимликка чўмган, ҳайвонлар, ўсимликлар—барча-барчаси сукут сақлайди, дами ичига тушган. Тасаввуф талқинига келсак, Рухи мутлақ ошиқ ва маъшуқа танига кириб — «хулул» этиб, уларга ҳаловат бағишлагани айтилмоқда. Рухлар ўзаро туташмоқда. Аммо тонг ёришиб, севишганлар эл назаридан кўрқиб, яна ажрашадилар. Чунки ҳали бу Рухи мутлаққа яқинлашувдир. Рухи мутлаққа сингиб, йўқолиб кетиш эмас. Бу эса шоир томонидан жуда ҳам моҳирлик билан чизилганки, буни англаш учун нуктадонлик зарур.

У дунёга кетиш нима? Бу — банданинг ўзига вақтинча инъом этилган неъматдан айриладиган фасл: у тентирайди, югуради, чопади, азобланади, қийналади ва охир-оқибатда ўз Эгаси қошига йўл олади. Шунинг учун ошиқ ўлимни қувонч билан қарши олади, унинг дили мажнунлик шаробига тўлуғдир. Чунки у маъшуқасининг васлига етишаётир. Нега оҳ-воҳ чексин, абадий фароғатга етишаётган экан, қайғурсинми, нимага ачинсин, фоний дунёнинг кўз очиб юмгунча ўтиб кетадиган кайф-сафоси, лаззатлари учун афсуслансинми?

Унинг олдида бу дунёнинг фароғати ҳечдир. Ана шу абадийликка — фанодан бақога севгилиси Лайли кетаётган экан, Мажнуннинг ҳам руҳини бу йўлга чорлаётган экан, гафлат уйқусида ётсинми? Унинг ҳам бу йўлга ҳозирлик кўрмоғи шарт. Лекин Лайлининг руҳи ошиғининг руҳини ҳам ўз манзилида йўлдош этиб,

Буюк Эгасига олиб боради. Лайли бу дунёдан кетиш фурсати яқинлашганини сезиб, онасига васият қолдиради, яъни у Мажнуннинг келишига ишонган, бирга кетишларига халақит қилмасликларини ўтинади. Чунки ошиқ-маъшуқа руҳи аллақачон бир-бирлари билан топишган ва барча тўсқинликлар олиб ташланган:

Туфроғима туфроғини қотғай,  
Руҳини менинг сори узотғай,—

дейди. Севгилиси ҳаёти хазонга юз бурган экан, Мажнун кўнгли буни сезиб, бир илоҳий куч билан Лайли қабиласи томон югуради:

Юз урди қабила сори холи,  
Оғзида тараннуми висоли.

Ҳа, унинг қайғуришига ҳеч бир ҳожат йўқ, балки висол они яқинлашган, севгилиси билан мангу қовушиш имкони етибди, у кулмай, шодланмай, йиғласинми?!

Хуллас, ишқ қиссаси шу тарзда поёнига етказилади. Умр бўйи бир-бирининг васлида, ишқида куйган, бу дунёда бир-бирининг дийдорига тўёлмаганлар Руҳи мутлақ сари равона бўлиб, ердигина — туфроқ остидигина ором топдилар. Навоийнинг фикрича, ҳар бир одам ошиқлик йўлини тутиб, ишқ тариқига кириб, ўзини ўлимга эмас, балки васл майини ичишга тайёрлаши керак. Бу дунёнинг бирдан-бир мазмуни ҳам шу, демоқчи шоир. Руҳи мутлақни тасаввур этишда инсон ақли ва онги ожиз экан, шоир уни Лайли тимсолида яратди. Буни эса шундай усталик билан образга сингдира олганки, дунёвий маъшуқа билан илоҳий маъшуқа орасида фарқ қолмаган.

## ЖОН ВА ЖОНОН МОЖАРОСИ

Алишер Навоийнинг лирик асарлари жамланган «Хазойин ул-маоний» девонида икки мингдан ортиқ ғазал бор. Шарқ адабиётида бирор шоирга бунчалик кўп ғазал ёзиш nasib бўлмаган. Аммо гап фақат сонда эмас. Навоий қалбидан қуйилиб чиққан ғазалларнинг ҳар бири — даҳо ижодкорнинг беназир санъати ва теран тафаккурдан гувоҳлик берадиган бир бадиий дурдона, мўъжизадир. Бу лирик миниатюраларнинг яратилганига беш ярим асрдан ошди, лекин кеча ёзилгандай ҳамон руҳимиз, шууримизни ғалаёнга солиб, дилларга ҳаловат бағишлайди, ўқиган сари яна ўқигингиз, байтлар қатига жойланган сеҳрли ва сирли маъноларни теранроқ, тўлароқ англаб олгингиз келади. Буюк ўзбек шоири салафлари ижодхонасида камолотга кўтарилган кўҳна жанрнинг имкониятларини истифода этиб, бемисл маҳорат кўрсатиш, хазон билмас шеърый гулшанлар яратиш баробарида ўзи мустақил равишда янги усул-услуглар ихтиро қилди, ижодий тажрибалар, жасоратли изланишлар йўлидан бориб, ғазал инкишофини баланд чўққиларга олиб чиқди.

Яхлит маъноли, воқеабанд ғазаллар яратиш улуғ Навоийнинг шундай услубий ихтироларидандир. Мақсуд Шайхзода биринчи бўлиб бунга эътиборимизни қаратган эди. Аввалги шоирларда аҳён-аҳён учраб турадиган бу хусусият Навоий ижодида изчиллик тусини олади, муайян равия, поэтик ифода тарзига айланади. Турфа инсоний хислатлар, воқеа-ҳодисалар тасвирига бағишланган туркум-туркум ғазаллар шундан далолат беради.

Яхлит маъноли ғазал радиф сўзга урғу бериб, шоирона ваҳиятни намоеън этиш, ё бирор-бир ҳодисадан таъсирланиб, ҳис-ҳаяжонни тўкиб солиш, шу воқеа моҳиятини очиш, ёхуд муайян анъанавий тушунча-тамсиллар, образ-ифодалар атрофида сухан-созлик қилиш, лутф кўрсатиш ниятининг мевасидир. Чунончи, улуғ шоир *жон ва жонон* мавзуида бир туркум ажиб дилбар ғазаллар яратганким, шулардан бирини қуйида тўла келтирамиз:

Ҳар лабинг ўлганни тиргузмакда жоно, жон эрур,  
Бу жиҳатдин бир-бириси бирла жоножон эрур.

Жоним андоқ тўлди жонондинки, бўлмас фаҳмким,  
Жон эрур, жонон эмас, ё жон эмас, жонон эрур.  
Бўлса жонон бордурур жон ҳам, чу жонон қилди азм  
Жон кетиб жонон била, жондин менга ҳижрон эрур.  
Жон менга жонон учундур, йўқ жонон жон учун,  
Умр жононсиз қотиқ, жонсиз вале осон эрур.  
Борса жон жонон йитар, гар борса жонон жон кетар,  
Кимсага жонону жонсиз умр не имкон эрур.  
Хушдурур жону жаҳон жонон била, жонон агар  
Бўлмаса, жон ўйлаким ўлмас — жаҳон зиндон эрур.  
Жоним ол, эй, ҳажру жононсиз манга ранж айлама,  
Чунки жононсиз Навоий жонидин ранжон эрур.

«Жон» сўзи ўн тўққиз, «жонон» сўзи ўн олти марта такрорланиб келган. Бироқ бу қайтариқлар бизга нохуш туюлмади, аксинча, кучли завқ уйғотади, шоирнинг заковати, топқирлигига қойил қоламиз. Қаршимизда ўзига хос бутун бир ғазал-тажнис, яъни бир ўзакли, талаффузи, шакли ўхшаш, аммо маънолари хилма-хил сўзлар воситасида барпо бўлган ҳайратомуз санъат намунаси. Аёнки, тажнис классик шеърятимизда кенг тарқалган усул, лекин етти байтли ғазалда икки жинсдош сўзнинг бошдан охир ҳар гал янги маънода, янги жило, янги товланиш билан бундай занжирланиб келиши фавқуллодда ҳодиса. Гўё уста заргар бир бўлак жавоҳирдан турфа тароватли марварид доналарини суфталаб, ипак ипга тизиб чиққандай. Ва лекин шу нарса ҳам эсда турсинким, улуғ шоир сўз соҳибқирони эканини кўз-кўз қилиш учунгина бу санъатга қўл урган эмас. Бу санъат замирида Навоий қалбида ҳамиша яшнаб, кўкариб турган эзгу-ардоқли фикрлар: *ишқ*, *вафо*, *садоқат* ҳақидаги мунаввар, муборак ғоялар порлаб диққатимизни тортади. Сўз — тафаккур хизматида санъат — фикр ва ғоянинг кўрки, тарғиботчиси.

Бутун ғазал бўйлаб сўз додини бериб тажнисни узлуксиз давом эттириш бир санъат бўлса, буни муҳим ижтимоий-ахлоқий ғоя билан боғлаб ривожлантириш орқали гўзал бир тасвири вужудга келтириш яна бир санъат — юксак шоирлик маҳоратининг, уйғоқ, уйғун тахайюл, табиатдай қудратли ва сахий истеъдоднинг нашъу намоси, сеҳркорлиги. Шоирнинг усталигини қарангки, байтлар бир-бири ила мантиқан пайвандланиб, етакчи, сарбон ғояни теранлаштира бориш асносида лирик қаҳрамоннинг туйғулари ҳам байтдан байтга кучайиб, унинг юрагидаги дарди, эҳтирос-ҳаяжонлари жўшиб бораверади, *жон ва жонон* можароси зўраяди, висол шодлиги-ю ҳижрон азоблари, ошиқ изтироби ва ёр истиғноси орасидаги драматик зиддият таранглашади. Ғазални шарҳлаганимизда бу хусусият янада равшанроқ кўзга ташлана боради. Аммо бу ишни бошлашдан олдин ҳамма гапларимиз келиб тақаладиган «жон» ва «жонон» сўзларига изоҳ бермоқчимиз.

**Жонон** сўзининг **жондан** келиб чиққани аниқ. Лекин қандай қилиб? Балки бу «жон каби», «жонга ўхшаш» (жондан ширин) деган маъноларни англатар? Яъни: жонмонанд — жонмон — жонон тарзида бирикманинг ихчамлашиб бориши оқибатида содир бўлгандир. Форс тилида сўзни мана шундай ихчамлаб, талаффузни енгиллаштириш ҳодисаси бор. Аммо Судий Баснавийнинг фикрича, **жонон жон** сўзининг кўплигидир. Маҳбубни улуғлаш, унга чексиз ҳурмат-эҳтиром билдириш мақсадида шундай қилинган бўлса ажаб эмас, чунки бу яхши одатимиз ҳозир ҳам амал қилиб келмоқда. Бундан ташқари, **жонон** — **жон**ларнинг жони (жони жонҳо, жони жонон), туганмас, ўлмас жон маъносида ишлатилиб, бора-бора тилда мустақкамланиб қолган бўлиши ҳам мумкин. Ҳар ҳолда, барча маъноларда ҳам **жонон** (муаннас шакли **жонона**) инсон учун энг қимматли, энг азиз ҳисобланган жон билан баробар қўйилгани, ҳаттоки, ундан ортиқроқ билиб, эъзозланаётгани аён бўлмоқда. **Жонон**, маҳбуб, маъшук, дилбар, дилором, санам — буларнинг барчаси Ёрнинг сифат — синонимлари. Улардан ҳар бири шеърятда ўз мавриди, ўз мақом — нисбатида қўлланиб келинган. Чунончи, **жонон** сўзи тилга олинганда, албатта, жон сўзи ҳам қўшиб зикр этилган. Воқеан, бир-бирига вобаста бу тушунчаларни яна ҳам тўлиқроқ тасаввур этмоқчи бўлсак, жон сўзининг келиб чиқиш моҳиятини ҳам билишимиз даркор. Зеро, қадимги аждодларимиз буни ҳозир биз тушунгандай тушунмаганлар. Ҳозир биз жонни танадан ажратиб тасаввур қилолмаймиз. Жон, яъни тириклик материянинг олий даражада уюшган шакли бўлмиш биологик ҳаётнинг (демак, инсон вужудининг ҳам) хусусияти деб қараймиз. Қадимгилар эса, жон бошқа, тана-жисм бошқа, деб тушунганлар. Боз устига, уларнинг тасаввурича, **жон**, **руҳ** — олий неъмат, бирламчи борлиқ бўлиб, жисм қуйи ҳаюло — тўрт унсурдан таркиб топган бир қолип. Агар жон бўлмаса, вужуд ўзича яшай олмайди, дунё тимсоли бўлган бу «вайрона»ни жон обод қилиши мумкин. «Ошиқ дили дўстга мунтазир ва беқарор талпинганидай, жисм руҳга муштоқ ва муҳтождир», — дейди «Кашф ул-маҳжуб» китобининг муаллифи Хужвирий. Алишер Навоий асарларида учрайдиган «жисми вайроним», «тан уйи», «вужуд хокистари» сингари ибораларни шу маънода англашимиз керак. Унингча, жонсиз жисм — қаро тупроқ: «Жисмдан жонсиз на ҳосил эй мусулмонларки, ул бир қаро туфроқдурурким, гулу райҳони йўқ». Жоннинг шоирлар кўп қўллайдиган иккинчи рамзий номи «равон» (юриб турувчи) эканини эътиборга олсак, жон жисмга қарама-қарши ўлароқ доимо ҳаракатдаги нарса, яъни ҳаёт рамзи деб қаралгани маълум бўлади. Шунинг учун у жисм билан курашади, ўз асли — мутлақ Руҳга бориб қўшилишга интилади, дея талқин қилинган. «Жоним оғзимга келди», «жон риштаси», «жони кирди»



қабилдаги халқ иборалари ҳам шу тасаввурлар таъсирида туғилган. Мазкур тасаввурлар, шу билан бирга, абадий ҳаёт ҳақидаги, Масих (Исо), Хизр тўғрисидаги армонли ривоятларнинг яратилишига ҳам сабаб бўлган. Гўё Масих ўз нафаси билан ўлган одамни тирилтирар, Хизр бўлса оби ҳаёт — тириклик сувини топиб ичгани учун мангу яшаб, одамларни эзгулик манбаига етаклар эмиш...

Алишер Навоий тасвирлаган ошиқнинг севган ёри худди шундай нафасли киши, унинг лаблари ўликка ҳам жон бағишлай олади, бу лаблардан ўлган ошиқ абадий ҳаёт топади. Фақат бу эмас. Жонон лабларининг ҳар бири алоҳида-алоҳида сеҳр кўрсатиш қудратига эга ва соҳирлик ишида улар гоят иноқ-иттифоқдирлар.

Қисқаси, ғазалнинг ушбу ривоятга асосланган биринчи байтининг мазмуни бундай: «Жонгинам, лабларингнинг ҳар бири ўлган одамни тирилтиришда жон ўрнидадир, улар иккови бу ишда жуда иноқдирлар». Байтдаги «жонон» сўзининг иноқ, иттифоқдан ташқари, яна бир — жонга жон, жон бериб жон олиш деган қадимий маъноси ҳам бор. Масалан, урушда фидойилик кўрсатган кишиларга нисбатан шундай дейилган. Навоий ғазалга бу маънони ҳам сингдира олган: жононнинг икки лаби ошиққа жон бағишлашда бир-бири билан тортишиб, баҳслашади — бири жон олса, иккинчиси жон ато этади. Ҳа, бу Ёр дийдорига муштоқ, кўнгли муҳаббат бодасила лиммо-лим одам учун табиий ҳолдир. Ошиқ жонон ёдида шунчалик азият чекадики, ўзининг бор-йўқлигини унутиб қўяди, бироқ жонон ҳузур, висол уни қайта ўзига келтиради. Висол лаҳзасидаги бу руҳий ҳолат, қониқиш, Ёр лабларидан олинган бўсаннинг лаззати жонга беқиёс ҳузур бағишлайди. Жон Жонон — Аллоҳ билан қовушиб, йўқ-йўқ, бирлашиб кетади. Улар орасида ҳеч қандай фарқ қолмайди: жон — жононга, жонон эса — жонга айланади. Яъни: «Жоним жонондан шу даражада тўйиб қониқдики, улар шундай бирлашиб кетдиларки, қайсиси жон, қайси бири жонон эканини билмай қолдим — жон бўлса, жонон қани, жонон бўлса жон қани?» — Биринчи байтнинг бевосита давоми бўлмиш иккинчи байтнинг мазмуни шундан иборат.

Муҳаббат қиёмида ошиқнинг «буду нобуду тенг бўлиб» қолиши, жонон жилвасида эриб кетиши Навоий ижодида кўп маротаба учрайдиган хуш тасвирлардан. Чунончи, шоир бошқа бир ғазалида бундай дейди: «Ёр буди (Аллоҳ вужуди) ичра нобуд ўлғайменким, ўртада ўзгалиқдан, демаким, ўзликдан осор қолмагай? Ишқ тариқати шуки, агар бу йўлга кирган одам ҳақиқий ошиқ бўлса, у ўзини маъшуқанинг бир бўлагига айлантириши, орада «у» — «мен» деган фарқланишга ўрин қолдирмаслиги керак. Ахир, висол чоғида юз берадиган муҳаббат қиёми «ўзни унутиш ва маҳбубдан айри тасаввур қилмасликдир» (*Хужвирий*. Кашф ул-маҳжуб, 19-бет). Бу ошиқи беқарор орзиқиб кутган дам, унинг учун олий мукофот.

Чунки ошиқнинг кўнгли ва жони тинимсиз равишда жононга қараб интилади, жононсиз яшашни дўзах азоби деб билади. Зотан, жононсиз жоннинг унга кераги йўқ. Жононсиз жон танни ҳам қийноқ ва уқубатлар гирдобига солади.

Жоннинг доимий суратда жононга талпиниши, висолга ташналигини инсоннинг ўз Идеалига, бутун файзу фазилати, пок ахлоқи, ички маънавий дунёсининг кўркам, нурафшонлиги билан жозибали бўлган Дўст сари интилиши, деб билмоқ керак. Дўст—кишининг севган ёри ҳам, эътиқод-имон тимсоли, мукамал инсон ҳам, одамзод ҳеч қачон тўймайдиган ҳаёт ҳам, эзгулик, адолат ва ҳақиқат ёки Худо ҳамдир. Яхши инсонни севиш — ҳаётни севиш, ҳаётни севиш — ҳақиқатни, Ҳақни севиш демак. Буюк Навоий ҳаёлотида етилган Жонон образида бу тушунчаларнинг бари мужассам. Шу маънода жононга бўлган муҳаббат реал турмуш, муҳитдан қониқмаган, зулм ва зўрлик пажмурда этган, дунёнинг нотекис ва нотўқислигидан озурда кўнгилинг қидирган оромгоҳи, сиғинадиган ва суянадиган ягона паноҳхонаси бўлганини унутмайди. «Ҳазойин ул-маоний» дебوحасида шоир ўз ғазалларининг ёзилишига сабаб бўлган ҳаётини турткиларни бундай қайд этади: «Олдимга онча душворликлар юзланди ва теграмда онча саъб гирифторликлар айланди ва бошимга сипеҳр онча бало тошини отди ва ишқ сипоҳининг лагадқуби (тепкилари) заиф пайкарим била сўнгақларимни онча оёқ остида ушотдиким, не ўзимдан хабарим, не ўзлугим била ўзимдин асар қолди». Бу аҳволимни шарҳ этсам тушунадиган бир мушфиқ инсон тополмадим, шу боис дардларимни шеър қилиб ёздим, дейди Навоий.

Ёрга бўлган ишқнинг шиддат ва шарофатини шу тахлит камоли эътиқод билан таърифлаб келиб, улуғ шоир учинчи байтда фикрларини янада равшанроқ баён этади: «Агар жононинг бўлса — жонинг ҳам бор, агар жонон кетишга чорланса, билгилки, жон ҳам жонон билан бирга кетади. Демак, жондан ажраласан ва ҳижрон азобида қоласан». Жон билан жононнинг ажралмаслиги ҳақидаги бу ғоя кейинги байтларда янгича қиёсланиш ёрдамида давом этади. Масалан, тўртинчи байтнинг мазмуни бундай: «Жон менга жонон учун керак, аксинча, жонон жон учун эмас. Чунки жононсиз яшаш беҳад оғир, аммо жонсиз умр кўриш осон».

Жигарсўхта, шайдойи ошиқ кўнгил муножотини мана шу маромда ўртаниб-ўртаниб изҳор этган. Висолдан сархуш, бироқ ёрдан жудо бўлиш муқаррарлигини олдиндан сезгандай жони талвасада. Ҳижрон азобларига қайта гирифтор бўлмаслик учун жондан кечишга ҳам рози. Тўртинчи байтдаги «жонсиз умр осон зрур» жумласи бизга ғалатироқ туюлиши мумкин. Дарҳақиқат, қандай қилиб одам жонсиз яшай олади? Чамаси, бу ўринда шоир жон ва жонон баҳсининг мажозий-ботиний маъносини чуқур-

лаштира бориб, инсон учун маънавий ҳаётнинг афзаллигини таъкидламоқчи бўлган. Унинг назарида ҳақиқий ҳаёт маънавий ҳаётдир, зероким жонон, кўриб ўтганимиздай, ана шу маънавий фазилатларнинг йиғма тимсоли. Навоий сўз ўйини — тажнисдан мантиқ силсиласига ўтади: модомики жон билан жонон бир экан, бири иккинчисисиз тасаввур этилмас экан, жонони йўқ (ишқсиз) одамлар жонсиз кишилардир. Улар тирик юрадилар-у лекин руҳан, қалбан ўлганлар. Шунинг учун умрлари осон кечади. Аммо энг қизиги шундаки, шоир ўзининг бу фикридан қайтади — ахир ишқ барча махлуқотда бўлиши шарт, ишқсиз, жононсиз, умуман ҳаёт йўқ. Бу хулоса бешинчи байтда ўз ифодасини топган: «Жон кетса, жонон йўқолади, агар жонон кетса, жон кетади». Шундай бўлгач, жононсиз ва жонсиз қандай яшаш мумкин?

Бу фикр олтинчи байтга келиб мазмунан яна кенгайтирилади, жонон фақат ошиқнинг жони билан баробар нарса бўлиб қолмай, балки «жону жаҳон»га тенг, бутун мавжудотни ўз ичига оладиган тушунчага айланади. Энди ошиқ ўз жони, ўз шахсияти ҳақида қайғуриш билан чегараланмайди. Унинг учун дунёнинг барча ширинлиги, лаззати, ҳатто азоб, хўрсинишлари ҳам Жонон билан хуш, Жонон билан маъноли ва зебо: «Жону жаҳон жонон билан хушдир, агар жонон бўлмаса, жон бўлмайди деганинг кам, бу кенг жаҳон зиндонга айланади». Навоий такрорий бўлса-да, ҳижрон оғирлигини бот-бот таъкидлаб, охири еттинчи байтда илтижо ва тавалло оҳангини кучайтиради ва ғазални шу пафос билан якунлайди. Зору нотавон ошиқ жондан кечиб звазига бўлса ҳам жонон васлидан маҳрум этмасликларини ёлвориб сўрайди: «Эй, ҳижрон, майли жонимни олгин, аммо жононсиз яшаш азобини мента раво кўрма. Чунки жононсиз Навоий жонидан безордир».

Маълум бўладики, таҳлил этганимиз ғазалда ошиқнинг икки ҳолати—висол лаҳзасидаги ҳаловат, жоннинг яйраши ва Ёрдан ажралганда юз берадиган руҳий қийноқлар қиёсланиб тасвир этилган. Бошқача айтганда, жон ва жонон баҳси васл ва ҳижрон қиёси негизига қурилган. Висолга мушарраф бўлган ошиқ бу бахтнинг абадий барқарорлигини истаб, агар жонон ташлаб кетса нималар бўлиши мумкинлигини зорланиб гапирди. Бу — Алишер Навоийнинг айни шу ғазалда қўллаган бадиий усули. Жон ва жонон можаросига бағишланган бошқа ғазалларида шоир яна ўзгача санъат, ўзгача усулларни синаб кўрган. Масалан, «Қасди жоним қилди хажр, эй қотили хунхор, кел» сатри билан бошланган ғазалда жонондан ажралган, фироқдаги ошиқнинг изтироблари тасвирланади.

У Ёрига ғойибона мурожаат қилиб: «Жон нақдини овучда ушлаб турибман, агар келсанг, йўлингга сочаман», — дейди. Руҳ ҳам, жон ҳам жонон йўлига мунтазир, ошиқнинг нияти бўлса жонини

жононга топшириш: «Жон етибдур оғзима, дерман лабингга топширай, лутф этиб қилгил мени жон бирла миннатдор, кел». Ажойиб, шоирона тасвир, мўъжизакор таъбнинг тенгсиз неъмат! Ҳаётбахш нафасли маҳбуб висолига муштоқ ошиқнинг интизорликдан жони оғзига келган. Шу бетоқат жонимни келиб олгин, мени азобдан қутқар, сендан миннатдор бўламан, дейди у. Аммо бу айни ҳолатда ошиқ учун янгидан жон топиш ҳам. Чунки Навоий васф этган маҳбуб лаби жон бағишлаш қудратига эга-да!

«Севингил, эй кўнгил, охирки, жисминг ичра жон келди», — деб бошланадиган ғазал эса бунинг акси ўлароқ жонон келгандан кейинги шодлик, руҳий кўтаринкилик кайфиятини тараннум этади. Ёр бемор бўлиб ётганда ошиқнинг жони ачишиб, бадтар қийналади. Ёки ёрдан келган мактуб, ёрга юборилган нома, ёхуд ёр муждасини келтирган хабарчи кабутарлар тасвири ҳам Навоийда ошиқ қалби ҳаяжонлари билан қўшилиб кетади. Жонондан келган жон исини (ҳам хабар, ҳам хушбўй маъносида) келтирса, жавоб номасини ёзганда ошиқ уни жон риштаси билан чирмаб, ҳар бир сўзи, ҳарфи ёрдамида гўё қийналган жони нишонларини жўнатади. Бу каби ғазалларда муайян образнинг чизгилари намоён, тасвир характерли деталлар асосида давом этган ва шу ҳаётий ашё — сурат таъсирида лирик туйғулар қулф уриб, қайнаб чиқади. Хуллас, Навоийнинг воқеабанд, яхлит маъноли асарлари унинг лирик меросидаги ўзига хос поэтик ҳодиса, туркумлар ичидаги ҳар бир ғазалнинг махсус усулда битилгани эса бутунлик, гармонияга интилган нуқтадор шоирона тафаккурнинг рангин оламида алоҳида-алоҳида кўринишлардир. Шу сабабли улуғ шоир ижодининг тадқиқотчилари учунгина эмас, балки унинг асарларини ўқиб, баҳра олишни ният қилган китобхонлар учун ҳам бу хусусиятларни билиш зарур.

## «АХТАРИН ИШҚ ЭТТИЮ СОВУҒ НАФАСНИ ОҲ СУБҲ»

Тўққиз байтли бу ғазал рамали мусаммани маҳзуф баҳрида ёзилган (фоилотун, фоилотун, фоилотун, фоилун). Мазмунига кўра ошиқона, яъни ошиқнинг ҳижрондаги изтиробларини, кечинмаҳисларини ифодалайди. Шу жиҳатдан уни шарҳи ҳол усулида ёзилган ғазаллар сирасига киритиш мумкин. Аммо зоҳирий маънолари билан ошиқона бўлиб кўринган ушбу ғазалда орифона (тасаввуфий) маънолар ҳам ифода этилади. Умуман Алишер Навоийнинг аксар ғазалларида зоҳирий ва ботиний маъно, «дунёвий» ишқ билан «илоҳий ишқ», бошқача айтганда, «мажозий» маънолар билан «ҳақиқий» маъно бирга қўшилиб, бири иккинчисини тақозо этиб келади. Икки маънолилик, икки планли тасвир мазкур ғазалга ҳам хос, шунинг учун унинг шарҳи ҳам ана шу икки жиҳатни очиб беришга хизмат қилиши керак. Ғазалда бошдан охиригача иккита образ — *тонг ва тун* (ёки *шом*) тимсоли қарама-қарши қўйилиб, қиёслаб борилади, ташбеҳ ва истиоралар шу икки тимсол — образ атрофига уюштирилган. Ошиқнинг ҳижрони, айрилиқдаги ҳолати — тун, висол дамлари — тонг, ёруғлик. Ошиқ инсон ҳижрон, айрилиқ тунидан қутулишга ва ёр дийдорига мушарраф бўлиб, фараҳ топишга талпинади, ҳижрондаги азобларидан зорланади, охирида эса тонг отиб, васл умиди шуъласи кўринади. Демак, ғазал ягона мавзуга бағишланган, тасвир мантиқи байтлар аро вобаста бўлиб, бир силсилани ташкил этади. Энди байтлар шарҳига ўтамыз.

Ахтарин ишқ эттию совуғ нафасни оҳ субҳ,  
Бўлди гўё шоми ҳажрим ҳолидин огоҳ субҳ.

Авалло нотаниш сўзларга изоҳ берамиз: *ахтар* — юлдуз, *ашк* — кўз ёши, *субҳ* — тонг. Матлада ҳазрат Навоий ажойиб шоирона тасвир яратган: тонг (*субҳ*) жонлантирилиб, унга одам хусусияти берилган. Тонг ғира-ширасида юлдузлар кўз ёшидай омонат милтиллайди, тонгнинг салқин шамоли эса дардманд ошиқнинг оҳидай совуқ. Яъни тонг ошиқ аҳволига ачинади, ғамгин бўлади ва кўз ёши тўкиб, совуқ оҳ тортади. Лирик қаҳрамон ўз ҳолати

билан отаётган тонгни қиёслаб, тонг менинг айрилиқ шомидаги азобларимдан хабардор бўлган, шу сабабли юлдузларни кўз ёшидай тўкди, салқин шабада уфуриб, оҳ чекди, дейди. Эрталабки салқин шабада дард зўридан оху нола қилган одамнинг нафасига ўхшатишган, совуқ оҳ эса бу ўринда афсус ва ачиниш, ожизлик нишоннаси. Байтнинг насрий мазмуни: «Тонг гўё менинг ҳижрон тунидаги аҳволимдан хабар топгандай, юлдузларни кўз ёши қилиб, совуқ шамоли билан оҳ уриб етиб келди». Бу — байтнинг «дунёвий», ошиқона шарҳи. Байтнинг ботиний, орифона маъносини англамоқ учун эса баъзи сўзларнинг мажозий, тамсилий маъносини тушуниб олишимиз керак. Чунончи, тонг (субҳ) — «вахдат нурининг таралиши» («Шарҳи Гулшани роз», 583-бет), илоҳиёт тажаллиси; у олами ғайбдан нузул этиб, таайюнот (аён нарсалар, дунё ғоялари) зулмотини ошиқ кўнгли саҳифаларидан сидириб ташлайди. Оҳ — ишқ гулғуласининг тил билан ифодалаб бўлмайдиган авж лаҳзаси. Шом — ваҳдатга қарама-қарши касрат (кўплик) мартабалари, таайюнот пардаси. Нафас — кўнгилнинг маънавият гулзоридан эсган лутфидан тозаланиши» (*Саййид Жаъфар Сажжодий*. Мусталаҳоти урафо, 405-бет), ғайб латофатига, маҳбуб талабига интилиш. Нафас, шунингдек, вақтни, лаҳзалик ҳолни, оний ўзгариш ва ёришишларни ҳам билдиради. Ҳижрон — Ҳақдан, Илоҳдан бошқага юз ўтириш, кўнгилнинг вақтинча ўзга фикр — ташвишлар билан банд бўлиши, парда орқасида қолиши.

Ана шу маъноларига кўра, матланинг орифона мазмуни бундай бўлади: «Менинг дунё ишлари — касрат билан машғуллимни, Ҳақдан бошқа нарсаларга эътибор қилиб, ундан узоқда қийналганимни кўриб, илоҳий ваҳдат нури дилим саҳифасини тозалаш, ўз ҳолимга қайтариш учун етиб келди». Воқеан, орзудаги неъмат — гўзалликка мунтазир одамнинг қалби тонгда ёришиб, фараҳ, топиши табиий. Кўнгил мусаффо бўлади, яйраб нафас оласан киши. Тонг орифона шеъриятда кўп қўлланилади. У — илоҳий файзият тимсоли, нуроний одам даракчиси. Илоҳий ёр дийдорига толиб одам бу нурга етишиш учун кўпдан-кўп руҳий қийноқлар, ҳижрон азобларини бошидан ўтказиши керак. Шарҳланаётган ғазалда солиқ (йўловчи)нинг ана шу аҳволи руҳияси тасвирланади, ташвишли талпинишлари кўрсатилади.

Иккинчи байт:

Ғам туни муҳлик ғамим англаб яқо чок айлади,  
Тонг елидин ҳар нафас ҳолимга тортиб оҳ субҳ.

Мазкур байтда матлаъда ифода этилган мазмун давом эттирилган. Тонг матладагидай бечора ошиқ ҳолига ачиниб, кўз ёши тўкиш, оҳ уриш баробарида, ғам тунидаги ҳалокатли (муҳлик — ҳалокатли демак) аҳволни кўриб, «ёқасини йиртади». «Ёқа йир-

тиш» — тонгнинг отишини англатувчи истиорадир, чунки ёқа йиртилганда одамнинг кўкраги кўринганидай, тун пардаси йиртилганда тонг намоён бўлади, яъни илоҳиёт жамоли кўрина бошлайди. Навойнинг Самарқандда галодан сотиб олган байтининг биринчи мисраси: «Кўкрагимдур субҳнинг пироханидан чокроқ», яъни: «Кўкрагим тонгнинг кўйлагидан чокроқ». Бу ерда субҳнинг пирохани — тонг пардаси, ҳарир бир нимқоронғилик хаёл саҳфасида яралган, ҳам тонгнинг отиши ёқанинг йиртилиши эмас, балки кўкракнинг чок-чок бўлишига ташбеҳ қилинган. Аммо ҳар икки байт тасвирининг чиройида муштарак жозоба бор. Иккинчи байтдаги «тонг ели», «оҳ», «нафас» сўзлари такрор бўлсада, аммо ҳолатни конкретлаштириш, таъкидлашга хизмат қилган. Тун — асл маъносидан ташқари, олами имкон — борлиқ, ғайб сиру асрорини, мазкур байтда жабарут олами (Илоҳ ва фаришталар орасидаги олам)ни ҳам англатади. Бироқ биринчи маъно ҳам назарда тутилган. Шунингдек, тонг елини илоҳий неъмат файзи, илоҳиёт ёди маъноларида ҳам тушунсак, байтнинг орифона мазмуни бундай бўлади: «Ғайб асрорини англашдаги ҳалокатли интилишларим, кўрқинчли аҳволимни кўриб, тонг ёқасини чок этди, яъни отди. Иштиёқу изтиробим эвазига илоҳий нурдан нишона кўрдим».

Учинчи байт:

Тийра ҳижрондин чу йўқгур фарқ субҳу шомима,  
Хоҳ, шом ўлеун қоронғу рўзгорим, хоҳ субҳ.

Бу байтда яна бир фавқулодда тоза истиора қўлланилган: тийра ҳижрон. Қоп-қора айрилиқ — бу ошиқнинг қил сизмаган қалби, мотамзада ҳолати. Ҳижрон тунга, ҳажр шомга иборалари ёнида мазкур истиора тасвирнинг латифлигини оширади, рангни қуюқлаштиради, лирик қаҳрамон кечинмаларининг шиддатини бўрттириб кўрсатишга хизмат этади. Қолган сўз ва иборалар тушунарли, шу учун байтнинг зоҳирий мазмунини бундай шарҳлаш мумкин: «Айрилиқ ғамидан ҳаётим, руҳиятим шундай қоронғики, тонг билан шомим, кеча ва кундузим орасида фарқ йўқ. Хоҳ тонг бўлсин, хоҳ шом — сезмасман, бари қоп-қора тунга айланган». Байтнинг ботиний, маърифий маъноси: «Илоҳий ёр ёдини фаромуш этиб, нафсоний дунёга берилиб қолганим учун тонг билан шомнинг фарқи билинмай қолди, шом бўлса ҳам, тонг отса ҳам кўнглимга ҳеч нарса сизмайди, чунки «қоронғу рўзгор» — дунё ташвишидан қутулиш ғоят мушкул, у мани ўз домида занжирбанд этган». Солик ўз иродасини батамом пир қўлига топшириб, тариқат мақомидан зина-ба зина кўтарилса, нафс кутқуси ва дунё истакларидан бутунлай қутулсагина кўнглини узил-кесил тажаллиёт зиёсига рўбарў эта олади, «тийра ҳижрон»дан қутулади.

Тўртинчи байт:

Дуди оҳимдин қароргай, ҳажр шомидин батар,  
Бўлса ҳижрон қатъида бир кун манга ҳамроҳ субҳ.

«Дуди оҳ» ҳам ёр ишқида ёнаётган безовта, бетоқат ошиқ аҳволининг ночорлигини англатувчи муболағали истиоралардан: ошиқ ёр ишқида шундай ўртаниб ёнаптики, гўё унинг ичидан олов гуриллаб чиқаяпти, бу олов унинг оҳу ноласидирким, тутунидан олам қоронғилашади, ҳатто зиё таратадиган тонг юзи ҳам бу тутундан қора тусга киради. Бу эса ҳажр шомидан ҳам бадтар. Шоир сўзу гудоз, ёниш-ўртанишнинг, ишқ тортишлари, қийноқлари, рухий-маънавий талпиниш ва курашларни шундай дардли сатрларда таъриф этади. Хуллас: «Агар тонг ҳижрон пайтида (авжида) мен билан бир кун бирга бўлса, оҳим тутуни-ю ҳажрим шиддатидан ўзи ҳам қора рангга бўялади». Дунё ишлари, моддий олам талабларига қараб юраверсанг — тонгни ҳам сезмайсан, илоҳий нур ҳам қоронғуликни ёриб ўтолмайди.

Бешинчи байт:

Тийра шомим дафъи қилди меҳр зоҳир айлабон,  
Яхши борди меҳрибонлиғларда шайъуллоҳ субҳ.

«Меҳр» билан «меҳрибонлик» сўзлари ўзаро тажнис — сўз ўйинини ташкил этган: меҳрнинг бир маъноси қуёш, яна бир маъноси эса муҳаббат, меҳр. «Шайъуллоҳ» — Аллоҳнинг каромати, неъмати демак. Байтнинг мазмуни: «Худонинг неъмати бўлган тонг меҳрибонлик кўрсатиб, яхши натижа олиб келди, қоронғи шомимни дафъ этиб, қуёшни бошлаб келди». Ва яна: «Ваҳдат нури зиёси — тонг баракотидан касрат — дунё шуғли кўнглимдан кетди, кўнглим тозаланди, илоҳий нур чашмаси — қуёшга етишиш имкони топилди».

Олтинчи байт:

Хуштурур жоми сабуҳ, эй шайх, сен ҳам ичкасен,  
Тутса май соқий бўлуб бир меҳр юзлик моҳ субҳ.

Бу байтдаги «меҳр» сўзи бошқа маънода, яъни маъшуқа сифати бўлиб келган. Шоир умумлашма тасвирлардан бир қадар аниқликка — конкретроқ тасвирга кўчади, юзи қуёшдай порлаган соҳибжамол соқий ҳақида ёзади. Лекин бу билан Навоий ғазалнинг орифона, ботиний маъноларини давом эттиришдан воз кечди, дея олмаймиз. Ахсинча, анъанавий тамсиллар — соқий, жом, май сўзлари шоир айнан илоҳий муҳаббат ҳақида гапираётганини билдириб туради. Бу байтда яна бир анъанавий образ бор — бу *шайх* образи. Шайхни шоир бу ўринда тақводор шахс, зоҳид



маъносида қўллаган, аслида эса шайх комил инсон, пири муршид маъносида ҳам келади. Машҳур сўфийларнинг кўпи шайх деб эътироф этилган. Навоий ўзларини билимдон ҳисоблаб, орифларнинг ботиний оламидан беҳабар, завқу шавқдан маҳрум дунёпараст шайхларни назарда тутган. Шундай қилиб, байтнинг маъноси: «Эй тақводор шайх, тонг пайти комил инсон маънавиятдан сўз бошласа ёки Қуръон тиловат қилса, илоҳий кашф зуҳуроти, мушоҳада сархушлигида муҳаббатга лиммо-лим юрагидан роз айтса, сен ҳам қулоқ сол ва сархуш бўл, чунки тонгги суҳбатнинг сурури ўзгача, лаззати бениҳоя ва ёқимли».

Нега бундай маъно келиб чиқди? Чунки тасаввуф талқинида *жам* — «илоҳий тажаллиёт мавжи ва бепоён нурнинг порлаши» («Миръот ул-ушшоқ»), *соқий* — «файз манбаиким, вужуд зарротини борлиқнинг бодасидан сархуш қилгандир» («Миръот ул-ушшоқ»), *май* — «ғалаботи ишқ» (*Сажжодий*, 400), «илоҳий тажаллиёт...» («Миръот ул-ушшоқ»). Яъни: меҳриюзлик соқий — ориф инсон илоҳиёт тажаллисининг файзидан тонгда бода тутса, эй шайх, сен ҳам ичишинг муқаррар.

Еттинчи байт:

Ғам туни кўҳи балосидин магар бўлмиш халос,  
Ким менингдек кўргузур рухсораи чун қоҳ субҳ.

*Кўҳи бало* — бало тоғи, *рухсора* — юз, *қоҳ* — сомон. Ошиқ изтироб чекишдан, бало тоғининг юкини тортишдан ранглари сомондай сарғайган. Бу аҳвол тонгнинг бўзариб оқариши орқасидан қуёш нурларининг олтин (сарик) рангда кўрина бошлаши билан қиёсланган. Афтилан, тонг ҳам мен каби айрилиқ ғамининг балосидан халос бўлибди, чунки сомондай сарғайган юзини кўрсатмоқда, дейди ошиқ. Тоғ балосидан халос бўлиш қуёшнинг тоғ ортидан чиқиб келишига ишора ҳамда қуёш тунда уфқ ортида, тоғлар қўйнида банди бўлади, эрталаб яна қутулиб йўлга чиқади, деган қадимий тасаввурга вобаста тасвир бу. Навоий субҳ (тонг)ни бир шахс сифатида жонлантириб, уни лирик қаҳрамон ҳолати билан қиёслашни давом эттирган.

«Бало» — Илоҳнинг имтиҳонлари, солиқ йўлида учрайдиган қийинчиликлар, «бало тоғи» шунга мувофиқ — тариқат йўлида учрайдиган имтиҳонларнинг энг оғири демек. Мазкур байтда кўҳ ва қоҳ (тоғ ва сомон) сўзларини зид қўйиш (тазод санъати) ҳам бор. Ошиқ ўзининг дарддан юзи сарғайганини айтиш билан бирга илоҳий қудрат, зоти азалий ва унинг имтиҳон — балоларининг беҳадлиги олдида зарра мисол кичик ва ҳақир эканини ҳам таъкидлайди. Шу тариқа, солиқнинг мақомот сари интилишларидаги иккиланишлар, мушкулотлар, имтиҳонлар қийинчилиги

ва уларни енгиб ўтиш учун иродани чиниқтириш иштиёқи акс этади бу байтда.

Саккизинчи байт:

Субҳидам бедору гирён бўл, агар файз истасанг,  
Ким сенинг уйқунгга хандон ўлмасун ногоҳ субҳ.

Фазалнинг орифона мазмуни бу байтда яна ҳам очикроқ ифодаланган, субҳ илоҳий файз тимсоли эканини шоир уз тили билан баён этган. Бундай файзга тунлари бедор ўтириб, тоат-ибодат билан шуғулланган, Илоҳ ишқида куйган, ўртанган дардли одамларгина эришадилар. Навоий даврида илоҳталаб дарвешлар, ориф солиҳлар дунё роҳатидан воз кечиб, маънавият сиррини кашф этиш учун кечалари ухламай, зикр айтиб чиқар, бутун вужудлари, қалб-шуурларини шу мақсадга қаратиб, сидқидилдан Мутлақ рух сари интилардилар. Натижада уларнинг кўнгиллари равшанлашиб, завқу сурур топар, зеҳнларида маърифат тонги ёришарди. Маънавият олами ошиқлари Навоий васф этган ҳақиқий ошиқлардир, улар шоирнинг идеал образлари, эзгулик фаришталари эди. Шунинг учун у орифлар ғоясини жону дилдан тарғиб этади, дейдики: агар илоҳий файз истасанг, эрта саҳарда уйқуни тарк эт, Худо йўлида бедор ва гирён бўлгин (байтда гирён ва хандон — йиғлаш ва кулиш сўзлари зид қўйилган), ғафлатда ётма, бўлмаса, файздан бенасиб қоласан — тонг сенинг аҳволингга кулади. Камолот истаган одам тонгдай уйғоқ, тонгдай пок бўлиши лозим.

Ва, ниҳоят, тўққизинчи байт:

Эй Навоий, ул қуёшнинг муждаи васлин бериб,  
Қилса неткай шоми ҳажрим меҳнатин кутоҳ субҳ.

Фазалнинг бошидан бошлаб давом этиб келган шом — тонг қиёсий параллеллик мақтага келиб якунланаяпти. Субҳдан кейин қуёш чиқиши ва туннинг чекиниши муқаррар. Лекин Алишер Навоий назарда тутган тонг илоҳий тажалли сафоси бўлганлиги сабабли қуёш ҳам пири муршид қалби ёки мутлақ Рухнинг манбаи тимсолидир. Тонг эса шу манба — нур чашмасининг даракчиси. Ошиқ йўловчи ҳижрон туни, яъни дунёвий талаблар, илоҳиётдан узоқлаштирувчи ишлар — зулмлар зулумоти қийноғидан кейин, ниҳоят, васл шодмонлиги имконини топади, кўнгил даричаси ёр жамолига қараб очила бошлайди. Мақтаннинг зоҳирий маъноси: «Эй Навоий, ул қуёш, яъни ёр васлининг дарагини етказиб, ҳижрон шоми азобини (меҳнат — азоб дегани) қисқартирса кошқийди».

Байтнинг орифона ботиний маъноси эса бундай: «Эй Навоий, ваҳдат нури жилоси — тонг Зоти мутлақ (ёки комил инсон қалби)

манбаига етишиш хушхабарини етказиб, Илоҳ ёдидан бегоналашув қийноғи, касрат зулумоти ичра чекаётган руҳий изтиробу азобларимни қисқартирса нима бўлар экан». Ана шу тариқа мазкур ғазалда Навоий илоҳий кечинмаларни реал инсоний кечинмалар тарзида тасвирлайди. Зотан, орифларнинг тариқат даражаларини эгаллаш йўлидаги интилиш — ёнишлари нега реал бўлмасин? Ахир бу оддий одамларнинг эмас, ўзларини руҳан тайёрлаган, жуда катта вази-фани бўйинга олиб, фақат маънавий маърифат сари ўтли шавқ билан интилган одамларнинг ҳар қандай дунёвий тушунчадан ҳоли покиза ишқи эмасми?! Шунинг учун ҳам уларнинг қалб кечинма-лари юксак ва олийжанобдир. Шу шавқ ва интилишни тор маънода тушунмаслигимиз керак. Бу Навоий каби буюк инсонларнинг дунё ва Илоҳ орасида, дунёни севиш ва дунё кишиларидан задалик, дунё ишларидан кўнгил узолмаслик ва дунёда бўлмаган идеалга боғланиш, уни севиш ҳислари орасидаги талпиниш-изланишлари, руҳий саргардонлик ва қийноқларнинг рамзий шеърӣ изҳори эди.

## «ЭРУР КҮНГИЛДА САФО ИШҚ ТОЗА ДОФИ БИЛА»

«Хазойин ул-маоний»нинг биринчи девони — «Фаройиб ус-сигар»га киритилган ва Алишер Навоийда кам учрайдиган тахаллуссиз ғазаллардан бири («Фаройиб ус-сигар»да жами ўнта тахаллуссиз ғазал бор). Ушбу ғазал «Бадоеъ ул-бидоя» девонида ҳам мавжуд. Демак, у шоирнинг ёшлик йилларида ёзилган. Ғазал етти байтдан иборат, лекин тахаллусли мақтаъ бўлмагани сабабли якунловчи хулоса етишмаётгани сезилади. Асар мавзуи — ишқи илоҳийни қуйлаш, бу гоё гоҳ мажозий ташбеҳ — истиоралар, анъанавий образлар (парвона, булбул), гоҳ тўғридан-тўғри тасаввуфий истилоҳ — тамсиллар воситасида баён этилади. Қайд этиш жоизки, ишқи илоҳийни тараннум этган ирфоний-маърифий мазмундаги ғазаллар Навоий девонларининг асосий қисмини ташкил этади, уларни эса бир неча гуруҳга бўлиш мумкин: 1) муножот ғазаллар; 2) Худо ва Пайғамбар мадҳига бағишланган (наът-ҳамд) ғазаллар; 3) ошиқнинг аҳволини тасвирловчи «шарҳи ҳол» ғазаллар; 4) фалсафий фикрларни ифодаловчи ғазаллар.

Тилга олинган ғазалда ошиқона кечинмалар шарҳи, ёр васфи ҳам, фалсафий мушоҳида-мукошифа ҳам бор. Демак, асар бирон-бир ҳис, бирон-бир муайян ҳолатни эмас, шоирнинг катта мавзу атрофидаги умумий тасаввур-тушунчалари, шунга мувофиқ ишқнинг инсон қалбига ўтказадиган таъсири ҳақида зикр этади, ишқ ва фано, тариқат йўлининг жозибаси ва таҳликаси шоирона талқин этилади. Шу боис ғазал байтларини бевосита ўзаро занжирий боғланиш эмас, балки қофия, радиф, мавзу ва оҳанг муштараклиги бирлаштириб туради, мадҳ, васф, шарҳиҳол ва тасаввуфий маънолар бир ўзандаги оқимга тушиб олган. Чунончи, матлада ошиқнинг ишқ дарди янгиланганидан хушнудлиги, иккинчи байтда маъшуқа фироқида қийналиш, кинояли хотирот, учинчи ва тўртинчи байтларда ишқнинг қудрати ва мўъжизакорлиги ҳақида мулоҳаза — муқояса, бешинчи байтда шоҳ ва дарвешнинг ишққа муносабати, олтинчи ва еттинчи байтларда бўлса илоҳиёт файзини топган солиқнинг лаҳзалик масрур туйғулари, ёр жамолига маҳдиёлиги тасвир этилади. Хуллас, ишқнинг турли жиҳати, ошиқ

инсоннинг ҳолатлари ва шоирнинг ўз мавзуга муносабати, қарашлари акс этган. Умуман, Навоийда илоҳий ишқ ҳар хил ҳолатларга боғланиб, ҳар бир ғазалда ўзгача бир тароват, янги-янги ибора-ифода, услубий тарзу равия билан қуйланади. Шу учун унинг ғазаллари бир-бирининг айнан такрори эмас, балки ҳар бири янги асар сифатида ўқувчига алоҳида завқ бағишлайди. Тасаввуфнинг ҳар бир мақоми ва манзилларидаги руҳий ҳолат, бу манзилларни кашф этиш қийинчиликлари, Буюк Илоҳнинг ҳузурига талпиниш, соғинч ва қўмсаш, маънавият неъматидан сархушлик, қалби маърифатга ғарқ; Дўст дийдорига ташналик, ундан маҳрумлик дамларидаги изтироб ҳар бир ғазалда турфа рангу оҳанг, суврату санъатлар орқали такрор-такрор тараннум этилади. Бу ғазалчиликда, айниқса, орифона шеърятда қабул қилинган анъана бўлиб, шоирнинг ўзига хос маҳорати, навбунёдкорлиги шу анъана бағрида камол топиб, кўзга аёнлашарди. Буни меъморлик санъати билан қиёсласа бўлади: Самарқанду Бухоро, Ироку Нишопур, Балху Ҳирот меъморчилик ёдгорликларига қаранг, уларнинг нақшу нигори, кошинлари, тарху тароватида ўхшашлик бор. Аммо ҳар бири яна ўзига хос салобат, ҳусну жозибага эга, ҳар бир меъморнинг «дастхати»ни аниқ ҳис этасиз. Шеърят ҳам шу; қатъий анъаналар андозаси ичра беназир устакорлик, улуғ салафлар даражасига кўтарилиш ва шу майдонда ихтиролар қилиш, янги йўл, янги оҳанглар топиб, элни қойил қолдириш. Анъанавий усул-равияда маҳорат кўрсатиш — бир мўъжиза, асрлар анъанасини енгиб шоирона ихтиролар қилиш — иккинчи, янада олийроқ мўъжиза. Навоийнинг ҳар бир ғазалида «эски мавзуни» янги руҳ, янги туйғу ва фикр билан янгидан янгратиш, ғазалнинг қадимий шаклидан фойдаланиб, шоирона мўъжизалар кўрсатиш маҳорати намоён. Воқеан, таҳлилга олган ғазалимиз ҳам «Эрур кўнгилда сафо ишқ тоза доғи била» деб бошланади: ишқнинг кўнгилда ҳар бир янгиланиши, тоза доғлар қолдириши янги илҳом ва завқ олиб келади, янги шеърни бунёд этади. Ушбу ғазални байтма-байт шарҳлаб чиқсак, айтилган фикрлар тўлароқ ва аниқроқ англашилади.

Биринчи байт (матлаъ):

Эрур кўнгилда сафо ишқ тоза доғи била,  
Нечукки кўзда ёруғлик эрур қароғи била.

Ишқнинг доғи — дарду алами, асорати, тамға-яраси тозаришидан кўнгилда шодлик, сурур ва равшанлик пайдо бўлди. Зотан, бунга ажабланмаслик керак, чунки кўзнинг равшанлиги унинг қорачиғидан. Байтнинг мазмуни шу. Ажойиб ташбеҳ: кўз гавҳари қора, аммо кўришнинг қуввати, ёруғлик ўшандан, демак ишқ

кўнгилга дарду доғ солса-да, лекин кўнгил кўзини равшанлан-тиради, оламни мусаффо нигоҳ билан идрок этишга чароғи ҳидоят бўлади. Навоий шу ташбеҳ орқали тазод санъатининг фавқулодда янги вариантини кашф этган ва инсон руҳидаги драматизм, қарама-қарши ҳолатларни тушунтира олган: ишқ-муҳаббатдан фориг одам тинч, хотиржам яшаши керак. Бироқ ҳаётда бунинг акси бўлади, муҳаббат дардига гирифторлик хурсандчилик, фароғатга сабаб бўлади. Кўнгил бу дарддан яйрайди! Шоир оқлик ва қораликни (байтда «сафо» ва «тоза» сўзлари ҳам ўзаро мутаносиб-ликка киришиб, завқли бир туйғу бағишлайди), қуллик ва озод-ликни, ишқий безовталиқ лаззати ва ишқсизлик бадбахтлигини қиёслайди, сўфийнинг тан азоблари эвазига туядиган руҳий-маънавий ҳузурини олқишлайди. Доғ — тамға, нишон; доғ — андуҳ, гам; доғ — жароҳат, яра: доғ — юракдаги қора нуқта, сувайдо; доғ — лоланинг қора ранги; доғ — қуллик белгиси. Сафо эса «риёзат чекишдан кўнгилнинг покланиши» («Миръот ул-ушшоқ»), «поклик, таъбнинг нописанд ёмон хислатлардан тозаланиши... кўнгил-нинг агёр, яъни ғайри ёрдан, ғаддор дунёдан юз ўгириши»дир («Мусталаҳоти урафо», 262-бет). Шундай қилиб, ишқ доғи агёр доми, дунё қудрати қуллигидан кўнгилни озод этади. Илоҳни севиш, Унга қул бўлиш қулликдан озод бўлишнинг чин йўли, демак, бундай қулликдан хурсанд бўлиш керак. Шунинг учун ҳам ошиқ маҳбубасининг тамғасини кўнгилда асраб, унга қул бўлиш-дан боши осмонда. Ишқнинг фараҳ ва фароғат, сафо ва рўшнолик келтириш хосиятини шундай ажойиб, оригинал тоза тасвир билан ифодалаган шоир иккинчи байтда мўъжизакор тахайюлининг яна бир қиррасини кўз-кўз этади:

Фироқ шоми янгилмас ўқунг кўнгул йўлини,  
Ки борур ул сари пайконидин чароғи била.

Биринчи байтдаги қоронғу — ёруғ тазоди давом эттирилган, аммо маъно бошқа. Биринчи байтдаги ташбеҳ асослари *доғ* ва *кўз қорачуғи* ижобий маънодаги ранг эди, аниқроқ қилиб айтсак, бу қоралиқлар оқлик, равшанлик келтирадиган эди, *фироқ шом* эса ошиқ учун ёруғлик эмас, азоб-изтироб олиб келади. Ошиқнинг ҳижрондаги кунлари *тун* билан баробар, ҳижронда ошиқ учун ёруғлик йўқ, унинг тонги зим-зиё, кўёши маҳв этилган. Фироқ шом тарикат аҳли наздида солиқни Илоҳдан ажратиб турувчи парда, касрат пардаси, яъни дунё ишлари билан оворагарчилик. Фироқ шомида, дейди шоир, маъшуққа қараб, ўқинг (кипригинг) кўнглим йўлини адашмасдан топади, чунки у кўнгилга томон чироғи билан келаяпти. Нимага ишора бор бу ерда? Гап шундаки, «пайкон» сўзи ҳам ўқни билдиради, лек бу ўринда камон ўқи

назарда тугилаяпти. Камон ўқининг ўткир учи эса металдан ясаларди ва у нишонга қараб учиб бораётганда металл қисми ярақлаб турар, баъзан эса олов сочаётгандай, шуълаланиб кўзга ташланади. Ўқнинг ана шу ҳолатини Алишер Навоий чироқ кўтариб бораётган одамга ўхшатиб, жонли ва чиройли сурат чизган: «Фироқ шомиди, яъни сенинг ёдинг вақтинча кўнгилдан кўтарилиб, дунё иштавиши парда бўлиб мени сендан ажратганда, ўқинг адашмасдан кўнгил йўлини топади, зеро у ўз нишонига пайконини чироқ қилиб бораяпти». Бундай ташбеҳни бошқа бирорта шоирда учратмаймиз: ёрнинг киприги — зулматни ёриб бораётган машъала, гўё зим-зиё тунда чақилган чақмоқдай. Албатта, маъшуқа кипригини чақмоққа ташбеҳ берганда Навоий кўзни ҳам назарда тутган, чунки аслида киприк бировга қараб отилмайди, балки назар, қараш йўналади, яъни кўзнинг нури, энергияси таъсир этади, жозиба, куч бағишлайди. Шунинг учун киприк — чақмоқ самовий миқёсда илоҳий нурнинг ярқ этиб, кўнгилни ёритиши ёки заминий миқёсда соҳибқаромат пирнинг назар қилиши, бир нигоҳ билан қалбларга гулгула солиши тарзида талқин этилиши мумкин. Оддий ҳаётда ҳам қалб китоби бўлмиш кўзларнинг кўнгилларни боғлаши, севгига замин ҳозирлаши кўп учрайдиган ҳодиса.

Учинчи байт:

Эрур сукуту фано ишқ лозими, булбул  
Не воқиф онча фиғону улуг димоғи била.

Навоий асарлари куллиётининг 1988 йилги янги нашрида (3-жилд, 428-бет) мазкур байтнинг биринчи мисрасида «фано» ва «булбул» сўзларидан кейин вергул қўйилгани учун маъно бузилган. Агар шу нашрга суянадиган бўлсак, «Сукут ва фанодир, ишққа лозим бўладигани булбул, бунча фиғони ва улуг димоғи билан нимадан хабардор?» деган ғалати мазмунли гап келиб чиқади. Бундай «таҳрир» ўқувчини чалғитиши, Навоий асарларини тушунишни қийинлаштириши аниқ (Буни таъкидлашга мажбурмиз, чунки ҳозирги ёзувга кўчирилган классик шеърларда тиниш белгиларининг аҳамияти катта, вергул нотўғри қўйилгани учун маъноси мавҳумлашган байтлар анча). Хўш, Навоий бу байтда нима маънони ифодалаган? Бу маъно қуйидагича: «Сукут сақлаш ва фано — жисму нафс эҳтиёжларидан батамом қутулиш ишқнинг заруратидир, шунча нола фиғони, сархушу ошуфталиги билан булбул буни қайдан билсин».

Ҳа, шоир бу ерда ошиқлик рамзи, нафосат ошуфтаси, ишқни ёниб куйловчи булбул билан баҳсга киришган. Бу қизиқ, чунки Навоийнинг бир қанча ғазалларида булбул хониши мадҳ этилади, лекин бу байтда у булбул ишқнинг моҳиятига тушуниб етмайди,

деган фикрни баён этади. Балки бошқа маъно бордир бу гапнинг тагида, балки шоир бирор бир мазҳаб ақидасини, тариқатнинг бирор силсиласи пешвосининг кўрсатмаларини тасдиқлаётгандир? Дарҳақиқат, матлубга етишиш йўли фақат оҳу нола эмас. Фигон чекмай, зоҳиран сукутда бўлиб, дардни элга ошкор қилмай, ботинан кўнгилни маърифатдан сероб этиб, фано мартабасини эгаллаш ҳам мумкин. Масалан, Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг ақидаси шундай. (Баҳоуддин Нақшбанддан: сиз самоъга қандай қарайсиз, деб сўраганларида, у киши: «Мо инкор накунему ин кор накунем» — «Биз инкор қилмаймиз, аммо бу ишни қилмаймиз», — деб жавоб берганлар). Самоъ ва зикрга берилмай, муайян касб билан шуғулланиб, одамларни Ҳақни танишга даъват этган дарвешларнинг йўли шуни тақозо этарди. Улуғ мутафаккир рамзий йўсинда тариқат аҳлининг икки тоифаси сулукини таққослаган: тинч- хотиржам зикр билан, ички оламни тараққий эттириб Ҳаққа яқинлашувчилар ва самоъ, рақс, қўшиқ-куй орқали муҳаббатларини очиқ изҳор этувчи бетоқат, безовта одамлар. Шундай, ошиқлик ҳар доим ҳам фиғону нола эмас экан, «анжуманда хилват» кўрувчиларнинг ботиний маърифати, қошифлик йўлида ўзгача ёниш, ўзгача фидойи қатъият бор. Тўртинчи байт мазмуни учинчи байт юзасидан айтган фикримизни тасдиқлайди. Байтни келтирамиз:

Ул ўтки ўртади парвонани, ҳамул ўтдин  
Кўрингки қовруладур шамъ доғи ёғи била.

Маълум бўладики, гап парвона ишқи устида бораяпти, яъни шоир булбулнинг нолали муҳаббати билан парвонанинг жим, аммо вужудини ёндирувчи «индамас» муҳаббатини қиёсламоқда. Тасаввур қилинг: шам, унинг атрофида эса алангага қараб талпинаётган митти парвона. У ўтга шундай ихлос, шиддат билан интиладики, оловга қўшилиб ёниб кетгунча тинчимайди. Бироқ парвона шунчалик ошиқлиги, дардининг зўрлигига қарамай, оҳу нола чекмайди, балки жим-жит ўтга томон талпинаверади. «Ул ўт», яъни илоҳий ишқ алангаси фақат парвонани эмас, шамнинг ўзини-да муми ва ёғи билан қўшиб қовуради, эритиб куйдиради. Улуғ шоир тамсиллар воситасида Ишқнинг беинтиҳо кучи — зарроту жонзотлар, ошиқу маъшуқ барини қамраб олувчи қудратини бизга тушунтирмоқчи бўлган. Шамнинг шуъласи — илоҳий ишқ муми ва ёғи — дунё, инсон вужуди, парвона — ошиқ инсон тимсолларидир. Парвона — фано тимсоли, яъни ёмон сифатлардан қутулиш ва маҳмуда (яхши) сифатларга эга бўлиш, ҳирсу ҳавасни тарк этиш йўли. Бу фақир дарвешларнинг, аҳдulloҳнинг тариқати. Хўш, шоҳлар-чи, улар ҳам бу бахтга мушарраф бўла оладиларми?



Шаху улус ғамияу жоми Жам, хушо улким  
Синуқ сафол ила дурд ичкай ўз фароғи била.

Йўқ, шоҳлар фано мартабасига етишолмайдилар, чунки улар дунё ғамияу улус ташвиши, шон-шухрат, айшу ишрат билан банд — шоирнинг ғояси шу. Афсонага кўра, Ажам шоҳларидан Жамшид шундай жом ихтиро қилибдики, унинг ичидаги шароб асло тугамас ва у оламни ўзида акс эттириб турар экан. Шундай қилиб, «жоми Жам» — туганмас бойлик ва ишрат, шукуҳу салтанат рамзи. Унинг сўфиёна талқини ҳам бор: «маърифат боласи билан лиммо-лим ориф кўнгли» («Миръот ул-ушшоқ»). Лекин Навоий мазкур байтда буни назарда тутмаган, бўлмаса шоҳу дарвеш аҳволини чоғиштирмаган бўларди. Шоир анъанавий тасаввуфий эътиқодга амал қилиб, ориф дарвешнинг фақирона ҳаётини подшонинг ҳашаматли ҳаётидан устун қўяди, аммо буни қуруқ таъкид йўли билан эмас, балки «назарий» тушунтиришга интилади: шоҳ фуқаро ташвиши ва ўзининг шону шухрати, туганмас давлати, ишрати билан овора, у бу ғамдан фориг бўлолмайди. Демак, у шунчалик дабдаба шукуҳи билан озод, бахтиёр эмас. Ҳатто жаҳонни кўрсатувчи олтин жом ҳам уни ғамдан озод қилолмайди. Шоҳнинг акси ўлароқ синиқ сафолда (жоми Жам — салтанат ва ҳашам рамзи бўлса, синиқ сафол — камбағаллик, камтарлик белгиси) май қуйқумини ичаётган, яъни маҳбубнинг васли деб азоб чекаётган дарвеш бахтиёр. «Дурд» — май қуйқуми, қаноат ҳамда айни вақтда номуродлик, маҳбубнинг бетоқат қилувчи ёдини ҳам англатади. Хуллас, Навоий илоҳий ишқ хосиятлари ҳақида гапириб келиб, парвонасифат дарвешнинг мамлакат подшосидан устун турувчи озод-эркин турмушини шарафлайди.

Олтинчи байт:

Хумор аро тиладим соқию қадаҳ, юз шукр,  
Ки улкимен тиладим келди ўз аёғи била.

Шоир ўзининг синиқ сафолда «дурд» ичиб, маҳбуб ёдида сармаст қаҳрамони — ишқ парвонаси ҳолатидан руҳланиб кетиб, ўзини у билан шерик, ҳаммаслак қилиб кўрсатади. Аммо лирик қаҳрамон — дарвеш ёр олдида сархуш бўлса, шоир ҳали хумор, у энди соқи-ю қадаҳ талаб қилаяпти. «Хумор» ҳам мастликнинг асорати, аммо у вақтинчалик совиш, солиқнинг иккиланиши, беқарор ҳолатини ҳамда «маҳбубнинг иззат пардаси ичига яшириниши, дунё пардаси ваҳдат юзини беркитишини» англатади. Ана шундай ҳолатда шоир тарқалган, совиган кайфиятни ростлаш учун соқий (пири муршид) кўлидан қадаҳ (маърифат) тилайди ва Аллоҳ унга тилаганини етказганидан — пир ҳузурига етганидан шукроналар айтади. Байтдаги «аёқ» сўзи икки маъноли: 1) одамнинг

аъзоси ва 2) қадаҳ. Демак, сўз ўйини — тажнис ясалган: «келди уз аёғи била — келди ўз қадаҳи била». Теран маъно тоза ифода ва тимсоллар билан очилган. Еттинчи байт:

Кучарға сарв ниҳоли бири қадингдек эрмас,  
Агар кетурса ани боғбон қучоғи била.

Бу байтнинг зоҳирий маъноси кўриниб турибди. Шоир маҳбуб қоматини энг чиройли дарахтга ўхшатмоқда, йўқ, маҳбуба қомати сарвдан ҳам чиройли, ахир сарвни қучганда ёр қучгандайин ҳаловат топиш мумкинми? Боғбон сарвларни қучоқлаб келса ҳам, лекин бу ёр қоматини қучганчалик эмас. Аммо байтнинг тасаввуфий — ботиний маъноси ҳам бор. Қад деганда сўфийлар пирнинг ҳайбати, илоҳийлик аломати бор одамни назарда тутганлар. Шундай бўлгач, байтнинг мана бунақа маъноси ҳам келиб чиқади: «Гарчи боғбон боғдаги чиройли сарв дарахтларини намойишкорона қучиб келса-да, лекин уларнинг бирортаси комил инсон — пирнинг гўзал, илоҳий ҳайкалидай эмас, уларни қучиш пирга сифинишдай лаззат беролмайди».

Алишер Навоийнинг улуғворлиги шундаки, унда зоҳирий ва ботиний маънолар, яъни ишқи ҳақиқий ва ишқи мажозий тасви-лар бир-бирига халақит бермайди, балки бир-бирини тўлдириб, қувватлаб туради. Бошқача айтганда, ишқи ҳақиқий тасвиридан ишқи мажозий тасвирига ёки аксинча ҳолатга осон ўтилади, китобхон гоҳ бу маънодан, гоҳ у маънодан, гоҳ ҳар иккисидан завқлана олади. Ушбу ғазалда ҳам шуни кузатиш қийин эмас, унда тариқат ақоиди, мақом босқичларидаги солиқ ҳолатлари, ишқ изтироби ва ошиқ азоби, дарди, ўртанишлар тасвирланади ҳамда шу билан баробар реал инсоний кечинмалардан воқиф бўласиз. Воқеан, ишқ парвонаси солиқ дарвеш ҳам реал инсон, унинг кечинмалари ҳақиқий инсоний кечинмалар, фақат унда ният пок, дард беинтиҳо, идеал ғоят узоқ...

## «АХД ҚИЛДИМ: ИШҚ ЛАФЗИН ТИЛГА МАЗКУР ЭТМАЙИН»

Алишер Навоийнинг ҳар бир ғазали ўзига хос ёндашиш, ўзига хос таҳлил ва тафсир усулини тақозо этади, чунки ҳар бир ғазал алоҳида руҳий ҳолат, алоҳида поэтик фикр ва ҳис-туйғулар ривожини ифодалаб келади, тасвир тарзи, санъатлар мунтазамлиги ва мутаносиблиги ҳам шунга мувофиқ. Мазкур ғазалда эса Ишқ водийсида мушкулотларга дуч келган ошиқнинг бир лаҳзалик ҳолати, иккиланиши, ғайрнинг сўзига қулоқ солиб, гўё вақтинча «араз», «истигно» билан ёридан юз ўгиришга беҳуда уриниши тасвирланади. Одатда истиғно (ўзини озод ҳисоблаш, ноз қилиш, араз) маъшуқ хислати бўлиши керак, ошиқ эса ниёзманд, ҳамма вақт ёрга содиқ одамдир. У шу хислати билан машҳур. Бу ерда анъанага хилоф равишда иш тutilмадимикин? Йўқ, ундай эмас. Навоий лирик қаҳрамонининг озурдалигини маъшуқ нози сингари тушунмаслигимиз керак. Бу «истигно» — ишқдан тавба-тазарру «аҳди» замирида ошиқ кўнглининг ҳар қандай азобларга бардош бериш, дарду балоларга тайёр туриши маъноси ётади. Ошиқ ишқ қийноқларидан қутулишга чора излайди, аммо қўллаган тadbирлари беҳуда бўлиб чиқади. Чунки у бу домга абадул-абад гирифтор, ишқни тилга олмайман, дейди, лекин у тилига келаверади, сирини элга билдиргиси келмайди, аммо дарди ошкор бўлаверади. Зеро, ошиқнинг инон-ихтиёри ўзида эмас.

Одамда шундай ҳолатлар бўладики, оҳанрабодай тортиб турган нарсадан безор бўлсанг ҳам, жоннинг қийноғисиз яшаш мумкин эмаслигини, қутулишга интилиб, қутулолмаслигинини англаб бадтар изтироб чекасан. Навоий айна шу руҳий ҳолатни қаламга олган, яъни тилда тавба қилиб, инкор этиб, аслида кўнгил қаърида бунинг аксини тасдиқлаш. Ўзига хос шеърый санъат бу. Бир неча байтда кўринадиган, баъзан бутун ғазал бўйлаб ёйиладиган ушбу усулнинг классик шеършуносликда номи йўқ. Воқсан, Навоий каби улуғ шоирларнинг турфа санъатлари, услубий ихтироларига ном топиш, уларни тadқиқ этиш осон юмуш эмас. Навоий худди сон-саноксиз комбинацияларни ёд биладиган, ҳар гал янги, ҳайратланарли юришларни ўйлаб топиб, ғалабага эришадиган шоҳмотчи

мисол иш тутади. Сўзнинг битмас-туганмас имкониятлари, мутаассир этувчи ифодавий кудратини намоён этиши. Сўздан мўъжиза яратиш, классикларнинг ўз тили билан айтганда, сўзнинг додини бериш — улуг санъаткорларга насиб бўлган бахт.

Рамали муссамани маҳзуф баҳрида ёзилган ушбу ғазалнинг аввалги беш байти ана шу тавба-тазарруъ мазмунида, яъни «инкор — тасдиқ» усулида ёзилган, шу жиҳати билан бу байтлар ўзаро боғланади. Қолган уч байт ғазалнинг умумий мазмуни билан бевосита эмас, балки бавосита боғланади. Шу сабабли ғазални пароканда дея олмаймиз. Тўғриси айтганда, мен «пароканда» истилоҳини шеърга нисбатан қўллашга қаршиман. Чунки парокандалик бадий асарга хос хусусият эмас, у бутунлай боғланмаган байтлар йиғиндисини билдиради. Улуг шоирларда, жумладан, Навоийда бундай шеър йўқ. Байтлар, юзаки қараганда, мазмунан боғланмаган, турли мавзуда бўлиб туюлса-да, ботинан улар ўзаро алоқадор. Шунинг учун бундай ғазаллар таҳлилида бевосита боғланиш (мусалсал) ва бавосита боғланиш деган тушунчалардан фойдаланишни маъқул деб биламан. Шундай қилиб, мазкур ғазал ҳасби ҳол, яъни ошиқ кечинмаларини ифодалайдиган асар бўлиб, байтлари қуйидагича шарҳланиши мумкин.

Биринчи байт:

Аҳд қилдим ишқ лафзин тилга мазкур этмайин,  
Тил неким, хомам тилидин доғи мастур этмайин.

«Мазкур» — зикр этиш, тилга олиш, «хома» — қалам, «мастур» — ёзиш, рақам этиш. Қолган сўзлар тушунарли. Аммо бу байтнинг, қолаверса, бутун ғазалнинг ўзак — калит сўзи *ишқ*дир. Ишқ нима? Одамлар орасидаги алоҳида майл, севги, муҳаббат, деб жавоб берамиз дафъатан ва аксар аёл билан эркакнинг ўзаро муносабатлари, бир-бирига интилишини кўз олдимизга келтирамиз. Албатта, аёл ва эркак орасидаги муҳаббат, оила ишқ асосига қурилса ёмон бўлмайди, бу ҳаёт қонунига мувофиқ, чунки ҳаётнинг ўзи ҳам муҳаббатдан яралган. Лекин ишқни кенгроқ маънода, кайҳоний андозага олиб қарасак-чи? Сўфий орифлар тушунадиган маъноларга диққат қилсак-чи? Ахир, Навоий ишқнинг ана шу маъноларига кўпроқ эътибор берган-ку. Сўфийлар талқинига кўра, ишқ — дўстлик туйғусининг олий даражага кўтарилиши: дўст орқали маърифатни, шоҳни севиш. Воқеан, дўст тушунчасининг ўзи ҳам кўп маъноли, «дўст» деганда улар юксак заковат, қалбида эзгулик нури порлаб турган инсон ва Муғлақ илоҳни англаганлар. Ана шундай дўст, яъни Ёр ишқига гирифтор бўлган одамлар бир-бирларисиз туролмайдилар, агарчи бу боғланиш юз кулфат ва алам келтирса-да. Шунинг учун ишқ сўзи *ранж*, *дард* сўзлари билан

маънодош бўлиб қолган. Бу сўзнинг асл этимологик маъноси ҳам шунга ишора этади: у арабча «ашақа» (зарпечак) сўзидан келиб чиққан. Зарпечак, биламизки, ўт-ўланлар, дарахтларга ўраниб олиб, уларнинг ширасини сўриб қуритадиган гиёҳ. «Ишқ ҳам авжга кўтарилганда бамисоли зарпечакдай одамни бедармон қилади, сезиш қобилиятини сусайтириб, еб-ичишдан маҳрум этади, ишққа чалинган кишига ўзгаларнинг гап-сўзи малол келади, у дўстдан бошқага қарамайди», — деб ёзади «Истилоҳоти урафо» лугатининг муаллифи Сайид Жаъфар Сажжодий (289-бет). У яна давом эттиради: «Дейдиларки, ишқ шундай бир ўтки, ошиқнигина эмас, маъшукни ҳам ёндиради, ишқ бало дарёсидир ва илоҳий жунундир ва дилнинг маъшук сари қиём этишидир».

Ишқ олдида денгизлар — томчи, тоғлар — зарра. У денгизни жўшу хурушга келтириб, тоғни талқон қила олади. «Эй ишқ, балойи жон эурсан, ҳам жонима дармон эурсан», — дейди Алишер Навоий «Лайли ва Мажнун»да. Бу ҳақда олдинги бобларда тўхталдик, такрорлашга ҳожат бўлмаса керак. Фақат бу ўринда шуни эслатиб ўтамизки, ишқ азобига чидамаган ошиқ ҳақиқий ошиқ эмас, бўлмаса у Навоийнинг лирик қаҳрамони каби: «Энди ишқ сўзини тилга олмасликка, тилга олишгина эмас, уни ҳатто қоғоз саҳифасига ёзмасликка аҳд қилдим», — дейиши ҳеч гап эмас. Гиррифторлик гирдоби ичидаги ҳасрат бу, аммо у ёлғон «аҳд». Аслида ошиқ бу баҳри азимга бадтар шўнғимоқчи, зеро ошиқнинг занжири ҳам, қаноти ҳам ишқ, уни буд этадиган ҳам, нобуд қиладиган ҳам қутулиб бўлмас шу Буюк жозиба. Шоир иккинчи ва учинчи байтларда «аҳди»ни давом эттиради; чунончи, иккинчи байт:

Барча элга фитна бўлгон кўзга мафтун бўлмайин,  
Ҳар киши наззора айлар юзни манзур этмайин.

Яъни: «Барчани фитна — фириб билан алдаган кўзга мафтун бўлмасликка (алданмасликка), барча қарайдиган юзга қарамасликка аҳд қилдим». Барчани фитна билан ўзига мафтун этадиган кўз дунё бўлиши ҳам, дунё нафосати билан боққан Мутлақ руҳ чашмаси бўлиши ҳам, юз-кўзидан нур ёғилиб турган комил инсон бўлиши ҳам мумкин. Ҳар ҳолда маъшук кўзи фитнакор, алдамчи эканлиги аниқ. У барчани ошуфта этади. Ишқ аслида ана шу мафтункор юзу кўзга қарашдан бошланган, ўша кўзларки, бечора ошиқни бир лаҳза тинч қўймайди. Хўш, агар юз ва кўз илоҳий сифат — тажаллиёт белгиси бўлса, нега у мафтункор, алдамчи? Гап шундаки, сўфийлар наздида маъшук кўзи — басират даражаси, яъни қалб кўзининг ўткирлиги, айни вақтда у ошиқни имтиҳон этувчи, синовдан ўтказувчи куч. Илоҳий жамол турли кўринишда жилоланиб, қалбга йўл излайди. Жило, мавж, товланиш — сеҳру

жоду, мафтункорлик эмасми? Кўз, шу билан бирга, ғайбнинг манбаи, сиру асрор чашмаси. Юз эса — илоҳиёт жамоли тимсоли ва комил инсон чеҳраси. Навоий даври кишиларининг ва буюк шоир тушунчаси ана шундай. Ҳам олам нафосати, ҳам инсон қалби гўзаллиги ва ҳам барча гўзалларнинг гўзали, барча равшанликлар манбаи деб ҳисобланган Илоҳни бир ибора, бир ташбеҳ билан ифодалаш, Уни лирик кечинма орқали ёниб куйлаш. Буларнинг ҳаммаси Яхшилик ва Эзгуликка ошиқликни таърифлаш ва охири оқибат инсон маънавиятини юксалтиришга хизмат этиш истагидан туғилган. Оқил ва одил инсоннинг юраги Илоҳ фазилати билан тўлиқ ва бу унинг аъмоли, фитратида намоён бўлади, бошқалар шу қалбнинг файзини идрок этиб, ундан баҳра олиб, Илоҳга яқинлашадилар. Шунинг учун бундай файзли одамлар эътиборни тортади, ҳамма уларга қараб интилади, уларнинг хоки пойини кўзига суртади. Шу учун бу илоҳий юз ва «фитнакор» кўзлардан бекиниш — Илоҳдан юз ўгириш билан баробар! — Яхшиси Ишқ оловида ёниш насиб этсин, жоду кўзлардан жудо қилмасин.

Учинчи байт:

Ишқ куфри бирла тақво хонақосин бузмайин,  
Бут ҳаёлидин кўнгил дайрини маъмур этмайин.

Ишқ — куфр, ошиқ бўлиш — кофирлик. Бу кимнинг фикри? Албатта, бу мутаассиб диндорлар, ишқу ошиқликнинг ҳақиқий маъносини тушуниб етмаган кишиларнинг фикри, улар ҳаётни, илоҳий муҳаббатни куйлаган шоирларни шундай тамғалар билан айбламоқчи бўлганлар. Лекин қизиғи шу ердаки, тасаввуфнинг ваҳдат ул-вужуд фалсафасини чуқур идрок этган шайх — орифлар, айниқса, Аттор, Румий, Ҳофиз, Жомий, Навоий, Машраб каби шоирлар буни ўзлари ҳам тан олганлар. Чунки, суратпараст, масаланинг моҳиятига етмаган жоҳил руҳоний талқинидаги кофирлик билан сўфий шоир назарда тутган кофирлик бошқа-бошқа нарсадир. Руҳонийлар бутга сиғинган одамларни кофир десалар, сўфийлар «қасрат оламининг зулми, дунё талаби, ваҳдатдан жудоликни» куфр деб уқтирганлар («Миръот ул-ушшоқ»). Ишқнинг кофири бўлиш — сўфий наздида ҳақиқий имонга эга бўлиш, нечунки, фарқлар, кўпликлар олами орқали, ёпиқлик пардасини кўтариш, дунёни тарк этиш орқали ваҳдатга етилади. Диндор руҳоний Илоҳни севишни эмас, Унга сажда қилиш, тоат-ибодат билан жаннатий бўлишни тарғиб этади. Сўфий бўлса, Илоҳдан бошқасини тан олмайди, расм-русумлар, одат-маросимларни инкор этади, Илоҳ жамоли акс этган барча мавжудотни, бутни ҳам, насроний қизни ҳам севиш мумкин, деб таълим беради. Шайх Санъонни эсланг (Навоийнинг «Лисон ут-тайр» асари қаҳрамони). У румлик

қизга ошиқ бўлиб, исломдан воз кечиб, насроний динига қиради, ишқ йўлида нимаики юз берса — барига чидайди ва оқибатда илоҳий муҳаббатга эришади. Шайх Санъон саргузаштига диққат қилинса, ваҳдат майидан сархуш сўфийлар эмас, балки тақводор зоҳид ва сохта шайхлар кофир бўлиб чиқади. Чунки «кофир — сифот, асмоъ ва афъол даражасидан ўтмаган одам» («Миръот ул-ушшоқ»). Навоий «ишқ кофири» иборасини «бут» ва «дайр» сўзлари билан ёнма-ён қўллаган. Сабаби шуки, «бут» асосий матлаб, мақсад, яъни маъшуқ тимсоли, дайр эса — бутхона, оташпарастлар ибодатгоҳи бўлиб, тасаввуф истилоҳида орифлар мажлиси ва зоти аҳадият ҳузуридир. Кўнгил дайрини бут хаёли билан безаш — пир суҳбатини қўмсаш демак. Шундай қилиб, байтнинг мазмуни бундай: «Ишқнинг беҳудликлари, парҳезсизлиги, сармастлиги билан тақво — тийилиш, яъни зоҳид хонақоҳини бузмаслик, маъшуқага сифиниш, унинг ёдида ёниш фикри билан кўнгил уйини обод этмасликка аҳд қилдим», яъни пир суҳбатидан дилимни узишга сўз бердим.

Тўртинчи байт:

Ҳар кеча бир лаб майи васлидин этмай жонни маст,  
Ҳар кун онинг ҳажрида кўнглимни махмур этмайин.

*Кеча* ва *кундуз*, *васл* ва *ҳижрон*, *май* ва *махмурлик* сўзлари ҳам тазод ва ҳам таносуб санъатларини ҳосил этиб, аввалги байтларда ифодаланган ошиқлик шартларини инкор этиш давом эттирилган. Сўфиёна талқинга риоя этадиган бўлсак, лаб — маънавият оламидан малаклар воситасида анбиё ва орифларга нозил бўлиб завқ ва илҳом пайтида улар кўнглидан тилига кўчадиган калом («Миръотул ушшоқ»), май — илоҳий тажаллиёт, махмур — шу ваҳдат майидан беҳудлик. Байтнинг мазмуни: Ҳар кеча бир ширин лаб, яъни ориф кўнглида пайдо бўлган илоҳий каломни эшитиш лаззатидан жонимни маст қилмайин ва ҳар куни шу каломдан ажралиб, кўнглимни хуморли (бу сўз қўмсаш, соғиниш маъносидан ишлатилган) қилмайин, деб қарор эттим. Ёки мана бундай шарҳлаш ҳам мумкин: «Ҳар кеча пири орифнинг маънавият оламидан илҳом бўлиб тушган каломни лаззатидан жонни хушнуд этиш ва ҳар кун ўша маърифат каломини қўмсаб, хумор бўлишдан тийинайин дедим». Навоий бу байтда кеча-кундузни қиёслаганда ёруғлик ва зулумотни эмас, балки, аксинча, кечаси бўладиган пиру мурид орасидаги хилват суҳбатларни, кундузи эса уларнинг ўзаро ажралиб кетишларини назарда тутган. Демак, ошиқ учун бундай кундузлардан кўра, пир васлин мунаввар этган тун афзал.

Шу тариқа, тўртта байтда ошиқнинг «ўз маслагидан қайтишга аҳдлари» баён этилиб, шеърнинг оҳанги, матн қабаотидаги маъно-

лар эса барча «аҳд»лар ёлгон эканини, инкорларнинг замирида тасдиқ яширинганини билдириб туради. Ошиқнинг ана шу кинояли ҳолатини англатиш учун шоир бешинчи байтда оҳиста «мантиқий ўтиш» усулини қўллайди, ғазал мазмунига ўзгариш киритилади. Мана ўша байт:

Ғар чидай олмай қўнгул берсам бировга ногаҳон,  
Бори эл ичра чидай олгунча машҳур этмайин.

Ошиқликнинг талабларидан воз кечишга «аҳд» қилган лирик қаҳрамон энди ўзининг бунга чидай олмаслигини англайди, энди у бир гўзалга, мукаррам дўсти азизга қўнгил бериши муқаррар. Лекин энди у ишқини пинҳон тутишга «аҳд қилади», дейди. Аммо бу иш имкондан хориж, чунки ошиқлик ошқора бўлмай иложи йўқ — дардни яширсанг, иситмаси билдириб қўяди.

Шундай экан, ишқ ва майни (ваҳдоният нуруни) тарк этиб бўлмайди.

Ишқу май анжоми чун ҳажр ўлди, қўй, эй шайхким,  
Ўзни иқболдин куч бирла маҳжур этмайин.

*Анжом* — тугалланиш, оқибат демак. *Маҳжур* — айрилиқда қолган одам. Байтнинг насрий мазмуни эса бундай: «Ишқ ва май, яъни илоҳий неъматга интилишни йиғиштириб қўйиш, тарк этишнинг оқибати ҳажр — айрилиқдир. Қўй, эй шайхким, ўзимни бу саодат — ошиқлик ва бодапарастлик саодатидан куч билан ажратмайин».

Мана энди ҳаммаси равшан бўлди: Алишер Навоий тақводор шайх гапига кириб, ошиқликни тарк этмоқчи бўлган одамнинг аҳволини кўрсатмоқчи экан. Шайх ишқни куфр деб, беҳуда, маъносиз нарса деб тушунтирган, уни тилга олмасликка, фитначи кўзларга қарамасликка чақирган. Аммо ошиқ охири билдики, Ишқдан — илоҳий файздан ажралиш азоби ишқ азобидан кўра ҳам зўрроқ, йўқ-йўқ, бугина эмас, ошиқлик азоби ҳузур-ҳаловатга элтувчи, руҳий камолот сари етакловчи тозаланиш, халос бўлиш азоби экан. Шунинг учун бу азоб — саодат.

Хуллас, лирик қаҳрамон ғазалнинг олтинчи байтига келиб, ўз баённомаси («аҳди»)дан бутунлай қайтади, унинг олдин айтган гаплари ўз-ўзини синаш, ёхуд аллақандай кинояли усулда ишқ оловининг шуҳратини муболағали қилиб ифодалашдай таассурот қолдиради. Инкор замиридаги тасдиқ зоҳирий тасдиққа айланиб, ошиқнинг ўз имкону эътиқодида собит эканлиги маълум бўлади. Мана шундан кейин Навоий қуйидаги умумий контекстга «ёпиш-майдиған» еттинчи байтни келтиради:



Зулм ила эл жонига ўт ёқма, эйким шоҳсен,  
Гар десанг дўзах ўтига жонни маҳрур этмайин.

Ошиқона ва орифона ғазалларда, кўпроқ мақтадан олдинги байтда бирор ўғит-насиҳат қилиш ғазалчиликда кам учрайдиган ҳодиса эмас. Бундай ҳолни Ҳофизу Саъдий, Жомий ва Навоийда тез-тез учратамиз. «Дўзах оловиға жоним куймасин десанг, эй шоҳ, зулм билан халқ жонига ўт ёқма». Бунинг олдинги байтларга алоқадорлик жойи борми? Бевосита эмас, аммо бавосита бор. Ишқсизлик, Илоҳдан беҳабарликнинг ўзи зулм демак, бундай одам подшо бўлса — эл ҳолига вой, чунки ишқи йўқ одам бераҳм, бешафқат бўлади. Илоҳ ишқи, умуман кўнгилнинг муҳаббатга мойиллиги одамни адолат ва инсофга ошно этади. Навоийнинг бу кистирма насиҳат байти шундан далолат берадики, у лирик кечинмалар тасвири асносида ҳам шоҳни адолатга чақирриш, золимларни жазолаш, халқни улардан халос этиш ғоясини ўтказишни лозим топган ва буни зарур деб ҳисоблаган. Ишқ, илоҳ, адолат тушунчалари Навоий учун ўзаро зич алоқадор. Унинг катта-кичик барча асарларига бу ғоя сингдирилган. Ғазалнинг мақтаи ҳам еттинчи байт каби умумий мазмунга тўғридан-тўғри боғланмайди, аммо у еттинчи байтнинг ўзига ҳам унчалик яқин эмас:

Гарчи маъзур ўлди маъмур, эй Навоий ўзни мен  
Дўст маъмур айлаган хизматда маъзур этмайин.

*Маъмур* сўзининг бир маъноси амр — фармон, иккинчи маъноси обод, фаровонлик. *Маъзур* — узрли, кечирилган. Бу икки сўз байтда тажнис санъатини яратишга хизмат қилган. Яъни «Гарчи маъмур — маъзур (подшо амри вожиб бўлганидай дўст хоҳиши ҳам вожиб) деган мақолга асосан, эй Навоий, мен ўзимни дўст амр айлаган хизматдан четга тортмайин». Ёки: «Узрларим кўпайиб кетди, эй Навоий, дўст амр айлаган хизматдан ўзимни маъзур тутмайин» ва яна: «Гарчи узрхоҳлик кўпайиб кетган бўлса ҳам, эй Навоий, мен дўст обод айлаган мажлис хизматидан бўйин товламайин».

Бу уч изоҳимизда ҳам Навоий байтининг маъноларидан қайсидир томони акс этди, бироқ, назаримда, иккинчи вариант ҳақиқатга хийла яқин, чунки у ғазалнинг умумий мазмунини якунлай олади. Мақтадан бошлаб давом этган «аҳд»ларини шоир узрхоҳлик деб айтади, яъни узрим жуда узайиб кетди, кел, гапни қисқа қилиб, Дўст амр этган хизматни узр айтмасдан бажарайин, деди у. Ошиқ учун дўстнинг хизматидан шарафли иш йўқ, у доим бунга тайёр туриши керак. Улуғ шоирнинг маслағи шу эди.

## «СОКИЁ, ТАЛХ ЎЛДИ АЙШИМ ҲАЖР БЕДОДИ БИЛА»

Афтидан, бу Алишер Навоийнинг ўз ҳаёти билан боғлиқ воқеаларни акс эттирувчи ғазаллардан бири. Чунки унда яқин кишисидан ажралиб, шодлиги ғамга мубаддал бўлган, қаттиқ қайғу чеккан одамнинг ҳасрат-ўкинчлари, бевафо ва бебақо дунё, унинг нотанти ишларидан норози қалбнинг нидоси ифодаланган. Классик шоирлар ўз андуҳлари, шахсий кечинмаларини ҳам анъанавий образларда, умумий тарзда баён қилишни маъқул кўрганлар, лекин, шундай бўлишига қарамай, ушбу шеърда анъанавий ифода-истиоралар замирида инсоний дард, мотамзада юракнинг фиғон-ҳасрати, нохуш кайфиятини ҳис этамиз. Бироқ ғазал гарчи андуҳли оҳангда бошланиб, унда навоиёна ўртаниш — ёнишлар гулғуласи кўкка ўрлаган бўлса-да, асар мақтага келиб умумий умидворлик, илоҳий ишққа дахлдорлик туйғуси қалбга сингади.

Шоир ғазални жудолик дардидан бетоқат дилнинг ғалаёнини тасвирлаш билан бошлайди:

Соқиё, талх ўлди айшим ҳажр бедоди била,  
Тут ачиг майким, ичай Мирзо Чучук ёди била.

Агар «Мирзо Чучук ёди» деган маълумот бўлмаганида, байтни одатдаги ошиқона мазмунли шеърлар қаторида таҳлил қилган бўлардик, яъни ошиқнинг ҳижрондаги изтироблари сифатида талқин этардик. Албатта, бу ерда ҳам айрилиқ ҳақида гап боради, аммо бу бошқа хилдаги айрилиқ. Шоир сўфиёна ишқи илоҳий ёхуд севгилисидан ажралган одам кечинмасини эмас, балки меҳр қўйган, азиз тутган одамини йўқотган кишининг ҳолатини қаламга олади. Хўш, Мирзо Чучук деб Навоий кимни назарда тутган? Мирзо Чучук — Темурий шаҳзодалардан бўлиб, ниҳоятда чучук тилли, шеър ёзиш истеъдоди бор йигитлардан бўлган экан. Навоий уни «Мажолис ун-нафоис» тазкирасида тилга олган. Йигит дардга чалиниб, вафот этган. Навоийнинг мазкур ғазали ёш умри хазон бўлган шу йигит хотирасига бағишланган. Шоир айрилиқ дардини изҳор этиб, анъанавий образлар орқали буни тасвир этади. Матладаги «талх» (аччиқ) ва «чучук» сўзларининг бир-бирига зид

қўйилиши ҳам шунга ишора: Мирзонинг ширин ёди билан аччиқ май ичай, дейди шоир. Энди байтнинг мазмунини келтирамиз: «Эй соқий, айрилиқнинг зулмидан ҳаётим майи, яъни турмушим аччиқ бўлди, сен ҳам менга аччиқ май тут, токи Мирзо Чучукнинг ширин ёди билан ичайин». Май бу ерда одатдаги шароб ҳам, руҳий сархушлик тимсоли. илоҳий маърифат нури ҳам эмас. Бу инсоний кайфиятнинг, руҳий изтиробларнинг йиғма ифодаси — гаму ҳасрат рамзи. Шундай қилиб, май фақат шодлик ва сурур, дилхушлик ифодасигина эмас, мотамзадалик, андуҳнинг ҳам ифодасидир. Фарқ шундаки, «айшнинг талх» ўлишини ифодаловчи май «аччиқ май»дир.

Иккинчи байт:

Сипқориб жоми сипехр, ақдоҳин айлай рез-рез  
Неча чеккайман забунлуғ чарх бедоди била.

«Сипехр» — осмон, фалак; «ақдоҳ» — қадаҳлар Шоир бу сўзлар воситасида ажойиб истиорали тасвир яратган: осмон жомиди май ичиб, унинг қадаҳларини майда-майда қилиб ташлайман, дейди у. Қадимгиларнинг тасавурида осмон етти қаватдан иборат, Навоий ана шу қаватларнинг ҳар бирини бир қадаҳ деб олади ва шўришу ошўбам шунчалик зўрки, осмон жомини сипқориб, қаватлари — қадаҳларини чил-чил қилиб синдириб ташлайман, дейди у. Чунки чархи фалак — осмоннинг зулми ҳаддидан ошган, қачонгача ундан алам, хорлик чекиш мумкин? «Ҳажр бедоди»ни шоир «чарх бедоди» билан боғлайди, зеро дўстни дўстан жудо этган, бир дам шодликни раво кўрмайдиган ғаддор душман шу забун (паст) ва ситамгар чарх-да! Бу ўринда шундай савол туғиладики, Навоийнинг фалакка қарши бош кўтариши, исён унинг тасавуфий эътиқодига зид эмасми? Ахир осмону фалакни ҳам Аллоҳ яратган-ку? Буни англаш учун «тақдир» истилоҳининг маъносини билишимиз лозим. Тақдир ёки тақдири азалий — бу киши ҳаёти, фаолиятининг Худо томонидан олдиндан белгиланиши демек. Бу тушунча тасавуфда кенгроқ маънода талқин қилинади: Мутлақ руҳ томонидан ажралган моддий дунё ўзи мустақил ҳаракат қила бошлайди, одам фарзанди ана шу моддий дунёдан жабр кўради, Мутлақиятнинг ўзидан эмас. Демак, Навоий осмонга қарши газабкор норозилик изҳор этганда, Тангрига қарши эмас, балки ҳамма вақт инсонни азоб гирдобларида тутадиган, ўз муроди бўйича яшашга имкон бермайдиган чархи фалакка қарши чиққан бўлади.

Зухд кўнглум кўзгусин қилмиш мукаддар, эй ҳариф,  
Синдирурмен тавба пири ишқ иршоди била.

«Зухд» — парҳез, тийиниш, узлат. «Ҳариф» — суҳбатдош, дўст. «Иршод» — тўғри йўл кўрсатиш, ҳидоят. «Мукаддар» — губорли, қора, ғамгин. Байтнинг маъноси бу турур: «Зухд, яъни зоҳидона тавба-тазарру кўнглимининг кўзгусини губорли қилибди, эй дўст, бундай тавбани ишқ пирининг раҳнамолигида синдириб ташлайман».

Тавба тасаввуфда ҳам бор. аммо унда бу тушунча тариқат йўлига киришнинг биринчи босқичи, ҳаром-ҳалолдан тийинишни англатади. Зоҳид тавбаси, шундай қилиб, тараққий топмаган, намойишкорона тавбадир. Осмон қадаҳларини «синдириш» билан зуҳд тавбасини «синдириш» орасида алоқа борми? Агар зоҳидлик билан осмон, яъни дунё ва дунёпарастликни алоқадор деб ҳисобласак, унда осмон қадаҳини синдириш билан зуҳд тавбасини синдириш ҳам алоқадор бўлиб чиқади.

Бевафолик гар будурким қилди ул шўх, эй кўнгул,  
Сирфа қилмас ошнолиғ одам авлоди била.

Бу байтнинг маъноси «сирфа» сўзининг («Ғаройиб ус-сиғар» девонининг 1959 йилги ва «Бадоеъ ул-бидоя»нинг 1988 йилги нашрида мазкур сўз шу кўринишда чоп этилган) маъносини англаш орқали билиб олинади. Алишер Навоий асарларининг изоҳли луғатида «сирфа» жабр, зулм, жафо деб тушунтирилган ва ушбу байт мисол қилиб келтирилган. «Фарҳанги забони тожик» луғатида мазкур сўз йўқ, балки «сирф» сўзи борким, унинг маъноси холис, соф, фақат, ҳечдир. «Ғиёс ул-луғот»да ҳам сирф (сирфа сўзи йўқ) сўзи шу хилда изоҳланган. Зулм, жабр маъносини қўйиб кўрайликчи: «Эй кўнгул, бевафолик агар ул шўх қилган даражада бўлса, зулм (жабр) қилмас ошнолик одам авлоди била». Кўриниб турибдики, маъно чиқмади: зулмнинг ошнолик қилиши ёки қилмаслиги мантиқсизлик. Энди «холис», «соф», «ҳеч» сўзларини қўлаймиз: «Бевафолик агар ул шўх қилганчалик бўлса, холис (соф) қилмас ошнолик одам авлоди била» ёки: «Бевафолик агар ўша шўх қилганчалик бўлса, ҳеч қилмас ошнолик одам авлоди била». Бу жумлаларда ҳам аниқ маъно йўқ, байт китобхон учун жумбоқ бўлиб гураверади.

«Ғиёс ул-луғот»да мазкур сўзнинг сарф ва сарфи шакллари ҳам келтириб, изоҳланган. Сарф — олтин ва қумушни саралаш, харажат қилиш, сарфлаш, шунингдек, бута, ҳийла ва ҳодиса, замоннинг айланиши ва бирон нарсанинг тўнтарилиши. Сарфа — ёруғ юлдуз, у Ой манзилларидан ўн иккинчисининг номидир, бахиллик, хасисликни билдиради: ҳийла ва макр, зиқналик рамзи. Бу маъноларнинг қайси бири Навоий байтига мос келади? Агар феъл сўзни оладиган бўлсак, сарфлаш, харажат қилиш, агар

равишни оладиган бўлсак, сира, ҳеч, агар от сўз керак бўлса, юлдуз, фалак маъносида олишимиз мумкин. Сарфлаш маъносида: «Ул шўхнинг бевафолиги — жабру ситами шунақа бўлса, у одам авлоди билан ошнолик қилмайди, яъни одам авлодига ошнолигини сарфламайди». Бунда «ул шўх» — пари, руҳ, умуман реал бўлмаган хилқат сифатида англашилади. Сира маъносида: «Агар ул шўхнинг бевафолиги шунақа бўлса, у одам авлоди билан сира ҳам ошнолик қилмайди». Юлдуз маъносида: «Бевафолик агар ул шўх қилганчалик бўлса, Сарфа, яъни юлдуз одам авлоди билан ошнолик қилмайди». «Сарфа» сўзининг яна тежаш, фойда маънолари ҳам бор: «Агар бевафолик ул шўх қилганчалик бўлса, одам авлоди билан ошнолик фойда қилмайди». Кейинги талқинда маъно борга ўхшайди, дарҳақиқат, маҳбубанинг бевафолигини кўрган лирик қаҳрамон «Одам боласи билан ошнолик қилишнинг фойдаси йўқ экан», деган хулосага келиб, ҳафсаласи пир бўлиши мумкин. Шунинг учун, «Ғаройиб ус-сиғар»нинг янги нашрида «сирфа» сўзининг «сарфа» деб тузатилганини маъқуллаш лозим.

Навоий ўлимни айрилик, деб, ошиққа зулм деб олар экан, уни бевафолик ҳам деб атайди. Ошиқни доғда қолдириб, ташлаб кетиш. Чархнинг, замонанинг бевафолиги, ситамидан бир нишона бу. Шу нуқтада «сарфа» сўзининг замон айланиши, юлдуз (чархи фалак тимсоли), ҳийла, макр, хасислик маънолари ҳам туташади. Фалак одам авлоди билан ошнолик қилмайди, пари одам авлоди билан ошнолик қилмайди ва ҳоказо.

Баски синди нахли уммедим, хушо ул боғбон,  
Ким эрур хушҳол бир навраста шамшоди била.

Маъноси: «Умидим ниҳоли синди эвоҳ, нобуд бўлди. Кўкарган шамшоди билан хушҳолу хурсанд юрган боғбонга ҳавасим келади, қандай яхши!» Аламли ўкинч ва дард бор бу мисраларда — нахли уммедини йўқотган одамнинг ичидан отилиб чиққан ўкирик ва бошқаларга нигоҳ ташлаб таскин топиши. Унинг ниҳоли синган, умидлари чилпарчин, аммо бошқа боғбонларнинг ниҳоли кўкарган, улар шод. Бу ҳасад эмас, бу умидли нигоҳ, ҳаётга, абадиятга боғланиш, ҳаёт абадиятини ҳис этиш. Байтдаги «синди» сўзи олдин ўқиганимиз «рез-рез», «синдирурман» сўзларини эсга солади. Синиш — ўлим, синиш — исён, синиш — тоқатсизлик, руҳий зилзила. Фалак зулми, ажал шамоли унинг умид ниҳолини синдирди, у бўлса бир ғазабга келиб, осмон қаватларини синдиришга чоғланади, бир аччиқ-аччиқ, ҳасрат майини сипқоради, бир «навраста шамшоди»дан хушҳол боғбонларга қараб таскин топади. Шу-да, инсоннинг аҳволи, унинг қўлидан бошқа нима ҳам келарди? Шоир аламзада одамнинг руҳий аҳволидаги ўзгаришлар,

тўлқинларни бир неча шеърый байтда ана шундай терағлик билан чизади. Кейинги байтларда таскин оҳанги, ноиложлик, ночорлик давом эттирилган. Масалан, олтинчи байт:

Чун худий Лайли кулоқин ёлқитур, Мажнун, не суд  
Тоғни гар келтурур афғонға фарёди била.

Яъни: «Эй Мажнун, фарёдинг билан тоғни фиғонга келтирганиндан нима фойда. Лайлининг кулоғи туякашнинг қўшиғи билан тўлган». Шоир ўзининг оҳу ноласидан пушаймон, чунки бўзлаб дод солишлар, фалакнинг гирибонидан олиш ҳеч бир нафъ келтирмайди, ҳеч ким уни эшитмайди. Ҳатто Лайли ҳам Мажнуннинг фарёдларидан тўйган. Ўқириклар беҳуда, ундан кўра, муаззам, беҳудуд Ишқ саҳросига қадам қуй, ўзингни шу билан овут — нажот шунда, деб уқтиради у:

Эй Навоий, ишқ саҳросида худ қўйдинг қадам,  
То нечук, лошқайсан ул поёни йўқ водий била.

Ишқ водийси — илоҳий даргоҳ ҳузури бир-биридан ажралган дўстларнинг васлга эришадиган, дийдор кўришадиган жойи. Инсон руҳи ўз маҳрамини излаб топади. Навоий ва унинг замондошларининг ишонч-имони шундай эди. Шу сабабли шоир ишқ водийсига кирдингми, имиллама, олдинга интил, деб жаҳд этади. Яъни, «Эй Навоий ишқ саҳросига қадам қўйганиндан кейин, энди нега бўшашасан» («лошқайсан» — қадимги туркий сўз бўлиб, бўшашмоқ, имилламоқ маъноларини билдиради) поёни йўқ бу водийда ғазал Навоийга хос ана шундай мантиқий яқун — шоирона руҳбахш оҳанг билан ниҳоясига етган.

## ХОТИМАТ УЛ-КИТОБ

Ўзбекистонда нақшбандия, яссавия, қодирия, нурия тариқатларининг муридлари, мухлислари ҳалигача давом этиб келади. Улар ўз пирларининг силсила ва шажараларини табаррук деб сақлаб келганлар. Айниқса, нақшбандия тариқати бизда кенг тарқалгани маълум. Нақшбандия таълимоти моҳияти, унинг намояндalари ҳаётига бағишланган қўлёзма манбаларнинг кўплиги ҳам шундан далолат беради.

Шулардан бири шоир Васлий Самарқандийнинг «Назм ус-силсила» номли асаридир. (Асар 1913 йилда Тошкентда босилган). Васлий «Назм ус-силсила»да ўз пири, эшони Валихон шажара нисбатини баён қилаётиб, ўттиздан ортиқ шайхларнинг номини тилга олиб ўтади, қайси шайх кимдан таълим олгани, қандай қилиб нақшбандия тариқатига боғланишини аниқлаб беради. Шоирнинг мақсади нақшбандия силсиласи вакиллари ҳаётини ёритиш, тарихий маълумотларни топиб келтириш бўлмасдан, балки, сўфийлик нисбати, тариқат занжирининг ҳалқаларини баён этиш бўлган. Муаллиф аввал араб тилида насрий йўсинда силсилани қисқача айтиб чиқиб, кейин назмда ҳар бир шайх ҳақида алоҳида тўхтаб, унинг кўрсатган хизмати, таҳаллуси, нисбати ва кароматларини таъриф-тавсиф этади.

Асарни шартли равишда икки қисмга ажратиш мумкин. Биринчи қисм Хожа Баҳоуддин Нақшбандга қадар бўлган шайхлар силсиласини ўз ичига олса, иккинчи қисм ҳазрат Нақшбанддан кейинги намояндalар ҳақида маълумот беради. Кўпчилик асарларда бўлганидай, Васлий Самарқандий ҳам нақшбандия силсиласини Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламга олиб бориб улайди, яъни Муҳаммад Мустафо фақирликни Абу Бакр Сиддиққа ўргатди, бу сифат Абу Бакрдан Салмон Форсийга ўтди, ундан Имом Қосимга, Имом Қосимдан Имом Жаъфар Содиққа мерос қолди. Кейин Боязид Бистомий ва Абул Ҳасан Харақоний тасаввуфни тараққий эттирдилар. Васлий шундан кейин Хожи Али Формадий, Хожа Юсуф Ҳамадоний, Хожа Абдулҳолиқ Фиждувоний, Хожа Ориф Ревгарий, Хожа Маҳмуд Анжирфағнавий, Хожа Али Рометаний, Хожа Муҳаммад Бобойи Самосий, Саййид Амир Кулол, Хожа Баҳоуддин

Нақшбанд номларини бир-бир ҳурмат билан тилга олиб ўтади. Бу силсилани «Ҳожагон» силсиласи ёки «олтин занжир» ҳам деганлар.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбандни муаллиф «дин устунларини мустаҳкамлаган, ғайб асроридан мужла берувчи, кўзи олдида ҳар бир махфий нарса ошкор бўлгучи» мукаррам зот, деб таърифлайди.

Хожа Баҳоуддин Нақшбанд тариқатининг давомчилари сифатида «Назм ус-силсила»да Алоуддин Агтор, Яъқуб Чархий, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор (Хожа Аҳрор Валий), Хожа Муҳаммад Зоҳид, Хожа Дарвеш, Хожа Имканагий, Хожа Муҳаммад Боқибиллоҳ, Хожа Аҳмад Форуқ (Имом Раббоний), Хожа Муҳаммад Саййид, Хожа Абдулаҳад, Хожа Муҳаммад Обид, Хожа Муҳаммад Мусохон, Хожа Муҳаммад Сиддиқ, Мавлоно Ҳусайн, Мавлоно Мирмуҳаммад Иброҳимлар кўрсатилган.

Албатта, нақшбандия тариқатининг давомчилари фақат шулар эмас, ушбу тариқат бир неча йўналишда тарқалган. Саййид Аҳмад Васлий Самарқандий ўз пири силсиласига вобаста шайхларнигина асарига киритгани маълум. Аммо бу ўринда биз учун муҳим бўлган жиҳат силсиланинг кейинги асрлардаги ривожидир. Яъни XVIII—XIX асрларда нақшбандия таълимотини эл орасига ёйган Хожа Муҳаммад Обид, Муҳаммад Мусохон, Хожа Муҳаммад Сиддиқ, Мавлоно Ҳусайн, Мирмуҳаммад Иброҳим каби шайхларнинг хизматлари таъкидланиши, муносиб баҳоланишидир. «Назм ус-силсила»да бу зотларнинг таржимаи ҳоли ҳақида айрим маълумотлар ҳам бор. Чунончи, Хожа Аҳмад Форуқ бир неча сўфиёна асарларнинг муаллифи бўлган, мактубларида ҳам талай масалалар устида қимматли фикрлар билдирган. Хожа Муҳаммад Саййид Муҳаммад Форуқнинг ўғли бўлиб, тасаввуф таълимотини отасидан олади ва яна кўп илмларда ягона ҳисобланган. Муҳаммад Обид «аҳли Ҳақнинг кутби», ибодат расминини олий даражага кўтарган бўлса, унинг шогирди Мусохон ҳажга бориб келгач, Бухородан Самарқандга кўчиб бориб, Даҳбед қишлоғида макон тутади ва «ўзбеку тожикни, ашрофу бекларни, деҳқону хунармандларни Ҳақ йўлига чорлаш» билан шуғулланади. Васлий ёзади:

Алғараз, ў то зи Ҳиндистон бишуд,  
Боиси танвири Туркистон бишуд.

(Алқисса, унинг овозаси Ҳиндистонгача борди, Туркистонни равшан этишнинг сабабчиси бўлди).

Маҳдуми Аъзамнинг ўринбосари ҳисобланган Мусохон нақшбандия сулуки одоби ва қоидалари ҳақида бир неча китоблар таълиф этган. Мусохоннинг мажзуб шогирди Муҳаммад Сиддиқ оташнафас валийлиги, девонасифат ошиқлиги билан ажралиб турган, Мавлоно Ҳусайн эса зикри хафийда шуҳрат қозонади. Мавлоно Ҳусайн хонақоҳи Васлий замонида ҳам ишлаб турган.



Агар Мавлоно Ҳусайн Бухорода нақшбанд сулукини янгидан жонлантирган бўлса, унинг иқтидорли шогирди Мирмуҳаммад Иброҳим Самарқандда бу тарикатнинг пойдеворини қуради. Мирмуҳаммад фано ва тавҳид илмида тенгсиз эди, деб ёзади шоир, ўзи ҳам фано дарёсига фарқ бўлар, гуё руҳи илоҳиёт билан қўшилиб, ваҳдат юз берарди. Мирмуҳаммад Самарқанд шаҳрида хонақоҳ курган. Васлий Самарқандийнинг пири муршиди Эшони Валихон ана шу Мирмуҳаммаднинг шогирди бўлган.

Эшони Валихон асли Ургутдан бўлиб, илму ирфонда камол касб этган зот ҳисобланган. Тавҳид асрори, илм ул-яқиннинг қошифи, сурату сийрати пок бу бузургвор ҳақида Васлий ёзади:

Орифи ҳақ, воқифи лавҳи қазо,  
Нури мутлақ, манбаи сабру ризо.  
Силсилажунбони шоҳи Нақшбанд,  
Хонақоҳаш-хонақоҳи Нақшбанд.

(Ҳақ орифи, қазову қадар ёзиғининг воқифи, Мутлақиятнинг нури, сабр ва ризоликнинг тимсоли. Шоҳ Нақшбанд силсиласизанжирининг силкитувчиси. Унинг хонақоҳи ҳам Нақшбанд хонақоҳидир).

Эшони Валихон Ургутда маскан тутиб, мадраса ва хонақоҳ курдирганлар, Васлийнинг ёзишича, ул киши туфайли «Ургут етти кишварга овоза бўлди». Натижада бутун Туронзамин шаҳарлари — Қарши, Ўш, Ҳисор, Кеш, Тошканд, Фарғона, Чоржўй, Кўлоб, Бухоро, Балх, Тароз, Термиз, Хўжанд, Қаротегин, Панжикент, Бадахшон ва бошқа жойлардан муридлар йиғилиб, унинг тарбиясида «Ҳақ нуридан» баҳра топганлар.

Васлий Самарқандий Валихоннинг силсиласини баён этгач, алоҳида «ҳазрати Эшон мадҳида» деган боб ажратиб, пирининг ажойиб кароматлари, эзгу ишлари, илму амал ва нажиб ахлоқи хусусида сўзлайди. Шоирнинг гувоҳлик беришича, Валихон эшон бағоят камтарин, аммо заковатли, валийлик нури манглайида балққан инсон бўлган экан. Минглаб одамлар ул зотнинг ҳузурига келиб, руҳий-маънавий мадад олган, суҳбатидан, дил ҳароратидан қувватланиб, шифо топган. «Сенинг даргоҳинг фитна ва найранглардан холи, истиқомат жойинг малак маконидан ҳам тоза» деб ёзади муаллиф. Эшоннинг бутун фикру ёди халқни тўғрилиқ, ҳақ йўлига ҳидоят этиш, салоҳ ва офият, қаноат ва қалб осойишталигини таъминлашдир.

Дини Муҳаммадийро аз ту ривожу равнақ,  
К-ин раҳ, ки мерави ту роҳи расули содиқ.

(Муҳаммад дини сендан ривожу равнақ топади, чунки бораётган бу йўлинг расули содиқнинг йўлидир).

Эшони Валихон, шундай қилиб, Ургутда нақшбандия сулукининг янги ўчоғини бунёд этдилар. Самарқанд, Қашқадарё,


Сурхондарё воҳаларида у киши ва авлодлари сазй-ҳаракати билан тасаввуф ғоялари кенг сингиб борди. Валихон эшон 1915 йилда вафот этганлар, қабрлари Ургутнинг Чорчинор мавзеидадир. Васлий Самарқандий Валихоннинг фарзанди аржумандлари Хожа Муҳиддинхон ҳақида ҳам ёзади. Муҳиддинхон бузургвор отадан «нури нисбат теккан» муносиб фарзанд бўлиб, Васлий билан бирга мадрасада таҳсил кўрганлар.

Аммо Муҳиддинхон эшоннинг тақдири фожиали бўлди. Совет ҳокимияти номи билан иш кўрган қизил мустамлакачилар миллатнинг гули бўлган зиёлилар қатори равшан фикрли уламолар, руҳонийлар, эшону сўфийларни ҳам таъқиб остига олади. Муҳиддинхон инқилобнинг дастлабки йилларидаёқ, бутун ерлари, ота мерос мол-мулк, уй-жойларини ихтиёрий равишда Совет ҳукуматига топширган бўлса-да, лекин хавфдан омон қолиши мумкин эмаслигини сезиб, хотин ва фарзандларини қолдириб, яширин равишда хорижга қараб йўл олади. Бир неча йил Афғонистонда яшаб, сўнгра Арабистонга борган ва ўша ерда вафот этган. Ул кишининг ўғли Кутбиддинхон (1983 йилда вафот этган), нақл қилишларича, вақф ерлардан келган даромадни камбағаллар ҳожатини чиқариш ва муллаваччалар харажатини таъминлашга сарфлаган. Муҳиддинхон Ургутда янги мадраса қуриб, Бухоро ва Самарқанддан мударрисларни даъват қилганлар, тариқат таълими баробарида зоҳирий илмларни ўргатиш жорий қилинган экан.

Кутбиддин эшоннинг тақдирлари ҳам бизга ибратли. Ул зот филология фанлари номзоди, Маҳдихоннинг «Санглох» асарини таржима қилган, «Фарҳанги забони тожик» ва «Алишер Навоий асарлари изоҳли луғати»ни тузишда фаол қатнашган аллома, мискин табиатли инсон эдилар. Илму адабда қалби дарё бўлган ана шу беозор киши ўн бир йил Сибир жазо лагерларида азоб чекиб қайтди. «Гуноҳи» — эшон авлодидан экани. «Сенинг отанг чет элга қочиб кетган, лашкар тўплаб советларга қарши курашади, шунинг учун сен айбдордирсен», деб устидан «иш» кўзгаганлар.

Камина худди шу ўринда ҳазрат Кутбиддинхон эшон билан узоқ йиллар ҳамсуҳбат бўлиб, мурид тушиб, илмларидан баҳраманд бўлганлигим, оталик меҳрини туйганлигимни камоли шукроналик ва эҳтиром билан таъкидлаб ўтмоқчиман.

Бу фактларни қайд қилишимдан мақсадим, маънавият пешволари, руҳий мураббийларимиз бўлиб келган тасаввуф вакиллари, жумладан, нақшбандия шайхлари тарихимизнинг ажралмас қисми эканини таъкидлаш ва уларнинг ҳаётини ўрганиш мустақиллик пойдеворини қураётган халқимиз учун муҳим сабоқ эканини айтишдир. Дарҳақиқат, маънавият ва мустақиллик тушунчалари ўзаро алоқадор, чунки тарихимиз, маънавиятимизни қанчалик чуқур ўргансак, мустақиллигимизнинг моҳиятини шунчалик чуқур англаб борамиз.



# ТАВҲИД АСРОРИ

*Иккинчи китоб*



## ТАСАВВУФ ФАЛСАФАСИ

Тасаввуф, бир томондан, дин ва шариат, иккинчи томондан, фалсафа ва ҳикмат илми билан боғлиқ ҳолда ривожланиб келган ўзига хос таълимотдир. Аммо шуниси борки, сўфийлар ўзларини ҳар доим файласуфларга ва калом аҳли (шариат аҳли уламолари)га қарама-қарши қўйиб келганлар. Нега? Чунки калом аҳли Қуръон оятлари, Пайғамбар ҳадисларини зоҳиран ўрганиш, олам яратилиши ва тузилишини айнан диний тасаввурлар билан тушунтиришдан нарига ўтмас, исломни ҳам, имонни ҳам ақл билан қабул қилиш ва аҳкомларнинг расм-русумлари, одатларни мустаҳкам сақлаш учун курашганлар. Шу боис сўфийлар аҳли Калом аҳлини ҳам, шариат уламоларини ҳам «муқаллидлар», яъни ўтганларга тақлид қилувчилар, қуруқ ақидапарастлар деб атаганлар. Файласуфлар (чунончи, Форобий, Ибн Сино, Ал-Киндий, Ибн Рушд каби) эса юнон донишмандлари Афлотун, Арасту ва бошқаларнинг тажриба ва кузатув, мантиқий таҳлил ва умумлашмалар орқали табиат, инсон ва жамиятни тадқиқ этиш йўлидан борганлар. Қўринадики, аҳли каломда ҳам, аҳли ҳикматда ҳам ақлий-мантиқий илм, тажриба қилиш, билим йиғиш етакчилик қилади.

Файласуфлар Худони ҳам шу йўсинда ўрганиб, уни Сабаби аввал, Биринчи туртки ёки Жавҳар деб таърифлаганлар. Гарчи Афлотун ва унинг издошлари Худони мутлақ руҳ деб, инсон ва оламда руҳ бирламчи асос эканлигини тан олсалар-да, бироқ уларда уни ўзидан ўтказиб эмас, балки «объектив борлик» сифатида, асосбоб сифатида четдан туриб ҳиссиз қараб чиқиш кўзга келмади. Фалсафада одамни табиий тараққиётнинг олий кўриши, Парвардигор яратган энг мукамал ва мўътабар хилқат, қараш мавжуд. Форобий ва Ибн Сино асарларида бу тез-тез олинади. Қуръони каримда ҳам «Валақад каррамно бани ад-дарҳақиқай, Одам болаларини мукаррам қилиб яратдик»), инсон улуғланади ва фаришталар унга сажда қилдирилади. Тасаввуф инсон ҳақидаги бу қарашларни қабул қилган. Шу инсоннинг икки асос — жисм ва руҳдан иборатлиги, инсоннинг тўрт унсур — сув, олов, ҳаво ва тупроқ хусусиятлари

жамлангани қайд этилади. Инсон ўз руҳи билан фаришталарга, жисми билан эса табиатга, яъни ҳайвонларга бориб тақалади, дейди тасаввуф шайхлари.

Бироқ уларнинг ҳаммаси тасаввуфда ўзга мақсад, ўзига хос йўлша талқин қилинади. Бу ўзига хослик нималарда кўринади? **Биринчидан**, бу — дунёга **антропоцентризм** нуқтаи назаридан қарашда кўринади. Яъни инсонни «олам меҳвари» деб билиш, оламдаги барча ҳаракат, воқеа-ҳодиса, ўзгариш-янгилинишларни инсонда мушоҳада этиш ва инсон орқали тушунтириш. Табиатдаги жамик ички зиддият ва ривожланиш, ўсиш-улғайиш, руҳнинг мўъжизалари инсонда бор, деб таърифлайди Жалололдин Румий «Маснавийи маънавий» асариди. Шу каби Оламни ва Одамни яратган Парвардигор жавҳари, исмлари, қудрати ва моҳиятини англаш ҳам инсон руҳи хусусиятларини ўрганиш ва англаш билан амалга ошади.

**Иккинчидан**, Парвардигорни ва Унинг қудрати, мўъжизалари, ғайб оламини фақат ақл билан билиб бўлмайди. Мен «фақат» сўзини таъкидладим. Чунки баъзи ишларда тасаввуфнинг билиш назарияси бўлган ирфон илмини иррационализм ёхуд мистика деб таърифлаш расм бўлиб келмоқда. Тўғри, тасаввуфда иррационал (важдий) билиш етакчилик қилади. Аммо, бу тасаввуфда ақл бугундай инкор этилган, деган гап эмас. Тасаввуфда ҳам ақлий билиш, ақл қудрати тан олинади. Бироқ ақл дунёвий билимлар, далил билан исботланиши мумкин бўлган билимларга ярайди, ғайб илмини идрок этишга эса ақл ожиз, дейди сўфийлар. Ғайб илми, Худованд оламидаги беҳад-беҳудуд илмларни сўфий алоҳида ҳиссий-важдий тафаккур билан, қалбга тушган каромат нури билан англаб, идрок этади. Шу боис тасаввуфда **мукошафа**, **кашфу каромат**, **ҳол-сукра** тушунчаларига алоҳида эътибор берилади.

Худди шу ерда тасаввуфдаги **учинчи** ўзига хослик келиб чиқади. Яъни ақлий тараққиёт — бор билимларни эгаллаш билан қаноат ланмасдан, балки руҳни чиниқтириб, қалбни мусаффолаш орқал **чексиз камолотга** интилиш, ўзи-ўзини такомиллаштириш, янги янги мақомлар-мартабаларни эгаллаб бориш. Бу эса фақат назар тайёргарлик, таълим-таҳсил билан бўлмайди, бунинг учун муай руҳий-маънавий йўл — тариқатни босиб ўтиш, қаттиқ ва қатт чекланиш ва маҳрумликларни бошдан кечириш лозим, деи сўфийлар. Шундай қилинмаса, руҳ тана устидан, нафс усти табиат устидан ғолиб бўлолмайди. Инсон ўз асли бўлмиш Му руҳ ҳолатига яқинлашиш, Унинг васлига етишиш учун ҳам шу қилиши керак.

Шундай қилиб, **комиллик** сари интилиш, фаришта хусуси қасб эта бориш ва ундан-да ўзиб кетиш кенг тарғиб қили Бунинг амалии одоби, расму русуми, кодекслари ишлаб чи булар тариқат деган тушунчада жамланди.

Кўринадики, тариқат ижтимоий ҳодиса сифатида жамият тараққиётига хизмат қилган. Тариқат асосида тасаввуфнинг яхши, идеал жамият ҳақидаги қарашлари вужудга келган. Масалан, Жомийнинг «Хирадномаи Искандарий» ва Навоийнинг «Садди Искандарий» дostonларида подшоҳсиз одамлар, яъни солиҳ кишилар жамияти ҳақида гап боради. Тасаввуф бундай жамиятга зўрлик, инқилоб йўли билан эмас, ҳар бир инсонни ахлоқий тарбиялаш орқали етиш мумкин, деб ҳисоблаган.

Инсоннинг мутлақ ҳақиқат, мутлақ адолат ва покликка эришиш истаклари тасаввуфда мужассам бўлди. Бу эҳтиёж, орзу кучли завқ ва иштиёқни, ўзини унутиш ва беҳудликка олиб борган Ишқни келтириб чиқаради.

Шундай қилиб, тўртинчи хусусият — тасаввуфда *Илоҳий ишқ орқали покланиш* ва пок Парвардигор васлига етишиш ғоясидир. Парвардигор — бир Идеал, Унинг олами Мутлақ поклик олами. Шунинг учун инсон ҳам батамом пок бўлгандагина бу оламга эриша олади. Пок бўлиш учун эса қалбда шу поклик тимсоли улуғ Тангрига беҳудуд ва адо бўлмас муҳаббат бўлиши керак. Бу муҳаббат мавҳум бир туйғу эмас. Балки Илоҳ яратган моддий оламдаги гўзаллик — Илоҳнинг каломи ва жамоли акс этган нарсалар ва Унинг гултожи инсонга муҳаббат орқали боради. Шу тариқа дунёвийлик билан илоҳийлик ўзаро боғланади. Шуниси ҳам борки, илоҳий муҳаббат — бу ирфоний бир туйғу, яъни билиш завқи, англаш завқидан, ғояга, маърифатга айланиш завқидан бошқа нарса эмас. Ғояда сўфий муҳаббат оташида ёниб, гўё моддийликдан қутулиб, яхлит бир ғоя — бир маърифат парчасига айланади. Шундай қилиб, агар тасаввуфга шу нуқтаи назардан таъриф бермоқчи бўлсак, унда: «Тасаввуф ишқ оташида туғилган туғёнли тафаккурдир», — деган жумла ҳосил бўлади. Демак, бунда ҳам инсонни олам меҳвари деб қараш ўз моҳияти билан намоён бўлмоқда. Зеро, ишқий тафаккур, суратдан моҳиятга қараб бориш, руҳнинг номаълум жилолари, манзараларини кашф этишга етаклайди. Бежиз эмаски, ҳозирги ғарб файласуфларида кўринадиган психологик билимлар мажмуи (психоанализ, парапсихология, экзистенциализм) кўп жиҳатлари билан ориф сўфийлар ва Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий, Ибн ал-Арабий каби мутафаккирларнинг фикрларини эслатиб туради.

Бешинчидан, тасаввуфдаги онтология, яъни олам ҳақидаги қарашлар ҳам ирфоний муҳаббат тушунчаси билан боғлиқ эканлигини сезиш мумкин. Ўша тасаввуфда кенг тарқалган ваҳдат ул-вужуд таълимотини олайлик. Бу таълимотга биноан, Худованд оламларини Ўз жамоли ва камолини намойиш этиш учун яратди. Яъни У Ўз ҳуснини томоша қилиш учун Ўзига кўзгу яратдиким, бу бизни ўраган моддий оламдир. Аммо, бу кўзгунинг жавҳари — инсон

қалбидир. Бошқача айтганда, Парвардигор инсон қалбида Ұзини кўради. Демак, олам — муҳаббат маҳсули, инсон — Худонинг энг севган махлуқи. Шундай экан, муҳаббат, интилиш икки томонлама — биз Худога интиламиз ва Худо бизга таважжуҳ этади. Ошиқ ва маъшуқ тушунчалари бир-бири билан алмашиб, қоришиб кетади.

Албатта, буни оддий фалсафий тил билан тушунтириб бўлмайди, буни шариат аҳли ҳам қабул қилмайди. Чунки бундай оламни ва Худони бир нажиб поэтик маънода тасаввур этиш инсоннинг абадий ҳаётдан умидвор қалбининг соғинчи ва армони, тасаввуридир. Тасаввуф бўйича, Парвардигор аввал жабарут (буюклик) оламини, кейин малакут (фаришталар) оламини, кейин мулк (моддий) оламни, кейин инсон бадани оламини яратган. Кўнгил (рух) шу оламларни сайр этиб, инсонга нузул этади ва яна шу оламлар бўйлаб уруж этади (кўтарилади). Оқибатда Рухнинг бегоналашуви ва яна бирлашувидан бир доира яқун топади. Бу доира олами Куброни олами Суғро — инсон билан боғлайди. Олами Суғро — инсонда олами Кубродаги жами хусусиятлар мавжуд. Бу ҳам оламга антропоцентристик қараш натижасидир.

Ваҳдат ул-вужуд таълимотининг иккинчи қисми — тажаллий назариясини олайлик. Бу назарияга кўра, бутун олам зоти азалий нурининг порлашидан мавжудлик топади. Ҳаракат ва боғланишлар, вобасталиклар, ҳаёт жилолари шундан. Инсон буни идрок этса, ўз Раббини тезроқ танийди. Демак, яна инсон билан боғлиқ қилиб тушунтирилади.

Ваҳдат уш-шуҳуд тарафдорлари эса Ибн Арабий номи билан боғлиқ ваҳдат ул-вужуд таълимотини ислоҳ қилиб, уни яна ҳам инсонга яқинлаштириб талқин этадилар. Яъни, олам ва Худо вужудининг ягоналиги эмас, балки олам ягоналигини мушоҳада этиш биринчи режага олиб чиқилди. Парвардигор инсон қалбида акс этиб, Ұзидан шоҳидлик беради ёки Ұзини Ұзи мушоҳада этади. Маълум бўладики, инсон қанчалик камолга эришса, покланиб, илоҳийлашиб борса, унда илоҳийлик сифатлари кўпайиб бораверади ва охир-оқибатда у Мансур Ҳаллож каби «Анал-Ҳаққ» («Мен Ҳақман») дейишга ҳақли бўла олади.

Шундай қилиб, тасаввуф аҳли оламни яхлит борлиқ (ҳастий) деб тан оладилар. Аммо бу яхлитлик ва мавжудлик Худо вужуди — вожиб ул-вужуд орқали англашилади. Моддий олам ўз ҳолича мавжуд эмас. Унинг мавжудлигининг сабаби — Вожиб ул-вужуд (зарурий вужуд)нинг борлигидир.

Тасаввуфдаги ўзи-ўзини такомиллаштириш ғояси, ахлоқий юксалиш, эзгулик, хайр, ҳиммат, мардлик ҳақидаги қарашлар бутун мусулмон оламига кенг тарқалиб, катта ижтимоий ҳодисага айланган эди. Дарвешлар, сўфийлар, шайхлар, валийсифат руҳонийларни халқ жуда ҳурмат қилган, уларга эътиқод кўйиш

орқали Тангри таоло қудратини чуқурроқ ҳис қилган, амалий турмушда одамлар шу дарвешлар каби қаноатли, ҳалол бўлишга интиланган, нафсини тийган. Шунинг учун ҳам тасаввуфга таъриф берганда, жуда кўп шайхлар уни — шайтоний нафсни жиловлаш ва раҳмоний хислатлар касб этиш илми, деб кўрсатганлар.

Энди бу ўринда шуни айтиш керакки, агар тасаввуфнинг негизида чин инсонпарварлик ғояси, халқнинг адолат ва ҳақиқат ҳақидаги орзулари ётмаганда, у бунчалик кенг тарқалмас, бунчалик оммавийлашиб, ижод аҳли қалбидан ўрин олмасди, бу қадар қайноқ ва жозибали бир шеърят яратилишига туртки бўлмас эди.

Бироқ яна бир нуқтани таъкидлаш муҳим: тасаввуфнинг сатҳи кенг, йўналишлари кўп. Ҳамма сўфийларни фалсафага дахлдор, деб бўлмайти. Умуман, файласуфларни ёқтирмайдиган шайхлар ҳам бўлган.

Тасаввуфнинг «фалсафалашиш» даври — XIII-XIV асрларда бир қатор мутафаккир адиблар, ориф сўфийлар етишиб чиқдики, биз уларни тасаввуфни фалсафа билан боғловчилар, деб айтамиз. Чунончи, Ибн ал-Арабий, Абу Ҳомид Муҳаммад Ғаззолий, Фари-диддин Аттор, Азизиддин Насафий, Яҳё Сухравардий, Ибн Сабоин, Абдураззоқ Кошоний, Абдулкарим Жилий, Маҳмуд Шабустарий, Жалолиддин Румий, Абдурахмон Жомий, Абдулқодир Бедил шундай мутафаккирлар. Буларнинг ижодида олам ва одам ҳақида ўйлар, қазову қадар, эрк ва ихтиёр, суврат ва маъно, ақл ва руҳ, вақт ва замон, инсон тийнати хусусида кўплаб янги қарашлар баён этилган. Бу зотлар илоҳийшуносликни бутунлай янги поғонага кўтардилар. Уларнинг асарларида инсоний маърифат инсоний кечинмалар тасвири ва таҳлили билан олиб борилди, комил инсон хислатлари батафсил ишлаб чиқилди.

Бу муаллифлар ўз қарашлари билан Ибн Сино, Ибн Рушд, Умар Хайёмга яқинлашиб бордилар, яъни ирфоний тасаввуфни ривожлантирдиларки, бу, масалан, Ибн Сино томонидан ҳам илиқ қарши олинган эди. Ибн Сино ирфоний билиш йўлини инкор этган эмас, аксинча, «Хайй ибн Яқзон», «Ат-Тайр», «Саломон ва Абсол» номли асарларида рамзлар орқали сўфиёна маърифатга эришишни тасвирлайди. «Рисола фи ал-ишқ» асарида эса муҳаббатни айнан ирфоний мазмунда талқин этган.

Умар Хайём рубоийлари ичида ҳам биз Абу Саид Абул Хайр, Авҳадуддин Кирмоний, Хожа Ҳофиз рубоийлари каби сўфиёна ғояларни ифодалаганлари бор. Шунинг учун аслида соф рационализм тарафдори бўлган олимлар ҳам тасаввуфнинг орифона йўналишини ўзига хос бир йўл, деб қабул қилганини кўрамайз. Умуман, бизнинг тарихимизда фалсафий тафаккур билан бадиий тафаккур бақамти ривожлангани каби, ақлий (рационал) ва ваздий (ирроционал) билимларни эгаллаш ҳам бирга ривожланган.



Шу боис суфий шоири ёки олими деб ном чиқарган кишиларнинг асарларида дунёвий билимлар, ҳикмат ва донишмандликнинг бутун бир сандигини очиш мумкин. Масалан, Жалолиддин Румийнинг асарларида қанчадан-қанча фалсафа бор, қанчадан-қанча инсоний муаммолар тилга олинаиб, ҳануз тозалигини йўқотмаган фикрларни топиш мумкин. Эрон олими Муҳаммад Тақи Жаъфарий ўзининг «Мавлави ва Шарқу Фарб мактабларидаги дунёқарашлар» номли китобида кўпдан-кўп мисоллар қиёси билан Румийнинг «Маснавийи маънавий» номли олти дафтардан иборат муҳташам асари бугун бир фалсафий эканлигини исботлаган. Унда нафақат Шарқ руҳият фалсафаси, ирфоний илмлар қаймоғи акс этган, балки кейинчалик Фарбий Оврупода кашф этилган қарашлар гизимининг дастлабки тағзаминини кўрса бўлади. Чунончи, Румий биринчи бўлиб, оламнинг заррадан коинот қадар ўзаро вобасталиги, бири бири билан тортилиб туриши, диалектик тараққиёти (оддийдан мураккаб сари ривожланиш, ҳамма ерда зиддият ва қарама-қаршилиқлар бирлигининг мавжудлиги) ҳақида фикрлар баён этган эди. Бу бир неча асрдан кейин Ҳегел томонидан ривожлантирилди.

Руҳнинг ички интизоми, фикрнинг пайдо бўлиши ва йўқолиши, тасаввур ва тафаккур, ҳаёл ва борлиқнинг онгта, онгнинг борлиққа таъсири, инсон мавжудлигини аниқлайдиган белгилар, инсоннинг алданиши, ёлғон тасаввурлар ва чин билим, тажриба ва таҳлил, жузв ва кулл, конкретлилик ва мавҳумлик, Ҳақ сифати ва одам сифати каби юзлаб масалалар устида баҳс юритилади «Маснавийи маънавий»да.

Тасаввуф мусулмон халқларининг ахлоқига чуқур сингиб борган, бу шу даражадаки, дарвеш, сўфий ахлоқи бир ибрат, намуна сифатида олиб қаралган. Дарвеш кўпдан-кўп бадий асарларнинг қахрамонига айланган. «Ахлоқи Носирий», «Ахлоқи Жалолий», «Ахлоқи Муҳсиний» каби ўрта аср ахлоқ китобларида давлатчилик, адолатли жамият, одил ҳукмдор тушунчалари ҳам сўфиёна қарашларга боғлаб талқин этилади. Бу ғоялар бадий адабиётдан чуқур ўрин олади ва ўзига хос тасаввуф эстетикаси шаклланади.

Шулар асосида комил инсон ахлоқи, маънавияти ҳақидаги қарашлар мажмуи тўпланган. Тасаввуф ғоялари бора-бора халқнинг яхшилик, олий ҳақиқатлар ҳақидаги ғоялар, орзулари билан қўшилиб кетади ва фольклорга ҳам сингади.

Бу қисқа баёнимиз шуни кўрсатадики, тасаввуф бирор-бир фалсафий тизим ўрнини эгаллашга даъво қилган эмас. У, бир томондан, диний, иккинчи томондан, фалсафий-ирфоний қарашлардан озиқланган ўзига хос таълимот ва ахлоқий уставлар мажмуидир. У инсон руҳияти эрки, инсон ички олами, ҳислари парвозини ифодалаб, Шарқ фалсафий тафаккурида муҳим ўрин эгаллаган, маънавиятимизни бойитишга улкан ҳисса бўлиб қўшилган эзгу ғоялар, нажиб ҳикматлар силсиласидир.

## КОМИЛЛИК ТАРИҚАТИ

### Уруж

Тасаввуфга оид манбаларни мутолаа қилган одам, шубҳасиз, мақом, марҳала, мартаба, манзил, даража каби атамаларга бот-бот дуч келади. Улар инсон зотининг такомиллашуви, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиши, аввалги сифатидан юқорироқ, мукамалроқ сифатга юксалишини англатади. Яъни, руҳнинг манзилдан манзилга сафар қилиб (шу боис сўфийлар сайр, сафар сўзларини ҳам кўп қўллаганлар), бир мақом — бекатдан иккинчи мақомга тараққий этиб, мартабалар сари кўтарилиб-юксалиб бориши, қувватланишини билдиради. Чунончи, тариқатдаги мақомот босқичларини ёдга олинг: тавба, зуҳд (тақво), вараъ (парҳез), фақр, сабр, хавф (қўрқув), ражо (умид), таваккул, ризо. Мурид (солик ҳам дейилади) пир қўлида ана шу руҳий-маънавий босқичларни босиб ўтиши керак. Бу мақомларнинг ҳар бири инсоннинг ўз-ўзи билан жанг қилиши, ўз нафсини енгиш жараёнини ифода этади. Ҳар бир мақом — бир имтиҳон, бир улуғ доводдир. Айти вақтда муайян руҳий ҳолат ҳам. Бир ҳолатда камол топмаган одам иккинчи ҳолатга ўтолмайди. Агар солик эгаллаган даражаси билан қаноатланса, ўша ҳолатда қолиб кетади. Аммо инсоннинг инсонлиги шундаки, у эришган даражаси билан ҳаргиз қаноатланмайди. У билим олиш, ўсиш, улғайишдан чарчамайди; киши нақадар билимли бўлса, маънавияти нақадар юксак бўлса, шу қадар яйрайди, ғалаба уни бақувват қилади, қалбига жасорат, куч бағишлайди. Бунинг учун у риёзат ва ажза ҳам чидайди, чунки бу ажзу азоб ортида мусаффолашиш, нур билан тўлишиб, ҳузурланиш борлигини биледи. Бу хусусият соф нурдан иборат фариштада ҳам, жисм эҳтиёжи билан яшайдиган ҳайвонда ҳам йўқ. Бу фазилатни Аллоҳ фақат фаришта ва ҳайвон орасидаги мавжудот бўлган инсонга ато этган. Чунки инсон руҳи Раҳмони Раҳимнинг нуридандир (амридандир) ва шу боис бу руҳ ўз асли — Мутлақ руҳ олами сари тинимсиз интилади, ҳайвонийликни тарк этмоқ учун курашади. Тариқат йўли, шундай қилиб, тараққиёт йўлидир. Тариқат йўлига кирган солик эса бунга ўзини онгли равишда бағишлайди, бу жараёни тезлаштирмоқчи бўлади, ўзигидан, ўз нафсидан ғолиб

келади, янги-янги мақомларга кўтарилаверади, унинг қалбидаги Илоҳга муштоқ илҳом булоқлари кўз очаверади. Шу тариқа диққат қилсангиз, тариқат мақомлари инсоннинг Илоҳ сари, Мутлақ руҳ сари, Ҳақ сари таважжуҳи ва сафарининг зиналари — меърождир.

Буюк сўфий шоир Жалолиддин Румийнинг фикрича, фақат солиқлар эмас, одамзотнинг барчаси ҳам узлуксиз тараққий этиши керак. Чунки одам — табиат тараққиётининг натижаси, яъни Парвардигор аввал жонсиз жисмларни яратди, ундан ўсимликлар вужудга келди, ўсимлик тараққий этиб, ҳайвонга айланди, ҳайвон тараққиётдан одам пайдо бўлди:

Аз жумодий мурдаму нумий шудам,  
В-аз нумо мурдам, зи ҳайвон сар задам.  
Мурдам аз ҳайвонию одам шудам,  
Пас, чи тарсам, кай зи мурдам кам шудам?  
Жумлаи дигар бимарам аз башар,  
То барорам аз малюик болу пар.  
Аз малак ҳам боядам жастан зи жў:  
«Куллу шайъин ҳолик илло важҳаҳ».  
Бори дигар аз малак паррон шавам,  
Он чи он дар ваҳм н-ояд-он шавам,  
Пас адам гардам, адам чун аргунун,  
Гуядам: «Инно илайҳи рожиун «.

Яъни: жисмликдан кечиб, ўсимлик бўлдим, ўсимликдан кечиб, ҳайвонга дўндим. Ҳайвонликдан кечиб, одам бўлдим. Бас, нега қўрқайин, ахир, баридан кечиб (ўлиб) кам бўлганим йўқ-ку! Энди одамликдан ҳам буткул кечмоқчиман (одам сифатида ўлмоқчиман), токи фаришталардай қанот чиқарайин. Аммо фаришталикдан ҳам сакраб ўтишим керак, (чунки): «Бор мавжудот ҳалокатга юз тутади» (дейилган Қуръонда). Яна бир марта фаришталикдан парвоз этайин, хаёл бовар қилмайдиган не нарса бўлса, ўшанга айланайин. Кейин куй каби ғойиб бўлайин йўқлик қаърига, шунда Тангрим десин: «Албатта биз Унга қайтувчилармиз».

Мавлоно Румийнинг бу сатрларида оламнинг айланиши, одам ва табиат, одам ва Илоҳ орасидаги боғлиқлик ва муносабатларнинг буюк бир фалсафаси акс этган. Аввало «ўлмоқ» сўзи ҳақида. Шоир бу сўз воситасида бир шаклдан иккинчи шаклга, бир сифатдан иккинчи сифатга ўтиш жараёнини баён этади. Яъни жонсиз жисмлар — бир моддий шакл; ўсимлик — иккинчи моддий шакл; ҳайвон — учинчи моддий шакл; инсон — тўртинчи моддий шакл. Аммо булар бир-бири билан вобаста: жонсиз жисмлар, нарсалар бўлмаса, ҳайвон йўқ; ҳайвоний шакл юзага келмаса, инсоний шакл ҳам бўлмас эди. Инсон — жамики мавжудотнинг гултожи, қаймоғи, деган фикр шунга асосланган. Инсонда ўзигача тараққий

этган моддий шакллар — маъданлик, ўсимлик, ҳайвонлик мужас-сам. Шундай қилиб, инсон — табиий тараққиёт маҳсули.

Китобхоннинг ҳафсаласи пир бўлиб, кўнглида алланечук галаён бош кўтарса ажаб эмас: ахир, бу — «маймуншунос» Дарвиннинг таълимоти-ку?! Наники, Жалолиддин Румийдек авлиё бир зот материализмни тарғиб этган бўлса?

Йўқ, мухтарам ўқувчи, Румий материализмни тарғиб этган эмас. Кўнглингиз хотиржам бўлсин. Мавлоно бус-бутун олам тараққиёти ҳақида гапирган, холос. Ул зот тасаввурида моддий олам тараққиёти руҳ тараққиётидан айри ҳолда эмас. Бошқача айтганда, маъданлар ёки тўрт унсур — олоа, ҳаво, сув, тупроқдан иборат жисмларнинг ўсимликка, ўсимликнинг ҳайвонга, ҳайвоннинг инсонга айланиш жараёни руҳнинг иштироки ва бошқаруви остида содир бўлади. Шу боис руҳнинг ҳам даражалари бор, дейилади. (Бу ҳақда ҳали тўхталамиз). Руҳнинг энг қуйи даражаси — маъданлар руҳи; сўнгра — ҳайвон руҳи; кейин — инсон руҳи, яъни руҳи нотиқа (гапирувчи руҳ) туради. Демак, руҳ тараққий этгани боис ҳаёт бошланган, ҳаётнинг турли шаклда такомиллашуви эса руҳнинг тобора янги мартабаларга юксалиши(уржи) натижасидир. Мавлоно Румий айнан руҳ тараққиётини назарда тутганлари боис «ўлиш»дан, яъни бир шаклдан иккинчи шаклга ўтишдан қўрқмаслик керак, чунки бу «ўлиш»лар руҳни тубанлик сари эмас, аксинча, юксаклик сари етаклайди, дея таъкидлаганлар. Оддийликдан — мураккабликка; зоҳирдан — ботинга; саёзликдан — теранликка; кўринган вужуддан — кўринмас, ғайбий вужуд моҳиятига қараб бориш — юксалиш жараёни ана шудир.

Руҳ, қадимги файласуфларимиз ва машойихларимиз нуқтаи назарича, бир латиф (ғоят нозик) жавҳар, балки олий бир биологик қувват, амр оламидан нузул бўлган Раҳмоний нафас. Тириклик, ҳаёт жисм ва руҳ таносубиятидан ҳосил бўлган. Мия эса ана шу мураккаб тананинг нозик ва мураккаб аъзоси. Инсон Илоҳ яратган энг мураккаб хилқат бўлгани боис янада мураккаб-лашиш, яъни тараққий этишга мойил, шунга эҳтиёжманд.

Мавлоно Румий назарида, руҳнинг боқийлиги ва фалаклар узра парвози муҳим. Буюк мутафакирнинг фикрича, инсон фаришта ва ҳайвон орасидаги вужуд бўлса-да, у ўша ҳолида қолиб кетмаслиги керак. У азобдан халос бўлиши, фаришталик мақомига етишиши, ҳатто бундан ҳам юксалиб, илоҳий олам саодатига мушарраф бўлиши мумкин. Мавлоно: «Неки моддийдир — ҳалок бўлади», — деган ояти каримани зикр этиб ўтар экан, жисмоний ўлимдан қўрқмаслик керак, чунки ўлим руҳни халос этади, тараққиёт учун унга яна қанот бағишлайди, дейди. Инсон камолоти, руҳининг парвози поёнсиз. Бу камолот миқёсини ҳатто ҳаёлга ҳам келтириб бўлмайди.

Шундай қилиб, руҳ тадрижий тараққиётга сабабчи омил экан, унинг ривожланиш чегараси борми? Руҳ билан бирга жисм ҳам тараққий этадими? Нега руҳ аввал пастга қараб тушиб, кейин яна юқорига юксалади? Инсон вужудида руҳ ва жисм бирдан яратиладими ёки бирин-кетинми? Ҳамма одамларнинг руҳи ҳам бирдек тақомиллашув қобилиятига эгами, йўқми? Бунга ўхшаш саволлар пайдо бўлиши табиий. Қадимги файласуфларимиз, машойихларимиз ҳам бу масалалар ҳақида бош қотирганлар. Руҳнинг мабдаи(чиқиш жойи), маоди(қайтиши), руҳ манзиллари ва даражалари ҳақида ҳам турлича қарашлар бўлган.

Масалан, XIII асрда яшаб ўтган шайх Азизиддин Насафийнинг фикрига кўра, бу масалада тўрт хил қараш бор. Биринчиси — аҳли калом, яъни шариат аҳли қарашлари; иккинчиси — аҳли ҳикмат, яъни файласуфларнинг қарашлари; учинчиси — аҳли ваҳдатнинг биринчи тоифаси, яъни ваҳдатул вужуд таълимоти тарафдорларининг қарашлари; тўртинчиси — аҳли ваҳдатнинг иккинчи тоифаси, яъни ваҳдатул мавжуд тарафдорларининг қарашларидир. Насафий тасаввуф таълимотида шу тўрт тоифанинг қарашлари омухта бир кўринишда ифодаланган, деб ҳисоблайди. Шу боис у «Зубдат ул-ҳақойиқ» («Ҳақиқатлар қаймоғи») рисоласида руҳ даражалари, руҳнинг нузул (тушиш) ва уруж (кўтарилиш) хоссалари ҳақида фикр юритганда, шариат, ҳикмат ва ваҳдат аҳли қарашларини ўзаро солиштириб чиқади ва шу асосда тариқат аҳли ниятини ҳам баён этади. Шариат аҳли ҳам, ҳикмат аҳли ҳам, ваҳдат (тасаввуф) аҳли ҳам одам руҳ ва жисмдан иборат эканини, руҳ Парвардигори оламнинг Раҳмоний нури — нафаси эканини тан олади, руҳ муайян даражаларга эга ва шу даражалари билан нузул этади, деб уқтиради. Шундай экан, уларнинг қарашлари нимаси билан фарқ қилади?

Фарқ шундаки, шариат аҳли таълимоти бўйича, ҳар бир одамнинг руҳи тақдири азалда белгиланган даража-мартабада туради, шу даражада нузул этади ва қайта кўтарилганда ҳам ўзи нузул этган пайтдаги манзил-мартабагача боради, ундан юқорига кўтарилмайди.

Ҳикмат аҳли ва сўфийлар таълимоти бўйича эса одам руҳи тараққий этиб, аввалги манзил-мартабасидан ошиб кетиши мумкин. Бунинг устига, сўфийлар дейдиларким, агар одам Илоҳ сари таважжуҳ этиб, унинг васлига мушарраф бўлса, тириклигидаёқ руҳи жисмидан ажралиб чиқиб, барча оламларни, жаннату дўзахни айланиб қайтиб келиб, яна жисмига кириши мумкин.

Насафий таснифига биноан, оламлар Парвардигорнинг зот ва сифатларидан иборат бўлиб, сифатлар оламини яна жабарут (буюклик), малакут (фаришталар) ва мулк (моддий) олами, деб учга бўладилар. Тангри субҳонаҳу таоло оламларни яратган ва

жамики мавжудот эса Унинг сояси бўлган Воҳиди ваҳдатдир. У илк лафъа руҳи аввал — нафси аввални яратди. Руҳи аввал бир жавҳардир. Аллоҳ шу жавҳарга нигоҳ ташлади, у эрий бошлади ва кўпирди. Унинг қаймоғи — қиёмидан руҳларни, қуйқасидан жисмларни яратди. Руҳлар ҳам, жисмлар ҳам даражаларга эга. «Руҳ — жавҳардир, у жисмни ҳаракатга келтиради ва такомиллаштиради», — деб ёзади Азизиддин Насафий. Руҳ табиатга кўра — ўсимлик даражасида; иродага (ҳаракат)га кўра ҳайвон даражасида; ақлга мувофиқ эса инсон даражасида зуҳур этади. Кўринадики, Насафий инсон ақлини унинг руҳи билан баробар нарса, деб билади, яъни руҳ инсон даражасидаги ақлдир. (Румий ҳам ақлни шу мазмунда таърифлаган.)

Бироқ руҳ даражалари фақат шундан иборат эмас. Насафий шариат, тариқат ва ҳикмат (файласуфлар) аҳлининг нузул ва уруж, руҳ ва жисм ҳақидаги қарашларини қиёслаб чиқар экан, уларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини ойдинлаштириб беради. Унингча, ўхшаш жиҳатлар шундан иборатки, шариат аҳли ҳам, ҳикмат аҳли ҳам, сўфийлар ҳам инсон руҳи даражаларини эътироф этадилар. Бу даражалар ўн учтадир (агар Руҳи аввал ҳам улар сирасига қўшилса, ўн тўртта бўлади). Улар қуйидагилардан иборат: пайғамбари хотам руҳи; улулазм пайғамбарлар руҳи; мурсал пайғамбарлар руҳи; қолган набилар руҳи; авлиёлар руҳи; илми маърифат аҳли руҳи; зоҳидлар руҳи; тақво аҳли руҳи; имонлилар руҳи; қолган одамлар руҳи; ҳайвонлар руҳи; ўсимликлар руҳи; маъданлар ва ашёлар руҳи. Пайғамбари хотам — пайғамбарлар хулосаси деганда, Насафий Муҳаммад Мустафони назарда тутган. Парвардигор руҳи аввал — жавҳарнинг қиёмидан (қаймоғидан) илк бор Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам руҳини яратди, кейин унинг қолдиғи — қаймоғидан улул-азм, яъни шариат келтирган пайғамбарларни, унинг қолдиғи — қаймоғидан мурсал — рисолат келтирган пайғамбарларни яратди. Шу тариқа, руҳларнинг даражалари юқоридан пастга қараб таърифланган. Насафийда жисмлар шунга мувофиқ 13 даражалидир: арш; курси; 7-осмон; 6-осмон; 5-осмон; 4-осмон; 3-осмон; 2-осмон; 1-осмон; олов; ҳаво; сув; тунроқ. Даражага мувофиқ, арш — пайғамбари хотам руҳи макони, курси — улул-азм пайғамбарлар руҳи манзили; 7-осмон — мурсал пайғамбарлар руҳи манзили; 6-осмон — анбиёлар руҳи макони; 5-осмон — авлиёлар руҳи манзили ва ҳоказо шу тартибда қуйига қараб тушилаверади.

Шариат аҳли фикрига кўра, бу даражалар ўзгармасдир. Парвардигор азалдан ҳар бир одамнинг руҳини белгилаб қўйган, бу руҳлар ўша белгиланган манзилдан пастга нузул этади, жисм билан қовуидади ва жисм маҳв бўлгач (одам вафот этгач), яна аввалги манзилига йўл олади.

Аммо таъкидлаш жоизки, Азизиддин Насафий шариат аҳлининг бундай ҳукмини тўлиқ ёқламайди. Шу боис ул зот кўпроқ ҳикмат ва тасаввуф аҳлининг фикрларига ҳусни таважжуҳ билдирган. Чунончи, аллома бундай ёзади: «Инсоннинг вазифаси — узлуксиз маърифатга интилиш ва нур билан тўлишиш ва илм топиб, мусаффолик сари талпинишдир». Яна бошқа ўринда бундай дейди: «Одам нақадар маърифатли ва покиза бўлса, унинг жаннатдаги жойи ҳам шу қадар юксак бўлади».

Азизиддин Насафий нузул ва уруж ҳақида мулоҳаза юритар экан, тараққиёт доираси масаласини ҳам қиёсий-назарий таҳлилдан ўтказди. Ул зот ҳам руҳнинг чиқиш (мабдаъ) ва қайтиш (маод) нуқталари борлигини таъкидлайди. Руҳ олами Кубро — Илоҳ оламидан чиқиб пастга нузул этади ва инсон танасига келиб жойлашади. Кейин шу нуқтадан яна юқорига қараб қайтиш бошланади. Аммо бу қайтиш қандай содир бўлади, руҳда сифат ўзгариши бўладими, йўқми, юксалиш — такомиллашув юз берадими ёки тубанлашишми? «Зубдат ул-ҳақойиқ» рисоласида таъкидланишича, инсон руҳнинг жавҳарини, «улуғ оламнинг аввалу охири, зоҳиру ботини, моҳият ва шаклларини идрок этиш учун» биринчи галда ўзининг моҳиятини англаб етиши керак. Демак, такомилнинг боши ҳам ўзни англашдир. Нузул этган руҳ одам орқали яна уруж қилиб Аслига қайтади ва шу тариқа бу жараён доира шаклини олади.

Шариат аҳли фикри бўйича, яна руҳ — алоҳида, жисм — алоҳидадир. Инсон вужудига руҳ ташқаридан (юқори олам манзилларидан) келиб киради, она қорнидаги ҳомила аниқ шакл касб этганидан кейин руҳ унга нузул этади.

Аммо ҳикмат ва ваҳдат аҳлининг таълимотига кўра, руҳ ва жисм алоҳида-алоҳида воқеъ эмас, балки инсон вужудининг барча белги ва сифат-хислатлари нутфа — уруғда пинҳондир. Ҳомилада жон ва руҳ бирга ўсиб, инсон қиёфасига киради, инсон туғилганидан сўнг улар биргаликда равшанлашади. Насафий ўша нутфанинг ҳомиладаги тараққиётини хийла тафсилоти билан тушунтирган. Ул зот шу тариқа инсон фарзандининг она қорнидаёқ бир талай ҳолат — босқичлар, хусусан, оддий жисмдан — ўсимлик ҳолатига; ўсимликдан — ҳайвонлик ҳолатига; ҳайвонликдан — инсонлик ҳолатига ўсиб боришини исботлайди. Она ҳомиласида, балки ота уруғида инсоннинг кейинги тараққиётига асос бўладиган жамики зарур имкониятлар бор, дейди Насафий. Зотан, ул зотнинг уқтиришича, олами Кубро ва олами Суғро (катта олам ва кичик олам) таълимоти шуни тақозо этади. Негаки, кичик олам — инсон. Инсон катта оламнинг кичрайтирилган нусхаси, катта оламнинг хусусиятлари унинг яна ҳам кичрайтирилган нусхаси — нутфада мавжуд. Бу таълимотдан келиб чиқадиган хулоса шуки, бирин

чидан, Одам — илоҳий оламнинг ажралмас қисми, илоҳий оламдаги илм ва ҳикмат унда бор. Инсонни Илоҳ олами билан боғлайдиган жавҳар — руҳдир. Агар Илоҳ оламини билмоқчи бўлсангиз, инсонни, яъни ўзингизни ўрганинг, ўзингизни танинг. Инсоннинг қалби, руҳи, кўнглини билиш, кашф этиш воситасида Парвардигорнинг исмлари-ю сифатлари, мўъжиза — қароматлари, илму ҳикмати ва, ҳатто, зотини ҳам кашф этиш мумкин. Демак, Худони англаш, таниш инсонни англаш ва таниш орқали кечади. «Кимки ўзини таниса, Раббисини танийди», — деган ҳадиснинг маъноси ана шу. Азизиддин Насафий, Абу Ҳомид Фаззолий, Жалолиддин Румий бу ҳадисни мудом зикр этганлар.

Аммо ўзлиқни англаш, ўзини танишга руҳ ва қалбни поклаш, ақлу шуурни тоблаш, тақво ва тавба йўли орқали борилади. Фақат шу тариқа руҳ Аслига қайтади, яъни покланиб, уруж этади. Зотан, инсон руҳи илоҳий оламдан нузул этиб, инсонга келиб тўхтар экан, шу нуқтадан яна юқорига қайтиш учун кураш бошланади. Руҳ жисм билан олишиб, охири уни тарк этади ва ўз мақомига қайтади:

«Ҳар бир кишининг олдиндан белгиланган мақоми бор ва белгиланган мақомига эришгач, унинг доираси якун топади, доира якун топгач эса, бошқа ривожланиш бўлмайди».

Бу мулоҳазалар шунга ҳидоят этадики, инсон ўз камолотида чексиз имкониятга эга. Ва ҳар бир кишининг камолоти унинг ўзига боғлиқ. Аммо бу фикрлардан Азизиддин Насафий ёки ул зотнинг маслакдошлари бўлган буюк сўфийлар, файласуфлар тақдири азални тан олмаган экан-да, деган хулоса чиқармаслик керак. Насафий мазкур рисоласида бу масала хусусидаги фикрини ҳам баён этган. Ул зот тақдири азални тан олган. Аммо бу масалани шарият аҳли каби тор ва схоластик маънода эмас, балки файласуф сифатида хийла теран англаб таҳлил этган. Шайхнинг талқинига кўра, тақдир билан бирга тадбир ҳам бор. Тақдир — Худодан, тадбир — инсондан. Худо тақдирни белгилаб қўйган бўлса-да, бироқ инсонга ривожланиш, илм-маърифат эгаси бўлиш имконини ҳам берган. Агар шундай бўлмаса эди, Худони таниш ва севиш ҳам иложсиз бўларди.

Шундай қилиб, руҳ тараққиёти бир доира ичида содир бўладиган ҳодиса эмас. Балки ҳар бир доирадан кейин янги бошланади ва «ҳар бир янги доирадан бошлаб янги ибтидо бошланади ва у ўз такомилига эришиш учун даражама-даража интилади» (*Насафий талқини*).

Маълум бўладики, уружнинг охири йўқ, чунки Парвардигорнинг илму ҳикмати чегарасиздир. «Агар қобилиятли оламнинг умри минг йил бўлса ва минг йил умрнинг барчасини тақво ва тоатда ўтказса, у ҳар кун илгари билмаган бирон нарчасини билиб олади», — дейди Насафий.



Азизиддин Насафий қарашларининг яна бир жиҳати диққатни тортади: ул зотнинг фикрига кўра, фақат руҳ такомиллашув хислатига эга бўлиб қолмай, балки руҳ ва жисм бирга тараққий этади, мукаммаллашади. Алломанинг салафлари ва замондошлари Ибн ал-Арабий, Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий, Ибн Сино асосан руҳ тараққиёти ҳақида гапирганлар. Насафий эса бундай ёзади: «Жисм ҳам, руҳ ҳам бирга ривожланади ҳамда комилликка эришгунча, зинапоялардан бирга кўтарилиб бораверади ва даражаларни эгаллайди». Руҳ — жавҳар, Жавҳари Зотнинг бўлаги, у жисмни ҳаракатга келтиради ва такомиллаштиради ҳамда ўзи у билан бирга такомиллашади. Жонсиз моддаларнинг ажабтовур тарзда жонли шаклларга кириши, ҳаёт, тириклик оламининг вужудга келиши, унинг беҳисоб кўринишлари — буларнинг барчаси руҳ мўъжизаси, унинг қуввати ва қудратининг намойишхонасидир.


Минг йиллар муқаддам идрок этилган бундай тадрижий ривожланиш назарияси, бир томондан, одам фарзанди билан оламнинг, одам билан муқаддас Мутлақ руҳнинг ўзаро вобасталиги, Мутлақ руҳнинг бирламчи асос эканини англатса, иккинчи томондан, буюк оламнинг кичик нусхаси бўлмиш одамнинг ривожланиш диалектикасини ҳам англатиб туради. Бошқача қилиб айтганда, одам ривожланиб, онадан — табиатдан ажралиб чиқади (Румий айтганидек, табиат сифатида «ўлади») ва жамият барпо этади. Кейин у жамиятга ҳам сиғмай, ундан ажралиб чиқмоқчи бўлади. Сўфийларнинг жидду жаҳди ана шу ҳақдадир.

Алишер Навоийнинг мана бу сатрларига шу нуқтаи назардан эътибор беринг:

Чиқиб бу дайрдин Исога невчун ҳамнафас бўлмай,  
Биҳамдиллаҳ, тажарруд бирла ҳимматдан қанотим бор.

Яъни, шоир дейдики, моддий дунёдан соф руҳ шаклида осмонга парвоз этган Исога ҳамнафас бўлмоқчиман, чунки менда ҳам жисмдан халос бўлган соф руҳ ҳимматидан қанот бор. Инсоннинг беҳудуд орзуи шудир: аввало, ўз-ўзидан қаноатланмайди; табиатдан, жамиятдангина эмас, ўзидан ҳам ўсиб чиқмоқчи, халос бўлмоқчи бўлади. Янада юксакроқ, янада мукаммалроқ муҳитни истайдик, унда файз ва нурга фарқ, янги сифатларга (ахлоқи ҳамидага) эга киши бўлсин. Бу — инсоннинг Эзгулик олами саритинимсиз интилиши. Инсон агар маънавий камолот йўлига кирган бўлса, чин одамийлик жавҳари ичида уйғонса, ўзидан, ўз борлигидан қаноатланмайди, у қалбан Мутлақ хуррият, Мутлақ адолат, Мутлақ ҳақиқат, Мутлақ камол, Мутлақ жамол ва Мутлақ покликни қўмсайди ва ана шу эзгуликлар соҳиби Парвардигор ишқи шавқида ёнади. Зеро, инсон бу моддий ҳаётда ўзи истаган Мутлақ

эзгуликка эриша олмайди. Чунки ҳаётдаги жамики мавжудот каби адолат, ҳуррият, жамолу камол ҳам нисбийдир. Тасаввуф эса ана шу Мутлақ эзгуликни шу ҳаётдан топишга ва уни идрок этишга даъват қилади. Сўфийлар таълимотига биноан, инсон бу эҳтиёжни қондириш ва руҳни яйратиш учун муайян риёзат мақомларини босиб ўтиши лозим. Агар буни қоғозда акс эттирадиган бўлсак, қуйидаги силсила жадвал ҳосил бўлади.



Демак, Мутлақ эзгулик олами — илоҳий оламга мушарраф булмоқни истаган киши ерда — ҳаётда эзгу амаллар қилиши, эзгу хулқ эгаси бўлиши лозим. Ана шундай одамлар, гарчи ўзларини валий деб атамасалар-да, аслида валийдирлар, Парвардигор бундай зотларни инсоният оламига юбориб туради. Жалолиддин Румий «Фийҳи мо фийҳи» («Ичингдаги ичингдадир») асарида бундай дейди: «Ажаб эмаски, Ҳақ таоло орамиздаги бир жинсдан иборат бўлган баъзиларимизни мумтоз этса, токи биз унга нисбатан жонсиз жисмдай бўлиб, у (руҳдай) бизнинг ичимизга кирса ва биз ундан беҳабар бўлсак, у эса бизни билиб турса».

Мана шундай: авлиёлар, гўё тоза руҳлардай, улар кўнгилни манзил этадилар, Илоҳ оламининг асрорини унга (кўнгилга) етказиб туради. Мавлоно Румий авлиёларни руҳ, қолган одамларни унга нисбатда жонсиз моддага қиёслар экан, маъдандан — ўсимликка, ўсимликдан — ҳайвонга ва ҳайвондан инсонга қараб ривожланиш тизимини кўзда тутди. Яъни, ул зот инсоннинг ўзи оддий инсонликдан юксакроқ, мукаммалроқ инсонликни ривожлантириши керак, у фариштадан ҳам ўзиб кетиб, Илоҳнинг Ўзига етишиши мумкин, деган ғояни илгари суради. Аммо уни амалга ошириш ғоят мушкул, балки у — амалга ошмас бир орзу. Бироқ ана шу орзуга интилиш керак:

Ди шайх ба чароғ ҳамегашт гирди шаҳр,  
К-аз деву дад малуламу инсонам орзуст.  
Гуфтанд: ёфт нест, басе жустем мо,  
Гуфто: он ки ёфт набошад — онам орзуст!

Яъни: шайх кеча қўлида чироқ тутганча шаҳар айланар эди ва бундай дерди: дев билан даррандалардан тўйдим, Инсонни кўриш орзусидаман. Дедилар: биз ҳам уни кўп изладик, аммо у топилмади. Дедики: ўша топилмаганни излайман, менинг орзуим — ўша.

Ҳа, инсоннинг қалби нозиклашгани, ақлу шуури тўлишгани сари у янада комилроқ бўлишни, янада баркамол зотларни кўришни орзу қилади, баркамоллик истаб, Улуғ олам — Илоҳ сари талпинаверади. Асрларки шундай бўлиб келган ва бундан кейин ҳам руҳимиз буюк Идеалга қараб юксалаверади. Бу эса инсонийлик мазмунига мазмун қўшади, инсонни янада шарафли ва янада қудратли зотга айлантираверади.

Тасаввуф таълимотининг ҳидояти ана шу.

## МАҚСАД — ҲАҚҚА ЕТИШМОҚ

Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асарида келтириладиким, Жалолоддин Румий ўз замондоши Мавлоно Садриддин Қазвинийни хушламас эди. Бир куни суҳбат асносида гап исломдаги мазҳаблар ҳақида борганда, Румий Қазвинийга қараб: «Мен етмиш уч мазҳаб билан бирдирман», — дейди.

Мавлоно Садриддин шогирдларидан бирига: «Сен катта бир издиҳом ичида Румийдан мазкур гапни айтганмидингиз, деб сўра. Агар иқрор бўлса, оғзингдан келганча сўк ва ранжида қил», — деб буюрди. Шогирд пайтини топиб, ҳалиги саволни берганда, Румий: «Ҳа, айтганман», — дея тан олади. Шунда у қабиҳ сўзлар айтиб, Румийни ҳақорат қила бошлайди. Аммо Жалолоддин Румий ҳеч бир жаҳли чиқмай, табассум қилиб: «Мен сенинг айтганларинг билан ҳам бирдирман», — дейди. Мавлоно Садриддиннинг шогирди ўзи уялиб мажлисни тарк этади.

Ушбу ҳикоя нимага ишора этади? Нега Жалолоддин Румий ўзини етмиш уч мазҳаб билан биргаман, деб эълон қилган ва нима сабабдан бу мавлоно Садриддин Қазвинийга ёқмаган?

Бу саволларга жавоб беришдан олдин, қисқача бўлса-да, ўқувчиларга етмиш уч мазҳаб нималиги ҳақида маълумот беришимиз лозим. Етмиш уч мазҳаб — бу исломдаги сиёсий, ижтимоий ва мафкуравий курашларни ифодалаб келган ҳар хил оқимлар, гуруҳ ва фирқалардир. Аввало шуни ҳам қайд этмоқ жоизки, бу ибора баъзи манбаларда «етмиш икки мазҳаб» шаклида ҳам учрайди. Сабаби, етмиш учинчи мазҳаб исломнинг асосий анъанавий йўли ҳисобланган сунна ва жамоа мазҳабидир, қолган етмиш икки мазҳаб ана шу сунна ва жамоадан ажралиб чиққан, деб қаралади.

Энди етмиш икки мазҳабнинг ўзига келсак, уларни дастлаб олти гуруҳга ажратадилар. Чунончи: рофизия (ўз қавмини, сафини тарк этганлар), хорижия (ажралиб чиққанлар), жабария (тақдири азал ҳукмини қатъий деб билувчилар), қадария (инсоннинг эрки ўзида деб билувчилар), жаҳмия (Жаҳм ибн Саффан тарафдорлари — барча масалаларни дўзах ва жаннатга боғлаб тушунтирувчилар), муржия (Худо бандасини ноумид қилмайди дегувчилар).

Мазкур олти гуруҳнинг ҳар бири яна ўн икки фирқага ажралади. Масалан, рофизия оқими фирқалари: алавия (ҳазрат Али ҳам пайғамбар эди дегувчилар), абадия (Али пайғамбарликка шерик дегувчилар), шиа (кимки Алини барча саҳобалардан афзал деб билмаса, кофирдир дегувчилар), исҳоқия (пайғамбарлик тамом бўлган эмас, дегувчилар), зайдия (имомликка фақат Али авлоди муносиб дейдиганлар), аббосия (Аббос ибн Абумуталлибдан бошқа имомни тан олмайдиганлар), имомия (ғойибдан келувчи имом ер юзида доим бор дегувчилар), норисия (кимки ўзини бошқалардан афзал ҳисобласа кофирдир дейдиганлар), мутаносихия (жон чиққандан кейин яна бошқа вужудга кириши мумкин деб ишонувчилар), лоъиния (саҳобалардан Талҳа, Зубайр ва биби Оишани лаънатловчилар), рожиъия (Али яна дунёга келади дегувчилар), муртазия (мусулмон подшоҳи билан жанг қилиш раво дейдиганлар).

Албатта, барча мазҳаблар ҳақида бу бобда батафсил тўхташнинг иложи йўқ. Фақат шуни айтмоқчимизки, рофизия ва хорижия фирқалари шиачилик ақидаларига асосланса, яъни ҳазрат Али ва унинг авлодини улуғлашни мақсад қилиб олса, қадария ва жабария фирқалари сунна оқимига тааллуқли бўлиб, илми каломнинг назарий-схоластик ақидалари атрофида баҳс қилганлар. Муржия, жаҳимия фирқалари ҳам шиа ва ҳам сунна мазҳабига тортадиган маслақлардан иборат. Буларнинг баъзилари фикҳ масалаларида, баъзилари намоз-ибодат тартиблари, баъзилари имон мазмуни устида тортишадилар. Аммо улар орасида ислом дини аҳком ва ақидаларини инкор этадиганлари ҳам бор. Чунончи, мўътазила мазҳабига кўра, ёмонлик илоҳий тақдирдан эмас, балки инсонларнинг ўзидандир; фосиқ кишининг имомлиги ҳаром; имон эса бандасининг тажрибаси (ўзлаштиргани)дан ҳосил бўлади, олдиндан белгиланмайди; Қуръон яратилгандир, ваҳий эмас; Меърож Қуддус шаҳригачадир ва бу фақат руҳга тегишли, жисмга эмас; қиёматда гуноҳ-савобнинг ҳисоб-китоби. тарози йўқ, авлиёларнинг каромати ёлғон, қиёматда Ҳақ таолони кўриш мумкин эмас, жаннат аҳли ҳам ухлайдилар, овқатланадилар ва вафот этадилар... Сирожия аҳли фикрича, ўлиб кетган одамларнинг сўзи ҳужжат бўлолмайди, уларни инкор этиш мумкин (демак, пайғамбар хадисларини ҳам).

Муҳкамия оқими бўйича эса, Аллоҳ таолонинг бандаларига ҳеч бир ҳукми йўқ. Худо оламни ва одамни яратган, аммо одамнинг барча фаолиятда ихтиёри ўзида. Лафзия аҳли дейдиларки, Қуръон иш Каломидир, илоҳий сўз эмас, бироқ Қуръоннинг маъноси илоҳийдир. Риёзия бўйича, имон суннат холос, яъни эзгу сўз, эзгу амал, эзгу ниятдир.

Шундай қилиб, етмиш икки мазҳаб бўлса, етмиш икки хил қараш мавжуд. Улар орасида, юқорида кўрганимиздай, анъанавий

сунний мазҳаби ақидаларига мутлақо тўғри келмайдиган қарашлар кўзга ташланади. Бу мазҳаблар ҳар бири ўзиникини маъқуллаб, ўзини «чин мусулмон» деб ўйлар, бошқа мазҳаб тарафдорларини эса кофир, душман ҳисобларди. Натижада, бу мазҳаблар фақат назарий-мафкуравий майдонларда олишиб қолмай, балки қаттол урушларни ҳам вужудга келтирдилар, орада юз минглаб одамлар қирилиб кетарди.

Энди юқоридаги ривоятимизга қайтадиган бўлсак, маълум бўладики, мавлоно Садриддин Қазвиний сунний мазҳабининг ашаддий ҳимоячиси бўлганлиги сабабли бошқа мазҳабларни ёқтирмаган ва шу боис Румийнинг: «Мен етмиш уч мазҳаб билан бирдирман», деган сўзини қуфр деб ҳисоблаган. Аммо Жалолиддин Румий назарида бундай эмас. Румий учун бу мазҳабларнинг ўзаро баҳсу мунозаралари ҳали балоғатга етмаган одамларнинг дину диёнат, ислом ва имоннинг моҳиятига етмай, зоҳирий нарсалар, атамалар устида маънисиз ва мақсадсиз тортишувлари бўлиб туюлган. Нега? Чунки бирор мазҳабда ҳам Худонинг Ўзи, Унинг Биру борлиги инкор этилган эмас. Мазҳаблар Холиқ ҳақида эмас, балки махлуқот, яъни яратилган нарсалар, одамлар ўзи ўйлаб топган расм-русумлар, қоида-қонунлар, ақидалар ҳақида баҳс-мунозара қиладилар. Тасаввуф аҳли эса Ҳақ таолонинг Ўзи, Унинг зоти ва жавҳари, яъни моҳиятлар моҳиятига етишиш учун интилганлари сабабли бу расм-русумлар, қоидаларга эътибор қилмасдилар. Улар шариятни қаттиқ ҳурмат қилганлар. Бироқ шарият шарият учун эмас, балки шарият ҳақиқат учун восита деб қаралган. Шундай бўлгандан кейин восита турлича бўлиши мумкин, мақсад эса битта — Ҳаққа етишмоқ, деб уқтирилади Жалолиддин Румий асарларида. Мана шу маънода Румий мен барча мазҳаблар билан бирман деган. Бугина эмас, Жалолиддин Румий фикрича, дунё динлари моҳиятан бирдир. Чунки уларнинг ҳаммасида ҳам тавҳид ғояси бор, Парвардигори оламга сифиниш, Ундан мадад олиш, У сари интилиш мавжуд. Румийнинг «Ичингдаги ичингдадир» («Фий-ҳи мо фий-ҳи») асарида келтирилади: «Бир кун бир йиғинда ваъз ўқиларди. Мусулмонун кофир — ҳамма йиғлар, турли аҳволга тушардилар. Биров: «Кофирлар нега йиғлашади, устига устак, тилни билишмайди. Мусулмонларнинг ҳам мингдан бири аранг тушунган ваъздан улар нимани англаялтики, бу қадар йиғлаб-сиқташади? — деб сўради. Мавлоно буюрдики: Сўзнинг ўзини тушунишга ҳожат йўқ. Улар моҳиятни, мақсадни англашмоқда. Улар ҳам Аллоҳнинг бирлигини эътироф этишади. Унинг яратувчи, разоқ, ҳамма нарсани ўз тасарруфида тутувчи эканини, ниҳоят, ҳамма Унга қайтажагини, афву жазо Ундан бўлажагини англашади».

Жалолиддин Румий буни яна соддароқ қилиб тушунтириш учун мисол келтиради: кўрмаяпсанми, Каъбага Шимолу Шарқ, Жануб

ва Фарбдан, Ироқу Ажам, Ҳинду Ямандан одамлар йўлга чиқади. Уларнинг йўллари ҳар хил, аммо мақсадлари бир. Йўлда ихтилофлар, тортишувлар бўлади, аммо Каъбага етгач, баҳслар тўхтайтиди, ихтилофлар барҳам топади. «Йўлда бир-бирларига: «Кофирсан, фалонсан-пистонсан», деганлар Каъбага келишлари билан мақсадлари бир эканини англайдилар», — дейди Румий. Келишмовчиликлар маънода эмас, шаклда — сўздадир. Маънога етишганлар орасида низо йўқ. Румий таъкидлайдики, Худони чин дилдан севиш, Ундан умидвор бўлиш, Унга суяниш ҳар бир инсон қалби тубида балқиган муқаддас бир ҳисдир. Худони ҳамма ҳам мутлақ Қудрат ва абадий-азалий зот деб билади. Бу маъно инсон қалбида шундай ўрнашганки, унинг на инкор, на тасдиқ кўриниши бор. Унинг исми ҳам, ифодаси ҳам йўқ. Аммо маъно сўзга айланиши, шаклга кириши билан куфр ёки имон, инкор ва тасдиқ пайдо бўлиб, муҳокамалар, ихтилофлар бошланади. Зеро, Парвардигор — Буюк бир ғоя, мавхумият. У бирор шаклга, суратга сиғмайди, гарчи жами шакллар, суратлар Ундан бўлса ҳам. Фарқлар шаклларда ифодаланани, шу боис махлуқият дунёси, яъни бизнинг ўзимиз ва бизни ўраб кўриниб турган моддий дунё беҳисоб шакллар, ўзгаришлар, алмашилишлардан иборат. Парвардигор оламида бу хусусият йўқ. Парвардигор дийдорига ошиқ инсонлар ҳам қайси дин, мазҳаб ва миллат ёки ирққа мансуб бўлишидан қатъи назар, қалбан бир маслакдаги одамлардирлар.

Шу учун Румий дейди:

Ҳар валиву ҳар набиру маслакест,  
Лек то Ҳақ мераванд чумла якест.

(Ҳар бир валий ёки набийнинг ўз маслаки бор, аммо Ҳақ олдида борганда ҳаммаси бир бўлади).

Шундай қилиб, буюк сўфий шоир динлар ва мазҳабларни бир-биридан фарқланадиган, аммо бир манзилга олиб борадиган йўллар деб билади: «Йўллар хилма-хил бўлса ҳам, лекин мақсад бирдир», — деб қайд этади у. Одамларнинг бир-бирини тушунмаслиги, биринчидан, маънога эмас, балки номлар, атамалар, ташқи кўринишларга қараб ҳукм қилишда, иккинчидан, Худони севиш ва Унга беғараз, нафсу тамадан холи ҳолда имон келтирмасдан, балки манфаат юзасидан муносабатда бўлиш, аниқроғи, Худони ўзининг ғаразли ниятларини амалга ошириш учун рўқач қилиш, мадакдор деб ҳисоблашларидан келиб чиқади.

Моҳиятни тушунмасдан сўздаги фарққа қараб ўзаро ихтилоф қилишни Румий мана бу ривоят билан тушунтирган: Тўрт миллатдан тўрт киши — турк, форс, араб ва юнонлик йўлда бирга кетаётганларида уларга биров бир дирҳам пул беради. Тўртовлон

бир-бирининг тилини тушунмагани сабабли пулга нима сотиб олиш кераклиги устида жанжаллашиб қоладилар: форс «ангур» (узум) оламиз деса, араб «ман ангур емайман, инаб (узум) истайман дейди. Турк «узум» оламиз деб туриб олса, юнонлик «йўқ, истофил (узум) емоқчиман», деб мушт ўқталади. Натижада, улар бир-бирини тушунмай, ёқалашиб кетадилар. Шу пайт «юз тилни биладиган сирлар соҳиби» бир одам йўлиқиб, уларнинг низосига кулоқ солиб, пулни қўлларидан олиб, бозордан узум сотиб олиб берганида, тўртгаласи ҳам бир нарсани хоҳлаганини кўриб ҳайрон қолишади, устаклари амалга ошиб, ярашиб кетадилар.

Румий ушбу ривоят билан номлар, ифодаларнинг хилма-хиллиги маъно-моҳиятни яшириб, одамларни адаштиришини англашиш баробарида, муҳим бир гоё — Худонинг моҳиятини англашда инсоннинг хушёрлиги, ақлий ва маърифий қамолотига асосий эътиборни қаратади. Одам қанчалик нодон бўлса, у хурофотга, сўзлар сеҳрига, шаклларга маҳлиё бўлади, расм-русумга, ақидаларга шунча берилувчан бўлади. Ва, аксинча, одамнинг маърифати, билими ошган сари, у Илоҳ илмига, ғайбга яқинлашиб боради, маъжабпарастлик, ақидапарастликдан юқори кўтарилаверади, ҳақиқат ошиғи бўлиб, Ҳақ сари талпинаверади. Маъжабпарастлик инсонни кичрайтиради, маънавий дунёсини торайтириб, муайян бир схоластик тушунчалар кишанига солиб қўяди. Шунинг учун сўфийлар ўзларини маъжабларга, шариат чорчўбасига боғлиқ қилиб қўймаганлар. Сўфийлар зоҳирни эмас, ботинни ростлаш, қалбнинг, руҳнинг шарафланиши, қамолоти учун курашардилар. Жалолоддин Румийнинг таъбири билан айтганда: «Инсоннинг ичи ҳуррият оламидир». Ҳа, инсон қалбан ҳурдир. Аллоҳга бўлган муҳаббат, ҳаётга бўлган муҳаббат ҳам ҳурликдан пайдо бўлган шавқдир. Бу шавқ куйдирувчи ишққа айланиб, инсоннинг ўзини ҳам одамларни ўз ичига сиғдирувчи буюк бир хилқатга айлантиради. Яъни Аллоҳга қарин этади. Бу ишқ, юқорида айтганимиздай, ҳар қандай дунёвий ва ухровий манфаатларастликдан, ғаразлардан холи, покдир. Бунда тоат-ибодатдан, аҳкомларни бажаришдан кўра, самимият, ёниқ ҳарорат билан жонфидалик қилиш ҳисси устун.

Шу ўринда Румийдан яна бир ривоятни нақл этмоқчимиз. «Маснавийи маънавий»да келтириладики, Мусо пайғамбар бир яйловдан ўтаётганида бир чўпонга дуч келади. Чўпон Худога нола қилиб дер эди: Эй Художон, Сен қаердасан, кел сочларингни тарайин, чоригларингни тикайин, наки ўз жоним, балки қўйларим, фарзандларим ҳам Сенга фидо бўлсин. Қаердасан, бориб дастеринг бўлсам, сут-қаймоғим билан қорнингни тўйдирайин, бошинг оғриса, бошингни силайин, юз-қўлингдан ўпайин, оёқларингни уқалайин...



Мусо бунн эшитиб, чўпонни койийди: Эй аҳмоқ, кофир бўлдинг, Худонинг чориғи ҳам, тўни ҳам йўқ, у емайди, ичмайди. Уни ўзингга ўхшатма. У гўё қуёш, сен бир чивин. Чўпон Мусонинг бу гапидан қаттиқ хафа бўлади ва жимиб қолади.

Шунда Парвардигори оламдан Мусога ваҳий келади: Эй Мусо, нима қилдинг, бандамизни биздан айирдинг, қўй, айт-син, сен бандаларнинг дилини Парвардигорга улаш учун юборилгансан, ажратиб ташлаш учун эмас. Биз ҳар одамга, ҳар бир элга уз даражасида, ўз тилида муҳаббат изҳор этишга имкон бердик. Ҳиндларни ҳинд тилида, синдларни синд истилоҳида сўзлатдик.

Бу ривоятда ҳам Румий ташқи белгилар, сўзлар шаклига эътибор қилмаслик, балки сўзнинг маъносига, самимийлигига эътибор бериш лозимлигини таъкидлайди. Чўпоннинг сўзлари жуда тўпори, содда. Чўпон Худони ўзига ўхшатиб тасаввур этади. Аммо унинг сўзлари, муҳаббати сохта эмас, тама-ғаразга асосланмаган. У бор-будини Худо йўлида сарфлашга тайёр. Албатта, юракдан айтилган гаплар қандай тилда бўлмасин, айтувчининг садоқатини ифодалайди.

Мо бурунро нангарему қолро,  
Мо дарунро бингарему ҳолро.

(Биз ташқи тузилишга ва сўзга қарамаймиз, биз ичкарига ва ҳолга боқамиз), дейди Худованд Мусога қараб. Бу Куръондаги оятнинг шеърий таржимаси экани кўриниб турибди.

Зеро, инсон қалби Аллоҳнинг уйи, бу уй қанча тоза, саришта бўлса, Аллоҳ нури, Аллоҳ илму ҳикмати унда шунча акс этади. Кўнгил — бу жавҳар, сўз эса — араз (ҳодиса), дейди Румий. Агар киши фикрини сўз билан ифодаласа ҳам, лекин бу сўз кўнгилдан чиқдими ёки йўқми — муҳими шу! Сўз — қурол, мақсад эса — кўнгил. Кўнгил ўртанмаса, эҳтиросларга тўлишмаса, сўзда таъсир бўлмайди:

Чанд аз ин алфозу измору мажоз,  
Сўз хоҳам сўз, бо он сўз соз!

(Қачонгача бу сўзлар, киноя ва мажозларни келтирасан, олов истайман, олов, олов билан қизитгин).

Олов — Аллоҳнинг ишқи, олов — маъно, олов — ҳақ ишқида ёнган кўнгил дарди. Демак, Моҳиятга ишқ олиб боради. Шу боис Жалолиддин Румийнинг «Маснавийи маънавий» асарини инсон тафаккурини оловлантириб, илоҳий моҳиятни англаш сари олиб борадиган Ишқнинг тафсири деса бўлади.

дея бошланади бу муаззам фалсафий дoston. Най — Аслидан ажралган руҳ тимсоли, ошиқ қалб рамзи. У Аслига қараб тинимсиз равишда интилади, нола-изтироблар билан ўзлигини ва ўз Раббини англаб боради. Румий бу маънони оламжаҳон ҳикоят ва масаллар келтириб, Қуръон оятлари ва ҳадислардан фойдаланиб тушунтириб беради. Унинг ўткир мушоҳадалари «Ичингдаги ичингдаир» асариди ҳам ёрқин намоён бўлган. Бу асарда ҳам ташқи ва ички оламлар қиёси, мақсад, ғояни, ҳақиқатларни шарҳлаш асосий ўринни эгаллаган. Одамлар кўп ҳолларда кўзга кўринган ташқи белгилар, сурат-шаклларга қараб ҳукм чиқардилар, дейди мутафаккир. Сийрат ва моҳиятни англашга ожизлик қилдилар, шунда улар одатлар, маросимлар, ақидаларга ёпишиб оладилар; мазҳаббозлик, тарафкашлик билан шуғулландилар. Ҳолбуки, Илоҳ талабгори булардан юқорига кўтарилиши лозим. Дарвешлар, сўфийлар ана шундай одамлардирлар. Моҳиятни идрок этмай тавҳид сирини, имон нурини эгаллаш, илм-маърифат қозониш мумкин эмас. Илоҳ ҳақидаги тасаввурлар ҳам ҳар хил. Бу тасаввурларнинг ҳақиқати тўпланса, балки Аллоҳ маърифатига яқинлашиш иложи топилар? Румий қуйидаги масални келтиради: тўртта кўзи ожизга филнинг қанақа эканлигини англамоқчи бўлибдилар. Филни улар олдиға олиб келибдилар. Улардан бири филнинг хартумини ушлаб, ҳа, илонга ўхшар экан, дебди. Иккинчиси оёқларини пайпаслаб, фил бинонинг устунига ўхшаш экан, дебди. Учинчиси қорнини ушлаб, қопга ўхшар экан, дебди, тўртинчиси филнинг қулоқларига қўл теккизиб, супраға ўхшар экан, дебди.

Демак, уларнинг бирортасида ҳам фил ҳақида тўлиқ тасаввур йўқ. Шу қаби одамларда ҳам алоҳида-алоҳида олинганда Худо ҳақида тўлиқ тасаввур йўқ. Фақат қалб кўзи билан идрок этадиганлар бу Моҳиятга яқинлашиб борадилар. Суратга ишқибоз зоҳирбинлар эса бундан маҳрумдирлар. Румий келтирган мана бу масал ҳам шу ўринда ибратли:

Бир тулки шердан қутулиш учун унга қараб: ўрмонда сендан ҳам зўр бир жонивор пайдо бўлибди, у сенга ҳужум қилиб емоқчи, дебди. Шернинг қаҳри келиб, қани ўша махлуқ, деб сўрабди. Тулки шерни қудуқ бошиға олиб бориб сувға қарагин, кўрасан, дебди. Шер сувға қараган экан, ўз аксини кўрибди ва ҳали сенми мени ейдиган, дея ўзини қудуққа ташлабди ва ҳалок бўлибди. Румийнинг хулосаси: суратпарастлик, ҳовлиқмалик ва манманлик тақлидчиликни юзаға келтиради, охир-оқибатда инсонни ҳалокатға олиб боради.

Шундай қилиб, инсон руҳи Аллоҳдан ажралиб, «Аллоҳга қайтар экан» (Қуръон ояти), у албатта юксалиб, ирфон нуридан баҳраманд бўлиб бориши лозим. Бўлмаса, моҳиятлар моҳияти, жамики ҳақиқатлар ҳақиқати — Ҳақ таолони англамай, ҳодисалар, аразлар, суратлар ичида ўраллашиб қолади. Албатта, Румий сурат ва ҳодисалар оламини инкор этувчи эмас. У тажаллиёт фалсафасининг мутафаккири сифатида Аллоҳ нурининг бутун мавжудот бўйлаб тарқалиши, ҳар бир нафислик, оҳанглар, ҳаракатларда бу нур зуҳур этишини ғазалларида тараннум этган. Аммо у ҳодиса ва сурат билан чекланишга қарши. Киши оламнинг ўзини, ҳодисаларини идрок этиш билан чегараланмасдан, ҳодисадан моҳиятта қараб бориши даркор. Шунда у шариат босқичидан ҳақиқат мартабасига кўтарилади. Камолот сари интилганлар йўлда тўхтаб қолиши мумкин эмас. Ана шу маънода Жалолиддин Румий барча динлар ва мазҳабларни ҳам ўзимга сиғдираман ва яна барчасидан ўзиб кетаман, дейди.

Бу ўринда шуни ҳам қайд этмоқчимизки, Румий барча мазҳаблар ёки динларни бирлаштиришни мақсад қилган эмас ёхуд улар ўрнига янги умумжаҳоний дин таклиф қилгани ҳам йўқ. (Маълумки, XX аср бошида Эронда Баҳоулло деган киши ўзини пайғамбар деб, баҳоия динини дунёнинг ягона дини деб эълон қилган эди. Бу дин тарафдорлари ҳозир ҳам бор. Аммо улар тасаввуфни ҳам, Румийни ҳам ҳуш кўрмайдилар). Жалолиддин Румий ўзининг барча қарашларида ислом фалсафаси, Қуръон ғояларига таянади. Муҳаммад пайғамбарнинг ҳадисларидан кўплаб мисоллар келтиради. Умуман олганда, чуқур ўйлаган одам Румий таълимоти исломнинг ўзагидан келиб чиқишини яхши англаб етади. Нега? Чунки ислом дини нисбатан янги дин бўлганлиги сабабли олдинги динларнинг ирфоний жиҳатини мустаҳкамлади, ислом бутпарастликка қарши курашиб шаклланган дин. Бутпарастлик эса суратпарастлик, зоҳирбинликдир. Шунинг учун исломда тавҳид биринчи ўринда туради: Худо мутлақ ва ягона яратувчи зот эканлиги чуқур исботланади. Исломда, шунингдек, суратга эмас, маънога, ғояга эътибор қилиш етакчи фикрдир. Тасаввуф айнан ана шунга суянади ва исломий имонни, тавҳидни яна ҳам ривожлантиради. Шу боис Румийнинг фикрларини исломий тавҳиднинг янада чуқурлашуви, ирфоний мазмун касб этиши, деб билишимиз лозим.

Шу ерда Румийнинг яна бир фикрини ўқувчиларга етказмоқчиман. Румий дейдики, Аллоҳнинг яратган оламлари чексиз бўлганидай, унинг илми ҳам чексиздир ва Қуръони карим Аллоҳ илмининг ҳаммаси эмас. Қуръон бу илмининг бир қисми — Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламга араб тилида юборилган илм. Аллоҳ илми олдинги пайғамбарларга бошқа тилларда ҳам юборилган эди, демак, кейин ҳам бу илм кашф этилиши мумкин.

Шундай бўлгач, динларни бирлаштириш мумкинми? Йўқ, мумкин эмас, дейди Румий. «Ичингдаги ичингдадир» китобида у ёзади: «Сиз қандай қилиб динни бир қиласиз? Бу фақат қиёматда мумкин. Бу ер дунёдир ва шунинг учун ҳам диннинг бир бўлиши мумкин эмас. Чунки бу ерда уларнинг турли-туман истаги ва тилаги бордир. Дин дунёда бирлашолмайди, фақат қиёматда бир бўлади. Қиёматда уларнинг ҳаммаси бирлашади, бир қулоқ, бир тил ҳолига келади».

Ҳа, дунё касрат (кўплик) олами. Касрат эса хилма-хиллик, хилма-хил қарашлар, тушунчалар, истак ва хоҳишлар демакдир. Дин ана шунга мос равишда кўпдир. Қиёматда улар бирлашади, чунки ҳамма ягона Парвардигор ҳузурида бўлади, истаклар Аллоҳ истагига келиб уланади. Аллоҳ — ваҳдат. Ваҳдат эса касратни бирлаштиради.

Демак, динларнинг, мазҳаблар, таълимотлар, қарашларнинг турли-туман бўлиши қонуният, табиий ҳол. Унда булар орасидаги жанжал ва тортишувлар ҳам қонуниятми? Жалолиддин Румий буни очиқ айтмаган. Аммо «дин дунёда бирлашмайди», деган фикрнинг ўзи улар орасидаги фарқлар, демакки «менинг диним ҳақ», «менинг мазҳабим тўғри», деган тортишувлар сақланаверади, деган маънони ҳам англатади. Зеро, бу тортишувлар замирида дунёвий манфаат ётади. Диққат қилинса, Румий «дин дунёда бирлашмайди» дейиш билан дин гарчи Худога эътиқодни талаб қилса-да, охират ҳақида сўзласа-да, аммо у дунёвий ҳодисадир, демоқчи. Бироқ динларнинг эътиқодий моҳияти илоҳий. Бу эса уларни яқинлаштиради. Буни англаш зарур. Дунёга эмас, балки Аллоҳга боғланиш, Ҳаққа етишиш учун риёзатларни роҳат деб, улуғ муҳаббат билан интилиш фақат тасаввуф таълимотига хос. Ана шу жиҳати билан тасаввуф аҳли, айниқса, Румий, Ибн ал-Арабий, Жомий, Машраб каби улуғ орифлар барча динлар ва мазҳаблардан юқори турганлар, мазҳаблараро тортишувларни маънисиз ва беҳуда нарса деб қараб, одамларни буни англашга ва бирлашишга чақирганлар. Тасаввуф гуманизмининг умумжаҳонийлиги ва ўлмаслиги ҳам шундадир.

## ТАСАВВУФДА ШАФҚАТ КОНЦЕПЦИЯСИ

(Ёхуд рух – Раббоний амр)

Тасаввуф таълимотида қуйидаги уч тушунча кенг тарғиб қилинади: муҳаббат, шафқат ва мурувват. Бу ўринда биз кўпроқ шафқат ва раҳмдиллик хусусида тўхталмоқчимиз. Аммо шуни айтиш керакки, сўфийлар назарида муҳаббат, шафқат ва мурувват бири иккинчисини тақозо этувчи ўзаро боғлиқ тушунчалар бўлиб, нафақат муҳаббат, балки шафқат ва мурувват ҳам илоҳийдир. Негаки, Аллоҳга муҳаббат қўйган одам солим ва шафқатсиз бўлиши мумкин эмас. Шафқат ва раҳмдиллик илоҳий муҳаббатнинг ижтимоий-амалий кўриниши, ҳаётда аёнлашувидир(шу каби вафо ва садоқат ҳам).

Мирзо Абдулқодир Бедил «Чор унсур» асарида ёзади: «Шуни билгилки, кимниким Ҳаққа имони бор, у халқдан ўз шафқатини дариф тугмайди». Демак, шафқат, меҳр — имон белгиларидан бири, мўминлик сифати. Шунга кўра, қалби қаттиқ, бераҳм ва солим одамлар мусулмончиликдан, имондан йироқдирлар. Ишора шуки, Аллоҳнинг сифатларидан бири Раҳмон ва Раҳим сифатларидандир. Зеро, биламизки, Қуръони каримнинг ҳар бир сураси «Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим» (Раҳмли ва Меҳрибон Аллоҳ номи билан) деб бошланади, жуда кўплаб оятларда Еру Кўкни яратган Парвардигорнинг жамики махлуқотга ва Унинг гултожи Инсонга ризқу рўз бериб, уни парвариш этгани, шафқат ва мағфират ёмғири билан баҳраманд этиб туриши айтилади. Аллоҳнинг ўз бандаларига марҳамати чексиз. Бас, шундай бўлгач, яъни раҳму шафқат, саховат ва карам Парвардигорнинг сифати экан, инсонлар ҳам унга яқинлашиш учун, ўз ахлоқларини ушбу сифатлар билан безашлари лозим. Чунки Аллоҳни севмоқ Унинг покиза сифатларини севмоқдан бошланади.

Иккинчи томондан, бунга далил яна шуки, меҳрибонлик, шафқат кўрсатиш каби нажиб ахлоқий хислатлар — пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламнинг сифати ва суннатларидир. Ул зотдан қолган ҳадиси шарифларда бу нарса бот-бот уқтирилади. Ва, бежиз эмаски, шайх ул-машойих Хожа Аҳмад Яссавий масалага ана шу нуқтаи назардан қараб, ўзининг

«Ҳикматлар» китобининг бошидан бошлаб диққатимизни шунга қаратади.

Сўз айдим: ҳар ким бўлса дийдор талаб,  
Жонни жонга пайванд қилиб, рағни улаб,  
Ғариб, етим, фақирларни кўнглин сийлаб,  
Кўнгли бутун халойиқдин қочдим мано.

Яъни: Кимки сидқидилдан Худованд дийдорини кўриш талаб-гори бўлса, ғариб-фақирларнинг кўнглини овласин, «кўнгли синиқ» кишини қаерда кўрсанг, «маҳрам ва малҳам бўлгин», чунки «ғариб, етим, фақирларни Расул сўрди», дейди Яссавий. Улуғ шайх шафқат ва меҳрибонликни тоат-ибодат, ҳаж ва рўза каби шарият фарзларидан ҳам баланд кўяди. Фақир, деганда, Аҳмад Яссавий камбағал-қашшоқ табақаларни ҳам, ихтиёрий равишда тариқат йўлига кирган дарвешларни ҳам назарда тутаети.

Яссавийда «Кўнгли бутун» (бошқа жойда «Кўнгли қаттиқ») ва «Кўнгли синиқ» иборалари бир-бирларига зид тушунчалар сифатида тилга олинади. Бу иборалар, аслини олганда, тасаввуф тим-солларидан бўлиб, кўнгли бутунлик — илоҳий жазба ва ишқдан беҳабарлик, кўнгли синиқлик эса, илоҳий ишқ шавқига тушган одам қалбини англадиб келаети. (Бу ҳазрат Навоийда «сингон сафол» ибораси билан ҳам ифодаланган бўлиб, ишқ майидан маст ҳарботийларни англадиб келаети).

Аммо Аҳмад Яссавий бу тушунчаларга ижтимоий мазмун бағишлаган. Унинг талқинига кўра, «кўнгли синиқ» кишилар (форсийда: «дилшикаста») бошидан муҳтожлик азобини ўтказган, қалбида шафқат булоғи қайнаган, адолат ва инсоф туйғуси туғма бир хислат бўлиб кўринадиган одамлардир. Қалбида илоҳий дарди бор одам дардмандлар ҳолини тушунади-да (Фузулий: кўзи ёшларин ҳолин на билсун мардуми гофил, Кавокиб сайрини шаб то саҳар бедор ўландин сўр). «Кўнгли бутун» кишилар деганда эса, Яссавий ана шундай дарддан, илоҳий муҳаббат шаробидан бебаҳра, «дунёпараст, ножинсларни» тушунган. «Ҳикматлар»да кўнгли қаттиқ золим кимсалар, беғам кишиларга нисбатан бир ўтли нафрат балқиб туради. Шоир бундайларни гоҳ нодон, гоҳ гофил, гоҳида жоҳил ва кўнгли кўзи кўр кишилар, деб ҳам тилга олиб ўтади. Аммо уларнинг умумлашма таърифи бу — «кўнгли қаттиқ»лик, раҳмсизликдир. Яссавий таърифи бўйича, бундай кишилар ҳали одамийлик даражасига ўсиб етган эмас, уларнинг энг катта нуқсони — маърифатдан, дину имондан беҳабарлигидир. Бундай одамлар дағал ва қўпол, ҳали қалбини маданият ва маърифат юмшатмаган. Бундай одамларда ҳали ҳайвоний эҳтиёжлар устун. Шундай қилиб, шафқат ва шафқатсизлик тушунчалари мулойимлик

ва қаттиқлик, руҳ ва жисм, инсонийлик ва ҳайвонийлик тушунчалари билан боғланиб кетади.

Агар Аҳмад Яссавийда бу айрим таъкид ва ишоралар тарзида кўринса, Жалолиддин Румий ва Мирзо Бедилда у муайян концепция бўлиб кўзга ташланади.

Жалолиддин Румий тўғридан-тўғри ёзади:

Меҳру риққат — васфи инсоний бувад,  
Хашму шаҳват — васфи ҳайвоний бувад.

(Яъни меҳр ва назокат, мулойимлик, латофат — инсонийлик васфидир. Фазаб ва шаҳват — ҳайвонийлик белгисидир.)

Назокат, мулойимлик, латофат сўзларини алоҳида олиб таъкидламоқчимиз.

Румий нима демоқчи? Айтмоқчики, инсон ҳайвон билан фа-ришта ўртасидаги махлуқ экан, унинг ҳайвонийлиги табиат билан, яъни сув, ҳаво, ўт, тупроқ қўшилмасидан иборат тўрт унсур билан боғлиқ ва ана шу табиат билан боғлиқлик унинг дағаллигини, ваҳшийлигини ва қаттиқлигини келтириб чиқаради. Бу худди руҳ билан жисм орасидаги муносабатга ўхшаш: руҳ латиф ва мулойим, жисм эса дағал ва қаттиқ. Мана руҳга берилган таърифга диққат қилинг: «Руҳ — шундай бир латифадирки, у ғайбдан қалбга келиб киради, у ҳаётнинг асоси ва ҳагто ҳаётдан ҳам баланд, руҳ — Раббоний амрдир».

Демак, руҳ ғайб оламидан келиб қалбга кирадиган латиф бир қувват. Уни шу боис латифа ҳам дейдилар. Инсоннинг ҳақиқати (моҳияти), табиатдаги бошқа жонзотлардан фарқлантирувчи белгиси ҳам шу руҳдир. Шу руҳдирки, бизни тинмай маънавий камолотга етаклайди, бизнинг ақлимизни ўстиради, нозиклаштиради, мулойимлик бағишлайди.

Жалолиддин Румийнинг фикрича, киши қанча жоҳил бўлса, у шунча ҳайвонсифат бўлади, лутф ва назокат, меҳрибонликдан узоқ туради. Яна қизиғи шундаки, деб давом эттиради Румий, жоҳилларда икки хусусият аниқ кўзга ташланиб туради: бунинг бири — оқил ва соҳибдил кишилар устидан ҳукмдорлик қилишга интилиш бўлса, иккинчиси — руҳий-маънавий жиҳатдан юксалганларга эмас, балки ўзига ўхшаган нодон ва дағал табиатлиларга раҳм-шафқат кўргизадилар, ўшалар билан бирлашадилар. Яъни, паст — пастга қараб тортади, олийжаноблик эса — олийжанобликка етаклайди. Румий эса бунга рози эмас, унинг фикрича, ҳайвоний хислатларга ҳам (жумладан, нафс ва жисмга), ҳайвон табиатли одамларга ҳам раҳм қилмаслик керак. Фақат руҳ, руҳоний ҳаёт ҳимояга, шафқатга сазовор. Албатта, буни Румийнинг табиатга нисбатан бадбинлиги деб тушунмаслик керак. Балки инсоний

тараққиёт тарафида туриб қилган даъвати сифатида қабул қилиш ўринли. Руҳни ҳимоя қилиш инсон камолотини ҳимоя қилиш ва парвариш этиш деб тушунади улуғ мутафаккир. Шу боис у тамсил тариқасида Исо билан эшагини мисол қилиб келтириб (Исо — руҳ, эшак — жисм) дейди:

Раҳм бар Исо куну бар хар макун,  
Таъбро бар ақли худ сарвар макун.

(Исога раҳм қил, эшакка эмас, табиат (жисм)ни ақлингга йўлбошчи қилма).

Мана шундай, жисм — табиат инсоннинг қобиғи, моддий жиҳаги, руҳ эса ақл жавҳари, инсон моҳиятидир. Шундай бўлгандан кейин — руҳни ривожлантириб бориш ва уни жисмга йўлбошчи қилиш лозим (буни қисман «Уруж» мақоласида ҳам кўриб ўтган эдик).

Румий демоқчики, жисмга, нафсга зулм қилиш мумкин ва ҳатто лозим ҳам. Чунки нафсга зулм қилинмаса, руҳга шафқат бўлмайди.

Иккинчи томондан, руҳ албатта ғалаба қилади, гарчи вақтинча унга зулм ва ситам қилинса ҳам. Зеро, инсон қудрати руҳдандир. Модомики, инсонийлик даражалари руҳнинг тараққиёти даражалари билан белгиланар экан, демак, руҳий-маънавий юксаклик зулму шафқатсизлик, нодонлик, паст табиатлилик устидан ғалаба қилиши аниқ.

Ушбу ғоя, айниқса, Мирзо Бедилда ёрқин ифодаланган. Лекин шуни айтиш керакки, мазкур масала Бедилда Румийга нисбатан анча ижтимоийроқ. Бедил инсонларнинг табиатинигина эмас, балки ўзаро муносабатларини, ҳаёт зиддиятларини ҳам эътиборга олади. Замонаси кишиларини кузатар экан, атрофида қалби тошдай қаттиқ золимлар тўлиб ётганини кўради.

У ёзади:

Жаҳон талоши лагадқўби якдигаранд,  
Чу сажда қофилаҳо пайи ҳам афтода аст.

(Жаҳон бир-бирини оёқ остига олиб тепиб босиш иштиёқи билан банд. Барча гўё саждага бош қўйиб, қофила — карвонлар бирин-кетин чўкканлар.)

Ажойиб ташбеҳ! Одамлар нафс жунунида бир-бирини тепиб йиқитиш билан овора, бирин-кетин оёқ остига тушган одамлар кетма-кет чўккан туяларга ўхшаб кетади. Бунда шоир дўплайиб турган қабрларни ҳам назарда тутган. Бу, албатта, инсонлар табиатидан келиб чиққан фожеани англаш ва уларни огоҳлантиришдир.



Бошқа бир жойда шоир «олам бағри тошлардан тоғ-тош бўлиб кетган», — деса яна бир жойда: «Бу тўфоннафас қиёматдан гапирма! Одамийлик қани? Дунёга ўт кетибдур», — деб нолийди. Мирзо Бедилда ана шундай ачиниш, ҳаловат кўрмаган, ўз-ўзини хароб қилаётган инсон аҳволини дард ва алам билан қаламга олиш хислати мавжуд. Демакки, бош зулмкор инсонга инсоннинг ўзидир. Бедил ҳам бундай қарашдан четда эмас.

Аммо унда бу борада бошқа қарашлар ҳам бор. У, бир томондан, золимни шафқатли қилиш мумкин эмас, деган ғояни илғари суради. Чунончи:

Мадам ба таъби дурушти золим фусуни  
таъсири меҳр,  
Бедил, ҳазор оташ нафас гудозад, ки оби хушке  
зи санг гирад.

(Золимларнинг қаттиқ табиатини меҳр билан ўзгартираман деб овора бўлма, зеро тошдан куруқ сув оламан деб минг олов уфурса ҳам бўлмас).

Бундан чиқди, зулмни енгиб бўлмайдими, барча уринишларимиз беҳудами? Йўқ, ундай эмас. Гап, умуман зулмни енгиш ёки енгмасликда эмас, бу ерда Бедил золимни тарбиялаш ҳақида гапирмоқда. Золимни меҳр-шафқат кўргизиб, ўзгартириб бўлмайди, шунинг учун золимга меҳр-шафқат қилма, дейди Бедил ва бир рубойида: «Душман тигига қарши тобланган пўлат қилични кўтар», деган фикрни баён этади. Аммо бу ғоя Бедилда етакчи эмас. У зулм ва золимни енгиш мумкин, деб ҳисоблайди. Бироқ кўпол кучга қарши яна кўпол куч ишлатиб эмас, балки кўпол кучни майин ва мулойим куч билан енгиш мумкин, дейди.

Мо софдилон саршикани таъби дуруштем,  
Бар санг тараҳҳум набувад шишагаронро.

(Биз софдил кишилар кўпол табиатлилар — раҳмсизларнинг бошини янчувчи(синдирувчи)лармиз. Шиша ясовчиларда тошга раҳму шафқат бўлмайди).

Бедилда шиша ва тош, оина ва тош тимсоллари тез-тез учрайди. «Шиша» ва «оина» — кўнгил рамзи, софлик, нозиклик, шафқат ифодаси. Қизиғи шундаки, тошни тош ёки ундан ҳам қаттиқроқ нарса эмас, балки тошга урса чил-чил синадиган шиша енгади, дейди шоир.

«Шишада тошларни синдириш фикри туғилмоқда», — дейди у бошқа бир ғазалида.

Хўш, Бедил нимага суяниб бундай фикрни баён этмоқда? Аллоҳ таоло охир-оқибат ожизларнинг қасдини золимлардан олади

(Куръонда ифодаланган гоя), ёхуд ожизлар бирлашиб, катта кучга айланиб, золимларни нобуд қилади, демоқчими?

Булар ҳам бўлиши мумкин. Бироқ Бедил ифодалаган гоя чуқурроқ. Унинг назарида айнан мулойимлик дағаллик устидан галаба қилади. Бу — муҳим фикр, чунки бу билан у шафқат-шафқатсизликни, адолат зулми, маърифат жаҳолатни енгади, деган қарашни олға сурмоқда. Диққат қилинг:

Шарм медорал дурушти аз мулойимтийнатон,  
Ғолиб афтоласт сурб бар алмосхо!

(Қаттиқлик мулойим табиатлилардан уялади, воқеан қурғошин олмос устидан галаба қилади).

Боя шиша тошни синдиради, деган бўлса, бу мисолда қурғошин олмосни емиради, деган фикрни баён этмоқда. Бедилнинг бу фикрини тушуниш учун мулойим, мулойимтийнат сўзларининг маъноларини шарҳлашга тўғри келади. Мулойимлик Бедил талқинида бу — руҳ, яъни лағифлик ва нозикликнинг энг олий намунаси. Руҳ шунчалик лағифки, энергияни, ҳароратни, магнит майдонини кўриб бўлмаганидай, уни ҳам кўз билан кўриб бўлмайди. Руҳ — энг нозик ва энг қудратли. Руҳ — мусаффолик ҳам. Чунки олий даражадаги латофат олий даражада соф ҳамдир. Худди нур сингари. Нур нозик, аммо у ҳаёт асоси, ҳаёт эса бениҳоят қудрат демек. Чунки нозикликда тараққиёт бор, ички ҳаракат бор, қаттиқликда бу хусусият йўқ. Қаттиқлик мўрт ва қуруқ, тез бўлинади, парчаланadi. Майсанинг тошни тешиб чиқиши шундандир балки.

Энди мулойимтийнат инсонлар ҳақида. Бедил бунда нимани назарда тутadi? Албатта, биринчи навбатда кўнгли тоза, дили артилган ойнадай шаффоф кишиларни назарда тутган. Дилнинг шаффофлиги унда илоҳий нурнинг, маърифатнинг кўплиги, муҳаббатнинг лиммо-лим эканлигидир. Ана шундай қалбга эга одамлар тошбағирлар, золимларни охир-оқибатда енгади, дейди шоир. Кўнгли лок фақирлар гарчи ожиз бўлиб кўринсалар-да, лекин улар қудратлидирлар. Чунки улар Аллоҳга яқиндирлар, чунки улар олий даражада инсоний камол касб этганлар. Инсонийлик ҳайвонийликка мағлуб бўлиши мумкин эмас.

Хуллас, мулойимлик қаттиқликни енгади, чунки:

- 1) мулойимлик ҳаётнинг жавҳари, ҳақиқати;
- 2) мулойимлик раҳму шафқат, мурувват демекдир;
- 3) мулойимлик Парвардигорнинг сифати;
- 4) у юксак мартабага кўтарилган руҳ фазилати;
- 5) у Аллоҳга яқинлашган инсон сифати;

6) у инсоний тараққиёт, такомиллик, уйғунлик — гармония белгиси.

Инсон яратган маданият ва маънавият (мусиқа, рассомлик, шеърят) мулойимлик қонуниятига амал қилади: инсоният тараққиётининг ўзи қўполликдан латифликка, қаттиқликдан нозикликка, жаҳддан ақлга томон ҳаракатдир. Демак, тарихнинг ўзи мулойимликнинг қийинчилик билан, аммо муттасил ва мунтазам ғалаба қилиб келаётганига гувоҳ. Мулойимлик — бу эзгулик, гўзаллик демак, гўзал ғоя, гўзал сўз, гўзал хулқ-атвор, гўзал қалб.

Шундай қилиб, инсон жавҳарининг ўзида мулойимлик, яъни шафқат ва мурувват мужассам. Яна Бедилга мурожаат қиламиз:

Барнамеояд дурушти бо мулойимтийнатон—  
Мешикофад шўхии мағз устухони пистаро.

(Қаттиқлик, зулм юмшоқ табиатлилар билан келишолмайди, зеро мағзининг шўхлиги, яъни ҳаракати писта суяги-пўчоғини ёриб чиқади).

Писта экилганда мағзи пўчоғини ёриб чиққандай мулойим табиатлилар қаттиқ табиатлиларни маҳв этадилар. Бу баъзи коммунист тадқиқотчилар талқин этгандай, инқилобий ғоя эмас. Бедил инқилобдан башорат ҳам бераётгани йўқ, бунга даъват ҳам қилмаяпти. Бу фақат ҳаёт қонунини қайд этиш, холос. Ҳаёт эса ҳаммавақт қотиб қолган назариялар, ақидаларни суриб ташлаб олға қараб бораверади — инсоният тинмай эзгулик томон интилаверади.

Бедил фикрича, инсоният тараққиётини ярим инсон, ярим ҳайвон(кентавр)га ўхшаш кишилар билан олға силжитиб бўлмайди:

То бувад мўмин ба вазъи халқ бояд сохтан  
Одамият пеш натвон бурд бо насносҳо.

(Имкони борича халқ раъйига қараб иш кўриш керак, одамийликни одам шаклидаги ҳайвонлар — наснослар билан олдинга элтиб бўлмайди).

Наснослар деб Бедил ўз замонасининг золим амалдорлари, ҳирсу ҳавас бандаларини кўзда тутган. Ва, умуман, ҳар қандай золим, ситамкор кишини наснос дейиш мумкин. Инсонийликнинг бутун моҳияти ана шу насносликдан қутулишдир.

Аҳмад Яссавий ҳам, Жалолиддин Румий ва Мирзо Бедил ҳам, бошқа Шарқ мутафаккирлари каби, шафқатсиз зулм ва золимлик илдишлари ҳақида кўп ўйлаганлар, бунинг сабаблари ва бартараф этиш чораларини қидирганлар. Аммо уларнинг бирортасида (Маздақдан бошқа), табақани табақага, бир синфни бошқа синфга қарама-қарши қўйиш бўлган эмас. Чунки улар яхши билардилар: синфий курашга чақириш — бу зулмга қарши зулмни қўллаш

бўларди. Бир синфни ҳукмронликдан четлаштирган иккинчи синф ўзи истар-истамас зулмкор, яъни эксплуататорга айланади. Қолаверса, чуқурроқ олиб қарайдиган бўлсак, синфий кураш замирида тўлиқ маънодаги ижтимоий адолат ғояси ётмайди. Бу аслида ижтимоий гуруҳларнинг нафс учун талашшидир. Яъни табиатдаги машҳур: ким зўр бўлса, ўша яшайди, деган қонунга амал қилиш. Тасаввуф бу қонунни рад этади. Бу қонунни ғайринсоний қонун, деб ҳисоблайди. Чунки бу зўрлик устига зўрлик, қатл устига қатл, зулм устига зулм олиб келади. Одамларда ҳасад, ғазаб ва қасос каби салбий туйғуларни ривожлантиради. Натижада, чин одамийлик ҳислари сўниб боради, инсоннинг Аллоҳ томон ҳаракати тўхтабди, камолот сусаяди. Табиат қонунини бутунлай рад этиб бўлмайди, аммо у билан чегараланиш, унинг домига тушиб қолиш ҳам одам боласи учун хавфли. Одам боласининг ўз одамийлик қонунлари ҳам борки, у шунга кўпроқ амал қилиши керак. Шу каби бутун дин номидан иш кўраётган экстремистларни ҳам ҳирсу нафс гирдобига гирифтор бўлган кишилар, деб айтаемиз. Зеро, улар қилаётган бедодликлар, зулму ситам ҳеч бир дину диёнатга тўғри келмайди. Меҳру шафқат бу кимсалар дилини мутлақо тарк этган. Улар ўз мақсадлари йўлида ҳатто қавму қариндош, ота-оналарини нобуд қилишгача бориб етмоқдалар. Ваҳоланки, бизнинг улуг шайхларимиз, ҳатто чумолига озор берма, кофир бўлса ҳам раҳм қил, деб таълим берганлар. Ҳазрат пиримиз Яссавий ёзадилар:

Суннат эрмиш кофир бўлса, берма озор,  
Кўнгли қаттиқ дилозордан Худо безор.

Ҳа, дилозордан Худо безор! У ким бўлмасин, қандай мазҳаб ёки динда бўлмасин, агар зулм-ситам билан шуғулланса, одамлар жонига қасд қилса, ундай киши ҳаргиз одам эмас.

Ана шу нуқтада тасаввуф ғоят инсонпарвар ва чуқур маъноларга эга бир таълимот сифатида ўзининг юксак мавқеини яна бир марта намоён қилиб турибди.

## ИРФОН ВА КОМИЛ ИНСОН

### Ирфон ва илм

Тасаввуф дунёни билишни, конкрет кундалик ҳаётни, инсоннинг дунё ва коинот, замон ва макон, лаҳза ва абадият, ҳодиса ва моҳият ҳақидаги тушунчалари билан боғлиқ қарашларни ўзида акс эттиради. Аммо буларнинг бари Пок Парвардигор қудратининг натижаси, Аллоҳ илму ҳикматининг зуҳур этиши, намоён бўлишидир.

Биринчидан шуки, сўфийлар ислом маърифати, Қуръон илмини чуқур эгаллаган ва буни эл орасига ёйишга жидду жаҳд қилиб келган одамлар эдилар. Фақат сўзлари, суҳбатлари, даъватлари билангина эмас, балки хулқ-атвори, фаолият ва кирдорлари билан ҳам атрофдагиларга таъсир этар, намуна-ибрат кўрсатардилар. Улуғ шайхлар дунёвий билимлар, аввало, шарият илмини пухта эгаллаганлари билан ажралиб турардилар. Чунки тасаввуфда дунё илмини билмай туриб, Илоҳ илму маърифатини билиш мумкин эмас, деган қараш ҳукмрон. Айниқса, ориф сўфийлар донишмандлик, фазилат ва ботиний илмлар соҳиби сифатида шуҳрат қозонганлар. Ориф аслида — илоҳий илмлар соҳиби демак. Оддий сўфийдан у дониш аҳлига яқинлиги билан фарқланиб туради. Орифнинг кўнгли илоҳий нур — илму ҳикмат хазинаси, деганлар. Бу илм Парвардигор сифатларини таниш, англаш билан тўлишиб боради, чунки сифатларини танимай, Зотни таниш мумкин эмас. Сифатлар эса тафриқа (турли-туманлик)ни англайди.

Тафриқа моддий дунёга хос хусусият. Демак, дунёнинг сиру асрори, илму ҳикмати, хислат ва хусусияти, қонуниятлари — Аллоҳ сифатларининг инъикоси. Ушбу сифатларнинг ҳар бирини таниб, билиб олган одам жамъ мартабасида Аллоҳ зотини таниши мумкин. Сифатлардаги алоҳида-алоҳида хусусият (жузь) жамланиб, кулл (умумий, универсал) хусусиятга кўтарилади ва Тавҳид (Ягоналик) юз беради. Ориф ана шуни бутун вужуди, ҳисси, ақли, шуури ва идроки билан мужассам этади — руҳида мужассамлантиради. Шундай қилиб, ориф одам дунёвий билимларни эгаллаш баробарида ботиний қувват билан Ғайб илмини ҳам эгаллай олган Комил

инсондир. Илоҳий маърифат унинг қалбида булоқдай қайнаб туради. Демак, Ҳаққа етишиш ҳам илмдир.

Парвардигорга яқинлашган сари У ҳақдаги илм кўпаяверади ва илоҳий азамат асари ортиб, маърифат кенгайиб боради. Абдураҳмон Жомийнинг фикрига кўра, илоҳий маърифат гарчи «виждоний амр» (бевосита қабул қилинадиган нур) бўлса ҳам, «аммо унинг муқаддимасидир, шунга кўра, илмсиз маърифатнинг бўлиши маҳолдир ва маърифатсиз илм зиёндир» (*Жомий. Нафаҳат ул-унс, 6-6.*).

Агар биз Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асарини varaқласак, бир қанча шайхлар таърифида «зоҳирий ва ботиний илм соҳиби», деган таърифга дуч келамиз.

Чунончи: «Шайх Абу Зуръа Ирбилий... олим ва зоҳид эрмиш» (222-бет), Шайх Абул Қосим Шақоний... усулу фуруъ (фикҳ) фунун (фанлар) ва улумида имом эрди», (218-бет), «Абу Абдуллоҳ Мухтор б. Муҳаммад б. Аҳмад Ҳиравий Ҳирот машойихининг ақобиридиндур, зоҳир улуми ва ботин улумиға жомеъ» (242-бет), Абу Наср б. Абу Жаъфар б. Абу Исҳоқ Ҳиравий Хончабодий... зоҳиру ботин улумиға олим ва рўзгор фақиҳи (240-бет), «Шайх Зиёуддин Абун нажиб Абдулқоҳир Сухравардий зоҳир ва ботин улумида комил эрди. Куп тасниф ва таълифи бор (асарлари бор)» (285-бет).

Муҳаммад Порсо кутубхонасида тарих, фалсафа, жуғрофия, тиб илмларига оид китоблар, хилма-хил луғатлар бўлган, деб гувоҳлик беради тадқиқотчилар. У Ибн ал-Арабий ғояларини биринчилардан бўлиб Мовароуннаҳр ва Хуросонга ёйди (*Жомий. Нафаҳат ул-унс, 213-бет.*).

Шу каби Жунайд Бағдодий, Зунун Мисрий, Юсуф Ҳамалоний, Абу Саид Абул Хайр, Абдуллоҳ Ансорий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, Муҳаммад Порсо, Хожаги Косоний ҳам улуғ донишманд ва муттақий, мураббий инсонлар бўлганлар, уларнинг кўпи шеър ёзиб турган ёки ўзга шоирларнинг минг-минг байтларини ёд билган.

Абу Жаъфар Ҳаддод Жунайд Бағдодий ҳақида дейди: «Агар ақл киши суратига кирса эрди, Жунайд сурати бўлғай эрди» («Насойим ул-муҳаббат», 61-бет). Яъни у Ақл тимсоли эди, тасаввуф маърифатини ҳам ақл билан идрок этиб, тушунтирарди демоқчи. Жунайд Бағдодийнинг ўзи илмнинг кашфу қароматдан устунлиги ҳақида бундай ёзган: «Илмнинг важду қолға ғолиб бўлиши важду қолнинг илмға ғолиб бўлишидин яхшироқдур» («Насойим ул-муҳаббат», 61-бет). Жунайд назарида, тавҳид идрокида ҳам вадий-ҳиссий интилишдан кўра, фикрий мушоҳада кўпроқ самара беради.

Жунайд дейдики, орифликнинг боши барча илмларни Аллоҳдан деб билишдир, киши «ўзи эгаллаган илмларни ҳам Ҳақ камолининг

ифодаси, одам илмини эса нисбий, нуқсонли ва Аллоҳ илмига нисбатан тўлишиб борадиган» дея ҳисоблашдан бошланади. Илоҳий илм сифатини уз маърифати суратида идрок этиши керак. Шайх Абу Бакр Тоҳир Абҳарий ҳам шу ақидани тасдиқлаган. Ундан: «Ҳақиқат надур?» — деб сўраганларида: «Ҳақиқат барча илмдур», — деб жавоб берган. «Илм надур?» — деб сўраганларида эса: «Барча ҳақиқатдур», — деб айтган экан (Насойим ул-муҳаббат, 130-бет).

Ҳақиқат — Ҳақнинг ўзи, унинг зоти ва сифатлари. Уни илмсиз таниш ва билиш мумкин эмас.

Навоий асаридан яна бир иқтибос келтириш билан чекланамиз. Муҳйиддин ибн ал-Арабийнинг шогирди Шайх Садриддин Кунявийдан сўрадилар: «Қаердан қаёққа борасиз ва ўртада нима ҳосил бўлади?»

Жавоб бериб дедики: «Илмдан Асл манбага борамиз, ўртада ҳосил бўлгани — дунёвийлик ва илоҳийлик ҳукми билан зоҳир бўлган икки тарафни бирлаштирувчи нисбатни янгилашдир» («Насойим ул-муҳаббат», 397-бет).

Бу фикрда бир неча жиҳатлар бор. Биринчиси шуки, «Илмдан Асл манбага борамиз», деганда Садриддин Кунявий сўфий дунёвий илмлар (жумладан, шариат илми)ни эгаллаш воситасида Асл манба — Аллоҳ томон боради ва Уни танийди, дунёвий билимларсиз Илоҳ илмини англаш ва эгаллаши мумкин эмас, деган қарашни баён этган. Иккинчидан, ориф — сўфий, шу тариқа, дунёвийлик ва илоҳийликни бирлаштиради, бу икки тарафнинг бирини инкор этган киши ориф ёки комил эмас, демоқчи. Учунчидан, илоҳийлик ва дунёвийлик нисбати ҳар бир янги ориф шахсида янги куч билан намоён бўлиши керак, деган ғояни баён этади. Яъни инсон — моддийлик ва руҳонийлик, дунё ва охират чегарасида турадиган хилқат — ҳар икки тараф унда ўзаро мувозанатда акс этиши лозим, бу нисбат ўзгарса, одамнинг сифати, ахлоқи ҳам ўзгаради. Илоҳийлик тарафи дунёвийлик тарафини бошқариб, мақсадга мувофиқлаштириб боргани маъқул. Дунёвийлик тарафи босиб кетса, нафси аммора қудрат топади, илоҳийлик баланд келса, у Аршга қараб интила бошлайди, юксалади.

### **Ирфон ва ҳикмат**

Яна шуни ҳам қайд этайликки, ирфон ва ҳикмат, ориф ва ҳаким (файласуф) орасида яқинлик кўрган муаллифлар буни ижобий ҳодиса сифатида қайд этадилар. Дарҳақиқат, Х асрдан бошлаб тасаввуф билан фалсафа бир қанча нуқталарда ўзаро таъсир эта бошлайди. Сўфийлар орасидан етишиб чиққан Яҳё Суҳравардий, Айн ул-қузот Ҳамалоний, Ибн ал-Арабий, Садриддин Кунявий, Жалолиддин Румий, Азизиддин Насафий фалсафий атама-

лардан ўз мақсадларида фойдаланиб, мушоҳада ва руҳият манзаралари, руҳ билан табиат орасидаги зиддиятлар, инсон ақлу заковати, хислатларини қиёслаб таҳлил қилишга интилган бўлсалар, файласуфлар Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Ибн Туфайл, Абу Райҳон Беруний, Фахриддин Розий, Носириддин Тусий хабилар тасаввуфни ўрганиб, ирфоний билимларни инсон билиш қолибиятининг бир тури сифатида кўрсатдилар. Ибн Сино, масалан, ўзининг «Аш-Шифо» асарида ирфонга бир боб ажратиб, уни гоят теран тадқиқ этади.

Иккинчи тарафдан, калом илмининг йирик намояндалари тасаввуф билан каломни қўшиш учун ҳаракат қилдиларки, бунинг ёрқин мисоли хужжат ул-ислом Абу Ҳомид Ғаззолий фаолиятидир. Ғаззолий «Иҳёу улум ад-дин» номли шоҳ асарида калом ақоидларини таваккул, ризо, ишқ, самоъ, покланиш, тақво, зуҳд каби сўфиёна тушунчалар билан устакорона қўшиб тадқиқ этган.

XIII аср олими Шайх Азизиддин Насафий эса «Зубдат ул-ҳақойиқ» рисоласида бундай ёзади: «Тасаввуф аҳлининг фикрлари, ҳақиқатдан олганда, омихтадир, яъни (бир қисм фикрлар) шариат аҳлидан, бир қисми ҳикмат аҳлидан (файласуфлардан), учинчи қисми эса ваҳдат аҳлидан (олинган)<sup>1</sup>.

Демак, тасаввуф илмида шариат ва ҳикмат мағзи сингиб кетган.

«Ахлоқи Жалолоий» деган китоб муаллифи Жалолоиддин Даввоний (XV аср) эса бундай ёзади: «Хоҳ аҳли назар (фикр аҳли) ким, уларни уламо дейдилар ва хоҳ тасаввуф аҳликим, уларни урафо (орифлар) дейдилар, ҳар икки тоифа ҳам ҳақиқатда ҳакимлардирлар (файласуфлардирлар.) Балки кейинги тоифа кўпроқ камолот даражасидадирлар, чунки ладуний илмни Унинг Ўзининг даргоҳидан ўрганадилар. Улар (сўфийлар) анбиёга яқин ва меросхўрдирлар. Ҳар икки йўл охир-оқибатда ўзаро яқиндир. Иккала йўл тадқиқотчилари орасида ҳеч бир зиддият йўқ»<sup>2</sup>.

Шундан кейин Даввоний Шайх Абу Саид Абул Хайр билан Абу Али ибн Сино мулоқотини мисол қилиб келтиради: улар учрашиб, бир-бирларига қараб узоқ сукут сақлайдилар ва кейин хайрлашадилар. Ибн Сино ўз шогирдларига: мен ниманики ақл билан билган бўлсам, у қалб билан кашф этибдур деса, Абу Саид Абул Хайр ҳам шогирдларига: мен ниманики қалб билан англаган бўлсам, у ақл билан билибди, деб айтади.

Шундай экан, ҳар икки йўл ҳам «мақсадга етишиш воситаларидир. Бир йўлда камол топган одам бошқа йўлдан камол топган одамни тан олиши, унинг ишини назар солиб мушоҳада этиши лозим», деган хулосага келади Жалолоиддин Даввоний.

<sup>1</sup>Комил инсон ҳақида тўрт рисола. Т.: «Маънавият», 1997. —156-бет. («Ваҳдат аҳли» деганда Насафий ваҳдат ул-вужуд тарафдорларини тушунган).

<sup>2</sup>Ахлоқи Жалолоий. Нулкишвар нашри, 1911. —26-28-бетлар.



Даввонийнинг мана бу фикри ҳам муҳим: «Сўфийлар ҳам олимларга муҳтождирлар, зеро агар солиқ расмий илмдан батамом холи бўлса, ифрот (ҳаддан зиёдлик) гирдобидан ва тафрит (етишмаслик) азобидан қутула олмайди».

Демак, ирфон ҳам ҳикматдир. Важдий йўл билан қозонилган Аллоҳ илми, калом ҳам, тасаввуф ҳам, ҳикмат ҳам, бундай олганда, инсон тафаккури, шуури, ақлий изланишларининг маҳсули. Улар зиддиятга киришса, илм ютқазали, ўзаро яқинлашса, илм бойийди, инсонларга наф қўпаяди.

Бу жиҳатдан XIX аср ўрталарида Хоразмда яшаб ўтган ўзбек адиби Бобожон Санойининг қарашлари ҳам диққатни тортади. Санойий истеъдодли шоир ва атоқли тасаввуф олими ҳамдир. Унинг «Канз ул-маориф» («Маърифат хазинаси») ва «Ҳадиқаи азҳор» («Гуллар боғчаси») номли икки асари тасаввуф масалаларини ёритишга бағишланган. «Ҳадиқаи азҳор» ўзбек тилида — инсон руҳини тадқиқ этувчи биринчи йирик илмий асардир. Руҳ тушунчасининг Арасту ва Афлотунда, кейин Форобий ва Ибн Синода ўрганилиши ва сўфий олимларда талқин этилиши ёритилади. Инсонни ўсимлик ва ҳайвон билан қиёслаб, инсонга хос ақл, ҳис, руҳ, вужуд хислатлари, тил ва тафаккур устида қизиқарли мушоҳадалар юритади.

Асарда инсон ҳақидаги фалсафий мушоҳадалар сўфиёна-орифона қарашлар билан уланиб кетган. Б.Санойий Форобий ва Ибн Синони «табиюн», яъни табиатшунослар деб атайди. Лекин улар фикрига ҳурмат билдиради. Чунончи, асарда «Абу Наср Форобий рисоласида Афлотун ва Арасту айтгонларин жамлаб, дебдур» ёки Қуръондан оят келтириб, тафсирлар экан, «Шайх Абу Али ибн Сино бул сурани шарҳлаб айтибдурким»,<sup>1</sup> дея қайд этади. Б.Санойий руҳни қуйидагича тушунтиради: «Аввалан, уни «нафс» дейдилар ва «ҳақиқат» ҳам дейдилар. Чунончи, масалан, бирор нарсани «у ўз нафси бирлан қоимдур», дейдилар. Ва яна инсон руҳини фарқлайдилар, буни ҳам «нафс» дейдилар (руҳ маъносиди). Бунда қалбни ҳам англайдилар. «Нафс» деганда баъзан Мутлақ руҳ назарда тутилади. Ушбу сўзлар маъноси билан бир-бирига яқиндур».

Шундан кейин муаллиф файласуфлар (ҳакимлар) ва сўфийлар ушбу сўзнинг тўрт кўринишини тилга олишини қайд этади, яъни: жисм руҳи, ўсимлик руҳи, ҳайвон руҳи ва инсон руҳи — руҳи нотиқа (нафси нотиқа).

Шу тарзда, шариат, тариқат ва ҳикмат асосида илм ва донишмандлик ётиши исботланиб келган. Албатта, ҳамма сўфийларни

---

<sup>1</sup>Мулло Бобожон Санойий ибн Ҳудойбердибек. Ҳадиқат ул-азҳор ва жавҳир ул-асрор. Абу Райҳон Беруний номидаги шарҳшунослик институти қўлёзмалар фонди. 7431-рақамли қўлёзма, 66-варақ.

бу қаторга қўшиб бўлмайди. Масалан, мажзуб, ошиқ сўфийларда маърифатнинг вайди (илҳомий) тури етакчилик қилган. Улар донишмандлик, ақлий билишни ёқтирмаган. Лекин юқори мартабага кўтарилган, айниқса, тариқат пешвосига айланган шайхларда илму амал, дониш ва каромат бирга зуҳур этган. Улар чин маънода илоҳий маърифатга фарқ орифлардирлар. Шуларнинг фаолияти ва қарашлари туфайли тасаввуф Мутлақ илоҳни таниш ва севиш илмига айланди, ахлоқ дастури бўлиб шаклланди.

### **Ирфон ва ахлоқий поклик**

Бу илмга кўра, киши қалбида илоҳий муҳаббат, эзгуликка, Ҳақ ва ҳақиқатга ишқ қанча кучли бўлса, у шунча сўфийдир. Бошқача айтганда, пок кўнгил билан бошқаларга ибрат бўладиган, ёлгон ва риёни, зулм ва ноҳақликни ёмон кўрадиган инсонни сўфий номи билан шарафласа бўлади. Зеро тасаввуф зоҳирий тоат-ибодатдан кўра, ботиний тозаликни, қалб орқали англаган тавҳидий имон-этиқодни ва руҳий-маънавий камолотни афзал деб билади.

Тасаввуф манбалари — маноқиблар, тазкират ул-авлиёлар, тарихий лавҳалар, мутафаккир шайхлар ва улуғ сўфий шоирлар асарларини мутолаа қиларканмиз, шунга амин бўламизки, тасаввуф инсоннинг Улуғ Поклик салтанатига руҳан парвози, бу йўлда ўзида нуқсонлар, нопокликларни кўриб, ўз-ўзига қарши исён этиши, ўзининг нуқсон-ғуноҳларини англаш изтироби, табиий-ҳайвоний хусусиятлар, яъни нафси аммолага ва шу нафсни парвариш этадиган моддийликка қарши кураши экан. Ҳар бир сўфий шайх шу жангга кирган сарбоздай туюлади кишига.

Нафсга қарши жиҳоднинг боши — тавба ва ўзини ўзи поклаш. Аслини олганда, покланиш шариатда ҳам асосий ўринни эгаллайди. Баданни таҳоратда тутиш, тоза кийим кийиб юриш, нопок, мурдор жойларга бормаслик, пок жойда покиза жойнамоз устида намоз ўқиш шариат талабидир. Тариқат аҳли бунга риоя этганлар. Аммо тариқат аҳли покликни янада чуқурроқ англаганлар. Чунончи, Поклик — Парвардигор сифати. Парвардигор жамики «алоиқлар» (гирифторлик, боғлиқлик) ва қайдлардан холи ва покдир. Жами нарсалар Унга боғлиқ, аммо Унинг ўзи ҳеч нарсага боғланмаган. У бутун олам вужудида мавжуд, аммо Ўзи бутун оламдан холис. Абдурахмон Жомий ёзади:

Ваҳдате гашта касраташ торий,  
Дар ҳама сорий, аз ҳама орий.  
Аз ҳудуди тааллуқот берун  
В-аз қюди таайюнот масун<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Абдурахмони Чомӣ. Ҳафт авранг. Тошкент нашри, 1914. 4-саҳифа.

(Мазмуни: Касрат — кўплиги бирдан вақеъ бўладиган ваҳдат — бирлик; ҳамма нарсада мавжуд, аммо ҳамма нарсадан холи — пок. Тааллуқлиликлар чегарасидан ташқари ва аёнлашишдан яширин, беркитилган).

Худо пок экан, покларни севади ва Худога етишиш учун тана ҳам, ният ҳам, қалб ҳам, фикру андиша ҳам, феълу хулқ ҳам пок бўлиши даркор. Жалолиддин Румий айтгандай: «Сўфий қордай оппоқ қалб эгасидир».

Сўфийнинг Худога муҳаббати — бу Мутлақ поклик, Мутлақ ҳақиқат ва мутлақ адолатни жондан севиб, шу шавқ ичида армонли туганмас соғинч билан талпинишидир. Ҳақлараст ва ростликпараст бўлмаган одам ҳар қанча ибодат қилмасин, ҳар қанча сидқу сафодан сўзламасин, у Ҳақни севмайди.

Шу маънода тасаввуфнинг ўзини ҳам сафо-покизалик ҳақидаги илм деганлар. Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Футувватномаи султоний» асарида бундай сўзлар бор: «Агар тасаввуф нимадир, деб сўрасалар, айтгинки, бу саволга берилган жавоблар бир қанча. Биринчидан, тасаввуфни тахлия, яъни холи бўлмоқ, қалбни (ёмонликлардан) бўшатмоқ ва яхши, мақталган (ҳамида) ахлоқ деганлар. Иккинчидан, тасаввуфни тасфия, яъни руҳни ағёр — бегонадан тозалашдир, деб айтадилар. Учунчидан, тасаввуф хузуъ, яъни нафсни жиловлаш, хокисорлик ва жонсипорлик намунасини кўрсатишдир, дейдилар».<sup>1</sup>

Маълум бўладики, покланишнинг маъноси кенг: инсон бутун вужуди билан Пок Парвардигор сифатлари билан сифатланишга тайёр туриши, ҳалоллик, ростгўйлик, сидқу садоқат каби фазилатлар эгаси бўлиб, буни ўз табиати — хислатига айлантириши керак. Абулҳасан Ҳарақоний: «Сўфий тунда ҳам кундай порлаши керак, унинг фазлу камолоти, нажиб ахлоқи одамлар қалбига нур бағишласин», — деганда шуни назарда тутди.

Инсон кўнгли — Аллоҳ ишқи хазинаси. Аммо хазина қачон очилади? Қачонки — кўнгил губорлардан тоза бўлса, бамисоли занг ва чанги артиб тозаланган кўзгудай мусаффо бўлса. Кўнгилнинг кўзгуга ташбеҳ қилиниши ҳам унинг тозаланиши ва илоҳий нурни акс эттиришига ишорадир. Нур мусаффо кўзгуда акс этганидай, Илоҳ жамоли соф кўнгилларда акс этади. (Баъзан адабиётда маъшуканинг тоза юзи кўзгуга қиёс этилган. Навоий: «Оразинг кўзгусиму тер касратидан сувдадур»).

Аммо покланиш ўз-ўзидан ҳосил бўлмайди. Бунинг учун тариқат йўлида муайян вазифаларни бажариш, риёзат чекиш, руҳни парваришлаб, нафсни сўндириб бориш, ҳалимлик, меҳру шафқатли бўлиш лозим. Кошифий яна дейди: «Кўнгил уйини риёзат супур-

<sup>1</sup>Комил инсон ҳақида тўрт рисола. — 184-бет.

гиси билан чангу губор, чиқиндилардан тозалаб туриш лозим, токи кўнгил ишқ султони ўтирадиган тахтга айлансин... Зеро, модомики, кўнгил дунё тааллуқоти — ташвишлари ғавғосидан кутулмас экан, у Дўст муҳаббатининг маконига айланмайди:

Кўнгил токим тааллуқ зангиндин пок ўлмас,  
Жамоли Зулжалол ғайб пардасидин жило этмас».<sup>1</sup>

Поклик сўфиёна адабиётда «сафо», «сидқу сафо», «руҳи қудсий», «малоҳат», «нури раҳмон», «субҳ» (тонг), «сабо» каби ташбеҳлар билан тасвирлангани бежиз эмас. Чунки Комил инсон қалби мусаффо, нурланиб, порлаб турувчи хаёлий бир тимсолдай тасаввур этилган. Комил инсоннинг чеҳрасидан нур ёғилиб туради. Мирзо Бедил байти:

Эй хаёли қоматат оҳи заифонро асо,  
Бар рухат наззораҳоро лағзиш аз жўши сафо.

(Эй қоматингнинг хаёли заифлар оҳи учун асо-суянчиқ, юзинга тикилганда сафо-поклик порлашидан кўзлар сирғалиб кетади). Шу маънода сўфилар сув, терни ҳам софлик ифодаси деб қараганлар. Ёрнинг мусаффо юзидан тернинг пайдо бўлиши — покиза нурнинг ёғилиши ва айни вақтда ҳаё рамзи сифатида талқин этилган. Зотан, ҳаё пок қалбли инсонлар хислати, виждон ва имон белгиси.

Пок қалбли одамларнинг таъби ҳам нозик, чунки улар Аллоҳ гўзаллиги, жамолу жалолани айрича ҳис билан идрок этадилар, бундан масту мустағриқ бўладилар. Улар дунёнинг барча нафосати, ҳаёт жилолари, завқ бағишловчи ҳусну жамолни Аллоҳ жамоли инъикоси деб қараганлар. Сўфийлар инсон руҳини «латифа» деб атайдилар. Бу ҳам руҳнинг ғоят нозиклиги, кўринмас латофатдай (энергиядай) мавжудлигини англашир. Руҳ — покиза хилқат ва шу боис жами покизалик, нозиклик руҳ хислатини ташкил этади. Шунга кўра маъшуқани фаришта хислатли, малаксиймо, паризод, парипайкар деб тавсифлайдилар. Бу ҳам поклик ва нозикликка ишорадир, яъни таъб нозиклиги, сўз ва ифода нозиклиги, завқ ва идрок нозиклиги, феълнинг юмшоқ ва латиф бўлиши ҳам сўфи қалбининг поклигидан нишонлардир.

Навоий байти:

Сода кўнглум ичра лаълингнинг хаёли тушгали,  
Шишаедурким, онинг ичига солмишлар набот.

<sup>1</sup>«Комил инсон ҳақида тўрт рисола». — 177-бет.

Яъни, тоза, мусаффо кўнглимга лаъл лабингнинг хаёли тушди.  
Бу худди шиша идиш ичига набот солиб кўйгандай. Ажойиб ташбеҳ:  
ошиқ кўнгли шунча софки, ёр лабининг лаъли хаёли акс этиб  
турибди!

Сўфиёна адабиётда софлик, сафо ана шундай куйланган ва  
қалб софлиги ошиқлик, сидку вафо, ихлос ва эътиқоднинг асос  
пойдевори деб қаралган. Сафо бўлмаса, садоқат бўлмайди, садоқат  
бўлмаса, софлик юзага келмайди. Садоқат, албатта, Аллоҳгадир,  
садоқат, сидқ имонни мустаҳкамлайди, ихлосни кучайтириб,  
кишини мосуваллоҳдан халос этади.

## ИХЛОС — ХАЛОС

Сўфийлар покликни шу маънода тушуниб, уни *ихлос*, *махлас* тушунчалари билан бирга олиб изоҳлайдилар.

Аввало «ихлос» сўзининг маъноларини шарҳлайлик. Саййид Жаъфар Сажжодийнинг «Орифлар истилоҳлари луғати» номли китобида «ихлос» сўзига бундай тушунтириш берилган: «Ихлос риё ва ужб (ўзини баланд тутиш, ҳаммадан юқори ҳисоблаш), кибр ва ҳақиқат қаршисида парда бўладиган нарсалардан холис бўлиш (қутулиш, тозаланиш) ва амалнинг (амалий ишларнинг) софлиги маъносини билдиради»<sup>1</sup>.

Бошқача айтганда, руҳни табоҳ этувчи нафсоний ҳирслардан, нопок амаллардан қутулиш, ботиний риё, ёлғон, найрангбозлик каби нуқсонлардан холи этиш, тозалашни ихлос деганлар. Ихлос — инсоннинг шарафли, улуғвор фазилати. Ихлосни Ҳақ асрорининг сирларидан бири ҳам дейдилар («Асрор ут-тавҳид» китоби, 305-бет). Ихлос, биринчи навбатда, ниятнинг холислигидир.

Жунайд Бағдодий таърифи: «Ихлос улдурки, банда ҳар бир амали ва феълида Худони хоҳласа. Чунки ҳеч нима билан қоришмаган, соф нарсани холис дейдилар. Шу учун ҳеч нима билан қоришмаган, ҳар амалда Худони хоҳлаш мартабаси ихлос мартабасидир».

Ихлос ибодатда, иймонда, эътиқодда, амалий ишларда намоён бўладиган чинлик, самимият ва ростликдир. Ҳеч бир ғараз ва тамасиз, фақат Худо учун ибодат қилиш. Ихлоснинг тескариси риёдир. Риёкор одам қиладиган амалини бошқалар кўрсин деб қилади, сидқидилдан, беғараз, Ҳақ йўлида ибодат қилмайди. Риёкорлик — сохтакорлик, алдамчилик ва ҳийла-найрангга олиб келади. Риёнинг замирида манфаат ва тама, яъни нафси аммора талаби ётади.

Риёкорларда иккиюзламачилик, тилда бир гапни айтиб, амалда бошқа ишни қилиш, зоҳирда бошқаю ботинда бошқа бўлиб кў-

---

<sup>1</sup> Саййид Жаъфар Сажжодий. Фарҳанги мусталақоти урафо. Теҳрон, Ҳижрий 1329. — 30-бет.

риниш хусусияти ривожланган бўлади. Бу ҳолни улар инсоннинг қусури эканини тан олмайдилар, турлича товланиб, халқни алдашдан ҳузурланиб юрадилар. Ачинарлиси шуки, бундай одамлар сўфий шайхлар орасида ҳам кўп бўлган. Ўзларини «шайхи замон» қилиб кўрсатиб, хонақоҳларда дағдағаю дабдабалар билан зикр мажлисларини уюштирар, «ваъзу насиҳат»да сўзамоллик кўрсатар, одамларга гўру қиёматдан гапириб, ўзлари хилватда ғайри шаръий ишлар билан шуғулланардилар. Барча зоҳирий амаллардан муддаолари шоҳ ва амирлар, бой-бадавлат кишиларнинг диққатини ўзларига қаратиш ва шу билан бойлик тўплаш, текин маишат пайида бўлиш эди. Бундай риёкор шайху сўфийлар улуғ гуманист шоирларимиз томонидан қаттиқ қораланган.

Чунончи, ҳазрат Навоий «Ҳайрат ул-аброр» дostonидаги тўртинчи мақолотида «риёи хирқапўшлар»ларнинг шайтонни ҳам йўлда қолдирувчи найранглари фoш қилса, «Маҳбуб ул-қулуб» асарининг ўттиз саккизинчи фаслида «риёи шайхлар зикри»га махсус тўхталиб ўтади. Улуғ адиб риёкор шайхни бундай таърифлайди: «Шайхи риёи — раънолиқ жилванамойи. Миседур олтуни била рўкаш, таши хушнамо ва ичи нохуш. Сурати дарвешваш ва маъноси саросар ғаш. Орасталиқи барча қайд ва каромати тамом шайд. Аммомаси раёсат юки, бошида бир фосид хаёл ҳар туки»<sup>1</sup>.

Яъни риёи шайхнинг ташқи кўриниши ораста, бенуқсон, салобатли, аммо ички олами кир, хаёли бузуқ. Худди олтин қопланган мис буюмдай. Унинг кароматлари ҳаммаси найрангу фирибдир. Навоий наздида бундай одамлар ўта хавфлидир, чунки улар одамларнинг чин орифлар, ҳақиқий сўфийларга бўлган ихлосини сусайтирадилар, Худога бўлган ихлосни емирадилар, жамики муқаддаслик, эътиқодни бозорга олиб чиқадилар, маънавиятни хароб этадилар. Одамлар уларга эргашиб алданади ва Ҳақ йўлдан адашади. Зеро оддий инсонлар қаллоблик, сохтакорликни тезда англаб етмайди, чин ва ёлғонни ажратолмайди.

Шу боис ҳазрат Баҳоуддин нақшбанд хилватнишинликни ҳам, рақсу самога асосланган жаҳрия зикрни ҳам риёга алоқадор, деб рад этганлар. «Дар хилват шуҳрат аст, ва дар шуҳрат офат аст», — дейди Нақшбанд ҳазратлари. Яъни: «Хилватда шуҳрат бор, шуҳратда эса офат бор». Нима дегани бу?

Бунинг маъноси шуки, хилватнишинлик, узлатга чекиниш ҳам риёнинг бир тури. «Тарки дунё қилдим, бошқалардан афзалман, сизларга ўхшамайман, художўйман», дегандай бир даъвоким, унинг замирида кибр ва манманлик, ўзини бошқалардан устун қўйиш фикри ётади. Бу эса шуҳратпарастлик — бошқалар диққатини ўзига жалб қилиш, обрў-эътибор даъво қилишдир. Қолбуки,

<sup>1</sup>Алишер Навоий. МАТ, 14-жилд, —44-бет.

хилватга чекинмай ҳам ботинни сидқидилдан поклаб бориш мумкин. Агар Худо йўлида зикр айтиш бўлса, киши ичида Унинг номларини қайтариб, дилда нақшлаб бориши афзал. Бунда риё йўқ, ўзини кўз-кўз қилиш, бошқалар диққатини қаратиш йўқ. Аксинча, бунда садоқат ва сидқ бор. Зотан ихлоснинг олий камоли ҳам сидқдир. Сўзда сидқ, феълда сидқ, ишда сидқ, аҳволда сидқ. Шайх Руввим айтгандай: «Холис амал на дунёдан, на охиратдан мукофот — музд талаб қилмасликдир». Шу маънода Алишер Навоий фикрича, тоат-ибодат замирида ҳам муайян риё бор. Улуғ шоир ёзади:

Тасаввуф эмас зуҳду тақвою тоат,  
Ки анда риё йўл топар бетаваққуф.

Яъни тасаввуф гарчи шариати исломга суянса-да, аммо у фақат зуҳду тақвою тоатдан иборат эмас. Чунки зуҳд (парҳезкорлик), тақво ва тоатнинг ўзини оладиган бўлсак, бунда нариги дунёда мукофотга умидворлик илинжи ва бу дунёда ўзини алоҳида шахс қилиб кўрсатиш истаги бор. Шу учун, дейди Навоий, бунда риё йўл топиши муқаррар. Шоир давом этиб ёзадики, тасаввуф риёсиз тақво, соф, беғараз бандлик ва меҳру муҳаббат, одамлардан ҳеч нарса даъво қилмаслик ва ўзини одамлар гарданига солмаслик, бутун ихтиёрини ўз Парвардигори ихтиёрига топшириш — «Ҳақ вужудида ўз вужудини маҳв этиш»дир.

### Маломатия фалсафаси

Ихлос ва сидқ масаласида, айниқса, тариқатнинг маломатия тоифаси кўпроқ жидду жаҳд кўрсатганлар. Улар сурункали тоату ибодатни ҳам риёга қўшганлар. Шу учун тоатни эл назаридан махфий тутиш лозим, деганлар. Бугина эмас, эзгу ният, эзгу амалингни ҳам биров билмагани яхши, одамларга мурувват кўрсатгин, аммо буни ҳеч ким билмагани маъқул, деб уқтирганлар ва шунга ўзлари амал қилганлар. Уларнинг шиори зоҳирда кўпол, шилқим бўлиб кўриниш, халқнинг маломатига сабаб бўладиган ишларни қилиш, ботинда эса сидқу сафо, кўнгил поклигини сақлаш эди. Бу билан улар гўё халқ нафрати Ҳақ муҳаббатини оширади, деган ақидани изҳор этардилар. Улар барча ҳолатда, ҳар доим ихлос маъносини таҳқиқ этиш, Ҳақ ёдини дилда сақлашни талаб қилиб, тоатни риёнинг зуҳури ва ихлос қоидасига ҳалал етказадиган амал, деб ҳисоблаганлар. Улар назарида яхшиликни изҳор (кўз-кўз) қилиш ҳам, ёмонликни беркитиш ҳам ножоиз. Аммо Абдураҳмон Жомий «Нафаҳот ул-унс» асарининг муқаддима-сида маломатия тоифасини ҳали етуклик мартабасига кўтарилмаган (халқ билан муомаладан бутунлай узилмаган) ва, демак,



«восиллар ва комиллар» даражасига кўтарилмаган кишилар, деб кўрсатади. Шу боис ихлосни қанчалик шиор қилиб олган бўлмасин, маломатия тоифасини «мухлислар» (ихлосманд, риёсиз, самимий, содиқ) деб, комил сўфийларни «мухласлар» (қутулган, халос бўлганлар) деб таърифлайди (*Жомий. Нафаҳот ул-унс, 8-бет*).

Шунга қарамай, тасаввуф тарихида маломатиянинг аҳамияти катта бўлганини таъкидламоқ жоиз. Маломатия қаландарлик ҳаракатининг бошланишига туртки бўлди. Шариат расму қоидаларга риоя қилмайдиган, фақат ирфоний-ботиний маърифатни асосий инсоний фазилат деб биладиган, бепарво, надомату маломат, таъна ва таҳқирни писанд қилмайдиган ринди хароботий тасаввуф идеалига айланди ва бу идеал ҳаётдан зада, норизо зиёлилар, аҳли дониш ва ижодкорларнинг схоластика ва фанатизмдан толиққан, табиату жамият чорчўбасига сиғмаган, бетоқат ва безовта руҳининг ҳуррияти, соғинч ва изтироблари, талпинишларини ифодаб келди, одамлар қалбига фикрий ва ҳиссий уйғоқлик нафасини уфуриб турди.

Риндлар шунинг учун ҳам сўфиёна адабиётда зоҳид, обид, шайхга қарши кўйиб таърифланади. Ҳофиз дейди: «Дар хирқа чу оташ зади, эй ориф солик, жаҳде куну сарҳалқаи риндони жаҳон бош» (Эй ориф солик, хирқага ўт кўйдинг, яна бир жаҳд қилиб, жаҳон риндлари пешвоси бўл). Демак, Ҳофиз назарида орифликнинг олий мартабаси ринди орифликдир. Чунки у касрат ва таайюнот оламининг зоҳирий, имконий ва сифатий таърифларини бутунлай ўзидан узоқлаштирган, олам ва бани одамнинг сарфарози бўлган кишидир.

«Халқиятдан ҳеч бир махлуқнинг мартабаси ринд, орифнинг мартабасига етмайди... у хароботий ва лоуболий (кўрқмас), илоҳий маърифатни беихтиёр зоҳир этадиган... русум ва одатларни тарк этган, барча қайдлардан қутулгандир» (*Сажжодий луғати, 164-165-бетлар*).

Шу тариқа, тасаввуф ғоялари инсон тафаккурини озод қилишга интилган, зоҳирбинлик ва мутаассибликка қарши бош кўтарган фикрий-ҳиссий тўлқин билан кўшилиб зухур этадиган бўлди. Бу ҳуррият қалб ва руҳ ҳуррияти, ички ҳуррият эди. Шайхлардан Боязид Бистомий, Зуннун Мисрий, Абу Бакр Шиблий, Абул Ҳасан Харақоний, Мансур Ҳаллож, Яҳё Сухравардий, Абу Саид Абул Хайр, Айн ул-қуззот Ҳамадоний, Нажмиддин Кубро, Рўзбехон Бақлий фаолияти, сўзларида, шоирлардан Хожа Аҳмад Яссавий, Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий, Хожа Ҳофиз, Саъдий Шерозий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Бобораҳим Машраб, Мирзо Бедил ижодида ирфоний ғояларнинг умуминсоний гуманистик ғоялар билан кўшилиб кетгани, тафаккур теранлигини кўрамаиз. Бу шайхлар ва шоирлар назарида ички

хурриятни таъминлайдиган ягона куч — бу ишқдир. Ана шу ишқ кишини олий қадрият, абадий ҳаёт манбаи Парвардигори карим оламига яқинлаштиради, руҳни Мутлақ руҳга улайди. Ишқ шу боис одамни зоҳирбинлик ва ақидапарастликдан халос этади. Нафақат шарият русумлари, балки тариқатнинг зоҳирий талаблари бундай одам учун ортиқча, кераксиз нарсага айланади. Хонақоҳлардаги тартиб-қоида, одоб назорати, сўфиёна кийим (хирқа, кулоҳ)ларни ошиқ риндлар ишқ йўлидаги тўсиқ, Илоҳ билан қалб орасидаги пардалардан деб ҳисоблаганлар. Зеро, хирқа ҳам риё белгиси, зикру чилла ҳам.

Шу боис Навоийнинг лирик қаҳрамони хонақоҳдаги шайх суҳбатидан безор бўлганини («Шайх бирла хонақоҳда чун ёруғлуқ кўрмадим»), ўзини пири хароботий мажлисига еткирганини ва ўша майхона (комил инсон ҳузури)да муродига етганини сўзлайди. Навоийнинг мана бу ғазалига эътибор қилинг:

Мен масти ғарқи бодамен, аксим эмас май ичра, ваҳ.  
Соқийга бовар бўлмаса, бехудлуғум бастур гуваҳ,  
Тақво ридоси бирлаким масжидга бордим дайрдин,  
Эй мугбача, ийнак ридо бўйнулма, гар қилдим гунаҳ.  
Келдим қочиб ғам хайлидин майхонага, эй пири дайр,  
Тенгри паноҳинг, гар манго хум кейнида берсанг панаҳ.  
Дайр ичра сархуш мугбача динимни торож айлади,  
Айб этмангиз гар келмаса ёдимга шайху хонақоҳ.  
Наззорадин хуш аҳлининг дастори тушмак не ажаб,  
Мундоғки сархуш секретур ҳар ён саманд ул кажжулаҳ.  
Тасбеҳни май раҳни қил, ҳар донага майл этмагил,  
Гар истасанг кўнглунг қушин сайд этмагай бу домгаҳ.  
Май тулғунинг ҳар пашшаси пиледурур хартумлуғ,  
Дафъ этгали дайр аҳлига гар чекса дарду ғам сипаҳ.  
Юз бирла гар дайри фано йўлин супурсам, ваҳҳи бор,  
Ким дайр пири олдида бу навъ ўлубман рўбараҳ.  
Гулхан аро остинда кул, урён бошингда ишқ ўти,  
Бу навъ тахту тож ила сенсан Навоий подшаҳ.

Ушбу тўққиз байтлик ғазалда ошиқ ринднинг поэтик образи чизилган. Аммо ана шу образ замирида эркак ташна инсон қалбининг кечмишлари акс этганини сезиш қийин эмас. «Май», «бода» бу ерда ишқ, илоҳий файз маъносини берадиган тимсоллардир. «Соқий» — пири комил.

«Дайр» ва «майхона» — комил инсон ҳузури, маънавият олами. «Хум» — комил инсон қалби, ишқ манбаи. «Мугбача» — комил пири ошиқ билан боғлайдиган, Аллоҳдан мужда келтирадиган фаришта тимсоли. Ошиқ муҳаббат майдан маст, ишқда ўзидан беҳабар. У баъзан тақво ридосини (махсус устки кийим, тўн) кийиб, масжидга борганидан пушаймон, буни ошиқ учун гуноҳ

ҳисоблайди. Ошиқ учун энг мақбул жой Илоҳ муҳаббати, ирфоний сирли суҳбатлардан дил яйрайдиган комил инсон ҳузури. Фақат шу жой уни овутади, таскин беради, ўз паноҳига олади. Ғазални диққат билан ўқиган киши шунга амин бўладики, Навоий қаҳрамони нафақат масжиду хонақоҳдан, балки умуман «ғам хайлидин» қочиб майхонага келади. Ким бу ғам хайли? Булар илоҳий моҳият асрорини англамайдиган, ишқдан беҳабарлар, «саллау дасторига маҳлиё» кишилар ҳам, нафсу ҳирси, ҳасад ва кибр бандида гирифторлар ҳам, умуман софқўнгил, солиқ одамларга озор берадиганлар ҳамдир. Қолаверса, булар умуман дунё ғамига чўмган кишилардир.

Навоий учун ошиқлик — халоскорлик, озодликдир. Бошқа бир ғазалида у дейди:

Бода мени айлади зуҳду риёдин халос,  
Зуҳду риё йўқки, минг ранжу анодин халос.

Яъни: ишқ сўфийни зоҳидликдан, риё, ёлғон, мунофиқликдан, зоҳирпарастлигу сохтакорликдан ва, айна ҳолда, беҳуда дунёвий ғаму азоблардан ҳам қутқаради. Шу учун ошиқ «хирқани май учун гаровга қўйиши» мумкин, тасбеҳ доноларини ғам тузоғи дейишга ҳақли. Дунё ташвиши, ғамлари хужум қилганда ишқ филлари ўз ғартуми билан бу лашкарни яксон қила олади.

### Ишқ — хурриятми?

Хуллас, ишқ — озодлик. Ушбу ғоя Умар Хайём, Хожа Ҳофиз, Жалолиддин Румий, Бобораҳим Машраб шеърлятида ҳам бош йўналишдир. Шайхлардан Абу Саид Абул Хайр, Нажмиддин Кубро рубойларида бу маъно ифодаланган. Аммо бу ўринда масаланинг иккинчи томони ҳам бор: ишқ кишини дунё ғами ва у билан боғлиқ тушунчалардан озод қилган билан Худога қаттиқ боғлаб қўяди. Чунки ошиқлик — Худога бандаликнинг ифротий (ҳаддан зиёд) кўринишидир. Шу боис бу ўринда озодлик ҳақида гапирганда, муглақ озодлик, ҳамма боғлиқликлардан халос бўлиш маъносига эмас, балки дунёвий алоқалардан узилиб, ёлғиз Аллоҳга боғланишни англаш ўринли. Абу Саид Абул Хайр:

Озодию ишқ чун ҳаме н-омад рост,  
Банда шудаму ниҳодам як сў ҳама хост.

(Озодлик ва ишқ бир-бирига тўғри келмас эди, худога банда бўлдим ҳамма истакларимни бир ёққа йиғиштириб қўйдим).

Лекин, барибир, риндларнинг хатти-ҳаракати, ружуъ ва кайфиятида инсон руҳининг эркин парвози акс этгандир. Буни инкор қилиб бўлмайди ва сўфиёна адабиётда, хусусан, Мавлоно

Жалолиддин Румий газалиётида бу туйғу ёрқин ифодаланган.  
Чунончи, қуйидаги ғазалга эътибор қилинг:

Чи талбир, эй мусулмонон, ки ман худро намедонам,  
На тарсою яҳудиям, на габрам, на мусулмонам.  
На шарқию на ғарбиям, на барриям, на баҳриям,  
На аз кони табииям, на аз афлоки гардонам.  
На аз хокам, на аз бодам, на аз обам, на аз оташ,  
На аз Аршам, на аз фаршам, на аз кавнам, на аз конам.  
На аз Ҳиндам, на аз Чинам, на аз Булғору Сабқинам,  
На аз мулки Ироқиям, на аз хоки Хуросанам.  
На аз дунё, на аз уқбо, на аз жаннат, на аз дўзах,  
На аз Одам, на аз Ҳавво, на аз фирдавси ризвонам.  
Маконам ломакон бошад, нишонам бенишон бошад,  
На тан бошад, на жон бошад, ки ман аз жони Жононам.  
Дуйи аз худ бурун кардам, яке дидам ду оламо,  
Яке жўям, яке гўям, яке донам, яки хонам.  
Ҳувал аввал, ҳувал охир, ҳувал ботин, ҳувал зоҳир,  
Бағайр аз «Ҳу, ё ман Ҳу», дигар чизе намедонам.  
Зи жоми Ишқ сармастам, ду олам рафт аз дастам,  
Ба жуз риндию қалллаши, набошад ҳеч сомонам.  
Агар дар умри худ рўзе даме бе Ў баровардам,  
Аз он вақту аз он соат зи умри худ пушаймонам.  
Агар дастам диҳад рўзе даме бо Дўст дар хилват,  
Ду олам зери по орам, дигар дасте барафшонам.  
Ажаб, ёрон, чи мурғам ман, ки андар байза парронам,  
Даруни жисми обугил ҳама ишқам, ҳама жонам.  
Ало эй Шамси Табразий, чунон мастам дар ин олам,  
Ки жуз мастию қаллоши на бошад ҳеч дармонам.

(Румий. Девони Кабир, 460-б.)

Мазмуни:

На ҳолдир, эй мусулмонлар, ки ман ўзни билолмасман.  
На тарсою яҳудийман, на габру на мусулмонман.  
На шарқликман, на ғарбликман, на денгиздан, на саҳродан  
На табиат кониданман, на фалакданман.  
На тупроқман, на елдурман, на сувданман, на оташман.  
На Аршданман, на ерданман, на дунёю, на кониданман.  
На Ҳиндистон, на Чинданман, на булғорлик, на славян.  
На Ироқдану на Хуросон мулкидан келдим.  
На дунёвий, на ухровий, на жаннатдан, на дўзахдан.  
На Одамдан, на Ҳавводан, на фирдавси ризвонданман.  
Маконимдир маконсизлик, нишонимдир нишонсизлик,  
На тан бордур, на жон бордур, ки Жонон жонидандирман.  
Иккиликни суриб ҳайдаб, икки оламини Бир кўрдум,  
Бирни изларман, Бирни дейман, Бирни биламан, бир деб  
танийман.

Удир аввал, Удир охир, Удир зоҳир, Удир ботин

Ўзидан бошқа Ҳу (У, Ўз, Худо) йўқдир. «Ҳу ё ман Ҳу»  
 (Удирким Удир)дан ўзгани билолмасман.  
 Муҳаббат жомидан мастман. инки дунёни топширдим.  
 Бағайри ринду девоналикдан ўзга шуғлим йўқ.  
 Агар ўз умримда бир кун Усиз бир нафас олган бўлсам,  
 Ўша вақту соатдаги ўз умримдан пушаймонман.  
 Агар Дўст билан бир кун хилватда бўлиш насиб этса,  
 Икки оламини оёқ остимга олиб, бошқа иш қилмасдим.  
 Эй ёрлар, ажойиб қушманки, тухм ичида учадиганман,  
 Лойдан яралган жисм ичра ишқман, жонман  
 Ало эй Шамси Табрезий, бу оламда шунчалик сархушманки,  
 Мастлик ва бебошликдан бошқа дармоним йўқ.

Ошиқ сўфийнинг ҳис-ҳаяжонга тўла, кўтаринки кайфиятини ифодалайди бу ғазал.

Айтиш жоизки, Ж.Румий ғазаларининг аксари ана шундай ўйноқи ва сероҳангдир. Аммо бу «ўйноқилик» энгиллик белгиси эмас. Румий ғоят чуқур орифона маъноларни ана шундай сероҳанг сатрларда ифодалаш билан эшитувчи ва ўқувчиларнинг қалбига таъсир этиш ва шу орқали сўфиёна ғояларни сингдириб боришни мўлжаллаган.

Воқеан, бу ғазаллар сўфийларнинг само мажлислари учун айтилган. Дарвешлар шундай ғазалларни айтиб, унинг оҳангида рақсга тушганлар, важд ҳолатини кашф этганлар.

Агар диққат қилсак, ушбу ғазалда ошиқ ҳолатининг тасвири орқали орифона ғояларнинг ўзига хос концепцияси баён этилган. Яъни: инсон Мутлақ руҳдандир, руҳ эса макону замонга сиғмайдиган, моддийлик тушунчалари, ўлчамларини тан олмайдиган жавҳар. Агар руҳ Табиат исканжасидан (вужуддан) халос бўлса, Мутлақ руҳ билан бирлашиб кетади, инсон руҳи билан Ҳу (У) орасида ягоналик ҳосил бўлади. Комиллик даражасига кўтарилган инсон бу ягоналикни ҳис этиб туради ва у ўзини заминий тушунчалардан холи деб биледи. Бундан масту сархуш бўлиб, яйрайди.

Румий ғазалининг маъносини чуқур англаган одам Мансур Ҳалложнинг «Анал-Ҳаққ» ғоясини ҳам идрок этади. Чунки Мансур ҳам айни мана шу ҳолатда, айни мана шу маънони назарда тутиб, «Мен Ҳақман» деган эди.

Румий ғазаллари замирида Табиат билан Руҳ зиддияти ва бундан қутулиш ғояси ётади. У табиатни (жамики моддий борлиқ, жумладан, инсон вужуди ҳам) руҳ учун кишан. вақтинчалик кўнимгоҳ деб қарайди. Парвардигор Одам Атони лойдан яратди. Аммо лойнинг ўзи ўзича ҳеч нарса эмас. Лой («обу гил») бир сурат — шакл, холос. Маъно, моҳият Парвардигор шу суратга юборган раҳмоний нафас — руҳдир. Руҳ эса лой қобигида, Табиат исканжасида абадий қолиб кетиши мумкин эмас. Демак, Табиат (шакл) руҳсиз ҳаракатга, тараққиётга

қобил эмас, тараққиётнинг сабабкори ҳам, ижрочиси ҳам руҳдир. Лекин бу Табиатни бутунлай инкор қилиш деган гап ҳам эмас. Орифлар Табиатни руҳнинг қўнимгоҳи дер эканлар, бу билан моддий-зоҳирий асоснинг зарурлигини — шакл ва мазмун ўзаро бир-бирига интилувчи, бир-бирини тақозо этувчи асослар эканини эътироф этадилар. Аммо, шунга қарамай, руҳ бирламчи асос — моҳиятни белгиловчи жавҳар, деб қаралган. Руҳ табиат ичида туриб парвозга шайдир. Румий ғазалидаги «Жононнинг жонидандирман», «тухум ичида учишга шайман» ибораларига диққат қилинг.

Яъни: инсон руҳи Парвардигор (Жонон)дан, у Табиат бағрида бўлса ҳам, аммо ҳамма вақт парвозга чоғланиб туради — Аслига қараб интилади. Бу парвознинг қанотлари ишқ, жонни Жононга олиб боровчи ҳам шу.

Яна бир жиҳат шуки, ушбу ғояни англашнинг ўзи муҳим, деб қаралган. Мазкур ғоя қанчалик теран англашилса, сўфийнинг зеҳни, шуури, асабларини қамраб олса, у шунча ўзини дунёдаги тафриқа тушунчалардан холи ҳис этади, умуминсонийлик ғоясини жамики касратий тушунчалардан устун қўя бошлайди. Унинг назарида миллий, диний, ирқий, жинсий ва ҳоказо бўлинишлар ортиқча ва арзимас бўлиб кўринади. Унинг учун шарқлик ва ғарблик, насроний ва мусулмон, яҳудий ва зардуштий, ҳиндий ва хитойлик баробар. Динлар муҳим эмас, динлар дунёвий ўлчовларга тегишли, шу каби ирқий ва миллий белгилар ҳам. Муҳими — руҳ, инсоний руҳнинг поклигидир. Руҳ инсонийликнинг умумий белгиловчи фазилатини англатади. Руҳ ҳамма инсонларни бирлаштиради. Буни ринди бебок даражасига кўтарилган ошиқ ориф ҳис эта олади. «Руҳнинг туркийлик ёки араблик билан иши йўқ», — дейди Румий «Маснавийи маънавий» асарида.

Бобораҳим Машрабнинг мана бу сатрларида ҳам юқоридаги маъно акс этган:

Ажаб Мажнун эрурман, дашт ила саҳрога сиғмамдур,  
Дилим дарёи нурдур, мавж уруб дунёга сиғмамдир.  
Шариат ҳам, тариқат, ҳақиқат, мендадир мавжуд,  
Чу султони азалдурман, ки Арш аълога сиғмамдир.  
Мақоми ҳайрат ичра гоҳи худман, гоҳи беҳудман,  
Жунун бозорида мастманки истиғнога сиғмамдур.  
Ғаҳ ўрус, ғаҳе черкас, ғаҳе мўмин, гоҳ тарсоман,  
Не кавнайни, миёни «ло»у «иллаллоҳ»га сиғмамдир...

Шоир айтмоқчики, Мажнун каби ошиқ кишининг руҳи макону — қалбида Илоҳ нури балқиб, порлаб турибди, у икки дунёга ҳам сиғмайди, балки икки дунёни, Арши аълони, фалак ва малаклар оламини ўз ичига олади. Чунки Мутлақ руҳ — султони азал, ҳамма нарса Ундан ва Унга қараб боради, ҳамма нарса ўзгаради, У ўзгармайди, ҳамма нарса тугайди, У тугамайди. Инсон

руҳи ҳам покланса, шу хусусиятни касб этади, шариату тариқат, ҳақиқат ғояларини ҳам, Қуръону Инжилни ҳам, «Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ» калимасини ҳам ўз ичига олади. Сўфиёна тавҳид тушунчаси мана шундай кенг қаровли маънога эга. Бундай тушунча ва ўлчам қаршисида «сен ўрус, сен ўзбек», «сен мусулмон, сен кофир» деб айирмачилик қилиш нақадар нодонлик, нақадар гўдаклик! Балоғатга интил, одамизод, балоғатга эришсанг, Ҳаққа етасан ва кўп майда-чуйда тасаввурлар, шу тасаввурлар устига қурилган маросиму муомалалардан халос бўласан!

Румий ва Машрабнинг даъвати шу.

### Асосий мезон — одамийлик

Мана шунинг ўзиёқ тасаввуфнинг Илоҳ ва инсон, Инсон руҳи ва Мутлақ руҳ, дунё воқеа-ҳодисалари, билим, эътиқод, ҳаёт ва абадийлик масалаларига кенг бир нигоҳ билан қараганлигини кўрсатиб туради. Бундай сўфийлар мутаассиблик ва ақидапарастлик, тарафкашликларни ёқтирмас эдилар. Аксинча, улар жамики дин вакиллари, барча миллату элатларга ҳурмат билан муносабатда бўлишни, одамни аввало одамийлик сифатларига қараб эҳтиром этиш, қадрлашни тарғиб этганлар.

Тасаввуфни ҳар тарафлама ўрганган инглиз олими Р. Николсон бундай ёзади: «Мусулмон бўлиб туриб барча динлар ва мазҳаблар билан муроса-мадора қиладиган ва ўзаро кечиримлилик ва меҳрибонлик асосида яшайдиган жами кишилар, агарчи расман сўфий бўлмасалар ҳам, лекин улар (амалда) сўфийдирлар» (*Доктор Али Асғар Жалий*. Ирфон асослари ва орифлар. Техрон, ҳиж. 1376. —55-бет).

Дарҳақиқат, пешқадам сўфийларнинг ақидаси ҳам, ахлоқи ҳам шундай эди. Улар мазҳабпарастликни номуносиб ва Худога хуш келмайдиган иллат, деб қараганлар. Чунки барча одамлар — Худонинг бандаси ва ҳар бир дин Худога олиб борадиган бир йўл. Йўллар бир-биридан фарқ қилиши мумкин, лекин йўловчининг нияти, мақсади уни бошқа йўловчилар билан яқинлаштиради. Форс шоирларидан бири ёзади:

Ман онро одами донам, ки дорад сийрати некӯ,  
Маро чи маслаҳат бо он, ки ин габр асту он тарсо?

(Мен сийрати яхши бўлган кишини одамий ҳисоблайман, бу оташпараст, у насроний, деган сўзлар билан ишим йўқ).

Сўфийларнинг қарашлари бўйича, «ҳар зарра миқдорича Ҳақ сари йўл бор» (Шайх Абу Саид Абул Хайр), ҳеч кимга йўл беркитилган эмас. Айрим дин вакилларининг фақат ўз мазҳабини «ҳақ йўл», қолганларни «ботил» дейиши ножоиз. Сўфийлар мазҳабий керилишни ҳам кибрнинг бир тури, деб қарардилар. Инсондаги худбинлик, ужб (манманлик, керилиш) ва ғурур гуруҳбозлик,

демакки мазхабпарастликда намоён бўлади ва салбий оқибатларга олиб келади. Ҳеч кимга ва ҳеч бир динга камситиш, таҳқир назари билан қарамаслик лозим.

Абу Саид Абул Хайр дейди: «Кимки ўзига бино қўйса, ўзини танимаган бўлади ва кимки ўзини танимаса, ўз Худосини ҳам танимайди» (*Муҳаммад Мунаввар*. Асрор ут-тавҳид. Техрон нашри, 320-бет). Шу фикр исботи учун Абу Саид Абул Хайр қуйидаги ривоятни келтиради:

«Мусога ваҳий келдиким, эй Мусо, Бани Исроилга айт, ўз ораларидан энг яхшиларини ажратиб кўрсатсинлар. Ўн кишини танладилар. Ваҳий келдиким, бу ўнтадан учтани ажратиб танланглар. Уч кишини танладилар. Яна ваҳий келдики, бу учтадан энг яхшини танласинлар. Исроил қавми биттани танладилар. Яна ваҳий келдиким, эй Мусо, айтгилки, бу танлаб олинган одамга айтсинлар: Бани Исроилнинг энг ёмон одамини танлаб олиб келсин. Ул одам тўрт кун муҳлат сўради ва қавми айланиб чиқа бошлади. Тўртинчи кун бир қишлоққа етиб бир одамни кўрдик, фисқу фасод, бузуқликда шуҳрат топган эди. Бутун халқ ундан безор эди. Кўнглида шу одамни олиб бориш фикри келди, аммо яна ташқи белгиларга қараб одам ҳақида ҳукм чиқариб бўлмайди, балки бу одамнинг ҳам бирон фазилати, қадрлашга сазовор жиҳати бордир, деган андиша дилидан ўтди. Одамлар гапига қараб, бировни пастга уриш, ҳақир ва арзимас деб ҳисоблаш ножоиз. Мени одамлар энг яхши киши деб сайлаганларига маҳлиё бўлсам, хато қиламан, деб ўйлади. Бошқалар ҳақидаги ҳукмларим тахмин ва гумондир, яхшиси бу гумонни ўзимга нисбат бераман, деган қарорга келди ва салласини ўзининг бўйнига солиб, Мусонинг олдига келиб деди: ҳар қанча изласам ҳам, ўзимдан ёмонроқ кишини топмадим!

Шунда Аллоҳдан ваҳий келдики. «эй Мусо, дегил: ул инсон ҳақиқатан ҳам Бани Исроилнинг энг яхшисидир, энг қўп тоат қилганлиги учун эмас, балки ўзини ҳаммадан паст ҳисоблагани учун шундайдир». (Асрор ут-тавҳид, 86-бет).

Абу Саид Абул Хайрнинг бу ривоятдан чиқарган хулосаси («қиссадан ҳисса») шуки, улуғ орифлар ўзларини эмас, Худони кўрадилар, «Худони кўриш ўзни кўришдан афзал» (Саъдий Шерозий), деган қоидага амал қилиб, ман мусулмонман, демак, энг ашраф одамман, динларнинг энг яхшиси исломдир ва кимки исломдан бошқа динда бўлса, уни қабул қилиш ноўрин, деган баҳоналар билан халқни безовта қилмайдилар ва ақидапарастликка берилмайдилар. Маълум бўладики, мутаассиблик ва ақидапарастлик умуминсоний ахлоққа зил келадиган нуқсондир, у юксак маънавий камолотга жиддий тўсқинлик қилади, яъни бани башарни яхши кўриш, дўст-биродар тутиш, демак, халқлар, миллат ва қавмлар орасида ҳамжиҳатлик ўрнатиш, тинчликда, ўзаро



бахрамандлик қонуни бўйича яшашга ҳалақит беради. Ҳар ким ўзи ҳуш кўрган йўл ва маросим билан Худога баъдалликни изҳор этади, Худони қалбида олиб юради. Мақсад Худога интилиш ва Уни севиш, ахлоқ ва афъолни Унга қараб ростлаш экан, йўл ва йўриқларнинг хилма-хиллиги муҳим эмас. Шаклга қараманг, моҳиятга қаранг. Моҳият ва мақсад эса —ягона. Ана шу ягона мақсад бизнинг пок ниятларимизни бирлаштиради ва Ягона вужуд васлига муяссар этади. Сўфийларнинг ақидаси шу эди..

Шундай қилиб, ирфон:

**Биринчидан.** дунёвий ва илоҳий илмларни, шариат, тариқат илми билан бирга, фалсафа ва ҳикматни қамраб олиб, рационал (ақлий) ва иррационал (важдий, ладуний) билиш усулларини кўшиди, инсон тафаккури сарҳадларини кенгайтирди.

**Иккинчидан.** маърифатни ахлоқий покланиш, риёзат билан узвий боғлади. Яъни инсон ҳам зоҳиран, ҳам ботинан покланса, қанчалик ахлоқий фазилат касб этса, у илм-маърифатга шунча кўпроқ интилади ва бу соҳада ютуқларга эришади. «Ахлоқий фазилат эгаси бўлмай туриб, маърифат ва билим эгаси бўлиш мумкин эмас» (Форобий), деган қараш орифлар, файласуф олимлар, уламои киромнинг асосий талаби эди.

**Учинчидан.** маърифат ва ихлос, сидқу сафо ўзаро чамбарчас боғлиқ деб эълон қилинди. Ихлос — покланиш ва тавбанинг боши. Ихлос риё ва юзакилик, манфаатпарастлик, кўзбўямачилик каби салбий ҳислат ва одатларни рад этади. Ихлос одамни самимий, тўғрисиўз, ҳақгўй этади. Ростлик ва покликка ихлоси бўлмаган одамнинг Худога тоати ҳам ёлғон ва риёдир, дейди сўфийлар.

Албатта, ихлос, сидқу сафо, ростгўйлик, вафо, саховат ва муруват каби нажиб инсоний ҳислатларни улуғлаш тасаввуфгача ҳам бор эди. Аслида бу илғор қарашлар жами мутафаккир ва донишмандлар асарлари, набиларнинг сўзлари, муқаддас китобларда мавжуд қоида ва талаб бўлиб, авлоддан авлодга ривожланиб келган. Аммо тасаввуф аҳли бу талабларни худосеварлик ва комиллик тушунчалари билан қўшиб, олдинги маррага олиб чиқдилар ва янги куч билан қизғин тарғиб этдилар.

**Туртинчидан** шуки, Худога сидқидил билан интилиш руҳни юксалтиради ва унга ҳуррият бағишлаб, мазҳабий айирмачиликлар, мутаассиблик, ўзга динларга тоқат қилолмаслик каби салбий кайфиятдан ҳалос этади. Инсон қанчалик маърифатли бўлса, у шунча инсонийдир ва барча одамларда инсоний фазилатларни қадрлайдиган бўлади, бутун оламга муҳаббат билан муносабат кўрсатади.

Хуллас, илм, ихлос, муҳаббат, комиллик инсонларни яқинлаштиради, дўстлаштиради. Ирфон мана шу жиҳати билан кучли маънавий тарбия қуроли бўлиб келди ва ҳозир ҳам шу миссияни адо этмоқда.

## ДАРВЕШ АХЛОҚИ ТАЪРИФИДА

Алишер Навоий асарларининг тўлиқ ҳолда йигирма жилд ҳажмида нашр этилиши бой маънавий меросимизни тиклаш соҳасида қўлга киритилган улкан ютуқ бўлди. Чунки ўтган аср давомида улуғ шоир асарлари бир неча бор турли кўринишда чоп этилган бўлса-да, бироқ шўролар мафқураси тазйиқи туфайли бу бебаҳо ҳазина ҳар хил қисқартириш ва рандалашларга учраб, китобхонлар қўлига яхлит ҳолда бориб етмади, натижада Навоий ижодининг ҳамма чашмаларидан баҳраманд бўла олмадик. Йигирма жилдлик нашрнинг юзага келишида мухтарам устозлар П. Шамсиев ва Ҳ. Сулаймонлардан тортиб, С. Фаниева, М. Мирзаҳмедова, И. Шамсимухамедов, И. Ҳаққулов, С. Рафиддинов, Қ. Эргашев каби заҳматкаш навоийшуносларимизнинг бир неча авлоди меҳнати сингган.

Йигирма жилдлик нафақат кенг китобхонлар оммасини Навоийнинг ўлмас мероси билан тўлиқ таништиришга имкон беради, балки улуғ шоир ва мутафаккир ижодини тадқиқ этувчилар учун ҳам қимматбаҳо манба бўлиб хизмат қилади. Энг аввало, ҳазрат Навоийнинг ислом ва тасаввуфга таянган дунёқараши яхлит бир тизим сифатида намоён бўлди, Навоий гуманизмининг туб илдиzlари очилди. Навоий ижоди кўп қиррали, кўп қатламли, ранг-баранг ва ғоят теран фалсафий мушоҳадалар, инсониятни асрлар давомида қийнаб келган муаммо ва дардлар ила йўғрилгани, инсон қисмати, унинг камолоти учун қайғуриш унинг бош концепцияси, ардоқли орзу-армони экани тўла аёнлашди.

Навоий донишманд Шарқнинг улуғ ва мумтоз мутафаккири, Уйғониш даври даҳоси экан, унда беназир шоирлик истеъдоди, тил гўзаллиги, ифода мўъжизакорлиги, тафаккур теранлиги мужассам ва бу унинг ҳар бир асари, ҳар бир сатрида ярқ этиб порлаб туради. Навоийнинг ҳар бир байти — бир ҳикмат, бир дурдона. Шу билан бирга, Навоий улуғ Муаллим, ахлоқ Муаллими. Хоҳ эпик асарлари, хоҳ лирик ёки насрий асарларида бўлсин, улуғ адиб биринчи навбатда инсондаги салбий хислатларни кўзгуда акс эттиргандай кўрсатиб, нажиб эзгу хислатлар, фазилатларни

эгаллашга чорлайди. Жаннатдан қувилган Одам Ато авлоди яна покланиб, уз асл Ватани — Парвардигор ҳузурига қайтиши керак. Навоий ана шу мавқедан туриб, ислом, имон, тавҳид, шариат ва тариқат масалаларини қаламга олади. Шу нуқтаи назардан дарвешлик сулукини бу мартабага эришишнинг энг тўғри ва мақбул йўли, деб биледи. Навоий дарвеш ҳам, сўфий ҳам бўлмаган, аммо Жомий ҳазратлари қайд этганидай, у «дарвешлар муҳиби (дўсти) ва бу тоифанинг дилдан ихлосманди»дир. Навоий учун дарвеш поклик ва маънавий камолот идеали, Комил инсон. Унинг деярли барча асарларида дарвеш, ориф инсонлар ахлоқи ҳақида фикрлар бор. Ҳатто «Хамса»нинг темурий шаҳзодаларга бағишланган насихат бобларида ҳам дарвешлик хислатларини олий бир илоҳий фазилат сифатида намуна-ибрат қилиб кўрсатади. Унинг соф тасаввуфий асарлари ҳисобланган «Насойим ул-муҳаббат» ва «Лисон ут-тайр»да дарвешлар сийрати, ҳамида хулқ-атвор ва жавонмардлик хусусиятлари таъриф-тавсиф этилади, турли шайхларнинг ҳаёти билан боғлиқ ҳикоятларни келтириб, фикрларини мустаҳкамлайди.

«Насойим ул-муҳаббат» муқаддимасида бу тоифа вакилларида кўринган тавозеъ, қаноат, ҳилм, сидқу сафо, Аллоҳ ҳукмига исён қилмасдан розиликда истиқоматда бўлиш каби нажиб фазилатлар ҳақида тўлқинланиб ёзади. Шундай таъриф-тавсифни «Маҳбуб ул-қулуб» («Қалбларнинг севгани») асарида ҳам учратамиз. Бу ерда Навоий дарвешлар ахлоқи масаласига кенгроқ тўхталган.

Маълумки, «Маҳбуб ул-қулуб» — хулосавий асар. Яъни муаллиф умрининг охирида бутун ижодида ифодаланган ғояларни қисқа-қисқа қилиб, ўқувчи хотирасида нақшланиб қоладиган сажли-ҳикматли жумлалар орқали баён этиб чиқади. Асосий мақсад — инсонларни огоҳлантириш, ёмон хулқ-атвордан нафратлантириб, яхши ахлоққа қайтариш. Шу боис Навоий ёмон хислатларни кескин оҳангда, ҳатто аччиқ бир ҳажвий услубда мазаммат этади, нафрат ва жирканишга сазовор этувчи ташбеҳ — тасвирлар қўллайди. Яхши сифатларни эса, хуш ёқадиган ва ўқувчининг меҳрини қўзғатадиган иборалар билан безайди, ўзининг ижобий муносабати, муҳаббатини аниқ сездиради. Асарнинг баъзи фасллари бошдан охиригача таъриф-тавсиф йўсинида ёзилган (масалан, «Одил подшоҳлар зикри», «дарвешлар зикри» каби) бўлса, баъзиларида салбий ва ижобий хислатлар қиёсланади, баъзиларида эса бошдан-охиригача танбеҳ, таъна ва танқид руҳи ҳукмрон. Айтиш керакки, «Маҳбуб ул-қулуб»да бошдан — охиригача танқидий руҳда ёзилган фасллар кўпроқ, шу боис бу асарни маълум даражада Навоий сатирасининг намунаси деса бўлади.

Аммо, айтиб ўтилганидай, софдил дарвешларга бағишланган қисм ва фаслларда салбий таърифлар эмас, балки ижобий сифатлар баёни, аниқроғи тасаввуф ғоялари таҳлили етакчилик қилади.

«Маҳбуб ул-қулуб» уч қисмдан иборат: биринчи қисмда турли ижтимоий табақалар ахлоқи ҳақида сўз борса, иккинчи қисмда дарвеш ва орифлар хулқу одоби, тариқат талаблари хусусида фикр юритилади (айни шу қисм аввалги нашрларда тушириб қолдирилган эди), учинчи қисм эса «танбеҳ»лардан иборат, яъни инсонни тубанлаштирувчи турли нуқсонлар кўрсатиб ўтилади.

Дарвешлар ҳақида биринчи қисм охирида ҳам тўхтаб ўтилган. Тўғрироғи, Навоий қирқ фаслдан иборат биринчи қисмнинг охириги — қирқинчи фаслини «Дарвешлар зикрида» деб номлаган. Бу ерда дарвеш, ринд («харобот аҳли») ижтимоий тоифалар сифатида олиб қаралади, шу каби фирибгар, риёи шайхлар жамиятда шаклланиб қолган бир зарарли унсурлар сифатида қаттиқ танқид остига олинади.

Асарнинг иккинчи қисми ўн бобдан иборат, ҳар бир боб охирида бир шеърӣй ларча (байт, қитъа, рубоӣй), сўнгра муносиб бир ҳикоят келтирилиб, у ҳам яна шеърӣй ҳикмат билан якунланади.

Демак, иккинчи боб ўз мазмуни, оҳанг-услуби, композицион тузилиши билан қолган икки бобдан ажралиб туради. Навоий ўн бобда тариқатда мавжуд қўйидаги ўн асосий тушунча — рукнлар ҳақида фикр юритади: Тавба, Зухд, Таваккул, Қаноат, Сабр, Тавозуъ ва Алаб, Зикр, Таважжух, Ризо ва Ишқ.

Алишер Навоий ушбу ўн рукн талабларини лўнда ва ифодали тилда тушунтиради, бу талаблар нима учун қўйилади ва улар қандай қилиб дарвеш сифатига айланиши мумкинлигини ҳам шарҳлаб беради. Ушбу қарашлар Алишер Навоийнинг тариқат ва тасаввуф асосларини нақадар теран билганини кўрсатади.

Турли сифатларнинг ўзаро вобасталиги, тариқат йўлига кирган одам (солик)нинг ишни нимадан бошлаб, нима билан тугатиши, Улуғ Тангри даргоҳига мушарраф бўлган зотлар сийрату сурати, зоҳиру ботинида кўринадиган ҳолатлар ва феъллар батафсил баён этилади.

Бироқ булар ҳақида кенгроқ тўхтаб ўтишдан олдин асарнинг биринчи қисмидаги «Дарвешлар зикрида» фаслини таҳлил қилиб кўрайлик. Фаслнинг насрий қисмини тўлиқ келтирамиз: «Дарвеш улдурким, бўлғай ризоандеш, агар ичида бўлса юз неш, тоши бўлғай марҳамойин ва маломаткеш. Дарвеш керакким сидқу фано тариқин тузгай ўзин нечукки бор, андоқ кўргузгай. Аноният ғилзатиға қаттиқ риёзатлар била сафо бермиш бўлғай ва нафсоният шиддатидин азим мужоҳидалар била чиқиб, фарқ тариқиға кирмиш бўлғай ва фано доруламони жамоатхонасиға етмиш бўлғай. Ҳиммати назариға мосивуллоҳи номавжуд, балки Вужуди мутлақдин ўзга барча нобуд. Ичи тоши била мувофиқ, балки ортиғроқ, ботини зоҳири била мусовий, балки ёруғроқ. Агар зоҳирида ботин

ихфоси учун кўрунса, андин муроде бўлса маломаткашлик. Ботини софи-зоҳир тийралиги кони мунофий. Дарвеш тўни йиртуқ андоқтурурким, ганжи макони бузуқ. Саро аҳли жаҳонда андоқтурурким, Фаридун ганжи вайронда.

Маъни аҳли ҳақиқати махфий ва сурат аҳлининг даъви ва даъвати ҳақиқатда бемаъни. Эронлар ҳоллари суратин ёшурубтурлар ва маломат суратида наъли бозгуна урубтурлар ва зоҳирлари биносин бузубтурлар ва ботинлари асосин тузубтурлар. Қазодин не келса, ўларин ризоға ёсобтурлар ва олам аҳлининг қаттиқ ранжу ирик маломатиға чидабтурлар. Емак — ичмакдин кечибдурлар. Ҳақ ризосин истарда ғам еб ва қон ичибдурлар. Ризову таслим зовияси — мақомлари, фано бодиясида оромлари. Адабу тавозеъ аларға кеш, душману дўстиға некандеш. Бу сифату ойин била бўлгон эрур дарвеш» (*Алишер Навоий*. МАТ, 14-жилд, 46-47-бетлар).

Ўқувчиларга тушунарли бўлсин учун Навоий жумлаларини ҳозирги ўзбек адабий тилида соддароқ қилиб баён этамиз: «Дарвеш шундай одамки, унинг фикру зикри Худо ризолиги билан банд бўлади, агар унинг ичида юз дард бўлса ҳам, ташқариси малҳам каби мулойим (ва шифобахш) бўлади, одамларинг таъна-маломатиға парво қилмайди (1). Дарвеш садоқат ва фано (Худо нурига ғарқ бўлиб йўқолиш) йўлини тузган, ўзи қандай бўлса, шундай кўриниши лозим бўлган одамдир (2). У манманлик ғализликларини қаттиқ ажзу риёзатлар билан ювиб, (қалбини) софлаган ва нафсу ҳаво шиддатини қаттиқ курашлар билан енгиб, фақр йўлига кирган ҳамда фанонинг хавфу хатарсиз жамиятиға етган киши бўлсин (3). Ҳиммати назарида дунёнинг бор ташвиши ва бойликлари арзимас, йўқдай бўлиб кўринса, балки Мутлақ вужуд (Аллоҳ)дан ўзга вужуд унинг учун батамом кўринмаса (4). Ички олами ташқи олами билан мувофиқ, балки ички олами ортиқроқ балқиб турса ва ботини зоҳири билан баробар, балки ботини нури ёруқроқ порлаб турса (5). Агар зоҳирида ботинининг хавфи учун нимадир кўринса, бу унинг маломаткашлиги мақсади учун бўлса (6). Ботиннинг сафоси зоҳирининг қоронғилигини рад этади (7).

Дарвешнинг тўни йиртиқ, бу ганж беркитилган жой вайрона бўлганидай гап (8). Чунки сафо аҳлининг жаҳондаги мавқеи худди Фаридун подшоҳнинг ҳазинаси вайронада (яшириб кўйилгандай)дир. (9). Маъни аҳлининг ҳақиқати — сирлари махфий ва сурат аҳлининг ҳақиқий даъвоси (манманлиги) ва даъватлари ҳақиқатда бемаъни (10). Мардлар (дарвешлар) суратларини яширадилар ва маломатий кўринишида тескари муҳр уриб, зоҳирлари биносини бузиб, ботинлари пойдеворини тузатибдирлар (11). Тақдири азалдан нима келса, рози бўладилар ва олам аҳлининг қаттиқ ранжу

азобига, таъна-надоматларига чидайдилар (12). Ортиқча смоқ-ичмоқдан воз кечиб, Ҳақнинг розилигини қозониш учун гам еб, қон ютадилар (13). Уларнинг мақомлари (шу боис) — ризо ва таслим, ором оладиган жойлари — фано дашти (14). Уларнинг одатлари — адаб ва тавозеъ, дусту душманга яхшиликни исташдир (15). Ушбу сифат ва қоидалар билан безанган одам дарвешдир (16).

Алишер Навоий жумлаларининг охирига рақам қўйиб чиқишдан мақсадимиз дарвеш ҳақидаги ушбу таъриф-тавсифлар (характеристика)нинг ҳар бири алоҳида бир муҳрдай фикрда нақшланиши ва айни чоқда занжирдай кетма-кет тизилиб, бир-бирини давом эттирган ҳолда яхлит бир баённома ҳосил қилганини таъкидлашдир.

Ҳар бир жумлада дарвешнинг бир хислати баён этилади ва бу хислатлар йиғилиб, бир-бирини тўлдиради, изоҳлаб-қувватлаб келади.

Чунончи, биринчи жумлада Худонинг тақдирига ризолик ва маломатийлик, иккинчи жумлада фонивашлик, учинчи жумлада риёзат билан покланиш, фақр мартабасини эгаллаш, тўртинчи жумлада Аллоҳ сари интилишда улуғ ҳиммат кўрсатиб, жамики дунёвий ишлар ва ташвишлардан холи бўлиш, бешинчи жумлада ички ва ташқи оламнинг мувофиқлиги, ички оламнинг порлаб, одамлар қалбига нури илоҳий ҳадея этиши хусусида сўз боради.

Шу зайлда Навоий ботин ва зоҳирни қиёслашни давом эттириб, дарвеш ботинининг нури сафоси, жозибалорлиги ҳақидаги фикрни такрор бўлса ҳам қайта-қайта таъкидлайди. Зеро, Навоий дарвеш ахлоқи деганда, ташқи кўриниш, кийиниш ва юриш-туришга эмас, балки унинг қанчалик илоҳий хислатлар касб этгани, эзгулик оламига ошнолигига эътибор беради. Дарвешман деб даъво қиладиган одам дарвеш эмас, балки манман ва кибрга берилган одамдир, дейди шоир. Дарвеш Илоҳ йўлида қийинчиликларга чидайдиган, ахлоқининг асосини дўсту душманга бирдай раҳм-шафқат кўрсатиш, куёш сингари ҳаммага бирдай нури сафо таратиш ташкил этадиган одамдир. У тавозеъ ва адабда барчага намуна бўлмоғи лозим. Ана шундай одам ризо ва таслим, фано ва тамкин мақомига кўтарилла олади.

Кўринадики, Навоий дарвеш ахлоқи таърифида маломатийлик хусусиятига алоҳида эътибор берган. Маломатия оқими тарафдорлари ташқи кўринишларини иложи борича хунук қилиб кўрсатиш ва ҳатто одамлар нафратланадиган, маломату надомат қиладиган ҳаракатларни намоён этардилар. Бу билан улар: «Халқ бизни қанча маломат қилса, биз Ҳақ наздида шунча эътибор қозонамиз», — деб ўйлардилар. Улар орасида гадойлар, қаландарлар ҳам бўлган. Албатта, Навоий маломатиянинг бундай ифротий (ҳаддан зиёд) қилиқларини маъқулловчилардан эмас. Аммо, маломатийларнинг

ташқи оламини хароб қилиб кўрсатиб, ниҳоятда камтаринлик, хокисорлик сифатларини намоён этишларини маъқул деб билади. Унинг таърифига кўра, дарвешнинг ботини бир хазина бўлса, унинг зоҳири шу хазина кўмилган вайрона кабидир. (Бунда қадимги шоҳларнинг хазиналари вайроналар ичига яширинган бўлади, деган ривоятта ишора қилинмоқда). Дарвешнинг маломаткашлиги — унинг дардмандлиги, Ҳақдан ва халқдан нима келса рози бўлиб чидашида кўринади. Дарвешнинг бутун вужуди, вужудигина эмас, жону жаҳони, ақлу шуури Аллоҳ вужудига сингиб кетган, шу боис у оламини унутгандай бўлиб қолиши керак.

Навоий тавсифномаси, шундай қилиб, куйидаги тушунчаларга асосланган: ризо, аноният, сафо, фақр, фано, ҳиммат, зоҳир, ботин, сурат, маъно, сир, қазо, мосиваллоҳ. Ушбу истилоҳлар тасаввуф адабиётларида ишлатилиб келинади ва уларнинг ҳар бири ўз таърифига эга. Бу ўринда мазкур истилоҳларга шарҳ бермоқчи эмасмиз. Бироқ шуни айтиш жоизки, Навоий таърифида бу истилоҳлар мазмун ва маъносига кўра ўзаро бир-бирини изоҳлаб келади. Чунончи риёзат, ризо, сафо, фақр, фано, ҳиммат истилоҳларини олиб кўрайлик. Қалб софлиги (сафо)сиз фақрга эришиб бўлмайди, ўз навбатида, фақр дунёу уқбони писанд қилмайдиган ҳимматбаланд одам насибасидир. Фақр мақомини эгаллаган киши Аллоҳ ризолигига эришади ва фано мартабасини забт этади.

Шундай қилиб: ҳиммат — риёзат — сафо — фақр — ризо — фано.

Бу ижобий хислатлар силсиласи аноният (манманлик), сурат-парастлик, зоҳирбинлик мосиваллоҳ (Аллоҳнинг ғайри)ни инкор этади, ботиний олам — маънавият оламини ривожлантиришни талаб қилади. Дарвешнинг сиру асрори, хориқулудда ҳолатлари ҳам унинг фақру фанога қанчалик яқинлиги билан белгиланади. Навоий «маъни аҳлининг ҳақиқати махфий», дейиш билан, биринчидан, буни дарвеш сифатларидан бир деб билса, иккинчидан, дарвеш қалбида кечадиган туйғулар, илоҳий асрорни ҳамма ҳам билиши шарт эмас, деган фикрни билдиради. Зеро, авом бу сирни англашдан ожиз. Хослар сирини хослар идрок этади.

Алишер Навоий учун бундай инсон олий бир идеал. Бундай кишиларни у ҳаётда кўриб, улар суҳбати нуридан баҳраманд бўлган эди. Чунончи, Навоий назарида устози Абдураҳмон Жомий ва «ато ўрнида атолик» қилган Саййид Ҳасан Ардашер шундай сифатларга лойиқ одамлар эдилар. Саййид Ҳасан Ардашернинг лақаби ҳам «дарвеш» эди. Навоий бу икки мўътабар зот ҳақида асар ёзиб, уларнинг нажиб хислатларини элга намуна қилиб кўрсатди. Албатта, бу хислатларнинг бир қанчаси (масалан, хокисорлик, одоблилик, хуштавозеъ бўлиш) бошқа одамларда ҳам мавжуд. Лекин дарвештабиат инсонларда бундай хислатлар жамланиб, мукамал

ҳолида намоён бўлади ва илоҳий маъно касб этади. Натижада улар эл орасида алоҳида ажралиб турадилар.

Албатта, бошқа Шарқ мутафаккирлари каби, Навоий қарашларида ҳам мутлақлаштириш, идеаллаштириш бор. Аммо начора, идеаллаштирамай, илоҳийлаштирамай одамлар ахлоқига таъсир қилиш қийин. Мақсад ҳаётни тузатиш экан, буни маъқул деб билмоқ лозим.

Алишер Навоий «Маҳбуб ул-қулуб»нинг иккинчи қисмида дарвеш сифатларига яна қайтади. Юқорида қайд этилганидай, бу қисм тўлиқ ҳолда тариқат талаблари баёнига бағишланган ва у «ҳамида афъол ва замима хисол хосиятида» (яхши феъллар ва ёмон хислатлар хусусида) деб номланади. Агар биринчи қисмнинг қирқинчи фаслида умуман дарвеш ахлоқи таърифланган бўлса, иккинчи қисмнинг ўн бобида ана шу ахлоққа муяссар бўлиш йўллари ва усуллари, бунга талабгор одамнинг амал қилиши шарт бўлган қоидалари хусусида фикр юритилади. Биринчи қисмда зикр этилган истилоҳларни бу ерда ҳам учратамиз. Лекин уларга юклатилган мазмун кенгроқ ва уларнинг шарҳи бунда батафсилроқдир.

Иккинчи қисмида дарвеш хислатларини баён этиш, уқтириш баробарида таҳлил ва тадқиқ ҳам бор. Масалан, «Тавба зикрида» деган биринчи бобни олиб кўрайлик. Тавба шариатда ҳам, тариқатда ҳам бор. Шариатда у вожиб (керакли), тариқатда эса шарт деб қаралади. Тасаввуф луғатларида тавба руҳнинг бедорлиги деб изоҳланади. Ҳатто тавбани инсон руҳининг биринчи исёни (яъни гуноҳга қарши чиқиши) деб талқин қиладилар.

Алишер Навоий ҳам тавбани шунга яқин тарзда тушунтиради. Яъни тавба — бу огоҳлик: «Тавбаи ҳақиқий мазмумий афъол қабохатиға муталлеъ бўлмоқдур ва тавфиқи рафиқ бўлиб, ул афъолдин ижтиноб қилмоқдир» (Ҳақиқий тавба нафратга сазовор ёмон феъллар қабохатидан хабардор бўлмоқ ва тавфиқ билан дўстлашиб, бундай феъллардан сақланишдир) (14-жилд, 47-бет).

Демак, одам гафлатдан уйғониб, ёмон феълнинг ёмонлигини англаб этади ва бундай феълдан нафратлана бошлайди, кўнглида илоҳий, эзгу ишларга муҳаббат кўзғалади. Шунда аввалги феъл у атвордан қайтади, янги инсоний сифатга қадам кўяди. Шундай қилиб, тавба — тариқатнинг боши, агар у ҳақиқий бўлса, солиқ (йўловчи) улуғ мақсад ва ният билан ўзини поклашга киришади, ўз нафси, ношоиста хислатлари билан жангга шайланади. Навоий ёзадики, тавба «Ҳақдин нажот вақти етмагидур ва банда нафс мутобаатин (тобеълигини) тарк этмагидур».

Бироқ бу улуғ саодат ҳар кимга ҳам насиб бўлмайди («Бу гавҳари шабчироғ ҳар тийра рўзгор лойиқи эмас»). Латиф табиатли одамлар йўлдан озса, уларда «ғариб ҳолат» воқеъ бўлиб, нафснинг зиндонидан озод бўлишга иноят оладилар.



Алишер Навоий тавбани қалбида покланишга эҳтиёж сезган одамнинг руҳий изтироби ва руҳоният оламига қайтиши деб ҳисоблайди: «Чун огоҳ бўлди ҳаётидин торикқай ва уёт дуди димоғидин чиққай... ноҳомвор афъолиға анжом берғай (тугатади) ва бировнинг бериқлигинин чиқиб, ҳақиқат йўлига кирғай» (14-жилд, 48-бет).

Тавба ҳақиқий бўлса, тариқатига кирган киши илоҳий фазлу камол ва файзу футуҳ қозониш учун муршиди комил раҳна-молигида тариқат талабларини сидқидилдан адо эта бошлайди. «Маҳбуб ул-қулуб» асарининг иккинчи қисмида ана шу руҳий маънавий сайру сулук қоидалари ёритилади. Унга кўра, солиқ зуҳду тақвода мустаҳкам туриб, қазову қадар ҳукмига кўниши ва таваккул водийсида муқим бўлиши, тама-истаклардан кечиб, қаноат ганжини энг улуг бойлик ҳисоблаши, тану жони қийналса ҳам «сабр саҳросида» ўзини тоблаб, бадан изтиробини руҳ роҳати дея, ўзи ва Парвардигор орасидаги тўсиқларни мардонавор енгиб ўтиб, саодатли манзилларга етиши лозим. «Зухд дунё орзуларидин кечмак ва... молу жоҳ хаёли риштасин кўнгилдин узмақдир» (14-жилд, 49-бет). Шу каби бошни риёи (мунофиқлик), саждага кўймаслик, кўзни ношаръий ишлардан, қулоқни ёмон сўзлардан, қўлни гуноҳ ишлардан, оёқни ёмон жойларга боришдан сақлаш, ҳаром нарса-лардан парҳез, нафсни тийиш ҳам зуҳдга киради.

Таваккулнинг асоси эса «Ҳақ хони (дастурхони) неъматидан баҳра олиш, барча ишнинг сабаби аввало, розиқу карим Тангридан деб билиш, бергувчи ҳам, олувчи ҳам Ўзи, «Ўзига сифиниб, унинг Ўзидангина мадад сўраш» («Фотиҳа» сураси, 4-оят)дир. Рўзи учун ғам емасдан, ризқнинг озу кўплигига эътибор қилмаслик, барча ҳолда Тангрига таянишдир. Шунга одатланган ва буни ўз ахлоқиға айлантирган одам, албатта, қаноатли, сабрли бўлади ва рози-ризоликда яшайди. Қаноатнинг тескариси тамагирлик, очкўзликдир. Одам табиатан дунё хирси, молу мулк йиғишга берилган мажбудот. Пайғамбаримиз ҳадислари борки: «Агар сизларга бир водий тўла жавоҳир берсам, яна бир водий олтин-қумуш талаб қиласизлар». Ҳа, очкўзлик, хирс ва ҳасад инсоннинг ҳалок этувчи, маънавий оламдан чандон узоқлаштирувчи ношоиста хислатлардир. Қаноат ана шу фалокатлардан нажот топиш йўли. Шу боис Навоий: «Қонё дарвешнинг қуруқ нони томеъ (тамагир) шоҳнинг хитойи хони (дастурхони)дин хўброқдир», — деб ёзади(54-бет). Тамагирлик иккита нохуш сифат — лаимлик ва мудбирлик (бадбахтлик)ни вужудга келтирадики, «ул мундин ёмон ва бу ондин ёмон, икка-ласи ёмондин ёмон» (55-бет). Қаноат кишини хотиржам, осойишта ва шарафли этади. Қаноатли одамнинг кўнгли ҳам, кўзи ҳам тўқ, энг муҳими шуки, унинг фикру хаёли, мақсад-муддаоси дунё бойлиги билан эмас, Илоҳ билан банд бўлади.

Шу тариқа, асарнинг ўн бобида баён этилган қарашлар ва муҳокамалар замирида дунё ва уқбо, руҳ ва нафс, халқ ва Ҳақ тушунчалари ўзаро қиёсланади. Мазкур тушунчаларни бундай зид қўйиб тадқиқ этишдан мақсад инсон зотини унинг табиий тийнати билан боғлиқ эҳтиёжларини буткул маҳв этишга чорлаш эмас, балки ана шу табиий тийнат қобилиятида абадий қолиб кетмасдан, руҳий-илоҳий тийнатни устувор қилиб, юксалиш ғоясини зичлаб тарғиб қилишдир. Дарвеш шундай хислатни эгаллаган одам, шу боис у Ҳақ васлига восил киши деб қаралган.

Аммо бу ўринда бир масалага ойдинлик киритмасак бўлмайди. Бу Навоийнинг зуҳд ва зоҳидлик тушунчаларига муносабати масаласидир. Маълумки, Алишер Навоий ўзининг лирик асарларида зуҳд ва зоҳидликни рад этади. Зоҳид ошиқнинг душмани, қарама-қарши турадиган одам, деб қаралган. Навоий машҳур ғазалларидан бирида: «Тасаввуф эмас зуҳду тақвою тоат», — деб айтади. Яъни зуҳд, тақво, тоат-ибодатнинг ўзи билан чекланган одам ҳали сўфий ёки ориф эмас.

Шундай бўлгач, улуғ мутафаккир нега «Маҳбуб ул-қулуб»да зуҳдга бир боб ажратиб, буни дарвешликнинг шартларидан ҳисоблади, деган савол пайдо бўлиши табиий. Ёки шоир Навоий билан мутафаккир Навоий орасида зиддият йўқмикин, деган андишага ҳам бориш мумкин.

Аслида бундай эмас. Зуҳд — тариқат талабларидан бири. Қатъий тақво ва парҳезни сақламаган одам тариқатда муваффақият қозонмайди. Аммо ҳамма гап шундаки, зуҳд тариқатнинг ҳам, тасаввуфнинг ҳам қуйи босқичи, яна аниқроқ айтсак, тариқатни шариат билан боғлайдиган ҳалқа. Агар солиқ фақат зуҳднинг ўзи билан чекланса, у, дарҳақиқат, чин сўфий бўла олмайди. Тақво бир пойдевор бўлса, бу пойдевор устига ҳол мартабасидаги кашфу каромат, мувоқабат ва мушоҳада қобилиятлари тикланиб, ривожланиши керак. Буни эса ишқ ва ошиқлик орқали қозониш мумкин. Айни шунинг учун ҳам Навоий «Маҳбуб ул-қулуб» асаридаги иккинчи қисмининг ўнинчи — охириги бобини «ишқ зикрида» деб номлаган.

Навоий ишқ таърифида бошқа асарларида ҳам тўхтаб ўтган ва ҳар галгидай ишқни васф этганда **учқун, олов, кўёш, ўт, алаңга, денгиз, аждарҳо, ой, шуъла**, каби ташбеҳларни қўллайди. «Маҳбуб ул-қулуб»даги таъриф бундай бошланади:

«Ишқ ахтаредур дураҳшанда, башарият кўзи нуру сафоси андин ва гавҳаредур раҳшанда, инсоният тожининг зебу баҳоси андин. Меҳредур толеъ — маҳзун хотирлар хористони андин гулшан ва бадредур ломеъ — тийра кўнгуллар шабистони андин равшан» (14-жилд, 65-бет). Яъни: «Ишқ чарақлаб турган юлдуздукки, башарият кўзининг нури, равшанлиги ундан ва шундай порловчи гавҳар-

дурки, инсонийлик тожининг зийнати ва баҳоси ундандир. У бир порлоқ қуёш бўлиб, ҳазин дилларнинг тиканакзорини гулшанга айлантира олади ва тўлин ойдирки, қоронғи кўнгиллар кечасини равшан қила олади».

Бу ўринда ишқ илоҳий тажаллий маъносида талқин этилмоқда. Илоҳ тажаллийсидан барча мавжудот нурафшон бўлади, одам одабийлик ҳақиқатини билиб олиб, ўз баҳоси — қадр қиймати, маъну шарафини англаб етади. Хуллас, ишқ — Илоҳдан инган жазба нури ва Илоҳга элтувчи қудрат. Шу боис, у дилларни равшан этади ва ҳам ошиқни бетоқат қилади, ақлу ҳушини маҳв этади. Энди дарвеш солиқ зоҳидликдан юқорига кўтарилади, аввалги тақво ва тоат унинг учун арзимас бир ҳолат бўлиб кўринади. Навоий шу бобда ёзади: «Ишқ тоғедур рафеъ, ҳар тийғи минг зуҳду тақво бошини учурғон».

Демак, ишқ қаршисида зоҳид тоқат қила олмайди, бугина эмас, ишқ соқийси «ақлу дин хирмонин куйдиради». Илоҳий ишқдан маст бўлган одам фақат Аллоҳни дейди, фақат Унинг дийдорига интилади, қолган барча нарсаларни унутади, дейди шоир.

Шундай қилиб, Навоий лирикасида зуҳднинг инкор этилиши ана шу маънодадир, яъни ишқ қуёши порлаганда, куфру иймон, зуҳду тақво куйиб кул бўлади, фақат улуг Тангрининг беҳудуд саодатли олами қолади.

Навоий шу ўринда Фарҳод ва Мажнун ишқини мисол қилиб келтириш баробарида шоирлардан Хусрав Деҳлавий ва Абдурахмон Жомийни ҳам тилга олиб, уларни «ишқ оташгоҳи ҳарорати»га йўғрилган ҳамда «майкада дардмандлиги»да ном чиқарган зотлар деб таъриф этади (14-жилд, 66-бет). Кейин ишқнинг уч кўриниши тасниф қилинади: 1) авом халқ ишқи; 2) хослар ишқи; 3) сиддиқлар ишқи. Кейингиси ишқнинг олий кўриниши сифатида баҳоланган. Аммо Хусрав Деҳлавий, Ҳофиз, Жомий яна тилга олиниб, улар иккинчи тоифадагилар ишқини куйлаган шоирлар дейилади. Яъни «ишқи мажозий» билан «ишқи ҳақиқий»ни бирга қўшганлар («маҳлут этганлар»). Навоий «Маҳбуб ул-қулуб»нинг биринчи қисмида шоирлар таснифини келтирганда ҳам, бу фикрни қайд этган эди. Худди шу биринчи қисмда яна «Харобот аҳли зикрида» деган боб бўлиб, унда «ринди хароботийлар» ҳақида гап боради. Бу тоифа ҳам ўз хусусиятларига кўра мажзуб ошиқларга ўхшаб кетади. Фақат фарқ шундаки, ринди хароботийлар фақат ишқ майини эмас, ҳаёт майини ҳам «оз-оз» тотиб турадилар, улар базму суҳбатларда ўзларини овутадилар. Бироқ суҳбатлари Илоҳ ҳарамидан, кўнгиллари Худо зикри билан банд. «Ҳимматлари олдида фалак паст», бурёи фақрда ўтириб, шоҳлар тожу тахтини писанд қилмайдилар. «Замон яхши-ёмони билан иши йўқ, деса бўлғайки, оламда бундай киши йўқ» (14-жилд, 45-бет).

Шу тариқа, риндлик — дарвешликнинг бир тури бўлса, ошиқлик — иккинчи тури. Буларнинг ҳаммаси учун умумий бўлган хислатлар ҳам, ҳар бирига хос хислатлар ҳам мавжуд. Навоий ўз асарида турли тоифадаги дарвешлар ахлоқини таърифлаб, бу ҳақда ўз замонида шаклланган қараш ва тушунчаларни умумлаштирган ва ҳаётда ўзи кўрган, кузатган сўфийлар, шайхларнинг феъл-атвори, хориқулудда хислатларини ҳам назарда тутган.

Масалан, иккинчи қисмнинг тўринчи боби («Қаноат зикрида») охирида Навоий Ҳиротда ўзи гувоҳ бўлган воқеани ҳикоят сифатида келтиради: Шайх Шоҳ Зиёратгоҳий деган одам қаноат йўлини тутиб, назру ҳадяларни рад этади, ўз қишлоғида муқим яшаб, боғдорчилик билан машғул бўлади. Унинг боғи шундай сермева ва баракали бўладики, атроф-жавонибдан, ҳатто Ҳиротдан одамлар келиб ундан ея эдилар, шоҳ ва султонлар бу меваларни табаррук билиб, ўз оилаларига ҳам олиб борардилар. «Ҳирот дор ус-салтанасидин салотини маснаднишин (тахтда ўтирган султонлар) ва уламои дину машойихи аҳли яқин... ул бузургвор хизматиға борур эрдилар ва остонининг туфроғин ўпмак бирла тафохур (фахрланиш) бошин фалақдин ўткарур эрдилар ва ул зироат нонидин ... ҳар не иликларига тутса, кўзларига суртуб, кўюнларига солиб, табаррук учун аёл ва атфоллари (болалари) учун келтурур эрдилар» (14-жилд, 55-бет).

Демак, қаноат боқимандалик ёки ўзини шунчаки еб-ичишдан тийиш эмас, балки ўз ҳалол меҳнати билан кун кўриш экан. Навоий буни «Ҳайрат ул-аброр» асарида Ҳотами Тойи миннатини тортмай, ўтин йиғиб, бозорга олиб бориб сотиб кун ўтказган дарвеш мисолида ҳам кўрсатган. Аммо Шайх Зиёратгоҳий меҳнати мевасидан нафақат ўзи, балки бошқалар ҳам баҳраманд бўлганлар. Демак, қаноатли одам сахий ҳамдир, чунки у бошқаларга нафъ етказиш билан шоду хуррамдир.

Ҳақиқий дарвешлар ахлоқи ана шундай эди, уларнинг файзи кўнгилларни равшан қиларди. Навоий учун бундай одам энг мўътабар ва азиз ҳисобланган.

## ТАВҲИД АСРОРИ

Фано ибрати

(Муқаддима ўрнида)

Нишопур яқинидаги Шодях шаҳри. Шаҳарнинг серқатнов кўчаларидан бирида озода ва шинам бир бино жойлашган. Бинонинг олдида утган одамнинг димоғига хушбўй ҳидлар урилади, беихтиёр ичкарига кириб, бирпас ҳордиғини ёзгиси, чиройли безатилган токча ва рафлардаги дориворлар, мушку анбар, занжабилу сунбул, сандалу кофурлар ва бошқа ёқимли атриётлардан харид қилгиси келади. Шодях аҳолисигина эмас, балки атроф-жавонибдаги қишлоқ-шаҳарлардан ҳам бу ерга ҳожатмандлар келадилар, шифобахш дори-дармонлар сотиб оладилар. Дўкон соҳиби Иброҳим художўй ва софдил инсон эди. У атторлик касбини ҳалол бажарар, узоқ шаҳарларга сафар қилиб, ноёб дорилар ва қимматбаҳо атирупалар олиб келиб сотар, бу касбидан одамлар ҳам, ўзи ҳам барака топарди. Хуллас, обрў-эътибори жойида эди. Иброҳим вафот этгандан кейин атторлик касби ўғли Муҳаммадга мерос қолди. Нишопур мадрасаларида таҳсил олиб саводли бўлган, шеърлар ёзиб, оғизга тушиб қолган Муҳаммад ота касбига ҳам ихлос билан киришди, дўконни тартибга солиб, савдони ривожлантириш тарафидига тушди.

Бир куни дўкон ёнидан жулдур кийимли бир девона дарвеш ўтди. У гоҳ дўконга ва унинг лиқ тўла токчалари-ю қизғин бораётган савдосига, гоҳ тўрда савлат тўкиб ўтириб, хизматкорлар ишини кузатаётган дўкон эгаси Муҳаммадга қараб, баъзан кулиб, баъзан оҳ тортиб йиғларди. Девона охири, «шайўллоҳ» — Худо йўлига салақа қилинг, деб овоз чиқарди. Муҳаммад унга парво қилмади. Шунда дарвеш айтди:

— Эй хожа, не навъ ўлгунгдур?

Муҳаммад жавоб берди:

— Сен қандай ўлсанг, мен ҳам шундай ўлгумдир!

Дарвеш деди:

— Йўқ, сен ундай ўла олмассан.

Муҳаммад сўради:

— Не учун?

Дарвеш деди:

— Шунинг учунким, менинг юким енгил, куруқ танам ва уни беркитган жанда хирқадан ўзга нарсам йўқ. Менинг бу дунё дўконини тарк этишим осон. Аммо сенинг юкинг оғир: ҳашаматли иморатинг, мол тўла дўконинг, зар тўла ҳамёнинг, хизматкор-гуломларинг бор. Шунча юк билан манзилга қандай етиб борасан? Ўз ишингнинг чорасини қил, мен эса мана бундай ўламан. — Дарвеш шундай деди-ю белидаги қовоқ качқулини бошининг остига қўйиб жон берди. Муҳаммад хайратдан лол бўлиб қолди. Аста-секин дўкон олдида одам йиғилди. Барча Худонинг кароматини кўриб, кўзларига ёш олдилар. Муҳаммаднинг аҳволи мутлақ ўзгарди, дарвешнинг ўлими унга қаттиқ таъсир этган эди. У соҳибкаронат дарвешни иззат-эҳтиром билан кўмди, сўнгра хизматкор ва гуломлари, қариндош-уруғларини йиғиб, бор мулкени уларга бўлиб берди-да, улар билан хайр-хўшлашиб Шодяхни тарк этди. Агторлик номи касбини эслатиб турар, лекин энди бу ном унинг шоирлик тахаллусига айланди. Энди у одамларнинг вужуд-аъзолари учун эмас, балки қалблари учун дори-дармон излаш, илоҳий илмларни эгаллаган ориф мардлар даргоҳидан хушбўйликлар қидиришга тушган эди.

Абдурахмон Жомийнинг «Нафаҳот ул-унс» асаарида келтирилишича, Агтор дарвешлик хирқасини Шайх Мажиддин Бағдодий қўлидан кийган. Мажиддин Бағдодий шайх Нажмиддин Кубро халифаларидандир. Аммо Давлатшоҳ Самарқандий маълумотида кўра, Агтор хирқани Мажиддин Бағдодий қўлидан олган бўлса ҳам, тариқат сулукида Шайх Рукниддин муриди ҳисобланади.

Муҳаммад Шодяхдан чиқиб кетгач, Нишопурга бориб, Шайх Рукниддин хонақоҳида мужоҳидат ва риёзат билан машғул бўлади. Етти йил Шайх Рукниддин муридлари сафида тариқатни ўтагач, Маккаи мунавварага ҳажга сафар қилади. Миср, Ироқ, Шом шаҳарларини кезиб чиқади, кўп бузургворларнинг суҳбатини олади, сўфий шайхларининг китоблари, ҳаётини берилиб ўрганади. Давлатшоҳнинг айтишича, Агтор умр бўйи сурункали меҳнат қилиб, сўфия ҳикоялари ва машойих ривоятларини йиғди, «ҳеч ким бунчалик маълумот, рамзу ишорат ва ҳақойиқ дақойиқ» сўзларни жамламаган эди.

Агтор бу ривоят ва ҳикматларни шунчаки йиғиш билан чекланмади, балки ўзининг оламшумул дostonларида фойдаланиб, ирфон ғояларини қайноқ бир эҳтирос билан тараннум этди. Натижада, у тариқатнинг йирик пешволаридан бирига айланди, сўфий шоир сифатида Шодяхдан чиқиб кетган одам «Фаридиддин» («Диннинг ягонаси»), «Шайх» деган шарафли унвонларга эга бўлди. Энди уни Муҳаммад Фаридиддин ибн Иброҳим Шайх Агтори Нишопурий деб улуғлар эдилар. Шеърлари эса илоҳий маърифат ғояларининг битмас-туганмас ҳазинаси бўлиб, Ҳақ ва Ҳақиқат

асрорини кашф этиш, Мутлақ рух билан Қудсий комил инсон руҳи орасидаги муносабат ва моҳиятни англаб етишга ҳидоят этувчи буюк бир даъватномадай жаранглаб, ташна қалбларда муқаддас Ишқ оловини ёқиб келди. Шу боис ҳазрати Мавлави Жомий Фаридиддин Атторни улуғлаб: «Унинг маснавиёти ва ғазалларида тавҳид асрори ва рух завқияти билан вужудият ҳақиқати шу қадар кўп ифодаланганки, бу тоифанинг ҳеч бирининг сўзида топилмайди», — деса, ҳазрат Алишер Навоий «Маҳбуб ул-қулуб» асаридида шоирларни мартабаларига қараб тасниф этар экан, Шайх Атторни пайғамбарона валийлик ва ваҳийлик неъматидан баҳраманд, «мақсадлари назмдан асрори илоҳий адоси ва маърифати номутанноҳий (туганмас) имлосидан ўзга» бўлмаган шариф зотларнинг сардафтари сифатида тилга олади. Давлатшоҳ эса Атторни «султон ул-орифин», яъни орифлар султони деб улуғлар экан, яна қўшиб қўяди: «У шариату тариқатда ягона, шавқ ва ниёзмандлик, ўртаниш-ёнишдан шамъи замона, ирфон денгизига чўмган ва ҳақиқат дарёсига шўнғиб, дурлар терган» кишидир.

Кўп шайхлар сингари Фаридиддин Атторнинг ҳаёти ҳам ривоят ва афсоналарга йўғрилган. Унинг туғилган йилини биров 1119 йил деса, биров 1136 йил дейди. Яна бошқа манбаларда 1145 йил кўрсатилган. Туғилган жойи Нишопур яқинидаги Кадикон қишлоғи. Шуниси аниқки, Аттор узоқ умр кўради. Жомий ва Давлатшоҳ шоир 114 йил яшаган, деб қайд этадилар. Умрининг охириги йилларини у асосан она шаҳри Нишопурда ўтказган. Баъзан олимлар Атторни уйланган ва фарзанди ҳам бўлган, деб ёзадилар. Шоир гоҳ расмий дин арбоблари, гоҳ сунний мутаассиблар таъқибига ҳам учрайди.

Чунончи, «Мазҳар ул-ажойиб» («Ажойибларнинг кўриниши») номли асаридида Аттор тўртинчи халифа Али ибн Абу Толибни мадҳ этади, асарда шиачилик руҳи сезилиб тургани учун у Нишопур суннийларига ёқмайди. Улар шоирни кофирликда айблаб, мол-мулкани тортиб олиб, ўзини шаҳардан бадарға қиладилар. Аттор бир қанча вақтлар ғорларда, хонақоҳ ва рабобларда кун ўтказди. Жалолидин Румий отаси билан Балхдан чиқиб, ҳажга бораётганда йўлда Шайх Атторни учратади. Дейдиларки, Аттор боланинг келажакда буюк инсон бўлишини башорат қилиб, унга ўзининг «Асрорнома» дostonини ҳадя этган. Бу асарни Румий ҳар доим ўзи билан бирга олиб юрган ва Атторни ўзининг устозларидан бири, деб ҳисоблаган. Румий эътирофи:

Гирди Аттор гашт Мавлоно,  
Шарбат аз дасти Шамс будаш нўш.

(Мавлоно Аттор атрофида айланиб юрди, аммо шарбатни Шамсиддин Табризий қўлидан ичди).

Атторнинг ўлими ҳам фожиали содир бўлган. У ўз ажали билан ўлган эмас, балки лаънати мўғуллар қўлида ҳалок бўлган. Мўғуллар бало-қазодай Эрон ерларини талайдилар, шаҳарларни ёндирадилар, китобларни куйдирадилар, уламоларни қатор қилиб сўядилар. Ҳар бир мўғул аскарлари қўлига тушган нарсани ўмариб кетар, истаган одамни асир қилиб, қул сифатида сотар ёки қилич билан чопиб ташлар эди. Ривоят қиладиларким, бир мўғул аскарлари Атторни асир қилиб олиб, боғлаб, судраб борарди. Йўлда шоирни танийдиган бир одам учраб қолади. У шоирга раҳми келиб, мўғулга қараб: қулингни менга сотгин, минг динор бераман, дейди. Мўғул рози бўлиб турганда, Аттор: бу кам, сотма, мен қимматман, деб айтади. Мўғул минг динорга бермай, яна судраб кетади. Йўлда бошқа бир одам учраб қолади. Мўғул ўз «молини» унга таклиф этади. У одам: майли, розиман, бир қоп сомон бераман, дейди. Шунда Аттор мўғулга қараб, тезда рози бўлгин, мен бундан ортиққа арзимайман, дейди. Жаҳли чиққан бадбахт мўғул шоирни шу заҳотиёқ қилич билан чопиб ташлайди. Дунёни илоҳий сўз билан тўлдирган, маънолар қошифи улуғ шайх Фаридиддин Аттор ана шу тариқа кофир мўғул қўлида шаҳид бўлиб, ўзи интилган Парвардигор ҳузурига йўл олди.

Бу воқеа ҳижрий олти юзу йигирма беш, милодий бир минг икки юз йигирма тўққизинчи йилда содир бўлган эди. Атторнинг жасадини Нишопурга олиб келиб дафн этадилар. Унинг қабри устига чоғроққина мақбара қурилади. Ўн бешинчи асрга келиб, мақбара харобага айланади, буни эшитган Алишер Навоий Шайх Аттор сағанасини янгидан тиклаб, салобатли бир мақбара қурдиради. Давлатшоҳнинг гувоҳлик беришича, Аттор мозори Нишопурнинг улуғ зиёратгоҳига айлангандир.

Аттор сермаҳсул шоир, ундан катта адабий мерос қолган. Давлатшоҳ «Тазкират уш-шуаро» китобида Атторнинг шеърий асарлари умумий ҳажмини икки юз эллик минг байтга яқин, деб кўрсатади. «Илоҳийнома», «Асрорнома», «Мусибатнома», «Ҳайдарнома», «Мазҳар ул-ажойиб», «Жавҳар уз-зот», «Ҳайлож», «Мухторнома», «Хусравнома», «Шарҳ ул-қалб», «Мантиқ ут-тайр», «Булбулнома», «Уштурнома» номли дostonлардан ташқари, Аттор тариқат шайхлари ҳаётига оид «Тазкират ул-авлиё» номли насрий асар ҳамда ғазал ва қасидалардан тузилган катта девон мерос қолдирган. Аттор — илоҳий ишқ куйчиси, тавҳид илмини шеърий тил ила тафсир этган зот. «Шоирлик унинг касби — шеваси эмас эди, — деб ёзади Давлатшоҳ, — балки унинг сўзи ғайб асрорининг юзага келиши, зуҳуротидир. Сўфия ҳақойиқу дақойиқлари, ишорат ва рамзларини ҳеч ким Шайх Аттор каби идрок этолмаган».

Дарҳақиқат, Фаридиддин Атторнинг шеъриятида санъатбозлик, атайлаб сўз маҳоратини намойиш этишга ружу йўқ. Унинг сўзи



сода ва равон, аммо ёниқ, ҳароратли. У такрор ва қайтариқларга ҳам йўл қўяди, «эзмалик» ҳам қилади. Бироқ қирғоқларига сапчиган бу жўшқин шеърят дарёсига шўнғисангиз, ҳайратдан лол қоласиз. Кўз олдингизда илоҳий илҳомнинг мўъжизалари намоён бўлади. Бунчалик изҳори дард, изтироб ва ёниш лаззатидан сармаст бўлиб куйлаш иштиёқи, нурга талпиниб, нур-ла йўғрилиб, нурланиб порлаш шодлиги, ҳаяжон ва завқ тошқини! Шоирнинг ҳар бир байти валий бир инсоннинг ғайбдан мужда етказувчи табаррук сўзи, ўтли нидосидир. Шу учун бўлса керак, улуғ Навоий «Лисон ут-тайр» асарида устоз Атторни ўт ичида туғилиб, илоҳий ишқни ёниб куйлаш шиддатидан олов чиқариб, атрофга аланга таратадиган ва ўзи ҳам шу оловга қўшилиб ёниб кетадиган афсонавий қақнус қушига ўхшатади (Навоийнинг ўзи-да шу олов аҳлидандир).

Ғоят ажойиб ва муносиб ташбеҳ! Фаридиддин Аттор ҳақиқатан ҳам умр бўйи пок илоҳий ишқни куйлаб ўтди ва оламнинг моҳиятини, инсоний моҳиятларни қидириб, саодатга ҳидоят этувчи оламжаҳон ҳикматлар яратди, софлик ва садоқат рамзи бўлган қатор тимсоллар — образларни бунёд этди.

### Касрат ва ваҳдат

Аттор дostonлари ўз тузилиши, ёзилиш хусусиятига кўра қуйидаги икки гуруҳга бўлинади: рамзий-аллегорик тимсоллар асосида ёзилган асарлар ва бевосита муҳокама-мушоҳада, фикрий-шуурий баёнлар тарзида ёзилган асарлар. Биринчи гуруҳга «Булбулнома», «Мантиқ ут-тайр», «Уштурнома» асарларини, иккинчи гуруҳга «Жавҳар уз-зот», «Ҳайлож», «Асрорнома», «Шарҳ ул-қалб», «Мусибатнома» каби дostonларни киритиш мумкин. Бундан ташқари, «Хусравнома»га ўхшаш мажозий ишқни куйлаган романтик-саргузашт асари ҳам бор. Шоирнинг аксар асарлари кўпдан-кўп ички ҳикоятлар, масал ва тамсиллар билан бойитилган. Ҳикоятлар фалсафий мушоҳада ва фикрларни образлар орқали исботлашга хизмат этади. Биргина «Илоҳийнома»да уч юздан ортиқ ҳикоят ва қисса мавжуд. Аммо Фаридиддин Аттор дostonлари қандай усулда ёзилганидан қатъи назар, уларнинг барчаси илоҳий маърифат асрори ва уни англаш мушкулотига бағишланган. Гоҳ рамзий-тамсилий йўсинда, гоҳ ҳикоятлар талқини орқали, гоҳ ўзининг ҳаяжонли, лекин ёрқин шеърый сатрлари орқали у тасаввуф ва тавҳид илмининг нозик масалалари, тариқат мақомоти, покланиш жараёни ва руҳий такомиллик даражалари, юксалиш шавқи ва дардини тасвирлаб беради.

Масалан, икки қисмдан иборат «Жавҳар уз-зот» («Жавҳар уз-зот» — илоҳий зот моҳияти, яъни моҳиятнинг моҳияти, демак) асарида аввал бутун руҳий ва моддий оламлар ягоналиги, яъни

Ваҳдат олами ва мутлақ Холиқиёт қудрати таърифланади. Сўнгра шу ваҳдат олами ичра Инсоннинг ўрни, Инсон хилқатининг моҳияти тушунтирилади, ўзини ва Холиқини таниш йўллари, изтироб-азият, тажриду тафрид босқичини босиб, Ҳаққа қўшилиши тасвирланади. Ва тавҳид асрорининг бу тасвири асардаги муқаддимавий боблар ҳисобланмиш наът-ҳамдлар билан тўғридан-тўғри боғланиб кетади. Шоир гарчи асарни бобларга ажратиб, алоҳида сарлавҳалар билан кўрсатган бўлса-да, бироқ мундарижада изчилликни кўрмаймиз. Бошқача айтганда, муаллиф тавҳид ҳақида фикрларини ҳар гал янги сўз, янги ифода, янги ишоралар билан тўлдириб, чуқурлаштириб бораверган.

«Жавҳар уз-зот» асари бундай бошланади:

Ба номи, он, ки нури жисму жонаст,  
Худойи ошкороу ниҳон аст.

(Жисм ва жоннинг нури бўлган зот номи билан, ошкора ва яширин бўлган Худо номи билан бошлайман).

Бундай муқаддиманинг ўзидаёқ Тангри таолога муножот, ҳамд-таъриф ва илоҳиёт ҳақидаги фалсафий қарашлар тизмаси акс этган. Шу боис дастлабки байтлардаёқ Аттор тан ва руҳ (жон) бирлиги, ер ва осмон, тўққиз фалак, макон ва ломакон олами — ҳаммаси Мутлақиёт нуридан эканини айтади. Илоҳ ҳар бир заррада мавжуд, аммо уни кўриш мумкин эмас. Худо «Ўз борлиқи-ла ҳам пинҳону, ҳам пайдо», барча ашёлар битта Жавҳардан келиб чиққан.

Аттор асарларида ҳам «ҳар икки олам» — «нариги дунё», «бу дунё» каби урф бўлган иборалар учраб туради. Лекин бунинг шоирнинг эътиқоди ифодаси деб қарамаслик керак. Аттор учун олам ягона, бир бутунликдан иборат чексиз-чегарасиз борлиқ. Ҳатто Ер бу чексизлик уқёнусида бир дона хас мисолидир. Инсон, демак, ундан минг чандон кичик мавжудот. Чексиз катталиқ ва чексиз кичиклик, кенглик ва торлик («қабз»), ёйилиш ва йиғилиш, мухтасарлик ва муфассаллик, зарару нафъ, яралиш ва йўқолиш, берклик ва ошкоралик, куллу жузь, қотиш ва суюқланиш, туғилиш ва ўлиш, тортилиш ва узоқлашиш ва ҳоказолар, буларнинг мувозанати, зиддиятлари ҳақида, бу тазодий ҳодиса-воқеаларнинг «жангу сулҳи», улардан инсон ақли, шуури ва руҳида пайдо бўлган ўзгаришлар хусусида ёзади. Ана шу ҳодисалар, ашёлар «жангу сулҳи», ички қонуниятлари моҳиятидан илоҳий қудрат моҳиятини, сиру синоатини англашга даъват этади.

Фаридиддин Аттор тушунчасига кўра, поёнсиз борлиқ Зоти мутлақ («жавҳари зот»)нинг ижоди бўлиб, Унинг нури билан ҳаракатда, фаолиятдадир. Жавҳари зот ўзгармас, азалий ва абадий вужуд («вожиб ул-вужуд»), бироқ у яратган олам тинимсиз ҳаракат

ва ўзгаришда, ички зиддиятларга тўла, эскиради ва янгиланади. Олам ўша Жавҳари зотнинг суратланиши, Унинг қудратининг минг-минг шаклларда аёнлашиб кўриниши, Унинг номлари, сифатларидир. Шунинг учун Зот оламини Ваҳдат — ягоналик олами деб, У яратган оламини касрат — кўплик олами деб номлаганлар. Бундай талқин бир қарашда ваҳдат ул-вужуд (вужуд ягоналиги ёки ягона вужуд) назариясига тескаридай бўлиб кўринади, чунки борлиқни ваҳдат ва касрат деб иккига бўлганимиздан кейин, улар ўзаро зид маъноли тушунчалар бўлиб қолиши мумкин. Аммо ҳамма гап шундаки, касрат олами ўз-ўзича яшай олмайди, у яратилган бўлганлиги учун Жавҳари зот туфайли мавжуддир. Яъни мавжудотнинг ҳар бир зарраси, бутун олам ашёлари, фалақдан малаккача, инсу жин, кўзга кўринадиган ва кўринмайдиган жамики жонли ва жонсиз нарса-ҳодисалар Ҳақ таоло нури — тажаллисидан баҳраманд ва шу боис ҳар бири алоҳида хусусиятларга эга. Касрат олами гўё ваҳдат оламининг аёнлашуви, инъикоси. Тангри таоло «вужуд олами»нинг ҳар бир нақши-суратида «Ўзини намоён этади», дейди Аттор. Бошқача айтганда, Тангри хоҳлаган суратда кўринади, дунёнинг барча ажойиботи, асов қудратлару ҳайратланарли нарсаларни Унинг турли шаклдаги зуҳурланиши, деб билмоқ керак.

Ба ҳар қисват, ки меҳоҳад барояд,  
Ба ҳар нақше, ки меҳоҳад номояд<sup>1</sup>.

(Қандай либосда хоҳласа чиқаверади, ҳар бир хоҳлаган суратида намоён бўлаверади).

«Асрорнома»да бу фикр яна аниқроқ ифодаланган:

Жумла зарроти жаҳон миръоти ўст,  
Ҳар чи бини — мусҳафи оёти ўст<sup>2</sup>.

(Жаҳоннинг бутун ашёси — зарралари Унинг кўзгусидир, нимаики кўрсанг, Унинг оятлари китобидан саҳифалар деб бил).

Жумла дар тавҳиди ў мустағрақанд,  
Ҳамчу мустағарақ, ки маҳфи мутлақанд.  
Ҳар чи ҳаст аз пушти моҳи то ба моҳ,  
Жумлаи заррот бар зоташ гувоҳ<sup>3</sup>.

<sup>1</sup>Фаридиддин Аттор. Жавҳар уз-зот. Куллиёти маснавиёт. Лақҳнав нашри. Ҳиж. 1289. — 324-бет.

<sup>2</sup>Фаридиддин Аттор. Асрорнома. Ҳиндистон, Лақҳнав нашри, 1897. — 12-бет. Мисоллар шу манбалардан олинди.

<sup>3</sup>Фаридиддин Аттор. «Мантихут-тайр». Лақҳнав нашриёти, 1889. — 4-бет.

(Бутун олам Унинг тавҳидига фарқдирлар, шундай фарқ бўлганларки, мутлақ йўқолганлар. Балиқ орқасидан, то Ойгача ҳамма нарса Унинг зотига гувоҳдир).

Демак, олам Унинг жамоли ва камоли акс этган кўзгу, Унинг илм-ҳикмати, мўъжизакорлик қудрати ва шуқуҳининг намоиш-хонаси. Шу тариқа, ваҳдат ва касрат олами бирлашиб, ягона вужудни ташкил этади. Олам Ягона руҳ вужудининг тажаллисигина эмас, балки шу Руҳнинг ўзидан иборат. Шунинг учун ҳам Худо ҳамма ерда ҳозир у нозир, барча нарсада Унинг қудрати аён, бошқача айтганда, барча мавжудлик Унинг мавжудлиги туфайли мавжуддир<sup>1</sup>. Шоирнинг фикрига кўра, Мутлақ руҳ оламни яратиб, четдан томошабин бўлиб қараб турган эмас. У олам билан бирга, оламнинг вужудида мужассам, олам вужуди Унинг вужудининг давоми: «Эй дин кишиси, дарҳақиқат, нимаики кўрсанг бу аслида Ҳақнинг ўзидир»...

Худди шу фикр кўп мунозараларга сабаб бўлиб, ваҳдат моҳиятини англамаган зоҳирий билимлар билан чегараланувчи кишилар қаршилигига учраган эди. Жомийнинг «Нафаҳот ул-унс» асарида келтирилган Шайх Абдураззоқ Кошоний ва Шайх Рукниддин Алоуддавла орасидаги баҳсга эътибор қилинг: Кошоний Борлиқдаги ҳар бир ашё-нақш шу ашёни Яратганнинг нақши — сурати: денгиз тўлқини янги бўлиб туюлгани билан аслида эски денгизнинг ўзидир, деган маънода тавҳид назариясини ҳимоя этса, Рукниддин унга эътироз билдириб, Ибн ал-Арабий китоблари зарарли экани, шайхларнинг ҳол мақоми беҳудлигида айтган гапларини жиддий фикр сифатида қабул қилмаслик хусусида гапиради (Нафаҳот ул-унс, Тошканд нашри. 1909. —465-475-бетлар).

Айниқса, диний ақоидни ақлий-мантиқий усулда ўрганувчи мутакаллимларга ваҳдати вужуд назарияси ёқмайди. Улар буни куфр, деб ҳисоблаганлар. Зеро, мутакаллимлар фикрига кўра, ҳар бир нарсада Худони кўраман дейиш Аллоҳ ягоналигини шубҳа остига олиш билан баробар. Аллоҳ бандасига кўринмайди (ғайб), балки сифатлари, жамолу қудрати орқали Унга имон келтирамиз. Бундан ташқари, дунё қанчадан-қанча киши нафратини келтирувчи палид нарса ва жонзотларга ҳам эга, наҳотки ўшаларда ҳам Илоҳ зуҳур этса, бу мантиқданми, деб савол қўяди мутакал-

---

<sup>1</sup>Ушбу назария тасаввуф тарихида «ваҳдат ул-вужуд» номи билан машҳур бўлиб, уни араб олими Муҳйиддин Ибн ал-Арабий номи билан боғлайдилар. Лекин шунини айтиш керакки, Аттор бирор ерда Ибн ал-Арабий номини тилга олмайди. Бу тушунарли, чунки Ибн ал-Арабий Атторнинг кичик замондоши эди. (Аттор 1229, Ибн ал-Арабий эса 1240 йилда вафот этган.) Ибн ал-Арабий китоблари Ҳали Эрон у Хуросонга тарқалмасдан Аттор бу ғояларни ўз асарларида ифодалаган эди. Шунинг учун Фаридиддин Атторни «Ваҳдат ул-вужуд» таълимотининг асосчиларидан деб ҳисоблаш мумкин.

лимлар. Сўфийлар эса бу даъволарни авом даражасида фикрлаш, жоҳиллик деб атаганлар ва тажалли назарияси ширкка йўл очмайди, балки воҳиду аҳад Аллоҳ қудратининг чексизлигини идрок этишнинг энг мақбул усули, деб тушунтирганлар. Тўғри-да, ҳар ким ўз даражасида тафаккур этади, ўз нигоҳи билан ҳақиқатни англашга интилади. Шу муносабат билан қуйидаги ҳикоятни келтирмоқчимиз, ўйлаймизки, у масалага ойдинлик киритишга кўмаклашади: «Ҳазрати шайх Аҳмади Жом бир мажлисла ўтирардилар. Суҳбат асносида мутакаллим билан сўфий орасида мунозара бошланади. Мутакаллим дейди: ит ва мушукда зуҳур этган Худодан безорман. Сўфий эса унга жавоб қайтариб: мен ит ва мушукда зуҳур этмаган Худодан безорман, дейди. Мажлис аҳли: бу икковидан бири албатта кофир бўлди-ю, деб ўйлайдилар. Шунда шайх сўз олиб, мунозарага сабаб бўлган масалани тушунтириб, дейди: мутакаллим эътиқодига биноан ит ва мушук энг паст махлуқ ва улар жисмига нурнинг қўшилиши, тажаллий зуҳури айни нуқсондир, бас, унинг мақсади нуқсонли Худодан безор бўлиш, яъни Худога нуқсонни кўрмасликдир. Ва сўфий ҳам муътақиддирким, ит ва мушукда илоҳий нурнинг қўшилиб, зуҳур этишида ҳеч бир нуқсон кўринмайди, агар Худо ит ва мушукларда зуҳур этмаганда эди, у нуқсонли бўларди. Бас, сўфийнинг ҳам мақсади ноқис худодан безорликдир. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам Худони нуқсонлардан ҳоли кўрмоқчи ва, ҳеч шубҳа йўқки, Худо барча нуқсонлардан покдир».

Шайх Аҳмади Жом сўзининг хотимасида қўшиб қўйган: «Ва сўфия аҳли қўллайдиган «зуҳур» ва шунга ўхшаш сўзлардан улар «ҳулул» (Худонинг бирор-бир жисмга сингиши) ва «иттиҳод» (қўшилиши) тарафдори экан, деб ўйламаслик керак, зинҳор бундай эмас». Шу тариқа, ваҳдат ва тавҳид тушунчаларини англашда дин арбоблари билан тасаввуф аҳли орасида фарқ бўлганини шу мисол ҳам кўрсатиб турибди. Энди Аттот асарлари таҳлиliga қайтишдан олдин «тавҳид» сўзининг тасаввуф луғатларида қандай маъноларга эга эканини кўриб ўтсак.

### Тавҳиднинг маъноси

Саййид Жаъфар Сажжодийнинг луғатида келтирилишича, тавҳид Ягона илоҳий руҳ сари олиб борадиган илмдир, яъни Парвардигорни яққою ягона вужуд деб билмоқ ва шу Бирликка интилмоқдир (*Сажжодий*. Фарҳанги мусталаҳоти урафо. — 138-бет.) Али ибн Усмон Хужвирий фикрига кўра, тавҳид ҳақиқати Худонинг бирлигига имон келтириш, иқроп бўлиш ва шунга ҳукм этмакдир... «Муваҳҳидлар (тавҳид аҳли) Уни сифатлари билан танийдилар ва уларнинг Худо ягоналиги ҳақидаги илмини тавҳид

деб атайдилар». (Абул Ҳасан Али ибн Усмон Ҳужвирӣй. Кашф ул-маҳжуб. Санкт-Петербург нашри, 1887, —357-бет).

Тавҳид илми уч хилдир: бири — Ҳақнинг ўзига йўналган Ҳақ илми; яъни Унинг ўз ягоналиги илми; иккинчиси — халққа йўналтирилган Ҳақ илми, яъни унинг тавҳид ҳақидаги ҳукмлари ва бандаси кўнглига тавҳидни етказиш илми; учинчиси — халқнинг Ҳаққа йўналган тавҳиди, яъни кишиларнинг Худо ваҳдониятига етишиш илми.

Тавҳиднинг манбалари ҳам мавжуд. Аввал имоний, яъни ишончга асосланган тавҳид, иккинчиси илмий тавҳид, учинчиси ҳол тавҳиди ва тўртинчиси илоҳий тавҳиддир. Аммо имоний тавҳид шундан иборатки, банда сидқу сафо юзасидан бандалик шартларини адо этиб, оятлар ва хабарлар ишорати орқали Тангри таолонинг ягоналигига иқрор бўлади ва буни қалбида тасдиқ этади. Илмий тавҳид бўлса, илм фойдаси сифатида ҳосил бўлади ва буни илм ул-яқин, яъни илм ботинидан келиб чиққан тавҳид дейдилар. Бу шундан иборатки, солиқ тариқат бошида ҳақиқий мавжудлик Худованд зоти эканини англаб этади ва илмий мантиқ, тажрибакузатиш воситасида ўз зоти ва сифатлари, аъмолу афъолини Унинг зоту сифатлари ичра маҳв этади ҳамда ҳар бир зотни Унинг нуридан бир қисм деб билади ва бу мартаба мутасаввиф кишилар тавҳиди мартабасидир.

Ҳол тавҳиди эса шундан иборатки, киши аҳволи тавҳид сифати билан бир хил бўлади ва бирлашувчининг вужудидаги барча зулумот ва расму русум тавҳид нури порлашига фарқ бўлади ва жони талошу талпиниш ҳузурини кечиради ва тавҳид нури унинг ҳоли нурига сингиб кетади ва муваҳҳид Ҳақ жамоли мушоҳадасига шунчалик фарқ бўладики, нурлар жами манбаига айланади ва Воҳиднинг зоту сифатларидан ўзга унинг назарига тушмайди. Жамнинг ўзи бўлади қолади. Сўфий шундай ҳолатда йиғласа, осмон унга қўшилиб кўз ёши тўкади. Аттор ёзади:

Гар ту хилватхонаи тавҳидро маҳрам шави,  
Тожи олам гардию, фаҳри бани Одам шави.  
Сояе шав, то агар хуршид гардад ошкор,  
Ту чу соя маҳви хуршид ойию маҳрам шави.

(Агар сен тавҳид хилватхонасига маҳрам бўлсанг, оламнинг тожи, Одам фарзандларининг фаҳри бўлиб қоласан. Агар хуршид, яъни Тангри ошкор бўлса, сен соя бўлгин, чунки соя каби қуёш нурида йўқолиб, маҳрам бўласан Унга).

Илоҳий тавҳид эса шундан иборатки, Ҳақ таоло азал-азалдан ўз сифатларига қоимдир. У ҳамиша ваҳдоният тавсифига ва фардоният таърифига эга бўлиб, абадул абад шундайдир. У нуқсондан холидир. Яъни илоҳий тавҳиднинг мутлақ ўзидир. Ва бу тавҳиднинг

сўнги маротабаси ҳисобланиб, комиллар, валийларнинг ваҳдат баҳридаги насибасидир. Бу мақомда солиқ Ҳақ кибриё оламининг зоту сифотига қўшилиб кетади. Унинг вужуди буткул фоний бўлади, ваҳдат бодасилан масту беҳуд бўлади. Аттор дейди:

Азми он дорам, ки имшаб ниммаст  
Пой кубон кўзаи дурди ба даст.  
Сар ба бозори қаландар барниҳам,  
Пас ба як соат бибозам он чи ҳаст.

(Бу кеча ярим маст ҳолда, қўлда май куйқаси бор кўзани кўтариб, қаландар бозорига борайин, бир соат ичида бор-йўғимни сарфлайин, ўзлигимни намоён этайин деган ниятим бор).

Шундай қилиб, тавҳид Ҳақ таоло нурига фарқ бўлиш ва йўқолишидир.

Демак, банда Ҳаққа ориф бўлса, Ҳақнинг моҳияти, ҳақиқатини англаб етса, Унинг ваҳдониятига ҳукм қила олади. Бундан шу нарса маълум бўладики, тавҳид фақат Ягоналикни тан олиш эмас, балки у билан қўшилишга интилиш ҳам, яъни тавҳид инсоннинг Мутлақ руҳ томон интилишини англатадиган жараёндир. Буни аниқроқ қилиб денгиз ва томчи мисолида тушунтириш мумкин (бу ташбеҳ шоирларимиз ижодида кенг тарқалган): денгиз ва томчи — бир вужуд. Худди мана шу бирликни тан олиш ваҳдатни тасдиқлашдир. Томчининг денгизга қараб интилиши ва у билан қўшилиши тавҳид, демак. Аммо томчи денгиз томон интилишда тозаланиб, мусафтоланиб боради. Бу — тажрид. Шу маънода Жунайд Бағдодий тавҳидни қадим (*абодият — Н.К.*) нинг ҳодисалар (*ўтқинчи нарсалар, дунё — Н.К.*) дан покланиб, фардланиши (*яккаланиши — Н.К.*) дир, деб тушунтирган. Мансур Ҳаллож эса тавҳид ҳақида бундай деган: «Тавҳид сари биринчи қадам таф-ридининг фаносидир».

### Жавҳари зот инсон қалбида

Шундай қилиб, тавҳид жисмнинг фоний бўлиши ва руҳнинг Мутлақиятга қўшилиши — васлнинг юз беришидир. Бу йўлдаги интилиш, риёзатни тафрид ва тажид сўзлари билан ифодалаганлар. Модомики, инсон нур ва соя, модда ва руҳ, гул ва тикан, тун ва кун хусусиятларини бирлаштирган хилқат бўлиб, илоҳийлик билан моддийлик чегарасини белгилар экан (Аттор: инсон нур ва зулмат барзахи — чегарасидир, шу сабаб уни тонг ёруғига қиёслаганлар), инсон зоти моддиондан, моддий дунё талаблари ва хусусиятларидан қутулмай Мутлақ руҳга етиши мумкин эмас. Руҳ билан модда, кўнгил билан ақл орасида кураш боради. Руҳ бу курашда моддийликни — жисмни ўзига буйсундириб, илоҳий маърифатни

таниш, Ҳақ асрорига кошиф бўлиш учун хизмат қилдира олса, у буюклик мартабасини эгаллаган ва Поклик тахтида ўтирган Адолат ва Ҳикмат шоҳи — комил инсонга айланади. Фаридиддин Аттор инсоннинг ана шу даражага кўтарилишига ишонган мутафаккирдир. Унинг таълимотига кўра, Жавҳари зот, яъни Тангри таоло файзи, рози ганжинаси инсон қалбида жойлашган. У инсонга муружаат қилиб, дейди:

Ту дори рози жавҳар дар дарунат,  
Вале кас нест инжо раҳнамунат.  
Ту дори он гум карди дар охир,  
Фурў монда дар ин асрори зоҳир.  
Ту дори жавҳари зоту сифоташ,  
Вале дури ту аз дидори зоташ.  
Ту дори жавҳаре аз жумла бартар,  
Ба суйи жавҳари зоти ту раҳбар.  
Зиҳи дийдори ту афлоку анжум,  
Даруни дар бурун, пайдову ҳам гум.

(Сенинг ичингда жавҳар — Мутлақ руҳнинг сири бор, аммо бу ерда сенга йўл кўрсатувчи йўқ. Охирида йўқотган нарсанг сенинг ўзингдадир, бу зоҳирий сирлар бандига гирифтор бўлгансан. Сен Холиқнинг зоти ва сифатлари жавҳарига эгасан, аммо зотининг дийдоридан узоқсан. Сенинг жавҳаринг барчаникидан афзал, шу жавҳар сен учун асл зотга олиб борадиган раҳбардир. Ажабки, фалак ва юлдузлар сенинг кўзларинг — дийдангдир, уйнинг ичидасану эшикдан ташқарисан, ҳам кўринасан, ҳам йўқсан).

Бу парчани бироз шарҳламасак, Аттор муддаосини англаш қийин кечади. Инсон вужудида илоҳий жавҳар бор, лекин ушбу жавҳарни поклаб, аслиятга кўшиш инсоннинг ўзига боғлиқ, демоқчи шоир. «Бунда сенга йўл кўрсатувчи киши йўқ», деганда шу маъно назарда тутилган. Чунки агар инсон ўзи интилмаса, ўзи ўзлигини таниб, Холиқини ҳам танишга бел боғламаса («Кимки ўзини таниса, Раббисини танийди» ҳадисини эсланг), ҳар қандай пири муршид раҳбарлик қилганда ҳам бирор-бир натижага эришолмайди. «Охирида йўқотган нарсанг» ибораси инсоннинг аслидан жудо бўлишига ишорадир. Аттор дейдики, аслингдан айрилиб қолдинг, шунинг учун қалбингда жавҳари зот бўлса-да, лекин Холиқ дийдоридан узоқсан. Аммо ана шу қалбингдаги жавҳаринг барибир сени Холиқ томонга етаклайди, сенинг раҳбаринг шу қалбинг жавҳаридир. Фалаклару қуёш ва юлдузлар сен туфайли яратилган, сенда уларнинг барчасининг хусусияти бор, сен олами Кубронинг мухтасар нусхасисан, лекин сенга шундай қудрат бағишлаган ана шу илоҳий куч гоҳ кўринади, гоҳ йўқ, гоҳ ичингда, гоҳ эса ташқарида. Бунда муаллиф илоҳий қудратнинг



инсон билан биргалиги, аммо инсон уни кўрмасдан, сезмасдан юришига ишора қилинмоқда.

Шундай қилиб, аслга қайтиб. у билан кўшилиш учун ичдаги жавҳарни ривожлантириш керак. Фаридиддин Аттор назарида вужуд, моддий дунё — сурат, Жавҳари зот эса маъно-моҳиятдир. Яъни чин ҳақиқат, ҳақиқий мавжудлик Мутлақ руҳнинг ўзи. Инсоннинг вазифаси сурат қайдидан қутулмоқ, аниқроғи, суратни синдириб, маҳв этиш орқали маъни куллиятга эришиш. У ёзади:

Чаро дар дарди сурат мубталойи,  
Чу ту сурат фиканди — кулл — Худойи.  
Туро сурат нахоҳад буд ҳамроҳ,  
Зи маънии Худо мебоши огоҳ.  
Туро сурат ба коре менаёяд,  
Худо дийдорат анлар жон намояд.  
Дуйи шуд маҳви куллий, худ ҳақи ту,  
Чу сурат бишкани, бешак ҳақи ту!  
Балоеро кашадам ҳам зи сурат,  
Аз он пайваст будам дар кудурат.

(Нега сурат дардида мубталосан, агар сен суратни ташласанг, кулл, яъни, худосан. Сен сурат ҳамроҳлигидан қутулсанг, Худонинг маъносидан хабардор бўласан. Сурат сенинг ҳеч бир ишингга ярамайди, Худо дийдорини жонда (жонингда) кўрсатади. Агар суратни синдиранг, шак-шубҳасиз сен ҳақсан, иккилик йўқолади ва кулл бўлиб, Ҳақ — Худога айланасан. Нима балоларни кўрган бўлсам, сурат туфайли кўрдим, кудурат-ғам ва зулматларим ҳам ўшандандир).

Бу Аттор фалсафасининг мағзи, унинг тафаккурининг жасоратидир. Чунки тасаввуф аҳли билан расмий дин арбоблари орасида кескин ихтилоф худди мана шу нуқтада келиб чиққан. Бугина эмас, тасаввуф аҳлининг ўзи орасида ҳам мазкур масалада келишмовчиликлар, баҳс-мунозара давом этган. Аттор инсонни Худо даражасига кўтаради, яъни унинг эътиқоди бўйича, агар инсон руҳи заминий алоиқлар, жисм қолипидан қутулса, қуш боласи тухумни ёриб чиққандай, моддий қобиқни ёриб чиқса, Мутлақ руҳга кўшилади. Мутлақ руҳ — кулл, ваҳдат, инсон руҳи — жузь, ундан ажралган шох. Жузь куллга кўшилса, у ҳам кулл бўлади, ана шу маънода шоир: «Суратни ташласанг, кулл — Худога айланасан», «Суратни синдириб ташласанг, шаксиз Ҳақ бўласан», — деб айтади. Бундай фикрлар Атторгача ҳам баён этилган эди. Хусусан, Боязид Бистомий ва Мансур Ҳаллож тавҳидни худди шу маънода тавсиф этганлар. Аслида бу чуқур инсоний тафаккурнинг, шу тафаккур ва билим дарёси мавжида ҳосил бўлган шуур гавҳари, қалбларда порлаган фикру илҳом чақинларининг зуҳури

эди. Ахир бу ваҳдат ул-вужуд таълимотининг ўзидан келиб чиқадиган хулоса: қасрат олами Ваҳдатнинг беҳисоб суратлари экан, ҳар бир суратнинг (сифот, асмо) моҳияти Ваҳдат моҳиятининг давомидир, унга бегона эмас. Илоҳий қудрат, Жавҳари зот шаклларга кириб, аёнлашиб («таайюн»), оламларни, уларнинг хилма-хил ашёларини вужудга келтирган. Инсон ҳам ана шундай илоҳий суратланиш мўъжизаларидан бири ва шу боис унинг моҳияти илоҳий моҳият билан баробар. Уларни фақат сурат-модда ажратиб туради. Сурат бартараф бўлгач, руҳ — моҳият қолади, ягоналик ҳосил бўлади. Боязид Бистомий ақидасига кўра, шундай даражага кўтарилган инсонда Худонинг сифатлари ҳам жам бўлиб, Худога нисбатан қўлланилган таърифларни унга нисбатан қўллаш мумкин. «Субҳоний, субҳоний, аъно шоний» («Шарафланганман, шарафланганманмен, менинг мартаба-шаъним улуғлигини қаранг»), деб айтади Боязид. Бу Аллоҳга нисбатан айтиладиган гаплар эди. Ўзлигини маҳв этолган, нафсу ҳирсга душман бўлиб, ҳаққ ул-яқинга эришган инсон Боязидга жўр бўлиб: «Пўстиним ичида Худодан ўзга нарса йўқ», — дея олади. Чунки вужуд маҳв бўлгач, руҳ қолади, руҳ эса Худодандир.

### Дунё — кудук

Фаридиддин Аттор бу маънони тушунтириш учун «Жавҳар уз-зот» асарида бир неча мисоллар келтирган. Чунончи, у одами кўза, илоҳиётни дарёга қиёслайди. Кўзани сувга ботирганда, то ичи сувга тўлгунча қулдираб овоз чиқаради, аммо ичига сув тўлгандан кейин у овоз чиқармай қўяди, дарёга қўшилиб кетади. Шоир бундан қуйидаги хулосани чиқарган: биз аслимиз Илоҳга етгунча оҳ-нола қиламиз, Илоҳга етгандан кейин эса, У билан бирлашиб кетамиз, ноламиз ҳам тугайди. Бундан ташқари, кўзанинг вужуди лойдан, инсоннинг вужуди ҳам шундай, унинг ичи ва таши сувга, яъни руҳга тўлса, лойдан асар қолмайди. Дарё ичида қалбинг ҳам дарёга айланади, қалб кўзи очилади, шунда тахтинг Сурайёда бўлади:

Агар ту фарқа ойи ҳам ба дарё,  
Сари тахтат кужо бошад — сурайё!

(Агар сен ҳам дарёга фарқ бўлсанг, тахтингнинг асоси қаерда бўлади, биласанми? — Сурайёда!)

Демак, илоҳиёт муҳитининг чексизлиги дарё ёки денгизга қиёсланган, инсон саҳрода қолган ташна каби шу денгизга интилади. Бироқ шу асарида Аттор яна бир ўхшатишни қўллайди: дунё — кудук, моддият, вужуд — қудуқдаги сув. Инсон руҳи шу кудук

зиндонида асир. Кудуқнинг суви кўзларимиз олдини парда бўлиб тўсиб олган:

Ту дар обию ҳол гашта надони,  
Ки худро чун аз ин жо вораҳони,  
Ту дар оби кунуну пардаат об,  
Мамон охир чунин, эй дўст гарқоб!

(Сен сув ичидасан ҳозир, аммо бундан қандай қилиб қутулишни билмайсан, сен ҳозир сувдасан ва парданг ҳам сувдир, эй дўст, бу сувда бундай фарқ бўлиб қолма!)

Шундай қилиб, аввалги мисолда шоир чексиз сув муҳитини илоҳий чексизлик ва файз сифатида талқин этган бўлса, кейинги мисолда сув моддий жисм тимсоли сифатида қўлланилган. Атторнинг дунёни қудуқ деб олишида маъно кўп. Бу — инсон яшаётган муҳитнинг нисбатан ғоят кичиклиги, инсон фарзандининг шу кичик оламда ўз ташвишлари билан оворалиги, Буюк файзиёт олами борлигидан беҳабарлиги ва ҳоказоларга ишорадир. Тасаввур қилингики, одам бир уйда туғилиб, шу уйда катта бўлиб, ҳеч ташқарига чиқмаган бўлсин. Бундай одам кенг дунё борлигини, унда ҳисобсиз юлдузлару чегарасиз осмон, дарё ва денгизлар, довдарахт ва жонзотлар мавжудлигини қаердан билсин?! Қафасдаги қуш ёки Абдулла Орипов тасвирлаган кўлмакдаги митти балиқ ҳам шунақа, оламдан беҳабар. Аттор тасвирига кўра, неча-неча минг йиллар қанчадан-қанча одамлар шу қудуқ ичида туғилиб, яшаб, ўзини ва оламни танимамай ўлиб кетдилар.

Жаҳоне халқ буданду бирафтанд,  
Ба дарду ғусса зери хок хуфтанд.  
Зи чандоне касе огоҳ нагаштанд,  
Ки чун пайдо шуданду чун гузаштанд.

(Жаҳонда кўп халқ бор эди, бари ўлиб кетдилар, дарду ғусса билан тупроқ остида ухладилар. Шунча одам қандай пайдо бўлиб, қандай ўтиб кетганини биров огоҳ бўлиб тушунтириб беролмайди).

Шоир нима демоқчи? Инсонга у қандай йўл тавсия этмоқда?

Аттор фикрича, инсон то ўзлигини ва ўз Илоҳини танимаса, у чин инсон эмас. Ўзлигини танимаган киши қурт-қумурсқа, парранда-ю даррандадай гап: туғилади, ейди, кўпаяди ва ўлади. Инсон эса бу дунёнинг қудуғидан қутулиши, оламни қучиши даркор. Бунга илоҳий маърифатни эгаллаш, ҳикмат ва билим орқали эришилади. Илоҳий маърифат эса кўнгил жомиди тўлиб, кишини маст этади ва қаноатлантиради. Кўзингни очиб қарагин, деб таъкидлайди Фаридиддин Аттор, дунё худди қайнаб турган қозондай жўшиб-тошиб турибди, сен ҳам шу қозон ичида қайнапсан. Остингда

олов ловиллаб турибди, шу сабабли тинмай қайнаб турибсан дунё билан бирга. Олов, деб шоир илоҳий руҳ қудратини назарда тутаяпти, бу қудрат бор экан, қайнаш давом этади, дейди у, аммо асосий мақсад бу қозонда пишиб етилиш ва «жонни жононга қўшиш»дир. Шунда қудуқдан қутулиб, «айн ул-яқин» бўласан, илоҳий саодат ўзлигини қайта аён этасан. Шунда киши: «Мақон ва ломаконни бирликда кўрдим, жисм ва жонни ўзаро узвийликда кўрдим», — дея олади бемалол.

### **Мансур ҳаллож — тавҳид тимсоли**

Фаридиддин Аттор фикрини давом эттириб, шундай хулосага келади: инсон ҳам тавҳид қатраси ва ҳам тавҳиднинг ўзи, яъни унда Ваҳдат хусусиятлари жамулжам. Хусайн Мансури Ҳаллож ана шу ҳақиқатни англаб етди ва уни «Анал-Ҳаққ» деган ибора билан ошқора этди, дейди Аттор. Лекин бунинг учун Мансурни гуноҳкор ҳисоблаб, қатл этдилар (922 йилда). Аттор Мансур ғояларини жўшқин бир эҳтирос билан куйлаб, чуқурлаштирган эди. Унинг учун Мансур Ҳаллож бир идеал, балки чинакам комил инсон ҳам. Атторнинг кўп асарларида Мансур номи тилга олинади, «Жавҳар уз-зот» ва «Ҳайлож» дostonларида эса Мансур марказий қахрамон бўлиб кўзга ташланади. Қаердаки тавҳид ҳақида, Ҳақ ва Ҳақиқат тўғрисида гап бошланса, шоир албатта Мансурни мисолга келтириб ўтади, Мансурнинг фикрларини янги-янги далиллар билан баён этади. Мансур гоҳ Шайх Шиблий, гоҳ Боязид, гоҳ Жунайд билан суҳбатга киришади, тасаввуфнинг турли масалалари (жузь ва кулл, ақл ва ишқ, жисм ва жон, ҳижоб ва васл, айн ул-яқин исботи, «ман арафа» — ўзликни таниш сири, кўнгил рози, тажаллий ва ҳоказо) устида фикр юритади. «Жавҳар уз-зот» дostonининг бир бобини Аттор махсус «Дар аёни Мансур ғўяд» (Мансур сирининг аёнлашуви ҳақида сўз) деб номлаган. Хуллас, Мансур Ҳаллож Аттор учун тавҳиднинг тимсоли, инсоннинг камол топиб, ҳақ ва ҳақиқатга айланган реал образидир.

Воқеан, «Комил инсон — илоҳиёт сурати» (Сажжодий луғати, 251-бет), яъни Илоҳнинг етук инсон қиёфасида кўриниши. Камолот, комиллик ҳам тасаввуфда шундай маънога эга: «Инсони комил барча мавжудотнинг боши, худди бир рақами барча рақамлар боши бўлганидай... Зоти аҳадиятнинг Биринчи таайюноти (аёнлашуви) ва жомеуллоҳ исмининг мазҳари» (168-бет). Сажжодий яна конкретлаштириб дейди: «Комил — ўзи ўзидан фоний ва Ҳақ боқийлигида боқий» киши ёки: «Комил эр — пири муршид раҳнамолигида тасвия (тозариш) ва тажлия (жилоланиш) ва шухуд (мушоҳада) мартабалар сари кўтарилиб, ҳис ва ақл сарҳадларидан ошиб, асмо тажаллиётига восил бўлган ва Ягоналик нурининг

шуъласи ичра йўқолиб, Аҳадият бақосида абадийлик топган ва илоҳий сифатлар таҳқиқига ва бутун зуҳуррот мазҳарига айланган... барча шууноб (шарафланиш) билан шарафланган, жаҳоннинг хожасига айланганини била туриб, бандалик ибодатини канда қилмаган кишидир (Сажжодий луғати, 207-208-бетлар). Аттот наздида Мансур ана шундай комил инсондир.

Мана, Мансур «Анал-Ҳаққ»и ҳақида шоир нима дейди:

«Анал-Ҳаққ» « он ки гуфтаст сар буридаст,  
Кунун ин дoston гуфту шунид аст.

«Анал-Ҳаққ» он ки гуфт, эй дуст ҳақ шуд,  
Ки кулли дарнамуду дўсти Ҳақ буд.

«Анал-Ҳаққ» гуфту бинмуд ошкоро,  
Худааш худ кард инжо пора-пора.

«Анал-Ҳаққ» гуфт, дамро аз яки зад,  
Ҳақиқат Ҳақ буду ҳақ бешаки зад.

«Анал-Ҳаққ» гуфт битзошт аз замона,  
Бимондаш ном инжо жовидона.

(«Анал-Ҳаққ» — «мен Ҳақман» деганни бошини кесдилар, энди бу дoston оғизларда юрибди. Эй дўстим, «Анал-Ҳаққ» деган одам ҳақ бўлади, чунки куллиятни истаб, ягоналик кўрсатиб, Ҳақ дўсти бўлди. «Анал-Ҳаққ» деди ва буни ошкора қилди, натижада, ўзини ўзи пора-пора қилди. «Анал-Ҳаққ» деб бирлик — ваҳдатдан сўз очди, дарҳақиқат, у ҳақ эди ва ҳеч шубҳага бормаи Ҳақ деди: «Анал-Ҳаққ» дея дунёдан ўтди, бунда унинг номи абадий қолди).

Ушбу сатрларда Аттотнинг ҳақиқат ҳақидаги, Ҳақ ҳақидаги назарий қарашлари ҳам, ҳақиқатга етиш укубати, инсонийликни англаш ва англантиш фожиаси ҳам акс этган. Ҳақни англаган ва Унга сингган, эриб кетиб, Ягона руҳ билан қоришиб кетган инсон руҳи ҳам ҳақиқатдир. Демак, ҳақиқат — Мансурнинг ўзи. Бу ғояни Аттот «Жавҳар уз-зот» асарида батафсил талқин этади. Унинг талқинига кўра, Мансур ҳақиқат тили эди, инсон суратидаги илоҳ эди; чунончи, Мансур Боязид билан суҳбатда дейди:

Манам ҳақ омада инжо, суҳангўй,  
Аналҳақ мезанам дар хою дар ҳўй,  
Манам ҳақ омада инжо, ба таҳқиқ,  
Ки то зарроти кулл бахшем тавфиқ,  
Манам ҳақ омада инжо ниҳони,  
Ба-дин кисват бар халқи жаҳоне.  
Манам ҳақ то намоям роз инжо  
Бигуям сирри худ (ро) боз инжо.

(Ман бу ерга келган гапирувчи ҳақдирман, шунинг учун ҳар сўзимда аналҳақ дейман. Ҳақиқатда мен ҳақман бунда, куллият

зарраларига тавфиқ — мувофиқлик, тараққиёт бағишлаш учун келдим. Бунда яширин равишда келган ҳақман, жаҳон халқлари олдида инсоний хилқат-суратда кўринмоқдаман. Мен сирни кўрсатишга келган ҳақман, шунинг учун ўз сиримни айтмоқчиман).

Мансур — Мутлақият асроридан хабар берувчи зот, Мутлақ руҳнинг ўзи, шунинг учун у гоҳ кўзга кўринади, гоҳ эса кўринмайди. Фаридиддин Атторнинг Мансурни улуғлаши шу даражадаки, у Илоҳ ҳақида гапириб, бирдан Мансурга ўтиб кетади, ёхуд аксинча, Мансур моҳияти, аналҳақ маъносини тушунтириб, илоҳий моҳиятни ҳам қўшиб тафсирлайверади. Бошқача айтганда, Илоҳ — Мансур — Ҳақиқат тушунчалари Аттор учун тенг маъноли тушунчалар, уларни бир-биридан ажратиш мумкин эмас. Мансур Ҳаллож Боязидга қараб дейди:

Манам Аллоҳу жони жумла ҳастам,  
Яқин инжо ки ман нест ҳастам.  
Манам ҳақ омада — Аллоҳи мутлақ,  
Даруни жумлаям огоҳи мутлақ.  
Нишонни бенишонни дар ҳама ман,  
Даруни жумлаги хуршеди равшан.

(Жумла оламнинг жони Аллоҳ мандирман, ишонгин, бунда йўқман, аммо борман. Ҳақ мендирман — Мутлақ руҳ, барчанинг орасида мутлақ огоҳман. Ҳамманинг вужудида нишонасиз нишон — кўринмас вужуддирман, гўё олам ичида равшан қуёшман).

Бу сатрларда ифодаланган маънолар Илоҳнинг хусусиятлари, сифатларини англатади, аммо Аттор бу сўзларни Мансур тилидан келтираяпти, натижада, илоҳий сифатлар Мансурга ҳам хос, улар бир-биридан ажралмас, деган хулоса келиб чиқади. Мансур Боязидга уқтириб айтадики, шундай даражага кўтарилиш учун ишқ оловида ёнишинг, шамга талпиниб, вужудини куйдирган парвона мисол ўртанишинг даркор. Ёхуд тун қоронғилиги қуёшда ёниб йўқолгандай, вужудингни — пардани йўқотгин. Фано бўлсанг, ҳақиқат сирини англайсан, менинг кўринишимни касб этиб, «пайдоу пинҳон» бўласан.

### **Жузъ ва кулл фалсафаси**

Фано бўлсанг, «менинг зотимдан мусаффо бўласан», кавну макон сеники бўлади. Дунёвийликни орадан кўтарсанг — бутун оламларни қамраб оласан. Шунда аввалу охир деган тушунчалар қолмайди, замон ва макон ўлчовидан ташқарида бўласан. «Яке шав, Боязиду бас маро бин, Даруни жузву кулл айни бақо бин» (Боязид, фано бўлиб ваҳдатга — бирликка айлангин-да, кейин мени кўргин, ўзингни — қисмни бутун — кулл ичида кўргандай,

бақо — абадият ичра кўргин). Бунда ҳам Мансур бақога айланган зот сифатида намоён бўлмоқда. Аттор фонийлик ва боқийликни бир-биридан кескин ажратмайди. Биринчидан, фонийлик деганда тасаввуфда Холиқдан ўзга ҳамма нарса, яъни махлуқият оламининг бебақолиги, ўткинчилиги англашилади. Жумладан, инсон вужуди ҳам тупроқдан бўлгани учун фонийдир. Аммо руҳ абадийлик топиши мумкин, чунки у Мутлақ руҳнинг жузъи. Лекин руҳ жисмдан ажралмасдан ҳам шу мартабани эгаллаши мумкинми? Мумкин, дейди тасаввуф аҳли. Агар инсон камолоти олий даражага кўтарилиб, у Ҳаққа восил бўлган бўлса, айнан мутлақ фонийлик, яъни илоҳий маърифат, ҳикмату дониш-ла лиммо-лим бўлиб, моддий вужудни унутиб, руҳий-илоҳий вужудга айланиши мумкин. Шахсий «Мен»нинг кайҳоний «Мен» билан бирлашиши, кайҳоний Руҳ қиёфасини олиши камолотнинг олий даражаси ҳисобланади ва шу мартабада инсон Абадият деб аталмиш бепоён муҳитга қўшилиб, боқийлик топади. Шунда илоҳийлашган Инсон кишилар кўзига турли қиёфада кўриниши мумкин, у Жавҳари зотнинг айни ҳақиқати, айн ул-яқин бўлиб, гоҳ одамларнинг эзгу ишларида, гоҳ мангулик хилқатида, гоҳ муайян сўфий сиймосида аёнлашади. «Жавҳар уз-зот» достонининг «Мансурнинг қиссаси ва унинг ҳар хил навъда кўриниши» деган бобида келтирилади:

Даруни жузъу кулл хуршиди рахшон,  
 Чунон гум дид худ андар сифот ў,  
 Ки пайдо шуд ҳақиқат айни зот ў,  
 Чунон худ дид дар охиру дар аввал,  
 Касе андар яке сурат мубаддал.  
 Чунон андар яки бинмуд жонаш.  
 Ки сурат гашт андар жон нишонаш.  
 Чунон худ дид андар офариниш,  
 Ки ў буд бешаке дар жумла биниш.  
 Чунон худ дид зоти лоязоли,  
 Ки бинмуда рухаш дар жумла ҳоле.  
 Чунон худ диду худро жумла худ дид,  
 Ки сурат маҳв шуду кулли аҳад дид.

(Жузъ ва кулл ичида порлаган қуёшдай, ўзини сифатлар ичра шундай сингиб, йўқолиб кетгандай кўрди-ки, пайдо бўлганда ҳақиқатдан айни зотнинг ўзи эди. Ўзини аввалу охир, яъни узлуксизлик ҳолатида кўрди-ки, бир шаклга айланганлигини сизди. Жони бирликда шундай кўриндики, сурати — хилқати жон ичида кўрина бошлади. Яратилишда ўзини шундай ҳолатда кўрдикки, барча дийдаларда, кўзларда у бор эди. Ўзини шундай завол билмас зот сифатида кўрдикки, юзи барча ашёда турли ҳолатларда кўринарди. Ўзини мана шундай кўрди-ю барчани Ўзидан кўрди, чунки сурати йўқолди ва барчани бир — аҳад кўрди).

Атторнинг фалсафий муҳокамалари шу тахлит чуқурлашиб, мураккаблашиб бораверади. У «жузь» ва «кулл», яъни бирлик ва умумийлик тушунчаларини кўп қўллайди. Бу икки тушунча фалсафанинг асосий категорияларидан эканини биламиз. Жамики ашёлар, ҳодиса ва сифатлар яккалик, алоҳидалик ва умумийлик қонуниятига бўйсунди. Яккалик ва умумийлик ўзаро зид ва аини вақтда ўзаро вобаста категориялар. Яккаликсиз умумийлик ва умумийлиги бўлмаган яккалик йўқ. Ҳар бир яккалик (жузь)да умумийнинг хусусияти мавжуд, табиий равишда умумийлик яккалик хусусиятларининг жамидир. Яккалик аксар конкрет шакллар, сонлар, сифатларга, ашёларга қараб фикримизни йўналтирса, умумийлик мавҳумлик томон бизни етаклайди, абстракцияни талаб қилади.

«Кулл» ва «жузь» тушунчалари орқали Аттор ваҳдат ва касрат оламини ифодаламоқчи, албатта. Мансур ва минглаб, миллионлаб Мансурлар ҳам жуздир. Аммо аини вақтда уларда ваҳдат оламининг — умумийликнинг хусусияти мавжуд. Инсон ҳам, қолган дунёвий махлуқотлар ҳам Илоҳнинг сифатлари ва асмо (исмлари)дан иборат. Мансур руҳий-маънавий тараққиёт босқичларини забт эта бориб, касратда кўринган сифатлардан ошиб, уларни буткул ўзида мужассамлаштириб, вужуди йўқолиб, зот сифатида қайта пайдо бўлди; аввал турли суратларда, ҳолатларда эди (ўзгариш, қариш, аҳволнинг турли хиллиги ва ҳоказо), илоҳийлашгач, бир рангда, бир ҳолатда намоён бўлди, дейди шоир. Бугина эмас, инсон Мансур каби илоҳийлашган мартабани эгаллагач, жони танаси ичида эмас, балки танаси жонининг ичида кўринадиган бўлади, яъни бутун вужуди жон-руҳдан иборат бўлади. Жузьий руҳнинг умумийлик касб этишининг хосияти мана шунақа. Аттор, шунингдек, «ҳақиқат», «яки» (бирлик, ваҳдат), «жамъ» сўзларини қўллаганда ҳам Улуғ Тангрининг сифатини, азалий ва абадий Мутлақ руҳнинг вужудини тушунади. Аммо муҳими шундаки, Аттор Ҳақ ва ҳақиқат ҳақида гапирганда, ҳамма вақт инсонни кўздан қочирмайди, мазкур тушунчаларни инсон моҳиятига боғлаб тушунтиради. Инсон унинг диққат марказида. Инсон хусусиятидан келиб чиқиб илоҳиёт ҳақида сўз юритади. Чунки тасаввуф аҳли учун, жумладан, Аттор учун ҳам, асосий масала инсонни инсонга англаштириш, инсонни тушуниш эди. Инсон ким? Унинг буюклиги ёки ожизлиги нимада, унинг хилқати қандай тузилган, вужуди нимадан иборат? Ана шундай қадимий ва абадий масалалар тасаввуф таълимотида турли муносабат билан, ҳар хил усул ва мисоллар орқали талқин ва тафсир қилиб келинган. Тавҳид моҳияти ҳам, ҳақиқат ҳам охир-оқибат инсон моҳияти ва ҳақиқати билан изоҳланган. Зеро, инсон бўлмаганда мазкур масалаларнинг ўзи пайдо бўлмаган, ҳатто Илоҳ ҳақида гапиришга ҳам, тафаккурий



изланишлар, тажриба ва кашфиётларга ҳам ҳожат қолмасди. Илоҳиётни таниш ва ўрганиш — бу аслида инсон руҳини ва унинг хусусиятларини ўрганиш ва таниш демак. Фаридиддин Аттор наздида ҳам тавҳид қатраси ҳам, тавҳиднинг ўзи:

Чу дар тавҳиди жонон дар якием,  
Яки жавҳар кулл бешакием.  
Чу дар тавҳид жуз яки надидам,  
Якиро дар яке яки гузидам.

(Жонон — Худо тавҳидида бирликдамиз, Кулл-умумият жавҳарининг ягонасилигимиз шаксиз. Тавҳидда ягоналик — бирликдан ўзга нарсани кўрмадим. Ваҳдат — ягоналикни ягоналикдан ягона деб танладим).

Тавҳид тимсоли — Мансур, унинг вужудида илоҳий асрор ҳам акс этган.

Манам тавҳиди ёру сиру асрор,  
Манам дар жисму жон бинмуда гуфтор.

(Ёр — Худо тавҳиди, сиру асрори менман, жисму жонда сўзлагувчи қувват менман.)

Тавҳид — бирлашиш инсоний ҳақиқатнинг тўла юзага чиқиши, яширин хазина эшигининг очилишидир. Инсоний ҳақиқатни кашф этиш орқали илоҳий ҳақиқатга эришилади, шунинг учун ҳақиқат — бу Ёрни кўришдир.

Ҳақиқат чист? Жонон дидан инжо,  
Дуйи бигзоштану онгоҳ якто.  
Ҳақиқат чист? Жуз якто шудан зуд,  
Чу дур дар баҳри ҳам якто шудан буд.

(Ҳақиқат нима? — Жонон — Худони кўриш бунда, сену менликни тарк этсанг, унда бир бўласан. Ҳақиқат нима? — Тезда бир бўлмоқ фақат, Дур каби вобасталик денгизида ягона — бир бўлмоқдир).

Атторнинг «жонон дидан инжо» (жононни кўриш бунда) деган фикрига диққатингизни қаратмоқчиман. Чунки шоир бу орқали, менимча, жонон, яъни Илоҳ васлига шу дунёда етиш мумкинлиги ҳақида гапирмоқда, ваҳдат тириклигида содир бўлиши мумкин. Шунинг учун Ҳақиқат, Бирлик, Ваҳдат, Тавҳид, Анал-Ҳаққ тушунчаларини барабар қўйиб, бирини иккинчисига боғлаб шарҳлаган ва илоҳий қурбни топган киши йўлида пардаларни бир-бир узоқлаштириб борар экан, «маънида Мансур суратига айланиши» ёки «буд» — вужудий борлиқни маҳв эта бориб, суратдан қутулганда шоир «Мансур кўзидан ўзга ҳеч нарса қолмаслиги» хусусида ёзиб, ўзини ҳам Мансур Ҳаллож билан бирга деб биледи, Мансур мартабасидаман, мен ҳам Ҳақиқатман, деб айтади:

Ҳақиқат чист? Чун Аттор будан,  
Ҳамиша воқифи асрер будан...  
Ҳақиқат чист? Аз жон бигзар, эй дўст!  
Чу диди ин замон Аттор, кулл ўст.

(Ҳақиқат нима? Аттор каби бўлиш. Ҳамиша сирлардан огоҳ бўлиш. Ҳақиқат нима? Эй дўст, жондан кеч, бу дам Атторни кўрдингми, кулл — ўша).

Мансур ҳам, Аттор ҳам — ҳақиқат, бошқача айтганда, жондан кечиб жононга етган, маънилар тажассумига айланган ҳар бир «воқифи асрор» инсон ҳақдир. Атторнинг ўзини Мансур билан тенг қўйиши бежиз эмас, зеро Мансур руҳи Атторнинг мураббийси, илҳоми ва қалб чироғидир. Алишер Навоий «Насойим ул-муҳаббат»да ҳазрат Жомийдан таржима қилиб келтиради: «Ва Мавлоно Жалолиддини Румий сўзлари мазкурдурки, Шайх Мансури Ҳаллож нури юз эллик йилдан сўнгра Шайх Фаридиддин Аттор руҳига тажаллий қилди ва унинг мураббийси бўлибдур».

Шунинг учун Фаридиддин Аттор шеъриятини Мансур Ҳаллож фалсафасининг назмий тафсири деб айтиш мумкин. Мансурни қанча чуқур ўргансак, Аттор асарларини таҳлил этиш орқали Мансур эътиқоди ва таълимоти моҳиятига етиб борамиз. Шоир илоҳий сирни кашф этганига ишончи комил ва бундан ниҳоят ҳурсанддир:

Зиҳи Аттор к-аз сирри илоҳий,  
Намуди айни дийдору ту шоҳи.  
Зиҳи густохи бар асрори маъни,  
Ту хоҳи дид ҳақ— изҳори маъни.  
Аёни восилони дар жаҳон ту,  
Ки бинмуда чунин сирни аён ту.

(Баракалла Аттор, илоҳий сирдан кўзга аёнлик кўрғаздинг, шу боис сен шоҳсан. Маънолар сирга интилиб, густоҳлик (беадаблик) қилишинг ҳам яхши, сен ҳақни — маънолар изҳорини кўришинг муқаррар. Жаҳонда сен васлга етганларнинг тимсоли — гавдаланган шаклисан, шунинг учун ҳам бундай сирни аён қила олдинг).

### Аён нима

Бу мисолдаги «айн», «аён», «дийдор» сўзларига алоҳида эътибор бериш керак, чунки булар тасаввуфнинг махсус истилоҳларидир. Бошқа бир ерда Аттор дейди:

Ту бешак бартар аз кавну макони,  
Гузори айн, дар аён аёни.

(Сен шубҳасиз кавну макондан юқорисан, айндан воз кечсанг, аёнда аёнсан).

Тасаввуф таълимотига биноан, Илоҳнинг ўзи ғайб, киши кўзига кўринмайди, зотнинг асл жавҳарини билишга ҳеч ким муяссар бўлган эмас («Унинг зотининг моҳиятидан биров хабардор бўлмаган»), аммо унинг «дийдори» — юзи, кўриниши, яъни кўздай бўлиб жилоланиши, аёнлашуви орқали Унинг сирларидан воқиф бўлиш мумкин. Шунинг учун бу ерда «айн» деганда илоҳий сирлар манбаининг кўздай порлаб кўрина бошлаши, «аён» деганда эса конкретлашув, моддий шакл олишни англаш керак. «Аён» илоҳий ғайб («адам»)нинг ижодкорлик қудрати сабабидан ташқарига зуҳур этган Моҳият, ҳақиқатнинг сурати ёки тасаввурланиши, ҳаёлий шаклга киришидир. Аттор айтмоқчики, Мансур, Шайх Аттор ёинки бошқа Комил шахс агар «айн» — суратини, жисми ташласанг, ўша «аён» — илоҳий оламда «айн» бўласан, яъни конкретлик касб этасан, илоҳий вужудга айланасан.

Шавад восил ҳижобаш дур гардад,  
Ба маъни сурати Мансур гардад.

(Васлга етгандан кейин, парда узоқлашади, маънида у Мансур суратига айланади).

Шу зайлда Аттор тавҳид асрорини кашф этиб бораверган. «Жавҳар уз-зот»дан ташқари, «Мантиқ ут-тайр», «Булбулнома», «Уштурнома», «Илоҳийнома» каби асарларида ҳам шоир тавҳид хусусида фикр билдириб кетган. Масалан, «Мантиқ ут-тайр»нинг бутун мазмуни Симурғ — Мутлақ руҳ васлига етиш ва у билан қўшилиш ҳақидаги ҳикояларидан иборат. Асардаги етти водийнинг бири «Тавҳид водийси»деб номланган. Аммо қолган водийлар ҳам аслида солиқ руҳнинг Илоҳий манба сари юксалиши ва бундан турли ҳолатларга тушиш, турли даражадаги идрок қилиш босқичлари тасвирланади. Руҳнинг Билим, Маърифатга ошноликдан сармастлиги, ўзини унутиб, ўз Тангриси бағрига буткул сингиб кетиши, яъни жузнинг Кулл бўлиши — фано саодати Аттор асарларининг асосий мавзудир. Шунга кўра, Атторни илоҳий рамзлар, сирлар шоири, дейиш мумкин. Лекин, гарчи шоир ғайб сирларидан сўз очиб, оламни билишнинг ақлий усулини рад этган ҳолда барча тасаввуф аҳли каби, ботиний туйғуни ишқни билишнинг асосий воситаси ҳисобласа-да, унинг бутун асрорлари дунёни ва унинг Моҳиятини англашга беҳад чанқоқликнинг исботидир. Умуман, назаримда, сўфиёна важд-жазава, кашфу каромат, ҳол мартабасидаги беҳудлик илҳами билан қўлга киритилган «сирлар» аслида оламнинг хусусиятлари, инсон заковати ва тафаккурининг меваларидир. Илоҳий билимларнинг чексизлиги эса инсон истеъдоди, тахайюли ва шуурининг, ботиний қобилиятининг чексизлигидан нишона, шунинг тасдигидир. Илоҳ — тафаккур ва билишнинг чексизлиги, туганмаслиги тимсоли. Фаридиддин Аттор шу тимсолни Ҳақ деб, тинмай унга интилади, уни кашф этиш иштиёқда ёнади.

## ЯССАВИЙ ҲАҚИКАТИ

Хожа Аҳмад Яссавий тасаввуфнинг улуғ пешволаридан бири, у яссавия тариқатига асос солганлиги ва туркий тилда содда, халқчил улуғ шеърият — сўфиёна адабиётни бошлаб берганлиги билан номи ислом оламида қадрли ва мўътабардир. Ул зоти шариф исломий ҳақиқатлар ва тасаввуф аҳкомини ажабтовур маҳорат билан омихта этиб, шариату тариқатни бир бутун деб билиб, имон ва садоқат ғояларини қизғин эҳтирос ила куйлаган ва афсонавий Арслонбоб тимсолида мужассам бўлмиш туркий авлиёлар руҳини пири Хожа Юсуф Ҳамадонийдан қабул қилган Хуросон сўфиёна таълимотига қўшиб, ўз халқини юксак маърифат ва илму ирфонга ҳидоят этди.

Хожа Аҳмад Яссавий қарашлари моҳиятини англаш учун, шубҳасиз, тасаввуф таълимоти рукнларига мурожаат қилиш лозимдир. Тасаввуф ўзини англаш ва шу орқали Аллоҳни севиб таниш ва билиш илми ҳисобланади. Ўз-ўзини англаш ўз нуқсонларини, айбу қусурини англаш демакдир. Шундай экан, тасаввуфни инсоннинг ўз вужуди, нафсига қарши исёни, ўз-ўзидан қониқмаслик норозилиги сифатида талқин этиш ўринлидир. Шайхларнинг ўз-ўзини мазаммат этиши, сурункали риёзатни бўйнига олиб, маҳрумликларга кўниши, ҳеч нарса билан ўрнини тўлдириб бўлмайдиган буюк бир руҳоний поклик оламига интилиши шу билан изоҳланади. Бу риёзат ва иродат зикр ва самоъ, жазава ва нолалар, муножот ва тоатлар, маънавий суҳбатлар, каромат ва ишоратлар, чиллада чилтанлар билан суҳбат қуриш, хилватда Ёр хаёли билан унс тутмоқ, ирфоний кашфиётлар йўлидаги тасвирлаб бўлмас завқу сурур нашидасидан иборат бўлган. Тасаввуф аҳли Илоҳ маърифатини қозонишни инсон камолоти, ахлоқий покланиш йўли, инсоннинг инсонлигини очиш, унинг руҳини шайтон чангалидан қутқариш чораси, деб ҳисоблар эдилар. Ҳақ ва ҳақиқат ғояси, руҳий фароғат ҳисси, тафаккур корхонаси, ижод — яратиш ниятлари ушбу таълимот бағрида паноҳ топиб, ривожланган. Албатта, авжу мавжлари, қирралари хилма-хил бу таълимотнинг ҳамма томонлари Аҳмад Яссавий ижодида акс этган, дея олмаймиз. Жуда

чуқур фалсафий тизимларни Яссавийдан қидириш ҳам зўрма-зўраки сунъийлик бўлар эди. Аҳмад Яссавий аввало курашчи бир инсондир. Унинг асарлари қуруқ насихатлар йиғиндиси (гарчи насихатда танбеҳ оҳанги мавжуд бўлса-да) ҳам, тасаввуф ва шариат ҳақидаги бетараф қарашлар, мулоҳазалар баёни ҳам эмас, балки шаррга — ёмонликка нафрат, эзгулик — хайрни ҳимоя этувчи зарбали сатрлардир. Шу боис Яссавийнинг жуда кўп фикрлари ғазабкор бир оҳангда жаранглайди, шоир дунёни тарк этиш, зулмга чидаш, ишқ-муҳаббат, дарвешнинг риёзату каромати ҳақида ёзар экан, буларнинг ҳаммаси, биринчидан, тасаввуф таълимоти талабларидан келиб чиқишини, иккинчидан, шоирнинг илоҳсевар ва инсонсевар қалби нидолари эканини эсда тутмоғимиз керак.

Бу ерда Аҳмад Яссавий қарашларининг бир жиҳати, яъни таркидунёчилик ақидаси устида тўхтаб ўтишни лозим топдик. «Девони ҳикмат»да ўқиймиз:

Аё дўстлар, пок ишқини қўлга олдим,  
Бу дунёни душман тутиб юрдим мано.  
Ломаконни сайр этибон макон оштим,  
Дунё-ўқбин юз минг талоқ қўйдум мано.

Шунга ўхшаш «дунё ҳаром», «дунё палид», «дунё моли ҳирсу ҳаво кони» каби таъриф-тавсифларни Яссавий шеърларида кўп учратамиз. Хўш, нега дунё душман, нега уни тарк этиш керак?

Аҳмад Яссавий ва умуман барча тариқат аҳли фикрига кўра, Илоҳ йўлини танлаган солиқ дунёвий алоқалар, яъни мол-мулк билан боғлиқ ташвишлардан халос бўлиши лозим (Шу ўринда мухлис — ихлос — халос — махлас сўзларининг бир ўзақдан экани, то халос бўлмай сўфий бўлиш мумкин эмас, деган фикрга эътибор қилинг). Шундагина солиқнинг қалби буткул Аллоҳ ихтиёрида бўлади. Аллоҳнинг ғайри (Рақиб) ёдидан қутулади. Чунки Худо муҳаббати ва дунё муҳаббати бир-бирини инкор этувчидир. Ахир ажодларимиз ҳаёт деб, тириклик деб руҳни ва унинг соҳиби Тангрини билганлар. Моддийликни улар латиф руҳнинг зидди — зиндони ҳисоблаганлар, жумладан, вужудимиз ҳам. Ҳаттоки, дунёдаги ҳаёт, тириклик неъмат охиратдаги абадий ҳаёт учун сарфланувчи восита, холос. Айни ҳақиқат бўлган бу қараш берилса, унинг ишқи ёлғон, қилмиши риё, халқни гумроҳ этувчи шайтондир, дейди Аҳмад Яссавий.

Албатта, бизнинг заминий тор тушунчаларимиз билан ўлчанганда, Яссавий даъватлари ғайритабиий, ғайриинсонийдай бўлиб туюлади. Лекин тасаввуф ичига чуқурроқ кириб борсак, таркидунёчилик ғояси ҳаётга зид кўз қараш бўлмай, балки теран инсонсеварлик ғояси эканини англаб оламиз. Масалан, дунё тариқат аҳли нуқтаи назаридан қуйидаги маъноларга эга:

Дунё — махлуқот олами, моддий борлиқ.

Дунё — жисм, инсон бадани.

Дунё — давлат, бойлик.

Дунё — нафс, зулмат, қоронғилик тимсоли.

Дунё — мажоз, образ, фонийлик, ёлғон мавжудлик рамзи.

Дунё Холиқ яратган махлуқот олами, ўткинчи, фоний экан, у ҳеч кимга вафо қилмайди. Шунинг учун у муҳаббатимиз, меҳримизга арзимамайди. Ҳақиқий боқийлик, абадий Парвардигорга муҳаббат — абадиятга муҳаббат бўлиб, у чин муҳаббатдир. Парвардигор маънавият ва файз кони, инсон руҳининг асл илдиридир.

Бу фикрлар инсон хилқатининг жисм ва руҳдан иборатлиги, инсонни жисми эмас, балки руҳи муқаррам этиши ҳақидаги қараш билан уйғунлашиб кетади. Инсоннинг инсонийлиги унинг руҳоний жавҳари, яъни илоҳийлигидадир. Шу боис руҳонийлик қанча камол топса, инсон шунча мукаммаллашади, покланади.

Аммо энг муҳими шундаки, Яссавий назарида дунё меҳр-муҳаббатга арзимагани учун, уни севганлар ҳам бахтли эмас. «Бу дунёда лаҳза фориг бўлмоқ қайда», — деб ёзади у алам билан. Дарҳақиқат, дунёда ором осойишталик, фароғат йўқ. Инсон ҳамisha ташвишу ғамда, ташвишлари эса майда ва умрни кемирувчи, маънавиятни беркитувчи. Холбуки, инсоннинг бош вазифаси — ўз Тангрисини таниш, Унга интилиш бўлмоғи керак.

Шу муносабат билан Яссавий инсон ва руҳ, лоҳут олами ва носут олами (яъни, жисмоний олам), руҳнинг жисм ичра изтироблари, жисмоний талаблар билан руҳоний-маънавий талаблар орасидаги зиддиятлар хусусида фикр юритади. Инсон фожиасини туб-тубидан идрок этишга жазм этади. Инсонни қанчалик чуқур англаганинг сари ундан ҳафсаланг пир бўлади, кўнглинг қолади, унинг ожизлиги, ноқобил ва ноқислигини кўриб ҳам раҳминг келади, ҳам ғазабинг кўзгайди. Бу — ночор махлуқнинг айбларини ўзига кўрсатиб, илоҳий мартабага ҳидоят этмоқчи бўлади валиюллоҳ. Воқеан, инсонпарварлик нима? Инсондаги нуқсонларни очиқ-равшан айтиб, шу нуқсонлардан қутулиш йўлини кўрсатишми ёхуд уни «буюксан», «улуғсан» деб мақташми? Менимча, биринчи йўл афзал ва фойдали. Инсоннинг ожизликларини кўрсатиш, уни мазаммат этиш бадбинлик эмас. Аксинча, чин гуманизм инсон учун қайғуришдир. Инсон учун қайғуриш эса, унинг нуқсон ва гуноҳларини кўрсатиш, тўғри йўлга бошлаш ҳисобланмоғи керак. Қуръони каримда ҳам Парвардигори олам инсоннинг муқаррамлиги, шамойили гўзаллиги, Ердаги «халифа» экани, фаришталар унга сажда этгани ҳақида оятлар юбориш баробарида, инсоннинг норасолиги, гумроҳлиги, манманлиги ва ҳоказоларни ҳам кўрсатиб, буни нуқсон сифатида кўрсатган. Ҳатто, барча иллатлар одамдан, барча яхшилик Аллоҳдан, деган қарама-қарши мазмунли

оят ҳам келтирилади Қуръони каримда. Водариғо, одамнинг шайтон гапига кириб, ақл дарахти мевасини татигани (ёки буғдойни егани) ва оқибатда жаннатдан қувилиши ҳам унинг камчилиги, нуқси, гуноҳи, ахир. Шундан бери инсон савобу гуноҳ, хайру шарр, жаннату дўзах, Ҳурмузд ва Аҳриман, нуқсу камол, раҳмон ва шайтон орасида саргардондир, гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга ён босиб, гоҳ ғофил ва гоҳи ҳушёр бўлиб, умр ўтказиб келмоқда...

Аҳмад Яссавий тариқат изтироблари, ажзу азият чекиш йўли билан инсонни поклаб, нуқсонлардан, нохуш феъл-атвордан халос этиш мумкин, деб ўйлайди. Тарки дунё ана шу тадбирнинг бошидир. Зеро, илоҳий маънавиятга талпинувчи, поклик ва покизаликни, ҳақни севувчи ҳар бир ориф, мутафаккир шахсда узлат ва хилватга эҳтиёж, соғинч бор. Шундай қилиб, таркидунёчилик ошиқ руҳнинг талабидир:

Дунё қўймай. ҳол илмини билса бўлмас.

Сўфий — Илоҳ ошиғи, унинг кўнглида Аллоҳдан ўзга нарса бўлмаслиги керак. Бундай одам қандай қилиб дунёга боғлансин? Таркидунёнинг ёрқин намунаси — Иброҳим Адҳам саргузашти. Кўп шайхлар қатори Яссавий ҳам Иброҳим Адҳамни ибрат қилиб кўрсатади. Иброҳим Адҳам қалбида илоҳий ишқ жўш ургандан кейин Балх шаҳрида тахт-тожи, бола-чақасини ҳам ташлаб, хирқа кийиб дарвеш бўлган эди. У Худо муҳаббатини фарзанд муҳаббатидан ҳам баланд қўйди. Аҳмад Яссавий ўзи ҳам Иброҳимга эргашмоқчи бўлади, аммо тарки дунё ҳақида қизгин даъватлар қилган шоир шу ерга келганда юраги ларзага тушиб, мана бундай сатрларни битади:

Аллоҳ учун фарзандларим етим қилсам,  
Жондан кечиб, молдан кечиб ғариб бўлсам,  
Биёбонда ялғуз қоздек нола қилсам,  
Нечук илож этаримни билмам, дўстлар!

Бир томондан, илоҳий ишқ туғёни, иккинчи ёқдан, аҳли аёл, фарзанд муҳаббати шиддати бақамти келган. Ориф инсон қалбидаги дардли фожиа, нозик руҳий мушкулот тасвирланади. Яссавийнинг мазкур ғоялари Фаридиддин Аттор ва Жалолиддин Румий асарлари билан ҳамоҳангдир. Чунки Аттор «Илоҳийнома», «Жавҳар уз-зот» номли дostonларида фарзанд муҳаббати билан Худо муҳаббатини кўп марта қиёслаган.

Шуни айтиш жоизки, Яссавийнинг ўзи олтмиш уч ёшга киргунча оиласи, фарзандлари билан умр кечирган, боғбонлик қилган, косатарошлик касби билан шуғулланиб, муридлар тарбиялаган. Бироқ ўшанда ҳам шайхул машойихнинг қалбида Илоҳ

муҳаббати устун эди, у дунёга эътибор қилмас, нафсни одамни бузадиган нарса деб қарарди. Бу эътиқод унда ота мерос бўлиб, Арслонбоб ва Юсуф Ҳамадоний тарбияси туфайли яна кучайганди. Зотан, таркидунёчилик — бу ахир авлиёлар тавбаси, улар мижозига бу сут билан киргандир. Авлиёлар тарки дунё қилишни барчадан талаб қилган эмаслар, чунки узлатнишинлик, зикру самоъ дарвеш «насибаси» (улуши). Яссавий ўзини фақирлар зумрасига киритади ва бу билан фахрланади. Фақир эса дунёнинг асбобу аҳволдан ҳеч нарсага эга бўлмаган, ҳеч бир тамау даъвоси бўлмаган киши, фақирларнинг Аллоҳ дийдоридан ўзга талаблари йўқ. Фақирликни инсонийлик моҳияти деб билиб, ганийлик, эгаликни Аллоҳнинг сифати ҳисоблайдилар.

«Девони ҳикмат»да ёзиладики, Яссавий руҳи ҳали у туғилмасдан Илоҳга ошиқ эди. Чунки ҳазрати Пайғамбар алайҳиссалом Меърож тунисида кўкда фақр ҳайкалини кўрдилар (нур шаклида). Бу менинг руҳим эди, деб ёзади Аҳмад Яссавий:

Меърож узра ҳақ Мустафо руҳим кўрди.

Ўшал руҳим, Аҳмад онаси ҳамлида пайдо бўлган кунининг вужудига кирган эди ва танаси билан бирга яшади. Бироқ ушбу руҳ танага кирмасдан аввал ҳам баркамол ошиқ бўлиб, «кўзи ёшли, боши эгик, қадди ҳилол эди». Яъни тоат-ибодатга мойил, комил мусулмоннинг руҳи эди. Шу боис бу руҳ танага кирган заҳоти, жисм билан келишолмай, ўз аслига қараб интилди:

Тўққиз ою тўққиз кунда ерга тушдим,  
Тўққиз соат туролмадим, кўкка учдум.

Чунки бу руҳнинг ватани Тангри ҳузурини, жабарут оламидир. Шунинг учун у аршу самоларни сайр қила олади, Ҳаққа роз айтади, жисмоний талаблар, яъни ҳирсу ҳавас, ҳасад ва манманлик, лаззатпарастлик тимсоли нафс билан жиҳод бошлайди. Нафс эса дунё демакдир. Бошқача айтганда, тарки дунё қилиш — таркинафс қилиш, шайтоний ҳирсларни жиловлаш демак:

Нафс йўлига кирган киши, расво бўлур,  
Йўлдан озиб, тойиб тузиб гумроҳ бўлур,  
Ётса-қўпса, шайтон била ҳамроҳ бўлур,  
Нафсни тепгил, тепгил, эй бадкирдор!

Нафсга нафрат Аҳмад Яссавий шеъриятида кучли ифодаланган. Инсон зотини бузиб, хароб этган, энг қабиҳ ишларни қилишга йўллаган нарса унинг нафсидир. Жаҳонгирлик, уруш ва вайронагарчиликлар, беҳисоб қирғин ва шафқатсизликларнинг сабаби ҳам нафс. Солиҳ инсон аввало нафсини енгади. Фанофиллоҳга йўл



очаман десанг, нафсни ўлдир, яъни «ўлмасдан бурун ўл», деб таъкидлайди туркнинг улуғ мураббийси. Аммо бу йўл оғир ва машаққатли. «Жондан кечмай ишқ шаробини ичса бўлмас». Яссавий «ҳикмат»ларида «Муту қабла ан тамуту» (Ўлмасдан бурун ўлинг), «Ман арафа нафсаҳу фақад арафа раббаҳу» (Кимки ўз нафсини таниса, Раббисини танийди), «Дунё ва дирҳамларга қул бўлганларга лаънатлар бўлсин», деган ҳадислар келтирилади. «Ўлмасдан бурун ўлмоқ» — тирик туриб нафсни ўлдириш бўлса, «Кимки нафсини таниса, Раббини танийди» ҳадиси нафснинг ёмонлигини англашга ишорадир. Демак, нафснинг ёмонлигини англаган унга қарши курашади ва шу кураш уни Раббини танишига кўмаклашади.

Шундай қилиб, дунё алоқасидан қутулган ошиқ инсон тариқат босқичларини ўтаётиб, ўзидаги ёмон хислатларини тарк эта боради ва яхши сифатларни касб этади. Натижада бойлик тарки, нафс тарки ёмон хулқ-атвор, золимлик ва шафқатсизликни тарк этиш билан баравар давом этади. Солик изтиробларга сабр қилиб, Худо ёдида яшаб, зикру тоатни канда қилмай, қалбини илоҳий нурга тўлдириб боради.

Маълум бўладики, тарки дунё деганда Аҳмад Яссавий бойлик тарки, кишининг ўзидаги ёмон хислатлар тарки баробарида ёмон одамлар, золим ва нодонлар таркини ҳам назарда тутди. У дейди:

Тариқатни шавқу завқи куймоқ-ёнмоқ,  
Ҳақдан қочқон ножинслардан қочиб тонмоқ,  
Юз минг турлук жафо текса, бўюн сунмоқ.

Ҳақдан қочганлардан қочиш. Ҳамма гап ана шунда. Ҳақдан қочганлар — имонсизлар, ножинслар, каззоб, фирибгарлар. Ҳақдан тонганлардан тониш эса тасаввуф аҳлининг имонидир. Шоир олтмиш уч ёшга кирганда ўз хонақоҳининг бир бурчагида ер ости хужра ясаб, энди менга ер юзида яшаш ҳаром, деб шу хужрага кириб кетади. «Девони ҳикмат»даги бир туркум шеърларида бу узлатнинг сабаблари тушунтирилади. Бу сабаблардан бири — Расули акрамга муҳаббат, сидқу садоқат ибрати бўлса, иккинчиси нодон ва ножинслар, худобехабарлардан қочиш эди:

Ер остига қочиб кирдим нодонлардан,  
Доно топмай ер остига кирдим мано.

Хуллас, таркидунёчиликни ижтимоий зарарли ҳодиса, деб билиш у қадар тўғри эмас. Буни ошиқ қалбнинг эҳтиёжи, деб қараш лозим. Одамлар таркидунё қилган чин сўфийларга қараб ибрат олганлар, яхшилик қилиш, меҳру шафқат кўрсатиш, Худодан кўрқиш ҳисси пайдо бўлган.

Бу ўринда шуни ҳам айтиш керакки, дунёга нафрат фақат сўфийларнинг ғояси эмас. Ушбу ғоя тасаввуф пайдо бўлишидан анча олдин бор эди. Қадимги бобилликлар, форслар, юнонларнинг ёзма ёдгорликлари, айниқса, ҳинд эпосларида дунёнинг бевафолиги, инсонлардан дўстлик ва садоқат кутиш хато эканлиги ҳақида фикрлар мавжуд. Тасаввуфга алоқаси бўлмаган Абул Фараж, Абу Нувос, Ал-Бухтурий, Абу Аъло каби араб шоирлари, Рудакий, Фирдавсий каби форс-тожик шоирлари ижодида фалакдан шикоят оҳанги, инсондан норозилик туйғуси акс этган. Абу Аъло инсон зотини лаънатлаб шеърлар ёзади, «мен отамнинг хатосиман» дея ўзидан ҳам нафратланди. Аммо жаҳоннинг бирор тадқиқотчиси Абу Аъло ал-Мааррийни реакцион ёки бадбин шоир демайди. Аксинча, у арабларнинг буюк гуманисти сифатида тилга олинади. Чунки Абу Аъло инсонлар бадбахтлиги, нуқсу касофати, жаҳолат ва ваҳшийлигини нафратли сўз билан фош этароқ, чин инсон учун курашган эди. Аҳмад Яссавий ҳам шундай қилди. Фарқи шундаки, у бунини тасаввуф ғоялари ёрдамида амалга оширди.

Яссавийнинг таркидунёчилигини зоҳидлар таркидунёчилигидан ҳам фарқлаш керак. Зоҳидлар тақвоси тагида жаннатдан умидворлик, яъни тама мавжуд бўлса, сўфийлар таркидунёчилиги замирида муҳаббат ётади. Сўфий тафрид ва тажрид билан руҳини поклаб, ҳаққ ул-яқин мартабаси сари кўтарилади, фано ҳолати нашидасидан лаззат олади. Шунга асосан, Яссавийнинг муқаддас руҳ тили билан айтган «ҳикмат»ларини реакцион, гайриинсоний дейиш нотўғри. Хожа Аҳмад Яссавий умр бўйи мазлумлар, етим, ғарибларни ҳимоя қилди, ўз ҳалқасига олди. Дарвешлар, софдил, солиҳ одамлар унинг таълимотини қабул қилиб, эл орасига ёйдилар. Шоир порахўрлик, ҳирсу ҳасадни, жаҳолатни танқид қилди, ҳаром еган қозилар, ришва олган муфтиларни, риёкор шайхларни мазаммат этди. Шуми «реакцион» ғоя?

Аҳмад Яссавий шеърляти энг халқчил ва халқсевар, ҳақсевар шеърлятидир. Унинг ғоялари инсоният қозонган энг ардоқли ғоялар қаторида абадий яшаб келаверади.

### **Яссавий ижодида ишқ тавсифи**

Покиза илоҳий муҳаббат шавқу завқини куйлаш Хожа Аҳмад Яссавий ижодида алоҳида ўрин эгаллайди. Ишқ — руҳни дунёвий ғуборлардан тозаландиган, қалбга бир олов — нур бўлиб кириб, уни Парвардигор васлига ҳидоят этадиган қудрат, маърифат ва ҳақиқатга ошно этувчи, кишига ўзлигини англаш, инсонийлик моҳиятини кашф этишга ёрдам берувчи куч, мис вужудни олтинга айлантирувчи кимё. Ишқ ҳам дард ва ҳам дармон, ҳам азоб ва ҳам роҳат. Тариқатнинг барча масалалари — ҳол ва фано, ботин ва

зоҳир, ҳайрат ва тавҳид, беҳудлик ва девоналик ва ҳоказолар ишқ тушунчаси орқали англашилади ва тушунтирилади. Чунки илоҳий муҳаббат моҳиятини англамаган одам тасаввуфни ҳам тушунмайди, тасаввуф талаблари, тариқат йўлига кирган кишининг ақида ва ғоялари, ҳолатини идрок этолмайди. Яссавий ижодидаги таркидунёчилик, узлат, садоқат ва шафқат ғоялари аини шу муҳаббат ғояси билан узвий вобаста бўлиб, уларни бир-биридан айри тасаввур қилиш мумкин эмас. Зеро, кўнглида ишқи бор одамгина туну кун поклик ва ҳақиқатнинг олий тимсоли бўлган Аллоҳга интилади, нафсга қарши юриш бошлайди, бу йўлдаги не-не азоблар, хорлигу хўрликларга чидайди.

Кейин эса... Кейин руҳий ҳолат лаззатини топади.

Аҳмад Яссавий ўзини «Ҳақ таоло партавидан» баҳраманд бўлган, гўдаклигида илоҳий ишқ «жазбаси» теккан киши эканини фахр билан тилга олади. Маълум бўладикки, валийлик, кашфу қаромат истеъдодининг нишона бериши ҳам ишқдандир. Яъни чин ошиқ — чин сўфийдир, бошқача қилиб айтганда, ишқ Илоҳни севиш, Унга сифиниб, нола-муножотлар қилишгина бўлмасдан, балки Аллоҳни таниш ва, демак, ўз аслини таниш, камолотга етишиш йўлидир.

Ишқ боғини меҳнат тортиб кўкартмасанг,  
Хорлик тортиб, шум нафсингни ўлдирмасанг,  
Аллоҳ декуб ичга нурни гўлдирмасанг,  
Валлоҳ-биллоҳ, сенда ишқнинг нишони йўқ.

Ҳа, ошиқликнинг белгиси — хокисорлик, камтаринлик, сидқу садоқат. Ошиқ бўлган одам ўзини барчадан кам деб ҳисоблаши, бошига келган балоларга мардонавор чидаши, манманлик, ғурур ва такаббурни, ҳасад-ҳирс каби салбий хислатларни тарк этиши керак. Бугина эмас, тама ва манфаат тимсоли бўлмиш дунёни ҳам тарк этиши керак. Чунки то дунёнинг ўзини тарк этмаса, нафс тамасидан халос бўлолмайди киши. Илоҳ ошиғи тариқат талабларини сўзсиз бажариб, фақр мартабасидан фано сари интилади. Илоҳиёт оламининг чексиз гўзалликлари, абадият қудратидан ҳайратга тушади, руҳи тиниқиб, мусаффо ҳолга киради. Аммо бу йўл ғоят оғир ва машаққатли: «Ошиқ куяр, жондан тўяр, Ҳақни суяр». Чин ошиқларнинг кўзи гирён, дили бирёндир, деб ёзади Яссавий. Ҳақ зикрини мағзи жондан қила олган, муҳаббат шавқидан «уч юз олтмиш томирлари» тебранган кишигина чин ошиқдир. Дунё роҳатини афзал билган, молу мулкка, дунёга берилган киши ошиқман деса, унга ишонмаслик керак, у риёкор, «ёлғон ошиқ»дир, деб ёзади Аҳмад Яссавий:

Ишқ даъвосин менга қилма, ёлғон ошиқ,  
Ошиқ бўлсанг, бағринг ичра кўз қони йўқ.

Муҳаббатни шавқи билан жон бермаса,  
Зоеъ кечар умри ани — ёлғони йўқ!

Яссавий ошиқларни зоҳид ва обидга қарама-қарши қўйиб тасвирлайди. (Умуман, тасаввуф шоирларида бу анъанага айланган эди). Нега шундай? Ахир зоҳидлар тасаввуф аҳлига буткул бегона эмаслар-ку? Тасаввуфнинг талабларидан бири ҳам зуҳд ва вараъ (парҳез)дир. Аммо шунга қарамай, зоҳидлар билан ошиқлар бири-бирига зид табиатли кишилардир. Чунки зоҳидлар тақво ва ибодат билан шуғуллансалар-да, бироқ тамадан холи эмас эдилар, бунинг устига Худони ёниқ ишқ билан севиш, илму ирфон асроридан бохабарлик улар ақидасига сиғмас эди. Шунинг учун тасаввуф аҳли зоҳидлар, инчунин обид ва муллаларни ҳам зоҳирбин кишилар, яъни зоҳирий дунё билан, расму русумлар билан ўралашиб қолган калтафаҳм кишилар, деб ҳисоблаганлар. Ошиқ сўфийлар эса, тамадан мутлақ холи эдилар, улар учун Аллоҳ дийдори ҳамма нарсадан афзал ҳисобланган ва шунинг учун ботиний оламини ривожлантириш, кўнгил ойнасини поклаш билан маъшуқ — Илоҳга мушарраф бўлиш иштиёқида ёнганлар.

Хожа Аҳмад Яссавий ҳазрати Муҳаммад алайҳиссаломни, Боязид Бистомий ва Мансур Ҳалложни чин ошиқ намунаси қилиб тасвирлаган. Муҳаммад пайғамбар бутун вужудлари билан Аллоҳ ошиғи эдилар, ул зотнинг кўкка кўтарилишлари, Меърож туни Парвардигор билан мулоқотлари, фақрнинг нурли ҳайкалини кўришлари, ерга тушиб, фақир, ғарибларнинг бошини силашлари ҳаммаси ошиқликнинг боисидир, дейди Яссавий.

Ул Буроққа боқуб анда ҳайрон қолур,  
Ошиқ бўлмай ул Буроққа миниб бўлмас.

Ҳазрат Муҳаммад алайҳиссалом Хожа Яссавий учун буюк идеал, камолот, эзгулик ва хайру эҳсон, имону эътиқод, садоқат ва муҳаббатни жамулжам этолган мукаррам зот. Умуман, Аҳмад Яссавий тариқати — бу шариат ва тасаввуфни ажабтовур омихта этолган, исломий ғояларни сўфиёна таълимотлар қатига сингдириб, туркона руҳ билан қувватлантирган тариқатдир.

Яссавий кўп марта тилга олган ва ҳаяжон билан қўйлаган сифатлардан бири ҳазрати Пайғамбарнинг меҳрибонлиги, шафқат кони эканлигидир. Пайғамбар «ғариб, фақир, етимларнинг кўнгилни овлашни» ҳаётининг мазмунини деб билган, «кўнгил қаттиқ халойиқдан қочган» Яссавий бу ишда ҳам пайғамбарга эргашганини баён этади:

Ғариб, фақир, етимларни Расул сўрди,  
Ўшал туни меърож чиқиб Ҳақни кўрди,

Қайтиб тушиб, ғариб, фақир ҳолин сўрди,  
Ғарибларни изини излаб тушдум мано!

Ҳазрат Муҳаммад бутун умри давомида умматим деб ёндилар, умматнинг ғамини едилар, бағри-дили қон бўлиб, умматлари гуноҳини кечиришни Худодан нола қилиб сўрадилар, кечалари тоат-тиловат қилиб чиқдилар. Умматларига қиёмат куни шафеъ бўламан, шафоат келтираман, деб ваъда бердилар:

Яланғочлик, очликка қаноатлик Муҳаммад,  
Осий, жофий умматга шафоатлик Муҳаммад,  
Тунлар ётиб уюмас, тиловатлик Муҳаммад,  
Йўлдин озгон гумроҳга ҳидоятлик Муҳаммад.

Аҳмад Яссавий Аллоҳ ошиғи, аммо унинг Аллоҳга муҳаббати Пайғамбарга бўлган муҳаббат орқали ўтади. Аллоҳнинг ҳабиби Расули акрамни шоир қайноқ қалб билан севиб мадҳ этар экан, Муҳаммад алайҳиссалом нурида барча ҳақиқатларни мушоҳада этади. Яссавий ақидасига кўра, олам бошида Муҳаммад алайҳиссалом нури ётади. Тангри таоло аввал шу Нурни ато этиб, кейин ўзга оламларни яратган. Бу Нур олам жамоли ва камолида мужассам. Яссавий ўз руҳини ҳам ана шу Нур билан пайваста деб билади. «Меърож узра Ҳақ Мустафо руҳим кўрди», — деб ёзади у. Бу Меърож кечаси Пайғамбар кўкда кўрган фақр нурига ишорадир. Шоир айтмоқчики, мен ҳам ўша нурдай покман, ўша нурданман — фақирман, Пайғамбарнинг давомиман, менинг ишқим ўша Расулуллоҳ ишқининг давомидир. Ахир Яссавийнинг пири бузурғвори Арслонбоб тўрт юз йилдан кейин тилининг остида асраб Аҳмадга етказган хурмо ҳазрат Пайғамбарнинг улушлари эди, яъни Яссавий Муҳаммад алайҳиссалом фақрининг, Муҳаммад алайҳиссалом суннатининг ва Муҳаммад алайҳиссалом тариқатининг меросхўри.

Шу боис Аҳмад Яссавий гарчи Арслонбобдан, Хожа Юсуф Ҳамадонийдан таълим олган бўлса-да, лекин ҳақиқий пири муршид деб Муҳаммад Мустафони тилга олади. Шоир Пайғамбар ғоялари, ҳақиқатини бир маст этувчи шароб деб ва рамзий маънода Пайғамбарнинг ўзларини Пири муғон деб атайди:

Биҳамдуллоҳ пири муғон май ичурди,  
Ул сабабдин олтмиш учда кирдим ерга.  
Пири муғон Ҳақ Мустафо бешак билинг,  
Қайга борсанг васфин айтиб таъзим қилинг.

«Девони ҳикмат»да ҳазрати Пайғамбарга бағишланган бир туркум ҳикматлардан ташқари қарийб барча шеърларида Пайғамбар номи тилга олинади. Биринчи ҳикматдаёқ улуг шоир ва султон

ул-орифин Расулуллоҳни поклик тимсоли, ибрат ва намуна қилиб кўрсатади. Пайғамбарнинг шахси, доим ҳазрати Пайғамбаримизни «Ҳақ Мустафо» унвони билан тилга олади. Бу билан, биринчидан, Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам пайғамбари барҳақ эканини таъкидлаш бўлса, иккинчидан Ҳақ васлига етиш, Аллоҳ амрини адо этиш, пайғамбар йўлини тутиш, пайғамбар суннатига садоқат кўрсатиш орқали боришини айтишдир.

Худди шу аснода Аҳмад Яссавий Мансур Ҳалложни ҳам Илоҳ ошиғи, Ҳаққа етган улуғ инсон сифатида куйлаган. «Девони ҳикмат»да Мансур мадҳига бағишланган алоҳида шеър бор. Маълумки, Мансур Ҳаллож илоҳий ишқ авжида беҳуд бўлиб, «Анал-Ҳаққ» дегани учун шарият аҳли томонидан қатл этилган эди. Лекин қизиғи шундаки, тариқатни шариятсиз тасаввур этолмаган, Муҳаммад Мустафонинг муҳиби Аҳмад Яссавий Мансурни кофир деб билмайди, муллаларга қўшилиб уни ёмонотлик қилмайди. Аксинча, Мансур ғоялари чин илоҳсеварлик ғояси сифатида талқин этилади. Яссавийнинг фикрича, муллалар Мансурни тушунмадилар, уни ноҳақ қатл этдилар. Аҳмад Яссавийнинг ёзишича, Мансур «Ҳақни топган девоналардан» биридир, ундайлар «беҳуш сўзлайди». Аслида Мансур Ҳаллож аршни кўзлаган мақомлари баланд зотлардан бўлиб, маломат юзасидан «халққа ўзин» атайлаб расво қилиб юрар эди. Яссавий бир қизиқ халқона ривоятни келтирган: Мансурни қатл этганларидан сўнг, унинг жасадини куйдирадилар. Олов кўкка чиққанда, малоикалар бўзлаб Ҳаққа нола қиладилар, жаннат хурлари ё Мансур, деб аза тутадилар. Подшоҳ Мансурнинг кулини йиғиб дарёга отишни буюради. Қишда дарё тошиб, халқ чора истаб шоҳ олдига келадилар. Подшоҳ нима қилишини билмай, Зуннун Мисрийга одам юборади. Зуннун Мисрий Мансурнинг қатл олдидан қилган башоратига биноан, унинг кулидан бир ҳовуч олиб қолган эди. Зуннун «Ё Мансур» деб шу кулни дарёга ташлаганда, дарё орқасига қайтиб, халқ омон қолади. Подшоҳ Зуннунга катта бойлик туҳфа бермоқчи бўлади, аммо у «зоҳир гадо, ботин ичра ман шаҳаншоҳ», деб мукофотни рад этади. Аҳмад Яссавий бўлса, хулосада ёзади:

Ботил кўзлар хос валини танимаслар,  
Ким яхшидур, ким ёмондур, танимаслар.

Дарҳақиқат, Илоҳ ошиғи бўлган валиюллоҳ зотларнинг амали ва сўзини англаш, уларни таниш осон эмас. Мансурни, Насимийни, Айн ул-қузотни, Суҳравардий ва Машрабни қатл этганлар «кўзлари ботил», қалбсиз ва зоҳирбин кишилар эдилар. Афсуски, бундайлар яқин-яқингача мавжуд бўлиб келдилар. Илгариги зоҳирбинлар дин номидан тасаввуф аҳлига тош отган

бўлсалар, коммунист ақидапарастлар динга қарши кураш васвасасига берилиб, Яссавий ва унинг маслакдошларини бадном қилишга уриндилар. Золим бойлар, порахўр қозилар, нодон-жоҳилларни нафрат билан мазаммат этган улуғ шоирни «феодализм» куйчиси, «диний-мистик шоир» деб, унинг таълимотини халққа зид, ғайриинсоний деб талқин этдилар.

Ҳолбуки, Яссавий энг халқчил, энг инсонпарвар шоирларимиздандир, фақат бу улуғ авлиёнинг нияти ва мақсадини тўғри англаб, тўғри тушунтириш керак. Унинг фикр андозаси кенг, қамрови бепоён. Бу андоза бизнинг ўлчовларга тўғри келмайди. Яссавий зулм ва золим ҳақида гапирар экан, бутун инсоният тарихини, дунё ва Илоҳни, руҳ ва жисмни назарда тутиб фикр юритади. Одамлар орасига адоват ва қасду қасос уруғини сепган синфий кураш назариясига, албатта, Яссавийнинг нафс ҳақидаги, ўз-ўзини поклаш ва маънавий камолот ҳақидаги, илоҳий ишқ ҳақидаги қарашлари мос келмас эди. Яссавий муҳаббат билан одамларни бирлаштириш, одамлардаги одамийликни ярқиратиш, ҳайвоний сифатларни йўқотиш ҳақида қайғурди. Бу чин гуманизм эмасми, ахир? Яссавий ҳикматларининг халқимиз ичида асрлар давомида яшаб келаётганига боис шудир балки?

## ИШҚНИ ОЛОВЛАНТИРГАН СЌЗ ЁХУД «ҚАРО КЌЗУМ»

Бир донишманддан: дунёда энг кучли лаззат нима? — деб сўраганларида, у: сўз лаззати, сўз санъатидан ҳузурланиш, деб жавоб берган экан. Чинданам шундай. Инсоннинг маънавий камолоти, ақл ва тафаккур қудратини намойиш этувчи, ижод ва истеъдод меваси бўлмиш бадиий сўз кишига олам-олам завқ бағишлайди, ҳайрат ва ҳаяжонимизга сабаб бўлади. Аммо мўъжизалар мўъжизаси — бадиий сўз лаззатини туйиб, руҳий ҳаловат олиш учун уни чуқур идрок этмоқ, асар маъноларининг бутун нозик жиҳатларини қат-қатигача тушуниб етмоқ лозим. Айниқса, сўз санъатини ғоят баланд қадрлаган ва тил, услуб томонидан биздан анча узоқлашиб қолган классик шоирларимизнинг мажоз ва истиоралар, ўзига хос йўсинда пардаланган маъноларга бой асарларини тушуниш, ўқиб-ўқиш хийла қийинчиликлар туғдираётгани сир эмас. Жумладан, улуғ Навоий асарлари ҳам. Олимларнинг тадқиқотлари, «Хамса» дostonларининг насрий баёнлари, алоҳида нашрлар учун тузилган изоҳлар, «Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати» мушкулимизни бир қадар осонлаштирган бўлса-да, лекин буюк шоирнинг «маънолар хазинаси»ни кашф этиш, унинг бемисл санъати сирларини очиб, шеърият ихлосмандларини ундан баҳраманд қилиш эҳтиёжи батамом қондирилган эмас. Назаримда, бу ишни янада давом эттириб, Судий Баснавий каби қадимги шарҳчиларнинг иш усулидан фойдаланиш анча самарали кўринади. Зеро, модомики Саъдий, Ҳофиз, Жомий, Навоий замондошлари учун ғазални байтма-байт, мисрама-мисра, ҳаттоки сўзма-сўз «майдалаб» тушунтириш лозим бўлган экан, бизга бу яна ҳам муҳимроқ ва зарурроқдир.

Шуларни ўйлаб, тажриба тариқасида Алишер Навоийнинг айрим ғазалларини классик шарҳ усулида тафсир қилишни лозим топдик.

Бу ғазал қуйидагича бошланади:

Қаро кўзум, келу мардумлиқ эмди фан қилғил,  
Кўзум қаросиға мардум киби ватан қилғил.



Аммо Тўйчи ҳофиз Тошмуҳаммедов XX аср бошида ушбу ғазални «ушшоқ» куйига солиб куйлагандан кейин у «Қаро кўзим» номи билан машҳур бўлиб кетади. Айтишларича, ҳофизнинг ёш бир фарзанди бевақт оламдан ўтгандан кейин ушбу ғазални қўшиқ қилиб куйлаган, ўзининг дарду ҳасратини куйга солиб, нола қилган экан. Ҳа, қўшиқ ҳофизнинг илоҳий овози билан ғоят таъсирчан жаранглайди, Навоий сўзлари юрак қатларига сингади.

Аммо Навоийнинг сўфиёна маъноларини англаган одамга Тўйчи ҳофиз ушшоғи яна ҳам кучлироқ таъсир этади. Зеро, «ушшоқ» ошиқлар дегани, яъни ошиқларнинг ишқ дарди, айрилиқ ва садоқат изҳоридан ҳосил бўлган туйғулари ноласи, фалакка ўрлаган фиғон бу. Ушшоқ — шашмақом куйларидан. Шашмақом сўфийлар мақомотининг мусиқавий ифодаси. Демак, ушшоқ Илоҳга интилган руҳнинг ноаларидан бири.

Дарҳақиқат, ушбу ғазалда ошиқнинг етуклик ва камолот тимсоли — Комил инсонга муҳаббати ифодаланади. Тасаввуф лугатларида кўз — Комил инсон тимсоли деб шарҳланади, чунки у фақат ўзгаларни кўради, ўзини эса кўрмайди. Агар юз илоҳий зухурот рамзи бўлса, кўз шу зухуротни жамлаган манба — мазҳари комилликнинг рамзи. Кўзни севиш орқали илоҳий жамолни севиш ифодаланади. Навоий қаҳрамони ана шу Инсонни ўз кўзининг гавҳарига айлантирмоқчи — қалб чироғи этмоқчи бўлади. Шоир ишлатган сўз ўйинлари ҳам шунга йўналтирилган: «мардум» — кўз қорачиғи ва инсонийлик маъносиде келади, «фан» — одат, ўрганиш ва тадбир.

Шундай қилиб, байтнинг мазмуни: «Қора кўзлугим (гўзал ёрим), кел энди, одамийлик мурувватини расм қилгин (ўрганиб ол); кўзимнинг қорачиғига (гавҳарига) гавҳар (қорачиғ) каби ўрнашгин (маскан тут)». Алҳосил: «қора кўзлугим, келгинда, лутф-шафқат, вафо расмини туз (вафоли бўл), мен учун сен кўз қорачиғидай азизсан, жойинг кўзим ичида».

Демак, Комил инсон, пири Комил Навоий учун энг азиз, энг маҳбуб, энг қадрли ва уни кўз қорачиғидай асрашга интилади, унга талпинади, бутун вужуди билан шу вужудга сингиб кетмоқчи бўлади.

Бундай байтлар классик танқидчиликда шоирлик маҳоратининг баланд намунаси — ҳусни матлаъ (шоҳ байт) деб баҳоланган.

Ғазалнинг иккинчи байти:

Юзунг гулига кўнгул равзасин яса гулшан,  
Қадинг ниҳолига жон гулшанин чаман қилғил.

Бу байтда сўз ўйини, мажоз йўқ, аммо бир-бирига вобаста бўлган тўртта истиорали бирикмадан фойдаланиб, ўзига хос бир

илтижо оҳангини кучайтирувчи зарофатли тасвир ҳосил қилинган. Булар: юзинг гули, кўнгил равзаси (кўнгил боғи), жон гулшани иборалари гул, боғ, ниҳол, гулшан, чаман ўзаро алоқадор тушунча-образлар. Шунинг учун ҳам мазкур байтни тушуниш унча қийинчилик туғдирмайди, воқеан кўрилган образлар ҳозирги шеърятда кенг ишлатилмоқда. Бироқ, шунга қарамай, Навоийнинг бу сатрлари ҳам ички рамзий маънодан холи эмас. Қўлланилган иборалар фақат бир маънони ифодалайди, десак хато қиламиз. Чунончи, «Қадинг ниҳолига жон гулшанин чаман қилғил», деганда Навоий кўриниб турган зоҳирий маъно билан бирга, араб ёзувининг хусусиятидан фойдаланиб («жон» сўзи арабча ёзилганда алиф ҳарфи ўртада келади), қадинг алифдай жон ичида бўлсин, деган маънони ҳам қистириб кетган. Шу сингари, «кўнгил боғини гулшан қилиш» деганда, хурсандчилик (кўнгилнинг ёр юзини кўриб гулдай очилиши) ва бунинг тескариси дард-маҳзунлик (ишқ изтиробида кўнгил яраларининг яллиғланиши) маънолари мужассам.

Алҳосил: «Эй ёр, кўнглимнинг боғини юзингнинг гули учун гулшан қил, жонимнинг гулшанини эса қадинг ниҳоли учун чаман қилгин». Ёки: «Менинг кўнглим, қалбим сенинг гул юзинг яшнаб турадиган гулшан бўлсин, қадинг ниҳоли жоним ўртасида алифдай турсин». Ёхуд: «Сенинг гулдай юзингнинг жойи менинг кўнглим, у кўнгил яраларига даво, у қалбим гулларини яшнатади. Гўзал суратинг, баланд, зебо қоматинг жоним ичида, бу ерни ўзингга макон қил».

Бу байтнинг сўфиёна маъноси эса қуйидагича: боя биринчи байтда кўз Комил инсон тимсоли дедик. Қад эса (шу каби алиф ҳам) Комил инсон ҳайкалидир. Юз, айтганимиздай, илоҳий гўзаллик мазҳари. Энди «юзнинг гули» — мазҳарининг порлаши, яшнаши, кўнгул равзаси (боғи) — ошиқнинг Ёрга интизор қалби. Шундай экан, шоир Комил инсоннинг порлаган нури қалбимга кирсин. яъни Ёр юзининг гулини кўнгил боғига ўтқазиб, гулшанга айлантирай, дейди. «Гулшан» эса бу ерда Пир ёки Комил инсон сўзи, дийдоридан қалбнинг яшнаб кетишини англатади.

Иккинчи мисрада биринчи мисрадаги маъно кучайтирилган: комил инсон ҳайкали ҳам жон ичида бўлсин — маъшуқа образи қалба нақшлансин.

Учинчи:

Таковарингга бағир қонидин хино боғла,  
Итингга ғамзада жон риштасин расан қилғил.

Таковар — тез юрадиган, йўрға от. Маъшуқ уни миниб сайрга чиққанда ошиқ дарди бадтар ортади, безовталанади. От ва унинг суворийси саркаш, бебок, бепарво. Бу анъанавий тасвир ҳар хил кўринишда классик шеърятда тез-тез учраб туради. Бироқ ана

шу анъанавий образларни Навоий халқ ичида кенг тарқалган хино қўйиб ясаниш одати билан боғлаб, чиройли, завқли поэтик маънони юзага чиқара олган. Хино қўйиш Шарқ халқлари, жумладан, ўзбек халқи орасида қадимий удум. Айниқса, қиз-жувонлар, келинлар шодиёна кунлари қўл-оёқлари, юзларига хино қўйиб ясанганлар, бу шодлик ва хурсандчилик қилиш белгиси ҳисобланган. Хино махсус ўсимлик баргидан олинади. Барг қуритилиб, яхшилаб сувга аралаштирилади ва байрам арафасида кечқурун қул-оёқларга (кафтга, бармоқларга), сочга боғланади. Эрталаб турганда, хинонинг тўқ қизил ранги баданга кўчади ва узоқ сақланиб туради. Навоийнинг лирик қаҳрамони эса ўз маъшуқига мурожаат қилиб, ўзига эмас, балки отига ошиқнинг бағир, яъни жигар қонидан хино боғлашни илтижо қилиб сўрайди. Чунки у ёрени шу даражада севадики, унинг ҳар қандай жафосига чидашга тайёр, йўқ-йўқ, бугина эмас, у ёрга ёлвориб, хокисор ошиқни азоблаш, қийноқлар гирдобига олишни тилайди. Ахир ёр қийноқлари ошиқ учун хузур-ҳаловат-да! (Хино гул, гулшан сўзларига ҳамранг бўлиб, сўфиёна тасвир ҳам ўзаро боғланган). Иккинчи мисра иборалари ҳам шунга туташиб кетади: ишқ дарди изтиробидан ингичкалашиб қолган жон илидан (риштасидан) арқон ясаб (расан-арқон) маъшуқ ити бўйнига боғлашни хоҳлайди. Ошиқ садоқати шундай бўлиши керак. У ёр ити билан суҳбат қуришдан ор қилмаслиги, унга ҳам дил рози — ишқини сўйлаши, уни кучоқлаб ўпиши (Мажнун Лайли итини оғушига олгандай) ва, ҳатто, унга жон фидо қилиши мумкин. Навоий ана шундай садоқат тимсолидан илҳомланиб, ёрига муҳаббатини муболага авжида изҳор этади. Хуллас, байтнинг умумий маъноси бундай: «Эй ёр, саркаш, йўрға отингнинг оёқларига менинг жигаримнинг қонидан хино боғлаб, ғамингда қийналиб, озурда бўлиб қолган жон илини итингнинг бўйнига арқон қилиб боғла». Тўртинчи байт:

Фироқ тоғида топилса туфроғим, эй чарх,  
Хамир этиб ани яна ул тоғда кўҳқан қилгил.

Кўриб ўтилган олдинги уч байтда лирик қаҳрамон ўз садоқатини билдириб, илтижо-ёлбориш оҳангида ёрга мурожаат қилган бўлса, тўртинчи байтга келиб у фалакка (чарх-фалак, осмон) қараб нолафигон билан муҳаббат қудратидан жўшиб гапиради. Лекин шуниси борки, мазкур байт мазмунан аввалги байтлардан бутунлай узилган эмас. Зеро, бунда ҳам ишқ ва ошиқлик сулуки, фидоий қалбнинг талпинишлари куйланган. «Ўқ сўзлар» бу ерда фироқ тоғи ва кўҳқан бўлиб, булар Фарҳоднинг фожиали тақдирига ишорадир. Фироқ тоғи — энг оғир айрилиқ, улкан дард; айрилиқда Ширин ёдида жон берган Фарҳоднинг маскани. Фарҳод эса илоҳий ишқда садоқат кўрсатиш, ўртаниш, андуҳ ва ҳажр тажассуми. Эсингизда бўлса,

Алишер Навоий «Фарҳод ва Ширин» достонида Фарҳод исмига рамзий таъриф берар экан, уни Фироқ, Ранж, Ҳажр, Оҳ ва Дард сўзларининг биринчи ҳарфларидан таркиб топган дейди.

Кўхкан ҳам Фарҳоднинг лақаби. Бу сўзнинг луғавий маъноси — тоғ кесувчи, тоғ қазувчи демак. Лекин адабиётда Фарҳод лақаби сифатида ёки Фарҳод исми ўрнида истиора-символ бўлиб тарқалган. Чунки тоғ кесиш, не-не машаққатлар билан ариқ қазиб, сув чиқариб (Низомий сут оқизади), Ширин орзуларини ушатган, аммо муродига етмаган ошиқ Фарҳоддир. Ҳосили калом, шоир одамнинг лойдан яралганлиги ҳақидаги афсонага суяниб, дейди (байтнинг мазмуни): «Эй фалак, айрилиқ тоғида (яъни Фарҳод жон берган жойда) менинг жасадимнинг тупроғини агар топсанг (чунки мен ҳам Фарҳод каби ишқ йўлида тупроқман), уни қайта қориб, яна ўша кўхкан — Фарҳод, яъни фидойи ошиқ, одамни яратгин». Ёки: «Менинг ишқдаги дардим Фарҳод дарди билан баробар, балки ундан ортиқ ҳам. Агар мен маъшуқ ишқи йўлида жон берсам, тупроғимни янгидан қориб одам яратсалар, тагин Фарҳод каби ошиқ жисми вужудга келади».

Бу ерда Ҳаққа бўлган ишқнинг азалий ва абадийлиги, Одам атодан қолганлигига ишора бор.

Бешинчи байт:

Юзунг висолига етсун десанг кўнгулларни  
Сочингни бошдин-аёқ чин ила шикан қилғил.

Шоир яна ёрга мурожаат қилишга қайтади. Аммо аввалгидай ёлбориш-муножот оҳангида эмас, балки унинг ошиқлар кўнглини овловчи жамолини (соч — ҳусни жамол нишонаси ва тажаллий олами) васф этиш орқали муносабат билдиради, ёрга бўлган меҳр бошқача йўсинда изоҳланади. Байтнинг мазмуни чин ва шикан сўзларини изоҳлаш воситасида очилиши мумкин. Чин ва шикан маънодош (синоним) сўзлар, яъни: чин — 1) рост, тўғри (ўзбекча маъноси); 2) ўрам, букум, ҳалқа-ҳалқа шаклида бўлиш (форсий маънолари). Навоий бу ўринда иккинчи маънони назарда тутган. Шикан — печу топ, қат-қат бўлиш, ўрам-ўрам, занжирсимон шакл олиш; 3) исканжа, азоб. Мисрада шиканнинг ҳар икки маъноси ҳам акс этган. Чунки ёрнинг ҳалқа-ҳалқа бурамали зулфи ошиқ кўнглини илинтирадиган тузоқ, тузоққа тушган қуш азоблангани каби, кўнгил ҳам шундай изтироб-уқубатни бошдан кечиради (сочни тузоққа, кўнгилни қушга ўхшатиш байтда зимдан англашилиб турибди). Аммо ошиқ бунга мингдан-минг рози. Ахир ёр зулфининг домига гирифтор бўлмай туриб, унинг висолига муяссар бўлиш мумкин эмас-да! Агар ақл зулфнинг бандида бўлиш бу қадар роҳат эканлигини билсайди, оқиллар занжиримиз изидан

девона бўлардилар, дейди Ҳофиз. Бедил бўлса «Зулфининг занжиридан минглаб дил кўзғолади», — деб ёзган.

Нега шундай, нега кўнгул ёр зулфи ҳалқаларига илинмай висолга етиши мумкин эмас? Бу саволга, юқорида айтилганлардан ташқари, яна тасаввуф тимсоллари маъносига суяниб қуйидагича жавоб бериш мумкин: тасаввуф бўйича, соч — мавжуд дунё рамзи, юз эса илоҳий манба рамзидир. Яъни: Мутлақ руҳ дунёни яратар экан, унга ўз нуруни таратиб (тажалли этиб) ҳаракатга келтирган. Ҳусну жамол бағишлаган. Дунё — касрат, яъни кўпликни англади, бунда илоҳнинг сифатлари мужассам. Дунё бепоён ва Илоҳ манбасига нисбатан қоронғироқ — зулматли. Сочнинг узунлиги ва қоралиги ҳам дунёнинг бепоёнлиги ва зулматига ишора. Сочнинг ҳалқалари — солиқ руҳи овора, банд бўладиган дунё ташвишлари. Сочнинг учи — инсоннинг ўзи. Бошқача айтсак, инсон тажаллиётнинг охиридир, у асл манбага қайтишга интилади, чунки у Мутлақиятдан ажралган, ҳижронда. Лекин дунё ташвиши, зулматини — ҳалқаларини енгмасдан туриб, Мутлақ руҳ жамолига мушарраф бўлолмайди. Висолга эришолмайди. Навоий байти ана шунга ишора.

Ва умуман, Шарқ поэтикасида маъшуқ юзини гул, гулшан, ғунча, қуёш, ой; қошини камон, ярим ой; кипригини камон ўқи; лабини лаъл, ғунча, ақиқ; тишларини гавҳар, марварид, садаф; қаддини ниҳол, сарв дарахти, алиф ҳарфи, шамшод; сочини занжир, тузоқ, тун, шом; кўзини жодуга, оҳу кўзига ўхшатиш расм бўлган. Ҳар бир шоир шу анъанавий ташбеҳ — образлар таносубиятидан янги маъно, янги тасвирлар яратиб, ўз маҳоратини намойиш этган. Шарҳлаётганимиз байтда соч шунчаки тузоққа ўхшатилмаган, балки у бир жозоба манбаи, жамолнинг зухур этиш нуқтаси сифатида кўрсатилган. Маҳбубнинг ошиқ олдида ўзига оро беришига даъват бор. Шу тариқа, байтнинг умумий мазмуни: «Агар юзинг висолига кўнгилларнинг етишишини истасанг, сочинг (зулфинг, кокилинг)нинг ҳаммасини ҳалқа-ҳалқа, бурам-бурам қилиб юр». Ёки: «Кўнгилларни асир этиб, васлингга мушарраф қилмоқчи бўлсанг, сочингни занжирга айлантириб, уларни боғла ёхуд тузоқ ҳалқаларидай бурам-бурам қилиб илинтириб ол».

Ва яна: «Илоҳ жамолига, Комил инсон ҳузурига етмоқ учун жами изтироб ва азобларга розиман, эй ишқ занжиринг-ла боғла».

Олтинчи байт:

Хазон сипоҳига, эй боғбон, эмас монё  
Бу боғ томига гар игнадин тикан қилғил.

Бу — «Қаро кўзим» ғазалининг мураккаб маъноли тагдор байтларидан бири. Шоир ишқу ошиқлик, севги ва садоқат ҳақида ёзиб келиб, орада бирданига дунё ва унинг ишлари, умр, ҳаётнинг

ўткинчилиги тўғрисида фалсафий мушоҳадага берилади, бир армон-орзиқиш, афсус-ҳасрат аралаш маҳзунлик кайфияти юзага балқийди. Ёр жамоли васфи, садоқат изҳорининг хушҳолликларидан кейин буни қандай тушуниш мумкин?

«Хазон сипоҳи» — куз лашкари, хазонрезги пайт демак. Тикан, игна билан лашкарнинг найзалари ҳам қиёсга олинган: сон-саноқсиз қўшин қўлидаги учли найзалар узоқдан осмонга қаратиб терилган игналардай кўринади. Бироқ гап фақат шу ташбеҳда эмас. Бунинг ўзи билан мазкур байтни шарҳлаб бўлмайди. Бу ўринда Алишер Навоий ўз даврида кенг тарқалган яна бир одат — боғ ва ҳовлиларнинг девори устини тиканакли буталар билан ўраб чиқишни назарда тутиб фикр юритган. Боғ ичидаги меваларни зараркунанда ҳайвонлар ва ўғрилардан кўриқлаш учун шундай қилинарди. Шоир шунга ишора қилиб, дейдики, эй боғбон, сен боғингнинг деворларинигина эмас, унинг томи устини ҳам бутунлай ҳатто игнадан тиканлар ясаб, беркитиб чиқсанг-да, уни хазондан сақлаб қололмайсан, барибир куз келади ва дарахтлар барги хазон бўлади, яъни байтнинг мазмуни: «Эй боғбон, бу боғ томини игнадан тиканаклар қилиб ёпиб чиқсанг ҳам, куз қўшинининг ҳужумига монелик қилолмайсан». Чунки инсон фалак айла-ниши, замонларнинг ўтиши, табиат қонуниятларига қаршилиқ қилишга ожиз. Шундай бўлгач, ёр висолига интил, ғанимат дамларини беҳуда ўтказмай умр шодликларидан баҳраманд бўл. Бунда яна ўткинчи дунёга меҳр қўйиш, олам-олам қўшин йиғиб жаҳонгирлик қилиш, молу мулк йиғишга қарши фикр ҳам мужассам. Зеро, қанча меҳр қўйма, дунё бақосиз, фақат илоҳиёт абадий, ўшанинг ёдида яша. Вафоли ёр ҳам шу Аллоҳнинг ўзи. Маълум бўладики, байт оҳангида ҳазинлик сезилса-да, лекин ботиний маъно хулосаси ҳаётсеварликка ҳидоят этади ва шу асосда олдинги байтларга билвосита боғланади. Навоий ошиқ садоқати, ишқ қудратини куйлаб, ёрдан вафо тилаб («кўзим гавҳарига жойлашиб олгин»), умрнинг ўткинчилиги муқаррарлигини далил келтирган.

Еттинчи байт:

Юзида терни кўриб ўлсам, эй рафиқ, мени  
Гулоб била юву гул баргидин кафан қилғил.

Олтинчи байтдаги кайҳоний фалсафий ҳикмат бу ерда йўқ, шоир яна ишқ мавзуга қайтади. Аммо, шунга қарамай, бу байт ҳам олтинчи байтнинг бевосита давоми ва мазмун-маъноларнинг миқдосийлиги, теранлиги билан ундан мураккаброқ. Нега шундай деяпмиз? Зоҳиран қараганда, ҳамма нарса аниқ-равшан: тер, гул, гулоб нима эканини кўпчилик билади. Маҳбуб юзидаги тер гул баргидаги шабнам сингари жозибали ёхуд гулдан олинадиган

хушбўй доривор ичимлик — гулобдай ёқимли. «Гулоб — гул суви, атиргул япроқларидан олинадиган хушбўй ичимлик» («Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати», 1-жилд, 417-бет). Гулобни амбиқ деган махсус асбоб воситасида олганлар, у молихулиё, хафақон касалликларига даво бўлган; таомга, ичимликка қўшиб истеъмол қилинган. Беҳуш одамнинг юзига гулоб сеппи хушига келтирганлар. Шоирлар маҳбуб юзига томган кўз ёшини ҳам мажозан гулоб дея тасвирлайдилар. Аммо мазкур байтда бу маъно кўзда тутилмаган. Тер форсчада — «хай», арабчада — «арақ». Арақнинг иккинчи маъноси ичимлик эканлиги маълум, шу ҳам аниқки, у гулобга ўхшаган йўл билан ҳосил қилинган: «Арақ» — ...дориворларни пиширишда буғдан ҳосил қилинадиган сув» («Фиёс ул-луғат», 342-бет). Шундай қилиб, арақ ва тер сўзлари маънодош, яъни буғдан пайдо бўладиган тер томчилари йиғилиб, арақ вужудга келади. Шоир тасвирига кўра, ёр юзи бамисоли гул ва ундаги тер томчилари гулдан олинган гулоб. Ажиб дилрабо сурат. Боз устига, ташбеҳланувчи сўзлар яширин равишда, истиора тариқасида келтирилиб, завқли санъат яратилган.

Булар ҳаммаси маъқул, бироқ шарҳимиз кишини қаноатлантирмайди, чунки байтнинг маъноси ҳали равшанлашган эмас. Масалан, нима учун ошиқ ёр юзида терни кўрганда ўлиши керак? Терда яна қандай ҳикмат бўлиши мумкин? Балки унда биз илғаман бошқа мажозий маънолар бордир?

«Тожиқ тилининг изоҳли луғати»да арақ сўзининг хижолат тортиш, ҳаё, уят (ҳаёдан терга ботиш, уят терларини оқизиш) каби кўчма маънолари борлиги айтилади (1-жилд, 80-бет). Бу бизни бирмунча мақсадга яқинлаштиради. Дарҳақиқат, тер инсоннинг руҳий ҳолатларидан бири — уялиш, ҳаё нишонаси, ҳаё эса энг шариф хислатлардан, кишини гўзал ва севимли, мунис, мўътабар қиладиган хислат. Носир Хусрав ёзади:

Ҳаё асл аст дар зоти инсон,  
Ки дорад одамиро одамисон.

(Ҳаё инсон зотининг асл белгиларидандир, у одамни одамий қиёфасида тутиб туради). Алишер Навоий эса «Маҳбуб ул-қулуб» асарида ҳаёни вафо билан ёнма-ён қўйиб, бундай ҳикмат дурларини тизади: «Ҳар кўнгулниким вафо маскан қилур, ҳаё ҳам қилур ва ҳар маскандаким ул топилур, бу ҳам топилур. Вафосизда ҳаё йўқ, ҳаёсизда вафо йўқ. Ҳар кимда бу икки йўқ — имони йўқ ва ҳар кимда имон йўқ — андин одамийлик келмак имкони йўқ». Ҳаё сўзи шу тариқа ўзида, яна номус, виждон, қарам ва саховат каби ахлоқий фазилат тушунчаларини жамлаган.

Навоийнинг лирик қаҳрамони севган одам ана шундай «аҳли ҳаё — комил инсонлар»дандир. Шундай маъшукнинг жамолига

етишганда у жонини фидо қилишга тайёр. Воқеан, ҳаё висол лаҳзасида, ушшоқ аҳли бир-бири билан яқинлашганда яна ҳам кучаяди. Ёр жамолининг тажаллиси, салобат ва ҳаяжон шиддати шундай ҳолга сабаб бўлади. «Ҳаё — бир-бирига яқин одамларнинг аҳволи жумласидандир ва яқинлик қанча ошса, ҳаё ҳам ортади. Ва кимдаки ҳануз ҳаё ҳолати юзида акс этмаса, бу аломат унинг яқинлик (муҳаббат) мартабасига эришмаганини кўрсатади», — дейди эронлик адабиётшунос Сайид Жаъфар Сажжодий ўзининг «Орифлар истилоҳлари луғати» китобида.

Демак, ҳаё — муҳаббат нишонаси, ёр жамолини мушоҳада этиш, руҳий-маънавий соғинч ва ташналикни қондириш сари интилишда қалб кўзғалишидан чеҳрадан ёғилган нур ва сафодирким, шоирлар бунини образида тараннум этганлар. (Шу ўринда ўзбекча «Меърожнома»дан бир мисол келтирмоқчимиз. «Меърожнома»да тасвирланишича, Муҳаммад Мустафо Бароқи бодпойга миниб, нур нарвонидан аршга кўтарилар экан, ёр — Худо дийдорига мушарраф бўлиш иштиёқи, муҳаббат зўридан терга фарқ бўлади:

Ҳар арақким, мисли маржону гуҳар,  
Айлади пайдо тани хайрулбашар,  
Андин оқ гулни дарахти бош чекиб,  
Яшнади бир соат ўтмай очилиб.

Балки ҳазрат Навоий айнан ана шу терни, ана шу гулни назарда тутгандир? Оқ гул ва дорулбақо кийими — кафан ранги бир хилку).

Гўзал, навқирон маҳбуб юзидаги тер уни яна ҳам дилрабо, дилкаш қилади. Мирзо Бедил: «Аз сафои оразат жон мечакад, гоҳе арақ» (Юзинг сафосидан гоҳ жон томади, гоҳ тер). Тер — сув. Раҳмат суви — обиҳаёт:

Юзунгда хай эмас, оби ҳаёт қатрасидин  
Қуёш жамолига сунъ илги тақди зеварлар.

(Навоий)

(Юзингда тер эмас, балки Тангри кўли оби ҳаёт — тириклик суви қатраларидан қуёш жамолига таққан марваридлардир).

Улуғ шоир наздида тер покизалик, файз ва жило, гароват, ёр жамолининг порлашидир. «Ҳар ён юзда тер оқиздингму?» — мисраси билан бошланадиган ғазалида у терни яна сафо-ёғду, ой атрофидаги юлдузлар, ҳижрон ёшларига қиёслаган бўлса, бошқа бир ғазалида «Юзида тер фитнасида ўлсам ажаб эрмас», — деб ёзади ва терни руҳни ғалаёнга солувчи куч сифатида таърифлайди.



Сув — тер софлик рамзи экан, бу Пири Комил Қалбининг мусаффолиги ҳам.

Хулласи калом, еттинчи байт мазмунини бундай баён этиш мумкин. «Ёр юзида терни, яъни вафо аломати — инсонга розилик нишонаси ҳамда покиза қалб сафосини кўриб, шу қувонч ҳаяжони ичра жон берсам, эй дуст, мени ёрнинг гул юзидаги тер томчиларидан ҳосил бўлган муборак сув — гулоб билан ювгинда, ўшал гўзал юзни эслатувчи гул баргларига ўраб кўмгин». Бу ошиқнинг айни вақтда армони ва «Қаро кўзим» ғазалида қуйланган садоқат ғоясининг чўққиси! Чунки ошиқ ҳар бир байтда ёрга бўлган муҳаббатининг чексизлигини билдириб келди, уни кўз гавҳари ўрнида кўриб, бағир қонидан хино қилишни таклиф этди, юракни, жонни, кўнгилни бир-бир унинг йўлига бағишлади. Шунча илтижолардан кейин агар мабодо ёр лутф этса-ю муродимга етсам, ҳаётимни бус-бутун унга қурбон қилардим, дейди садоқатли ошиқ еттинчи байтда. Мазкур байт мазмунидан Навоийнинг ҳаётсеварлиги, ҳаёт ошиғи эканини ҳам англаш қийин эмас: гул ва гулоб тириклик рамзи, гулоб билан гулга ўраш эса шу маънода кишига абдий ҳаёт бағишлаш демек.

Саккизинчи байт:

Навоий, анжумани шавқ жон аро тузсанг,  
Анинг бошоқлик ўқин шамъи анжуман қилғил.

Анжумани шавқ — шоир ошиқ қалбидаги иштиёқ-истакнинг авж олиши, ёрга етишиш орзуси тараддудини шу ибора билан ифодалаган (иборанинг луғавий маъноси — орзумандлик, кучли рағбат мажлиси, маъракаси). Бундан руҳий ҳаяжон, қўзғалиш, сурур бўронининг бошланиши ҳам англашилади. Жон ичида шундай анжуман тузиш кўнгилнинг нурли орзуларга лиммо-лим бўлишидир. Бошоқлиғ ўқ — ўткир учли, ўткир тўғли камон ўқи. Ўқ учининг бошоққа ўхшашлиги ҳам эътиборга олинган. Шундай кўринишда у чиройли киприк ва ёниб турган шамга шаклан монанддир. Воқеан, «бошоқлиғ ўқ» деганда, Навоий ёр кипригини айтмоқчи. Чунки, киприк — муҳаббат ўқи, қайсиким, тўғри юракка бориб қадалади. Байтнинг мазмуни: «Эй Навоий, агар жон ичида шавқ-ҳаяжонли рағбат мажлисини тузмоқчи бўлсанг, ёр киприги — ўқини шу мажлисининг шамъи қил». Бу ерда иккинчи байтдаги китобат санъати янги деталлар воситасида қайтарилган, яъни киприк алиф ҳарфига ҳам ўхшайди, унинг жон орасидаги мажлис шамъи бўлиши — жон ўртасида алифдай жойланиши демек. Шу зайлда, улуғ шоир бир йўла бешта ашъни бир-бирига ташбеҳлаб, ҳайратомуз маҳорат кўрсата олган.

Бунда қуйидаги тасаввуфий маъно ҳам бор: киприк-ўқ солиқнинг ҳол мақомидаги айни шавққа тўлишган пайтида чақин каби

порлаб унинг кўнглини ёритадиган илоҳий жазба-илҳом, ваҳийлик тимсоли ҳам. «Анжумани шавқ» бу ўринда ҳол мақомига кўтарилишни англадиб келади.

Алҳосил, охириги байтнинг хулосавий маъноси шуки, ошиқнинг ёр висолига интилиши чексиз бир орзу, қўл етмас идеалига талпиниш. Зотан, ахлоқий покланиш ва бу покликка муҳаббат муттасил давом этадиган, чин инсон қалбини ёндириб турадиган туйғу. Ёр дийдори орзуси юрагингни банд этиб, зўрайса, тўлиб тошсанг, унинг кипригини шу орзу авжининг чироғига айлантир, кўнгилни унинг муҳаббати шамъи билан ёритиб тур, дейди шоир. Чунки ёр ўқи дардига гирифтор юрак ҳамма вақт ёниқ, машъаладор бўлади.

Мана шу якун билан ғазалнинг умумий мазмуни яхлитлик топади, байтлар ўзаро боғланган. Асар бошида кўринган ёрга илтижо, вафога даъват этувчи муножот ва ошиқ садоқатининг изҳори бора-бора табиат, фалак ишлари ҳақидаги ўй-фикрларга уланиб кетиб, ҳаёт боқийлиги, унинг ишқ тимсолидаги эзгу ва сафоли нашидаси, Ёр жамолига чанқоқ Кўнгилнинг дардли талпинишлари куйланади.

Навоийнинг байтлари қатида яшириниб ётган маънолар шу қадар теран, шу қадар кўламлики, у дурлар тўла денгизга ўхшайди. Бу денгизга шўнғиган одам, албатта, янги маъно дурларини қўлга киритиб, баҳрамандлик бахтини туйиши муқаррар.

## САЙИД ҲАСАН АРДАШЕР — КОМИЛ ИНСОНМИ?

Маълумки, Алишер Навоий ўзининг тарбиясига ва ижодий камолотига таъсир кўрсатган кишиларни асарларида эҳтиром ва миннатдорчилик билан тилга олиб ўтади. Аммо улар орасида уч киши алоҳида ажралиб туради. Булар — Абдурахмон Жомий, Сайид Ҳасан Ардашер ва Паҳлавон Муҳаммад. Бу уч зоти шариф ҳаётида Навоий «Хамсат ул-мутаҳаййирин», «Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер» ва «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» деган уч насрий асар ёзган. Мазкур асарлар ўша замонларда кенг тарқалган маноқиб жанрида битилган. Маноқиб фавқулодда хислатли, закий ва валий кишиларнинг сийрати, ҳолоти ва таржимаи ҳолини ёритувчи асар бўлиб, унда қаҳрамоннинг хулқ-атвори, иши ва сўзи ўзгаларга ибрат қилиб кўрсатилади. Абдурахмон Жомий — буюк шоир ва муқтадир файласуф-сўфий, шайхи муршид, бунинг устига, Навоийнинг пири ва ижод соҳасидаги устози. Бу тушунарли. Паҳлавон Муҳаммад ҳам ном қозонган гўштигир, яъни кураш тушиш устаси, Хуросон гўштигирларининг пири ҳамда Ҳирот жавонмардларининг пешвоси. Демак, бу икки зотнинг хориқулудда ҳолатларини бадиий асарда ёритиш ҳам қизиқарли ва ҳам тарбиявий нуқтаи назардан аҳамиятли.

Аммо Сайид Ҳасан-чи? У ким? У — оддий бир инсон, касби — сипоҳийлик, умрининг охирида эса дарвеш хирқасини кийиб, хонақоҳда ўтирган киши. Бироқ Навоий наздида у замонасининг буюк зотларидан бири, чунки:

Сафо субҳининг меҳри пурхандаси,  
Фано шомининг шамъи рахшандаси,  
Карам боргоҳида маснаднишин,  
Адам хонақоҳида хилватгузин,  
Вафо анга пеша, саҳо анга фан,  
*Вафову саҳо кони Сайид Ҳасан.*

«Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер» — Сайид Ҳасаннинг вафотидан кейин ёзилган асар. Бундан ташқари, Навоий Сайид Ҳасан вафотига бағишлаб:

байти билан бошланувчи етти бандлик марсия ёзиб, ўз қайғусини изҳор этган. «Мажолис ун-нафоис», «Насойим ул-муҳаббат» асарларида, шунингдек, «Фавойид ул-кибар» девонидаги шоир умри сарҳисоби бўлмиш «Соқийнома»да Саййид Ҳасанга махсус тўхталиб, унинг ахлоқий хислатлари, бадиий ижодга муносабати баён этилади. «Насойим ул-муҳаббат» — биламизки, тасаввуф шайхлари ҳақидаги асар. Алишер Навоий Жомийнинг «Нафаҳот ул-унс»ида бўлмаган бир қанча дарвеш ва сўфийлар ҳаёти ҳақида маълумотлар беради, шулар сирасига Саййид Ҳасан Ардашерни ҳам киритган экан, демак, уни атоқли дарвешлар даврасидан жой олишга лойиқ одам, деб ҳисоблаган. Навоийнинг Саййид Ҳасан тирикчилигида ҳам унга бағишлаб ёзган асари бор. Бу шоирнинг Самарқанддан Саййид Ҳасанга юборган шеърий мактуби. 1467—1468 йиллар орасида ёзилган 140 байтлик мазкур мактуб муаллифининг ҳаёти ҳақида қимматли маълумотлар бериш билан бирга, унинг тасаввуф ва дарвешчилик таълимотига муносабатини аниқлашда ҳам яхши манба бўла олади.

Навоийнинг Саййид Ҳасан ҳаёти ҳақида ёзган асарлари тадқиқотчиларимиз эътиборидан четда қолган эмас. Академик В. Абдуллаев, В. Зоҳидов, А. Ҳайитметов, Б. Валихўжаев, С. Фаниева, Н. Маллаев ва бошқа олимларнинг ишларида бу асарлар тилга олинди. Аммо, шуни қайд этиш керакки, мавжуд тадқиқотларда мазкур асарларга, асосан, Навоий таржимаи ҳоли, ижтимоий-сиёсий ва эстетик қарашларини ёритиш мақсадида мурожаат қилинган. Навоий учун эса Саййид Ҳасан — инсонни комил тимсоли, «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер»да у ана шундай инсон сиймосини яратган. Навоий «Хамса»си дostonларида яратилган ижобий-ибратли тимсоллар билан Саййид Ҳасан орасида ўхшашлик кўп, агар «Хамса» образлари бадиий орзу-мушоҳада асосида вужудга келган тахайюлий-романтик типлар бўлса, Саййид Ҳасан муайян тарихий шахс, яъни улуғ шоир ўзининг ҳаёлотигади идеал инсоннинг хусусиятларини ўз замондошида кўра олган, дейиш мумкин.

«Ҳайрат ул-аброр» ва «Маҳбуб ул-қулуб» асарларидаги ахлоқий-фалсафий қарашлар билан «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер» асарида ифодаланган фикрлар ҳам аксар ўзаро ўхшаш. Шундай қилиб, Навоий назарида Комил инсон ҳаёлий бир нарса эмас, балки реал ҳаётга одамлар, бироқ, шуниси борки, бундай одам тариқат сулукини қабул қилган чинакам дарвеш бўлиши керак. Бошқача айтганда, идеал инсон — бу камида гўзал ахлоқли, зоҳирий ва ботиний илмларни эгаллаган фоний табиат фақир киши. Саййид Ҳасан бунинг намунаси ҳисобланган.

Саййид Ҳасан 1416 йили Ҳиротда туғилган, отаси Ардашер Бойсунғур Мирзо саройида қушчилик билан шуғулланган. Саййид Ҳасан саройида тарбияланади, кичик ёшидан зеҳнли, билимдон бола сифатида танилади. Сарфу наҳф, лугат ва арабият, мантик ва калом, фикҳу ҳадис ва тафсири, шунингдек, шеър илми, муаммо, тарих, нужум ва мусиқий илмларни пухта эгаллаб олган бўлса-да, бироқ ғоят камтарин бўлганлигидан давраларда манманлик билан билимини намойиш этишга интилмас, суҳбатдошлар хато қилса ҳам, ҳижолат ва озор етмасин деб, андиша ва ҳаё билан юзига солмасди. Бойсунғур Мирзо уни ўз ўғилларига ибрат қилиб кўрсатган: «На бўлғай сенинг афъол ва ҳисолинг ҳам фалонийга ўхшаса эрди». Саййид Ҳасан қўшинда сипоҳий, яъни оддий аскар бўлиб хизмат қилган, бироқ ҳамма вақт ички норозилигини сездириб турган. Воқеан, қўшин ўз табиати, вазифасига кўра, дағаллик ва зўрликни тақозо этадиган, кўпроқ қалби қотган, шафқатсиз кишиларни ёқтирадиган жой. Шундай бўлгач, юмшоқ кўнгил, нозиктабъ одам Саййид Ҳасанга у қандай маъқул тушсин? Султон Муҳаммад Мирзо, Султон Иброҳим Мирзо ва Бобур Мирзолар Саййид Ҳасанни ўз суҳбатдошлари қаторига қўшиш учун саройга таклиф этадилар, аммо у кўнмайди. Шаҳзодаларнинг таклифи тазйиққа айлана боргач, Саййид Ҳасан ўзини «лавандлик ва ошиқпешаликка» уриб, ринди майхўрлар мажлисига қатнай-диган бўлиб қолади. Навоий таърифига кўра, унинг учун шоҳу гадо баробар эди, мирзозодалардан тортиб, то дарвешу фақирларгача унинг мажлисларида иштирок этган. Бу зот ҳеч бир такаллуф ва изтиробсиз улар билан мусоҳиб бўлганлар. Шуниси эътиборлики, майхўрликни қоралаган Навоий, гарчи орада «кўп вақтни таъйинсиз ўтказур эрди», деган жумлани қистириб ўтса-да, лекин Саййид Ҳасанни бу ишда айбдор қилиб, мазаммат этмайди, аксинча, унинг риндлик қоида-қонунларини бажо келтиргани, ҳарифларига ғоят меҳрибон ва ғамхўрлигини, футувватини таъкидлаб ўтади. Маълум бўладикки, шоир худопараст риндларнинг сархушлик мажлисларини бутунлай маъқулламаган бўлса-да, (Паҳлавон Муҳаммад ҳам шундай ринди бебоқлардан бўлган), аммо инкор этмаган: жоҳил одамларнинг бодапарастлиги, атрофдагиларга озор бериши ахлоқий таназзулга олиб келган бўлса, дарвеш-риндларнинг майхўрлиги Илоҳ ёдида сархуш бўлиш, беозор ва «ахлоқу шарият» доирасида эди. Ҳар ҳолда, бу ҳам расмий динга зид эди ва Ҳирот жамоасининг ахлоқи ҳамда муҳитини акс эттирадиган белгилардан бири ҳисобланарди.

Алишер Навоий Саййид Ҳасан Ардашер билан биринчи марта 1456 йили, яъни ўн беш ёшлигида учрашади ва шундан кейин улар умрбод дўст бўлиб қоладилар. Саййид Ҳасаннинг дарвешона феъл-атвори, хуштабъ ва хушсуханлиги шоирни мафтун этади:

«Алар тариқу равиши бу фақирни андоқ шефта қилдиким, бир кун алар мулозаматига етмасам эрди, сабру тоқатим қолмас эрди». Саййид Ҳасан ҳам Навоий ҳузурига тез-тез келиб турар, кўрмаса, унинг дийдори ва суҳбатини қўмсаб, безовта бўлар экан: «Ташвише бўлмамиш бўлғайким, бу кун сендин хабар топа олмадук», — деб аҳвол сўрашга шошилар, бир кун кўрмай қолса, узрхоҳлик билан кечирим сўрар экан. Навоийнинг ёзишича, Саййид Ҳасан уни «фақр тариқи» — дарвешлик сулукига далолат қилиб, туркий тилда шеър ёзишга руҳлантириб турган, аксар шеърларини ёдлаб олиб, эл орасида тарғиб этган. Навоий билан Саййид Ҳасаннинг адабий-танқидий қарашлари, таъбу завқлари ҳам мос келган. Навоий буни «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер»да қайд этади, чунончи, туркигўй шоирлардан Лутфий, Атоий, Гадоийлар, форс шоирларидан Ҳофиз ва Саъдий Саййид Ҳасан ижоди эътибори ва эҳтиромига сазовор бўлганини биламиз. Ҳатто, Лутфий ва Муқимий (XV аср шоири)дан мисол тариқасида келтирилган байтлари ҳам ҳар иккаласида бир хил.

Саййид Ҳасан Ардашер Лутфий маҳоратини кўрсатиш учун унинг:

Нозуклик ичра белича йўқ тори гесуйи,  
Ўз ҳаддини билиб белидин ўлтурур қуйи,—

байтини, Муқимий салоҳиятига намуна тарзида унинг:

Сен-сен асли вужуди ҳар мавжуд,  
Сендин ўзга вужудга не вужуд, —

мисраларини тилга олади.

Алишер Навоий ҳам айни шу байтларни «Мажолис ун-нафоис»да Лутфий ва Муқимийларнинг шоирлик истеъдодини исботлаш учун келтирган.

Навоий билан Саййид Ҳасан орасидаги яқинлик, инсоний меҳр-оқибат шунчалик кучли бўлганки, улар бир-бирларини қиёматли ота-ўғил деб ҳисоблаганлар. «Бу фақирга ота масобасида (мартабасида) эрди», — дейилади «Мажолис ун-нафоис»да. «Соқийнома»да эса Саййид Ҳасанни ота мартабасидаги мўътабар киши бўлиш билан бирга, тариқат пири эканини ҳам қайд этади:

Манга зоҳирда атову устод,  
Лек маъни аро пири иршод.  
Мен анинг бандалигига хурсанд,  
Ул дебон лек рафиқу фарзанд.

Шу руҳий-маънавий муҳаббат туфайли Навоий ҳар доим «пири иршоди» аҳволидан хабардор бўлиб туришга интилади, сипоҳийлик

ва риндлик айёмида ҳам, Ҳусайн Бойқаро саройида маслаҳатчимушашор бўлган пайтларида ҳам, тавба-тазарруъ қилиб, мавлоно Муҳаммад Табодгоний хонақоҳида чилла ўтирган кезларида ҳам ҳузурига тез-тез бориб турган, ҳовлисининг бир бурчагида у киши учун алоҳида хона қуриб берган. Саййид Ҳасан истаган вақтида бу ерга келиб, ҳордиқ чиқарган. Навоий Абдураҳмон Жомийга қанчалик меҳрибон бўлган, фарзанддай хизмату мулозамат бурчини адо этган бўлса, Саййид Ҳасанга ҳам шундай муносабатда бўлади. Улуғ шоир ҳар икки пирининг мотамига соҳибазо бўлиб, бутун маросимларни бажо келтиришга бошчилик қилади. Саййид Ҳасан вафот этган куни Навоий Ҳиротда эмас эди, подшолик фармони билан сафарга жўнаган эди. Шоир буни фалакнинг зулми деб ҳасрат чекади, «мен бошингда туришни, шарбатингга ширин жонимни қўшиб, эзиб берсам эди, мулойим гап қилиб, кўнглингни олсам, гоҳ бошингдаги ёстиғни тузатиб, гоҳ аёғинг ёпсам, бошингга эврулиб, фарзандлик изҳор айласам» эди, деб ўкинади...

Саййид Ҳасан Ардашер Навоийнинг рози дил айтадиган маслаҳатгўйи, энг қийин пайтларда суйнадиган содиқ ва вафодор кишиси эди. Самарқанддан юборилган шеърый мактуб бунга ёрқин мисол. Уни Навоийнинг арзи ҳоли, кўнглида ардоқлаган орзуармонлари дафтарининг бир саҳифаси, дейиш мумкин. Шоир устодига мурожаат қилиб, мени фақат сен тушунасан, аҳбоблар ҳолимдан огоҳ эмас, улар айтган гапларга ишонма, дея таъкидлайди ва Самарқандга келишининг сабабларини баён этади («Сенга ҳолатимни аён айлайин, Бу азми мвужухин баён айлайин»). Сабаблар эса жуда кўп.

Биринчиси — Ҳиротда ижод қилишга имкониятнинг йўқлиги, сўз қадрига етадиган, туркий шеърга талабгор одамнинг қолмагани; Навоий ўз иқтидори, истеъдодининг кучи ҳақида камтаринлик қилмай, фахру гурур билан ёзади:

Мен ул менки, то турк бедодидур,  
Бу тил бирла то назм бунёдидур,  
Фалак кўрмади мен киби нодире,  
Низомий киби назм аро қодире.

Аммо моддий тарафдан таъминлаб, шароит яратиб берадиган, «ёз» деб турадиган мард йўқ, деб ёзади у.

Иккинчи сабаб — Хуросонда одамгарчилик, саховату мурувватнинг барҳам топгани, унинг ўрнини нифоқ, баҳиллик, ҳасад эгаллагани, вайронгарчилик, зулму ситам авж олгани эди. Қаро пул учун одам ўлдиришни касб қилиб олган, ўликдан кафан тама қиладиган кишилар мамлакатда ҳукмрон, аҳли дардни тушунадиган дуруст одам қолмаган:

Сен эрдингки, ҳар ишда ёрим эдинг,  
Не ғамким етар ғамгусорим эдинг.

Бироқ сен ҳам қўшин билан узоқда, дейди Навоий Сайид  
Ҳасанга зорланиб, «аҳли давлатдан» эса ҳеч бир умид йўқ.

Учинчи сабаб — ирфондан баҳраманд бўлиш, тариқат йўлини танлаш. Чунки, Навоий эътиқодига кўра, инсон бўлиб яшамоқдан мақсад Илоҳни ва ўз-ўзини танишдир. Бунинг эса иккита йўли бор. Бири — Ҳақдан жазба етиб, «яқин жомидан маст бўлиш», яъни Худо ёдида ўзидан ва ўзлигидан беҳабар бўлиб юриш, дунёнинг барча шуглидан юз ўгириш, охир-оқибатда жисм — вужуддан қутулиб, Илоҳ вужудига қўшилиш.

Иккинчиси — пирга қўл бериб, унинг иродаси, амри билан «фано даштини кезиб», риёзат оқибатида жазба топиш:

Яна бир будурким, гадо гар мулук  
Талаб йўлида қилгай онча сулук,  
Бурун муршиди комил истай юруб,  
Ани топкач ўзин анга топшуруб.

Биринчи йўлни Навоий «мажзуби солик» йўли деб атайди, яъни аввал илоҳий жазба (тортилиш) етиб, кейин тариқатни қабул қилиш. Иккинчи йўлни у «солики мажзуб» дейди, яъни аввал тариқатни қабул қилиб, тавба, вараъ, сабр ва ҳоказо мақомларни босиб ўтгандан кейин ҳол мақомига мушарраф бўлиш.

Йигирма етти яшар Алишер Навоий устози ва сирдоши Сайид  
Ҳасанга кўнглидаги ниятини бундай баён этади:

Чу аввалги иш бўлмади дастгир,  
Иккинчисидин хуб эмасдур гузир.

Маълум бўладики, Навоий тасаввуфга, фақр аҳли сулукига ёшлигидан кучли эътиқод қўйган, Мажнундай ошиғи сармаст бўлиш, девона қаландардай сарсари кезишни орзу этган. Аммо бу муяссар бўлмагач, муносиб раҳбар — пирни топиб, унинг иршодидан фақру фано неъматидан баҳраманд бўлишга қарор этган. Унинг нияти қатъий, қанча умрим сарф бўлса ҳам, бу йўлдан қайтмайман, дейди Навоий:

Меники бу савдо низор айлади,  
Ҳавас илгида беқарор айлади.  
Не имконки топқай қарору сукун,  
Бировким бу фикр этти они забун.  
Урармен қадам токи бўлгунча гом,  
Ки бўлгай муяссар манга ушбу ком.



Навоий Саййид Ҳасандан ана шу ниятларининг амалга ошувига мададкор бўлишни илтимос қилади, маслаҳат сўрайди. Албатта, бундан Навоий Самарқандга пир излаб келган экан, деган хулоса чиқариб бўлмайди.

Хулласи калом, Алишер Навоий Саййид Ҳасанга Ҳиротдан кетиш сабабларини ёзган бўлса ҳам, бу билан кўнглидаги орзулари Самарқандда амалга ошишига кўзи етган эмас эди. Боз устига, Самарқанд ҳам Ҳиротга итоат этишини қайд этади шоир. Саййид Ҳасанга юборилган мактубда ёзилган нарсалар буюк шоир ва мутафаккирнинг ўз олдига қўйган улкан ниятлари баённомаси эди. Бу ниятлар жумласига тасаввуф билан астойдил шугулланиш ҳам киради. У бу қутлуғ ниятини амалга оширди. Ҳиротга қайтганидан кейин Абдураҳмон Жомийга мурид тушиб, тасаввуф фалсафаси ва тариқат асосларини обдон ўрганди ҳамда ҳаётида фақру фано талабларига амал қилиб яшади.

Саййид Ҳасан машҳур шайх — Хожа Аҳрорга эътиқодда бўлган. Бунинг исботи шуки, Саййид Ҳасан Ардашер умрининг охириги йилида Хожа Аҳрорни зиёрат қилиш учун Самарқандга махсус сафар қилади. Умуман олганда, Саййид Ҳасаннинг сулуки ва тасаввуфий эътиқодида ўзига хос жиҳатлар бор. Буни бир бошдан кўриб чиққан одам шуни англайдикки, у бирор-бир назария ёки таълимотга кўр-кўрона ишонадиган, бирор гапни маҳкам тутиб олиб, ўшандан ташқарига чиқмайдиган мутаассиб дарвешлардан эмас. Унинг дарвешлиги — кўнгил амри, табиати, феъл атворининг тақозоси эди. Дунё ва унинг бойлиги, ноз-неъматни, шукуҳу шуҳратига эътибор қилмаслик, фақр гўшасини ҳамма нарсадан афзал билиш, фақат маънавий суҳбатни писанд этиш, шеър ушуур, илму донишдан лаззатланиш Саййид Ҳасанга кўринган хислат бўлган. Ҳатто, риндлик шуглига гирифтор бўлганини ҳам Навоий худди шу сийратдаги фақирлик ва фанопешалик билан изоҳлайди. Зеро, риндлик ҳам таркидунёчиликнинг бир кўриниши, ўзини узлатга — Илоҳ паноҳига отиш, бепарволик ва молу мулкка, тожу тахтга беписандликнинг кўриниши эди. Аммо Саййид Ҳасан наинки риндларга бош бўлиб, уларга оталарча ғамхўрлик кўрсатган, балки шу ҳолда ҳам тоат-ибодатни қанда қилмаган, «мутабаррак» (табаррук) мазоратга бориб, дарвешлар ва аҳлуллоҳ мажолисига етиб, ўз маҳласлари (халос бўлиши) учун фотиҳалар тилаган:

Риндлардин бир ринд анингдек йўқ эрур огоҳ ринд,  
Шоҳ эди ринд аҳлига, балким эрди шоҳ ринд.

Бойсунғур мирзо ўғиллари ва Султон Абу Саид саройига яқинлашмаган Саййид Ҳасан Ҳусайн Бойқаро тахтни олгандан кейин унинг мулозаматига келади. Саййид Ҳасаннинг хулқи,

суҳбати ва заковати султонга ёқади, у бу нажиб инсонни қўлдан чиқармаслик режасини тузиб, уни сарой ишларига жалб этишни мўлжаллайди, чучук сўзлар ва дарвешона муомала билан Саййид Ҳасанни ром этиб, мансаб таклиф қилади. Саййид Ҳасан охири подшо амрига кўниб, мусташорлик, яъни сарой маслаҳатчиси вазифасини қабул қилади. Бу пайтда, Алишер Навоийнинг ёзишича, кишилар Саййид Ҳасаннинг тадбири, ишларидан рози бўлганлар: «...Андоқ сулук воқеъ бўлдиким, подшо, шокир ва сойир халойиқ ва раоё аларнинг зикри хайрига зокир бўлдилар ва подшо хилватида анису маҳрам ва анжуманда рафиғу ҳамдам эдилар» ( яъни шундай йўл тутдиларки, подшо шукр этиб, рози бўлди ва барча халойиқ ва раият у кишининг хайрли ишларини ҳаётида гапириб юрадиган бўлдилар ва у киши подшонинг хилватдаги маҳрами ва анжумандаги ҳамдамига айланиб қолди). Бу ҳодиса яна шундан далолат этадики, Султон Ҳусайн ўзи дарвештабиат бўлганлиги учун шундай хислатли одамларни яхши кўрган, улар билан нафақат суҳбат қуриб, маънавий озиқ олган, балки давлат ишларини шундай одамлар ихтиёрига топширишни маъқул ҳисоблаган (Саййид Ҳасан балки султондаги ана шу дарвешона қалбни сезганлиги учун саройига — Бойқаро ҳузурига борган бўлса ажаб эмас). Демак, Алишер Навоий Ҳусайн Бойқарони бежиз «дарвешлар шоҳи-ю шоҳлар дарвешини» деб таърифламаган, бу хусусият, ҳақиқатан ҳам, унда бор эди. Буни шу ҳам тасдиқлайдики, Султон Ҳусайн Саййид Ҳасанга қаттиқ эътиқод кўйиб, уни бош вазирлик вазифасига кўтармоқчи, бутун давлат ишлари ихтиёрини унинг ўғлига топширмоқчи бўлади: «Хуросон мулкининг куллий ихтиёрин подшоҳ аларнинг соиб (ростгўй) роъйига ва тадбири мулкороийга вобаста қилгудек эрди». Аммо ёши олтмишдан ошган Саййид Ҳасан Ардашер Султоннинг бу таклифини қатъиян рад этади, бугина эмас, умуман саройдан кетиш ҳақида ижозат сўрайди. «Фақри зотий ва фаноий жибиллий», яъни унинг табиатидаги азалий фақрга мойиллик, сийрату сириштида мавжуд фонийлик хислати қолиб келган эди, деб ёзади Навоий.

Ҳусайн Бойқаро Саййид Ҳасанга қаҳру итоб қилиб кўради, ялиниб-ёлворади ҳам, бироқ дарвешини ҳеч нарса ниятидан қайтаролмас эди: у саройни тарк этиб, икки йил подшо хотири учун эски касби — сипоҳийлик билан шуғулланади, лекин Ҳусайн Бойқаро унга зулм қилаётганини сезиб, охири руҳсат беради, улар йиғлашиб хайрлашадилар ва Саййид Ҳасан Ҳиротнинг машҳур шайхи Мавлоно Муҳаммад Табодгоний ҳузурига бориб, унинг муридларига қўшилган ҳолда буткул ўзини тоат-ибодатга, тариқат сулуқини адо этишга бағишлайди.

Алишер Навоийнинг Саййид Ҳасанга ҳаваси келади, унинг саройни тарк этиш тўғрисидаги қарорини қалбан маъқуллайди,

айни пайтда улуғ инсонпарвар шоирнинг бу ҳолдан ачингани, кўнгли вайрон бўлганини ҳам «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер» асаридан ҳис этиш қийин эмас. Дарвоқе, қанчадан-қанча номуносиб кишилар мансаб-амал деб, мартаба деб елиб-югурган, турли фитна-фасод, ёлғон-яшиқни ишга солиб, саройга интилган бир пайтда Саййид Ҳасанга ўхшаган одамларнинг саройдан кетиши, амал-мансабни хуш кўрмаслиги қизиқ ва фожиали ҳодиса. Ҳолбуки, айнан шундай заковатли, ҳалол, нафсини ўлдирган дарвеш одамлар мамлакат ва давлат равнақи учун кўпроқ фойда келтирар эди. Лекин, афсус, минг афсуски, аҳли жоҳ — мансаб қуллари бундай одамларни сиғдирмайдилар: Саййид Ҳасанга ўхшаган инсонлар улар учун бегона ва, ҳатто, хатарли эди, уларнинг нопок ниятлари йўлида ғов эди. Навоий сарой хизматини ўз бошидан ўтказгани учун ажиб муносиб бир ташбеҳни қўллайди: сарой хизматида шундай ишлар воқеъ бўладики, деб ёзади у «девосо-ларнинг тажаммули қолмас, то малакосоларга ва фаришта кирдорларга не етқай», яъни сарой фитначиларига девтабиат кишилар ҳам бас келолмай, ожиз бўладилар, фаришта хислатли одам нима қилиши мумкин, ахир? Ҳа, ҳокимият дунё шуғлидан қўл ювган дарвешнинг иши эмас, дарвешнинг жойи — хонақоҳ! Ҳокимият қаттиққўл, дағал, тошжорак одамларни ёқтиради. Азалий зиддиятми бу? Саййид Ҳасаннинг саройдан кетиши унинг шоҳ ва саройга исёними? Бир томондан, бу воқеа шу ғоянинг амалий тасдиғи, албатта. «Холиқ ибодатининг тарки ва махлуқ (яратилган, яъни инсон) бандалигининг иштиғоликим, айна бебоклик (Худодан кўрқмаслик) ва маҳзи беоқибатликдур (оқибатни ўйламасликдур)», дейди Навоий. Улуғ мутафаккир айтмоқчики, инсон иродасига итоат этган, дунё иши билан шуғулланаётган одам Илоҳ иродасига бўйсунмаган, охирагу оқибатни ўйламаган одам бўлади. «Вой дунё шуғлининг ибтилосинин (мубталолигинин) ва юз минг вой дунё аҳлининг зулму жафосидин, балки малолат ва изосидин! Оҳ замон жавру бедодидин, наузубиллоҳ абнойи замон қасду ифсодидин (фасодидин)!»

Навоийнинг юрагидан отилиб чиққан бу фарёд Саййид Ҳасан тақдирига ва ўз тақдирига ачиниш ва ҳасрат нидосидан бошқа нарса эмас. Шоир умрининг охирида ғоят улуғ фожиа — ҳокимият софдил, некбин, пок ниятли одамларга тутқич бермаслиги, у зўрлик, айёрлик, фирибу найранг макони эканини ҳис этади. Лекин бу фожиаларнинг барини у одамлар ахлоқи, нобоплигига олиб бориб боғлайди. Сиёсат дарвешнинг иши эмас, дарвешнинг вазифаси — Художўйлик. Бу ҳикмат Саййид Ҳасан мисолида Навоий кўз олдида тасдиқланган эди: ё шоҳ хизмати, ё Илоҳ тоати (Холиқ хизмати). Иккаласини бирлаштириш мушкул.

Саййид Ҳасан Ардашер «Кутби доираи ҳақиқат ва муршиди аҳли шариат ва тариқат қошифи, улуми раббоний Мавлоно Муҳаммад Шамсиддин Табодгоний» (Навоий) хонақоҳига келгач, шайх суҳбатида такмилга машғул бўлади ҳамда ана шу пир раҳбарлигида бир неча марта чилла ўтириб, руҳий-маънавий камолот касб этади. Навоий ёзади: «Фақру фано сулукида куллий манзилларни қатъ қилдилар ва улуғ мартабалар ва бийик мақомларга қадам қўйдилар». Навоий устозининг ҳолидан хабар олиш учун хонақоҳга бориб турган, бир борганимда, деб ҳикоя қилади у, Саййид Ҳасан «арбаа чиқарурди», яъни биринчи чилла ўтириши эди. Шайх Табодгонийдан аҳволини сўраганимда у киши: халақит берманг, «бу кун бир мақомдаурларким, солиқ аввалги арбаинда ул мақомга етса, дарде анинг оллига келурким, агар букои муфрит (қаттиқ йиғи) юзланса, ишининг гуфторига далолат қилур. Аларга бу ҳол юзланибдур ва бағоят умидворликдур».

Муҳаммад Табодгоний ким? Унинг силсиласи кимга бориб этади? Ҳирот азизлари нега унга сиғинганлар? Бун аниқлаш ҳам муҳим, зеро Саййид Ҳасаннинг тариқатдаги эътиқодини аниқлаш орқали Ҳирот дарвешчилик ҳаракати ва Навоийнинг бунга муносабатини ҳам билиб оламиз. Шундай қилиб, Мавлоно Муҳаммад Табодгоний шайх Зайниддин Хавофийнинг «кибор асҳоби»дан, яъни камол топган муридларидан бўлган. Зайниддин Хавофий эса, уз навбатида, гарчи Хожа Муҳаммади Порсо каби Нақшбандия шайхлари суҳбатини қозонган бўлса-да, аслида унинг пири Шайх Нуриддин Абдурахмон Мисрийдир. Хавофийнинг тариқат силсиласи ҳам шу кишига бориб тақалади (Абдурахмон Мисрийнинг силсиласи: Шайх Жамолиддин Юсуф Гўроний — Шайх Ҳисомиддин Шамшерий — Шайх Нажмиддин Маҳмуди Исфаҳоний — Шайх Нуриддин Абдуссамад Назазий (Жомий. Нафаҳот ул-унс, 474-бет).

Шайхларнинг силсиласини аниқлашга эътибор қилишимиздан мақсад Ҳиротда ва умуман, теурийлар даврида, асосан, Нақшбандия силсиласи тарқалган, дарвешлар шу силсила шайхлари атрофига уюшган эдилар, деган қарашнинг унча ҳам тўғри эмаслигини кўрсатишдан иборат. Ҳиротда тасаввуфнинг турли тоифадаги тариқати амал қилган, кишилар хоҳлаган, кўнгли чопган шайхга мурид тушган. Бундай эркин танлаш Ҳирот маънавиятининг икки буюк пешвоси Жомий ва Навоийда ҳам кўзга ташланади. Шунинг учун Алишер Навоий Саййид Ҳасанни бирор-бир силсила пирига сиғингани учун эмас, балки, умуман, дарвеш бўлгани, юракдан фақру фанога берилгани учун ҳурмат қилади. Нақшбандия сулукида чилла ўтиришга кам эътибор берилган, уларда суҳбат орқали кўнгилни кўнгилга улаш, ҳикмату каромат билан таъсир этиш ҳуш кўрилар эди. Саййид Ҳасан эса, кўриб ўтганимиздай, чилла ўтириб, хилватнишинлик қилган. Яна бир диққат қилина-

диган нарса бор. Бу — Сайид Ҳасан Ардашернинг қизиққан, эътиқод қўйган муаллифлари масаласи. Навоийнинг гувоҳлик беришича, у тасаввуф назариятчиларидан Абу Ҳомид Ғаззолий ва Азизиддин Насафий асарларини қўп қадрлаб, мутолаа этган. Бу олимлардан Ғаззолийнинг номи бир қадар таниш, аммо Азизиддин Насафийнинг кимлигини китобхонларимиз кам билади. Ваҳоланки, у XIII асрда яшаб ўтган қаршилик (Қаршининг эски номи Насаф эди) атоқли файласуф эди. Унинг тасаввуф назарияси, айниқса, бу таълимотнинг ўзига хос қаноти бўлмиш «офоқу анфус» (кичик ва катта олам) назариясини ривожлантиришдаги хизмати катта. Азизиддин Насафийнинг сўфийлик тариқати ва ваҳдати вужуд, калом ва ҳикматни солиштириб иншо этган «Зубдат ул-ҳақойиқ» («Ҳақиқатлар қаймоғи»), «Инсон комил», «Кашф ул-ҳақойиқ» («Ҳақиқатларни кашф этиш»), «Мақсади ақсо» («Охирги мақсад»), «Баён ут-танзил» («Юборилган баёни»), «Манозил ус-соирин» («Йўловчилар манзили»), «Усул ва фуруъ» («Илдиз ва новдалар»), «Мабдаъ ва маод» («Сарчашма ва қайтиш») номли рисолалари бизгача етиб келган. Насафий қарашлари ўзининг холислиги, турли таълимотларни бетараф туриб, холисона таҳлил этиши билан киши диққатини тортади. Лекин, шуниси борки, олимнинг ўз шавқи ва майли «офоқу анфус» таълимоти томонида. Бу таълимотга биноан, инсон, яъни анфус кичик олам бўлиб, офоқ — катта олам (макро космос)нинг инъикосидир, бошқача айтганда, катта оламда нимаики ҳодиса-ҳаракат, сиру асрор, хислат-хусусиятлар мавжуд бўлса, у кичрайтирилган ҳолда инсон табиати, руҳиятида акс этади. Шу боис инсон, бир томондан, моддий дунё билан, иккинчи томондан, мутлақ руҳ билан зич боғлиқ ва у шу улуғ борлиқнинг марказига қараб интилаверади, ундан малад олади, уни ўзида топади, танийди. «Офоқ ва анфус» назарияси аслида қарматийлар мафкураси сифатида пайдо бўлган (улуғ тожик шоири Носири Хисрав шу мазҳабда эди). Азизиддин Насафий мазкур таълимотни тасаввуф ва ваҳдат ул-вужуд назарияси билан келиштириш, синтезлаш пайида бўлган.

Кўринадики, Сайид Ҳасан Ардашернинг қизиқишлари хийла кенг ва анча чуқурлашиб, «қалтис» уфқларга тақалган. Демак, у фақат ҳаёт тарзи билан ринд-дарвеш бўлиб қолмасдан, балки, мафкура, дунёқараш, илмий қизиқиш нуқтаи назаридан ҳам эркин фикрли, мустақил одам бўлган. Ахир, Азизиддин қарашлари расмий дин ва калом аҳлигагина эмас, шарияту ҳақиқатни бир деб ҳисобловчи сўфий шайхларга ҳам маъқул эмас эди. Жомийнинг «Нафаҳот ул-унс» ва Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асарларида Ибн ал-Арабий, Шаҳобиддин Суҳравардий, Абдуллоҳ Ансорий, Имом Ғаззолий каби илоҳиёт олимларининг номлари

зикр этилгани ҳолда, Азизиддин Насафийни учратмаймиз. Буларнинг ҳаммаси камсухан, фақир ҳақир кўринишли Саййид Ҳасаннинг ботинан нақадар теран ва улуг инсон бўлганидан гувоҳлик беради.

Сўфий шайхлар хорикулода ишлари билан одамларни қойил қилиш, илоҳий ғаройиботларни кўрсатишни хуш кўрганлар. «Нафаҳот ул-унс» ва «Насойим ул-муҳаббат»да бунақа мисоллар кўп. Аммо Саййид Ҳасанда бундай «ғайри оддий» хислат сезилмаган. Навоий буни қайд этмайди. Унинг энг буюк фазилати — одамийлиги. Бардошли, ҳаётсевар киши бўлиши билан бошқалардан ажралиб турган. Ҳатто, ягона азиз фарзанди вафот этганда ҳам, ўзи йиғламай, бошқаларни ҳам мотам тутишга қўймай, розиризолик билан кўмади. Навоий буни дарвешлик талабларидан бири — Ҳаққа, Унинг тақдирига қарши бормаслик, тақдирга кўниш фазилати сифатида қайд этган.

Саййид Ҳасаннинг фикрича, амал-мансаб кишилари худди чоғир ичган маст одамга ўхшайди, фарқ шундаки, дейди у, «чоғир мастлиги ичган кундур, аммо жоҳ (мансаб) мастлиги агар соҳиб-жоҳ йиллар жоҳ устидадурким, мастдур». Бу мастлик амалдор мансабдан кетгандан кейингина тарқалади: «Ажаб майедурким, бадмастлиги одамийни йиллар ўзидин беҳабар қилгай».

Саййид Ҳасан умр бўйи шоҳу шаҳзодалар билан алоқада бўлди, сарой ҳашамати, жавоҳирларнинг кўзни қамаштирувчи жилоларини кўрди, бироқ шунга қарамай, у бойликка ички бир нафрат билан яшаган, буни пайти келганда изҳор этган ҳам. Масалан, бир ўтиришда биров: «Лаъл санг асту деги сангин санг, аммо андар миён тафовутҳост», — ҳикматини ўзича изоҳлаб, тош қозон бўлганда ҳам тош-да, қимматда лаълга тенг келармиди, деган гапни айтади. Шунда Саййид Ҳасан: «Ҳа, тош қозон билан лаъл — иккаласи ҳам тош, аммо орада тафовут бор, тош қозон одамларга нафъ келтиради, лаъл эса нуқул зарар», — дея бутунлай бошқа маънони баён этади. Бу суҳбат кечаётган пайтда, деб қайд этади Навоий, «Султон Абу Саид мирзо ҳар кишида жавоҳир бўлса олиб, бўлмаса тафаҳхусида (кўрқитишда) муболағалар қилиб, анвоий изо ва зарар етказиб эрди. Ва бу байтни ўқуғон мажлисда ҳам тош қозонда ош пишур эрди». Лаъл — офат. Лаъл — дунё, бойлик рамзи. Лаъл — тож безаги, ҳокимият рамзи. Демак, шоҳлик, ҳокимият ҳам офат, халқ бошига кулфат келтирадиган нарса. Саййид Ҳасан ва Алишер Навоий эътиқоди шундай. Лаъл бўлиб, шоҳ тожини безагандан кўра, тош қозон бўлиб, оддий одамларнинг ҳожатини чиқариш афзал.

Олтин — жавоҳир билан тириклик воситаси бўлган зарурий нарсаларни қиёслаш ва қимматли буюмларнинг қимматсизлигини кўрсатиш Навоийгача яшаган муаллифларда ҳам бор эди. Чунончи,

Саъдий Шерозий «Гулистон»да шу муносабат билан иккита ҳикоят келтирган. Ҳикоятларнинг бирида айтилишича, чўлда йўлини йўқотиб, очликдан қийналган бир араб тўсатдан ҳамён тўла марварид топиб олади. «Аввал ўйладимки, бу қовурдоқдир ва шодлигимнинг чеки йўқ эди, кейин билдимки, марварид экан, умидсизланиб, бадтар хафа бўлдим», — дейди араб. Саъдий ёзади:

Дар биёбони хушку реги равон,  
Ташнаро дар даҳон чи дур, чи садаф.  
Марди бе тўша, к-ў ўфтод аз пой  
Бар камарбанди ў чи зар, чи ҳазаф!

(Қақраган чўлу кум саҳросида чанқаган одамнинг оғзида дур ёки садаф бўлишидан нима фойда? Сафар озиқсиз оёқдан қолган кишининг ҳамёнида олтин бўлди нима-ю сафол парчаси бўлди нима?)

Иккинчи бир ҳикоятда худди шундай мусофирнинг биёбонда адашиб, очлик ва ташналиқдан жон бергани тасвирланади. Унинг жасадини топган одамлар белида олтин тўла ҳамёнининг борлигини кўрадилар. «Биёбонда қолган одамга олтин-кумушдан кўра пиширилган шолғом бўлса, авло эди», — деб якунлайди сўзини Саъдий.

Бу ҳикоятларда олтин-жавоҳирнинг нозарурий пайтда арзимас нарсаларга айланиб қолиши тасвирланади. Шу жиҳати билан Саъдий ғоялари Саййид Ҳасан ва Алишер Навоий қарашларига ҳамоҳанг, аммо, назаримда, Саййид Ҳасан Ардашернинг фикри аниқ бир даврга мувофиқлиги билан ва мазмунан йўналишга кўра ижтимоийроқ ва ўткирроқ. Чунки Саъдий қаҳрамонлари жамиятдан ажралганлари, олтиндан ўзга нарсалари бўлмагани учун қийналадилар, яъни Саъдий қимматбаҳо нарсаларнинг жамиятдан ташқарида арзимаслиги, ҳаёти хавф остида қолганда ёрдам беролмаслигини кўрсатмоқчи бўлса, Саййид Ҳасан, умуман, жамиятнинг ўзида ҳам қимматли тошлар, жавоҳирот камбағал учун кераксиз нарсаларини таъкидлаган. Саййид Ҳасан фикрида, шундай қилиб, бойликка, мол-мулкка салбий муносабат, умуман, дунё ашёларига бўлган тасаввуфий қараш ёрқинроқ ва чуқурроқ акс этган. Шундай қилиб, Саййид Ҳасан Ардашер феъл-атворида, бир томондан, Шарқ инсонпарвар адиблари, улуғ шоирларнинг яхшилик ва эзгулик ҳақидаги, хайрбахш, покиза инсон тўғрисидаги ғоялари, сифат-фазилатлар, иккинчи томондан, тасаввуф аҳли ахлоқининг аркони, улуғ шайхлар ва фақир сўфийларнинг хислат-хусусияти ўз аксини топган. Зотан, бу жиҳатлар бир-бири билан боғлиқ: Шарқ адиблари учун хайр ва эзгулик, ахлоқий етуклик ва тариқат бир нарса, бошқача айтганда, эзгу ахлоқни бизнинг аجدодларимиз тасаввуф ақидалари, маърифат ва шариятдан ажратиб тасаввур қилмаганлар. Шунинг учун ҳам Навоий Саййид Ҳасаннинг

намунали ахлоқини тасвирлар экан, бу фазилатларни унинг дарвешлиги, фанийлиги билан қўшиб таърифлайди, аниқроғи, унинг ахлоқини дарвешлигидан келтириб чиқаради. Шу ўринда Саййид Ҳасанни Абдурахмон Жомий билан қиёсламоқчимиз.

Албатта, Жомий — улуғ олим, тасаввуф назариётчиси ва бу таълимот асосларини шеър устонида куйлаган, тарғиб этган одам. Навоий пири Абдурахмон Жомийнинг фазилатларини таърифлаганда «кошифи сирри Илоҳ» («илоҳиёт сирларини кашф этган одам»), «муршиди аҳли тавҳид» («ваҳдат — ягоналик тарафдорларининг раҳнамоси»), «пири соликон» («тариқат аҳлининг пири»), «ҳодии роҳи фано» («фано йўлининг раҳнамоси») каби сифатларни келтиради. Яъни Жомий оддий сўфий эмас, у пир, раҳнамо, одамларни маърифат сари бошлаш қудратига эга, маърифатнинг чашмасидан баҳраманд бўлиб, шу чашма кўзини очганлардан.

Саййид Ҳасан-чи? Саййид Ҳасан бу даражага кўтарилган эмас, у оддий дарвеш. Лекин хулқу хислати, қарам-саховати билан у ҳам буюк, унинг камтаринлиги, хокисорлиги Жомийга монанд. Шу боис ҳазрат Навоий уларни барабар улуғлайди, баъзан тенг қўяди ҳам. Чунончи, марсия — таркиббандда ўқиймиз:

Баҳри урфон дури— Саййид Ҳасан, улки афлок,  
Етти дуржи аро бир кўрмади андоқ дури пок.

Ёки «Насойим ул-муҳаббат»да ёзади: «Бу ҳақир фақр тарихида ва фано жодасида алардек тамом киши оз кўрубмен». Шу каби Навоий Саййид Ҳасанга нисбатан ҳам «муршиди аҳрор» («хур — озодлар пири»), «кошифи асрори Илоҳ» («Илоҳ сирларининг кашф этувчиси») сифатларини қўллаган. Қиёсимиз тўлароқ бўлсин учун Жомий ва Саййид Ҳасан вафотларига бағишланган марсиялардан қуйидаги бандларни ўқувчиларга ҳавола қилмоқчимиз. Жомийга бағишланган марсиядан:

Дўстон, дар ҳама фан нодираи олам кў?  
Афзалу афсаҳи ажноси бани одам кў?  
Дар биёбони таманнош халойиқ мурданд,  
Ба давоми ҳама он Хизри Масиҳодам кў?  
Дили асҳоб шуд аз тифи фироқаш сад захм,  
Он, ки буди ба ҳама хулқи хушаш марҳам кў?  
На ки дар хонақаҳи зуҳд фитод ин мотам,  
Дар хароботи фано низ ба чуз мотам кў?..

Мазмуни:

Эй дўстлар, ҳамма фаңда олам ягонаси қани?  
Бани одам жинсининг энг тозаси ва афзали қани?



Халойиқ уни кўриш орзусида зор бўлдилар,  
Бунинг давоми — Исо нафаслик Хизр қани?  
Сухбатдошлари кўнгли фироқда пора бўлди,  
Ўз хуш хулқи билан ҳамма марҳам бўлган қани ?  
Бу мотам фақат зуҳд хонақосида эмас,  
Фано хароботида ҳам фақат мотамга сабаб бўлган зот қани?

Жомий мотамига бағишланган марсиянинг ҳар банди ўн байтдан. Биз юқоридаги мисол билан кифояландик.

Энди Саййид Ҳасанга бағишланган марсиядан парча келтирамиз:

Эй фалак, ул солики автор қани?  
Фақр автори аро қошифи асрор қани?  
Фақр манзилларининг раҳрави, бал раҳбари,  
Ҳодии аҳли фано, муршиди аҳрор қани?  
Қурб айвониға тақво йўлидин гом урған,  
Восили борғақи қодирӣ ғаффор қани?  
Мени мотамзадага ҳам ота, ҳам муршиду пир  
Балки ҳам ғамхўру ҳам ёвару ҳам ёр қани?

«Автор» — ҳожат, мурод-мақсад, «қурб» — Илоҳ ҳузурига яқинлашиш, «восил» — етишган, «борғақ» — даргоҳ, Илоҳ даргоҳи маъноларини беради. Кўриниб турибдики, марсияларнинг маъно-мазмуниди ҳам, оҳанг маромида ҳам ўхшашлик бор. Аммо ўзаро фарқ йўқ эмас: Жомий марсиясида унинг машҳурлиги, «нодираи даврон» — давр яғонаси эканлиги таъкидланса, Саййид Ҳасан марсиясида самимий руҳ, марҳумнинг ҳақиру фақир, улуғ дарвешлигини таъкидлаш кучли. Дарҳақиқат, Алишер Навоий Самарқанддан ёзган мактубидан бошлаб, Саййид Ҳасан ҳаётида иншо этган барча асарларида унинг ана шу фақирлиги, фақру фано кишиси эканлигини асосий фазилат сифатида қайд этади. Чунончи, «Соқийнома»да дейди:

Фонийи мутлақ, озода ҳам ул,  
Гармрӯ солики афтода ҳам ул.

«Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер» асари ҳам «Солики фоний ва гавҳари коний ва орифи маоний» деган тавсиф билан бошланади. «Соқийнома»да Саййид Ҳасан ҳақида гап кетганда яна «дайри фано», «харобот эли», «фонийёна хирқа», «тани хокнишин», «пири турк» каби сўз ва таърифларни учратамиз. Хуллас, Навоийнинг бу зот ҳақида ёзган асарларини ўқиганда, тасаввуф ва тариқат кишининг тимсолий қиёфаси кўз олдимизда гавдаланаверади.

Фақру фано Саййид Ҳасан сийрати ва ҳаётини белгиловчи бош хусусият. «Фақр»нинг маъноси дарвешлик, яъни дунёдан бениёз бўлиб, тамани узиб, Худога ниёзманд талабгор бўлиш. Бу —

тариқат иулига кирган одамнинг босиб ўтадиган руҳий-маънавий мақомларидан бири эканини ҳам биламиз. Яъни: тавба, зуҳд, вараъдан кейин келадиган босқич. Саййид Жаъфар Сажжодий фақрга таъриф бериб, дейди: «Мол-мулки бўлмаган ёинки, бўлса ҳам, унинг учун бўлмаган кишига фақир дейилади ва фақир деб Ҳаққа талабгор бўлган, ўз муродини Ҳақ остонасидан излайдиган кишига айтилади» («Истилоҳоти урафо», саҳ. 316). Аммо қайд этишимиз керакки, Алишер Навоий Саййид Ҳасаннинг фақирлиги, фонийлиги ҳақида гапирганда, унинг сўфийлик даражаларини эгаллаши, муайян мақомга мушарраф бўлишини баён этмоқчи эмас, Навоий бу ўринда умуман дарвешлик сулуки, илоҳий жазбанинг кучи, айни тасвир ва таъриф этилаётган шахснинг характери, табиати ва ахлоқий сифатларини ажратиб кўрсатишни кўзлаган. Шунинг учун бу ерда «фақр» ва «фано» сўзлари умуман ориф одам, дарвешни содиқнинг хислатини белгиловчи сўзлар сифатида қабул қилиниши керак. Жалолиддин Румий самоъ билан машғул бўлган вақтда дарвешлардан бирининг кўнглида «фақр» нима экан, буни Мавлонодан сўраш керак, деган савол туғилади. Мавлоно Румий буни қалбан ҳис этиб, самоъ ичида рақсга тушаётиб, дарвеш саволига қуйидаги арабча рубоий билан жавоб беради:

Ал-жавҳару фақрун ва савийюл фақри аразун  
Ал-фақру шифоун ва савийюл фақри маразун,  
Ал-оламу куллу ҳидоун ва гурурун,  
Ва ал-фақру минал олами лаббун ва гаразун.

(Фақр — асл жавҳар ва фақрдан бошқаси — асл бўлмаган нарсалар. Фақр — шифо, фақрдан айрилиш, яъни бойиш — касалликдир. Бутун олам — найранг, мағрурлик, фақр олами эса — ҳикмат ва қуғулиш).

Бу рубоийда Румий масалани фалсафий йўсинда тушунтирган: жавҳар — ҳар бир нарса ва ҳодисанинг моҳияти, ўзгармас мағзи, айни шу маънода Мутлақ Илоҳ сифати ҳам. Араз эса — зоҳирий кўриниш, яъни ўзгарувчи дунё. Зоҳирий ранг, шакл ҳеч қачон моҳиятнинг ўзи эмас. Бир касаллик туфайли пайдо бўлган бошқа касалликни ҳам араз дейдиларки, Румий бу ўринда сўз ўйини қилиб, зоҳирий ранглар, нарсаларга маҳлиёлик — касаллик, унинг давоси — фақр демоқчи бўлади.

Демак, фақр — жавҳар, ажиб хислатли одамларнинг моҳиятини белгилайдиган сифат. Энди шу нуқтаи назардан Алишер Навоийнинг Самарқанддан Саййид Ҳасанга юборилган мактубидаги икки хил солиқ ҳақида баён этган фикрини эслайлик. Навоий Илоҳдан жазба теккан кишини «мажзуби солиқ», аввалида жазба теккан бўлмаса ҳам, лекин пирга таслим бўлиб, унинг раҳбарлигида жазба ҳосил қилган одамни «солиқи мажзуб» деб атаганини кўрган эдик.

Маълум бўладики, Саййид Ҳасан Ардашер ёшлигидан жазба теккан мажзуби солик экан. Фақр гавҳари унинг сийратига экан. Буни Навоий билар ва устозининг бутун фониёна ишларини маъқулларди.

Аммо, шуниси борки, фақру фано йўли — гоаят мушкул, азобу уқубатли йўл. Жомий ҳазратлари буюрадилар:

Ганжест нақти фақр, ки онро тилисмҳост,  
Мушкилтарин тилисм тилисми вужуди мост.

(Фақр — тилсим қилинган ганж, энг мушкул тилсим эса — вужудимиз тилсими).

Чунки вужуд ҳамма вақт дунё молига қараб интилади, нафс ҳукмида бўлади. Вужуд ажлаҳоси фақр ганжининг устида ётади. Нафс билан жангга кириш, деб давом этади Жомий, даҳшатли дев билан курашгандай гап. Дунё ҳуснига, неъматига маҳлиё бўлган одам бу девни енголмайди. Бу девни фақат ваҳдат билан қуролланган солик енгиши мумкин:

Фақр аст роҳати ду жаҳон, зинҳор аз он  
Майли ғано макун, ки ғано сурати аност...  
Гў: тахту тож зеру забар шав, ки бок нест  
Дарвешро, ки тож намад, тахт бўрьёст.

(Икки дунёнинг роҳати — фақр, шу боис зинҳор бойликка мойил бўлма, чунки бойлик — ано, яъни ранжу машаққатдан иборат. Тахту тож яксон бўлсин, тожи кигиз ва тахти бўйра бўлган дарвеш бундан ташвишланмайди).

Саййид Ҳасан Ардашер ана шундай қаҳрамонликка борган, мард инсон эди. Унинг дунёни ҳам, тожу тахт ва мансабу жоҳни ҳам тарк этгани — бунинг ёрқин далили.

## ИНСОНДАН ИЛОҲГА

(*Мирзо Бедил ҳақида сўз*)

Улуғ сиймоларга бой бўлган Шарқ адабиёти тарихида Мирзо Абдулқодир Бедилнинг (1644—1721) алоҳида мавқеи бор. Инсон ҳаётини чуқур таҳлил этиб, фалсафий-ирфоний ғояларни оташин ва сермаъно сатрларда тасвирлаган бу шоир «Абул Маоний», яъни маънолар отаси деган лақабга мушарраф бўлади. У асрлар давомида форс-тожик адабиётида куйлаб келинган тасаввуф маъноларини ривожлантириб, уни ҳаёт муаммолари, теран башарий ғоялар билан омихта этди, янги адабий-тасвирий услуб яратди ва бу билан Ҳиндистон, Афғонистон ва Марказий Осиё халқлари адабиётига кучли таъсир ўтказиб келди.

«Абул Маоний» Мирзо Абдулқодир Бедил ҳижрий 1065 (милодий 1644) йилда Ҳиндистондаги Патна вилоятининг Азимобод шаҳрида туғилди. Отаси Абдулҳолиқ шоҳ Аврангзеб қўшинида сипоҳийлик қилар, тасаввуф ва футувватга қаттиқ кўнгил қўйган одам бўлиб, қодирия тариқати шайхларидан Шайх Камолнинг муриди ҳисобланарди. Бедилнинг тоғаси Мирзо Зариф ва амакиси Мирзо Қаландар ҳам Шайх Камолнинг муридлари эдилар. Бедил беш яшарлигида отадан жудо бўлади, бир йилдан кейин эса онаси ҳам вафот этиб, амакиси Мирзо Қаландар қўлида қолади. Мирзо Қаландар ёш Абдулқодирни жуда севар ва унинг камолоти учун тинимсиз ғамхўрлик қиларди. Абдулқодир беш-олти яшарлик даврида ёзиш ва ўқишни ўрганиб, бир йилда Қуръонни туширади. Кейин араб тилининг сарфу наҳвини ҳам ўзлаштириб, шеърятга кўнгил боғлади, форсий адабиёт уммони уни ўзига мафтун эта бошлади. Айтишларича, Мирзо Бедилнинг биринчи рубойиси ўн яшарлигида яратилган ва адаб аҳлини ўзига жалб этган. Мирзо Қаландар боланинг истеъдодини кўриб уни мадрасадан олиб кетади, чунки мадрасадаги таълимнинг шавқсизлиги, қуруқ баҳсу мунозаралардан ташқари чиқмасдан, талабаларнинг вақти беҳуда ўтаётгани Мирзо Қаландарга ёқмайди. Мирзо Қаландар ўзи ҳам шеър ёзиб турган ва қалби нозик, мард ва саховатли инсон бўлган экан. У жияни Абдулқодирни икки хил илми эгаллашга йўналтирди ва ўзи устозлик қила бошлади. Бу илмларнинг бири адабиёт

бўлса, иккинчиси тасаввуф эди. Бедил тасаввуфга оид рисоаларни мустақил ўқиб, мазмунини қайд этар, кейин уларни амакисига сўзлаб бериб, тушунмаган жойларини аниқлаб оларди. Шу каби Румий, Аттор, Жомий асарларини ҳам берилиб мутолаа қиларди. Бундан ташқари, Мирзо Қаландар, Мирзо Зариф, Шоҳ Қосим Ҳуваллоҳий, Шоҳ Мулк мажзуб кабиларнинг суҳбатларидан баҳраманд бўлиб, ирфоний илмнинг ҳақиқий моҳиятини идрок этишга эришади. Шоирнинг ўзи «Чор унсур» асарида қайд этишича, ушбу суҳбатлар унга ҳақиқий мадраса ўрнини босган. Бедил ўн олти яшарлигидан бошлаб кўп сафар қилади, баъзан от-уловда, баъзан пиёда ва, ҳатто, ялангоёқ мажзуб қаландарлар равишини қабул қилиб, Ҳиндистоннинг шаҳар-қишлоқларини кезиб чиқади. У бу сафарларида одамлар ҳаётини яқиндан ўрганadi, машҳур сўфийлар, фақиҳ ва муҳаддислар, атоқли тафсируносолимлар билан учрашиб, илмини чуқурлаштиради, фалсафий мушоҳадалари сатҳи ва саҳнини кенгайтиради. Айниқса, мажзуб дарвеш Шоҳ Кобулий билан учрашув Бедилда унутилмас таассурот қолдиради. Бу мулоқот шоирнинг йигирма икки яшарлигида Деҳлида юз беради. Шоҳ Кобулий Бедилни Деҳлининг узоқ бир чеккасига олиб чиқиб, қуйидаги байтни ўқийди:

Аз мо ба мост ҳар чи гўем,  
Мо ҳамчу туюм дигар чи гўем?

(Не нарсаким десак, биздан бизгадир, сенга ўхшашмиз, яна нима дейлик?)

Шундан кейин қаҳқаҳа уриб кулади. Чунки бу байтни Бедил анча олдин Авриса шаҳрида эканлигида айтган эди. Иккаласи Деҳли чеккасидаги вайронада бутун гунни бедор ўтказиб, суҳбат қилдилар. Бедил бир зум уйқута кетиб, кўзини очса, Шоҳ Кобулий йўқ эди. У бўзлаб йўлга тушади, аммо ёрини тополмайди, яна сафарга чиқиб, икки йил Шоҳ Кобулийни излайди, унинг ёдида юздан ортиқ туғёнли ғазаллар ва «Тилсими ҳайрат» («Ҳайрат тилсими») номли дostonни яратди. Шоҳ Кобулий Бедил назарида Хожа Хизр, балки ундан ортиқ комил бир валий инсон эди. Унинг дийдориди Ҳақ жилосини кўрган, суҳбатини қалб малҳами ҳисоблаган Бедил бутун сўфиёна фикру қарашларини шу инсон ёдидаги нафис ва нозик ҳисларга ўраб тараннум этади.

(Бу воқеа Жалолиддин Румий билан Шамс Табризий, Нажмиддин Кубро билан Бобо Фараж, Фаридиддин Аттор билан мажзуб дарвеш учрашувларини эсга солади).

Бедил уйланиб, ота касби сипоҳийликни қабул қилади. Бироқ тўрт йил хизматдан кейин сипоҳийликни ташлаб, яна сайёҳ қаландарликни давом эттириб, охири қирқ ёшлардан ошганда

Дехлида турғун бўлиб қолади, Шукруллоҳ деган амалдор дўсти сотиб олиб берган ҳовлига оиласини кўчириб келади. Дехлида шоир осойишта ижодий ҳаётни бошлаб, кўплаб асарлар ёзди, дўстлар орттирди. Уни неча марта саройга таклиф қилган бўлсалар-да, аммо розилик бермади. Дехлидаги илму адаб аҳли, юрагида илоҳий ишқ ва ҳақиқат учкунлари шуълаланган кишилар Мирзо Бедил атрофига жам бўлиб, ирфон ва назокат мажлисларини безатар эдилар. Мирзо Бедил 1721 йилда 78 ёшида оламдан кўз юмди. Уни ўзи ўн йил олдин қаздириб қўйган қабрга дафн этадилар ва мақбараси зиёратгоҳга айланади.

Мирзо Бедилдан катта адабий мерос қолган. У мумтоз шеърятнинг қарийб ҳамма жанрларида ижод қилган дарё мисол бир ижодкор эди. Кўп сонли ғазал, рубоий, қитъа, маснавийлардан ташқари, «Ирфон», «Тури маърифат», «Муҳити аъзам», «Тилсими ҳайрат» номли дostonлар, «Чор унсур» номли насрий эсдалиқлар асарини ёзган. Адибнинг мактублари, «Нукот», «Ишорат ва ҳикоёт» номли асарлари ҳам бор. Бедил ижоди — бу файласуф сўфий шоирнинг тафаккури ва кечинмалари, ҳаётга, Илоҳга, инсонга муносабати, анъанавий ҳикматларни янги замон талаблари билан мувофиқлаштириб, халқнинг дарду ҳасрати, турмуш чигалликлари ва олий ҳақиқатларни ифодалаган ўзига хос бир мураккаб ва жозибали бадиий оламдир. Турган гап, шоир барча нарсага илоҳий-сўфиёна назар билан қарайди, инсон улуғворлиги ва ожизлигини, қазову қадар қўлида жонсарак, ўйинчоқ бўлган ва ўз-ўзини зулму ситам тиф ила абгор этувчи кишиларнинг аччиқ қисматини ҳам, Илоҳ ошиғи бўлмиш қаландар солиқнинг мажзубона жунуни, ҳайрат ва ҳаловатини ҳам қаламга олади. Аммо Мирзо Бедил («Бедил» дегани «дилини йўқотган» деган маънодадир, яъни кўнгли маъшуқа — Илоҳ қўлида) шунинг учун ҳам маънолар отаси-ки, унинг асарларида инсон руҳияти, қалби, турмуши ҳақида, оддий ҳаётий масалалар ҳақида чуқур фикрлар мавжуд. У инсонни ҳар тарафдан ўрганишга, унга унинг ўзини ўзига кўзгу қилиб кўрсатишга интилади. Умуман, Бедил ижоди — бу инсонномадир. Шоир комил инсоннинг хислатларини ердаги одамлардан излайди, инсонни ўзини танишга, буюклигини англашга даъват этади. Унинг тасвирига кўра, «инсонда икки дунёнинг асрори мужассам, балки у икки дунёдан улуғроқдир». Бедил ваҳдати вужуд фалсафасига эътиқод қўйгани кўриниб турибди, яъни оламнинг Ягона руҳ тажаллийси орқали бошқарилиши, ҳар бир заррада шу Ягона Мутлақ жавҳарнинг зуҳури борлиги таъкидланади. «Муҳити аъзам» (Буюк уқёнус) номли оламнинг яратилишини майнинг кўпириши билан қиёслайди — май бу ўринда илоҳий тажаллий — нури Мутлақ бўлиб, оламнинг ҳаракати, жамоли шундан, дейди у. Одамларнинг тиниб-тинчимас ҳаёти, орзу-армонлари, фикр-ижодлари ҳам шу

майдандир. Бу май гўё бир олов, у кишини ҳамиша маст этиб, ўз асли — Раббига тортаверади. Бутун олам — Ягона руҳнинг ижоди. Ўша туфайли мавжуд ва Ўшанга қайтади. Инсон руҳи ҳам оловдир, у жисмни ёндириб кул қилмагунча тинчимайди:

Зи по наншаст оташ то нашуд хокистар ажзояш,  
Ба сазйи нести ҳам гайрати кор инчунин бояд.

(Олов вужуди кул бўлмагунча тинчимайди, йўқлик сари интилиш суръати шунақа).

Аммо Бедилнинг бошқа сўфий шоирлардан фарқи шундаки, у Илоҳдан инсонга қараб эмас, балки инсондан Илоҳга қараб боради. Бошқача айтганда, шоир фано ва бақо ғояларини қуруқ тасвирловчи эмас, илоҳий муҳаббат ҳам мавҳум ва предметсиз нарса эмас. Бедилда тасаввуф ғоялари инсон кечинмалари орқали боради. Инсон — тилсимотлар ва сеҳру санъат кони, айна вақтда, изтироб ва покланиш, тинимсиз камолот ҳам инсонга хос.

У ёзади:

Чист одам?— тажаллийи идрок,  
Яъни он фаҳми маънии «лавлок».  
Аҳадият— бинойи маҳками ў,  
Алиф афтод иллоти дами ў.  
Доли у мағзи аввалу анжом,  
Ки дор у ҳадди ваҳдатаст тамом.  
Мими он хотами хилқати олам  
Ин бувад нукта— маънии одам.  
Кулзуми коиноту ҳар чи дар ўст,  
Жўши бетобии ҳақиқат ҳам ўст.  
Зоҳиру ботинаш — худусу қидам,  
Сурату маънияш — вужуду адам.

(Одам нимадир? — идрок тажаллийси. Яъни у — «лавлок» маънисининг тушунилиши. Унинг мустаҳкам биноси — аҳадиятдир, «алиф» — бирлик унинг руҳига сабаб. Бу сўзнинг «доли» (араб ёзувида одам сўзи «алиф», «дол» ва «мим»дан иборат) аввал ва охирининг мағзи-моҳияти, унда ваҳдат чегараси батамом акс этган. «Мим» ҳарфи олам — дарднинг қайдидир. Одамнинг маъноси шу. Одам — коинот денгизи ва денгиздаги бор нарсалар унда мавжуд. Ҳақиқатнинг бетоқат қайнаши ҳам удир. Одамнинг зоҳири ва ботинида Илоҳ ва дунё, азалийлик ва фонийлик — ҳодисалар акс этган, унинг сурати ва маъносида борлиқ ва йўқлик мужассам.)

Шоир инсонда бутун оламлар хусусияти ва моҳиятини кўради. Бутина эмас, олам инсон туфайли яратилган: «лавлок» сўзи «Лав лака лама халақту ал-афлок» деган ҳадиси шарифнинг бош сўзи бўлиб, ушбу ҳадиснинг маъноси «Агар сен бўлмасанг, осмон-

фалакларни яратмаган бўлар эдим»дир. Бу — Парвардигорнинг Ўз ҳабиби Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламга юборган ваҳийларидан бўлиб, Бедил оламнинг Муҳаммад нури туфайли яратилгани ва ҳазрати Мустафо комилларнинг комили — комил инсон тимсоли эканига ҳам ишора этади. Яъни одам шунчалик шарафлики, Худойи таоло барча мавжудотни унинг учун яратиб, малакларни сажда қилдирди, барча ҳикмат ва илмларни қалбига жо этди.

Инсон ана шу улуғворлигини англаши — ўз-ўзини таниши керак. Бунинг йўли тариқатга кириш, мақомот зиналаридан кўтарилиш, дунё ҳирсу ҳавасидан кўнгил узишдир. Жисмнинг озуқаси овқат бўлса, руҳнинг озуқаси илм ва ирфондир, дейди Бедил. Одамлар Ҳақни излайдилар, аммо Ҳақ ўзларида эканидан беҳабар:

Ту Ҳақ межуйию аз хеш гофил,  
Зиҳи бетухмию уммед ҳосил,  
Мабош аз жустужуйи хеш навмид  
Ҳамин нур аст раҳбар то ба хуршид.

(Сен Ҳақни излайсан, аммо ўзингдан беҳабарсан. Уруғни кўрмай, ҳосилдан умидворсан. Ўз-ўзингни излашда умидсиз бўлма, қуёшгача шу нур сенга раҳбардир).

Ёки мана бу мисрага диққат қилинг:

Ёр дар оғушу номашро намедонем, ки чист ?!

(Ёр қучоғимизда, аммо номи нима эканини билмаймиз). Бедил Ёр деганда Ҳақ таолони назарда тутди.

Қуёш — нур манбаи, аммо унга олиб борадиган нур ҳам инсоннинг ботиний нуридир. Инсон учун қайғурган шоир кўнгил сўзини зикр этишни севади. Чунки инсон — бу кўнгил. Аллоҳ таоло нури кўнгилда акс этади.

Ҳар сў гузари, дилест афтода ба хок,  
Оҳиста хиром, обила зери қадам аст.

(Қайси томонга юрсанг, тупроққа тушган бир кўнгилни кўрасан, оҳиста юргин, қадамларнинг кафи ярадир). Демак, кўнгил ўлмайди, чунки кўнгил — руҳ, кўнгил — хотира, абадийлик. Аммо кўнгил нозик, у обила — қабарик яра каби озурда ва зода. Кўнгил — бу Илоҳ ошиғининг кўнгли, афтодалик шунинг учун, у то қиёмат маъшуқасининг дийдорига талабгор.

Яна бир ғазалнинг матлаъи:

Муддао дил буд агар найранги имкон рехтанд,  
Баҳри ин як қатра хун сад рангу тўфон рехтанд.



(Имкон олами — моддий оламни хилма-хил сурат ва ҳаракатда яратган эканлар, мақсад кўнгил эди. Шу бир қатра қон учун минг рангу тўфон яратдилар).

Ҳислар тўфони, фикрлар тўфони, орзулар тўфони, муҳаббат тўфони ҳам Кўнгилда, шу бир қатра қонда. Илоҳ ато этган жами ажзу шукуҳни шу Кўнгил кўтаради, асрайди.

Шундай қилиб, инсонда ҳам илоҳий ва ҳам дунёвий ҳақиқат акс этган, демак, инсонни таниш орқали Аллоҳни таниш мумкин:

Аз нақши мо ҳақиқати офоқ хонданист,  
Чун мавжи корнома дарё навиштаем.

(Бизнинг суратимиздан офоқ-осмон ҳақиқатини ўқиса бўлади, биз илоҳий ижод дарёсининг мавжи — хатимиз).

Инсон — илоҳий хилқат. У шунга яраша умр ўтказиши лозим, яъни эзгу ишлар билан шуғулланиб, дунёнинг қайдларидан озод бўлиб, ҳар хил расм-русумлар, беҳуда зоҳирий илмларга банд бўлмаслиги керак. Шунда у эътиқодлар, мазҳаб ва динларнинг моҳияти ҳам бир эканлигини англайди. Дарҳақиқат, одамлар турли динларга сиғинадилар, лекин Ҳақ ва ҳақиқат бирдир, лейди Бедил. Шу боис тортишувлар, бир динни иккинчисидан устун қўйиш беҳуда. «Муҳити аъзам» достонида келтирилади:

Яке куфрро ғайри ислом дид,  
Яке ҳар дуру нақши авҳом дид.  
Яке дид мағзу яке хонд пўст,  
Яке гуфт олам, яке гуфт «Ўст».

(Бири куфрни исломга зид деб билди, бошқаси иккаласини ҳам ҳаёл меваси ҳисоблади. Бири мағзини кўрди, иккинчиси уни пўчоқ деди, бири олам деди, иккинчиси уни «У», яъни Худо деб айтди).

Ҳиндистонни кезиб, бараҳманлар билан субҳатлар қурган, комил мусулмон бўлиш баробарида, бошқа динларни ҳам ҳурмат қилган Бедил умуминсоний ғояларни, башарий яғоналикни афзал кўрар, бу ғояни тасаввуф таълимоти асосида қизғин қўллаб-қувватларди.

Кўрамизки, Мирзо Бедил бу борада буюк салафи Жалолоддин Румий маслагини тўла қувватлаган ва мазҳабпарастлик, ақидапарастликни ноқис ва номукамал кишиларнинг иши, деб ҳисоблаган.

Бедил зулм ва истибдоднинг ашаддий душмани эди. Унинг асарларида зулмга қарши фикрлар жуда кўп, у золим амирлар, хасис бойлар, нодон ва ришвахўр руҳонийларни чиндан-да нафрат билан танқид қилади. Аммо худди Аҳмад Яссавийда бўлганидай

золимнинг жазосини Худо беради, зулм жазоланмай қолмайди, деган ақидани баён этади. Яъни заифлар охи кучлиларни енгади, чунки заифлик — руҳ, зулм — жисм. Руҳ албатта жисмни енгиши керак:

Мо софдилон саршикани таъби дуруштем,  
Бар санг тараҳҳум набувад шишагаронро.

(Биз соф диллар дағал таъблилар — золимларнинг бошини ёрувчилармиз, шиша ясовчиларнинг тошга раҳмлари келмайди). Шиша — софлик рамзи ва нозиклик ҳам, тош — дағаллик. Аммо шиша тошни енгади, дейди шоир.

Мирзо Бедил ижоди — маънолар кони. Унинг ахлоқий-ижтимоий қарашлари, сўфиёна ҳаёллари беҳудуд. Бу денгизга шўнғиган одам албатта гавҳар доналарини олиб чиқади. Бедилнинг фавқуллодда жозибали услуби, теран маънолар, тахайюлга бой шеърияти XVIII — XIX асрларда Ўрта Осиё шоирларининг ижодига ҳам катта таъсир кўрсатди. Бедил халқимизнинг тафаккурини банд этиб келди. Унинг асарлари мактаб ва мадрасаларимизда кенг ўқитилган, бедилхонлик ва бедилдонлик катта бир анъанага айланган эди. Зотан, Мирзо Бедилнинг аждодлари асли Ўрта Осиёдан бўлиб, Ҳиндистонга кўчиб борганлар ва бобурийлар хизматида турганлар. Шу боис шоирнинг руҳи ва сўзи бизда катта қадр топди. Амирий, Нодира, Ҳазиний, Фазлий, Шоҳин, Ҳайрат, Акмал, Ҳозиқ, Шавқий Каттақўрғоний, Мирий ва Кўқон, Бухоро, Самарқанднинг тожик ва ўзбек тилида ижод қилган бошқа шоирлари Бедилга эргашиб, латиф ғазаллар ёзганлар, мухаммаслар боғлаганлар. Асримизнинг олтмишинчи йилларидан бошлаб, Бедил асарларидан намуналарни Ф. Гулом, Ш. Шомухамедов, А. Матназаров таржима қилганлар. Академик И. Мўминов Бедил дунёқарашини ўрганиб, катта монография нашр эттирди.

Хуллас, улуғ файласуф шоирнинг ижоди қалб кўзини очиш, дунё ғафлати босган дийдаларни бедор этишга кўмаклашадиган маърифат чирогидирким, у ҳеч қачон сўниш билмайди.

Шу боис бу улуғ сўфий шоирнинг ирфоний маъноларини тадқиқ этиб, ўхувчиларга етказиш олдинда турган муҳим вазифамиздир.

## «КАМОЛИ НУРИ РАҲМАТМАН»

(Машраб жазбаси)

Тасаввуф гоялари XI асрдан бери Шарқ шоирларини ўзига мафтун этиб келган, биров илоҳий ишқни бевосита куйлаб, завқу шавқини изҳор этса, биров мажозий-дунёвий тимсоллар орқали ҳақиқат асрорини кашф этиш, инсоний кечинмалар тасвиридан илоҳий муҳаббат сари боришни маъқул курган, учинчи хил шоирлар бўлса, сўфиёна таълимотни диний қарашлар билан омихталаб, тариқат мақомотини шеърга солиб, шарҳлаб берганлар. Аммо бу силсилада Бобораҳим Машрабнинг ўзгача мавқеи бор. Машраб — илоҳий ишқнинг масту девонаси, мажнун шоир. Унинг ижодида юксак фалсафий-тасаввуфий гоялар заминий дарду алам, оддий инсонлар, ғарибу бенаволарнинг ночор аҳволдан қайғуриш, зулм-ситамдан портлаган адолат туйғусининг пўртанали исёни ифодаланган. Машраб шеърляти — дунёдан норози кетган, покдил инсонларнинг виждон қичқирғи, нур қидириб, нурга талпинган, Илоҳга муштоқ интизор юракнинг нола-фиғони. Унинг шеърларининг ҳар бири бир лаҳча чўғ, ёндирувчи олов: «Бошимдан то оёғим туташиб хирмани оташ». Шоирнинг хуш кўрган ташбеҳлари шуъла, самандар, хуноба, чақмоқ, гулхан. Унинг фиғони — оху-ноласининг чегараси йўқ, наърасидан олам ларзага келади. Агар маҳшар куни оҳ урсам, у дунёву бу дунёгина эмас, балки аршу курси, «биҳишти жовидон ҳам ўртар», дейди дардли шоир тугёнли ҳисларининг шиддатини шоён этароқ. У маърифат аҳли кушандаси, солиҳ, ҳалол одамларни хор этган нотанти, кажрафтор фалакнинг «устига ўтлар кўйиб», барбод этмоққа чоғланади. Ўз шеърларини «дарднома», ўз юрагини эса «жароҳатхонада», «ҳасратхона, «мотамкада», деб атайди.

Муҳаббат дардида овора бўлган халқни кўрдум,  
Кўзи вақти саҳар сайёра бўлган халқни кўрдум.  
Тани дарду аламдин ёра бўлган халқни кўрдум,  
Дили тиғи ситамдин пора бўлган халқни кўрдум,  
Зулм тугён этибдир— ҳар бириси беҳабар танҳо.

Хуш, бу дард қанақа дард, ситам кўрган бу «халқ» ким, зулм деганда Машраб нимани назарда тутаети? Шоир ижоди ҳақидаги

тадқиқотларда унинг шу руҳдаги шеърлари меҳнаткаш халқ ҳаётининг аянчли тасвири сифатида талқин этилади. Албатта, Машраб бенаво-бечораларни кўрганда, дили эзилган, ноҳақликлардан фиғон чекиб ўтли сатрлар битган. Бироқ, у ўзининг бу туйғуларини очиқ, яланғоч тарзда, аллақандай исён-тўполонларга даъват руҳида ифодалаган эмас. У ҳаётга бир илоҳий ишқ ошиғи, тасаввуф нуридан порлаган қалб нигоҳи билан қарайди ва ҳислари, муҳокамалари ҳам шу асосда ривожланган. Машраб айни мана шундай дардли шеърларида заминий дард — ижтимоий ҳақсизлик ва адолатсизлик дардини илоҳиёт дарди, яъни руҳнинг асл манбаига қайтиш учун чекаётган изтироблар, «аршдан ерга инган» инсон кўнглининг моддиондан покланиш дарди қийноқлари билан қўшиб тасвирлайди. Бошқача айтсак, Машраб қуйлаган дард нон топиш, мансаб-манфаат учун юз елиб-югураётган одамлар «дарди» эмас, балки илоҳий «муҳаббат дарди»да ёниб, тунларни бедор ўтказаётган, кўз ёши шашқатор ҳақпараст ва ҳақсевар порсолар дардидир. Машраб шуларга ихлос қўйган, ўзини ҳам шулар зумрасидан деб билади ва уларни чин юракдан севади:

Азалдан мен дили ғамгин халойиқ хайлини севдим.

Покдил кишиларнинг шоир қалбидан жой олишига боис яна шуким, улар қалбида илоҳсеварлик туйғуси билан инсонсеварлик туйғуси бирга узвийликда яшайди, илоҳиёт дардидан беҳабар одамда меҳр-шафқат, ўзгалар дардини англаш туйғуси ҳам ривожланмаган бўлади.

Зулм деганда ҳам шоир «дарди бўлмаган» кишиларнинг дард аҳлига, жисмнинг руҳга, жаҳолатнинг маънавиятга, нафснинг инсонни ўз асли ва ўз-ўзини танишга тўсқинлиги зулмини назарда тутати. Синфий, ижтимоий нобаробарлик, ҳасаддан туғилган фитнес, уруш-қирғинлар сабабкори нафс инсонни ўз қулига айлантирган. Шунинг учун Машраб камбағаллар, оч-яланғоч халқ тақдирига, етим-ғарибларнинг ночор аҳволигагина эмас, балки умуман инсон зотига ачинади. Шоир маънавият олами томон юқори кўтарилган сари бани башар ожизликлари, ғафлат ва жаҳолат туманида қолган нохушликларни аниқроқ кўра бошлайди. Бу дард энди айрим шахсларнинг, алоҳида кишиларнинг дардидан юз чандон улкан бўлиб туюлади ва Машрабнинг юрак-бағрини бадтар эзати. Чунки «халқ» «муҳаббат даштида» овора, яъни Ҳаққа етишиш, ҳақиқатни кўриш иштиёқида Мажнун каби сарсонсаргардон, умид кўзлари кўкка тикилган. Шоир демоқчики, фоний дунёнинг зулми беҳад кучайиб, вужудимизни кўринмас тўр билан қоплаб олган. Биз бундан беҳабармиз, ҳар биримиз танҳо изтироб чекамиз ва ўзимизни яна унинг комига отамиз. Бироқ руҳимиз бу

зулмдан қутулиб, эркин бўлишга интилади. Шу зайлда, инсон рух ва жисм талаблари орасида азобда. Бу азобдан қутулиш учун Иброҳим Адҳам каби бор-йўғи, тахту тожини қолдириб, сўфий жандасини киймоқ керак. «Жаҳонни тарк қилди Машраб Иброҳим Адҳамдек». Бу ягона йўл бўлиб, «толиби ишқ», яъни Илоҳ васлига талабгор одамнинг ҳиммати-мардлигидир, у шу орқали руҳи, сози ва сўзини, виждонининг эркини таъминлашдан ташқари, ситам аҳлига қарши курашиш имконини ҳам яратади.

Муродинга етай десанг, қаландар бўл, қаландар бўл,  
Ситам аҳлин ютай десанг, қаландар бўл, қаландар бўл.  
Оғиздан дур сочай десанг, қаландар бўл, қаландар бўл,  
Ёмонлардан қочай десанг, қаландар бўл, қаландар бўл.

Ҳа, Машраб исёни ва таркидунёчилик фалсафасининг моҳияти ҳам шу нуқтада аёнлашади. Чунки у нопоклик олаמידан поклик оламига, ҳайвоний ҳирслар қулига айланган нокас одамлар ола-мидан илоҳиёт оламига чекиниб, қаландарликдан паноҳ изласа-да, аммо у бадбинликка чорлаган шоир эмас эди. Ҳаётга зоҳидона нафрат туйғуси Машраб учун бегона. Дунё зулми муҳаббат ва софликка ошно руҳни эзган, шоир «барини тарки назар этдим», «икки дунёдин юмдим кўзим» деб таъкидлагани билан гўшанишин бўлиб олган эмас. Замон ва замин дардини ўзида сиғдирган Бобораҳим Машраб халқ ичида юриб, ҳақсизлик ва жаҳолатга қарши исён қилади. Аммо унинг исёни, олимларимиз ёзиб келган-ндай, феодал тузумга ёхуд дин ва Худога қарши исён эмас, ак-синча, динни шайтоний нафсга қурбон қилган, мунофиқ ва порахўр, тамагир кишилар, уларнинг ҳамтовоқлари бўлган ўзга «аҳли бадкирдор»га қарши исён эди. Агар тасаввуфий нуқтаи назардан янада чуқурроқ олиб қарайдиган бўлсак, бу дунёнинг ўзига, барча нокасликлар, ишқсизлигу илоҳсизликлар жамул-жамига қарши норозилик исёнидир. Шу учун ўз руҳининг аршга кўтарилгани, кайхоний парвозидан ҳайратланувчи Машраб, айни вақтда фалак зулмидан «бахти қаролар подшоҳига» айлангани, «жафодан монанди дол» бўлганини айтиб нолийди, зоҳирни кўриб, ботинни англамайдиган калтафаҳм шайхлар, ҳаром ва порадан ҳазар қилмайдиган муллоларни ҳажв остига олади, соф «заминий» шеърлар битида:

Неча мулло илм ўқиб, роҳи шаётинни топиб,  
Чун рибову ришвани ерлар хушдорлик била,  
Рост сўз айтсанг аларга зарра қилмаслар қабул.  
Куфр айтдинг деб урарлар неча озорлик била.

Машрабдаги комил эътиқод, Илоҳ ишқи билан чўғланиб, ловиллаб турган виждон ҳақиқатни рўйрост айтиб, разолат аҳлини

фош қилишга қудрат ва журъат берган. Зотан, у оддий қаландар эмас, балки улуғ шоир-қаландар, бир томондан, «демона» авлиё, иккинчи томондан, дўсти қадрдон, ҳамлард инсон эди. Шунинг учун унинг шахси ҳам, ашъори ҳам тарихда фавқуллодда ҳодисадир. Бу фавқуллодда шахс инсон тийнати ва тақдирига хос улуғ бир зиддиятли фожиани теран англаб етди ва бу Дард унинг шеърининг борлиғи, моҳиятини белгилади.

Машрабнинг тушунчасига кўра, ушбу дарднинг давоси — илоҳиёт васли, яъни тавҳид ва фано, бу мартабага эса инсонни ишқ олиб бориши мумкин. Шу маънода ишқ барча мушкулотнинг калити, инсоннинг халоскори, вужудни покловчи олов, иксири аъзам. Машраб салафлари Фаридиддин Ағтор ва Жалолиддин Румийлар ижодида илоҳиёт билан қўшилиш шодлиғи, васл базмининг нашида ва сурури ҳамда ана шу қўшилиш — тавҳиднинг нима эканини таҳлил ва таҳқиқ этиш асносидаги шоирона кашфи бош мақсад бўлса, Машрабда тавҳид масрурлиғи, Ёр ҳузур-ҳаловати тасвири шу ҳаловатга етиш йўлидаги қийинчиликлар, яъни ишқ изтироблари, тасаввуфий тил билан айтганда, талаввун ва тафриқа, тажрид ва тафрид босқичларидаги азоблар қўшиб тасвирланади. «Талвин» (ёки «талаввун») — хилма-хиллик, солик кайфиятининг барқарор бўлмаган, ҳали кўнглидан шубҳа батамом кўтарилмаган пайти. Бу босқичдан эсон-омон ўтса, унинг камолига камол қўшилиб, «тажрид»га киради, яъни руҳ яланғоч бўлади, жисм қафасидан ажрала бошлайди, у Худодан бошқа нарсани истамай қолади, Худо талабидан бошқа талаби бўлмай, дунёни арзимас кўриб, фикру зикри Парвардигор ёди билан бўлишдир. Бу босқичда қалб мосуваллоҳдан қутулади, Илоҳ учун холи бўлади. Тажрид босқичи қурб (яқинлашиш)га олиб боради, солик ғариб ҳолатларни бошдан кечиради. Тажриддан қурбга, қурбдан эса тафридга (яккаланиш) ўтилади. Бу — Ҳаққа етиш демак. Руҳ шунда барқарор бўлиши («тамкин»), ҳузур-ҳаловат оламига етишиши мумкин.

Мана, ошиқ соликнинг «талаввун» давридаги ҳолати:

Кетти қарору сабру хуш, қолмади танда тоқатим,  
Тун-кун ила зиёдадур меҳнату дарду офатим,  
Оҳ урубон қаён кетай, тоғу тоша бошим урай,  
Бошима минг балову ғам— кунда эрур аломатим...

Аммо Машрабнинг лирик қаҳрамони бу мақомлардан ўтиб, фано ва бақо мартабасига эришган, кўнглида баҳри раҳмат тошиб, илоҳий нурга ғарқ бўлган орифи комилдир. Шоир башорат этади:

Вақти талаввундин ўтубман, муждаи тамкин манам.

Бу «тамкин» оламини кашф этган ошиқ солиқ руҳи Эзгулик ва Ҳақиқат салтанатини Мутлақ руҳ уммони билан бирга ҳис этади, шу уммоннинг бир қатраси, гавҳари («дурри дарёи маоний») деб англайди. У ягоналик шавқи, яъни «вахдат майидан» сархуш бўлиб («машраб» илоҳий шаробдан сархуш дегани), улувият мақомида ўзини арши аълода кўради:

Аршнинг кунгирасин устига қўйдум аёғим,  
Ломакондан жой олибман, бу маконни на қилай?

«Ломакон»нинг маъноси макондан хориж, ҳадду ҳудудсиз демак. Яъни макон тушунчаси биз яшаб турган дунё билан боғлиқ, илоҳиёт дунёси макон тушунчасига сиғмайди. Аммо Машраб восил бўлган Мутлақ руҳ нафақат макондан, балки замондан ҳам хориж — у азалий ва абадий; унинг олдида мавжуд моддий дунё бир лаҳзалик кўнимгоҳ: «Бир лаҳзада дам олмай турибон, лаҳзада кетдим».

Энди бу Буюк қудратга қўшилган шоирнинг руҳи ҳам шундай улуғлик касб этадики, ердаги тушунча-тасаввурларга сиғмайдиган, ўн саккиз минг олам, етти фалак ҳамда шамсу қамарни қамраб олувчи баҳри мунавварга айланади:

Он қадар нурга тўлибман, осмонга сиғмадим,  
Токи аршу курси-ю лавҳу жинонга сиғмадим,  
Дафтари руҳи қудусдурман, забонга сиғмадим...

Дарҳақиқат, Тангри таоло инсон ақлу тушунчаси, тасаввурига сиғмайдиган, барча сифатлар, исмлар, таърифу тавсиф ва ўлчовлардан баланд турадиган зот. Машраб ана шу беҳудуд буюкликни назарда тутати ва айни вақтда шу Буюк қудратнинг бир қисмига айланган комил инсонни ҳам англайди. Илоҳий муҳаббат файзи туфайли камолот тахтини эгаллаган инсон ҳам худди Илоҳнинг Ўзи каби замон ва макондан хориж бўлиб, у абадийликка баробардир. Шундай мартабали инсон қалбида ҳақиқату тариқат, шариату маърифат ҳам мужассам:

Шариат ҳам, тариқат ҳам, ҳақиқат мендадур мавжуд,  
Чу султони азалдурманки, арш-аълога сиғмамдур.

Бундай комил инсон олдида барча динлар баробар, масжиду бутхона, каъба-ю калисо орасида фарқ йўқ. Чунки барча динларда ҳам Ҳаққа интилиш ва Ҳақни севиш — асосий гоя, яъни Ҳақ ҳамма динларнинг туб моҳиятини белгилайди, демак, динлар шу асосда ўзаро бирлашади. Шундай экан, Ҳақ динлардан, мазҳаблардан баландда туради, аниқроқ қилиб айтсак, дин ва мазҳаблар — ҳақиқатга олиб борадиган турли йўл, одат ва расм-русумлардир.

Жумладан, диний маросим, ҳукмлар ҳисобланмиш тоат, рўза, ҳаж ва бошқалар, сиғиниш даргоҳлари — зоҳирий воситалар. Ҳаққа воситалар орқали ҳам, бевосита ҳам интилиш мумкин. Бевосита интилиш — бу кучли муҳаббат шавқи қанотида (Машрабнинг фикрига кўра, инсон чўлоқ қуш, ишқ уни тузатиб, қанот бағишлайди) ўзликдан кечиш. Ўзликдан кечиш индивиддаги ноқисликларни бартараф қилиб бориш, жисми маҳв эта бориб, ботиндаги интуитив туйғуларни, идрокий шуурни ривожлантириш, сўфийлар айтган важд қобилиятини шакллантиришдир. Шунда у суфра ҳолатига киради, ўзини ва Раббини англайди. «Кимки ўзини таниса, Раббисини ҳам танийди», деган ҳадис яна шунга ҳидоят этадики, кимки ўзини англаса, у оламни англайди, илоҳий сирру асрор, ғайб ҳикматидан бохабар бўлади ва:

Пири комилсан, ҳақиқат бобида дарёи ҳол, —

дея олади ўзига ўзи. Энди бундай зот жаннату дўзахни ҳам назарга олмаслиги мумкин, чунки у мақсадига эришган — Ёр висолига етган. Қолганлар, Машраб айтганидай, «суратпараст ўлган фашу дасторига мағрур» шайху киборнинг иши. Ҳатто хонақоҳ ҳам Машраб учун муқаддас жой эмас. Ҳолбуки, хонақоҳ сўфийлар йиғиладиган ва шайх-пир раҳбарлигида мурид-соликлар тарбияланадиган жой. Лекин Машраб «хонақоҳдан қочиш»ни маслаҳат беради, чунки бу ҳам зоҳирий даргоҳ, чин ошиқ бу ерга ҳам сиғмайди...

Оламни ўзига сиғдириб, оламга сиғмаган бу комил руҳ шоир талқинида гўё барча ошиқлар шайху ориф, набий ва валийларнинг, Ҳақ ва ҳақиқат излаган зотларнинг кўнгил ганжинасини жамулжам этган йиғма тимсол, воҳид бир Жавҳар. Унда малаклик сифати ҳам, Жаброилу Микоил хислати ҳам мавжуд. Бу ишқ жавҳари, ошиқ руҳ ҳали олам яралмасдан бурун бор эди. Одам Атони беором этган, Руҳга имону Мусога эътиқод берган, Иброҳим Ҳалилуллоҳни оловга ташлаб, яна олов ичидан эсон-омон олиб чиққан куч шу илоҳий қудратдир. Иброҳим куйган олов — ишқ олови эди, дейди Машраб ва яна бир қизиқ ташбеҳни қўллайди: «Юнус ул батни самак ўлғонда мен қармоқ эдим». «Қисас ул-анбиё»ларда ривоят қиладиларким, Юнус пайгамбар Тангрининг иродаси билан денгизда тўфон кўтарилганда кемадагиларни халос этиш учун ўзини сувга отади ва наҳанг балиқ уни ютади. Юнус қирқ кун балиқ қорнида яшайди ва қирқинчи куни балиқ уни қирғоққа чиқариб қўяди. «Юнус балиқ қорнида эканда мен қармоқ эдим» деганда, Машраб Юнусни балиқ ичига солган ҳам, уни омон сақлаган ҳам ва яна балиқ қорнидан олиб чиққан ҳам Ишқдир, яъни Илоҳ муҳаббатидир демоқчи. Қармоқ — ишқ ёки Мутлақ руҳ,



шоир бу ўринда ушбу ҳар икки тушунчани бирга олиб, уни яна ўзи ва комил инсон руҳи билан тенглаштирмоқда.

Шундай қилиб, агар Машраб шеърятини синчиклаб мутолаа қилинса, шундай хулосага келиш мумкинки, Илоҳнинг Ўзи — муҳаббат, Унинг учкунлари, зарралари олам узра таралган, билим ҳам, маърифат ва ҳикмат ҳам, дину эътиқод ҳам Ишқ туфайлидир. Ишқ инсонни кўкка кўтарди. Мусони Тур тоғига чиқариб, дийдор-талаб қилди, исломни жорий этиб, Расулуллоҳни меърож туни Парвардигор ҳузурига етаклади. Машраб шеърларида Вомиқ, Мажнун, Фарҳод, Боязид, Шиблий, Шамси Табризий, Агтор, Баҳоуддин Нақшбанд, Иброҳим Адҳам, Мансур Ҳаллож номлари тилга олинади. Булар бари ишқ сипоҳийлари, илоҳий нур парвоналари сифатида таърифланади. Бари Машраб қавмидан, ажойиб муқаддас силсила! Илоҳиёт олами беҳудуд, чексиз бўлганидай, ишқ ҳам чегарасиз, унинг ўтмиши, мозийси йўқ, у доим истиқболдир. Ақллар қарийди, жисмлар эскиради, ҳислар сўнади, аммо ишқ ҳамма вақт навқирон, Ҳақиқат ва Эзгуликнинг ўзидай абадий. Шунинг учун шоир бемалол: «Намозу рўзадан кечкил, муҳаббатга бота кўргил», деб айтар экан, қанчадан-қанча донишмандлар, уламову аъламларга кулги бўлган ўз қавми — «девоналар» аслида орифларнинг орифи эканини фахр билан таъкидлаб ўтади. Мутлақиятга восил бу руҳ соҳиби бошини Мансур каби дорга туттишга рози:

Ваҳдат майин пири муғон илқидан ичдим,  
Мансур каби бошимни дорга тута қолдим.

Воқеан, Мансур ҳақида. Мансур Фаридиддин Агтор идеали бўлганидай, Машрабнинг ҳам сифинган ғойиб пиридир. Мансур Ҳалложни у ишқ қурбони, ҳақгўйлик тимсоли сифатида улуғлаб, алқайди.

Ҳусайн Мансур Ҳаллож (922 йилда қатл этилган) — тасаввуфнинг йирик намояндаларидан, Боязид Бистомийнинг шогирди ва маслакдоши. Мансур суқра (беҳудлик) концепциясини ривожлантириб, сўфий руҳи наинки тараққий этиб, покланиб, ҳол мақомида, жисмдан фоний ўлароқ, илоҳиёт оламига яқинлашади, балки Мутлақ руҳ билан қўшилиб, мутлақиятнинг ўзига айланади, яъни Ҳақни топган ҳам ҳақиқат бўлади, деган ғояни тарғиб қилади. Мансурнинг фалсафий аҳкоми, мушоҳадаси, орифлик мартабаси жуда юксак. У фақат бандаларни рўзи маҳшарда жазоловчи, ёққани, тоат қилганига неъмату мағфират ато этиб, ёқмагани, итотсизини дўзах азоби билан жазоловчи Худони эмас, балки Олий бир ҳақиқатни, моҳиятлар моҳияти бўлган Жавҳар зотни назарда тутар, Уни оламнинг асоси ва инсон қалбининг эгаси, деб ҳисобларди. У тасаввуфнинг амалий-ахлоқий сулуқини босиб ўтиш (талаб,

тавба каби) билан кифояланмай, ботиний шуур кучига таянган маънавий камолотнинг авжи илҳомида ваҳдати вужуд таълимотини таҳлил этароқ: модомики, инсон Мутлақ руҳнинг бир бўлаги экан, ва у тана жисм билан курашиб, тозалана бориб, аслига қайтар экан, демак, ориф инсон билан Илоҳ орасида тўсиқ фарқ қолмайди, улар бирлашади, яъни инсон ҳам Худо (Ҳақ)дир, деган фикрга келиб, буни элга шоён этади. Мансур ишлатган «Анал-Ҳаққ» — мен Ҳақман деган иборасининг маъноси шу. Бунинг яна бир маъноси шуки, мен ҳақ гапни айтаяпман, Ҳақ битта, дунё ҳақиқат эмас, балки мажоз-ёлғондир. Инсон мажоз оламидан қутулиб, Ҳақни топмоқчи бўлса, Ҳаққа қўшилиши керак. Ана шу ақидаси учун зоҳирбин дин мутаассиблари, қози-муллолар бир вақтлар яҳудийлар Исони хочга чормих қилиб, тафаккур ва ҳикматни маҳв этишга уринганлари каби Мансурнинг қўл-оёқларини кесиб, дорга осиб ўлдиришга ҳукм этганлар.

Аммо Мансурнинг ўлдирилиши унинг ғоялари кенгроқ ёйилишига сабаб бўлди, унинг тарафдорлари кўпайди. Мансурнинг фожиали тақдири, фавқулодда жасоратли ғоялари Машрабни қаттиқ ҳаяжонга солади. Шоир қайта-қайта ўзини Мансурга қиёс этади, унга ҳаваси келади ва ўз умрининг ҳам охир-оқибатда Мансурникидай якунланишини олдиндан башорат этгандай бўлади:

Мансури Ҳаллождай ичиб шароби антаҳур,  
Чарх уруб, йиғлаб турурман ушбу дам дор остида.

Ёки:

Минг шукр Худойимга, Мансурга қўшилдим мен.

Жалолиддин Румий демишларким, Мансур руҳи юз элик йилдан кейин Аттор руҳига нузул этди. Агар бу фикрни давом эттирадиган бўлсак, айтиш мумкинки, Мансур руҳи Фаридиддин Аттор орқали олти юз йилдан кейин ўзбек шоири Бобораҳим Машраб жисмига синган эди. Машрабнинг бетоқат кайҳоний руҳи, шеърятидаги шуурий қамров шунга шоҳид. Зотан, Машраб назарида Мансур битта эмас, у — минг-минг:

Минг аналҳақ келадур Мансур осилган дордин,  
Ҳар замон лаббайка деб келгай нидо жаббордин.

Яъни, Мансур сўзи хато эмас эди, у ҳақ гапни айтди, Тангрининг ўзи «лаббайка» — мана мен Раббинг, деб нидо бермоқда, унинг сўзларини тасдиқламоқда, дейди шоир. Машраб назарида еру кўк, дарахтлар, дарёлар, майса-кўкатлар, дор ёғочи, кесилган бош, Насимийнинг эт-суяклари ҳам Аналҳақ деб фарёд чекади. «Бу ишқнинг фарёди». «Мансурни дорда қилган ишқ» чексиз

бўлганидай, Мансурлар, Насимийлар ҳам беҳисобдир. Машраб, Мансур ғояларига биру бор имон келтириб, унинг бағрига талпинади. Соғинчимнинг дарди шундай зўрки, деб ёзади Машраб, дарахтларни хома, дарёларни сиёҳ, осмонларни китоб саҳифаси қилиб ёзсам ҳам адо бўлмайди. «Куръон»дан иқтибос қилинган бу ташбеҳ нақадар чиройли ва ҳашаматли! «Куръон»да у Аллоҳнинг қудрати тавсифи сифатида келтирилади, Машраб эса ҳам Аллоҳ қудрати ва ҳам Аллоҳ ишқи қудратини таърифлаб қўллаган бу ташбеҳни.

Машраб Мансур аҳкоми, маслагини қабул қилиб, ғояларини қизгин тарғиб этишдан ташқари, Мансурни қатл этганлар билан очиқ мунозара бошлайди, уларни айблайди. Бундай муносабат Машраб салафларида йўқ. Аттор, Румий, Ҳофиз гарчи Мансур Ҳалложга катта муҳаббат билан ёндашган бўлсалар-да, аммо унинг қотилларини ёмонотлиқ қилиш, мазаммат этишга журъат этмаганлар. Машраб бунга журъат этади: «Ул русияҳларким, Мансурни ўлдурғон». Шоир наздида Мансурни осигга фатво берганлар, гарчи ўзларини мусулмон ҳисобласалар-да, динни ҳимоя қилдик, деб жар солсалар-да, лекин улар гуноҳи азимга ботдилар, кофир бўлдилар. Иброҳимни оловга ташлаган Намруд, Мусони таъқиб этган Фиръавн, Исони англамай чормих этган яҳудийлар қанчалик гумроҳ, гуноҳкор бўлсалар, Мансур қотиллари ҳам шунчалик гумроҳдирлар. Шу маънода Халил оташи билан Мансур дори ўхшаш воқеалар. Зеро, Мансур тавҳид — яккахудоликни тарғиб этган набийлар мазҳабидадир, у тавҳид ғоясини ботиний муҳаббат асосида тараққий эттирди. Мансур қотиллари эса набийларга қарши курашадиган кофирлар, яъни тавҳидни англамаган ғофил ва жоҳил қавм билан ҳаммазҳаб. «Бу десам, Анал-Ҳаққ деб олам бари Ҳақ дер», — дейди Машраб. Мансур ҳақлигига олам гувоҳ. Мансур ва Машраб эътиқоди бўйича, чин мусулмон туну кун Тангри ёдида ёнган, Уни севган одамлар, аксинча, дунёпараст киши ҳар қанча ибодат қилган билан, аслида кофирдир. Чунки «куфр» сўзининг маъноси беркитиш, ёпишдир. Дунё кишининг кўзидан илоҳиёт дийдорини беркитади, илоҳий файздан узоқлаштиради. Мансурни ўлдирганлар шу маънода ҳам гумроҳдирлар. Шунинг учун камолот рутбасида турган валий шоир баралла дейди:

Неча гумроҳларга соям тушса, фарқи нур бўлур...

Аммо бу эътиқод Мансурга қандай фожиа олиб келган бўлса, Машрабга ҳам шуни насиб этди: унинг ҳақ сўзидан, оташин шеъри ва тигли ҳажвидан табақа вакиллари билан қўшилган ҳолда шоирни гуноҳкор ҳисоблаб ўлдирдилар. Тарих яна бир марта қонга беланди, яна бир марта маърифат билан зулмат, эркин тафаккур билан

таассуб ва нодонлик тўқнаш келиб, қурбонлик берилди — шоирнинг ўзи бутун инсоният фалокати деган ўша Нафси лаин жоҳил уламолар қиёфасида ҳақиқатдан ўч олди. Бироқ Машраб руҳи, шеърлари тирик, халқ бу гавҳарни бағрида сақлаб келди. Шуниси ҳам борки, унинг сўзларини ҳали ҳам ҳар хил талқин этувчилар, ўз қарашлари, манфаатларига хизмат қилдирувчилар бор. Тушуниб-тушунмай, У ҳақда гапириш, ўзгараётган замонга қараб, унинг маъноларини мослаб олишга уриниш кузатилмоқда. Сояи раҳмат бошига тушган шаҳид шоир огоҳлантирган эди:

Машрабо, ҳар бир сўзунгдур гавҳари қимматбаҳо,  
Айтма бу сўзларни ҳар нокаста нодонлик била.

Машрабнинг илоҳий пок шеърияти тадқиқи ҳам пок ният, покиза қалб меҳнатини талаб қилади.

## РУҲИ ҚУДСИЙЛАРДАН БИРИ

Улуғларини улуғлай олган, қадрлаган халқнинг келажаги улуғдир. Мустақиллик неъматларидан бири шуки, бу кун биз улуғ аждодларимиз руҳини шод этиб, улар меросини ўрганиб, маънавиятимизни бойитмоқдамиз. Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Сайфиддин Бохарзий, Абдулҳолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий, Ҳазрат Махдуми Аъзам ҳақида китоблар, мақолалар ёзилди, уларнинг хотира кунлари ўтказилди, тариқатлари ўрганилиб, асарлари бирин-кетин нашр этилмоқда. Қадимги Туронзамин бундай номи оламга таралган авлиёлар, орифу олимларга серобдир. Абдураҳмон Жомийнинг машойихлар ҳаётига бағишланган «Нафаҳот ул-унс» номли китобида келтирилган 662 шайх киборнинг тенг ярми Мовароуннаҳр ва Хоразмда вояга етишган зотлардир. Асар XV аср ўрталаригача бўлган даврни ўз ичига олади ва унда Хожа Аҳрор Валий охириги ҳалқа сифатида тилга олинади. Шубҳасизки, кейинги асрларда яна кўплаб мутафаккир файласуф сўфийлар, амалиётчи «мажзуб» валийлар бизнинг муборак заминимизда туғилиб, халқни Ҳақ йўлига ҳидоят этиб турдилар. Файзли, баракали бу Ватан ҳеч қачон авлиёуллоҳ нуридан холи бўлган эмас, ўшаларнинг нури поки туфайликим етмиш йиллик даҳрийлик қутқусига қарам халқимизнинг қалб тўрида ҳали-ҳануз илоҳий файз порлаб туради ва ушбу «партав» нури бугунга келиб, улуғ Ўзбекистонни шуълалантирмоқда, юртимиз руҳониятини бардам қилиб, ёлғон ва шарорат, пастлик ва ҳақоратларга қарши ўлароқ покизалик, имон-эътиқод учун курашишимизга йўл кўрсатмоқда.

Шунинг учун сўфий шайхлар ҳаёти ва амалларита бағишланган китобларни излаб топиб, қадрлаб-авайлаб нашр эттиришнинг аҳамияти бағоят катта ва бундай савоб, шарафли ишга бош қўшган одамларнинг дунё ва охирати обод бўлиши муқаррардир. Шундай жонсарак, фидойи инсонлардан бири Қарши давлат дорилфунунининг профессори Аҳмаджон Чориевдир. Аҳмаджон ҳали илм аҳлига ҳам, тасаввуф билимдонларига ҳам маълум бўлмаган қашқадарёлик шайх ул-машойихлардан бири Султон Саййид Аҳмад Валий ҳақи-

даги маноқиб (маноқиб — сўфийлар ҳақидаги асардир) китобни топиб, олиб келди ва уни ҳозирги ўзбек ёзувига ўтказиб, нашрга тайёрлади.

Китобнинг муаллифи номаълум. Асар форс тилида ёзилган. Сайфиддин ибн Қамариддин деган муҳтарам инсон уни ўзбек тилига таржима қилдилар. Таржиманинг тили фавқуллоҳда содда ва равон, ҳозирги ўзбек тилига жуда яқин. Жумлалар бурро ва аниқ, ифодали ва тушунарли усулда битилган.

Султон Саййид Аҳмадни «Ҳазрати Бузруквор», «Ҳазрати Башир» (ёки Бешир) деган сифатлар билан улуғлаганлар. Китоб қўлёмасида анчагина тарихий маълумотлар мавжуд. Чунончи, соҳибқирон Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Али Қушчи, Амир Темурнинг пири Мир Саййид Мирзо Барака тўғрисида муҳим маълумотлар бор. Султон Саййид Аҳмаднинг саргузаштлари, ўша замоннинг улуғ шайхи ҳазрати эшон Хожа Аҳрор Валий билан мулоқотлари ҳам қизиқарли қилиб тасвирланган. Зеро, Хожа Аҳрор Валий Султон Саййид Аҳмадни ҳасадчи ва нодон кишилар зуғумидан сақлаб қолган эканлар. Ҳазрати Башир, яъни Султон Саййид Аҳмад Валий Мирзо Улуғбекнинг замондошидир. Китобда «Мири ҳақиқат» тарих санаси сифатида келтирилган. Одатда, қадимгилар тарих санасини қўйганда, кўпроқ вафот этган йилни назарда тутадилар. Лекин бу ерда гап ҳазрати Баширнинг туғилиши воқеасини баён этади, яъни Саййид Мирбараканинг биродари Мирсаид Неъматуллоҳ Косатарош қишлоғига (Қашқадарё вилоятидаги, Китоб туманига қарашли) келиб, Ҳожи Ҳасан деган мўътабар бир мўйсафид уйда меҳмон бўлади. Мўйсафид фарзанди йўқлигидан ҳасрат қилади. Шайх Мирсаид Неъматуллоҳ дуоסי шарофати билан Ҳожи Ҳасаннинг хотини Биби Малокат ҳомиладор бўлиб, ўғил кўради. Аммо кўкрагида сут йўқ эди. Болани бошқа хотин эмизиб катта қилади. Шунга биноан, Султон Саййид Аҳмадни тожикча «бешир», яъни сутсиз деб атайдиган бўладилар.

«Мири ҳақиқат» сўзининг абжад ҳисобидан чиқадиган натижаси ҳижрий 868 йилга тўғри келадики, уни милодийга айлантирсак, 1464 бўлади.

Демак, «Мири ҳақиқат» лақабига сазовор бўлган Саййид Аҳмад Валий Ўрта Осиёда нақшбандия таълимоти тарқалган бир замонда яшаган. Аммо бу шайхнинг таважжуҳи кўпроқ Хожа Аҳмад Яссавий тариқатига қаратилган бўлади. Тўғри, китобда «Дил ба Ёру даст ба кор» шиори тилга олиниб, сўфий-дарवेशлар албатта доимий меҳнат билан шуғулланиши ва ҳар ерда, ҳар қандай шароитда ҳам Аллоҳ зикрини тилда ва дилда қанда қилмаслик ҳақида сўз боради, аммо тариқат одоби, зикр қилиш тарзи ва бошқа қоидалар яссавия йўлида бўлиши таъкидланган. Айниқса, самоъга кўп аҳамият берилган. Султон Саид Аҳмаднинг ўзлари самоъ рақсларидан хузур-

ланиб, шогирд-муридларига ҳам буни ўргатганлар. Самоъ пайтида дарвешнинг руҳи осмонларни сайр этади, илоҳий руҳлар билан учрашиб, маърифатдан баҳраманд бўлади, деган экан ул зот. Яна муҳим томони шуки, бу мажлисда бир неча қўшиқчи, муғанний-созандалар ҳам иштирок этиб турган, хуллас, шайх санъат аҳлини эъзозлаган. Китобда ўнлаб созанда ва хонандаларнинг номлари келтирилган.

Афтидан, Саййид Аҳмад нақшбандия ва яссавия тариқатларини қўшиб, ҳар икки пирга эътиқод қўйган одам бўлган. Бу ҳол Хожа Аҳрор даврида нақшбандиянинг низом сулукида ўзгаришлар бўлганидан далолат беради.

Шайхи Бузруквор Саййид Аҳмад Валий ўзлари умр давомида меҳнат билан машғул бўлиб келган, тоғда бир қанча йиллар яшган пайтида бодомзорлар бунёд этган, ариқ қазиб сув чиқартирган, барча муридлари ҳам меҳнат билан ҳалол яшаганлар. (Ҳозир бу ер Ҳазрати Башир зиёратгоҳи номи билан аталиб, обод бир масканга айлантирилган.) Шайх, айниқса, ҳаромдан ҳазар қилган. Талончилик, порахўрлик, ноҳақ тортиб олинган моллардан, урушда қўлга киритилган ўлжадан қўл тортган. Ҳатто вақф ерни ҳам қабул қилмаган, бунда етим-есирларнинг, мусулмонларнинг ҳақи бор, деб огоҳлантирган. «Менга Худо берган бир парча ер етарли, шунга буғдой экиб, боғ кўкартириб, кунимни ўтказаман», — деган.

Китобда ҳозирги кунимизга ибрат бўладиган жуда кўп ҳикоят ва насиҳатлар бор. Китобни ўқиган киши тасаввуф аҳлининг ҳаёти, амалий ишлари, халққа, мазлумларга келтирган нафидан хабардор бўлади. Хусусан, китобнинг тариқат ҳақидаги иккинчи боби тасаввуф асосларини ўрганишда муҳим манбадир. Унда ҳол илми, зикри арра, мақомат даражалари, жаҳрия зикри, самоъ тартиб-қоидалари ҳақида анча янги гаплар бор. Арабий ва форсий манбаларда келтирилган тасаввуф рукнларини муаллиф Шайх Султон Саййид Аҳмад Валий қарашлари ва ишлари билан солиштириб, сўфийлик мартабалари, валийлик ва каромат маъноларини талқин этади. Қизиқ-қизиқ ҳолатлар, ғайб асроридан огоҳ бўлиш қобилияти, шайхнинг илҳом дамларида эришган файзу неъматлари, маънавий оламдан баҳрамандлик шарофатини берилиб ҳикоя этади. Келтирилишича, тариқатда тараққий топмоқчи бўлган одам ўн икки босқични босиб ўтиши керак. Бу ўн икки босқични ўн икки «осмон» деб атаб, ҳар бирига ном ҳам беради, чунончи: барқи ломеъ осмони, мартабаи огоҳий осмони, суқра осмони, инсоф осмони, мароқиб осмони, тажрид осмони, тафрид осмони, инсоф осмони, таслим осмони, мўминлик осмони, авлиёлуллоҳ осмони, акди камол осмони, ҳукм ва сури Исрофил осмони. Ҳар бир мартаба — «осмон»нинг белгилари бирма-бир тушунтирилган.

Китобда XV аср воқеаларига оид маълумотлар билан бирга, тасаввуфнинг машҳур шайхлари ҳаётидан ҳам бир қанча ҳикоятлар келтирилади. Муаллиф ушбу асарни ёзишда кўплаб манбаларни қараб чиққани аниқ. Китоб Султон Саййид Аҳмад Валийнинг вафотини ҳикоя қилиш билан тугайди.

Шуни қайд этмоқчимизки, ушбу асар гарчи номи унча машҳур бўлмаган «маҳаллий» шайх ҳаётига бағишланган бўлса-да, аммо унинг мазмуни хийла бой бўлиб, номдор шайхларнинг маноқибларидан қолишмайди. Сўфийлик удумлари, сўфийларнинг нияти ва мақсади нима эканини билишга қизиққан одамга бу китоб кўп нарса беради. Бу асар шу жиҳатдан ҳам қимматли манба сифатида қадрланишга арзийди. Китобнинг бошидан охиригача одамзотнинг еру кўк, жонли ҳам жонсиз мавжудот билан алоқаси, беозорлик, раҳму шафқатли бўлиш ғоялари тарғиб қилинган. Асарнинг фазилати кўп.

Хуллас, бу китоб ҳар биримизга маънавий мадад беради.



## КАМОЛОТ ИЛМИ

Бутун маънавият тарихи шуни кўрсатадики, цивилизация дегани — бу инсоннинг ўз-ўзини англаши, ўзини камол топтириш учун олиб борган курашининг ҳосиласидир. Барча динлар, таълимотлар, тафаккур даҳолари инсон қобилияти, руҳияти ва ахлоқини ўрганиш, инсонни тарбиялаб, тўғри йўлга бошлаш, ноқисликлар ва иллатлардан халос этиш билан шуғулланиб келган. Инсон нима, нега у шунчалик буюк ақли, қилни қирқ ёрадиган заковати билан мўъжизалар яратишга қодир бўлгани ҳолда, яна тубан ишларга қўл уради, ҳайвоний ҳирсу нафс домига тушиб ўзини хароб этади, деган саволлар Шарқ мутафаккирлари қалбини қадимдан безовта қилиб келган.

Куръони каримнинг Исро сурасида ўқиймиз: «Ва лақад каррамно бани одама» (Дарҳақиқат, Одам болаларини мукаррам қилиб яратдик). Шунга асосан, тасаввуф аҳли инсонни Худонинг ердаги халифаси, икки оламнинг гултожи, қаймоғи, деб таъриф этади. Ҳазрат Навоий эса «Маҳбуб ул-қулуб» асарида: «Одамий шариф ул-кавнайнду», — деган сўзни келтиради. Яъни: «Одам икки дунёнинг энг азиз ва энг шариф махлуқидир». Парвардигор оламларни яратар экан, мақсади Инсон эди. Одам Парвардигор ҳусну жамоли учун кўзгу бўлса, Инсон бу кўзгунинг мазҳари — Тангри таоло қудрати ва сиру асрори, илму каромати акс этган мўъжиза хилқат. Инсон қалби эса Тангри илми ва ишқининг хазинасидир.

Инсон ана шундай буюк, муҳтарам ва мукаррам. Шунинг учун фаришталар ҳам унга сажда қилганлар. Албатта, бу одамзот фарзандини улуғлаш, унинг қадру қиммати, шаъну шарафини кўтариб, инсонпарварлик ғояларини илгари суриш эди.

Бироқ ҳамма инсонлар ҳам шу шарафга муносибми? Биз ҳаммамиз келтирилган юксак таърифу тавсифларга лойиқми? Афсуски, йўқ. Гарчи ҳар бир одам ўз даража ва ҳолати билан Парвардигор қудратини намоиш этувчи бир тимсол бўлса-да, бироқ инсонга берилган юксак таърифлар, аввало инсон ҳақиқати ва моҳияти ҳақидадир. Хўш, инсоннинг ҳақиқати нима? Инсоннинг ҳақиқати унинг илоҳийлиги, раҳмоний руҳ билан йўғрилган-

лигидир. Кимдаки бу раҳмоний руҳ ғолиб бўлса, у шунча шарафли ва муқаррам. Аксинча, кимдаки бу руҳ кучсиз бўлса, шунча табиатга ён босган, яъни жисмоний-ҳайвоний майлларга берилган бўлади. Бунинг маъноси шуки, Шарқ мутафаккирлари наздида инсонда икки асос мавжуд: бир томондан, у — илоҳий, руҳий қудрат, иккинчи томондан — моддий, ҳайвоний қувват. Ҳайвоний қувват деганда қадимги олимларимиз табиатдаги тўрт унсурни, яъни: тупроқ, сув, олов, ҳавони англаганлар. Бир-бирига зид бўлган бу тўрт унсур айна вақтда бир-бири билан мувофиқ келиб, барча биологик қувватларни ҳаракатга келтиради. Тирик мавжудотнинг бари шу тўрт унсурдан таркиб топган бўлиб, ҳар бири ўз даражасида ҳаракатдадир, аммо инсонда, бошқа мавжудотлардан фарқли ўлароқ, руҳи нотика, яъни илоҳий руҳга эга (руҳ ҳайвонларда ҳам куйи кўринишда бор, бироқ у руҳи нотика эмас).

Инсондаги ана шу илоҳий руҳ ҳамиша унинг табиий асоси, яъни тўрт унсурдан иборат жисми билан курашиб келади. Руҳ қанча юксалса, у шунча мартабаларга зришаверади ва Мутлақ моҳият томон бораверади.

Хужжат ул-ислом Имом Абу Ҳомид Фаззолий «Кимёи саодат» асарида ёзадилар: «Инсон фаришта ва ҳайвон орасидаги махлуқдир. Ҳайвон ривожланмайди, чунки унинг камолот қуввати йўқ. Фаришта ҳам ривожланмайди, чунки унинг ўзи пок илоҳий нурдан иборат. Фақат инсондагина ривожланиш, руҳий камолот хислати мавжуд».


Демак, инсонни тарбиялаш, унинг моддий-ҳайвоний ҳирсларини барҳам топтириш (гарчи бу батамом мумкин бўлмаса-да!) мумкин, ёинки, тасаввуф таълимотига асосан, инсон руҳи Мутлақ руҳнинг бир қисми бўлганлиги боис у моддий тубанликни тарк этиши, Илоҳ сари парвоз қилиши керак. Бунинг учун инсон ўз Инсонлигини идрок этиб, ботиний оламини поклаб, маърифат нурларига тўлдириб бориши шарт.

Бундан юқоридаги фикримизга аниқлик киритадиган яна бир хулоса келиб чиқади: модомики инсон икки олам сарвари, шараф-фул махлуқот экан, бу унинг илоҳий-раҳмоний жиҳатига қараб айтилган гап бўлиб, Комил инсонга ишорадир. Комил инсон — жамики инсонларнинг ҳақиқатидир, яъни одамийлар одамийсидир. Биз ҳар биримиз илму амал, фазлу камол касб этиб, ана шу ҳақиқат сари интилишимиз лозим.

Хулласи калом, инсон тарбияси, инсонни нуқсонлар, гуноҳлардан қутқариш улўғ аждодларимизнинг қайғуси бўлиб келган. Улар савоб ва гуноҳ, соя ва нур, раҳмон ва шайтон, хайру шарр чегарасида яратилган инсон деган мубҳам хилқатни англаш, унинг раҳмоний ва шайтоний қувватлари қачон, қаерда кучга кириши, бу кучларнинг сабаби нима эканлигини тушунишга жидду жаҳд


қилганлар. Айниқса, тасаввуфда инсон тарбияси, инсонни риё-затлар билан поклаш марказий ўрин эгаллаб келган. Шу асосда улар Комил инсон ахлоқи концепциясини ишлаб чиққанлар. Шариат аҳкомига қурилган тариқат расму русумлари, чунончи, пир-муридлик анъанаси, солиқ одоби, покланиш, тавба-тазарруъ, зикру самоъ — ҳамма-ҳаммасидан мақсад инсонни юксалтириш, руҳни яйратиш, ғайб асрорини кашф этиш эди. Инсонни поклаш ва камол топтириш илми бўлган тасаввуф кишидаги барча салбий хислатларни нафс тушунчасига боғлаб изоҳлайди ва унга қарши жиҳод эълон қилади. Нафс — шайтон қутқуси, нафс — тубанликка тортадиган куч, нафс-ҳирсу ҳавас даракчиси, тама, манманлик, жаҳолат, фаҳшни келтириб чиқарадиган қувват. Шунинг учун инсоннинг биринчи вазифаси ўз нафсини жиловлаб олиш, уни маҳв этишдир. Қаноат ва саховат, ҳиммат ва ботиний фақр билан инсон ўзининг илоҳийлиги — улуғлигини англаса, энг ғаддор душман нафси эканлигини ҳам англайди. Алалхусус, футувват ҳақида ёзилган китобларда инсон қалбининг саховати, мардлик ва фидойилик ақидалари кенг ёритилади, авлодларга ибрат бўларли ишлар баён қилинади.

Шу тариқа, биз инсон тарбияси ва ахлоқий камолоти ҳақида бой маънавий меросга, аниқ тажрибалар ва илмий хулосаларга эгамиз.



НАЖМИДДИН КУБРО





## ТАРИҚАТ КУБРОСИ

Азал-азалдан мусулмон халқимиз Аллоҳ таоло ва Унинг Расулидан ташқари яна авлиё ва асфиёларга, донишманд бузургворларга эътиқод ва эҳтиром билан яшаб келади, уларнинг хоки покини зиёрат этиб, руҳий-маънавий қувват олади. Одамларнинг бузургворларни эъзозлаши Покликни, Маърифатни, Имонни эъзозлашидир ва муқаддас инсоний орзуларнинг мужассами — Пок Парвардигорга муҳаббатининг ифодасидир. Валийларнинг табаррук руҳларини ёдлаш, уларга дуо юбориш орқали биз ўз қалбимизни, виждонимизни тозалаш, ҳаёт тарзимизни ростлик ва эзгулик сари мувофиқлаштиришни ҳам ўйлаймиз. Чунки валий инсонларнинг ҳаёти, сўзлари ва эзгу амаллари бизга ибрат, сабоқдир. Комил инсонларнинг сийрат ва суратида илоҳийлик ва инсонийлик мужассамдир, зотан, илоҳийликни инсонийликдан ва инсонийликни илоҳийликдан ажратиб тасаввур қилиб бўлмас. Улуғ инсонлардаги қудрат ва каромат, маънавий етуклик уларнинг тақволари эвазига Тангри таоло берган бир илоҳий неъмат, Тангри таоло қудрати ва камолотининг муайян миқдордаги ифодаси ва давомидир. Шунинг учун комил инсонлар ҳаётини ўрганиш ҳам инсоннинг ўзини, ҳам Аллоҳни таниш ва билиш калитидир.

Тасаввуфдаги комил инсон тушунчаси илоҳийлик ва инсонийлик тажассумининг мукамал ва олий даражаси, одамларнинг олами бутунликда, азим уйғунликда кўриш орзу-хаёллари, камолот машғали бўлиш баробарида аниқ шахслар, яъни валийуллоҳ инсонлар рутбасини тан олиш ва қонунлаштириш ҳамдир. Чунки комил инсон барча илмлардан, зоҳирий ва ботиний донишдан бохабар, қалбида ғайб асрори жўш уриб турган зот деб билинган.

Шайх Азизиддин Насафийнинг сўзи:

«Жумла мавжудот одамзотга шунинг учун сажда қиладики, одамлар орасида комил инсон бор. Бас, жумла одам комил инсон туфайли шарафлидир. Мавжудот ичра комил инсондан улуғроқ, шарафлироқ ва донороқ зот йўқ, чунки комил инсон энг пастдан энг юқоригача мартабалардаги мавжудотнинг хулосаси ва қаймоғидир ва фаришталар, руҳоний мавжудотлар ва аршу курси, само-

воту кавокиб — ҳаммаси комил инсон хизматидадирлар ва ҳамиша комил инсон теҒрасини тавоф қилурлар ва комил инсон ишларини бажо келтирурлар. «Комил инсон илм мазҳаридир, комил инсон илоҳий зот сифатларининг ҳам мазҳаридир...» (*Комил инсон*. Техрон наشري, 1992, 153-бет).

Абу Абдулло Муҳаммад ибн Али Ҳаким Термизий «Хатм ул-авлиё» номли асарида (X аср) биринчилардан бўлиб авлиёелик рутбаси, даражалари ва комил инсон ҳақида фикрларни баён этган эди. Ул зотнинг фикрига кўра, солиқ маърифат даража-мартабаларини эгаллай бориб, илоҳиёт оламига яқинлашиб боради ва инсонга муяссар бўладиган билимларнинг энг юксаги — илоҳий чароғонлик билан тенглаша оладиган Маърифатга етади. Шу зайлда инсон қалбида илми ғайб, илми ладуний порлаб, унинг руҳи Яратган қудратига уланади.

Воқеан, «валий» сўзининг маъноси Худонинг дўсти, яқини демақдир. Аллоҳнинг яқинини, дўстини севиш Унинг ўзини севишга кафолатдир. Фаридиддин Аттор «Тазкират ул-авлиё» асари сўзбошисида бундай ёзади: «Авлиёларга меҳру муҳаббатимиз уларнинг камоли ва жамолига ва барча ҳолат-ишларига ҳурмат-эҳтиромимиз натижасидир. Ушбу садоқат қалбларимизга Аллоҳ солган муҳаббат нури каби порлоқ, буюк зотларга таъзимимизни юзага келтиради. Аллоҳ таолонинг муборак номларини ҳар замон тилидан қўймайдиган азиз-авлиёлар маърифатидан баҳраманд бўлган, ҳар қачон ва ҳар бир ҳолатда Аллоҳ ёдини унутмаган кишилар учун авлиёлар ҳаёти намунадир» (Тошканд наشري, 1913, 4-бет).

Камолот сари қадам комилларга эргашиш ва уларни севишдан бошланади. Хожа Аҳрор Валий ҳикоя қиладилар: «Тошкандда экан вақтларим шаҳар атрофига чиқиб, орифона суҳбатлар уюштирдик. Бир йигитча бизнинг даврамизни узоқдан термилиб кузатиб турар, ҳеч нари кетгиси йўқ эди. Бир куни таҳорат олишга чиққанимда дарров келиб, сув тутқазди. Шунда мен унинг аҳволини сўрадим. Кўзига ёш олиб дедики: «Мени бир кўринмас куч сизлар томон тортиб туради, сизларга яқинлашсам, сўзларингизни эшитсам, ажиб бир ҳаловат сезаман, қувончдан яйрайман. Аммо ота-онам, қариндошлар бундан мени манъ этиб, ноумид қилмоқчи». Хожа Аҳрор сўзларини давом эттириб дейдиларки, мен йигитнинг ота-онаси ва қариндошлари билан сўзлашдим, уларга бу буюк илоҳий жазба эканини тушунтирдим. Йигит биз билан юриб, суҳбатларимизга қатнашиб, улуғ мартабаларга етишди.

Яна узоқроқ бориб, Шайх Фаридиддин Атторга қулоқ тутайлик: «Болалик айёмидан ўша тоифага (яъни, сўфийларга) муҳаббатим шу қадар баланд ва жўшқин эдики, ўша тоифанинг чиройли сўзлари мени ўзига тортар, дилимда бу сўзлардан қувонч жилва-

ланар, ул сўзлар қанчалик маҳобатли, пардали бўлмасин, уларни таниб оладиган бўлган эдим».

Пайғамбардан нақл қиладилар: «Кунлардан бир кун Расули Худодан саҳобалари сўрабдилар: «Агар бирор киши бу тоифани (сўфийларни) дўст тутсаю, уларнинг феъл-атворини уддалай олмаса, унинг ҳоли не кечади? Ул зоти Акрам жавоб берибдилар: «Киши бу оламда қайси тоифани дўст тутса, қиёмат куни ул тоифа билан бирга бўлади».

Шайх Абу Бакр Шиблий сўзи: «Агар бутун оламда ўша кишиларнинг сўзига мувофиқ бирон-бир сўз айта оладиган одамни топсанг, унинг этагини ўпгин ва қаттиқ ушлагин». Абдуллоҳ Ансорий насиҳати: «Авлиёуллоҳнинг ҳар қайсиларидан бир сўзини ёд қилинглр ва агар сўзларидан ёд билмасанглр, уларнинг табаррук ишларини ўрганинглр, эсга олинглр, шунинг бирла баҳра топурсизлар». Шайх ул-ислом лақабини олган Хожа Абдуллоҳ Ансорий ўзларигача яшаб ўтган барча орифу сўфийлар сўзларини ёд билишдан ташқари, бу сўзларни йиғиб, шарҳлаб, маъноларини ҳам тушунтириб берганлар.

Одамлар авлиёларга қараб Худони ёдга оладилар, охиратни эслайдилар ва ёмон ишлардан мумкин қадар ўзларини тиядилар, имонлари мустаҳкамланади ва савобга, эзгуликка меҳрлари ортади. Авлиёларда кузатилган хориқулудда ҳоллар ва кароматларни Аллоҳ нурининг партавидан, Пайғамбар алайҳиссалом сулукининг силсиласидан, деб билмоқ лозим. Комилликнинг олий тимсоли Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари эдилар. У кишининг суҳбатлари тупроқни кимё қиладиган, кофирларнингда қалбини юмшатиб, мусулмон қиладиган даражада эди. Муҳаммад алайҳиссаломнинг салоҳият ва ғайратлари, таъсир қувватлари ғоят баланд бўлгани ҳақида юзлаб далиллар бор. Валийлар пайғамбаримизнинг давомчилари экан, демак, уларга ҳам шундай неъматдан насиб этилган (албатта, ўз даражаларида).

Фаридиддин Атторнинг «Тазкират ул-авлиё» асарида авлиёлар таснифи келтирилади. Муаллифнинг кузатишича, авлиёлар бир неча хилга бўлинади, чунончи: маърифат аҳли, муомалот аҳли, муҳаббат аҳли, тавҳид аҳли, мискин фақирлар аҳли ва бошқалар. Лекин шундай буюк шайхлар борки, уларда санаб ўтилган тоифаларнинг бир қанчасининг сифатлари жамланган бўлади. Шайх Нажмиддин Кубро ана шундай зотлар тоифасига кирадиган акмал ул-мукамал инсон эдилар. Ул зотнинг муборак нафаслари Хоразм ерини раҳмоний нурга тўлдирди. Хоразмким, қадим ул-айёмдан оқиллар ва фозиллар, фанларнинг асосчилари бўлмиш даҳо олимлар юртидир, Нажмиддин Кубродан кейин файзёб шайхлар, валий инсонлар ўлкасига ҳам айланди. Илму ҳикмат, фалсафа, тиб, риёзат, тафсиру талқинлар баробарида ирфоний илмлар ҳам жорий



бўлиб, одамлар қалбига илоҳий ҳикматлар ёғдуси кириб борди. Абдурахмон Жомийнинг «Нафаҳот ул-унс» асарида келтириладики, Шайх Аммор Ёсир Нажмиддин Кубронинг тариқатда камолотга эришганини кўриб, Хоразмга қайтишга ва у ерда тасаввуф ғояларини тарқатишга даъват этиб, оқ фотиҳа беради. Аммо Нажмиддин Кубро эътироз билдиради: «У ернинг одамлари ажойибдур ва бу тариқа мушоҳадани (яъни тасаввуфни) қиёматгача ҳам тан олмайдилар». Шунда Шайх Аммор Ёсир бу фикрни рад этиб, таъкидлайди: «Боргин ва таҳликага тушмасдан, ғайрат билан иш бошлагин». Шундан кейин Шайх Нажмиддин Кубро Хоразмга келади ва пири муршид Аммор Ёсир сўзи тўғри бўлиб чиқади — Хоразм аҳли шайхни ихлос билан қабул қилиб, тариқатга эътиқод кўяди. Бу нарса, биринчидан, Нажмиддингача Хоразмда тариқат ва тасаввуф расм бўлмаганини, аксар аниқ фанлар ва шариятга оид илмлар ривожланганини кўрсатса, иккинчидан, валийлик ва дарвешлик бир оқим сифатида навбатма-навбат мусулмон дунёсининг ҳамма ўлкаларига кириб борганига далолат қилади.

Нажмиддин Кубро инсон заковати ва ақлий-важдий қобилиятига юксак баҳо бериб, айтадики: «Валоят (валийлик) одам боласига азалдан насибадир, чунки одам Парвардигорнинг суйган махлуқи, Парвардигор одамга ақл берган, ботиний нур берган, уни қулли мавжудотдан афзал қилиб яратган». Мана шу фикр тариқат куброси бўлган Нажмиддин Кубронинг қарашлари мағзини ташкил этади.

У рубоийларидан бирида дейди:

Зинҳор мазан ту таъна бар дарвешон,  
Ҳастанд эшон, чунончи ҳастанд эшон.  
Хоҳи, ки бидони, ки киёнанд эшон —  
Як олам мис биёру як жав<sup>1</sup> зи эшон.

(Зинҳор, сен дарвешларни таъна билан таҳқирлама, улар қандай бўлсалар — шундайдириллар. Агар уларнинг кимлигини билмоқчи бўлсанг, бир дунё кумуш танга олиб боргин-да, улардан бир донга жав олиб келгин).

Ҳа, дарвешларни камситиш, улар ҳақида номуносиб гаплар гапириш гуноҳ, дарвешларнинг ботини — маънавият кони, уларнинг ахлоқи — инсоният зебу зийнати; уларнинг рафтори, хулқи — таъриф-тавсифимиздан юқори, уларнинг мартабаси — Арши аъло. Комилликка интилган инсон, улуғ шайхлар, комил дарвешлар сийратини ўрганиб, эътиқод билан улар маърифатини эгаллаши керак.

---

<sup>1</sup> Жав — арпа, аммо бу ерда энг кам ўлчов бирлиги, мажозан арзимас, демакдир.

Шайх Нажмиддин Кубро дониш ва ҳикмат, ирфон ва заковат юлдузларидандирким, замонлар ва давронлар пардаси орқасидан ярқираб бизга боқиб турибди.

### Таржимаи ҳоли

Нажмиддин Кубро — тасаввуфнинг машҳур шайхларидан бири, кубрааия тариқатининг асосчиси. Унинг ҳаёти, қароматлари, саховату қаҳрамонликлари ҳақида эл орасида кўплаб афсона ва ривоятлар мавжуд. Халқимиз ўзининг бу азиз ва табаррук фарзандини эъзозлаб, асрлар давомида номини хотирасида сақлаб келмоқда. Тасаввуфга оид манбаларда ҳам Нажмиддин Кубронинг ишлари, мартаба ва мўъжизалари ҳақида сўз боради. Маъхазларнинг муаллифлари, одатдагидай, шайхнинг таржимаи ҳоли бўйича қисқача маълумотлар бериш билан кифояланган ҳолда, кўпроқ ул зотнинг кўрсатган қароматларини баён этиш, устозлари кимлигини айтиш ва тариқатдаги нисбат — силсиласини аниқлашга эътибор берганлар. Чунончи, Дорошукуҳнинг «Сафинат ул-авлиё», Ризоқулихон Ҳидоятнинг «Риёз ул-орифин», Мавлавий Фулом Сарвар Соҳиб Лоҳурийнинг «Хазинат ул-асфиё», Ҳожи Халифанинг «Тухфат ул-фуқаро», Абдурахмон Жомийнинг «Нафаҳот ул-унс», Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкират уш-шуаро», Ҳамдуллоҳ Қазвинийнинг «Тарихи гузида», Султон Хусайн ибн Султон Мансур ибн Бойқаронинг «Мажолис ул-ушшоқ», Мавлоно Минҳожиддиннинг «Табақоти Носирий» номли китобларида Нажмиддин Кубронинг ҳаёти, сўфийлик тариқати ва фаолиятига оид маълумотлар келтирилган. Атоқли шарқшунос олим Е.Э. Бертельс хоразмлик улуғ шайхнинг таржимаи ҳолини ўрганиш сари биринчи қадамни қўйиб, маъхазлардан Нажмиддин Кубро рубойларини йиғиб эълон қилган ва шайх ҳақидаги бир қадимги ўзбекча қиссани мазмунан қисқача баён қилиб берган эди (*Е.Э. Бертельс. Суфизм и суфийская литература. 1965, 324-334-бетлар*).

Нажмиддин Кубро 1145 йилда Хива шаҳрида дунёга келади. Унинг асли исми Аҳмад ибн Умар Муҳаммад ал-Хивақий ал-Хоразмий бўлиб, «Нажмиддин», «Кубро», «Абул Жанноб», «Валийтарош» сўзлари бу зоти мукаррамнинг лақаб, унвон ва куниятидир. Қайд этиш жоизки, бизнинг ота-боболаримиз улуғ инсонларни мартаба ва даражасига муносиб равишда улуғ номлар билан шарафлаб тилга олишни одат қилган эдилар. Аҳмад ибн Умарнинг ўз исмини қўйиб, лақаб ва унвонлар билан эл оғзида машҳур бўлишига сабаб шудир. Абдурахмон Жомийнинг «Нафаҳот ул-унс» асарида қайд этилишича, Аҳмад ёшлигидан илм-донишга қизиққан қобилиятли киши бўлган экан. У Ислом асослари, шариат илмларини жуда тез ўзлаштириб олиб, Хоразмнинг манман деган уламо-

ларидан ўзиб кетади ва илм балоси деган лақабни олади. Бунинг ёнига «Нажмиддин» — «диннинг юлдузи» деган мартаба-унвон қўшилиб, Аҳмад ибн Умар шундан кейин Нажмиддин Кубро номи билан машҳур бўлиб кетади. «Абул Жанноб» сўзи эса Нажмиддин Кубронинг куниятидир, мазкур сўзнинг маъноси дунёдан парҳез қилган тақводорнинг отаси демакдир, бошқача қилиб айтганда, шайхнинг тақво ва тавба посбони эканлигига ишорадир. Жомий ҳазратлари ёзадиларки, Нажмиддин Кубро Искандария шаҳрида муҳаддис уламолардан ҳадис илмини ўрганиб қайтаётганида, йўлда бир кеча ҳазрати Пайғамбаримизни тушида кўради ва ул зотга мурожаат қилиб: «Менга куният бағишланг», — дейди. Расулulloҳ с.а.в. Нажмиддинга: «Сенинг куниятинг Абул Жанноб — дунёдан ижтиноб, парҳез этувчи бўлади», — деб марҳамат қиладилар. Ай-тишларича, Нажмиддин шу башоратдан кейин тасаввуфга юз ўгириб, ўзига муносиб пири муршид қидиришга киришади.

«Валийтарош» лақабига келсак, бу сўзнинг маъноси валийларни тарбияловчи демакдир. Зеро Нажмиддин Кубронинг нафаслари, назарлари шунчалик зўр бўлганки, қалбларида илҳом-важд жўш урган пайтда кимга назарлари тушса, у валийлик мартабасини топар экан.

Нажмиддин Кубро тахминан ўн олти-ўн етти яшарлигида Ватани Хоразмни тарк этиб, таҳсилни чуқурлаштириш мақсадида Эрон, Миср, Шому Ироқ мамлакатларини кезади. Унинг илмга чанқоқ қалби ҳеч тинч қўймас, қаердаки бирор номдор олимнинг овозасини эшитса, дарҳол йўлга тушар, гоҳ пиёда, гоҳ от-улов ёки туяда ҳафталаб, баъзан ойлаб йўл босар, қидирган кишисини топиб, ундан сидқидилдан сабоқ оларди. Ва агар кўнгли тўлмаса, ижозат олиб, яна йўлга тушарди. Шайхнинг шогирди Рукниддин Алоуддавлянинг хотирлашича, Нажмиддин Кубро Ҳамадон шаҳрида катта бир аллома ҳузурда ҳадис илмини ўрганаётган чоғида Искандария шаҳрида «олий санадлар билан ҳадис биладиган» бошқа бир муҳаддис борлигини эшитиб, Ҳамадондаги устоздан руҳсат олиб, зудлик билан Искандарияга қараб жўнайди ва бир ой у ерда илмини пухталаб, устоз алломадан «ижоза» хати олиб орқасига қайтади.

Шу тариқа Нажмиддин Кубро Бағдод, Табриз, Нишопур, Тус, Дизфул шаҳарларидаги атоқли олимлардан шарият илмлари, ҳадис ва тафсири чуқур ўзлаштириб, донишманд инсон бўлиб етишади. Лекин Нажмиддин эгаллаган илмлар бўлғуси улуғ шайхга ҳали етарли эмас эди. Нажмиддин Кубро қалбида руҳий-маънавий камолотга, ғайб асрори, каромат ва кашфу ҳол илми ҳисобланмиш тасаввуф таълимотига иштиёқ зўр эди. Шу боис у шарият илмларини ўрганиш баробарида тариқатдан ҳам хабардор бўлишга интилиб, қатор шайхлар, дарвешлар суҳбатида бўлади. Манба-

ларнинг гувоҳлик беришича, Нажмиддин Кубро илк дафъа Мисрга бориб, Шайх Рӯзбеҳон ал-Ваззон ал-Мисрий (1189 йилда вафот этган)га мурид тушади. Бир неча йил Шайх Рӯзбеҳон раҳбарлигида тариқат одобини ўрганади, шайхнинг қизига уйланади. Шайх Рӯзбеҳон Нажмиддинни фарзандидай яхши кутиб, ғамхўрлик қилган. Аммо бетоқат Нажмиддин яна сафарга чиқади ва Табризга қайтиб келиб, Абумансур Ҳафдах олдида «Шарҳ ас-сунна» китоби бўйича ҳадис ўрганишни давом эттиради. Нажмиддин Кубронинг ҳаётидаги бурилиш шу ерда бошланади. Чунки у Табризда Бобо Фараж исми бир «мажзуб» («девона») дарвеш билан учрашиб қолади. Бобо Фаражнинг кароматлари таъсирида уламолар билан суҳбатни бутунлай тарк этиб, астойдил сулукка берилади, ботиний оламни равшанлаштириш учун пири муршид қидиришга тушади. Аммо, Абдурахмон Жомий махсус таъкидлашича, Нажмиддин Кубро «донишманд киши бўлганлиги ва ҳеч кимга бўйин эрмаганлиги» сабабли муносиб пири муршид топишга қийналарди. Бовужуд у Ҳамадонда Шайх Аммор Ёсир (1187 йилда вафот этган) ҳузурига бориб, унинг хизматида бўлади. Аммор Ёсир уни Шайх Исмоил Қасрийга тавсия этади. Исмоил Қасрий (1183 йилда вафот этган) Нажмиддиндаги такаббурлик, зоҳирий илмларга бино қўйиш майлини синдириб, маънавий-маърифий камолот босқичларига кўтарилишга ёрдам беради. Нажмиддинда ботиний ажойибот пайдо бўлиб, валийлик аломати кўрингач, Шайх Исмоил унга иродат хирқаси (ёки «хирқаи асл») кийдириб, Хоразмга қайтиб бориб, у ерда тариқатни жорий этишни тавсия қилади.

Нажмиддин Шайх Исмоил қўлидан иродат хирқасини олгач, Мисрга боради. Шайх Рӯзбеҳон уни яна бир марта имтиҳон қилиб, тасаввуф илми ва тариқат одобини нозик жиҳатларигача ўзлаштирганига қаноат ҳосил қилгач, энди юртинга бориб, бу таълимотни ёйишинг мумкин, деб ёзма ҳужжат — «ижозат хати» (диплом) беради. Нажмиддин пирининг маслаҳатига кўниб, оиласини олиб Хоразмга келади. «Нафаҳот ул-унс» асарида эса, бу маълумотларнинг тартиби бир оз бошқача: Нажмиддин аввал Дизфулда Шайх Исмоил хизматида бўлади, шайх уни Аммор Ёсирга тавсия этади. Аммор Ёсир ҳам унинг тарбиясида мушкуллик кўриб, Шайх Рӯзбеҳон олдига жўнатади ва Рӯзбеҳон Нажмиддинни тарбиялаб, қайтариб Аммор Ёсир олдига юборади («ҳар қанча мис юборсанг, олтин қилиб жўнатаман»). Аммор шундан кейин Нажмиддиннинг камолотида етуклик кўриб, Хоразмга йўлланма беради.

Ҳар ҳолда, аввал қайси шайхнинг тарбиясини олган, деган масала муҳим бўлмаса керак. Муҳими шуки, Нажмиддиннинг буюк сўфий шайх бўлиб етишишида мазкур уч нажиб инсон — Рӯзбеҳон Мисрий, Аммор Ёсир ва Исмоил Қасрийларнинг хизмати сингган.

Нажмиддин Кубро Хоразмга 1185 йилда қайтиб келади. Демак, бу вақтда у қирқ яшар бўлиб, йигирма беш йилдан ортиқ умрини илм таҳлилига бағишлаган эди. Етуклик, комиллик йўли мана шундай оғир ва машаққатлидир. У Хоразмга қайтгач, катта хонақоҳ қурдириб, тариқатда янги бир мактаб — йўналиш ҳисобланмиш кубравия силсиласини асослади. Унинг қўли остида юзлаб одамлар тарбияланиб, ислом маърифатидан, илоҳий ирфондан баҳраманд бўлдилар. Нажмиддин кишиларни эзгуликка, илмга, саховат ва мардликка даъват этди. Муридлари орасидан Шайх Мажиддин Бағдодий, Шайх Сайфиддин Бохарзий, Шайх Саъиддин Ҳамавий, Шайх Рукниддин Алоуддавла сингари мусулмон оламига номи кетган валий инсонлар етишиб чиққанлар.

Нажмиддин Кубро тасаввуфнинг буюк амалиётчиларидан биридир, унгача Хоразм халқи ушбу таълимотдан бебаҳра эди. Нажмиддин валийлик камолоти, тариқат риёзати ва ўзини ўзи поклаш, маънавий етукликка интилишни урфга — анъанага айлантирди.

Нажмиддин Кубро тасаввуф назариётчиси ҳамдир. Унинг назарий қарашлари, фикрлари, киритган янгиликлари ҳақида ҳали тўхтаймиз. Бу ерда шуни қайд этмоқчимизки, улуғ шайх амалий фаолияти хулосаларини «Фавойиҳ ул-жамол ва фавотиҳ ул-жалол» («Жамол хушбўйликлари ва жалолнинг кашфи»), «Ал-усул ал-ашара» («Ўнта усул») номли китобларида жамлаб тасниф этган. Ҳожи Халифа Нажмиддин Кубронинг арабча асарлари сонини саккизта деб кўрсатади. Шайхнинг форс тилида ёзган «Фи одоб ас-соликин» («Солиқлар одобида») номли рисоласи ҳам бор.

Нажмиддин Кубро 1221 йилда Чингизхон тўдаларига қарши жангда шаҳид бўлади. Душман Хоразмга яқинлашганда, Муҳаммад Хоразмшоҳ қочиб кетган, лашкар пароканда эди. Шайх муридларини жамлаб, уларга қараб бундай дейди: «Машриқдан келган бу бало Машриқу Мағрибни яксон этади, ёндириб кул қилади. Сизлар ҳар бирингиз ўз юртингизга боринг, ўз жонингизни асраш пайида бўлинг». Асқоб шайхга илтимос қилиб дедилар: «От-уловлар тайёр, агар шайх биз билан ҳамроҳ кетишни ихтиёр этсалар, яхши бўларди». Бунга жавобан Шайх Нажмиддин Кубро дейди: «Мен бу ерда шаҳид бўламан, менга Хоразмни тарк этишга рухсат йўқ» («Нафаҳот ул-унс», 405-бет).

Куффор, яъни мўғул аскарлари Гурганжга кирганда, шайх қолган-қутган муридлари билан жангга шайланади. У хирқасининг устидан белбоғ боғлаб, қўйинларини тош билан тўлдиради, қўлига найза олиб, душман қаршисига чиқади. Кофирларга қараб тош ота бошлайди, бир нечасини найза билан уриб йиқитади. Аммо кофирлар унинг устига камон ўқи ёғдирадилар. Бир ўқ келиб кўкрагига тегади. Етмиш беш яшар мўйсафид — илоҳий илҳомдан

маърифат топиб, қалбларни нурлантирган шайхи кабир ҳолдан тойиб, кучи кетаётганини сезса ҳам, жангни тўхтатмай, душман байроғини ғазаб билан маҳкам тутамлаб олади-да, шу ҳолатда жон беради. Дейдиларким, вафотидан кейин унта одам унинг маҳкам қисилган панжалари орасидан байроқни зўрға ажратиб олган.

Улуғ шайх ва донишманд инсоннинг бу қаҳрамонлиги, жасорати душманни ҳам ҳайратга солган. Бу иш авлодларга ибрат бўлди, халқ орасида афсонага айланиб кетди.

## Силсиласи

Биз юқорида Нажмиддин Кубронинг тариқат йўлидаги пирлари Шайх Рўзбеҳон Мисрий, Шайх Аммор Ёсир ва Исмоил Қасрий эканини айтдик. Аммо булар ким, нега Нажмиддин кўпдан-кўп тасаввуф шайхлари ичидан буларни танлаган, деган саволлар туғилиши табиий. Дарҳақиқат, бирор-бир сўфийнинг тариқати ва тасаввуфдаги маслагини аниқлаш учун унинг муҳити, пирлари ҳақида маълумотга эга бўлиш керак. Зеро, пир танлаш шунчаки, бирор-бир раҳбарга эга бўлишдек иш эмас. Пир танлаш, ҳаммаслақ танлаш бирор-бир йўлни қабул қилиб, тасаввуфнинг айнан шу йўлдаги қоидалари, усул-йўриқларига риоя этишдир. Тасаввуф аҳли дарвеш ёки сўфийнинг пири кимлигини билсалар, унинг қайси равия ёки сулуққа тобелигини ҳам аниқлай олганлар.

Нажмиддин Кубронинг пирлари унчалик машҳур кишилар эмас, уларнинг бирор-бир тоифа ёки силсилага мансублиги ҳам кўзга ташланмайди. Лекин шунга қарамай, бу уч шайхнинг тариқатида умумийлик бор. Биринчидан шуки, уларнинг учаласи ҳам Шайх Абулнажиб Суҳравардийнинг муридларидирлар. Шайх Зиёуддин Абуннажиб Абдулқаҳҳор ас-Суҳравардий, Жомийнинг ёзишича, зоҳирий ва ботиний илмларда баркамол киши бўлган. Кўп рисола ва китоблар ёзиб, сўфийлик нисбати Шайх Аҳмад Ғаззолийга бориб туташади. Суҳравардий фақирлик билан футувватни (яъни, жавонмардликни) бирга олиб тушунтиради. Фақирлик унинг талқинида фақат қашшоқлик, бечоралик эмас, «фақирлик — Худо олдида талабгорлик, ожизлик, аммо бандалари олдида адолат ва саховат посбони бўлиш, ҳаммага ҳар ерда ёрдам кўрсатишдир». Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Берувчи қўл олувчи қўлдан афзалдир», деган муборак ҳадиси шарифларига мувофиқ, «бағишловчи қўл — фақр эшигини очувчидир», деган фикрларни баён этган Абуннажиб Суҳравардий бойликни қораламайди, балки зулму ситамни ва талончиликни, ҳаромхўрликни ва ҳасисликни мазаммат этади. Абуннажиб Суҳравардий шогирдлари бўлган Рўзбеҳон Мисрий, Аммор Ёсир ва Исмоил Қасрийларда қалб саховати билан бирга мурид тарбиясида

қаттиққўл бўлиш, ботиний кўз билан муриднинг хаёлларини, руҳиятини уқиб олиш ва унга руҳий таъсир ўтказиш қобилияти яхши ривожланган эди.

Шайх Аммор Ёсир соликнинг «ноқисликларни такмил этиш ва муридларни тарбиялашда, уларнинг тушлари ва фикрларини таъбир этишда, иккиланишларни бартараф этишда шуҳрат қозонган» бўлса, Шайх Рўзбехон Мисрий «аксар вақт истиғроқ мақомида бўлиб», важд ва илҳом ичида юрар, илоҳий маърифатдан завқи тошиб, бу ҳолатни муридларга юқтирарди. Шайх Исмоил Қасрий бўлса, рақсу самоъ, имо-ишоралар йўли билан мурид қалбини ром этиб, ботинини поклаш ва шу орқали илоҳиётга муҳаббатни сингдиришда машҳур бўлган. Ҳар учала шайх ҳам тариқатни шариатдан ташқари тасаввур қилмаганлар, ўзлари сунний мазҳабининг изчил тарафдорлари ҳисобланганлар.

Шайх Исмоил Нажмиддин Куброни иродат хирқаси билан сийлаганини айтган эдик. Шу воқеанинг ўзи Нажмиддин тариқат одоби ва нисбатда Шайх Исмоил силсиласига мансубликни қабул қилганини англатади. Шайх Исмоилнинг «хирқа нисбати» эса, қуйидаги занжирдан иборатдир: Шайх Исмоил хирқани Муҳаммад ибн Моликулийдан (Ҳоликулийдан?) олган, у — Довуд ходим ул-фуқародан, у — Абул Аббос Идрисдан, у — Абул Қосим ибн Рамазондан, у — Абу Яъқуб Табарийдан, у — Абу Абдуллоҳ ибн Усмондан, у — Абу Яъқуб Наҳржурийдан, у — Абу Яъқуб Сусийдан, у — Абдулвоҳид ибн Зоҳиддан, у — Комил ибн Зиёдан, у — Али ибн Абу Толибдан, у — Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи васалламдан хирқа олганлар...

Нажмиддин Кубронинг Шайх Исмоил Қасрий билан учрашуви қуйидагича юз берган: Нажмиддин пир излаб шаҳарма-шаҳар кезиб юриб, Дизфул шаҳрига келади. У ерда бетоб бўлиб қолади. Аммо аҳволдан хабар оладиган одам йўқ эди. Кўниб ҳордиқ оладиган манзил ҳам тополмасдан қийналади. Бир одамдан: «Бу шаҳарда ғариб ва бетоб кишига раҳм қилиб жой берадиган бирор мусулмон бормикан», — деб сўрайди. У одам: «Шу яқинда бир хонақоҳ бор, шайхи ҳам яхши одам, ўша ерга борсанг, хизматингни қиладилар», — деб жавоб беради. «Шайхнинг отини билмайсанми?», — деб сўрайди Нажмиддин. «Шайхнинг оти Исмоил Қасрий», — деб айтиди ҳалиги йўловчи.

Нажмиддин Кубро хонақоҳга борганда, унга дарвешлар супаси рўпарасидаги супадан жой берадилар. Унинг касали анчага чўзилади. Хонақоҳда ҳар кеча рақсу самоъ мажлислари уюштириларди. Нажмиддиннинг самоъга хуши йўқ эди, шунинг учун бу шовқинсуронли рақслар, қичқириқлар ва рақс ҳаракатлари унга ёқмасди. Бироқ бир кеча навбатдаги самоъ авжида Шайх Исмоил хушҳол

бир суратда Нажмиддиннинг олдига келиб, қўлидан ушлаб, ўрнидан турғизади ва мажлис ўртасига олиб бориб, рақс оҳангида айлантиради, кейин олиб бориб деворга суяб қуяди. Нажмиддин аввалида беҳолликдан йиқилиб кетгудай бўлади, аммо бирдан ўзига келиб, худди ҳеч бир дард кўрмагандай ўзини тетик ва саломат ҳис этади. Шайхга нисбатан муҳаббати ортиб, унинг иродатини қабул қилади. Эртаси кун Шайх Исмоил хизматига бориб, унинг иродат қўлини олади.

Бир неча ой Шайх Исмоил раҳбарлигида хилват ўтириб, зикру самоъ мажлисларига қатнашиб юради. Бир кеча: «Нажмиддин, ботин илмидан хабар топдинг, зоҳирий илминг шайхникидан зиёддир», — деган фикр кўнглидан кечади. Бомдод маҳали Шайх Исмоил Нажмиддинни чақириб: «Тур, сафарга отлан, сен Шайх Аммор Ёсир олдига боришинг керак!» — дейди. Шайх Исмоил Нажмиддин кўнглидан кечган хаёлдан воқиф бўлган эди ва уни дўсти Шайх Аммор Ёсир олдига юбориб, танбех бермоқчи бўлади.

Нажмиддин Кубро бунга сезса ҳам, ҳеч нарса демасдан сафарга отланди. Шайх Аммор ҳузурига бориб, сулукни давом эттиради. Лекин ҳалиги ўз илмига бино қўйиш, шайх илмини менсимаслик хаёли бу ерда ҳам кўнглидан ўтади. Шайх Аммор ҳам ботинан англаб, Нажмиддинни Мисрга — Рўзбеҳон Мисрий олдига жўнатади. Шайх Аммор дейди: «Шайх Рўзбеҳон олдига боргин, токи сендаги бу зоҳирий борлиқни бир мушт билан бошингдан чиқариб ташласин». Нажмиддин Кубро Шайх Аммор амрига итоат қилиб Мисрга йўл олади.

Нажмиддин Кубро Рўзбеҳон Мисрий билан мулоқотини қуйидагича хотирлайди: Мисрга етиб келиб, шайх Рўзбеҳон хонақоҳига кирганимда, — дейди у, — шайх у ерда йўқ эди, муридлари ҳам барчаси муроқабача (яъни бошларини тиззаларига эгиб ўтириб, Худо ёдида қалб тафаккурига берилган)да эдилар. Ҳеч ким менга эътибор қилмади. Хизматқордан: «Шайх қайсидир», — деб сўраганимда, у: «Шайх бу ерда йўқ, у киши ташқарида», — деб айтди. Мен қайтиб ташқарига чиқдим ва Шайх Рўзбеҳонни кўрдим. У озгина сувда таҳорат оларди. Дарров кўнглимдан бу қадар кам сувда таҳорат олмақ ножоизку, наҳот шайх шуни билмаса, бу қандай шайх бўлдики, шарият талабларини адо этмаса, деган фикр кечди. Аммо шайх менга эътибор қилмасдан таҳоратни тугатди ва ўрнидан туриб, қўлидаги сувни менинг юзимга қараб селди. Сув томчилари юзимга теккач, ўзимни йўқотиб беҳушдай бўлиб қолдим ва шайх орқасидан хонақоҳга кирдим. Шайх жойнамозга ўтириб, шукрона намозига машғул бўлди. Мен унинг ёнида мунтазир турардим. Тик турган ҳолимда ўзимни буткул унутдим — ғойиб бўлдим. Кўз олдимда қиёмат куни намозин бўлди, дўзах ҳам барча даҳшатлари



билан кўриниб турарди. Одамларни гуноҳкорлар ва жаннатийларга ажратар эдилар. Гуноҳкорларни ўтга ташлардилар. Дўзахга борадиган йўл ёқасида бир тепалик бор эди ва бир киши тепалик устида ўтирар, кимки, мен ўша тепалик устида утирган зотга тааллуқлиман, деса, дўзах оловидан халос бўларди. Навбат менга келди, малоиклар мени оловга қараб судрадилар. Тепа ёнига борганимда: «Мен ҳам шул зотга тааллуқлиман», — дедим. Мени қўйиб юбордилар. Тепага чиқдим. қарасам, ул зот шайх Рўзбеҳон эди, дарҳол олдига бориб, оёғига йиқилдим. Шайх орқамга шундай бир қаттиқ мушт туширдик, унинг зарбидан юз тубан бўлиб чўзилдим. Сўнгра Шайх деди: «Бундан кейин Ҳақ аҳлини инкор қилишни тарк эт ва шубҳаларни ташла!» Шу пайт ғойибдан қайтиб ўзимга келдим. Шайх намозни тугатди, мен унга салом бердим ва олдига бориб, оёғига йиқилдим. Худди беҳудлик ҳолатимда бўлганидай, Шайх Рўзбеҳон орқамга бир мушт урди ва ўша танбеҳ сўзларни айтди. Мен ҳайратдан лол қолдим. Сўнгра ўзимда ўзгача бир ҳолат юз берганини сездим: хаёлимдаги шубҳа-ғумонлар тамоман тарқалиб, ботинимда нурафшонлик пайдо бўлди.

Мазкур ривоят баъзи бир манбаларда Шайх Исмоилга нисбатан келтирилади. «Шайх Нажмиддин Куброни шаҳид қилиб, шаҳри Хоразмни хароб қилганининг баёни» номли қиссада эса, Нажмиддиннинг пир излаши ва сулук машаққатлари яна ҳам тафсилотлар билан бойитилиб келтирилади. Чунончи, шу қиссадаги ривоятга кўра, Нажмиддин Кубро Хоразмдан йўлга чиқиб, турли мамлакатларда бўлади, кўп шайхлар билан суҳбатлашади. Аммо кўнглига ёққан пирни тополмайди. Охири ноумидлик кайфиятида Бағдодга етиб келади. Бу ерда у Шайх Иброҳим хонақоҳида сулукни давом эттиради, етти йил муттасил Шайх хизматида бўлиб, бир фарзанддай унга боғланиб қолади. Бир кун Шайх Иброҳим таҳорат олмоқчи бўлганда Нажмиддин офтобада сув келтириб беради ва шайх оёқларини юваётганда сув қуйиб туради. Шайхнинг муҳаббати жўшиб, Нажмиддинга таҳорат қилинган сувдан олиб ичишни буюради. Нажмиддин сувдан олиб ичгандан кейин унга илми ҳол ва илми қол сирлари очилади, яъни, у ботиний маърифат ва илоҳий илҳом насибасига эришади. Бир неча кун ўтгандан кейин Шайх Иброҳим таҳорат олаётганда, Нажмиддин яна хизматда турган бўлади. Бироқ бу сафар у кузатса-ки, Шайх Иброҳим таҳоратнинг бир қоидаси — «дафъи васвасани» ташлаб кетади. Нажмиддин: «Шайх мустаҳабни ташлаб кетди-да» деган фикрни кўнглидан ўтказди. Шайх Иброҳим Нажмиддиннинг кўнглидаги гапдан огоҳ бўлиб, уни койийди ва Бистом шаҳрига, Шайх Исмоил ҳузурига адаб ўрганиш учун жўнатади.

Бистомга, Шайх Исмоил хонақоҳига етиб келгач, Нажмиддин шайхни ичкарида эмас, балки ташқарида ҳовуз бўйида учратиб

қолади. Шайх таҳорат олиш учун ҳовуз лабида турарди. Аммо ҳовузнинг суви жуда камайиб кетган бўлиб, шарият бўйича бундай ҳовуз сувидан олиб таҳорат қилиш мумкин эмасди. Ўз билимларига ишонган Нажмиддин: «Бундай кам сувда ҳеч ким таҳорат қилмайди, бу қандай шайхки, шуни ҳам билмайди», — деган фикрни ўтказди кўнглидан. Унинг фикрини ботинан англаган шайх Нажмиддин юзига сув сепиб юборади. Нажмиддиннинг ҳушини йўқотади ва Қиёмат куни манзаралари кўз олдида гавдалана бошлайди. Юқорида келтирганимиз воқеалар бу ерда ҳам такрорланган. Фақат Нажмиддин бу ерда икки марта беҳуш бўлади. Биринчи беҳушлиқда у Шайх Исмоилнинг ўз қавмини дўзах оловидан қутқарганини кўрган бўлса, иккинчи беҳушлиқда унинг жаннат боғларида роҳат-фароғатда яшаётгани тасвирланади. Нажмиддин ўзига келганда Шайх Исмоилнинг оёқларига йиқилиб узр сўрайди ва унга мурид бўлади. Нажмиддин Кубро Шайх Аммор Ёсир хизматида юрганда ҳам бошидан шунга ўхшаш воқеа кечган. Чунончи, «Фавойиҳ ул-жамол ва фавотиҳ ул-жалол» китобида ҳикоят қилинадики, Нажмиддин Шайх Амморнинг рухсати билан хилватга киришни ният қилади (хилватда ўтириш — узлатга чекиниб бир ўзи танҳо Аллоҳ ёдида зикр айтиш, қалбни дунёвий талабандишалардан поклашдир). Аммо хаёлида: «Зоҳирий илмларни пухта эгаллаганман, агар ғайбий илмлар эшиги юзимга очилса, бу илмни минбарларга олиб чиқиб, Ҳақ толибларига етказаман», — деган ният пайдо бўлади. Шу фикр билан хилватга кирилади, лекин бирор натижага эришолмай, қайтиб чиқади. Шайх Аммор унинг бу аҳволдан воқиф бўлиб: «Аввал ниятингни тузат, кейин хилватга кир», — деб насиҳат қилади. Шайхнинг сўзидан Нажмиддин қалбига нур порлаб кирилади. Нажмиддин китобу дафтарларини Худо йўлида муллаваачаларга бағишлайди, тўнлари, ҳамён ва барча бисотини фақир камбағалларга тарқатади. Эғнида бир жубба (пўстин) қолади. Ўзига-ўзи: «Бу хилватхона менинг қабрим, бу жубба менинг кафаним ва менинг бошқа борадиган маконим йўқ», — деб қатъий азму қарор қилади. Шундан кейин шайх унга юзланиб, «Ниятинг бутун бўлди, энди хилватга киришинг мумкин», деб ижозат беради. Нажмиддин Кубро дейди: «Шундан кейин хилватга кирганимда ажойибот содир бўлди — ҳол мартабаси итмомига эришдим. Шайх баракоти ва ҳамияти туфайли менга маърифат футуҳоти эшиклари очилди».

Нажмиддин Кубронинг сулуки ана шундай ўзига хос пир ва муршид курашлари орқали давом этган. Бу ривоятлар пирларнинг тадбиркорлиги, руҳий тарбия усули хусусида ҳикоя қилишдан ташқари, яна бир қанча фикрларни айтишга асос бўлиб хизмат қила олади. Чунончи...

## Донишманд Нажмиддин ва Мажзуб бобо Фараж

Чунончи, зоҳирӣ билимдан ботиний билимга ўтиш жараёни қийинчилиги, ақлий ва ваздий маърифат таносубияти ва бошқа масалалар ёритилган ушбу ривоятларда. Умуман олганда, каромат ва мўъжиза кўрсатиш, рамзий ишоралар, ҳаракатлар билан мурид онгига ва руҳига таъсир этиш шайхларнинг севган усули ҳисобланган. Шунинг учун ривоятларнинг бир-бирига ўхшаш томонлари кўп. Масалан, тушда Пайғамбар алайҳиссаломни кўриш, у зот билан савол-жавоб қилиш, ёки ўлиб кетган пири муршидни кўриб ҳайратланиб беҳуд бўлиш, жазава вақтида руҳан нариги дунёга саёҳат қилиш, қиёматни, жаннат ёки дўзахни кўриш ва ҳоказолар маноқиб китоблари, тасаввуфга оид рисоаларда тез-тез учраб туради. Аммо ҳар гал бу ривоятларнинг йўналиши маъноси муайян шайхнинг тариқатига мос бўлади ва шу тариқат мафқураси, маслагининг ўзига хослигини шарҳлаш, талқин этишга хизмат этади. Инчунин, Нажмиддин Кубро ҳақидаги ривоятлар ҳам у зоти шарифнинг сўфийлик тариқати ва қарашларини ифодаладиган, бу қарашларни гўё образли-ифодалӣ қилиб тушунтирадиган ривоятлардир.

Агар эътибор берган бўлсангиз, биз келтирган ривоятларда Нажмиддин Кубронинг зоҳирӣ билимларда кучли эканлиги, шу сабаб ўз пирларини унча назар-писанд қилмай туриши таъкидланади. Аммо пирлар ҳам Нажмиддиндаги айнан ана шу донишмандликка қарши кураш олиб борадилар ва «ботиний билиш» усули, ғайб асрорини эгаллаш зоҳирӣ билимдан афзал эканлигини исботлашга интиладилар. Бу нарса тасаввуфнинг бош рукнларидан бири. Яъни, зоҳирӣ билим ҳисобланмиш шариат илмлари Ҳақ маърифатини идрок этиш ва илоҳиёт васлига этиш учун бир поғона, холос. Токи сўфийнинг кўнгли ҳам мусаффолашиб, биллурдай шаффоф ҳолга келмаса, унда Аллоҳ тажалли этмайди ва ғайб асрорини билиш мумкин бўлмайди. Шу боис тасаввуф шайхлари бутун эътиборларини солиқдаги сезги ҳисларини чарҳлашга, ваздий-илҳомий қобилиятни ривожлантиришга қаратганлар. Нажмиддин Кубро ҳам ўзида ана шундай қобилият ва истеъдод бўлишини хоҳлар эди, бироқ бу даража унга осонликча муяссар бўлмади. Чунки унинг билимдонлиги, ақлу заковати ваздий маърифатни қабул қилишга тўсқинлик қилар, ҳис билан ақл ўзаро олишар, мантиқ билан сирли ҳолатлар орқали келадиган илҳомий илмлар тўқнашиб қолар эди. Яхшиси, масалага ойдинлик киритиш учун Нажмиддин Кубро бошидан ўтказган қуйидаги воқеани келтириб ўтайлик.

Нажмиддин Кубро Табризда Абу Мансур Ҳафдаҳ ҳузурида ҳадис илмига бағишланган «Шарҳ ус-сунна» китобидан сабоқ ўқирди. Бир кун мадраса дарсхонасига бир дарвеш кириб келади. Нажмиддин уни илгари кўрмаганди, аммо унга кўзи тушиши билан қалбида меҳрли бир ўзгариш юз беради. Сабоқдошларидан: «Бу одам ким?» — деб сўраганида, улар: «Бу шу ерлик мажзуб дарвеш Бобо Фараж», — деб айтадилар. Дарвеш кетади, лекин Нажмиддин бетоқат ва беқарор бўлиб, кечаси ухламай чиқади, тонг-сахар устози ва сабоқдошларини уйғотиб: «Туринглар, Бобо Фаражнинг олдига борамиз», — деб туриб олади. Улар рози бўладилар. Бобонинг хонақоҳига келганда, хизматкор ичкарига кириб, уларнинг келганлигини айтади. Бобо Фараж тайинлаб дейди: «Агар Тангри таоло даргоҳига келгандай бўлиб кира олсалар, кирсинлар». Бу сўз нимага ишора эканини англаган Нажмиддин дарров кийимларини ечади, ҳамроҳлари ҳам унга эргашадилар. Улар қип-яланғоч ҳолда Бобо Фараж ҳузурига кириб борадилар ва индамай бир чеккада ўтирадилар. Нажмиддин Кубро кейинчалик бу мулоқотни хотирлаб, дейди: «Бир оз муддат ўтгандан кейин Бобода ажиб ўзгариш юз берди. Вужудини азим бир қудрат чулғаб олди ва қуёш парчасидай порлаб кетди. Йиртиқ тўнининг ёриқларидан нур тарала бошлади».

Бобо Фараж бирор соатдан кейин ўзига келиб, ўрnidан туради ва тўнини ечиб, Нажмиддиннинг устига ёпади. Нажмиддин учун бу йиртиқ тўн табаррук бир тухфа эди. Унинг қалби ёришиб кетади, «Ҳақдан ўзга барча нарса юрагимдан сидирилиб ташлангандай бўлдим», — дейди Нажмиддин. Бобо Фараж Нажмиддинга қараб, дейди: «Сенинг дафтару китоб мутолаа қилиш вақтинг ўтди, балки ўзинг энди илмлар дафтарининг боши бўладиган вақт етди». Бобонинг хонақоҳидан чиққандан сўнг устози: «Шарҳ ус-сунна» китобидан озгина қолди, бир-икки кун шуғуллансанг тугатасан, кейин қаерга борсанг, ихтиёринг», деб айтади. Нажмиддин устозининг маслаҳатига қулоқ солиб, дарсхонага киради. Аммо шу заҳоти орқасидан Бобо Фараж кириб келади ва унга танбеҳ бериб, дейди: «Ҳозиргина илм ул-яқиндан минг фарсах узоқлашган эдинг, энди яна илм қошига келдингми?»

Нажмиддин дарс ўқишни йиғиштириб, сўфиёна риёзат ва хилватнишинлик билан машғул бўлади. Ўзининг айтишича, қалбида «ладуний илмлар, ғайбий иродатлар кўрина бошлайди». У кўнглида пайдо бўлган бу нодир илоҳий туйғулар, идрокий фикрларни «йўқолиб кетса, ҳайф бўлади» деб, қоғоз ва қалам олиб, ёзиб сақламоқчи бўлади. Шу пайт яна Бобо Фараж эшиқдан кириб келади ва дейди: «Шайтон сенга ташвиш бермоқда, бу сўзларни зинҳор ёзма». Шундан сўнг, Нажмиддин давогу қаламни ҳам бир ёққа суриб қўяди, кўнглини барча ташвишлардан холи қилиб, хотиржам ҳолда ботиний ибодатга берилади.

Кўринадики, Бобо Фараж ҳар қандай ақлий билим, таълим-таҳсилни инкор этувчи эмас. У шариат асосларини ўрганишни камолот йўлидаги дастлабки босқич деб билади. Сўфий, унинг назарида, ана шу дастлабки босқичда қолиб кетмаслиги керак, бошқалар ёзган китоблардаги билимларни йиғиштириб қўйиб, ўзи илоҳий билимлар кониға, ижодкорига айланиши лозим. Мажзублик, беҳудлик ҳолатига кира оладиган, ботиний-руҳий билиш усули оламни, Аллоҳни билишнинг энг мақбул усули ҳисобланган. Нажмиддин Кубронинг мажзубликка муҳаббати бор, унинг Бобо Фараж ҳузурига талпиниши шундан. Бобо Фаражнинг Нажмиддинга тўнини ҳадя этиши — унинг Нажмиддин қалбидаги интилишни илғаб, шу муҳаббатни ривожлантириш, уни ғайб асрори оламга, ботиний қароматларга ошно этиш ва шунга йўналтириш бўлган. Лекин Нажмиддиннинг яна мадраса таҳсилни давом эттириши, қоғоз-қалам олиб, фикрларини ёзмоқчи бўлгани — булар хоразмлик донишманднинг зоҳирий-ақлий билимлардан кўнгил узолмаётганлигига, юрагида иккиланиш борлигига ишора-дир. Нажмиддин Кубро дилида ҳар икки соҳа — ҳам ақлий-зоҳирий ва ҳам ботиний-важдий билимларни эгаллаш нияти яшириниб ётган. Бошқача айтганда, у фақат ҳадису фикҳ ва калом илмини ўрганишни ёки нуқул «мажзуб» сўфий бўлишни истамаган, балки ақлий-тафаккурий билиш негизида ботиний-руҳий билимни эгаллаб, ирфон дунёсига янги нафас олиб кирмоқчи бўлган.

Устозлари Шайх Рўзбехон Мисрий, Шайх Аммор Ёсир ва Шайх Исмоил Қасрийлар ҳам унинг бу интилишини англаганлар ва зимдан қувватлаганлар. Бироқ тасаввуфда риёзат чекмай, важдий ҳолатлар сирини кашф этмасдан мақсадга эришиб бўлмайди. Шунинг учун Нажмиддиннинг пирлари ундаги зоҳирий билимларга маҳлиёлик кайфиятини ва фикрларини бартараф этиб, хилват ўтириш, муроқабага берилиш, зикру самоъга қатнашиш орқали янгича руҳий-ҳиссий ҳолатлар билан яшашга, янгича ҳаёт тарзини қабул қилишга ўргатадилар. Шайхлар тарбиясини олгандан кейин Нажмиддин энди оламга бошқача қарайдиган, илҳом-истеъдоди чашмалари кўзи очилган, басират назари қувват топган оламга айланади. Камолот мартабаси, дониш даражаси кўтарилади, фақат китоблардаги билимларни такрорлайдиган олимлар тоифасидан қутулиб, эркин-озод мушоҳада этадиган, ўзи илоҳий ҳикмат айта оладиган ва Ислом моҳиятини ҳам теран идрок этиб, ваҳдат ва тавҳидни бутун вужуди билан, тафаккурий идроки билан ҳис этиб, буни одамларга етказа оладиган шайх мартабасига эришади.

Албатта, бу ривоятлар замирида шариат ва тариқат орасидаги кураш ҳам яшириниб ётади. Зеро тариқат аҳли шариатни Ҳаққа етиш учун кифоя эмас, деб ҳисоблардилар. Шариат илми «зоҳирий»

илм, бу илм вакиллари эса, қоидаларга, расм-русумларга ёпишиб олган зоҳирбин кишилар, деб тилга олинарди. Шариат аҳли ҳам, ўз навбатида, аксар тасаввуфга шубҳа билан қараб, суфийларнинг амаллари, сўзларини қабул қилмасдилар, баъзан эса, риёзат йўлидаги ботиний майлларни куфрга йўярдилар. Нажмиддин ҳам бошида шундай руҳда тарбияланган эди, шунинг учун таҳоратнинг бир қоидасини бажармаган Шайх Исмоилга нисбатан кўнглида шубҳа пайдо бўлади.

Аммо Шайх Исмоилнинг Нажмиддин юзига сув сепиб, ҳайрат оламига ғарқ этиши, қиёмат кўрсатиши — ўз йўлининг тўғрилигини исботлаши, тариқат аҳлининг Парвардигор наздида обрў-эътибори баландлигини таъкидлаши ва ҳам Ҳаққа етиш йўли ботиний-маърифий йўл эканини амалда намойиш этиши эди. Шайхлар бу талбирлар орқали Нажмиддиндаги гурурни сўндириш ва тариқат одобига кўндиришни кўзлаганлар. Зеро, тариқат йўлига кирган одам ёши, мансаб-насабидан қатъи назар шайх иродасига сўзсиз итоат этиши зарур. Тариқат одоби хонақоҳлар тарбиясининг муҳим рукни ҳисобланган. Шайхлар биринчи навбатда муриддаги кибрни йўқотиш ва тавозуъга, мискин-хокисор бўлишга ўргатиш пайида бўлганлар. Қизиғи шуки, бу усулни Нажмиддин Кубронинг ўзи кенг қўллаган. Масалан, Абдураҳмон Жомий «Нафаҳот ул-унс» асарида ёзадики, шайхнинг муридларидан бири Мажиддин Бағдодий жисмонан нозик ва латиф табиатли йигит эди. Нажмиддин Кубро даставвал уни «мутаваззо хизматига» солади, яъни сув ташиш, хонақоҳни супуриб-сидириш, нопок жойларни тозалаш ва ҳоказо ишларни бажаришга мажбур этади. Мажиддиннинг онаси машҳур табиба бўлган экан, у ўғлига раҳми келиб, шайхга одам юбориб: «Илтимос, менинг ўғлимни қийнамасинлар, агар ўша ишларни қиладиган хизматкор керак бўлса, мен ўнта турк ғуломларидан юборай, Сизга хизмат қилсин», — дейди. Нажмиддин Кубро аёлга жавобан дейди: «Ажаб, сен ўзинг табиб экансан, айтчи, ўғлинг касал бўлса дорини ўзи ичиши керакми ёки унинг ўрнига турк ғуломлари ичадими?»

Бу ривоят ҳам тариқат одоби махсус тарбия усули эканидан гувоҳлик беради.

Хулласи калом, Шайх Нажмиддин Кубро сиймосида биз тафаккурий-ақлий билим билан ботиний-маърифий билим, донишмандлик, дунёвий заковат билан валийлик кашфиётларининг ажиб бир тарзда мужассам бўлганини кўрамыз. Шайх Нажмиддин Кубронинг тарихда буюк инсон сифатида из қолдиришига сабаб шудир балки.

## Тариқати

Шайх Нажмиддин Кубронинг «Ал-усул ал-ашара», «Рисола ат-туруқ», «Одоб ус-соликин», «Фавойиҳ ул-жамол» номли асарларини, ул зоти шариф ҳақида ёзилган асарларни мутолаа қилар эканмиз, кубравия тариқатининг бирмунча жиҳатлари, талаб ва қоидаларини англаб оламиз. Таъкидлаш лозимки, Нажмиддин Кубро тасаввуф тарихида, таъбир жоиз бўлса, кенг феъллик йўлини тутган шайхлардандир. Чунки у зотнинг хонақоҳида сунний мазҳабли шогирдлар билан бирга шиа мазҳабли муридлар ҳам таълим олаверган. Шайхнинг ўзлари суннийликка эътиқод қўйган одам бўлсалар-да, лекин ҳазрати Али Абу Толиб разияллоху анху хонадонига ҳам ҳурмат билан қараган ва шиа аҳли билан суннийлар орасида хусумат ва жанжал келиб чиқишига йўл қўймаган. Аслини олганда, тасаввуф мазҳаблар айирмачиликларидан устун туради. Тасаввуф аҳли учун Парвардигор ишқи, дийдори ҳамма нарсадан устун. Сўфий илоҳиёт оламига руҳан кўшилиш учун яшайди ва ўзлигини барбод бериб, Ёр васлига эришади. Бундай одамлар фақат Ҳақнинг ҳақиқатини, тавҳид моҳиятини идрок этишни, руҳоний софлик оламида сайр қилишни муҳим деб билган. Аммо шунга қарамай, Исломдаги икки мазҳаб, яъни, суннийлик ва шиалик тасаввуфга зимдан таъсир этиб турган. Чунки ҳар қандай диний мазҳаб сингари исломий мазҳаблар ҳам одамларнинг урф-одати, дунёқарашини, тасаввур ва тушунчаларини қамраб олади. Бу эса, ўз навбатида, илоҳий ҳақиқатларни тушунтириш, одам ва олам тузилишини, хилқатини билишда фарқли жиҳатларни юзага келтиради.

Нажмиддин Кубро табиатида донишмандлик, мантиқ ва мажзублик бирлашиб кетганидан, сўфиёна амаллари ва қарашларида ҳам хилма-хил томонлар кўзга ташланади. Хонақоҳида хилватнишинлик ва чилла ўтириш ҳам, ботиний-хафий зикр, қизгин баҳс-мунозара ҳам, самоъ мажлислари ҳам бўлиб турган. Нажмиддин Кубронинг ҳолатлари шундай эканки, у киши баъзан бирдан жўшиб, ўзга кайфиятга кириб, вужудлари балқиб кетар экан, баъзида эса ҳазин ва ўйчан, ғоят камгап бўлиб қолар эканлар. Баъзан бўлса, хушчақчақ ва очиқ чехра билан суҳбатга берилар, ғоят нозик дид ва ўткир сўзлар билан муридлар қалбига оловли чўғ ташлар, турли ишоралар, ҳаракатлар, руҳий кароматлар орқали атрофдагиларни ҳайратга соларкан. Шайх бағоят зукко, салобатли, ҳайбатли киши бўлган, кечалари аксар бедор ўтириб, ибодат қилган, сурункали рўза тутишни одат қилиб, илҳомли дамларда хонақоҳ ҳовлисини кезиб, хушнуд сайр этган.

Нажмиддин Кубро тасаввуфда Жунайд Бағдодийнинг «сахв» (хушёрлик) йўлини тутган. Бу ҳам хоразмлик улуғ шайхнинг тафак-

курий-ақлий билимга эътибори борлигининг нишонасидир. Чунки Жунайднинг бу рукни Боязид Бистомийнинг «сукра»(бехудлик, мастлик) рукнига қарама-қарши усул сифатида ишлаб чиқилган эди. Боязид бўйича, илоҳий маърифатни сўфий фақат фонийлик ҳолатида, яъни буткул ўзлигини йўқотиб, идрок эта олади. Боязид Илоҳни англаш ва таниш ақл билан, ҳушёрлик билан бўлмайди, деб уқтиради. Жунайд Бағдодий эса бунга эътироз билдириб, сўфий фақат бехуд девона бўлса, унинг маърифати ўзигагина татийди, ўзгаларни тарбиялай олмайди ва бақога етолмай, ярим йўлда қолади, деб айтади. Жунайднинг назарияси ислом учун ҳам мувофиқ эди ва сўфийларнинг дунё, дин ва шариат билан боғланишларига имкон беради. Шу боис Нажмиддин Кубро, Аҳмад Яссавий ва Баҳоуддин Нақшбанд каби Мовароуннаҳр шайхлари Жунайд Бағдодийнинг йўлини маъқуллаганлар. Аммо уларнинг бирортаси Боязид Бистомий йўлига нафрат билдирган эмас.

Ҳазрати Кубро тариқатининг ўзига хос жиҳатлари у кишининг дунёқарашида ҳам, амалий ишларида ҳам кўзга ташланади. Аввало, шуни айтиш лозимки, Шайх Нажмиддин Кубро улкан ориф инсон сифатида кишиларнинг руҳияти, руҳ хислатларини чуқур ўрганган. Руҳшунос Нажмиддин фикрига кўра, инсон «олами Суғро», яъни кичик олам бўлиб, унда «олами Кубро»нинг, яъни катта оламнинг барча хусусиятлари мужассамдир. Шайх Нажмиддин Кубро дейдиким, инсон тараққий этиб борса, у Аллоҳнинг «Раҳим» ва «Раҳмон» сифатларидан бошқа барча сифатларини эгаллай олади. Илоҳий сифатлар поғонама-поғона осмоний-қайҳоний оламларда жойлашган экан, инсон ҳам камолот зиналаридан кўгарилиб, шу даражаларни эгаллай олади. Бироқ бу йўлда унга пири комил раҳнамолик қилиши керак. Пир қаттиқ ва қатий низомлар билан солиқ — муридни ўз иродасига итоат эттириб, белгиланган йўлдан олиб боради. Солиқ зикру хилват, муроқаб ва мушоҳада чоғида ҳар хил ҳолатларни бошидан ўтказди, кўнглида турли фикрлар, туйғулар пайдо бўлади. Шунинг учун агар пир унга раҳбарлик қилмаса, мурид нотўғри, шайтоний йўлга кириши ҳеч гап эмас. Зеро, илҳом Раҳмондан ҳам, шайтондан ҳам бўлиши ёки жисмдан, ёхуд руҳдан ҳосил бўлиши мумкин экан.

Нажмиддин Кубро руҳоний кечинмалар, нозик ҳолатларни пухта билганидан, шунга мувофиқ «латоиф» назариясини ишлаб чиқади. Бу назарияга биноан, инсон руҳи кўзга кўринмас бир латиф марказлардан иборат. Бу онг ва туйғу, руҳ ва жисм орасидаги бир нарса. У шундай нозикки, уни илғаб олиш ҳам мушкул. Аммо инсон ҳаётида бу «латиф» марказларнинг аҳамияти катта. Сўфий айнан шу марказларни яллиғлантириб, ўткирлаштириб бориши ва илғаб олиши даркор. Ана шу «латоиф» инсоннинг илоҳий хислатидир. Сўфий риёзатлар, машқлар давомида бу латоифни



турли ҳолатларнинг ўзгариши, ранглар ва шаклларнинг алмаши- ниши тарзида тасаввур қилади. Нажмиддин Кубро назарида нуқта, доғ ва доира мурид руҳий ҳолатлари ўзгаришида муҳим хизмат қилади. Доира — фалак доираларининг айланиши, доғ — дунё тимсоли ва нуқта — ваҳдатдир. Доира доимий айланишда, у доғни ҳам ўз ичига олади. Аммо булар марказга томон, яъни, Нуқта сари интилади. Нуқта моҳиятини англаш орқали Аллоҳ оламини идрок этса бўлади.

Мурид руҳи, шунингдек, ҳаяжонлар, ҳайратлар ичра турли рангларга ҳам дучор бўлади. Ҳалиги доира, доғ ва нуқта айланиши ва алмашилиши ранглар алмашилишини ҳам қамраб олади: руҳнинг ҳислар босқичидаги тараққиёти қора рангда, кейин қизғиш рангда кечади. Сўнгра яшил ранг кўришиб, илоҳий олам- нинг яқинлигидан далолат беради.

Шундай қилиб, ранглар сўфий руҳий ҳолатлари, Аллоҳ томон сафаридаги даража-босқичларини билдириб туради. Рангларнинг хилма-хиллиги ва алмашилиб туриши солиқнинг аҳволини, шуу- рий кечинмалари давом этаётганини ифодалаб, у ҳали талаввун, яъни ботиний — тафаккурий кечинма-ўйларнинг алғов-далғовида турли-туманлигини англатади. Руҳнинг рангдан-рангга кўчиши ривожланишдан нишонадир. Ушбу жараён охир-оқибатда ранг- сизлик ҳолатига, яъни тамкинга олиб келади. «Тамкин» ҳолатига кирган сўфий «талаввун»дан (ранг-барангликдан) қутулиб, ваҳдат оламига қўшилган бўлади. Чунончи, зангори ранг солиқнинг тавба қилиб, тариқатга қадам қўйганида кўринади. Бу ҳолатда у шарият доирасида бўлади, мантиқий-далилий билишдан ҳали қутулмаган, ҳали кўнглида дунёвий ҳаваслар майли ҳукмрондир. Бундан кейин тариқат бошланади. Солиқ қалбида муҳаббат кўзгалади, у Аллоҳ ёди билан яшайди ва бу сариқ рангга тўғри келади. Қизил рангда солиқнинг руҳи вужуддан ажрала бошлагани, маърифатга яқин- лашгани, маънавий моҳиятлар оламини анлагани маълум қили- нади. Аммо бу босқич ҳали ҳирс қутқусидан халос бўлмаган бир ҳолатдир. Сўнгра оқ ранг кўринадики, бу юракнинг покланишига ишорадир ва ҳақиқатни англаш бошланади. Ҳақиқат оламидан хабардор бўлиб, тавҳид ҳолатини бошидан кечиради. Шундан кейин яшил ранг келади. Яшил ранг валийликдан нишона. У сирларнинг сирига, ғайбга ошноликни билдиради ва солиқнинг асл моҳият- ларга етишаётганини ҳам англатиши мумкин, мазкур ранглар солиқнинг Аллоҳ томон ва Аллоҳ билан руҳий сафарларини англатган бўлса, олтинчи ранг — қора ранг Аллоҳдан халқ сари сафарини билдириб, канз ул-асрор — сирлар хазинасини эгалла- шини ва ҳайратга ғарқ бўлишини ифодалайди. Ҳайратдаги руҳ шариятнинг мағзи — ҳикматини бошқатдан идрок этиб, қоронғи бир доғ рангига ўралади. Ва, ниҳоят, солиқ руҳи яна Аллоҳ ҳузурнда

пайдо бўлади. У қора рангдан қутулиб, рангсизлик ҳолатига киради. Зоти кулл даражасини эгаллаган солиқ якранглик ҳолатида мақсадига эришади.

Кўринадики, Нажмиддин Кубродаги ранглар ва уларнинг маънолари кейинги вақтларда тасаввуф назарийтчилари таърифлаган рангларнинг шарҳидан фарқ қилади. У етти ранг хислатини етти тушунчага мослаб тушунтирган. Унингча, оқ ранг — Исломни, сариқ ранг — имонни, зангори ранг — эҳсонни, яшил ранг — итминонни (ишончни), кўк ранг — иқонни (тўлиқ ишонч), қизил ранг — ирфонни, қора ранг — ҳаяжонни (ҳайратни) англатади. Солиқ руҳи ҳолатларини, қайси ранг кўз олдида намоён бўлаётганини пирига айтиб туриши керак. Пир шунга қараб муриднинг қайси босқичда турганини билиб, унга янги вазифалар юклайди. Хоразмлик шайхда ранглар оқ, сариқ, зангори, яшил, кўк, қизил, қора тартибида келтирилган. Яъни оқдан бошланиб, қора билан якунланади. Нажмиддин Кубро солиқ эътиқоди ва имонига кўп эътибор берган. Шунинг учун у имон, итминон, иқон (ишонч) сўзларини қайта-қайта таъкидлайди. Аммо қора ранг таърифида ўхшашлик мавжуд. Нажмиддинда бўлганидай, кейинги сўфийлар ҳам қора рангни ҳайрат белгиси ҳисоблаб, руҳнинг фанога фарқ ҳолати рамзи сифатида кўрсатганлар.

Хуллас, Нажмиддин Кубронинг ранглар ва шакллар билан боғлиқ руҳи, психологик тажрибалари кейинги сўфийлар томонидан ривожлантирилган. (Айтиш ўринлики, инсон руҳи билан боғлиқ бу манзара ва ҳолатлар Оврупода XX аср бўсағасида кенг ўрганилиб, янги билимларнинг вужудга келишига сабаб бўлди. Чунончи, Кафка, Шопенгауэр, Фрейд фалсафасида парapsи-хология асосий ўринни эгаллайди. Шу каби «онгсизлик онги» ёки «бехудлик онги» деган оқим ҳам пайдо бўлиб, инсон ҳисларидан, ақлидан ташқари бир куч борлиги ва у одамнинг бехудлиги даврида бир илҳом билан қўлга кириши мумкинлиги исботланди. Инсон қобилятининг бу мўъжизалари неча асрлар олдин сўфийлар тарафидан валийлик, каромат тушунчалари орқали баён этилган эди. Тангри Таоло инсонга шундай қудратлар берган экан, нега инсоннинг ўзи Унга ишонмасин, Уни тан олмасин, ахир!)

Шайх Нажмиддин Кубро хонақоҳда мурид тарбиялашнинг ўзига хос усулларини ишлаб чиқади, ўнта талаб асосида тариқат манзилларини босиб ўтиш ва покланиб, маърифатга эришиш йўллари борлигини кўрсатади. «Рисола ат-туруқ» («Тариқатлар рисоласи» ва «Ал-Усул ал-ашара» («Ўнта усул») номли китобларида сўфийлар тарбиясида қуйидаги ўнта талабнинг муҳимлиги қайд этилади: Тавба, Зухд, Таваккул, Қаноат, Узлат, Зикр, Таважжуҳ, Сабр, Мувоқабат, Ризо.

**ТАВБА** — барча амалларнинг боши. Ўз гуноҳларини англаб, Аллоҳ таоло олдида тавба қилган ва бундан кейинги ҳаётини фақат илоҳий эзгулик ва хайрга бағишлашга аҳд қилган одамгина тариқатга кира олади. Тавба қилган одам бир ҳаёт тарзини тарк этиб, иккинчисига ўтади, хулқу хўйини, ахлоқини ўзгартира бошлайди, ўзини англаш сари сафарга чиқади.

**ЗУҲД** — тақво, парҳез демак. Зеро, тавба қилган киши энди ҳаромдан ҳазар қилиб, ҳалолликка юз тутиши, Аллоҳдан қўрқиб, Аллоҳ ман этган ишларни қилмаслиги лозим.

**ТАВАККУЛ** — ўз амаллари, фикри ва ишларида ёлғиз Аллоҳга суяниш демак. Ризқни Аллоҳ беради, инсон тақдирини Аллоҳ белгилайди ва инсон амаллари ҳам Аллоҳ иродаси доирасида бўлиши керак. Чунки яхшилик ва ёмонлик, тўқлик ва очлик, бойлик ва камбағаллик ҳам Аллоҳдандир. Аллоҳ бизни тоат-ибодатга чорлайди, инсонлигимизни эслатиб туради. Аммо инсон буюк зарурият ичрадир. Унинг фаолияти, ижоди ва қудрати шу Илоҳий заруриятдан ташқарига чиқиб кетолмайди. Инсон буни англамоғи лозим. Чунки инсон барча мавжудот каби фонийдир, у абадий эмас. Абадий фақат Аллоҳнинг ўзи, агар инсон абадиятни хоҳласа, Аллоҳ сари интилсин, **Поклик** оламига қараб, камол касб этсин.

**ҚАНОАТ** — камолотнинг энг мақбул йўли ҳисобланади. Модомики инсон фаришта билан ҳайвон орасида турувчи махлуқ экан, унда руҳ ва жисм кураши муқаррар бўлиб, камолот ана шу жисм талабларини енга бориш ва руҳ талабларини кўпайтириш билан қўлга киради. Қаноат инсонни инсон қилади, маънавият безаги билан безатади.

**УЗЛАТ** — тасаввуф таълимотига кўра инсоннинг руҳи, агар у покланишига мойил бўлса, табиий равишда яққаланиш ва гўшанишин бўлишни талаб қилади. Инсон руҳи тажрид (ажралиш) ва тафрид (ёлғизланиш) босқичларини босиб ўтмаса, мутлақ покланмайди. Узлат — сўфийларнинг чилла ўтиришлари, хилватлари билан амалга оширилган.

**ТАВАЖЖУҲ** — кураш, ўзи билан ўзининг кураши. Солик ҳамма вақт Яратганга юзланиб, Ундан мадад сўраб, Унга сари қалбан интилноғи даркор.

**САБР** — соликнинг эътиқоди, ниятини синаш. Ҳақ йўли оғир ва мушкул йўл, Унинг азобу изтиробига чидаган кишиларгина мақсадга эришади. Тариқат йўловчиси сабр манзилдан ўтса, ажиб бир руҳий довондан ўтган, янги куч-қудрат топган бўлади.

**МУРОҚАБА** — кузатиш, тафаккур-шуурга берилиш демак. Тавба-тазарру қилиб, зикру тоат, сабру садоқат билан ўзининг маърифатини ошириб борган солик, бора-бора осойишта бир ҳолга келади, Аллоҳ дийдори ёдида тафаккурга фарқ бўлади, оламларни

руҳан сайр қилиб чиқади, кўз олдига ҲАҚ ТАОЛО жамоли ва Пайғамбар сиймосини келтира олади. Руҳи тўлишиб, тасаввур ва тахайюли кенгаяди, ғайб асрори эшиклари юзага очилади.

ЗИКР — сўфий одам ҳар ерда, ҳар доим Аллоҳнинг исмларини тилидан қўймаслиги керак, калималарни, дуоларни мунтазам такрорлаб туриши билан қалбга Аллоҳ таоло сифатлари ва Зоти жойланади. Аллоҳ нури порлай бошлайди.

РИЗО — солиқ Аллоҳ қудратини, илмини чуқур ҳис қилган ҳолда, ўзини буткул Унинг иродасига топширади ва Аллоҳ олами билан ҳузурлана бошлайди. Ҳақ унга ва у Ҳаққа яқинлашади.

Нажмиддин Кубронинг «Ал-Усул ал-ашара» рисоласи теран фалсафий асар бўлиб, XIII аср фалсафий йўналишларига кучли таъсир этган, деган фикрлар бор. Умуман, XIII аср тасаввуфнинг фалсафийлашув давридир. Бир асрнинг ўзида бир нечта буюк файласуф шайхлар етишиб чиқиб, ажойиб асарлар ёздилар ва Шарқ тафаккурини бир поғона юқори кўтардилар. Нажмиддин Кубро, Ибн ал-Арабий, Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий, Азизиддин Насафий деярли замондош мутафаккирлар эдилар, уларнинг ҳар бири тасаввуф ва фалсафани қўшишда алоҳида хизмат кўрсатди ва Ҳаким ат-Термизий, Имом Ғаззолий бошлаган ишни ривожлантирди.

Нажмиддин Кубронинг тасаввуф тарихидаги яна бир хизматлари — жавонмардлик ғояларини тариқатга жорий этиш бўлди. Аслида, бу иш ҳам илгари бўлган, чунончи, Абу Саид Абул Хайр (XI аср) саховат ва мардликни сўфийнинг сифатларидан ҳисоблайди. Бироқ Нажмиддин бу қарашни сўфийлар ҳаётига яна ҳам изчилроқ сингдириб юборди. Натижада, мардлик ва поклик, қаҳрамонлик ва фидойилик, маърифат ва жисмоний-руҳий қудрат бирлаштирилди, инсон камолотида ахлоқий юксаклик, ватанпарварлик ғоялари қўшилиб ифодаланди.

## Кароматлари

Каромат кўрсатиш, ғайб асроридан огоҳлик, хориқулудда ҳолатларни намоён қилиш машойих ва авлиёларнинг хислатидир. Маноқиб китобларида бунга катта эътибор берилади. «Тазкират-ул авлиёи туркий» китобининг муаллифи Муҳаммад Сиддиқ Рушдий ёзади: «Саҳоба ва тобиин ва табаа тобеин ва салафи солиҳиндин қарнан баъда қарин каромат ва хавориқи одотлар зоҳир бўлубдурки, тил била тақдир ва қалам бирла таҳрир қилмоқ била тугамайдур». Аввало шуки, авлиёлар суҳбатининг ўзи айни каромат, чунки улар суҳбатидан файзёб бўлган киши ўзини ўзга оламда ҳис этади, бир илоҳий қудрат билан тубанликдан юксаклик сари кўтарилади, мартаба-мақомга эришади.

Кишики бир нафас мардони Ҳақнинг суҳбатин олғай,  
Эрур беҳроқки юз йиллик ибодат бериё топқай.

«Каромати авлиёуллоҳ ҳақдур ва асру замонда авлиёуллоҳ нури валоятларидан олам холи бўлмағай». — деб таъкидлайди Муҳаммад Сиддиқ Рушдий. Воқеан, шундай ҳам: авлиёлар — эзгулик посбони, эзгулик эса енгилмасдир.

Шайх Нажмиддин Кубро ҳазратлари эса каромат кўрсатиш ва хориқулодда хислатлари билан машҳур бўлган. Ул зотни беҳудага «валийтарош» демаганлар. Зеро, валийларни тарбиялаб етиштириш учун ўзи валийлар пешвоси бўлиши керак. Шунини айтиш лозимки, кароматларнинг тури ҳам кўп, чунончи: қувваи назар, қувваи нафас, қувваи дил орқали бошқаларга таъсир этиш, воқеаларни олдиндан тушда кўриш ёки ўнгда ҳам бўлажак ишларни олдиндан сезиш, руҳан оламларни сайр қилиб қайтиш ва ҳоказо.

Нажмиддин Куброда кароматнинг кўринишлари кўп. Ул зот ҳам ўткир нафаси, ҳам назари ва ҳам суҳбати — сўзи билан қалбларга ғулғула сола олган. Жомийнинг «Нафаҳот ул-унс» асарида Кубро каромату ҳолатларидан бир неча мисол ва ривоятлар келтирилган. Шулардан баъзиларини қуйида келтириб ўтамиз.

**Назарининг ўткирлиги.** Шайхнинг қалбида илоҳий илҳом — «ғалаботи важд» қўзғалганда, унинг назари кимга тушса, валийлик хислатига эга бўлар экан. Чунончи, бир кун Нажмиддин Кубро шундай ҳолатда эканликларида, хонақоҳга бир савдогар томоша учун кириб келади. Шайхнинг назари мубораки савдогарга тушади ва савдогарнинг ҳолати ўзгариб, ўз касбидан воз кечади, қалбида валилик нури пайдо бўлади. Шайх ҳазратлари унга қараб: энди юртингга бориб, тариқатни эл орасига ёй, чунки сен насиба топдинг, дея башорат этадилар.

Бир кун Шайх Нажмиддин муридлари билан ўтирган эди. Осмонда бир қарчиғай саъвани қувиб борарди. Шайхнинг назари саъвага тушди ва шу заҳоти саъва журъатланиб орқасига қайтди ва қарчиғайга ташланиб, уни енгди ҳамда тутиб келтириб, Шайх оёғи остига ташлади.

Бир кун муридлари билан суҳбат асносида гап асҳоби қаҳф билан ғорга кириб, жаннатий бўлган ит ҳақида борарди. Саъиддин Ҳамавий дедики: «Оё бу замонда андоқ киши бўлғайким суҳбати итга асар қилғай?» Алишер Навоий «Насойим-ул муҳаббат» асарида ёзадиким, шайх Нажмиддин Кубро бу сўзни эшитгандан кейин «каромат нури била маълум қилдилар ва кўпиб хонақоҳ эшигига бориб турдилар». Шу пайт бир ит кириб келди. Шайхнинг назари ул итга тушди. Ит ўзга итлардан ажралиб «мутаҳаййир ва беҳуд бўлуб» бошини ерга суртар эди. Бошқа итлар уни тавоф қилгандай

атрофида юрардилар. Ит хонақоҳдан кетмади ва охири шу ерда ўлди. Ҳазрати Шайх уни одамлардай ювиб, дафн этдилар.

**Воқеаларни олдидан кўриш.** Бир кун Нажмиддин Кубронинг суюкли муриди Мажлиддин Бағлодий дарвешлар билан утирган эди. Унда беҳудлик ҳолати юз берди, дарвешларга қараб деди: биз ўрдак тухумлари эдик, шайхимиз Нажмиддин товуқ эди, бизни очди, биз дарёга қараб йўл олдик, у эса қирғоқда қолди. Бу гап Нажмиддин Кубронинг қулоғига етганда, у хафа бўлди ва Мажлиддинни қаргаб, «ва ўша сувда фарқ бўлиб ўл», деди. Дарҳақиқат, кўп ўтмай бир сабаб билан Муҳаммад Хоразмшоҳ Мажлиддинга ғазаб қилиб, уни Амударёга чўктириб ўлдирди. Бу воқеадан хабар топган Нажмиддин яна багтарроқ ранжийди. Энди у Хоразмшоҳнинг ҳалокатидан, Чингизнинг босиб келиши ва обод шаҳарларни вайрон қилишидан башорат беради. Муҳаммад Хоразмшоҳ олам жаҳон тухфа билан Шайх олдига кечирим сўраб келади, бошини оёғига кўяди. Аммо Шайх унга шафқат қилмайди: «Энди кеч бўлди, фарзандим Мажлиддин қони жамики эл-авлодинг, молу мулкингни берганингда ҳам ювилмайди. қонни қон ювади», — деб жавоб беради. Бу кароматлар тезда содир бўлди — Хоразм ўт ичида қолди.

**Муроқабани йўли билан ўзига мурид танлаш.** Бир кун Нажмиддин Кубро муриди Бобо Камол Жандийга бир хирқа бериб, деди: «Буни олиб Туркистон диёрига боргин, у ерда муфтий Мавлоно Шамсиддиннинг Аҳмади Мавлоно деган фарзанди бор, ўшанга кийдиргин ва уни бизнинг ҳузуримизга олиб келгин». Бобо Камол хирқани олиб Туркистонга жўнайди ва Аҳмади Мавлонони топиб олиб келади. Аҳмади Мавлононинг отаси: бу ўғлим нимжон, каттасини олиб боринг, у бақувватроқ, деб айтади. Лекин Бобо Камол Шайх Нажмиддин тайинлагани учун айнан кичик ўғлини олиб келади. Аҳмади Мавлоно дарҳақиқат ҳам катта ихлос билан шарияту тариқат илмларини ўзлаштириб, тезда истеъдоди намоён бўлади ва ҳатто ўз акасини ҳам кейинчалик тарбиялайди. Бу Шайх Нажмиддиннинг одамларни ғойибона танишига бир мисол, холос. Яна бир воқеа: Аҳмад Яссавий хонақоҳида юрган Айнуззамон Жамолиддин Гейли деган одам Нажмиддин Кубро овозасини эшитиб, Туркистондан Хоразмга йўл олади. Бир қанча китобларни ўзи билан бирга олиб келган эди. Хоразмга яқинлашганда, кечаси туш кўради. Тушида Нажмиддин унга қараб дейди: «Эй Гейли, орқангдаги юкингни ташла!» Уйғонгандан кейин, фикр қилиб, бу гап китобларга ишора бўлса керак, деб китобларни Жайхун сувига улоқтиради. Гейли Нажмиддин билан келиб учрашган заҳоти Шайх унга қараб дейди: «Агар ул юкингни ташламаганингда, келишинг бефойда эди», чунки сўфий илми китобда эмас, балки қалбададир.

Энди келтирилган ривоятларнинг хусусиятлари, талқинига келсак, аввало шуни айтиш керакки, уларни икки гуруҳга ажратиш мумкин: биринчи гуруҳ ривоятлар Шайхнинг ўзгаларга таъсир этиш қобилиятини, «қувваи назари» зўрлигини кўрсатса, иккинчи хиллари унинг башорат этиш қобилиятидан далолат беради. Шу ўринда бир изоҳ лозимки, одатда биз ривоят деганда халқ тўқиган, аслида бўлмаган воқеаларни англайдиган бўлиб қолганмиз. Аслида эса, ривоятлар оғиздан оғизга ўтиб келган ҳақиқатлардир. Юқорида келтирганимиз воқеалар ҳам ҳақиқатан содир бўлган, бунга тарихий шахслар гувоҳ. Умуман, қайд этганимиздай, одамнинг одам руҳи ва фикрига таъсири бўлишини ҳозирги фан ҳам исботлаб турибди. Шунинг учун саъванинг Шайх назаридан қувват топиб, ўз душмани қарчиғайни тутиб келтиришига ва савдогарнинг валийлик топишига билкулл ишониш керак. Нажмиддин Кубродай «валийтарош» улуғ шайхнинг назарлари тупроқни кимё қилғувчики, Аллоҳ бу инсонга шундай қудрат ато этган эди. Энди шундай савол туғилади: хўш, Нажмиддин Куброда шунақа қувватлантирувчи илоҳий қудрат бор экан, нега Хоразм лашкарига шундай муборак назарини ташламади, нега дуо билан ваҳший Чингиз босқинини қайтариб қололмади?

Бизда туғилган ушбу савол ўша пайтларда ҳам одамларда туғилган экан. Шайхнинг муридларидан баъзиси унга қараб, деганлар: «На бўлғайким, ҳазрати Шайх бир дуо қилсалар, шояд бу бало мусулмонлар бошидан кўтарилса?» Шайх Нажмиддин Кубро жавоб берадилар: «Бу қазои мубрам — ўзгармас қазодир, уни дуо билан даф қилиб бўлмайди... Бу Парвардигорнинг гуноҳкор бандаларига юборган азим жазосидир».

Шундан кейин ҳазрати Шайх муридларига жавоб бериб, ўзи лаънати мўғул лашкарига қарши жангга киради ва шаҳид бўлади...

Нажмиддин Кубро, воқеан, енгилдимикин? Мўғуллар Хоразмни ва бошқа обод шаҳарларимизни босиб олиб, кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган ваҳшийликларни қилдилар, маърифат ва маданиятимиз обидалари яксон бўлди, ёндирилди, вайрон этилди. Лекин халқимиз бу маданиятни янгидан тиклади, мўғул ваҳшийларидан бора-бора нишон ҳам қолмади — улар бутунлай маҳаллий халққа сингишиб, Исломни қабул этиб, ваҳшийлик ботқоғидан қутулиб, исломий ёруғликка кўтарилдилар ва, ҳатто, баъзилари кейинчалик исломий маърифат ҳомийлари бўлиб майдонга чиқдилар. Шундай экан, Шайх Нажмиддин ва унинг халқи енгилгани йўқ, мўғул лашкари енгилди — у йўқ бўлди. Бу асл маърифатнинг қудратига, тараққиётнинг ўлмаслигига мисолдир. Шунинг учун Шайхнинг «қувваи назари»ни маърифат қудрати, ўлмас маънавият қудрати, деб билиш керак.

Халқ буни жуда нозик анлаган. Халқ ривоятига кўра, мўғул лашкари Хулогу сардорлигида Хоразм устига етиб келганда кеч кириб қолади. Хулогу лашкарига дам бериб, шаҳарни эрталаб оламиз, дейди. Лекин эртага мўғуллар уйқудан уйғонганда Хоразм, яъни Урганж йўқ эди — ҳайвонлар ва қушларнинг овози эшитиларди-ю, бироқ одамлар кўринмас эди. Мўғуллар хайрон бўлиб турганда, уларнинг муллеси, «туслик аллома» бундай дейди: «Хоразмни фақат хоразмлик кўра олади, шунинг учун қаерда бўлса ҳам бир хоразмликни толиб келинглар». Бир балиқчини дарё қирғоғидан тутиб келтирадилар. Балиқчи дейди: «Хоразмни Шайх Нажмиддин яширган». Хулогу балиқчини Шайх олдига юбориб, унга Хоразмдан чиқиб кетишни маслаҳат беради. Аммо Шайх рози бўлмайди. «Мен бу ерда ўзимнинг энг бахтли кунларимни ўтказдим, шаҳар бошига фалокат тушганда, уни ташлаб кетиш пасткашликдир».

Шунда «туслик аллома» Хулогуга отларга эгарни тескари уриб, шаҳар томон силжишни маслаҳат беради. Бу орада айғоқчилар султон Хоразмшоҳга Нажмиддин устидан ғийбат қиладилар, у душман билан мулоқот қилмоқда, дейдилар. Султон Шайхдан хафа бўлади ва мўғуллар билан учрашишни унга манъ этади. Султон кишилари отларнинг тескари эгарланганини кўриб мўғуллар орқаларига қараб кетмоқдалар, деган хулосага келадилар ва буни султонга айтадилар. Шунда султон шаҳар дарвозаси олдига келиб, Нажмиддиндан: «Оёғингизни дарвозадан олинг», — деб буюради. Чунки Шайхнинг узатилган оёғи шаҳарни душман кўзига кўринмайдиган қилиб кўйган эди. Нажмиддин аввалига кўнмайди, бироқ қараса мўғул лашкари олдида Хизр келяпти. «Бу не ҳол?» деб сўрайди Шайх Хизрдан. «Бу тақдир ҳукми ва мен Сизни қутқаришга келдим», — деб жавоб беради Хизр. Шундан кейин Шайх оёғини йиғиштиради ва Хоразм кўзга кўринадиган бўлади ва душманлар уни эгалаб, вайрон этадилар...

Иккинчи гуруҳ ривоятлар ҳам аслида Шайхнинг мўғулларга ва султон Хоразмшоҳга муносабатига бағишланган. Бу ривоятларнинг замирида ноҳақ қон тўкиш, фисқу фасод, Исломнинг бузилиши, маънавийтсизлик кофирларнинг ғалабасини таъминлади, ноҳақдик бутун мамлакат учун ҳалокатли оқибатга олиб келди, деган ғоя ётади. Шайх Мажиддин Бағдодий билан боғлиқ ривоятда кичкина бир ишора борки, у Нажмиддин этиқодига тегишлидир. Бу ишора юқорида келтирилган ўрдақ тухуми ва товуқ ҳақидаги гапдир. Нажмиддинни шогирди Мажиддин товуққа ўхшатади ва ўзини ўрдакка. Нега, нима демоқчи бу билан? Демокчики, Нажмиддин суқрани, яъни беҳудлик назариясини, ботиний билишни, фано филлоҳни буткул қабул қилган эмас, у ақлий билим тарафдори бўлиб қолди. Мажиддин эса Бобо Фараж



каби, Боязид Бистомий каби, илоҳий оламга ғарқ бўлиб кетиш маслағида эди.

Бобо Камол Жандий билан боғлиқ ривоят эса, Шайх Нажмиддин Кубронинг истеъдодлар тарбиясига нақадар аҳамият бериши, сўфийлик истеъдоди бор кишиларни ғойибона таниб, уз атрофига жамлаш ва ишончли мураббийларга топшириб, Ҳақ илмини иложи борича кўпроқ қалбларга жойлаш учун курашганидан дарак беради.

Улуғ шайхлар ана шундай улуғ маърифатпарвар кишилар бўлганлар.

## Муридлари

Нажмиддин Кубронинг муридлари кўп бўлган. Эрон, Ўрта Осиё, Арабистон, Кавказ, Шому Ироқнинг турли жойларидан келиб, улуғ Шайх маърифатидан баҳраманд бўлганлар, суҳбатларида иштирок этганлар. Дейдиларким, мўғуллар истилоси арафасида Шайхнинг муридлари тўрт юздан ортиқ эди. Аммо улар орасида номлари тарихда қолган, ўзлари ҳам катта шайх даражасига кўтарилган бир неча кишилар бор.

Булар: шайх Маждиддин Бағдодий, шайх Саъдиддин Ҳамавий, шайх Сайфиддин Бохарзий, шайх Айн уз-замон Жамолиддин Гейли, шайх Бобо Камол Жандий, шайх Нажмиддин Розий Доя, шайх Розиддин Али Лоло, шайх Жамолиддин Аҳмад Журфоний ва бошқалар. Бундан ташқари, шайх Нуриддин Абдурахмон Исфарионий, Абул Макорим Рукниддин Алоуддавла, Аҳмад ибн Муҳаммад Биёбоний ҳам бевосита бўлмаса-да, бироқ нисба бўйича Нажмиддин Кубро муридларидирлар. Номлари тилга олинган шайхларнинг ҳар бири тасаввуф тарихида ўз мавқеига эга, кўплари янги равия ва силсилани асослаганлар. Лекин уларнинг ҳаммаси кубравия тариқатининг давомчилари ҳисобланадилар.

Кубравия тариқати фақат Мовароуннаҳр шаҳарларига эмас, балки Эрон, Миср, Ироқ ва Афғонистонга ҳам кириб борган. Айниқса, Ҳиндистонда кубравия тарафдорлари кўпдир. Кубравиядан фирдавсия, нурия, рукния, ҳамадония, игтишошия, нурбахшия каби тоифалар ўсиб чиққан. Фирдавсия тоифасини Ҳиндистонда Бадриддин Фирдавсий асослаган, нурия тоифаси Бағдодда Нуриддин Абдурахмон тарафидан, рукния тоифаси Рукниддин Алоуддавла томонидан, игтишошия Хуросонда Исҳоқ Хутталоний Нурбахш тарафидан асосланган.

Шундай қилиб, хоразмлик буюк шайхнинг тариқати бутун Шарққа тарқалди, унинг истеъдодли муридлари донишмандлик, исломий ҳикмат ва инсоний поклик, илоҳий маърифат ғояларини турли миллат ва элатлар орасига ёйдилар, исломнинг шуҳратига шуҳрат қўшдилар.

## Бадий ижоди

Нажмиддин Кубро аксар сўфий шайхлар каби рубоий ёзиш билан шуғулланган. Унинг рубоийлари шайхнинг қарашлари, ички дунёси, ботиний кечинмаларини билиб олишимизда ёрдам беради. Ҳар ҳолда, бадий ижод кишининг қалби ва руҳини ёрқинроқ акс эттиради. Шайх рубоийлари ичида нафсни мазаммат этувчилари, илоҳий маърифат асрорининг кашфидан хурсандликни ифодаловчилари, дарвеш кечинмаларини, сўфиёна дард-ҳаяжонларини берувчи ва умуман комил инсоннинг қарашларини акс эттирувчилар бор.

Чунончи, мана бу рубоийда руҳ хусусияти, борлиқ ва йўқлик тушунчалари бадий йўсинда талқин этилади:

Чун нест зи ҳар чи нест жуз бод ба даст,  
Чун ҳаст ба ҳар чи ҳаст нуқсону шикаст.  
Пиндор ,ки ҳаст ҳар чи дар олам нест,  
Ангор, ки нест ҳар чи дар олам ҳаст.

(Модомики, ҳар бир йўқ нарсадан шамол каби қўлда ҳеч нарса қолмас экан, ҳар бир бор нарсада нуқсон ва емирилиш бор экан, сен оламда йўқ нарсаларни бор деб бил ва оламда бор нарсаларни йўқ деб ҳисобла).

Бу Аллоҳни ва руҳни ҳақиқий борлиқ деб ҳисобловчи тасаввуф таълимотининг ғоясидир. Бизга бор бўлиб туюлган нарсалар аслида йўқдир, чунки улар яралган ва комил эмас, улар ўзгаришда, емирилиш ва йўқолишдадир. Йўқ бўлиб туюлган руҳ эмас, худди шамол кўринмаганидек кўринмаса-да, аммо бордир ва комилдир ва собитдир.

Ақл аз раҳи ту ҳадису афсона барад,  
Дар кўйи ту мардуми девона барад.  
Ҳар лаҳза чу ман ҳазор дилсўхтаро  
Савдойи ту аз каъба ба бутхона барад.

(Ақл Сенинг йўлингда фақат афсона, ривоят ёки ҳодисаларнигина англай олади. Сенинг кўйингга девона одамларнинг йўли олиб боради. Ҳар лаҳзада мен каби минглаб дили куйган ошиқларингни Сенинг савдонг Каъбадан бутхонага олиб боради).

Илоҳий оламни ақл билан билиш мумкин эмас, ақл фақат зоҳирий нарсаларни, ҳодисани билиши мумкин. Моҳиятини эса «девона» қалб билишга қодир. «Девоналар» — ошиқлар учун Каъбаю бутхона орасида фарқ йўқ. «Бутхона» деганда ошиқлар Аллоҳ васлини, илоҳиёт ҳузурини тушунадилар. Ушбу рубоийда ана шу ғоялар ифодаланган.

Мана бу рубойида эса ваҳдат ул-вужуд фалсафасининг моҳияти акс этган:

Дар роҳи талаб расидае мебояд,  
Доман зи жаҳон кашидае мебояд,  
Бинойи хешро даво кун, зеро-к  
Олам ҳама Ёст, дидае мебояд.

(Талаб йўлида етуклик керак, бунинг учун этакни жаҳондан тортиш керак. Ўз кўзларингни даволагин, зеро Бутун олам Удир, фақат кўрадиган кўз керак).

Шайх Нажмиддин Кубро сўфий камолоти, тасаввуф талабларини мана шундай сатрларда ифодалаб берган. Тариқатда талаб, садоқат, ошиқликнинг зарурлиги таъкидланади. Ошиқ одам дардли бўлади. Энг буюк дард эса, Худога эришиш, Ҳақни таниш дардидир. Бу дард кишини азобларга солади ва айни вақтда мард қилади:

Чун ишқ ба дил расад, дил дард кунад,  
Дарди дили мард мардро мард кунад.  
Дар оташи ишқи худ бисўзад в-он гаҳ,  
Дўзах зи баройи дигарон сард кунад.

(Ишқ кўнгилга тушгач, кўнгил дардли бўлади. Марднинг қалбидаги дард мардни мард қилади. У ўз ишқи оташида ёниб, сўнгра бошқалар учун дўзахни совилади).

Шундай — чин сўфийларнинг нияти ўзгалар учун Ҳақ муҳаббатини қозониш, дўзахни биҳиштга айлантириш бўлган.

Нажмиддин Кубро инсонни тубанлаштирувчи нафсни дев қиёфасида тасвирлайди:

Девест даруни ман, ки пинҳони нест,  
Бардоштани сараш ба осони нест.  
Иймонаш ҳазор бор талқин кардам,  
Он кофирро сари мусулмони нест.

(Ичимда бир дев бор, у яширин эмас. Бошини кўтариши ҳам осонлик билан бўлмайди. Минг марта имонга келтириб, мусулмон қилмоқчи бўлдим, аммо ул кофирда мусулмонликдан нишона йўқ).

Нафс — ғаддор душман ва қаттол кофир. Нафс девининг бошини янчган киши қаноат мулкининг соҳибқирони бўлиб, поклик ҳазинасини қўлга кирита олади.

Нажмиддин Кубро рубойларида фалсафий мушоҳадалар, таваккул, тақдир ҳақида, оламнинг тузилиши ҳақида ўйлар акс этган. Бу жиҳатдан унинг бир неча рубойиси Умар Хайём рубойларига мазмунан ўхшаб кетади ва яна қизиғи шуки, XIV аср хоразмлик шоир ва сўфий Паҳлавон Маҳмуд рубойлари билан ҳам оҳанглошлик сезилади:

Як дам дили мардонаи фарзонаи мо  
Холи нашавад зи ишқи жононаи мо,  
Он дам, ки шароби ошиқи дардонанд,  
Дар хуни жигар заданд паймонаи мо.

(Бизнинг фарзона мард дилимиз жонон (Аллоҳ) ишқидан бир лаҳза ҳам холи эмас. Ошиқлик шаробини тарқатганда, бизнинг паймонани жигар қонига ботирдилар).

Ҳа, Аҳмад ибн Умар ал-Хивақий — Абул Жанноб Нажмиддин Кубро Аллоҳнинг мана шундай ошиғи, чин инсонийлик, маърифат ва мардлик тимсоли эди. У авлодлар қалбида шундай муқаддас ва мўътабар зотлардан бўлиб қолади.

## ИЛОВА

### Илм хосияти<sup>1</sup>

*Олтмиш ёш умр сарҳадидаги залворли доводир. Бу қутлуғ ёшни қаршилаган инсон йилларни бир-бир сарҳисоб қилиши, маълум ҳаётий хулосаларга келиши табиий. Бундай хулосалар муштарийларимиз учун ибратли бўлиши шубҳасиздир. Бугунги суҳбатдошимиз ана шу қутлуғ ёшга тўлган таниқли олим, таржима ва тасаввуф илмининг билимдони, филология фанлари доктори, профессор Нажмиддин Комилов.*

*Яқинда «Ёзувчи» нашриёти олимнинг «Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи», «Маънавият» нашриёти эса «Комил инсон ҳақида тўрт рисола» ва «Тафаккур карвонлари» номли китобларини чоп этди. Домла билан халқимизнинг буюк маданий мероси, жумладан, тасаввуф ғояларининг бугунги аҳамияти, етук раҳбар кадрлар, баркамол ворислар тарбиялаш мавзуларида суҳбатлашар эканмиз, йўл-йўлакай олимнинг ҳаётий ва илмий хулосалари, ижодий режалари ҳақида ҳам билишга интилдик. Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида «Ўзбекистон давлатчилиги тарихи ва диншунослик» кафедраси муdiri бўлиб ишлаётган таниқли олим Нажмиддин Комиловни шоирона таъб соҳиби сифатида ҳам танишга муяссар бўлдик.*

Кўнайсин АЛИЕВА

— Давлат ва жамият ривожини доимо фан ва маданият, илмий тафаккур тараққиёти билан чамбарчас боғлиқ равишда рўй берган. Тасаввуф илми тадқиқотчиси сифатида тасаввуф ғояларининг жамият ҳаётидаги ўрни ҳақида сўзласангиз...

— Аввало, шуни айтиш керакки, тасаввуф илми, жумладан, ўзларини Ҳақ аҳли деб билган кишилар ҳам тарих саҳнасида тасодифан пайдо бўлган эмас. Уларни ҳаёт талаби, инсоният тараққиётининг муайян бир босқичидаги эҳтиёж юзага келтирган.

---

<sup>1</sup>Ушбу суҳбат «Миллий тикланиш» газетасининг 1997 йил 21 октябрь 6 сонидан босилган.

Ҳа, тасаввуф VIII асрнинг ўрталарида шаклланган ислом олами-нинг фалсафий-ирфоний таълимоти сифатида тафаккур тараққиё-тининг, ижтимоий-тарихий шароитнинг таъсири, талаби, тақозоси бўлган.

Агар тасаввуфнинг моҳиятига диққат билан назар солсак, унда фалсафа ҳам, ахлоқ ҳам, имон-эътиқод, яъни дин ҳам мавжудлигини кўрамиз. Тасаввуф халқимиз маънавиятининг ўзак-негизидир. Зотан, «маънавият», «маънавий» деган тушун-чалар тасаввуф аҳли тушунчаларидир. Тасаввуф дунёни билиш-ни, конкрет кундалик ҳаётни, инсоннинг дунё ва коинот, замон ва макон, лаҳза ва абадият, ҳодиса ва моҳият ҳақида қараш-ларини ўзида мужассамлаштиради. Шунинг учун ҳам тасаввуфни илм-маърифат тараққиётидан ташқарида тасаввур қилиб бўл-майди.

Тасаввуф — бу Мутлақ Илоҳни таниш ва севиш илми. Киши қалбида илоҳий муҳаббат, эзгуликка, Ҳақ ва ҳақиқатга ишқ қанча кучли бўлса, у шунча сўфийдир, демак, пок кўнгил билан бош-қаларга ибрат бўладиган, ёлғон ва риёни, зулм ва ноҳақликни ёмон кўрадиган инсондир. Зеро, тасаввуф зоҳирий тоат-ибодатдан кўра, расм-русумларни бажаришдан кўра, ботиний тозаликни, қалб орқали англаган тавҳидий имон-эътиқодни ва руҳий-маънавий камолотни ҳамма нарсадан афзал деб билади. Мен тасаввуф ҳақидаги илмий ишлар, мутафаккир шайхлар, улуғ шоирлар асарларини мутолаа қилар эканман, шунга амин бўлдимки, тасаввуф инсоннинг ўз-ўзига қарши исёни, ўзининг нуқсон-гуноҳларини англаш, табиий-ҳайвоний хусусиятлари, яъни нафсга, жисмга, нафсни парвариш этадиган моддийликка қарши кураши экан. Ҳар бир авлиё, сўфий шу жангга кирган қаҳрамондай туюлади менга.

Демак, тасаввуф авлиёлар эътиқодидан туғилган илмдир. Биз тасаввуфни ўрганмасдан туриб, Шарқ фалсафасини, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбандларнинг дунёқараши, таълимотини, сўфиёна адабиётимиз ғоялари тим-солларини билиб ололмаймиз. Лўнда қилиб айтганда, Ислом моҳияти, маърифатини англаш, кейинги бир ярим минг йиллик маданий тарихимизнинг бебаҳо қадриятларини ўрганиш учун ҳам тасаввуф калитдир.

Айрим тадқиқотчилар тасаввуфни, сўфийларни Одам Ато замонидан бери бор эди, дейдилар. Бу, бежиз эмас. Чунки тасаввуфда Одам Атодан мерос эҳтиёжлар, ғоялар, фикрлар бор. Менимча, тасаввуф — одамнинг орзулари билан реал ҳаёт ора-сидаги келишмовчиликлар, қарама-қаршиликларни муросага

келтириш учун пайдо бўлган фандир. Чунки, умуман одам боласи пайдо бўлганидан буён унда бир-бирига зид икки ибтидо мавжуддир. Вужудимизнинг талаблари бизни ҳайвонот оламига, табиатга яқинлигимизни эслатса, маънавий баркамоллик истаги бизнинг руҳдан иборат эканимиз, илоҳиятга тааллуқлигимиздан нишонандир. Бу икки ибтидо доимо инсон вужудида зиддиятда бўлиб келган. Ана шу қарама-қаршилиқлар гирдобидаги инсон табиий эҳтиёжлар қобиғидан ёриб чиқишга интилади. «Мен инсонман», «Мен Илоҳданман», «Мен Руҳданман», деган фикр бот-бот унинг шуурига келади. Бироқ, инсондаги табиий эҳтиёжлар ҳам уни ўз измидан холи бўлишга йўл кўймайди. Шу эҳтиёж талабидан инсон моддий неъматлар ишлаб чиқаради, табиий кўпаяди. Инсон тирик экан, ана шу ўзаро зид ва айни пайтда бир-бирисиз яшай олмайдиган икки қутб ҳукмида бўлади.

Тасаввуф таълимотининг марказида Инсон туради, аслида бунини Инсон руҳияти ҳақидаги фан деса ҳам бўлади. Мутафаккир ажодларимизни қизиқтирган асосий масала инсонни унинг ўзига англатиш, инсонни тушуниш эди. Инсон ким, унинг буюклиги нимада, тубанлашувининг сабаби-чи? Инсон ўз фаолиятида озодми ёки қул, агар қул — банда бўлса, кимга банда, унинг эрки нимада-ю эркинлиги нимада? Инсонни қандай қилиб қутқариш керак? Ушбу саволлар ҳар доим кун тартибида бўлиб келган ва шу боис тасаввуф аҳли ахлоқий тарбияга жуда катта аҳамият берган.

Инсон орзуларининг интиҳоси йўқ. Орзусиз ҳаётнинг гўзаллиги ҳам, қиймати ҳам сариқ чақачалик эмас. Мана шунинг учун тасаввуф аҳли инсонни моддий эҳтиёжлардан ғолиб келишга, ўзининг илоҳийлигига қараб бориш, муқаддаслигини ўйлаш, улуғлигига муносиб ҳаракатлар қилишга ундаган. Бунинг учун вужудни унутиш, фонийлик назарияси, тариқат ғоялари юзага келди. Тасаввуф аҳли шу ғоялар асосида инсонда манманликни енгил, одамнинг руҳини чиниқтириш, маънавиятини юксалтириш билан МЕНни кучайтиришга ҳаракат қилган.

Хўш, тасаввуф салбий ҳодисами ёки ижобийми? Баъзилар: «Тасаввуф таркидунёчиликка, инсоннинг реал ҳаётдан ажралишига олиб келди», — дейдилар. Жумладан, коммунистлар тасаввуфни одамларни таркидунёчиликка, гўшанишинликка даъват қилганликда айбладилар. Уларнинг фикрича, тасаввуф инсонни ҳаётдан узоқлаштириш баробарида уни ҳаёт лаззатларидан бебаҳра қилади. Шунинг учун у тараққиётга зид таълимотдир.

Менинг назаримда бу — тасаввуфни ниҳоятда юзаки тушунишдир. Одамзод қалбидаги орзуларни назар-писанд қилмаслик,

инсон руҳиятини назарга илмасликдан келиб чиқади бу фикр. Ваҳоланки, тасаввуф ҳеч қачон реалликни, моддийликни инкор қилгани йўқ. Аксинча, моддий эҳтиёжлар билангина чегараланиб қолмаслик керак, дея таълим берган. Агар сен ҳақиқий инсон бўлмай, моддий эҳтиёжлар гирдобида қолиш билангина чегаралансанг, сенда ҳайвоний хислатлар ривож топиб, илоҳийлигинг унутилиб боради. Охир-оқибатда сен тубанлашиб кетаверасан, дейди тасаввуф аҳли. Жалолиддин Румий: «Модда бир отдир, руҳ унинг суворийсидир», — деган эди. У, моддийликни жиловлай олсанг, уни бошқариб бўйсундирсанг, демак сен юксаксан. Агар у сени бўйсундирса, олиб қочади ва ҳалок қилади, деган фикрни таъкидлайди.

Ҳаёт мураккаб. Аслини олганда, табиатнинг ўзи ҳам ғоят мураккабдир. Табиатнинг гултожи бўлган инсон эса ундан-да мураккаброқдир. Бу мураккаблик инсонларнинг ўзаро муносабатида ёрқин акс этади. Чунки ҳар бир шахснинг ўзи бир оламдир. Шу маънода Ғёте: «Бир шахснинг вафоти билан бир олам йўқ бўлди», — деганида бениҳоя ҳақ эди.

Ҳар бир инсоннинг орзу-армонлари, илми, тафаккури, кечинмалари, ҳис-туйғулари беҳисоб. Ана шуларнинг ҳаммаси жам бўлиб бир таълимот вужудга келган. Бу ажойиб таълимот юракка суянадиган, инсоннинг қалбини эзгулик билан тўлдириш ниятида пайдо бўлган таълимотдир. Ана шунинг учун у шоирларга, шеърятга жуда катта таъсир қилган. Унинг таъсирида ажойиб, дунёда энг гўзал, энг жўшқин шеърят вужудга келгандир. Тасаввуф таъсиридаги шоирлар, адабиётчилар ҳозир ҳам мавжуд. Улар тасаввуфни янгича талқин қилиб, бадий асарлар ёзмоқдалар. Бу ҳам унинг ўлмаслигидан далолат беради.

— Комил инсон тарбияси тарихда кўплаб жамиятларнинг асосий муаммоларидан бири бўлиб келган. Бу ўринда халқни маърифатли қилишга алоҳида эътибор берилган. Бироқ ўзларини маърифатли инсонлар деб биладиган барчани комил инсонлар дея олмаймиз. Айтинг-чи, комил инсон қандай хислатларга эга бўлиши керак? Аждодларимизнинг бу борадаги изланишлари қандай хулосаларга олиб келган?

— Тасаввуфдаги комил инсон тушунчаси билан бизнинг тушунчаларимиз орасида фарқ бор, албатта. Ҳатто маърифатли ҳар бир кишини комил инсон дея олмаймиз.

Тасаввуф таълимоти бўйича комил инсон аллақандай идеал, Худога яқин бир вужуд. Ўша ғайб оламидан оддий одамларга хабар берадиган, илми ўша ғайб илмига уланган кишидир.



Албатта, маънавий баркамолликни ният қилар эканмиз, идеалга интилишимиз керак бўлади. Хўш, идеалга интилиш дегани нима ўзи? Менимча, бу — идеалнинг хислатларини ўзида сингдира бориш, ўзида кашф этиш, пайдо қилиш, шакллантириш деганидир.

Тасаввуф нафсоний сифатлардан воз кечишдир. Нафсоний сифатлар деганимиз, юқорида қайд этганимиздек, моддият, вужуд билан боғлиқ сифатлар бўлади. Инсон умр бўйи шунга интилар, роя қилар экан, охир-оқибатда яхши одамга айланади. Бу йўлда курашган одам шу зайлда такомиллашиб, камол топиб, сай-қалланиб боради. Унинг характери, ақли, диди, ҳислари чархланиб, мулойимлашиб боради. Буларнинг ҳаммаси комилликка қараб боришдир. Мабодо биз бутунлай комиллик даражасига етмаганимизда ҳам яхшиликка қараб интилсак, умр бўйи такомиллашиб борамиз. Мана шунинг ўзи комилликни кашф этиш дейлади. Дунёвий билимларни ўрганиш, шариат илмини, илоҳий билимларни эгаллаш ва унга амал қилиш — ҳаммаси бизни камолот сари олиб боради.

Умуман олганда эса, Мирзо Бедил каби улуғ зотлар дунёвийлик билан илоҳийликни ўзаро зид қўймасдан, уларни бирга олиб қараганлар. Зеро, улар назарида дунёвий илмлар ҳам Аллоҳ илмининг бир қисми, дунёни билмасдан туриб, Аллоҳни билиш қийин.

Комил инсон сифатларига таъриф берадиган бўлсак, улар тасаввуфда ўзгача, динда бошқача, илм аҳлида ўзгача эканини кузатамиз.

Шариат аҳли таърифида комил инсон — мўмин-қобил, чин муслмон киши. Унда беш вақт намозини қанда қилмайдиган, рўза тутадиган, ҳажга борадиган, закот берадиган ва бошқа суннат талабларини адо этадиган одам комил инсон дейилади. Беруний ёки Форобийга диққат қилсангиз, комил инсон таърифи бошқачадир. Хусусан, Форобийнинг «Фозил одамлар шаҳри» китобини ўқисангиз, комиллик ақллилик ва ахлоқийлик билан ўлчанганини биласиз. Агар одам ақлли бўлса, унда адолат туйғуси жўш уриб турган бўлса, фозиллар суҳбатидан баҳра олган бўлса, ўша комил одам, дейилади бу китобда. Бироқ тасаввуф аҳли фикрича, комил инсон бўлиш учун буларнинг ўзигина етарли эмас. Инсон комиллик даражасига етишиши учун фозиллик, ақллилик, одиллик, шариат амалларини бекаму кўст бажаришдан ташқари кароматли авлиё ҳам бўлиши зарур. Комил инсон валийлик хислатига ҳам эга

бўлиши, яъни у ўзгаларга ғайбдан мужда, хабар бериб туриши керак.

— Мамлакатимиз мустақил бўлди. Жамиятимизнинг илм-маърифатли, хушахлоқ, эътиқодли кишилар ҳақидаги идеаллари ўтмишда тасаввур этилган комил инсон ҳақидаги ғояларга нечоғли яқин ёки узоқ?

— Менинг назаримда, истиқлол, энг аввало, фикрга, тафаккурга эрк бергани билан мўътабардир. Китобхонларда илгари совет даврида тафаккур йўқмиди, деган савол туғилиши мумкин. Ҳа, тафаккур илгари ҳам мавжуд эди. Бироқ у марказга боғланган, у ердаги тузум манфаати доирасидагина фикрлайдиган олимлар қарашларига боғланган эди. Коммунистик ғоя билан боғланган, бўғилган фикр бор эди, холос. Ўша идеология, ғоя қобидан ташқарига чиқиш эса гуноҳ, жиноят ҳисобланар, бундай ҳаракат мутлақо ман қилинган эди.

Мустақиллик тафаккури биринчи навбатда миллий озодлик тафаккуридир. Ўзбек миллатининг тараққиёти учун, Ўзбекистон аҳлининг камолоти, маънавияти, моддий юксалиши учун хизмат қиладиган, тараққиёт учун йўналтирилган эркин фикр, ғоя бизнинг мафкурамиз ҳисобланади. Тарихни, умуман, ватандошларимизни камолотга етаклайдиган илмни ўрганиш ҳам мустақиллик мафкураси билан чамбарчас боғлиқ. Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ буюк боболар меросига катта эътибор берилгани, жумладан, тасаввуф ҳақида китоблар чоп этила бошлагани, Хожа Аҳмад Яссавий, Имом Бухорий, Имом Термизий, Ақмад Фарғоний, Бурҳониддин Марғиноний, Имом Мотуридий, Алишер Навоий Хожа Абдулхолиқ Фихривоний, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд каби улуғ аждодларимиз юбилейлари ўтказила бошлагани миллий қадриятларни тиклаш, мана шу муқаддас заминда яшаб келган халқ манфаатларининг ҳақиқий ҳимоячиси бўлган давлат сиёсатига айланганидан мужда эди.

Бу муборак кунларнинг қадрига шунинг учун ҳам етиш керакки, куни кеча Яссавий номини тилга олганлар компартия марказқўмида муҳокама қилиниб, улар тараққиётга қарши одамлар, деб қораланган эди. Мустақиллик ўша курашларнинг зое кетмаганини кўриш бахтинигина бериб қолмасдан, миллионлар онгини чалғитган коммунистик ғояларнинг ўзи аслида реакцион эканини фош этиш имконини ҳам яратди. Тасаввуф эса инсон қалби ҳақидаги таълим сифатида азалдан унинг маънавий, руҳий камолотига кўмаклашиб келди. Бу фан инсонни, унинг ахлоқини поклаш борасидаги ғоялари билан бугун ҳам ўз долзарблигини йўқотгани йўқ. Мустақиллик бизга янги ҳаёт қуриш имконини берди. Ҳа, биз

миллат сифатида ўз қадримизни тиклайдиган, ҳар биримиз ўзимизни поқлайдиган замон келди. Бу, аввало, тавбадан, янги ҳаётга юз буришдан бошланади. Бу ишда бизга тасаввуфнинг фойдали бўлиши шубҳасиздир.

Биз бозор иқтисодиётига ўтдик. Мамлакатда янги табақалар, тоифалар шаклланмоқда, мулкка муносабат ўзгарди. Айни вақтда, бу жараён маълум маънода ўзим бўларчилик истаги, нафсга ружу қўйишга ҳам олиб келганини кўриш қийин эмас. Кўринадики, тасаввуф маънавий поқланиш таълимоти сифатида яна ҳам долзарблашиб бормоқда, аҳамияти ортмоқда.

Шуниси қизиқ ва ташвишлики, эски тузум сарқитларидан қутула олмаган айримлар гарчи тасаввуфни реакцион деб очиқдан очиқ айтмасалар-да, айрим давраларда кўнгилга ҳадик соладиган гапларни тарқатиб юрибдилар. Оқибатда тарихни бузиш давом этаяпти. Ҳатто, тасаввуфнинг Жалолиддин Румий, Алишер Навоий, Носир Хусрав, Умар Хайём каби йирик намояндаларини «улар тарихан эркин фикрли кишилар бўлгани, динга қарши бўлгани учун кучли ижодкорларга айланган», деган фикрлар билан тарих бузиб кўрсатиляпти. Аслида эса бу зотлар тасаввуф аҳли сифатида расмиятчиликка, дин раҳнамоларининг схоластикасига қарши курашган. Улар ҳурфикрлигининг асл манбаи тасаввуфдир, яъни дунё моҳиятини теранроқ англашдир.

— Жаҳонда илм-фаннинг, иқтисодий ривожланишнинг тезлашиши инсонлар ақлий тараққиётининг жадаллашишини ҳам тақозо этмоқда. Шу боисми, гоҳо ақлий тараққиёт маънавий, руҳий ривожланишдан устун қўйилаётир. Аждодларимиз эса комил инсон тарбияси, энг аввало, руҳни тарбиялашдан бошланади, деган фикрда бўлганлар. Бундай зиддиятли ҳол инсониятнинг камолотига салбий таъсир этмайдими?

— Бу савол бугунги кунда бутун инсониятни ўйлантириб келмоқда. Европада Рим клуби деган ташкилот бор. У ташкилот ҳар йили дунёдаги инсоният истиқболи ҳақида ўйлайдиган мутахассисларни йиғиб, уларнинг маърузасини эшитиши ва китоб ҳолида нашр этади. Инсон ўзи яратган техника мўъжизаларига қул бўлиб қолмайдими? Одамнинг ўзи одамзод ўрнини эгаллаётган техникадан ортда қолиб кетмасмикан? Мусиқа, адабиёт тақдири, одамгарчилик, атроф муҳит экологияси, ижтимоий экология, табиат экологияси — ҳаммаси бугун одамзодни ўйлантиряпти. Мана, асримизда атом яратилди. У инсониятга қанчалик фойда ва зарар келтирмоқда. Шу каби кашфиётлар охир-оқибатда инсониятни ҳалокатга олиб келмайдими? Ер юзидан одамзод жинсини йўқ қилиб юбормасмикан, деган ташвиш эса тобора кучаяётир.

Тасаввуфга келсак, у азалдан ақлий тараққиётдан маънавий тараққиётни устун қўйган. Жумладан, гарчи ақл Худонинг муъжизаларидан бири, деб тан олинса-да, Исломда ва Қуръонда ҳаддан ташқари ақлга берилиб кетиш ҳам хунук оқибатларга олиб келиши, Илоҳга, имонга бўлган ишончни йўқотмаслик инсонга қайта-қайта уқтирилади. Бунинг тагида жуда катта ҳикмат бор. Зеро, бу таълимотда инсон яратган муъжизалар, аввало, инсоннинг ҳис-туйғулари бойишига, ташвишлари камайишига, камолотига хизмат қилсагина қимматга эга, деган фикр мавжуд. Назаримда, биз тараққиёт сари қадам қўймоқдамиз. Европа, буёғи Осиё ҳамда америкаликлар билан алоқамиз кенгаймоқда. Японлар, корейслар, малайзияликлар тараққиёти бизни лол қолдирмоқда. Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов бу тараққиётни ўзлаштиришимиз, ўрганишимиз керак, деб таъкидлар эканлар, ёшларимиз ўқисин, аммо ўзбеклигини унутмасин, маънавий камолот билан одамгарчиликни бирга қўшиб олиб борсин, дейдилар. Дарҳақиқат, иккиси қўшилмаса, биз ҳеч нарсага эриша олмаймиз. Жамиятимиз тараққиётда ана шу ақлий камолот билан маънавий камолотни бирга-ликда олиб бориш билан маънавиятни бир-бирига қарама-қарши қўйиш тўғри эмас. Фикрлайдиган одам, тафаккур қиладиган инсон ҳар ҳолда маънавиятдан йироқ бўлмайди. Маънавияти юксак одамда эса билим қанчалик кўп бўлса, камтарлик ҳам шунча зиёда бўлади. Унинг фикри ҳам соғлом бўлади. Шу боис маънавий фикрнинг фойдаси ғоят каттадир.

— Эътиқоди суствлар нафс исканжасида жамият манфаатини унутишини, аввало, ўз эҳтиёжини ўйлашини кузатамиз. Эътиқодли, солиқ кишилар эса бу дунё, жумладан, жамият муаммоларидан узоқроқ бўлишга интиладилар. Шундай экан, мамлакат тақдирини белгилайдиган, унинг ривожини кафолатлайдиган инсон қандай бўлиши керак, деб ўйлайсиз?

— Дунёга муносабат, бойликка муносабат ғоят мураккаб масала. Одамни яхши яшаш орзусидан маҳрум қилиб бўлмайди. Яхши яшаш учун интилиш, меҳнат қилиш керак. Бунинг учун шароит бўлиши лозим. Уй-жой масаласида ҳам, кийим-кечак масаласида ҳам. Болаларнинг бахтини ўйлаш, уларни ўқитиш, имкон топиб ўзингиз ҳам ўқиб-ўрганишингиз керак. Буларнинг ҳаммаси моддий таъминот билан боғлиқ. Ҳозир ҳам, илгари замонда ҳам бу нарсани инкор қилувчи таълимот бўлмаган. Ҳар биримиз айна пайтда муайян бир шароитга эга бўлиш учун интиляпмиз. Давлатимизнинг сиёсати ҳам, қилинаётган қурилишлар, ишлар ҳам янги жамият барпо этишга қаратилган. Шунини ҳам айтиш керакки, юксак маънавият фаровон яшашни, бойликни инкор этмайди. Лекин бойликни мақсад эмас, восита деб билиш жоиз. Мақсад эса

одамийлик, инсонийлик, камолот, халққа, миллатга хизмат қилиш бўлиши даркор. Топган нарсаларимиз, ақлимиз, фикримиз ҳам шунга восита бўлсин. Бу ўзгалар ҳавас қилгулик жамият, ўзаро етук инсоний муносабатлар қарор топишига олиб келади. Фарзандларимиз ана шундай кишилар бўлиб етишадилар, деган ниятдамиз. Илоҳим шу ниятга етайлик, иншооллоҳ!

— Яқинда олтмиш ёшга кирдингиз. Аввало таваллуд кунингиз билан табриклаймиз. Маълумки, бу улуғлик ёшига етган инсон уз ўтган умрини қандайдир сарҳисоб қилади. Янги режалар тузади. Шу маънода кечган ёшингиздан, аввало, инсон, қолаверса, олим сифатида қандай ҳаётий хулосалар чиқардингиз? Қандай ижодий ниятлар туғилмоқда?

— Табригингиз учун раҳмат. Аввало шуки, умримдан розиман. Аллоҳ менинг кўнглимга солган ниятларимнинг амалга ошаётганидан хурсандман. Яхши дўстлар орттирдим, беғараз, сўфий табиат устозларга йўлиқдим, улардан илм ўргандим. Олган билимларимни яна қайтариб шогирдларга етказаяпман. Мен умримдан яна шунинг учун розиманки, Ўзбекистонни, Ватанимни мустақил кўриш бахтига муяссар бўлдим. Шу мустақиллик йилларида мен олим сифатида танилдим, қадрландим. Менинг сўзим энг олий даргоҳларда эшитилди, илмим юртга, халққа керак деб топилди. Шу йиллар ичида мен 7 та китоб чоп эттирдим. Бир томондан, улуғ руҳоний пирларимиз таълимоти — тасаввуф ҳақида яхлит китоб ёздим, иккинчи томондан тасаввуфга оид бир нечта манбаларни таржима қилдим. Шарқу ғарб маънавиятидаги ўзаро баҳрамандликни таҳлил этувчи «Тафаккур карвонлари» номли китобим чиқди.

Ниятим, шу йўналишларда ишни давом эттириш — қадим маънавиятимиз сарчашмаларини чуқурроқ ўрганишга ҳисса қўшиш. Бу соҳада қилинадиган иш жуда кўп. Халқимиз қолдирган фалсафий-тафаккурий, бадий-адабий меросни кенг тадқиқ этиб, кўп жиллик асарлар яратиш керак, токи улар бугун ва келажак авлод учун ҳам хизмат қилсин, дейман. Бу, албатта, кўпчиликнинг кучи билан бўладиган иш. Янги типдаги раҳбар кадрларни ўқитиш, тарбиялаш, янгича тафаккурни шакллантиришга улуш қўшиш —булар бағоят масъулиятли, аммо шарафли вазифалар.

Урим фойдали, халқ учун қилинаётган ишларга сарфланаётганидан, Президентимиз, ҳукуратимиз ишончини баҳоли қудрат адо этаётганимдан хурсандман.

— Сиз ва бизга устоз Файбулла ас-Салом 60 ёшдан ўтиб гўзал шеърлар муаллифи сифатида танилдилар. Сиз ҳам шеър машқ қилганмисиз?

— Муҳтарам домла Файбулла ас-Салом — менинг устозим, шу одам раҳбарлигида мен фан номзоди ва фан доктори илмий даражаларига эга бўлганман. Домланинг шоирликларидан хабарим бор. Менда ҳам бу «касал» баъзан кўзгаб туради. Аммо шоирликка даъвом йўқ. Шоирлик — бу алоҳида истеъдод. Бу Аллоҳ инояти. Аллоҳ раҳмат қилгур Тилак Жўра, агарчи ўзи умр бўйи биз билан бирга бўлган бўлса ҳам, олимларни назар-писанд қилмасди. Балки шунинг «аламидан» Файбулла ака назмга қўл урдимикин... Ким билади дейсиз. Ҳар ҳолда баъзан менда ҳам назмий «табъ» пайдо бўлиб туради. Аммо ҳозирча бировга кўрсатганим йўқ эди.

— Ижозатингиз билан суҳбатимиз якунида муштарийларга шеърӣ машқларингиздан намуналар ҳавола этсак.

## МУНОЖОТ

Етмиш минг ақл оламин кездим,  
Етмиш икки томир-ла сездим:  
Сен Қудратсан, покловчи Рухсан,  
Азал-абад Воҳид шуқудсан.  
Олам— вужудингнинг вужуди,  
Олам— ҳикматингнинг шуқуди.  
Замон, макон, қадим, истиқбол,  
Эрку бахту омад, истиқлол —  
Бари Сенсан, барчаси Сендан.  
Яратувчи, ризқ бергувчисен,  
Фақат Сенсан ёру мадакор,  
Фақат Сенга суянмоқ даркор.  
Фақат Сенинг номинг улғидир,  
Нуринг билан қалбим тўлиқдир.  
Камол десам— Камол Ўзингсан,  
Жамол десам— Жамол Ўзингсан.  
Мутлақ вужуд, абад ҳаётсан,  
Ҳақсан, Ҳақиқатсан, Нажотсан.  
Сирларимга маҳрам Ўзингсан,  
Дардларимга малҳам Ўзингсан.  
Мадад бергин, қўлла қулингни,  
Яхшиликка йўлла қулингни.  
Ҳузурингдан бенасиб этма,  
Раҳматингни Сен дариг тутма.  
Рухим топсин ором, ҳаловат,  
Иймонимни сақлаб саломат,  
Аллоҳим деб умрим ўтказсам,  
Омонатни Сенга етказсам...

## АЛЛОҲИМ

Сенга фақат суянмоқ керак,  
Қудратингга инонмоқ керак.  
Сени севмоқ юрак-юракдан,  
Номинг айтиб тўйинмоқ керак.

Сенинг йўлинг хато бўлмайди,  
Ҳикматларинг адо бўлмайди.  
Дунё Сенинг — охират Сенинг,  
Ҳеч ким Сендан жудо бўлмайди.

Ақлларнинг жавраши бекор,  
Режалару тадбирлар ночор.  
Сен барибир голиб, музаффар,  
Сен Раҳмонсан қодир ҳукмдор.

Зарралардан коинот қалар,  
Иродангга итоат этар.  
Барча Сенга келиб туташар,  
Бари Сендан жунбушга келар.

Сен — таянчим, нажотим Сендан,  
Собит бўлсам, саботим Сендан.  
Бу дунёу у дунёда ёлғиз ЁР  
Илмим, сўзим ҳаётим Сендан.

## РУҲ

Самоларда этар парвоз,  
Қўнарга ошиёни йўқ.  
Макони йўқ, жаҳони йўқ,  
Замон ичра замони йўқ.  
Этар фарёд, тинар бирдам,  
Ки сўзларга забони йўқ.  
Аёғида кишан бордир,  
Қутулмоққа имкони йўқ.  
Гаҳи шолдир, гаҳи маҳзун  
Гаҳи кўзларида намдир.  
Гаҳи чақмоқ мисол ёрқин,  
Гаҳи олам аро ғамгин.  
Нишони йўқ яловдир у —  
Куйдургувчи оловдир у.



Самоларда этар парвоз,  
Ажаб қуш ошиёни йўқ..

## ЎЗИМГА

Аллоҳни сев, Пайғамбарни сев,  
Севгин қалби гўзал инсонни.  
Ардоқлаган эл-юртингни сев,  
Севгин меҳр тула жаҳонни.

Севги билан ораста олам,  
Муҳаббат-ла бағримиз бутун.  
Севгувчи дил — улуғ бир неъмат.  
Севги берар умрга мазмун.

Сабру тоқат, қаноат — севги,  
Чин юракдан ибодат — севги.  
Илму ҳикмат, каромат — севги,  
Ихлос, имон, садоқат — севги.

Ишқдан бизни яратди Аллоҳ,  
Қалбга нурын таратди Аллоҳ.  
Севгин дея хитоб айлабон,  
Ўзин бизга танитди Аллоҳ.  
Аллоҳ билан юксалар одам,  
Аллоҳ билан мунаввар олам.  
Илоҳ ишқи жон ичра жондир,  
Шу ишқ билан яшагин ҳар дам.

## ҚАЙДАСИЗ?

Ойдин тунда ой меҳмонинг бўлганда,  
Қўйнинг, кўнглинг кумуш нурга тўлганда,  
Эслаб қолсанг шунда мени мабодо,  
Секингина шивирлагин: қайдасиз?

Хаёлларинг ғужғон юриб ўйнаса,  
Юраккинанг минг бир сирни сўйласа,  
Сирдош излаб, бўзлаб, бўзлаб куйласа,  
Секингина шивирлагин: қайдасиз?

Вужудингни босиб келса ҳаяжон,  
Тошқин ҳисларингга топмасанг макон,  
Айтар сўзни айтолмайин лол қолса забон,  
Секингина шивирлагин: қайдасиз?

Нигоҳингни сеҳрласа кенг само,  
Зуҳро юлдуз тухфа этса хуш наво,  
Қулоғингга чалинса таниш садо,  
Секингина шивирлагин: қайдасиз?

Садо бўлиб кириб борай хонангга,  
Ўлтирайин ойга боқиб ёнингда.  
Мени излаб талпинганинг онингда,  
Секингина шивирлагин: қайдасиз?

Ойдин тунда ой меҳмонинг бўлганда,  
Кўйнинг, кўнглинг кумуш нурга тўлганда...

\* \* \*

Аллоҳим, пардаларингни кўтар,  
Ёндир бу вужудимни ёндиргил.  
Даргоҳинг обиҳаётдир ахир,  
Қондир ташна дилимни қондир.

\* \* \*

Ўзингга сизгиндим, Ўзга паноҳим йўқ,  
Ўзга қиблагоҳиму саждагоҳим йўқ.  
Хоҳ қўлла, хоҳ ситам эт, изтиробга сол,  
Заррача бўлса-да фиғону оҳим йўқ.

\* \* \*

Сизнинг борлигингиз менга саодат,  
Сизнинг ёрлигингиз мен учун қувват.  
Сизни кўриб руҳланади хаста дил.  
Сиз ахир яхлит бир кўнгилсиз, кўнгил.

\* \* \*

Ақлингга тараф йўқ, зоти мукаррам,  
Ҳар нарсага қодир ҳазрати одам.  
Лек ўзингни тушунмакка ўзинг ожиз,  
Зероки тугунсан, сирдирсан мубҳам.

\* \* \*

Бир менму, бу олам аламин чеккан,  
Озурда дили ғам тиғига теккан?  
Шодлик гули унган ҳар инсон дилига  
Бу чарх минг ғусса уруғин эккан.

\* \* \*

Битмаган ишлар кўп — битмайди улар,  
Кетмаган ғамлар кўп — кетмайди улар.  
Оёқлар югурар тиним билмасдан,  
Манзилга етмади — етмайди улар.

Биз юрган йўллардан юрмади улар,  
Биз кўрган чироқни кўрмади улар,  
Шитоб-ла от суриб кетдилар олға.  
Не хавф бор, не хатар— сўрмади улар.

\* \* \*

Керак эмас менга давлат зиёда,  
Даблаба-ю ҳашам, шуҳрат керакмас.  
Менга Худо берган ризқим кифоя,  
Менга азиз юртим омон бўлса бас.

Донишманд кўзингга боқиб тўймайман,  
Анор юзларингдан ўпайин халқим.  
Сен борсанки ҳаётим бутун,  
Сен борсанки номим зиёда.  
Кучоғингда ўсдим, балқидим,  
Чумолидай хизматингга бўлиб шай.

Корингга ярасам қанийди?  
Қарзимни узолсам, кўзингга боқсам...

\* \* \*

Тақдир, сендан розиман ақл-хуш берганинг учун,  
Ҳаётда муносиб тенг-тўш берганинг учун.  
Имонли, идрокли одамлар раҳнамо бўлиб,  
Серғулу юрак, кўп юмуш берганинг учун.

## МУНДАРИЖА

Дебоча .....	3
<b>КОМИЛ ИНСОН АХЛОҚИ</b> .....	<b>7</b>
Тарих ва таъриф .....	9
Тариқат .....	22
Ҳол .....	30
Маърифат ва ҳақиқат .....	37
Муҳаббат .....	48
Каромат .....	59
Тариқат ва шариат .....	71
Хилват ва анжуман .....	85
Футувват .....	105
Моҳият — инсон учун курашмоқ .....	121
Комил инсон .....	130
Тасаввуф ва бадний ижод .....	139
Тимсоллар тимсоли .....	149
Шоҳу дарвеш ҳикмати .....	161
Сукрот — комил инсон тимсоли .....	182
Ишқ оташининг самандари .....	192
Жон ва жонон можароси .....	206
«Ахтарин ишқ эттико совуғ нафсни оқ субҳ» .....	213
«Эрур кўнгулда сафо ишқ тоза доғи била» .....	220
«Аҳд қилдим: ишқ лафзин тилга мазкур этмайин» .....	227
«Соқие, талх ўлди айшим ҳажр бедоди била» .....	234
Хотимат ул-китоб .....	239
<b>ТАВҲИД АСРОРИ</b> .....	<b>243</b>
Тасаввуф фалсафаси .....	245
Комиллик тариқати (Уруж) .....	251
Мақсад — Ҳаққа етишмоқ .....	261
Тасаввуфда шафқат концепцияси .....	270
Ирфон ва комил инсон .....	278
Ихлос — халос .....	287
Дарвеш ахлоқи таърифида .....	299

Тавҳид асрори. Фано ибрати. (Муқаддима ўрнида) .....	310
Яссавий ҳақиқати .....	333
Ишқни оловлантирган сўз ёхуд «Қаро кўзум» .....	345
Саййид Ҳасан Ардашер — комил инсонми? .....	356
Инсондан Илоҳга. (Мирзо Бедил ҳақида сўз) .....	373
«Қамоли нури раҳматман». (Машраб жазбаси) .....	380
Руҳи қудсийлардан бири .....	390
Қамолот илми .....	394
<b>НАЖМИДДИН КУБРО</b> .....	<b>397</b>
Тариқат Куброси .....	399
Илова. Илм хосияти .....	430

**М 23**

**Нажмиддин Комилов.**  
Тасаввуф/ Н. Комилов; –Т.: «Movarounnahr» —  
«O'zbekiston», 2009. –448 б.

ISBN 978-9943-01-382-7

**ВВК 87.3(5)**

**Нажмиддин КОМИЛОВ**

**ТАСАВВУФ**

«MOVAROUNNAHR» — «O'ZBEKISTON»

Муҳаррирлар *Б. Шарипов, Л. Игасова*  
Бадий муҳаррир *О. Фозилов*  
Техник муҳаррир *У. Ким*  
Компьютерда тайёрловчи *Г. Қулназарова*

Босишга рухсат этилди 4.09.2009. Бичими 60×90 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>  
Таймс гарнитурда офсет усулда босилди. Шартли босма  
табоғи 28,0. Нашр табоғи 27,38. Нусхаси 3 000.  
Буюртма № 08-106.

«MOVAROUNNAHR» нашриёти, Тошкент, 100069.  
Зарқайнар кўчаси, 18-берк кўча, 47а.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг  
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.  
100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30